М.Аскарова, К.Қосимова,
Ҳ.Жамолхонов

# ЎЗБЕК ТИЛИ

ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК

«ЎҚИТУВЧИ»

835-2

## СЎЗ БОШИ

«Ўзбек тили» дарслиги педагогика билим юртларининг студентларига мўлжалланган бўлиб, шу курснинг программасига мослаб ёзилди: унда ўзбек тилшунослиги фанининг фонетика, орфография, лексика, морфология, синтаксис ва пунктуация бўлимлари тавсифлаб берилди.

Дарсликнинг яратилишида рус тилшунослик фани, шунингдек, туркология ҳамда ўзбек тилшунослиги соҳасида яратилган монография, дарслик ва қўлланмалар илмий-назарий ва методологик жиҳатдан асос бўлди.

Дарсликда педагогика билим юртлари студентларини тил ҳодисаларининг баъзи мураккаб масалалари билан кенгроқ таништириш мақсадида айрим бўлимлар ёки темалар (масалан, орфография, лексикография, грамматиканинг баъзи масалалари) назарий жиҳатдан бир оз чуқурлаштириб берилди. Шунинг учун тил қоидаларини мустаҳкамлашни кўзда тутувчи хилма-хил машқ турларидан анча унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Тил дарсликларига хос бўлган машқ турларидан ташқари, фонетика, орфография, лексикология бўлимларида берилган топшириқлар ёки морфология ва синтаксис қисмларида ўзбек тили курсининг бошланғич синфларда она тили ўқитиш билан боғланишини таъминлаш ниятида келтирилган айрим методик машқлар бунга бир мисолдир.

Тил ҳодисаларини баён этишда янги программа асосидаги мактаб дарсликлари билан боғланиш бўлишига, ифода услубининг содда ва аниқлигига, мисолларни, асосан, бадиий асарлардан танлашга, уларнинг ёритилаётган ҳодиса учун типик бўлишига алоҳида эътибор берилди. Синтаксисга доир баъзи қоидаларнинг анча мураккаблигини назарда тутиб, бу қисмда бошқа бўлимларга нисбатан кўпроқ машқлар берилди.

Мазкур дарсликдан педагогика билим юртлари студентлари билан бирга, олий ўқув юртларининг тайёрлов гуруҳлари тингловчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон
Педагогикалық
Университети
Кітапхана

чилари ва ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Дарсликнинг «Фонетика», «Орфография», «Лексикология ва фразеология» бўлимларини Ҳ. Жамолхонов, «Морфология» ва «Пунктуация» бўлимларини К. Қосимова, «Синтаксис» бўлимини эса М. Асқарова ёзган.

Авторлар дарсликдан фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини мамнунлик билан қабул қиладилар ва уни қуйидаги адресга юборишларини сўрайдилар:

*Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй,*
*„Ўқитувчи" нашриёти*

# ФОНЕТИКА

## ФОНЕТИКА ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**1-§.** Нутқ сўзлардан ва шу сўзларнинг ўзаро боғланишини таъминловчи грамматик воситалардан тузилган. Масалан, *Биз билим юртида ўқиймиз* гапида *биз, билим, юрт, ўқимоқ* каби сўзлар ва шу сўзларнинг боғланишини таъминловчи ***-и*** (эгалик қўшимчаси), ***-да*** (ўрин-пайт келишиги қўшимчаси), ***-миз*** (шахс-сон қўшимчаси) каби грамматик воситалар қатнашган. Гапдаги сўз ва қўшимчалар эса маълум нутқ товушларидан таркиб топган. Демак, нутқ товушлари сўз ва гапларнинг юзага келишида моддий база (қурилиш материали) бўлиб хизмат қилади. Нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиши, турлари, ўзгариши, сўз маъноларини фарқлашдаги роли, урғу, бўғин каби ҳодисалар фонетикада ўрганилади.

**2-§. Товуш ва фонема.** Нутқ товушлари ва фонема ўзаро фарқ қилади. Товуш нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлинмайдиган энг кичик бирлигидир. Товушнинг сўз маъноларини фарқлашда хизмат қиладиган тури ф о н е м а саналади. Масалан, бешта товушдан таркиб топган *тахта* (от) ва *тўхта* (феъл) сўзларининг биринчи бўғинидаги **а, ў** товушлари сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилувчи фонемалардир. Яна қиёсланг: ***п**ахта — **т**ахта, **ғ**ўза — **к**ўза.*

Ҳозирги ўзбек адабий тилида 31 фонема бор. (5-§ га қаранг.)

**3-§. Нутқ органлари.** Нутқ товушлари нутқ органлари иштирокида юзага келади. Нутқ органларига қуйидагилар киради:

1. Ўпка, бронхлар, трахея, диафрагма, кўкрак қафаси органлари ўпкадаги ҳаво оқимини бўғиз, оғиз ва бурун бўшлиқларига етказиб бериш вазифасини бажаради. Шунга кўра улар н а ф а с а п п а р а т и деб ҳам аталади.

2. Бўғиздаги ҳалқасимон, пирамидасимон, қалқонсимон тоғайлар ва ун пайчалари органлари, жойлашган ўрнига кўра, б ў ғ и з б ў ш л и ғ и а п п а р а т и деб ҳам аталади. Нафас аппаратидан етиб келган ҳаво оқимининг бўғиз бўшлиғидаги ун пайчаларини тебратиб ўтишидан овоз ҳосил бўлади. Демак, бўғиз бўшлиғи овоз манбаи саналади.

3. Тил, кичик тил, танглай, тишлар ва лаблар о ғ и з б ў ш л и ғ и а п п а р а т и деб аталади. Нафас аппаратидан келаётган ҳаво оғиз бўшлиғида бирор тўсиққа (тил билан танглай ёки икки лаб орасида юзага келган тўсиққа) учраб, ундан портлаб ёки сирғалиб ўтишидан шовқин ҳосил бўлади. Демак, оғиз бўшлиғи шовқин манбаи саналади.

4. Б у р у н б ў ш л и ғ и. Бу аппарат баъзи товушларга ўзига хос тус (тон) бериш вазифасини бажаради. Чунончи, **м, н, нг** товушла-

рини ҳосил қилишда ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг бир қисми бурун бўшлиғига ўтиб, бурун деворчаларига урилади, натижада қўшимча тон ҳосил бўлиб, товушга қўшилади.

5. Марказий нерв системаси. У нутқ органлари ҳаракатини юзага келтиради, бу ҳаракатни бевосита бошқариб туради.

***1-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Фонетика нимани ўрганади?
2. Товуш нима? Фонема нима?
3. Ҳозирги ўзбек адабий тилида нечта фонема бор?
4. Нутқ органлари ва нутқ аппарати деб нимага айтилади?
5. Нафас аппаратига нималар киради, улар қандай вазифани бажаради?
6. Бўғиз бўшлиғида қандай нутқ органлари бор, улар қандай вазифани бажаради?
7. Оғиз бўшлиғида қандай нутқ органлари бор? Оғиз бўшлиғи товуш ҳосил қилишда қандай манба саналади?
8. Бурун бўшлиғи қандай вазифани бажаради?
9. Нутқ товушларини ҳосил қилишда марказий нерв системасининг қандай иштироки бор?

**4-§. Артикуляция.** Нутқ органларининг товуш ҳосил қилиш пайтидаги ҳаракати ва ҳолати артикуляция дейилади. Товуш ҳосил қилишда актив қатнашаётган орган ёки унинг бир қисми артикуляция ўрни деб, артикуляция ўрнидан ҳаво оқимининг портлаб ёки сирғалиб ўтиши артикуляция усули деб аталади. Чунончи, **б** ва **в** товушларини ҳосил қилишда лаблар, **т** ва **с** товушларини ҳосил қилишда тилнинг олд қисми, **қ** ва **ғ** товушларини ҳосил қилишда тилнинг орқа қисми актив қатнашади. Булар артикуляция ўрнига мисол бўлади. Айни пайтда **б**, **т**, **қ** товушларини ҳосил қилишда ҳаво оқими ўзаро жипслашган икки нутқ органи орасидан (артикуляция ўрнидан) портлаб, **в**, **с**, **ғ** товушларини ҳосил қилишда эса ҳаво оқими икки нутқ органи ўртасидаги тор оралиқдан сирғалиб ўтади. Бундаги портлаш ва сирғалиш процесслари артикуляция усулига мисолдир.

**Нутқ товушлари классификацияси**

5-§. Нутқ товушлари дастлаб икки турга бўлинади: унли товушлар ва ундош товушлар.

1. **Унли товушлар** фақат овоздан иборат бўлиб, бўғиздаги ун пайчаларининг ҳаво оқими таъсирида тебранишидан юзага келади. Унли товушларни талаффуз қилганда ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамасдан (шовқин ҳосил қилмасдан) ўтади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида олтита унли товуш бор: **и, э, а, у, ў, о.**

2. **Ундош товушлар** ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида тўсиққа учрашидан юзага келган шовқиндан ҳосил бўлади. Овоз эса ундош товушлар таркибида бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. (Бу ҳақда ундош товушлар классификацияси баҳсида гапирилади.)



Ҳозирги ўзбек адабий тилида 25 та ундош товуш бор: **б, в, г, д, ж, ж, (қоришиқ ж,) з, й, к, л, м, н, ң, (нг), п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.**

**1-машқ.** Текстни кўчиринг. Сўз таркибидаги унли ва ундош товушларни топиб, уларнинг фарқини оғзаки тушунтиринг.

Бектемир қалин ўт орасига, катта, адил қарағай орқасига яширинди. Самолётларнинг машъум садоси юракни суғуриб олгудай таъсир қиларди. Мана, узоқда бомбалар олдин-кетин портлади. Бир зумда қора қушлар Бектемирнинг тепасида чарх ура бошлади. Қарамади. У дам қалин чангаллар орасига суқилди, дам дарахтни қучоқлади. У гўё бошқаси нажот бағишлашга ишонгандай, биридан иккинчи ва учинчисига ўтиб паноҳ қидирарди. (*О.*)

6-§. **Унли товушлар классификацияси.** Унли товушлар уч томондан қуйидагича классификация қилинади:

1. **Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра.** Бунда тилнинг олдинга (тиш томонга) силжиши ёки орқага тортилиши назарда тутилади. **и, э, а** унлиларини ҳосил қилишда тил олдинга силжиса, **у, ў, о** унлиларини ҳосил қилишда бир оз орқага тортилади. Шунга кўра, **и, э, а** товушлари олд қатор, **у, ў, о** товушлари эса орқа қатор унлилар деб аталади.

2. **Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра.** Бунда оғизнинг очилиш даражаси (тилнинг пастки жағ билан бирга қуйига тушиши ёки аксинча, юқорига кўтарилиши) назарда тутилади; **и** ва **у** товушларини ҳосил қилишда тил танглайга бирмунча яқин туради, **э** ва **ў** товушларини ҳосил қилишда тил билан танглай ўртасидаги оралиқ ўртача бўлади, **а** ва **о** товушларини ҳосил қилишда эса тил билан танглай ўртасидаги оралиқ анча кенгаяди. Шунга кўра, **и** ва **у** товушлари юқори (тор) унлилар, **э** ва **ў** товушлари (ўрта кенг) унлилар, **а** ва **о** товушлари эса қуйи (кенг) унлилар, деб аталади.

3. **Лабларнинг иштирокига кўра** унлилар икки турга бўлинади:

1. Лабланган унлилар: **у, ў, о.** Булардан **у, ў** товушларини ҳосил қилишда лаблар чўччаяди, **о** товушини ҳосил қилишда эса, лаблар бир оз олдинга силжийди.

2. Лабланмаган унлилар: **и, э, а.** Бу товушларни ҳосил қилишда лаблар иштирок этмайди.

**2-машқ.** Текстни ўқиб, унли товушларга тилнинг горизонтал ва вертикал ҳаракати жиҳатидан характеристика беринг.

Ўрик дарахти остидаги баланд супада ётган Муротали одатдагидек тонг-саҳарда уйғонди. Уйғонди-ю, кўзларини катта-кичик очиб, ўрик шохларига термилди. Ҳар бир новда ғунча ва гул билан тўла эди. Кекса деҳқон севимли дарахтнинг шохлари, новдалари, ғунча ва гулларига иштиёқ билан термилар экан, қалби севинч билан талпинарди. У ўрик дарахтининг шохларига, шохлар орасидан яққол кўринган тиниқ осмонга, тонгни қутлаб табассум қилаётган юлдузларга зўр ҳавас билан тикиларди. (*Ш. Р.*)

**3-машқ.** Текстни ўқиб, унли товушларга лабларнинг иштироки жиҳатидан характеристика беринг.

Супанинг устига эгилиб тушган новда шиғил гулга тўлиб, Муроталининг кўзи олдида жилва қиларди. У, ўрик шохларига термилар экан, отасининг сўзларини эслади: «Бу ўрик юз йил гуллаб, юз йил мева қилади. Сен ҳам, арзанда ўғлим, ана шу ўрик сингари юз йил яша, меҳнатинг ўрик сингари сермева бўлиб, элни баҳраманд қилсин!» (*Ш. Р.*)

Унли товушлар классификацияси жадвали

| Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра | Тилнинг горизонтал ҳаракати ва лабларнинг иштирокига кўра | |
|---|---|---|
| | Олд қатор, лабланмаган | Орқа қатор, лабланган |
| Юқори (тор) унлилар | и | у |
| Ўрта (ўрта кенг) унлилар | э | ў |
| Қуйи (кенг) унлилар | а | о |

***2-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Артикуляция нима?
2. Артикуляция ўрни деб нимага айтилади?
3. Артикуляция усули деб нимага айтилади?
4. Ҳозирги ўзбек адабий тилида нечта унли товуш бор?
5. Унли товушларга хос хусусиятлар нимадан иборат?
6. Унли товушлар қандай классификация қилинади?

**4-машқ.** Текстни ўқиб, унли товушларни анализ қилинг.

Ойкўл қишлоғининг исми жисмига унча монанд эмас. Унда на кўл бор, на каттароқ ариқ. Фақат қишлоқнинг ўртасидан бир булоқ чиққан. Бу булоқнинг суви тоғнинг нариги ёғидаги ойкўлнинг сувига ўхшаш кўм-кўк ва ширин. Ойкўлга баланд Сунбул чўққидан одамнинг белидай сув қишин-ёзин тушиб турар экан-у, ҳеч қаеридан чиқиб кетмас экан. Кексаларнинг айтишича, ўша сув тоғнинг тирқишидан оқиб келиб, мана шу булоқдан чиқармиш. Буни исботлайдиган бир ривоят ҳам бор: эмиш, тоғда қўй боқиб юрган бир чўпоннинг таёғи кўлга тушиб чўкиб кетибди. Таёқнинг ичига олтин яширилган экан. Кейин шу таёқ мана шу булоқдан чиққан эмиш...

Шунинг учун булоққа ҳам, қишлоққа ҳам Ойкўл номи берилган экан. Булоқ бутун қишлоқни ширин сув билан таъминлайди. Шу атрофда ўсган тераклар, садалар ва мевали дарахтларнинг томирига ҳаёт бағишлайди. (*Ш. Р.*)

**7-§. Ундош товушлар классификацияси.** Ундош товушлар ҳам уч томондан классификация қилинади:

1. Артикуляция (ҳосил бўлиш) ўрнига кўра.
2. Артикуляция (ҳосил бўлиш) усулига кўра.
3. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра.



**8-§. Артикуляция ўрнига кўра** классификацияда товушнинг қайси орган иштирокида ёки нутқ органининг қайси қисмида ҳосил бўлиши назарда тутилади. Артикуляция ўрнига кўра ундош товушлар қуйидаги турларга бўлинади:

**1. Лаб ундошлари** — бевосита лаблар иштирокида ҳосил бўлувчи товушлар: **б, п, м, в, ф.** Шулардан **б, п, м** ҳамда *қовун, совун* сўзларидаги **в**, *уф, пуфламоқ* сўзларидаги **ф** лаб-лаб ундошлари саналади, чунки бу товушлар пастки ва устки лаблар орасида ҳосил бўлади. *Вагон, автомашина, актив, пассив, фабрика, факат, сифат* каби сўзлардаги **в, ф** товушлари эса лаб-тиш ундошлари дейилади, чунки бу товушлар икки лаб орасида эмас, балки пастки лаб билан юқори тишлар орасида ҳосил бўлади.

**2. Тил ундошлари** — бевосита тил иштирокида ҳосил бўлувчи товушлар. Буларга қуйидаги ўн тўққизта ундош киради: **г, д, ж, җ** (қоришиқ ж), **з, й, к, л, н, ң, (нг), р, с, т, х, ц, ч, ш, қ, ғ.**

Тилнинг қайси қисми актив иштирок этишига кўра тил ундошлари ўз навбатида қуйидаги уч турга бўлинади:

1) тил олди ундошлари: **д, ж, җ** (қоришиқ), **з, л, н, р, с, т, ц, ч, ш;**

2) тил ўрта ундоши — тилнинг ўрта қисми танглайнинг ўрта қисмига томон кўтарилишидан ҳосил бўлувчи **й** товуши;

3) тил орқа ундошлари — тилнинг орқа қисми билан танглайнинг орқа қисми орасида ҳосил бўлувчи товушлар: **к, г, ң, (нг), қ, ғ, х.** Тил орқа ундошлари иккига бўлинади: а) саёз тил орқа ундошлари: **к, г, ң, (нг)** товушлари танглайнинг ўрта қисмидан орқароқда ҳосил бўлади; б) чуқур тил орқа ундошлари: **қ, ғ, х** товушлари **к, г, ң, (нг)** товушлари пайдо бўладиган ўриндан ҳам орқароқда ҳосил бўлади.

**3. Бўғиз ундоши ҳ** бўғиздаги ун пайчалари ҳосил қилган тор ораликдан ҳаво оқимининг қисилиб ўтиши натижасида юзага келади.

**5-машқ.** Текстни кўчиринг. Лаб ундошларини топиб, уни турларга (лаб-лаб ва лаб-тиш ундошларига) ажратинг.

Эндигина нонушта қилган Муротали астагина ўрнидан туриб, баланд супа устидан колхоз пахтазорларига ҳавас билан тикилди. Сўнгра Олтинсойга борадиган йўлга назар ташлади. Муротали бу йўллардан озмунча қатнаганми? Ишга шу йўлдан бориб, шу йўлдан қайтарди. Шу таниш ва қадрдон йўлдан қайтаркан, эртанги кун тўғрисида, бригаданинг иши ва режалари тўғрисида ширин хаёлларга кўмиларди. (*Ш. Р.*)

**6-машқ.** Текстни ўқинг. Тил ундошларига унинг турлари жиҳатидан характеристика беринг.

Ўқув корпуслари одатдан ташқари сукутга чўмган эди. Кириш имтиҳонлари тугаган, янги ўқув йилига ҳали одам йиғилган эмас, ёзда қабул ишларига ўралашиб дам ололмаганлар ҳам энди ҳар қаёққа тарқаб кетган.

Гавҳар бўм-бўш вестибюль ва коридордан ўтиб, ўз аудиторияларининг олдига борди. Эгнида гулли крепдешин кўйлак, қўлида оқ сумкачаси, сочини битта қилиб ўрган, юзи қорайган, анча озган, кўзлари одатдан ташқари ўтли, лекин юриши жуда осойишта. У атайлаб ундан олдин келган ва кутиб сабрсизланмас эди. Энг ташвишли кунлар энди орқада қолган, ҳамма нарса ҳал бўлган эди. *(П. Қ.)*

**7- машқ.** Текстни кўчиринг. Ундошларни артикуляция ўрнига кўра анализ қилинг.

Кун қиёмга келган бўлса ҳам, тоғ ҳавоси салқин, қўй-қўзилар жилғанинг майин кўкати устида — офтобда кавш қайтариб дам олишади. Шохи узун қизил серка арча соясида ястаниб ётибди. Шохининг учи билан биқинини қашлаганда бўйнидаги қўнғироқча мулойим жиринглаб қўяди.

Аваз билан Ҳулкар юқоридан шилдираб тушаётган тиниқ сув бўйида, арча билан айқашиб ўсган зирк тагида ўтириб озқатланишади. Улар ўтирган баландликдан жилғадаги сурув яхши кўринади. Катта бўлиб қолган семиз қўзилар оналарининг соясига бошларини яшириб кавшанишади. Кичикроқлари жилға бўйида у ёқдан-бу ёққа югуриб ўйин тушишади. *(П. Қ.)*

**9- §. Артикуляция усулига кўра** классификацияда нутқ органлари ҳосил қилган тўсиқдан ҳаво оқимининг портлаб ёки сирғалиб ўтиши назарда тутилади. Бу жиҳатдан ундош товушлар қуйидаги уч турга бўлинади:

1. **Портловчи ундошлар: б, г, д, ж, к, п, т, ц, ч, қ.** Булардан **б, п** ундошларини ҳосил қилишда ҳаво оқими икки лаб орасидаги тўсиқдан, **д, ж, т, ц, ч** ундошларини ҳосил қилишда ҳаво оқими тилнинг олд қисми билан юқори тишлар ва милк орасидаги тўсиқдан, **к, г, қ** ундошларини ҳосил қилишда эса ҳаво оқими тилнинг орқа қисми билан танглайнинг орқа қисми орасидаги тўсиқдан портлаб ўтади. Портловчилар соф портловчилар **(б, г, д, к, т, п, қ)** ва қоришиқ портловчилар **( ж, ц, ч)** га бўлинади: ж ундоши портловчи д ва сирғалувчи ж товушларининг, ц ундоши портловчи т ва сирғалувчи с товушларининг, ч ундоши эса портловчи т ва сирғалувчи ш товушларининг ўзаро қўшилиб, қоришиб кетишидан юзага келади: д + ж = ж, т + с = ц, т + ш = ч.

2. **Сирғалувчи ундошлар: в, ж, з, й, с, ф, х, ш, ғ, ҳ.** Булардан **в, ф** ундошларини ҳосил қилишда ҳаво оқими икки лаб ўртасидаги тор ораликдан ( *қирғовул, қувур, уфламоқ, пуфламоқ* каби сўзларда) ёки пастки лаб билан юқори тишлар орасидаги тор ораликдан (*авиация, виставка, автомат, фан, ҳарф, кафт, фабрика, телефон* каби сўзларда) сирғалиб ўтади; **ж, з, с, ш** ундошлари эса ҳаво оқимининг тил билан юқори милк ўртасидаги тор ораликдан, **й** ундоши тил ўрта қисмининг танглай ўрта қисмига яқинлашувидан юзага келган тор ораликдан, **ғ, х** ундошлари тил орқа қисми билан танглайнинг орқа қисми ўртасидаги тор ораликдан, **ҳ** ундоши эса бўғизнинг ун пайчаларини орасида юзага келган тор бўшлиқдан сирғалиб ўтишидан ҳосил бўлади.



3. **Портловчи-сирғалувчи ундошлар: м, н, н, (нг), л, р.** Бу товушларнинг ҳосил бўлишида ҳам портлаш, ҳам сирғалиш процесслари баравар қатнашади. м ундошининг ҳосил бўлишида ҳаво оқимининг бир қисми оғиз бўшлиғидан (лаблар ҳосил қилган тўсиқдан) портлаб ўтса, қолган қисми бурун бўшлиғидан сирғалиб ўтади. **н** ва **нг** ундошларининг ҳосил бўлишида ҳам ҳаво оқимининг бир қисми оғиз бўшлиғидан (тил билан танглай орасидаги тўсиқдан) портлаб ўтса, қолган қисми бурун бўшлиғидан сирғалиб ўтади. Шунингдек, л ундошини ҳосил қилишда ҳам ҳаво оқимининг бир қисми тил билан танглай орасидаги тўсиқдан қисман портлаб, қисман эса тилнинг икки ёнида очилиб қолган бўшлиқдан сирғалиб ўтади: р ундошини ҳосил қилишда эса тил титраб туриши сабабли ҳаво оқими бир портлаб, бир сирғалиб ўтади. Шу хусусиятларга кўра, м, н, н, **(нг)** ундошлари бурун товушлари, л ундоши ён товуш, р ундоши эса титроқ товуш дейилади.

**8- машқ.** Текстни кўчиринг. Портловчи ундошларни топиб, портлаш усулини тушунтиринг.

Янги очилган ва қониб-қониб сув ичган семиз ерларнинг нариги томонида поёнсиз чўл ястаниб ётарди. Уфқларга туташиб кетган чўлнинг у ер-бу ерида қовжираб турган шувоқ муттасил кезиб юрган чўл шабадасида қалтираб турарди. Аммо Ойқизнинг ишончи комил эдики, эрта-индин бу ерлар ҳам чамандек яшнайди, кўм-кўк пахтазорлар бунёд этилади-ю, кенг чўл ранг-баранг гиламдек кўзларни қамаштиради, Олтинсой чўллари теп-текис; ерлари қуйруқдай семиз ва серҳосил қўриқ ва бўз ер очишнинг харажати оз. *(Ш. Р.)*

**9- машқ.** Текстни ўқинг. Сирғалувчи ундошларни топиб, уларнинг ҳосил бўлишида, ҳосилқилишларга қараб, ундошлар сирғалиб ўтишини тушунтиринг.

**12- машқ.** Текстни кўчиринг. Ундош товушларга юқоридаги жадвал асосида характеристика беринг.

Ёмғир тинган. Лекин ҳаво безрайиб турар, ҳовли кўлмакларида қорамтир булутлар, ивиган девор, ҳўл дарахтлар акс этарди.

Йигирманчи аудиторияда бир-бирига туташтирилган икки узун столнинг устига катта газета қоғози ёйилган. Стол атрофида редколлегия кенгашяпти. Қадимги Рим харитаси қора ганч доска юзасига осилганича қолиб кетган, полда эзғиланган қоғоз парчалари ётибди. Афтидан, ҳамма лекция тугаши билан дарҳол тўпланган. *(П. Қ.)*

**13- машқ.** Текстни ўқинг. Ундош товушларни фонетик анализ қилинг.

Апрелнинг ўрталаридаёқ Тошкентга алоҳида ҳусн ва файз бериб кўкарадиган дарахтларнинг гўзаллиги юзларни ҳам, кийимларни ҳам одатдан ташқари нафис ва тиниқ қилиб кўрсатарди. Бутун шаҳар-

товуш берарди. Ёшликдан таниш бўлган бу товуш ва юлдузларнинг сирли милтиллаши каникулнинг дастлабки кунларида Маҳкамни тез ухлатарди. Лекин бора-бора булар ҳам одатдаги нарсалар қаторига кирди ва таъсир қилмай қўйди. (*П. Қ.*)

**10-§. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра** ундош товушлар қуйидаги икки турга бўлинади:

1. Сонорлар — таркибида овознинг миқдори шовқинга нисбатан ортиқ бўлган товушлар: **н, м, ң (нг), л, р.**

2. Шовқинлилар — таркибида шовқиннинг миқдори овозга нисбатан кўп бўлган ёки овоз мутлақо қатнашмаган товушлар: **б,в, г, д, ж, җ з, й, к, п, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.** Шовқинлилар ўз навбатида икки турга бўлинади: а) *жарангли ундошлар* — таркибида оз бўлса-да овоз қатнашган товушлар: **б, в, г, д, ж, җ, з, й, ғ;** б) *жарангсиз ундошлар* — таркибида овоз мутлақо қатнашмаган (фақат шовқиндан иборат бўлган) товушлар: **к, п, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ҳ.**

**11-машқ.** Текстни кўчиринг. Ундошларга овоз ва шовқиннинг иштироки жиҳатидан характеристика беринг.

Қишнинг сўнгги кунлари аста-секин чекинмоқда эди. Ойқиз неча-неча кунлар қўриқ ва бўз ерларни ўрганди. Олтинсой колхозлари очадиган ерларни энига ҳам, бўйига ҳам айланиб, ўз кўзи билан кўриб чиқди. Ҳар гал у чўлни айланганда, экинзорлар билан қўриқни ажратиб турган иҳота дарахтлари олдида тўхтарди. Қандай семиз, қандай текис ерлар! Бу ерларни гулистон қилиш — халқ орзуси. Янги ер очишни харажати оз, даромади кўп бўлган қўриқ ва бўз ерлардан бошлаш зарур эди. Ойқиз бу ерларнинг хусусияти ва сифатларини чуқур ўрганиб чиққач, бу ерга дадасини ва кўпни кўрган инженер Смирновни бошлаб келди. (*Ш. Р.*)

Ундош товушлар классификацияси жадвали

**к, г, қ** ундошларини ҳосил қилишда эса ҳаво оқими тилнинг орқа қисми билан танглайнинг орқа қисми орасидаги тўсиқдан портлаб ўтади. Портловчилар соф портловчилар (**б, г, д, к, т, п, қ**) ва қоришиқ портловчилар (**ж, ц, ч**) га бўлинади: ж ундоши портловчи д ва сирғалувчи ж товушларининг, **ц** ундоши портловчи т ва сирғалувчи **с** товушларининг, **ч** ундоши эса портловчи **т** ва сирғалувчи ш товушларининг ўзаро қўшилиб, қоришиб кетишидан юзага келади: **д + ж = ж, т + с = ц, т + ш = ч.**

2. **Сирғалувчи ундошлар: в, ж, з, й, с, ф, х, ш, ғ, ҳ.** Булардан **в, ф** ундошларини ҳосил қилишда ҳаво оқими икки лаб ўртасидаги тор оралиқдан (*қирғовул, қувур, уфламоқ, пуфламоқ* каби сўзларда) ёки пастки лаб билан юқори тишлар орасидаги тор оралиқдан (*авиация, виставка, автомат, фан, ҳарф, кафт, фабрика, телефон* каби сўзларда) сирғалиб ўтади; **ж, з, с, ш** ундошлари эса ҳаво оқимининг тил билан юқори милк ўртасидаги тор оралиқдан, **й** ундоши тил ўрта қисмининг танглай ўрта қисмига яқинлашувидан юзага келган тор оралиқдан, **ғ, х** ундошлари тил орқа қисми билан танглайнинг орқа қисми ўртасидаги тор оралиқдан, **ҳ** ундоши эса бўғизнинг ун пайча-



Урғунинг бу тури лексик урғу деб аталади. Лексик урғу иккига: 1. Боғли урғу ва 2. Эркин урғуга бўлинади.

**Боғли урғу** — сўзнинг бирорта бўғинига боғланган урғу. Масалан, француз тилида урғу, асосан, сўзнинг охирги бўғинига (*Марсе́ль, Пари́ж, Стенда́ль* каби), поляк тилида охиргидан битта олдинги бўғинга (*Варша́ва, Вро́цлав, Кра́ков* каби), немис ва инглиз тилларида эса кўпинча биринчи бўғинга (*Ге́нрих Ге́йне, Гёте, Ба́йрон* каби) тушади. Демак, бу тилларда урғу асосан сўзнинг бир бўғинига боғланган бўлади.

**Эркин урғу** эса бир тил доирасида (масалан, рус тилида) сўзнинг турли бўғинларида учраши мумкин: *на́рта* (биринчи бўғинда), *пара́д* (охирги бўғинда), *профе́ссор* (ўртадаги бўғинда) каби.

Шу жиҳатдан қараганда ўзбек тилидаги урғу ҳам боғли урғудир, чунки у асосан сўзнинг бир бўғинига (охирги бўғинига) тушади: *бог-бо́н, ишчи́, меҳнатка́ш, китобхо́н* каби. Сўзга қўшимчалар қўшил-

***3-топшириқ.* Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилида нечта ундош товуш бор?
2. Ундош товушларга хос хусусиятлар нимадан иборат?
3. Ундош товушлар қандай классификация қилинади?
4. Ундош товушлар артикуляция ўрнига, усулига ва овоз билан шовқиннинг иштирокига кўра қандай турларга бўлинади?
5. Лаб ундошларига қайси товушлар киради? Улар ўз ичида қандай турларга бўлинади?
6. Тил ундошларига қандай товушлар киради?
7. Қайси ундош бўғиз бўшлиғида ҳосил бўлади?
8. Портловчи ундошларга қайси товушлар киради? Уларнинг қандай турлари бор?
9. Сирғалувчи ундошларга қайси товушлар киради?
10. Портловчи-сирғалувчиларга қайси ундошлар киради?
11. Қандай ундошлар сонорлар деб аталади?
12. Шовқинлиларга қайси ундошлар киради? Уларнинг қандай турлари бор?

**12-машқ.** Текстни кўчиринг. Ундош товушларга юқоридаги жадвал асосида характеристика беринг.

Ёмғир тинган. Лекин ҳаво безрайиб турар, ҳовли кўлмакларида қорамтир булутлар, ивиган девор, ҳўл дарахтлар акс этарди.

Йигирманчи аудиторияда бир-бирига туташтирилган икки узун столнинг устига катта газета қоғози ёйилган. Стол атрофида редколлегия кенгашяпти. Қадимги Рим харитаси қора ганч доска юзасига осилганича қолиб кетган, полда эзғиланган қоғоз парчалари ётибди. Афтидан, ҳамма лекция тугаши билан дарҳол тўпланган. (*П. Қ.*)

**13-машқ.** Текстни ўқинг. Ундош товушларни фонетик анализ қилинг.

Апрелнинг ўрталаридаёқ Тошкентга алоҳида ҳуси ва файз бериб кўкарадиган дарахтларнинг гўзаллиги юзларни ҳам, кийимларни ҳам одатдан ташқари нафис ва тиниқ қилиб кўрсатарди. Бутун шаҳар-

товуш берарди. Ёшликдан таниш бўлган бу товуш ва юлдузларнинг сирли милтиллаши каникулнинг дастлабки кунларида Маҳкамни тез ухлатарди. Лекин бора-бора булар ҳам одатдаги нарсалар қаторига кирди ва таъсир қилмай қўйди. (*П. Қ.*)

**10-§. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра** ундош товушлар қуйидаги икки турга бўлинади:

1. Сонорлар — таркибида овознинг миқдори шовқинга нисбатан ортиқ бўлган товушлар: **н, м, ң (нг), л, р.**

2. Шовқинлилар — таркибида шовқиннинг миқдори овозга нисбатан кўп бўлган ёки овоз мутлақо қатнашмаган товушлар: **б,в, г, д, ж, җ, з, й, к, п, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.** Шовқинлилар ўз навбатида икки турга бўлинади: а) *жарангли ундошлар* — таркибида оз бўлса-да овоз қатнашган товушлар: **б, в, г, д, ж, җ, з, й, ғ;** б) *жарангсиз ундошлар* — таркибида овоз мутлақо қатнашмаган (фақат [illegible] шу сўздаги ундошлар [illegible]).

Таркибидаги бўғинлар сонига кўра, сўзлар бир бўғинли (*мен, кўк, бу, беш, бор, кел*), икки бўғинли (*қалам, ўқиш, соат*) ва кўп бўғинли (*пахтазор* — уч бўғинли, *телевизор* — тўрт бўғинли) бўлиши мумкин.

Бўғинлар унли билан ҳам, ундош билан ҳам тугаши мумкин. Шунга кўра, улар икки хил бўлади: 1) очиқ бўғин — унли билан тугаган бўғин (*а-на, ма-на, да-ла* каби); 2) ёпиқ бўғин — ундош билан тугаган бўғин (*мак-таб, даф-тар, боғ-бон* каби).

Бўғиннинг амалий аҳамияти ҳам бор. Чунончи: 1) ёзувда бир сатрга сиғмай қолган сўз иккинчи йўлга бўғин асосида кўчирилади; 2) биринчи синф ўқувчиларини ўқиш ва ёзишга ўргатиш ҳам бўғинга асосланади; 3) шеърий мисраларда (айниқса, бармоқ вазнида) бўғинлар сонининг тенг бўлишига асосланилади.

**14-машқ.** Текстдаги сўзларни бўғинларга ажратиб кўчиринг, бўғиннинг турларини тушунтиринг.

Ойқиз ва Лола от келиши билан йўлга чиқдилар. Улар чўлда илон изи шаклида тизилишиб бораётган, чарчаб, ҳолдан тойган бир гуруҳ эмтээсчиларни орқада қолдириб, ўтиб кетишди. Катта-кичик йўлларнинг ҳаммаси қум билан кўмилган эди. Илон изи бўлиб кетган ёлғизоёқ йўлдан эса асар ҳам кўринмасди. Шундай бўлса ҳам, Ойқиз катта йўлдан эмас, балки шийпондан ҳовузга борадиган тўппа-тўғри ёлғизоёқ йўлдан бошлади. (*Ш. Р.*)

## УРҒУ

**12-§.** Сўз таркибидаги бўғинлардан бирининг бошқасига нисбатан кучлироқ ва чўзиқроқ талаффуз қилиниши урғу деб аталади. Урғу, одатда, бўғиндаги унли товушга тушади. Урғу олган бўғин урғули бўғин, урғу олмаган бўғин эса урғусиз бўғин деб аталади. Ёзувда урғули бўғинни ажратиб кўрсатиш лозим бўлганда, шу бўғиндаги унли устига махсус белги (′) қўйилади: *меҳна́т, портфе́ль, ўқитувчи́.*



Урғунинг бу тури лексик урғу деб аталади. Лексик урғу икки га: 1. Боғли урғу ва 2. Эркин урғуга бўлинади.

**Боғли урғу** — сўзнинг бирорта бўғинига боғланган урғу. Масалан, француз тилида урғу, асосан, сўзнинг охирги бўғинига (*Марсе́ль, Гюго́, Стенда́ль* каби), поляк тилида охиргидан битта олдинги бўғинга (*Варша́ва, Вро́цлав, Кра́ков* каби), немис ва инглиз тилларида эса кўпинча биринчи бўғинга (*Ге́нрих Ге́йне, Гёте, Ба́йрон* каби) тушади. Демак, бу тилларда урғу асосан сўзнинг бир бўғинига боғланган бўлади.

**Эркин урғу** эса бир тил доирасида (масалан, рус тилида) сўзнинг турли бўғинларида учраши мумкин: *па́рта* (биринчи бўғинда), *парад* охирги бўғинда), *профе́ссор* (ўртадаги бўғинда) каби.

Шу жиҳатдан қараганда ўзбек тилидаги урғу ҳам боғли урғудир, чунки у асосан сўзнинг бир бўғинига (охирги бўғинига) тушади: *боғбо́н, ишчи́, меҳнаткаш, китобхо́н* каби. Сўзга қўшимчалар қўшилганда ҳам, урғу охирги бўғинга кўчиб ўтади: *темі́р, темирчи́, темирчили́к, темирчиликка́* каби.

Ўзбек тилида урғу қуйидаги ҳолларда сўзнинг охирги бўғинига тушмаслиги мумкин:

1. Баъзи олмошларда: *ҳа́мма, ба́рча, жа́ми, ки́мдир.*
2. Равишларда: *я́нги (ҳозир* маъносида), *до́им, а́сло, ҳами́ша.*
3. Модал сўзларда: *зе́ро, афсу́ски, албатта́.*
4. Баъзи ёрдамчи сўзларда: *аммо, лекин, ҳа́тто, га́рчи.*
5. Баъзи аффикс юкламалар қўлланганда: *ме́н-да, шида́-ку, се́нми?, би́з-чи?*
6. Ўзбек тилига ўтиб ўзлашиб қолган баъзи русча-интернационал сўзларда: *троллейбус, ра́дио, фоне́тика, грамма́тика, тра́ктор, реда́ктор.*

Лексик урғунинг аҳамияти: 1) сўзларни тўғри талаффуз қилиш нормаларини белгилашга ёрдам беради; 2) сўз маъноларини фарқлашда хизмат қилади: *атла́с* — материал (мато) нинг бир тури, *а́тлас* — географик атлас; 3) сўз формаларини фарқлашда хизмат қилади: *қушча́* — кичкина қуш маъносида (отнинг кичрайтиш формаси), *ку́шча* — қушдек, қушдай маъноларида (отдан ясалган равиш).

Тилда лексик урғудан ташқари, логик урғу (гап урғуси) ҳам бўлади. Бунда сўзловчи гап бўлакларидан бирортасини кучлироқ талаффуз қилади ва тингловчининг эътиборини шу бўлак орқали ифода этилган маънога тортади. Масалан: *1.* ***Мен*** *кеча қишлоқдан келдим* (у ёки бошқа кимдир эмас, *мен...*). *2. Мен* ***кеча*** *қишлоқдан келдим* (бугун эмас, *кеча...*). *3. Мен кеча* ***қишлоқдан*** *келдим* (шаҳардан эмас, *қишлоқдан...*).

**15-машқ.** Текстни кўчиринг. Сўзларнинг урғусини аниқлаб, урғули бўғин устига урғу белгисини қўйиб чиқинг.

Очилларнинг кичкина қишлоқларида фақат тўлиқсиз ўрта мактаб бор эди, шунинг учун у еттинчини битиргандан кейин сал кам уч километр наридаги қўшни қишлоққа қатнаб ўқий бошлади. Кўп йўл

юрган киши кўп ўйланади. Ўша йиллари Очил китоб ўқишга ихлос қўйган эди, китоблар унинг интиҳосиз хаёлларига қанот боғлар, мактаб йўлида ўйламаган ўйи, қилмаган орзуси қолмас эди. Ундаги ўйчанлик ўшанда пайдо бўлганди. Иттифоқо, ўрта мактаб жойлашган қишлоқнинг болалари бир-бирига «жўра» деб мурожаат қилишарди, Очил кўп ишлатадиган бу сўз ҳам ўшандан қолганди. (*П. Қ.*)

***4-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Бўғин деб нимага айтилади?
2. Бўғиннинг қандай турлари бор?
3. Бўғиннинг амалий аҳамияти нимадан иборат?
4. Урғу деб нимага айтилади?
5. Урғунинг қандай турлари бор?
6. Ўзбек тилида қандай ҳолатларда урғу сўзнинг охирги бўғинига тушмайди?
7. Урғунинг қандай аҳамияти бор?

## ГРАФИКА ВА ОРФОГРАФИЯ

### ГРАФИКА ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**13-§. Графика** ҳарф билан товуш ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи қоидалар системасидир. Графика деганда баъзан ёзув системасининг барча воситалари (ҳарфлар, алфавит, тиниш белгилари ва ҳоказо) йиғиндиси ҳам англашилади.

Ҳарф товушнинг ёзувдаги белгисидир. Товушни талаффуз қиламиз ва эшитамиз, ҳарфни эса ёзамиз, кўрамиз ва ўқиймиз.

Товуш фонетикада, ҳарф эса графикада ўрганилади.

**14-§.** Тилдаги ҳарфлар йиғиндиси алфавит дейилади. Ҳозирги ўзбек алфавити қуйидаги 35 та график белгини ўз ичига олади (қавс ичида ўқилиши кўрсатилди):

**А, а** (а); **Б, б** (бе); **В, в** (ве); **Г, г** (ге); **Д, д** (де); **Е, е** (йэ); **Ё, ё** (йо); **Ж, ж** (же); **З, з** (зе); **И, и** (и); **Й, й** (йи); **К, к** (ка); **Л, л** (эл); **М, м** (эм); **Н, н** (эн); **О, о** (о); **П, п** (пе); **Р, р** (эр); **С, с** (эс); **Т, т** (те); **У, у** (у); **Ф, ф** (эф); **Х, х** (ха); **Ц, ц** (це); **Ч, ч** (че); **Ш, ш** (ша); **ъ; ь; Э, э** (э); **Ю, ю** (йу); **Я, я** (йа); **Ў, ў** (ў); **Қ, қ** (қе); **Ғ,ғ** (ғе); **Ҳ, ҳ** (ҳе).

Ҳозирги ўзбек графикаси, алфавитдан ташқари, қуйидаги ўнта тиниш белгиларини ҳам ўз ичига олади: нуқта (.), сўроқ белгиси (?), ундов белгиси (!), вергул (,), қавс (), нуқтали вергул (;), кўп нуқта (...), тире (—), қўштирноқ («»), икки нуқта (:). (Тиниш белгиларининг қўлланиши ҳақида синтаксис баҳсига қаранг.)

Ҳозирги ўзбек алфавити 1940 йилда рус графикаси негизида қабул қилинган. Унгача эса латин (1929 — 1940 йилларда) ва араб (1929 йилгача) графикасидаги ҳарфлар (ёзув системалари) қўлланилар эди.



**15-§.** Ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган 6 унли товуш ёзувда 10 ҳарф воситасида ифодаланади: **и, э, а, у, ў, о, е, ё, я, ю.** (Унлиларнинг қўлланиши ва орфоэпиясида бу ҳақда алоҳида гапирилган.)

**16-§.** Ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган 25 ундош товуш ёзувда 23 та ҳарф воситасида ифодаланади: **б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.** Булардан: 1) **ж** ҳарфи сирғалувчи ж *(пожар, журнал)* ва қоришиқ портловчи **ж** *(жуда, жийда)* ундошларини билдиради; 2) *тонг, кўнгил* каби сўзлардаги саёз тил орқа ундоши **н** ёзувда **нг** бирикмаси воситасида ифодаланади; 3) айириш (**ъ**) ва юмшатиш (**ь**) белгилари ҳарф эмас, балки шартли белги ҳисобланади.

Ҳарфларнинг жойлашиш тартибини ёддан билишнинг муҳим амалий аҳамияти бор: 1) одатда барча луғатларда сўзлар алфавит тартибида жойлаштирилади; 2) кутубхоналардаги асарларнинг рўйхати, давлат идора органларида, архивларда сақланадиган турли ҳужжатлар каталоги ҳам алфавит тартибида тузилади. Демак, алфавитни ёддан билиш луғатлардан, рўйхатдан ёки архивлардан керакли сўз, фамилия ёки ҳужжатни тез топиш имконини беради.

***5-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Графика нима?
2. Ҳарф деб нимага айтилади? Ҳарф билан товуш ўртасида қандай фарқ бор?
3. Алфавит деб нимага айтилади?
4. Ҳозирги ўзбек алфавити қачон қабул қилинган? Унда нечта график белги бор?
5. Ҳозирги ўзбек алфавитигача қандай ёзув системаларида иш кўрилган?
6. Алфавитни ёддан билишнинг амалий аҳамияти нимадан иборат?

**16-машқ.** Қуйидаги текстни ўқинг ва сўздаги ҳарфлар қандай товушларни ифодалашини тушунтиринг.

Тинч океаннинг Яп оролида (Каролина ороллари) муомалада қўлланувчи пуллар дунёдаги энг катта пуллар ҳиссобланади. Бу ерда пул тошдан ясалади. Тош танга ясаш учун қанча кўп меҳнат сарфланса ва у қанча катта бўлса, унинг қиммати ҳам шунча юқори бўлади. Бозорга борадиган одамнинг «ҳамён» олиб юриши қулайроқ бўлсин учун танганинг ўртаси тешиб қўйилади. Агар бу пулларнинг «майда чақа» лари арқонга ўтказиб юрилса, катта пулларнинг ўртасидан ёғоч ўтказиб, йўлдан ғилдиратиб кетилади. Баъзи ҳолларда пулни иккиуч кишилашиб ғилдиратишга тўғри келади. Чунки Яп оролида бойларнинг бир неча ўн килограмм келадиган пуллари ҳам бўлади. *(Газетадан.)*

Кітапхана Қазақстан

### ОРФОГРАФИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**17-§. Орфография** тилдаги сўзларни, сўзнинг таркибий қисмларини (ўзак-негиз ва қўшимчаларни) тўғри ёзиш, бўғин кўчириш ва бош ҳарфларни тўғри қўллаш ҳақидаги қоидалар йиғиндисидир. Орфография қоидалари қуйидаги принциплар асосида яратилади:

1. **Фонетик принцип.** Бу принцип асосида тузилган қоидалар сўз ёки унинг таркибий қисмларини оғзаки нутққа хос, талаффузга мос равишда ёзишни тақозо қилади. Масалан, тожик тилидаги *танур*, рус тилидаги *щетка*, *отпуск* сўзлари ўзбек тилида (оғзаки нутқда) *тандир*, *чўтка*, *отпуска* тарзида талаффуз қилиниши сабабли, уларни *тандир*, *чўтка*, *отпуска* шаклида ёзиш қоидалаштирилган. Ёки: **г** товуши билан бошланувчи ***-га, -ган, -гани, -гунча*** каби қўшимчалар **к** ёки **г** билан тугаган сўзларга қўшилганда, ***-ка, -кан, -кани, -кунча*** тарзида, **қ** ёки **ғ** билан тугаган сўзларга қўшилганда эса ***-қа, -қан, -қани, -қунча*** тарзида талаффуз қилинади ва орфографиянинг фонетик принципига асосан шу ҳолича ёзилади: *терак + га — теракка*; *тег + ган — теккан*, *эк + гани — эккани*, *эк + гунча — эккунча*; *қишлоқ + га — қишлоққа*, *тоғ + га — тоққа*, *оқ + ган — оққан*, *оқ + гунча — оққунча*, *чиқ + гани — чиққани* ва ҳоказо.

Орфографиянинг фонетик принципи ёзув билан талаффузни бир-бирига яқинлаштиради ва қоидаларнинг ўзлаштирилишини осонлаштиради.

2. **Морфологик (фонематик) принцип.** Бу принцип асосида тузилган имло қоидалари сўз ёки унинг таркибий қисмларини оғзаки нутқдаги талаффузга қараб эмас, балки аслига мувофиқ суратда ёзишни тақозо қилади. Масалан, *мактаб*, *китоб*, *савод*, *завод* сўзларининг охиридаги **б, д** товушлари жарангсиз **п, т** ҳолида талаффуз этилса-да, аслига мувофиқ **б, д** ёзилади: Бундай сўзлар охирига унли билан бошланувчи аффикс (масалан, эгалик қўшимчаси) қўшилганда, сўз охиридаги товушнинг аслида **п** эмас, **б**; **т** эмас, **д** эканлиги яққол сезилади: *мактап — мактабим*, *савоп — саводи* каби. Ёки: **г** товуши билан бошланган ***-га, -ган, -гани, -гунча*** қўшимчалари **к** ва **қ** товушларидан бошқа барча жарангсиз ундошлардан сўнг ***-ка, -кан, -кани, -кунча*** ҳолида эшитилса-да, аслига мувофиқ ***-га, -ган, -гани, -гунча*** шаклида ёзилади: *ишга* (ёзувда) — *ишка* (талаффузда), *кетган*, *кетгунча*, *кетгани* (ёзувда) — *кеткан*, *кеткунча*, *кеткани* (талаффузда). Бундай ҳолни жарангли **д** ундоши билан бошланган бошқа аффикслар да ҳам кузатиш мумкин: *айтди* (ёзувда) — *айтти* (талаффузда), *қопдан* (ёзувда) — *қоптан* (талаффузда) каби.

3. **Этимологик (график) принцип.** Бу принцип асосида тузилган имло қоидалари рус тилидан ёки рус тили орқали ўзлаштирилган сўзларнинг рус тилидаги ёзув шаклини ўзбек имлосида ҳам айнан сақлашни тақозо қилади. Масалан, *опера*, *тонна*, *том* сўзлари ўзбек тилида *ўпера*, *тўнна*, *тўм* шаклида талаффуз этилса-да, рус тилидаги график шаклида (*опера*, *тонна*, *том*) ёзилади.

4. **Тарихий (традицион) принцип.** Бу принципга кўра, сўзлар ҳозир ҳам ўтмишдаги шаклига мувофиқ ҳолда ёзилади. Масалан, *тадбир*, *татбиқ* сўзларининг биринчи бўғини охирида келган **д, т** бир хил талаффуз этилса-да, икки хил (биринчи сўзда **д**, иккинчи сўзда эса **т** ҳарфи) ёзилади. Чунки у тарихан шундай ёзиб келинган. Тарихий (традицион) принцип кўп жиҳатдан морфологик ва этимологик принципларга ўхшаб кетади. Аммо баъзи хусусиятлари билан улардан фарқ қилади. Чунончи: 1) морфологик принцип талабига кўра, сўз таркибидаги товуш ёки ўзак-негиз ва қўшимчалар аслига мувофиқ ёзилиши юқорида айтилди. Тарихий (традицион) принцип эса сўз таркибий қисмларининг товуш состави етарли аниқланмаган ҳолатни назарда тутиши билан морфологик принципдан фарқ қилади. Масалан, *тақозо* сўзининг охирги бўғинидаги унли баъзан **о**, баъзан **а** ҳолида (*тақозо — тақоза* каби) талаффуз қилинади. Шулардан қайси бирининг тўғри эканлиги аниқ бўлмаса-да, тарихан **о** ёзиб келинганлиги учун ҳозир ҳам **о** ёзилади; 2) этимологик принцип, асосан, рус тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг ёзилишини нормалаштириши ўз ўрнида айтилди: бу ҳол рус ва ўзбек ёзувларининг бир хил график системага асосланганлиги билан изоҳланади. Тарихий принцип эса ўтмишда араб графикасида ёзиб келинган сўзларнинг имло шаклини ҳозирги ўзбек ёзувида ҳам айнан сақлашни нормалаштиради.

5. **Дифференциация (символик) принцип.** Бу принцип асосида тузилган қоидаларга кўра, шакли бир хил бўлган сўзлар (омонимлар) ёзувда шартли белгилар воситасида фарқланади: *атла́с — мато*, *а́тлас* — географик атлас, *янги́* (сифат) — *я́нги* (равиш), *тана́* (от) — *та́ъна* (от). Бу сўзлар талаффузда урғу ёки унлининг чўзиқ-қисқалиги билан фарқланса, ёзувда махсус шартли белгилар (урғу ишораси ёки унлининг чўзиқлигини кўрсатувчи айириш белгиси) билан фарқланади.

Юқорида баён этилганлардан фонетик ва морфологик принцип ўзбек орфографиясининг етакчи принциплари саналади: кўпчилик қоидалар шуларга асосланади.

***6- топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Орфография нимани ўрганади?
2. Орфографиянинг қандай принциплари бор?
3. Ўзбек орфографиясининг етакчи принциплари қайсилар?
4. Морфологик, тарихий ва график принциплар ўзаро қайси жиҳатдан ўхшаш ва қайси жиҳатдан фарқ қилади?

**17- машқ.** Текстни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг қайси принципга асосан ёзилганини оғзаки тушунтиринг.

1. Дунёда энг шўр сув Қизил денгиздадир. Унинг сувида тўрт процентгача туз бор. 2. Энг катта темир йўл фалокати 1917 йил 12 декабрда Италия Альпида бўлган: отпускага кетаётган 660 француз солдатидан биттаси ҳам ўз ота-онасини қайтиб кўрмаган. 3. Москва университетининг асосий ўқув залида дунёда энг катта чироқлар бор. 4. Ер юзида энг совуқ температура 1958 йили Восток Совет Антарктида базасида қайд қилиниб, — 87,4 градусга тенг бўлган; энг юқори ҳарорат эса Саҳрои Кабирда бўлган. Бу ерда температура + 57,8 градусни кўрсатган. 5. Дунёда энг катта каламушлар Филиппин оролларидадир. Уларнинг узунлиги 80 сантиметр келади.

**18- машқ.** Газета ёки журналлардан орфографиянинг турли принципларига оид 30 та сўз танлаб кўчиринг ва уларни тушунтиринг.

## АЙРИМ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ

**18-§. и** ҳарфи қуйидаги ҳолатларда ишлатилади:

а) *бир, тил, билан, бироқ* каби сўзлардаги қисқа ва олд қатор **и** унлиси ўрнида;

б) *тарихий, маданий, лирика, ленинизм* каби сўзларнинг урғули бўғинидаги чўзиқ **и** унлиси ўрнида;

в) *ғишт, хирмон, қирқ, қишлоқ* каби сўзлардаги қаттиқ ва қисқа (русча **ы** товушига яқин) **и** унлиси ўрнида;

г) рус тилидан ўзлашган *вивеска, вишка, ричаг, выставка, пилесос* каби сўзлардаги русча **ы** товуши ўрнида.

**19-§. у** ҳарфи қуйидаги ўринларда ишлатилади:

а) *ун, кун, тун* каби бир бўғинли, *узун, узум, уруғ* каби икки бўғинли сўзлардаги қисқа **у** унлиси ўрнида; *амплитуда, структура, архитектура* каби сўзларнинг урғули бўғинидаги чўзиқ **у** унлиси ўрнида;

б) таркибида **о, а, у** унлиларидан бири бўлган бўғиндан сўнг **в** билан бошланувчи ёпиқ бўғинда: *қовун, совун, совуқ, товуқ, тарвуз, тасаввур* каби. Айрим сўзларда **в** дан сўнг **у** эмас, **и** ёзилади: *савил, ғалвир, тасвир* каби.

в) биринчи бўғинида **у (ю)** бўлган *турмуш, бутун, ютуқ, юлдуз, буюк, уюм, учқун, тугун* каби сўзларнинг иккинчи бўғинида **у** ёки **ю** ёзилади. Иккинчи бўғин қўшимчадан иборат бўлганда эса, унинг таркибидаги товушни ифода этган ҳарф ёзилади: *тузум, юмуқ* (бу сўзлардаги ***-ум, -уқ*** қўшимча), *тушмоқ, бурилмоқ* (бу сўзларнинг иккинчи бўғинидаги ***-ир, -ил*** қўшимча) каби.

Эслатма. *Муқимий, мудир, муҳим, мухбир, мумкин, мусича, умид, қути, пушти* каби сўзларнинг иккинчи бўғини, *мулолиш* сўзининг учинчи бўғини тарихий-традицон ёки фонетик принциплар асосида **и** билан ёзилади.

Шунингдек, биринчи бўғинида **ў** унлиси бўлган содда сўзларнинг иккинчи бўғинида **у** ёзилмайди: *ўтин, кўнгил, кўмир, тўқи (моқ), ўқи (моқ). Бўйсунмоқ, кўзгу, мўғул* каби сўзлар бундан мустаснодир.

**19-машқ.** Нуқталар ўрнига **и** ёки **у** унлиларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. Бунинг сабабларини тушунтиринг.

В..трина, в..говор, в..ставка, в..мпел, в..ключатель, в..веска, к..т. ғ..шт, қ..ш, п..лесос, п..жама, муз..ка, р..чаг, бур..лмоқ, бук..лмоқ, туш..нмоқ, туш..рмоқ, ҳуз..р, юлд..з, ғалв..р, тарв..з, тасв..р, дарв..ш, саксов..л, қирғов..л, ков..ш, қув..р, бур..н, бур..л, қут..л, чанғ..., ювн..нди (қолдиқ маъносида), кав..ш, зов..р, сов..қ, ув..шмоқ, ун..м, ур..нмоқ.



**20-машқ.** Нуқталар ўрнига **и** ёки **у** унлиларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. Нима учун **и** ёки **у** ёзганлигингизни оғзаки тушунтиринг.

Ҳажв..й, узв..й, уст..н, тут..н, самов..й, уз..н, ўкс..к, чив..н, бужғ..н, уйғ..н, буғ..., ўтт..з, мўғ..л, юп..н, бўйс..нмоқ, бур..н, қул..н, қайғ..сул..., тўлқ..н, чив..н, мевафур..ш.

**21-машқ.** Газета ёки журналлардан таркибида **и** ёки **у** ҳарфи бўлган 40 — 50 сўз топинг. Уларда **и** ёки **у** ёзилиш сабабини тушунтиринг.

**20-§. ў** ҳарфи *ўт, ўқ, кўл* каби бир бўғинли сўзларда, *кўнгил, ўтин, кўмир, тўқи, ўқи* каби икки ёки кўп бўғинли содда сўзларнинг биринчи бўғинида ёзилади. Қўшма, жуфт ва такрорий сўзларда эса кейинги бўғинларда учраши ҳам мумкин: *бойўғли, Гўрўғли, гултожихўроз, сўфитўрғай, ўн-ўн беш, тўп-тўп, ҳақиқатгўй, ғаразгўй.* Содда сўзларда префиксдан сўнгги бўғинда ҳам ёзилиши мумкин: *базўр, беўхшов, сергўшт.*

**21-§. э** ҳарфи қуйидаги ўринларда ёзилади:

а) сўз бошида: *элак, экин, эгар, экран, этак, энергия, эҳтимол, эҳтиром, эътироф;*

б) бўғин бошида: *дуэт, дуэль;*

в) сўз ўртасида алоҳида бўғинни ифода этганда: *поэма, поэзия.*

Эслатма. Бўғин охирида (ундошдан кейин) ёки ўртасида (икки ундош орасида) **э** эшитилса-да, **е** ҳарфи билан ёзилади: *алифбе, тобе, кафе, бекор, бел, бет, мен, сен, кетмоқ, келмоқ.*

**22-§. о** ҳарфи қуйидаги ўринларда ёзилади:

а) ўзбекча сўзлар ёки ўзбек тилига ўзлашиб қолган тожикча ва арабча сўзлар таркибидаги **о** унлиси ўрнида *от, қор, нон, баҳор, оила, замон, даъво, маъно, офтоб, ахборот, арбоб;*

б) рус тилидан ўзлашган русча-интернационал сўзлар таркибидаги **о** унлиси (ўзбекча **ў** га яқинроқ талаффуз қилинадиган унли) ўрнида: *том, тонна, опера, область;* баъзан **о** унлиси урғусиз бўғинда **а** ёки **и** га яқин талаффуз қилинса ҳам, русча график шаклига мувофиқ **о** ёзилади: *горизонт* (талаффузда: *гаризонт*), *доклад* (талаффузда: *даклат*), *комитет* (талаффузда: *камитет*), *трактор, директор* (талаффузда: *трактир, директир*) каби.

**23-§. а** ҳарфи қуйидаги ҳолатларда ёзилади:

а) *тан, фан, ана, мана, ака, амаки, пахта, тахта, халқ, қалам, ғалаба* каби сўзларда **а** унлиси ўрнида. Баъзан **а** унлиси (**в** ундошидан олдин келганда) айрим шеваларга хос сўзлашув нутқида **о** га мойилроқ талаффуз қилинади, аммо аслига мувофиқ **а** ҳарфи ёзилади: *новқирон, говда* (талаффузда) — *навқирон, гавда* (ёзувда) каби. Бу ҳолат *март, май, зал* каби бир бўғинли сўзларда ҳам кўринади (улар *морт, мой, зол* тарзида талаффуз этилади).

б) *муомала, мунозара, муҳокама, муносабат* каби сўзларнинг учинчи бўғинида баъзан **и** га ўхшашроқ (*муомила, мунозира, муҳокима, муносибат* каби) талаффуз қилинадиган **а** унлиси ўрнида.

**24-§. е** ҳарфи қуйидаги ўринларда ёзилади:

а) сўз ёки бўғин бошидаги **йэ** ўрнида: *ер, ем, етим, етмиш, объект, подъезд;*

б) ўзи алоҳида бўғинни ташкил этган **йэ** ўрнида: *елим, етим;*

в) баъзи русча-интернационал сўзлар охиридаги **е (йэ)** ўрнида: *самодержавие, страхование, правление.*

**25-§. ё** ҳарфи қуйидаги ўринларда ёзилади:

а) сўз ёки бўғин бошидаги **йо** ўрнида: *ёз, ёд, ёй, ёр, баён, имтиёз, куёв;*

б) ўзи алоҳида бўғинни ҳосил қилган **йо** ўрнида: *ёқилғи, ёқа, ёки, ёмон;*

е) баъзи русча-интернационал сўзлардаги юмшоқ ундошдан сўнг қўлланувчи **о** унлиси ўрнида: *слёт (сльот), вертолёт (вертольот), отчёт (отчьот), актёр (актьор).*

Эслатма: *район, майор, Нью-Йорк* сўзларидаги **йо** бўғин бошида бўлса ҳам, **ё** билан эмас, **йо** ҳарфлари билан ёзилади.

**26-§. ю** ҳарфи қуйидаги ўринларда ёзилади:

а) сўз ёки бўғин бошидаги **йу** ўрнида: *юк, юрт, ювмоқ, ютмоқ, буюк, туюқ, уюм;*

б) ўзи алоҳида бўғинни ташкил қилганда: *ютуқ, юрак, юрист;*

в) баъзи русча-интернационал сўзлардаги юмшоқ ундошдан сўнг келадиган **у** унлиси ўрнида: *брошюра (брошьура), революция (революция), бюджет (бьуджет).*

**27-§. я** ҳарфи қуйидаги ҳолатларда ёзилади:

а) сўз ёки бўғин бошидаги **йа** ўрнида: *япроқ, ясси, янчмоқ, жиян, гоят, ниҳоят;*

б) ўзи алоҳида бўғинни ташкил қилган **йа** ўрнида: *яқин, ялинмоқ, яширин, сояки* (узум ва майиз нави), *суямоқ, лекция, экскурсия;*

в) баъзи русча-интернационал сўзларда юмшоқ ундошдан кейинги **а** унлиси ўрнида: *октябрь (октьабрь), сентябрь (сентьабрь), наряд (нарьат), отряд (отрьат).*

***7-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Содда сўзларнинг қайси бўғинида **ў** товуши ва ҳарфи бўлиши мумкин? Қўшма ва жуфт сўзларда-чи?
2. **э** товуши қайси ўринларда **э** ҳарфи билан, қандай ҳолатларда эса **е** ҳарфи билан ифодаланади?
3. **о** товуши қайси ўринларда **о** ҳарфи билан, қандай ҳолатларда эса **ё** ҳарфи билан ифодаланади?
4. **а** ҳарфи қандай пайтларда ёзилади?
5. Қандай пайтларда **а** товуши **о** ёки **и** товушига ўхшаш талаффуз қилинади, аммо **а** ёзилади?
6. Қандай пайтларда **я** ҳарфи **й + а** товушлари бирикмасини, қандай пайтларда **а** унлисини ифодалайди?
7. Қандай пайтларда **ю** ҳарфи **й + у** товушлари бирикмасини, қандай пайтларда эса **у** унлисини ифодалайди?



22-машқ. Нуқталар ўрнига **у, э, е, о, ё** ҳарфларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. Бу сўзлардаги **е** ҳарфининг **э** товуши ёки **й+е** товушлари бирикмасини, **ё** ҳарфининг эса **о** товуши ёки **й+о** товушлари бирикмасини ифода этганлигини тушунтиринг.

Авл. . .д, аг. . .нт, ад. . .лат, адр. . .с, ба. . .н, боз. . .р, б. . .л, б. . .лги, . . .лим, . . .миш, съ. . .зд, подъ. . .зд, тоб. . .каф. . ., дун. . ., дар. . ., мат. . .қуб, самол. . .т, вертол. . .т, пул. . .м. . .т, трактор. . .р, директ. . .р, май. . .р, ду. . .т, по. . .зия, по. . .ма, к. . .лхоз, с. . .вхоз, авт. . .мат, м. . .тор, тел. . .вид. . .ни. . ., самод. . .ржави. . ., муми. . ., ким. . ., маҳли. . . .

23-машқ. Нуқталар ўрнига **а, я, ю** ҳарфларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг ва бунинг сабабларини тушунтириб беринг.

Д. . .влат, г. . .вда, г. . .вҳар, г. . .вжум, д. . .врон, муом. . .ла, муноз. . .ра, музок. . .ра, брош . . .ра, параш. . .т, кост. . .м, чў. . .н, юбил. . .р, футл. . .р, молекул. . .р, жонку. . .р, пл. . .с, зидди. . .т.

24-машқ. Газета ва журналлардан таркибида **а, я, о, ё, э, е, ю** ҳарфлари бўлган 50—60 сўз топиб ёзинг. Уларнинг имлосини, **е, ё, ю, я** ҳарфлари қандай товушларни ифода этганлигини тушунтириб беринг.

**28-§. ж** ҳарфи қуйидаги ўринларда ёзилади:

а) қоришиқ портловчи **ж** ундоши ўрнида: *жуда, жийда, ажаб, илжаймоқ, жилмаймоқ, важ, эҳтиёж;*

б) сирғалувчи **ж** ундоши ўрнида: *аждар, гижда, журнал, пейзаж, гараж, тираж.*

**29-§. ц** ҳарфи: фақат русча-интернационал сўзлар таркибидагина ёзилади: *центнер, цирк, циркуль, социализм, процент, абзац, шприц.* Рус тилидан ўзлашган **щ** товуши ўзбек тилида **шч** ҳарфий бирикмаси билан ёзилади: *мешчан, помешчик, Шчедрин, Шчербаков, обшчина, ямшчик.* Аммо русча *щетка, ящик* сўзлари **шч** ҳарфий бирикмаси билан эмас, балки *чўтка, яшик* шаклида ёзилади (фонетик принцип).

**30-§. й** ҳарфи қуйидаги ҳолатларда ёзилади:

а) сўз ёки бўғин бошида (**и** ёки **ў** товушларидан олдин): *йил, йигирма, йўл, йўқ, кийик, тийин;*

б) сўз ёки бўғин охиридаги **й** ўрнида: *най, карнай, сурнай, байрам, бийрон, вайрон, куй, кий, қўй, эй, жийда* каби;

в) *Навоий, Лутфий, Муқимий, Қодирий* каби адабий тахаллусларнинг, *сиёсий, ижтимоий, адабий, маданий* каби сифатларнинг охирида.

**31-§. н** ҳарфи. Сўз ўртасида келувчи **н** ундоши ўзидан кейинги лаб товушлари (**б, п** ёки **м**) таъсирида **м** деб талаффуз қилинса-да, **н** ҳарфи билан ёзилади: *сунбул* (ёзувда) — *сумбул* (талаффузда), *шанба* (ёзувда) — *шамба* (талаффузда), *сайланма* (ёзувда) — *сайламма* (талаффузда) каби.

Сўз ўртасидаги **н** ундоши саёз тил орқа **қ, г** ва чуқур тил орқа **қ, ғ** товушларидан олдин келганда **нг** ҳолида талаффуз қилинса-да, **н** ёзилади: *кўланка* (ёзувда) — *кўлангка* (талаффузда), *аланга* (ёзувда) — *алангга* (талаффузда), *анқов* (ёзувда) — *ангқов* (талаффузда), *чанқамоқ* (ёзувда) — *чангқамоқ* (талаффузда) каби.

***8 - топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Сўз охирида келган **б** ва **д** товушлари қандай талаффуз қилинади ва қандай ёзилади?
2. **ж** ҳарфи қандай товушларни ифодалайди?
3. **ц** ҳарфи қандай сўзларда ёзилади?
4. **й** ҳарфи қандай пайтларда ёзилади?
5. **н** товуши **б, п, м** каби лаб ундошларидан олдин келганда қандай талаффуз қилинади ва ёзилади?
6. **н** товуши **к, н, г, қ, ғ** товушларидан олдин келганда қандай ёзилади ва талаффуз қилинади?

**25 - машқ.** Қавс ичида кўрсатилган ҳарфлардан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг.

Ғаза (б, п), ара (б, п), аса (б, п), кано (б, п), рубо (б, п), ғоли (б, п), наси (б, п), се (б, п), бо (б, п), кабо (б, п), мада (д, т), докла (д, т), шарба (д, т), ғурба (д, т), зумра (д, т), мақса (д, т), ибра (д, т), суҳба (д, т), саво (д, т), заво (д, т), сабзаво (д. т), нажо (д, т), хари (д, т), танқи (д, т), авло (д, т), аждо (д, т), жонзо (д, т), ижо (д, т).

**26 - машқ.** Қавс ичидаги ҳарфлардан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. Уларнинг имлосини тушунтиринг.

Сценари (я, й), планетари (я, й), санатори (я, й), лектори (я, й), критери (я, й), Су (м, н) бул, та (м, н) бур, ша (м, н) ба, та (н, м) беҳ, та (м, н) бал, ма (м, н) ба, ё (м, н) бош, жо (н, м) боз, ё (м, н) ма - ён, сайла (м, н) ма, кўла (н, нг) ка, ча (нг, н) қамоқ, ё (нг, н) ғоқ, қў (нг, н) ғиз, тў (нг, г) ка, та (нг, н) лай, жара (нг, н) ламоқ, кў (нг, н) ил, ко (нг, н) гресс, та (нг, н) генс.

**27 - машқ.** Газета ва журналлардан **б, д, й, н, г** ҳарфлари қўлланган бир неча сўз топинг. Уларнинг талаффузи ва имлосини тушунтиринг.

**32 - §.** **х** ва **ҳ** ҳарфлари имлоси: а) **ҳ** ҳарфи бўғиз товуши бўлган **ҳ** ни ифодалайди: *ҳосил, ҳукумат, баҳор, маҳорат, қадаҳ, гувоҳ, нигоҳ, гуруҳ* каби; б) **х** ҳарфи чуқур тил орқа ундоши ўрнида ёзилади: *хабар, хаёл, бахши, бахил, бахт, бахмал, мих, тарих, нарх, шўх* каби.

Эслатма. **ҳ** ва **х** товушларининг ишлатилиш ўрнини ёдда тутишда қуйидаги каби ҳолатлардан фойдаланиш мумкин:

а) **ҳ** товуши юмшоқроқ талаффуз этилади, шунинг учун сезилар-сезилмас даражада эшитилади, баъзан сўзлашув нутқи талаффузида, ҳатто сўз таркибидан тушиб ҳам қолади: *Муҳаббат > Муаббат; ҳукумат > укумат; фаҳм > фам, маҳкам > ма: кам* каби;

б) **х** ундоши қаттиқ талаффуз этилади, шунинг учун тушиб қолишга мойи эмас, аксинча, баъзи шеваларда қаттиқ қ га ўхшаш хусусиятга эга бўлади *халқ > қалқ; хуш келибсиз > қуш келибсиз* каби;

в) ҳ ундоши тушиб қолиш даражасига бормаган ҳолларда **й** деб талаффуз қилиниши ҳам мумкин, **х** ундошида эса бу ҳолни кўрмаймиз: *шоҳи > шойи, Раҳим > Райим, Шоҳимардон > Шойимардон, Шоҳиста > Шойиста, Иброҳим > Ибройим* каби.

**ҳ** ундошининг тушиб қолишига ёки **й** га ўтишига мойиллиги тилда баъзи сўзларнинг тарихан ихчам формага киришига ҳам олиб келган. Буни *Муҳаммад Ниёз > Муаммадниёз > Маматниёз > Матниёз; Муҳаммад Раҳим > Муаммадраим > Мадраим > Мараим* каби сўзлар эволюциясида кўриш мумкин. Таркибида **х** ундо-



ши бўлган сўзларда эса бундай ўзгариш бўлмайди: *бахил, бахт, сахий* каби сўзлар *байил, байт, сайий* деб талаффуз қилинмайди;

г) ёпиқ бўғинда **э( е)** товушидан сўнг доимо **ҳ** ундоши қўлланади: *эҳтимол, эҳтиёж, эҳтиёт, истеҳком, меҳмон, истеҳзо, меҳнат* каби;

д) ёпиқ бўғинда **и** унлисидан сўнг доимо **х** ундоши келади: *ихчам, ихлос, ихтилоф, ихтиро, ихтиёр, мих, михдон, сих* каби;

е) русча - интернационал сўзлар таркибида доимо **х** ҳарфи ёзилади: *техника, архив, характер, хирург, архитектура* каби.

**33 - §.** Айириш белгиси **(ъ)** қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

а) русча интернационал сўзлар таркибида **е (йэ), ё (йо), ю (йу)** каби товушларни айириш учун ишлатилади: *подъезд, съезд, съёмка, адъютант, конъюктура;*

б) *бидъат, журъат, санъат, суръат, масъул, қалъа* сўзларида **а, у** унлиларини олдинги ундошдан ажратиш учун ёзилади;

е) *шеър, таъна, даъво, маъно, саъва, меъмор, эътибор, мўъжиза* сўзларида ундошдан олдинги унлиларнинг чўзиқроқ талаффуз этилишини ифодалаш учун ёзилади.

Аммо *дарё, дунё, бунёд, ҳадя, афғон* сўзларида, *Мирюсуф, Матёқуб, Миряҳё* каби киши отларида, *боряпти, келяпти, ёзяпти* каби феълларда ва *жам, нав, тобе, толе, воқе* каби сўзлар охирида айириш белгиси ёзилмайди.

**34 - §.** Юмшатиш белгиси **(ь)** русча - интернационал сўзларда юмшоқ ундошдан сўнг ёзилади: *февраль, артель, альбом, альпинист, декабрь.*

Охири юмшоқ ундош билан тугаган русча - интернационал сўзларга қўшимчалар қўшилганда, сўз охиридаги юмшатиш белгиси тушириб қолдирилади: *январь — январда, артель - артелда, госпиталь — госпиталда, шинель — шинелни. Реал (иш), социал (тузум), монументал (асар), горизонтал (чизиқ), актуал (масала)* каби сифатларнинг охирида юмшатиш белгиси ёзилмайди.

***9 - топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. **х** ҳарфи қандай товушни ифодалайди? **ҳ** ҳарфи - чи?
2. **х** ва **ҳ** ҳарфларининг имлосини аниқлашда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
3. Қайси ўринларда айириш белгиси **(ъ)** ёзилади?
4. Қандай ҳолатларда юмшатиш белгиси **(ь)** ёзилади? Қандай пайтларда тушириб қолдирилади?

**28 - машқ.** Уч нуқта ўрнига **х** ёки **ҳ** ҳарфларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. Имлони аниқлашда нимага асосланганингизни оғзаки тушунтиринг.

Ало..ида, ..ола, арво.., ар..еолог, ар..ив, асла..а, па..та, а..ир, а..ил, ба..т, ба...о, ба...одир, ба...с, бе...и, био...имия, бу...галтер, ва...има, гав...ар, газет...он, гиё..., го..., го...ида, гуво..., гул...ан, гул...она, гулче...ра, гуно..., гуру..., дара...т, да...лиз, де...қон, до...ий, жав...ар, жаро...ат, жа...л, жа...он, жи...ат, жи...оз, жо...ил, за..., за...ар, за...маткаш, зе...н, зо...ид, зо...ир, зу...ра, изо..., имти...он, исло..., исте...зо, ифти...ор, ишта...а, калтафа...м, кал...ат, кор...она, кў...на, лав...а, мав...ум, мад...ия, мажру..., мар...амат, масла...ат, мас...арабоз, ма...сус, маш...ур, ма...алла, ма...кам, ма...ма-

дона, ме...мон, ме...наткаш, ме...р, ми..., ми...дон, мо...ият, муд...иш, му...бир, му...аббат, му...тожлик, на...ор, ни...оят, оромго..., о...анг, о...ак, пу...та, да...шат, ра...м, ро...ат, ру...сат, се...р, сиё..., си...мола, си..., те...ника, фа...м, ...абар, ...азина, ...ат, ...отин, ...о...иш, че...ра, ша...ар, э...сон, э...тиёж, э...тиёткорлик, ...азил, ...аким, ...алокат, ...амро..., ...аракат.

**29-машқ.** Қуйидаги сўзлар ва сўз формаларининг қайси бирида айириш ёки юмшатиш белгиси туширибқолдирилганлигини аниқлаб ёзинг. Айириш ва юмшатиш белгиларининг ёзилиш ёки ёзилмаслик сабабларини оғзаки тушунтиринг.

Акварел, акварелда, албом, алпинист, апелсин, апрел, апрелда, артелга, асфалт, афюн, азам, азо, ало, бандерол, бандеролни, бази, билярд, валерианка, вада, вазгўйлик, дафатан, дават, даволанмоқ, давогарлик, декабр, дунё, дарё, жам, журат, зафар, зафарон, иникос, кител, кителлар, контрол, култиватор, култивация, лали, масул, малум, мамур, мано, масум, маюс, мақул, мебел, мебелни, медаллар, меда, меёр, мемор, моне, монелик, наша, наматак, нав, обектив, октябр, сезд, толе, тобе, территориал, индустриал.

## БЎҒИН КЎЧИРИЛИШИ

**35-§.** Ёзувда бир йўлга сиғмай қолган сўз кейинги сатрга қуйидагича кўчирилади:

а) бўғин асосида: *мак-таб, трол-лейбус, кутуб-хона, ку-тубхона* ёки *кутубхо-на;*

б) сўзнинг биринчи ёки охирги бўғини ёзувда бир ҳарф билан ифодаланганда, биринчи бўғин сатр охирида ёлғиз қолдирилмайди ёки охирги бир унлили бўғин кейинги сатрга ёлғиз кўчирилмайди: *а-маси эмас, ама-ки, а-натомия* ёки *анатоми-я* эмас, *ана-томия (анато-мия), матба-а* эмас, *мат-баа;*

в) биринчи ёки иккинчи бўғини бир ҳарфдан иборат *ота, ака, ая* каби сўзлар *о-та, а-ка, а-я* шаклида кўчирилмай, сатр охирида яхлит қолдирилади ёки яхлитлигича кейинги сатрга кўчирилади;

г) бир товушни ифода этувчи **нг** ва **шч** ҳарфий бирикмалари бўғин кўчириш пайтида ажратилмайди. Чунончи, *мешчан, кўнгил, сингил* каби сўзлар *ме-шчан, кў-нгил, си-нгил* шаклида кўчирилади;

д) сўзларнинг биринчи ҳарфларидан тузилган *БМТ, ЧССР, КПСС* каби қисқартма отлар, *21, 35, 150, XXIV* каби рақамлар олдинги сатрда яхлит қолдирилади ёки ажратилмай кўчирилади.

***10-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Ёзувда бир қаторга сиғмай қолган сўз кейинги қаторга қайтарзда кўчирилади?
2. Сўзларнинг биринчи ёки охирги бўғини бир ҳарф билан ифодаланганда, шу бўғин иккинчи сатрга қандай кўчирилади?
3. Икки бўғинли сўзларнинг қандай турлари бўғинларга ажратиб кўчирилмайди?
4. Қисқартма сўзларнинг қайси турларини икки қисмга ажратиб кўчириб бўлмайди?
5. Кўп хонали рақамларни иккига бўлиб кўчириш мумкинми?



**30-машқ.** Қуйидаги сўзларни бўғинларга ажратинг ва уларни бир қатордан иккинчи қаторга кўчириш йўлларини тушунтиринг.

Абад, абзац, абстракт, аванс, агар, адир, ажаб, азиз, айвон, айиқ, багаж, бадиий, бадфеъл, баёз, баён, бактерия, барно, батарея, бетаъсир, бунёд, вегетация, вертолёт, галантерея, дарё, дастмоя, дарча, дафъатан, даъво, дунё, елим, елка, енгил, енгмоқ, етакчи, ёвуз, ёдаки, ёзма, ёзув, ёйиқ, ёки, ёлғиз, жавоб, жавоҳир, жусса, заъфар, зиё, зиён, ибора, ивимоқ, идеал, идея, синфимиз, илиқ, исён, истеъдод, истеъмол, какао, кварц, квитанция, кенгаш, кенглик, кенгуру, комиссия, кооператив, коньяк, матбаа, мутолаа, биология, пионер, ишчан, мешчан, яшик, экин, ўтин.

## БОШ ҲАРФЛАР ИМЛОСИ

**36-§.** Ўзбек орфографияси қоидаларига кўра, бош ҳарфлар қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

1. Ҳар бир гап бош ҳарф билан бошланади.
2. Шеърнинг ҳар бир мисраси бош ҳарф билан бошланади.
3. Атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади: *Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Ўзбекистон, Ленинград, Сирдарё.*

Эслатма. Атоқли отлардан ҳосил бўлган турдош отлар (*дарвинизм, галифе, маузер*), **-лар** афф ксини олиб, жамликни ифода этган атоқли отлар (*Фарҳод-фарҳодлар*) кичик ҳарф билан ёзилади. Аммо *Ньютон қонуни, Ильич чироқлари* каби бирикмалар составидаги атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади.

4. Планета ва юлдузларнинг номлари бош ҳарф билан ёзилади: *Венера, Марс, Юпитер, Миррих.* Аммо *қуёш, ер, ой* сўзлари астрономик тушунча (планета) номлари бўлгандагина бош ҳарф билан, бошқа пайтларда эса кичик ҳарф билан ёзилади.

5. Давлат, иттифоқдош ва автоном республикалар номи бўлган турғун бирикмаларнинг ҳар бир сўзи бош ҳарф билан бошланади: *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси, Абхазия Автоном Совет Социалистик Республикаси* каби. Аммо иттифоқдош ва автоном республикалар ичидаги маъмурий бўлинишларнинг номи бўлган сўз бирикмаларининг фақат биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади: *Краснодар ўлкаси, Олтой ўлкаси, Хакасия автоном области, Тоғли Бадахшон автоном области, Тошкент области, Самарқанд области, Оҳангарон райони, Ургут райони, Ўрта Чирчиқ райони.*

6. Иттифоқдош, миллий ва автоном республикаларнинг олий давлат ва юқори партия органлари ҳамда ташкилотларининг номлари бўлган бирикмаларнинг ҳар бир сўзи бош ҳарф билан бошланади: *СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон*

*Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи*. Аммо тармоқ министрликларининг номи бўлган бирикмаларнинг биринчи сўзи ва ундан олдинги аниқловчисигина бош ҳарф билан, қолганлари кичик ҳарф билан ёзилади: *Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги.*

7. Олий давлат мансаби, олий унвон номи бўлган бирикмаларнинг ҳар бир сўзи бош ҳарф билан ёзилади: *СССР Министрлар Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Прокурори, Совет Иттифоқи Маршали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.*

8. Академиялар, институтлар, илмий текшириш муассасалари, музейларнинг номи бўлган бирикмаларда шу ташкилотнинг характерини (мазмунини) ифодаловчи биринчи сўз ва ундан олдин келган аниқловчи бош ҳарф билан, қолганлари кичик ҳарф билан ёзилади: *СССР Халқлари музейи, Тошкент Политехника институти, Тошкент Давлат Медицина институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Самарқанд Давлат университети, Педагогика билим юрти, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти.*

9. Давлат идоралари, завод, фабрика, колхоз, совхоз, турли жамиятлар, маданият ва истироҳат боғлари, театр, китоб, журнал, газета номлари бўлган бирикмаларнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади: *Давлат банки, «Ўртоқ» фабрикаси, Ҳамза театри, «Боёвут» совхози, «Билим» жамияти, «Ўқитувчилар газетаси», «Муштум» журнали, «Қутлуғ қон» романи.*

10. Муҳим расмий ҳужжатларнинг номи бўлган бирикмаларнинг ҳар бир сўзи бош ҳарф билан ёзилади: *СССР Конституцияси, Стокгольм мурожаати.*

11. Муҳим тарихий воқеалар ва байрамларнинг номи бўлган бирикмаларнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади: *Октябрь социалистик революцияси, Қонли якшанба, Матбуот куни, Конституция куни.*

12. Расмий муносабатларда бир томон иккинчи томонга алоҳида ҳурмат билдирганда *сиз, ўзингиз* олмошлари бош ҳарф билан ёзилиши мумкин.

***11-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Қандай сўзлар ёзувда бош ҳарф билан ёзилади?
2. Атоқли от вазифасидаги бирикмали номларнинг қайси сўзлари бош ҳарф билан бошланади?
3. Муҳим расмий ҳужжатлар, муҳим тарихий воқеалар ва байрамларнинг номи бўлган бирикмаларда бош ҳарфлар қандай ишлатилади

**31-машқ.** Қуйидаги сўз ва бирикмаларни бош ҳарфлар имлоси асосида кўчиринг. Шу мисоллар ёрдамида бош ҳарфларнинг ишлатилишини тушунтиринг.

Қуёш, ер, ой, олтиариқ, қорасув, днепр, венера, марс, юпитер сирдарё, тўйтепа, «победа» парки, «муштум» журнали, «қизил ўзбекистон» фабрикаси, социалистик меҳнат қаҳрамони, «қизил шарқ» колхози, қизилқум, амударё, ссср олий совети президиумининг раиси, ўзбекистон сср министрлар советининг раиси, ўзбекистон сср қишлоқ хўжалиги министрлиги, ўзбекистон сср маориф министрлиги, қорақалпоғистон автоном совет социалистик республикаси, татаристон автоном совет социалистик республикаси, краснодар ўлкаси, қашқадарё области, балиқчи райони, самарқанд архитектура институти, алишер навоий номидаги самарқанд давлат университети, улуғбек номидаги фарғона давлат педагогика институти.



## ОРФОЭПИЯ

### ОРФОЭПИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**37-§.** Баъзи сўзлар ёки сўз таркибидаги товушлар, қўшимчалар ўзбек сўзлашув нутқида, айниқса, шеваларда турлича талаффуз қилинади. Масалан, адабий тилдаги *йўқ, йигит* каби сўзлар бошида келган **й** ўрнида қипчоқ лаҳжасида қоришиқ портловчи **ж** (*жўқ, жигит*), адабий тилдаги **к, т** товушлари ўрнида жанубий Хоразм шевасида (ўғуз лаҳжасида) **г, д** товушлари (*гўз, дуз*) қўлланади. Ҳозирги замон давом феъли ясовчи ***-япти*** аффикси Тошкентда ***-вотти*** (*борвотти, ёзвотти*), Самарқандда ***-опти*** (*боропти, ёзопти*), Наманганда ***-утти*** (*борутти, келутти*) талаффуз қилинади. Орфоэпия адабий тил доирасида ягона талаффуз нормаларини белгиловчи қоидалар системасидир.

Баъзан адабий тилнинг ўзида ҳам бир товуш турли фонетик позицияда турлича талаффуз қилинади, буни ҳам орфоэпия қоидалари ўргатади.

### УНЛИ ТОВУШЛАР ОРФОЭПИЯСИ

**38-§. и унлиси:** *тил, тиш, бир* каби сўзларда қисқа; *кийим, тийин, сийрак* каби сўзларда **й** ундошидан олдинги ўринда чўзиқ; *қиш, ғишт, хил* каби сўзларда (**қ, ғ, х** товушлари билан ёнма-ён келганда) қисқа ва қаттиқ (русча **ы** товушига яқинроқ) талаффуз қилинади.

**39-§. у унлиси:**

а) *тун, бугун, бутун, учун, узун* каби сўзлар таркибида, айниқса, урғусиз бўғинда қисқароқ талаффуз қилинади.

б) ***-ув, -увчи*** аффикслари таркибида (*ўқувчи, ёзув, ёзувчи, олув, қўшув*) чўзиқроқ айтилади;

в) урғули бўғинда, айниқса, русча-интернационал сўзларнинг урғули бўғинида (*коммуна, музика, конструктор, кондуктор*) чўзиқ талаффуз қилинади;

д) саёз тил орқа **к** ва **г** товушлари билан ёнма-ён ҳолатда юмшоқ (*кул, гул*), чуқур тил орқа **қ, ғ, х** билан ёнма-ён келганда эса қаттиқ (*қ л, ғурра, хулқ*) айтилади.

**40 - §. ў унлиси:**

а) содда сўзларнинг биринчи бўғинида қисқароқ (*ўтин, тўсиқ, рўмол, сўроқ, чўмич*) талаффуз қилинади;

б) жуфт ёки такрорий сўзларнинг биринчи компонентида (урғули бўғинда) чўзиқ (*кўп - кўп, зўр - зўр, тўп - тўп, мўл - мўл*) талаффуз қилинади;

в) саёз тил орқа **к, г** товушларидан сўнг юмшоқ (*кўл, гўшт, кўрмоқ, гўзал*); чуқур тил орқа **қ, ғ, х** ундошларидан сўнг қаттиқ (*қўл, қўшмоқ, ғўр, ғўза, хўроз, хўп*) талаффуз қилинади;

**41 - §. э унлиси:**

а) сўз ва бўғин бошида кенгроқ (*экин, эркин, эламоқ, поэзия*) талаффуз қилинади;

б) бўғин ичида (ундошлар орасида — *кел, кет, сен, мен*), очиқ бўғинда (*кеча, беда, текин, секин*) бир оз торроқ айтилади;

в) русча - интернационал сўзлар таркибидаги урғусиз бўғинда эса яна ҳам торроқ (**и** товушига яқинроқ) талаффуз қилинади: *телефон > тилифон, телевизор > тиливизор, адрес > адрис.*

**42 - §. а унлиси:**

а) саёз тил орқа **к, г** товушлари билан ёнма - ён келганда юмшоқ (*кам, катта, гап, гал, газлама, кайфият*) талаффуз қилинади;

б) чуқур тил орқа **қ, ғ, х** билан ёнма - ён келганда қаттиқ (*қалам, қарға, қасида, ғам, ғалвир, халқ, хабар, хат*) айтилади;

в) русча - интернационал сўзлардан қаттиқ ундошдан сўнг келган **а** ўзбекча сўзлардаги **а** унлисидан қаттиқроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг: *кана* (ўзб.) — *канал* (русча), *баланд* (ўзб.) — *баланс* (русча), *ана* (ўзб.) — *анализ* (русча);

г) араб тилидан кирган (*таъна, даъво, маъно, саъва*) сўзларнинг биринчи бўғинида **а** чўзиқ талаффуз этилади.

**43 - §. о унлиси:**

а) қуйи кенг унли сифатида (*тош, баҳор, сомон, омон, шамол*) талаффуз қилинади;

б) саёз тил орқа **к, г** товушларидан сўнг юмшоқ (*косиб, котиб, такомил, говмиш, гоҳо*) айтилади;

в) чуқур тил орқа **қ, ғ, х** ундошларидан сўнг қаттиқ (*қошиқ, наққош, ғор, суғормоқ, хом, хонадон*) айтилади;

г) русча - интернационал сўзлардаги **о** урғули бўғинда ўзбекча **о** дан торроқ (*опера, тонна, область, нота*) талаффуз қилинади. Урғусиз бўғинда эса баъзан **а** (*комсомол > камсамол, самолёт > самалёт*); баъзан қисқа **и** (*директор > директир, трактор > трактир*) айтилади.

***12 - топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Орфоэпия нимани ўрганади?
2. **и** унлиси қандай пайтда қисқа, чўзиқ, қаттиқ ёки юмшоқ талаффуз қилинади?
3. **у** унлиси қандай фонетик позицияда қисқа ёки чўзиқ, қандай пайтларда юмшоқ ёки қаттиқ айтилади?



4. ў унлиси қандай пайтларда чўзиқ, қисқа, юмшоқ ёки қаттиқ талаффуз қилинади?
5. **а** ва **о** унлиларининг талаффуз нормалари ҳақида нимани биласиз?
6. **э(е)** қандай пайтларда кенгроқ, қандай пайтларда торроқ талаффуз қилинади?

**32 - машқ.** Текстни ўқинг. Унлиларнинг чўзиқ - қисқалиги, тор - кенглиги ва қаттиқ ёки юмшоқлигини тушунтиринг.

Қодиржон сессиянинг тугашини кутмаёқ қишлоққа жўнаб кетди. Кўча эшикдан кираркан, ҳовлисида, олма тагида ўтирган бир тўда қизларга сездирмаслик учун оёқ учида юриб, боққа бурила қолди. Кун дим. Япроқлар қилт этмасди. Яшил палак ёпинган ишкомлар қуёш тафтини ҳўплаб, ерга олов пуркарди. Қодиржон терга тушиб ўтираркан, бирин - кетин уч - тўрт дона ўрик тап - туп этиб ерга тушди. Назарида биров: ол, **е**, наҳорсан - ку, дегандай бўлди. Қўлини чўзганди, етмади. Турди. Эгилган шохга бўй чўзиб, сиқимини тўлдирди - да, бир донасини оғзига солиб, қулт этиб ютинди. Бир зум ўрик тупига боқиб, гўдаклик йиллари ёдидан ўтди . . .

Маржон - маржон олтин доналарини даст кўтарган шу қандак ўрик кўчатини катта бобоси Исфарадан келтирган эди. Ўшанда бобоси қазиган чуқурга чойгумда сув қуйиб бир қўли билан кўчатни ушлаб турганди. Йиллар ўтди . . . Ўқиди, ўрта мактабни тугатди. Колхозида қолди. Бир йилдаёқ район слётида оғизга тушди. Ҳозир у район советининг энг кенжа депутати. *(Р. Азизхўжаев.)*

## АЙРИМ УНДОШЛАР ОРФОЭПИЯСИ

**44-§.** Жарангли **б** ундоши сўз охирида жарангсиз **п** ҳолида талаффуз қилинади: *китоб > китоп, бориб > борип, ёзиб > ёзип.*

Жарангли **д** товуши ҳам сўз охирида жарангсиз **т** ҳолда талаффуз қилинади: *савод > савот, завод > завот, обод > обот, мадад > мадат.*

Русча-интернационал сўзларда қўлланадиган лаб-тиш **в** ундоши сўз охирида жангсиз **ф** ҳолида талаффуз қилинади: *актив > актиф, пассив > пассиф, устав > устаф.*

Жарангли **г, ғ, д, ж, з** ундошлари жарангсиз ундошлар билан ёнма-ён келганда, жарангсиз **ф, к, қ, т, ш, с** ҳолида талаффуз қилинади: *терак + га > теракка, оқ + ган > оққан, кет + ган > кеткан, туш + ган > тушкан, кет + ди > кетти, ижтимоий > ишимоий, мазкур > маскур.*

Портловчи **б** икки унли орасида кўпинча сирғалувчи **в** ҳолида талаффуз қилинади: *бора бер > боравер, кета бер > кетавер.*

**х** ундоши қаттиқроқ, **ҳ** эса юмшоқроқ айтилади: *хол* (юздаги хол)— *ҳол* (*аҳвол* сўзининг бирлиги), *хил* (тур, нав) — *ҳил-ҳил* (ҳил-ҳил пишмоқ).

Орфоэпия нормаларини белгилашда ва унга амал қилишда урғу, овоз, пауза, интонация, нафас олиш кабиларнинг аҳамияти анча каттадир.

***13-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Қандай пайтларда жарангли **б** ундоши жарангсиз **п** ҳолида талаффуз қилинади?
2. Сўзнинг охирида келган жарангли **д** ундоши қандай талаффуз қилинади?
3. Лаб-тиш **в** ундоши сўз охирида қандай талаффуз қилинади?
4. Жарангли **г, д, ж, з** ундошлари, жарангсиз ундошлардан олдин келганда, қандай талаффуз қилинади?
5. **х** ва **ҳ** ундошлари қандай талаффуз қилинади?

**33-машқ.** Текстдаги ундош товушларнинг аслида қандай, талаффузда қандайлигини, уларнинг ўзгариш сабабларини тушунтиринг.

Бойчибор ўтдай ёниб, шамолдай учиб, бир ярим соат деганда район марказига етиб келди. Ойқиз район партия комитетига ўз вақтида етиб келганидан мамнун бўлди, чунки Жўрабоев ҳали чиқиб кетишга улгурмаган эди. У, район партия комитети секретарининг қабулхонасига кириши биланоқ, Султоновга дуч келди. Султонов одатдагидек чиройли ва янги портфелини қўлтиқлаб, Жўрабоевнинг кабинетидан ўқдай отилиб чиққанда саросимага тушгани ва хафалиги сезилиб турарди. *(Ш. Р.)*

# ЛЕКСИКОЛОГИЯ ВА ФРАЗЕОЛОГИЯ

## ЛЕКСИКОЛОГИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**45-§. Лексика** тилдаги барча сўзлар ва иборалар йиғиндисидир. Лексика тилнинг луғат составини деб, уни ўрганадиган фан эса лексикология деб аталади.

Лексикология тилнинг луғат составида содир бўладиган турли ҳодисаларни, чунончи: а) илм-фан, маданият, ишлаб чиқариш, техника ва бошқа соҳаларнинг узлуксиз ривожланиши натижасида кўплаб янги сўзларнинг юзага келишини; б) мавжуд сўзлардан баъзиларининг эскириб истеъмолдан чиқишини (масалан, *шўро, кашшоф, мил, чечак);* в) баъзи сўзларнинг маъносида кўчиш (***совуқ*** *шамол—****совуқ*** *хабар*), кенгайиш (*отланмоқ* — отга миниб сафарга чиқиш, *отланмоқ*—умуман сафарга чиқиш) ёки торайиш (*ош*—умуман овқат, *ош*—овқатнинг бир тури) юз беришини текширади.

### ТУШУНЧА ВА СЎЗ

**46-§. Тушунча** предмет, воқеа ва ҳодисаларнинг киши миясида акс этишидир. Тушунчанинг юзага келишида инсоннинг сезги органлари (кўриш, ҳис этиш аъзолари) ва фикрлаш қобилияти қатнашади: киши ниманидир кўради, ҳис этади, у ҳақда ўйлайди ва фикрлайди, натижада, унинг миясида шу предмет ёки воқеа-ҳодисанинг умумлашган акси (инъикоси) қолади.

**47-§. Сўз** тушунчанинг бирор тилдаги номидир. Масалан, табиатда ўсиб ривожланадиган, танаси, шох-шаббаси ва барглари бўлган предмет ва у ҳақдаги тушунча ўзбек тилида *дарахт*, рус тилида *дерево*, немис тилида эса *der Baum* (*дер Баум*) деб номланади. Шу номлар сўздир.

Сўз билан тушунча доимо бирга яшайди: тушунчасиз сўз, сўзсиз тушунча бўлиши мумкин эмас. Чунончи: *китоб* деган сўзнинг бўлиши учун, аввало, китобнинг (ўқув қуроли бўлган предметнинг ва у ҳақдаги тушунчанинг) ўзи бўлиши керак, акс ҳолда, *китоб* деган сўзга эҳтиёж бўлмайди. Шунингдек, китоб (ўқув қуроли) ҳақидаги тушунчанинг мавжуд бўлиши ўз навбатида *китоб* сўзининг мавжуд бўлишини тақозо қилади, акс ҳолда, шу тушунчани аташ имкони бўлмайди.

Тушунча тафаккурнинг (ўйлаш, фикрлаш қобилиятининг) маҳсули бўлганлигидан логика фанида, сўз эса тилга хос ҳодиса сифатида тилшуносликда ўрганилади.

## СЎЗНИНГ ЛЕКСИК ВА ГРАММАТИК МАЪНОЛАРИ

**48-§.** Тилнинг луғат составидаги асосий бирлик сўздир. Ҳар қандай сўзнинг ўзаро боғлиқ бўлган икки томони—ташқи ва ички томонлари бўлади.

Сўзнинг ташқи томони деганда, унинг қандай товушлардан тузилганлиги назарда тутилади. Масалан, *ўқиш* сўзи ў, қ, и, ш товушларидан ташкил топган. Бу товушлар *ўқиш* сўзининг юзага келишида қурилиш материали (моддий асос) бўлиб хизмат қилган. Сўзнинг товуш томони билан фонетикада танишилди.

Сўзнинг ички томони деганда, унинг маъноси назарда тутилади.

**49-§.** Сўзнинг маъноси икки хил бўлади: лексик маъно ва грамматик маъно.

**Лексик маъно**—сўз ифода этган конкрет бир предмет, белги, ҳаракат ва ҳоказо. Масалан, *стол*—предметнинг бир тури, *стул*—предметнинг бошқа бир тури; *оқ*—белгининг бир тури, *қора*—белгининг бошқа бир тури; *ўқимоқ*—ҳаракатнинг бир тури, *ишламоқ*—ҳаракатнинг бошқа бир тури.

Сўзнинг лексик маъноси тушунчага асосланган дир. У лексикологияда ўрганилади.

**Грамматик маъно**—бир туркумдаги сўзларнинг кўпчилигига хос бўлган умумий маъно. Масалан, юқорида келтирилган *стол* ва *стул* сўзлари, предметнинг конкрет турларидан ташқари, умуман предмет (от) маъносини *оқ* ва *қора* сўзлари, белгининг конкрет турларидан ташқари, умуман белги (сифат) маъносини, *ўқимоқ* ва *ишламоқ* сўзлари эса, ҳаракатнинг конкрет турларидан ташқари, умуман ҳаракат (феъл) маъноларини ҳам ифода этади. Лексик ва грамматик маъноларнинг фарқини қуйидаги схемадан ҳам кўриш мумкин:

| | |
|---|---|
| 1) *дафтар* (предметнинг бир тури) — лексик маъно<br>2) *қалам* (предметнинг бошқа бир тури) — лексик маъно | умуман предмет — от (грамматик маъно) |
| 1) *яхши* (белгининг бир тури) — лексик маъно<br>2) *ёмон* (белгининг бошқа бир тури) — лексик маъно | умуман белги — сифат (грамматик маъно) |
| 1) *бормоқ* (ҳаракатнинг бир тури) — лексик маъно<br>2) *келмоқ* (ҳаракатнинг бошқа бир тури) — лексик маъно | умуман ҳаракат —феъл (грамматик маъно) |

Предмет маъносини ифода этган сўзлар от туркумига, белги маъносини ифода этган сўзлар сифат туркумига, ҳаракат маъносини ифода этган сўзлар феъл туркумига киради. Бу сўзларнинг от, сифат, феъл каби маънолари грамматик маъно саналади. Булардан ташқари, отлардаги эгалик *(дафтарим, дафтаринг)*, келишик *(дафтарнинг, дафтарни)*, кўплик *(дафтарлар)*, сифатлардаги



даража *(яхши, яхшироқ, энг яхши)*, феълдаги замон *(бордим, боряпман, бормоқчиман)* каби маънолар ҳам грамматик маъно.

Сўзнинг грамматик маъноси грамматикада ўрганилади.

***14-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Лексика (луғат состави) нима?
2. Лексикология нимани ўрганади?
3. Тушунча нима? Уни қандай фан ўрганади?
4. Сўз нима? Уни қандай фан ўрганади?
5. Тушунча билан сўз ўртасидаги боғлиқлик ва фарқлар нималардан иборат?
6. Сўзнинг ташқи томони деганда нимани тушунасиз? У қайси фанда ўрганилади?
7. Сўзнинг ички томони нима?
8. Лексик маъно нима? Лексик маъно тилшуносликнинг қайси соҳасида ўрганилади?
9. Грамматик маъно деганда нимани тушунасиз? Грамматик маъно тилшуносликнинг қайси соҳасида ўрганилади?

**34-машқ.** Текстда ажратиб кўрсатилган сўзларнинг ташқи ва ички томонларини ҳамда лексик ва грамматик маъноларини тушунтириб беринг.

**Кун совуқ. Қуёш** дам очилиб, **кўнгилларни** ёритиб юборади, дам ёпилади-да, тумшайиб олади. **Дарахтлардан** тўкилиб улгурмаган **япроқлар** ора-сира ширт-ширт **узилади, салқин ҳавода** бир-икки айланиб, тун изғиринида қатқалоқланган, **энди** эса сумалакланга бошлаган кўча лойига **ғарибона** ясланади.

Кун совуқ, лекин **бозор** қайнайди. Бу ерга **туташган** кўчаларнинг ҳаммасидан одам **дарёдай оқади.** Баъзи бировлар совуқдан **қотган қўлларининг** кафтларини оғизларига тортадилар-да, «куҳ-куҳ» деб **иситиб** оладилар.

Жомеининг орқасида унинг **баланд** ғишт деворига тиқилиб **Оташ дукчи ўтирибди.** У дукни ғув-ғув **айлантиради, сўнг бир** қўли билан **кўзойнагини** кўтариб туриб, дукни кўзларига **яқин тутади,** синчиклаб **қарайди,** тағин уни силлиқлай бошлайди. Дук кутиб ўтирган **серямоқ** жулдур паранжили **ёш-қари хотинларга** у бир-икки оғиз гапириб ҳам қўяди. *(О.)*

**35-машқ.** Газета ёки журналдан от, сифат, сон, феъл ва равиш туркумларига мансуб бир неча сўз танлаб, уларнинг лексик ва грамматик маъноларини намуна асосида изоҳланг.

Намуна:



## Лексик маъно турлари

**50-§.** Сўзнинг нутқдан ташқарида (эркин ҳолда) ифода этган маъноси ўз маъноси ёки тўғри маъно деб аталади. Сўз нутқда ҳам кўпинча ўз маъносида қўлланади. Масалан, *бел* (эркин ҳолда) фақат одам гавдасининг ўрта қисми тушунчасини, *қулоқ* сўзи эса одам аъзоларидан бирини билдиради. Бу маънолар *бел* ва *қулоқ* сўзларининг ўз маъноларидир.

Сўзнинг ўз маъносидан ўсиб чиққан лексик маънолар кўчма маъно деб аталади. Сўзнинг кўчма маъноси нутқ вазиятида англашилади. Масалан, *тоғнинг бели* (тоғнинг ўрта қисми маъносида), *дуторнинг қулоғи*, *ариқнинг қулоғи*.

Сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин:

| Сўзнинг тўғри маъноси | Сўзнинг кўчма маъноси |
|---|---|
| кўйлакнинг ***ёқаси*** | дарёнинг ***ёқаси*** |
| ош ***тузи*** | гапнинг ***тузи*** |
| тоғ ***чўққиси*** | фан ***чўққиси*** |

**51-§.** Сўзнинг кўчма маънолари қуйидаги қонуниятлар асосида юзага келади:

**1. Метафора йўли билан маънонинг кўчиши.** Бунда қиёфаси, ранги, хусусияти, жойлашиш ўрни ёки ташқи бирор белгиси ўзаро ўхшаш бўлган икки предметдан бирининг номи иккинчисини ҳам атай бошлайди. Масалан, *олтин* сўзи *олтин танга* бирикмасида ўз маъносида, *олтин куз* бирикмасида эса кўчма маънода қўлланган. Унинг кўчма маъноси олтиннинг (металлнинг) ранги билан куз фаслида дарахтларнинг япроқлари сарғайишидан юзага келган ранг ўртасидаги ҳамда олтиннинг қиймати билан кузнинг қиймати ўртасидаги нисбий ўхшашликларга асосланилган ҳолда юзага келган. Шунингдек, *узукнинг кўзи* бирикмасидаги *кўз* сўзи билан одамнинг кўзи ўртасида ҳам юқоридаги каби муносабат, ўхшашлик мавжуд.

**2. Функционал жиҳатдан бир хиллик ёки ўхшашлик асосида маъно кўчиши.** Бунда бажарадиган вазифаси бир хил бўлган икки предметнинг бири иккинчисининг номини олади. Масалан, *томир* сўзи дастлаб одам организмидаги орган тушунчасини ифода этган, кейинчалик ўсимликлардаги шу вазифани бажарувчи органларга нисбатан ҳам ном бўлиб ўтган.

**3. Метонимия йўли билан маънонинг кўчиши.** Бунда бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган (бирини иккинчисиз тасаввур қилиб бўлмайдиган) икки предмет ёки ҳодисадан бирининг номи билан иккинчисини аташ назарда тутилади. Масалан, *Қани меҳмон, дастурхонга қаранг* гапидаги *дастурхон* сўзи шу гапда ўз маъносида эмас, балки дастурхон устига қўйилган ноз-неъмат, озиқ-овқат маъносида (кўчма маънода) қўлланган. Бу маънолар дастурхон билан ноз-неъмат, озиқ-овқат ўртасидаги доимий муносабатдошликдан келиб чиққан.



Метонимия йўли билан маънонинг кўчиши автор билан асар ўртасидаги боғланишга (*Пушкинни ўқидим:* бунда Пушкиннинг ўзи эмас, унинг асари назарда тутилган), предметлар ўртасидаги ўрин муносабатига (*Самоварга бордим*: бунда чойхона назарда тутилган), замон муносабатига (*Элликка кирдим:* бунда эллик ёшга кирганлик назарда тутилган) асосланади.

**4. Синекдоха йўли билан маънонинг кўчиши.** Бунда бирор предметнинг (бутуннинг) номини аташ билан шу предметнинг (бутуннинг) қисми ёки аксинча, қисмнинг номини аташ билан шу қисмни ўз ичига олган предмет (бутун) назарда тутилади. Масалан, *Беш қўл баравар эмас* гапида *қўл* сўзи (бутуннинг номи) панжа, бешта бармоқ маъносини (бутуннинг қисмларини) англатади. *У ҳовлидаги олманинг устида эди* гапида эса *олма* сўзи (қисмнинг номи) орқали олма дарахти (бутун) англашилган.

***15. топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Лексик маънонинг қандай турлари бор?
2. Тўғри маъно деб нимага айтилади?
3. Лексик маънонинг қайси тури кўчма маъно дейилади?
4. Сўзнинг кўчма маънолари қандай қонуниятлар асосида юзага келади?
5. Метафора йўли билан маъно кўчиши нимага асосланади?
6. Функциядошлик жиҳатдан маъно кўчиши қандай содир бўлади?
7. Синекдоха йўли билан маъно қандай кўчади?
8. Метонимия йўли билан маъно кўчиши нимага асосланади?

**36-машқ.** Қуйидаги гапларда ажратиб кўрсатилган сўзларнинг лексик маъно турларини аниқланг, маъно кўчиш йўлларини тушунтиринг.

1. Кечга яқин тоғ томондан **совуқ** шамол эса бошлади. 2. 1941 йилнинг 22 июнида фашистлар Германиясининг мамлакатимизга ҳужум қилганлиги ҳақида **совуқ** хабар тарқалди. 3. Кеча **«Пахтакор» га** бордик. 4. **Пахтакор** ўртоқлар, бир дақиқа вақтни ҳам қўлдан бой берманг! 5. Боланинг қўлида **эгри** таёқ бор эди. 6. **Эгри** иш қирқ йилдан кейин ҳам билинади. 7. Хонада иккита **темир** каравот, иккита тумбочка бор эди. 8. Ҳарбий хизмат **темир** интизомни талаб қилади. 9. Латофат магазиндан чиройли **косалар** сотиб олди. 10. Ҳамма бир **косадан** ичди. 11. Баъзи одамлар **тирноққа** зор.

**37-машқ.** Бирор бадиий асардан кўчма маъноли сўз иштирок этган бир неча гап топиб кўчиринг. Бундай сўзларнинг тўғри маъносини белгилаб, қайси йўл билан кўчганлигини тушунтиринг.

## Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар

**52-§.** Фақат бир маънони ифода этувчи сўзлар бир маъноли ёки моносемантизмлар (*гр. монос — бир, семантикос — «белги»*) дейилади. Масалан, *фонетика* сўзи фақат нутқ товушлари ҳақидаги фан маъносида, *сюжет* термини эса асардаги воқеалар тизмаси маъносида қўлланади.

**53-§.** Икки ёки ундан ортиқ маънога эга бўлган сўзлар кўп маъноли сўзлар ёки полисемантизмлар (*ер. поли — кўп, семантикос — «белги»*) дейилади. Масалан:

*ўчирмоқ* — *чироқни ўчирмоқ*, *ёнғинни ўчирмоқ*, *овозни ўчирмоқ*, *ёзувни ўчирмоқ*

*оғиз* — *одамнинг оғзи*, *печканинг оғзи*, *ғорнинг оғзи*

Кўп маъноли сўзларнинг юзага келишига аввал бир маънода қўлланган сўзларнинг лексик маъно тараққиётига дуч келиши (метафора, функциядошлик, метонимия ёки синекдоха йўли билан маънонинг кўчиши) сабаб бўлади (51-параграфга қаранг).

***16-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Қандай сўзлар моносемантизмлар деб аталади?
2. Қандай сўзлар полисемантизмлар дейилади?
3. Бир маъноли сўзнинг кейинчалик кўп маъноли сўзга айланиши қандай қонуниятларга асосланади?

**38-машқ.** Қуйидаги сўзларни бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар группасига ажратинг. Кўп маъноли сўзлар иштирокида иккитадан гап тузинг.

Трактор, комбайн, бош, кўз, қулоқ, тил, ер, қалам, ўткир, водород, кислород, қофия, пейзаж, майин, илиқ, бел, этак.

## Сўзларнинг стилистик бўёғи

**54-§.** Баъзи сўзлар предмет ва ҳодисаларни атабгина қолмай, сўзловчининг шу предмет ва ҳодисаларга бўлган салбий ёки ижобий муносабатини ҳам ифодалайди. Масалан, *жилмаймоқ*, *илжаймоқ*, *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *ишшаймоқ*, *иршаймоқ* сўзлари аслида овоз чиқармасдан мийиғида кулиш тушунчасини ифода этади; аммо шу тушунчани ифода этиш даражаси билан улар ўзаро фарқланади. 1. *У ҳамиша кулиб,* ***жилмайиб*** *турадиган меҳрибон чеҳрани кўрмайди. (М. Ис.)* 2. *Эшонхон қўллари кўксида, айёрона* ***илжайиб*** *кўзларини ўйнатиб олди-да, танчага суқилди. (О.)* 3. *Фосиҳ афанди бўлса, куйдирган калладай* ***иржайиб*** *ўтирар эди. (М. Ис.)* 4. *Мана, хонадан лоп этиб бош яланг, эски тўнга ўралган Тулки тилмоч* ***тиржайиб*** *чиқиб келди.(О.)* 5. *... Комендант «адашманг, айнан ўзи» деди сурбетларча* ***ишшайиб.*** *(Ш.)* 6. *Отаевнинг жаҳли чиқиб, пешанаси тириша бошлаган эди, дарахтдан сўз очилгани учун* ***иршайиб*** *қўйди.* (*«Муштум» дан.*)

Биринчи гапда *жилмаймоқ* сўзи «мийиғида кулиш» ҳодисасини маълум даражада ижобий баҳолайди, иккинчи гапдаги *илжаймоқ* сўзи эса шу ҳодисанинг ўзини салбий оттенка билан баҳолайди, учинчи гапдаги *иржаймоқ* сўзида бундай салбий оттенка бирмунча



кучлироқ ифодаланган; тўртинчи, бешинчи ва олтинчи гаплардаги *тиржаймоқ*, *ишшаймоқ*, *иршаймоқ* сўзларида эса салбий эмоция билдирувчи қўшимча маъно оттенкалари яна ҳам орта борган. Ана шу типдаги қўшимча (салбий ва ижобий муносабат билдирувчи) маъно оттенкалари стилистик бўёқ деб аталади.

Стилистик бўёқ турли йўл билан юзага келади. Чунончи:

**1. Лексик-семантик йўл.** Бунда лексик маъносида азалдан стилистик бўёқни ифода этувчи қўшимча маъно оттенкаси бўлган сўзларни ёки ибораларни (*қўли очиқ; кавушини тўғрилаб қўймоқ* каби бирикмаларни) қўллаш назарда тутилади. Масалан, ҳушёр эмаслик тушунчаси тилда *анқов*, *меров*, *овсар* каби сўзлар воситасида ифодаланада. Аммо бу сўзларнинг лексик маънолари, ҳушёр эмаслик тушунчасини ифода этиш даражаси жиҳатидан фарқ қилади: *анқов* сўзида шу тушунча бирмунча истеҳзо, камситиш оттенкалари (стилистик бўёғи) билан ифодаланади. *Меров* ва *овсар* сўзларида эса истеҳзо, камситиш оттенкалари анча кучлидир. (Фразеология, синонимлар баҳсларига қаранг.)

**2. Контекстуал йўл.** Бунда стилистик бўёғи бўлмаган сўзнинг маълум нутқий шароит (контекст) таъсирида стилистик бўёқ ифода этиши назарда тутилади. Масалан, *Ибн Сино — Ўрта Осиёнинг буюк олими, Алишер Навоий — ўзбек халқининг буюк мутафаккир шоири* гапларида *олим*, *шоир* сўзлари стилистик бўёқ ифода этмаган: улар ҳақиқий олим ва ҳақиқий шоирга нисбатан қўлланган. Аммо бу сўзлар ўзини олимнамо, шоирнамо тутадиган, олимлик ёки шоирликка даъвогар бўлиб юрадиган баъзи кишиларга нисбатан қўлланганда, кесатиқ, мазах, киноя каби оттенкаларга эга бўлади: *шоир келди; олим нутқ сўзлади* каби.

**3. Морфологик йўл.** Бунда бирорта сўзга модал маъно ифода этиш учун хизмат қиладиган қўшимчаларни қўшиш билан стилистик бўёқни ифодалаш назарда тутилади. Масалан, *Раънохон, Лолахон* сўзларидаги ***-хон*** қўшимчаси ҳурмат маъносини, *Абдуллавой* сўзидаги ***-вой*** (*<бой*) қўшимчаси эса ҳазил, киноя маъноларини ифода этиш учун ишлатилади.

**4. Фонетик йўл.** Бунда сўз таркибида товуш орттириш ва урғунинг ўрнини ўзгартириш орқали сўзнинг маъноси кучайтирилади: *дарахтнинг учидá — дарахтнинг ýччида, мазá — мáзза* каби.

Стилистик бўёқ нутқнинг таъсирчан чиқишида муҳим воситадир.

***17-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Стилистик бўёқ деб нимага айтилади?
2. Стилистик бўёқ қандай йўллар билан ифодаланади?
3. Стил стик бўёқдан нутқда қандай мақсадда фойдаланилади?

**39-машқ.** Қуйидаги гаплардан стилистик бўёғи бўлган сўзларни топинг. Уларда стилистик бўёқнинг ифодаланиш йўлини, маъно хусусиятини тушунтиринг.

1. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар. *(Мақол.)* 2. Дала шийпони қуришга бошлиқ қилиб биркитилган киши анча бўшанг

ва танбал эди. (*Ш. Р.*) 3. Қаердаки интизом маҳкам, у ерда иш йирик. Қаердаки интизом бузилди, у ерда иш расво. (*У.*) 4. Жилла ҳар куни жанжал бўлмаганда ҳам, ҳафтада, ўн кунда бир тўполон чиқмаса, албатта, кундошни кундош деб бўлмас. (*А. Қод.*) 5. Сизлар билан машмаша қилиб юришга тоқатим йўқ. (*М. Исм.*) 6. Оқ жужунча камзулимни, ўрисча шимни, амиркон этикни, бахмал тўппини кийиш... ана шундан кейин отга минсак чин тўрача бўламизда. (*А. Қод.*) 7. Ойимнинг бир қизиқ одати бор: ҳар қачон янгироқ кийим киймоқчи бўлсам, кўзини ола-кула қилиб: «Қақшағир, кир қиласан, тўй-пўйга борганда киярсан!» — деб қарғай бошлайди. (*А. Қод.*) 8. Хизматчидан отни олиб миндим. Тўнимнинг этакларини йиғиштириб, қашқачамнинг човига бир-икки қамчи берган эдим, жонивор шаталоқ отиб кетди. (*А. Қод.*) 9. Худо ҳаққи, авзоим бузилиб, куфрлигим ошди: — Бор-бор! — дедим, — васиқанг йўқ экан, мирзабоши, афтингга лой сачрайди, — дедим. (*А. Қод.*) 10. Йилдан-йилга замонни ер ютвотти, эгачи. Эркак-ку, эркак, ёшларни ҳам худо теп-теппасидан уриб товонидан чиқарвотти, мен сизга қоқиндиқ! (*А. Қод.*) 11. Яна бир муҳаррир нуқул таржима қилиб, тагига ўз имзосини чўнқайтиради. (*А. Қод.*) 12. Бу кун бу амакимлардан қайси бири янги дунёга қадам қўйганларга раҳбарлик қиладилар, улар кўзларини лўқ қилиб, элни талаш кўйидалар. (*А. Қод.*) 13. Бордилар Масковнинг машҳур бир ресторанига, пальтоларини ечиб кирдилар ичкарига; камина нима қилсин, ичкарига кириш учун мулла мир жиринг керак ... (*А. Қод.*) 14. Биз бўлсак, сарф қилган 2 сўм 50 тийин ҳасратида мушшайиб, оёқ автомобилига сувора бўлиб, келдимиз ётоқхонага! (*А. Қод.*)

**40-машқ.** Қуйидаги сўзлар орасидан стилистик бўёғи бўлган синонимларни топинг. Улар иштирокида бир неча гап тузинг.

Намуна: *лапашанг — лаванг, ландовур, ношуд.*

*Сўзга чечан, ишга* ***лапашанг****, икки юзламачи, ваъдабозларни кўргани кўзим йўқ.* ***Ландовур****, ношудсан, амалингдан яхши фойдалана олмабсан!*

Юз, ифлос, ишва, кесатиқ, кийим, куч, кўк, кўкрак, лапашанг, лақма, найрангбоз, нафас, новча, нола, нур, ориқ, очкўз, сахий, секин, совға, содиқ, тайёр, тоза, томчи, туташ, туҳмат.

### ФРАЗЕОЛОГИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**55-§.** Тилнинг луғат составида, сўзлардан ташқари *гап отмоқ, гап ташламоқ, кўнглини кўтармоқ, очиқ қўл* каби иборалар ҳам бор. Бундай иборалар фразеологизмлар деб, уларни ўрганадиган соҳа эса фразеология дейилади.

Ибора (фразеологизм) таркибида энг камида икки сўз қатнашади, аммо улар ўзаро боғланган ҳолда умумлашган битта кўчма маъно билдиради; демак, маъно жиҳатдан битта сўзга тенг келади. Масалан, *зўраймоқ* (сўз) — *авж олмоқ* (ибора), *қийналмоқ* (сўз) — *азоб чекмоқ* (ибора), *жанжаллашмоқ* (сўз) — *ади-бади дейишмоқ* (ибора), *бажармоқ* (сўз) — *амалга оширмоқ* (ибора) каби.



Иборалар одатда стилистик бўёққа бой бўлади, шунинг учун улардан фикрни жонли, таъсирчан қилиб ифодалашда кенг фойдаланилади. Қиёс қилинг: *1. Танчада хомуш ўтирган Саидаҳмадхон парвосизгина остона томон* ***қаради****. — Танчада хомуш ўтирган Саидаҳмадхон парвосизгина остона томон* ***кўз қирини ташлади****. 2. Бу гапни эшитиб, у* ***ғазабланди****. — Бу гапни эшитиб, унинг* ***тепа сочи тикка бўлди****.*

### ИБОРАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

**56-§.** Иборалар нинг уч тури бор: фразеологик қўшилмалар, фразеологик бутунликлар (фразеологик бирлашмалар), фразеологик чатишмалар.

**1. Фразеологик қўшилмалар.** Бундай ибора ўз таркибидаги сўзлардан бирининг тўғри, иккинчисининг эса кўчма маъносига асосланган бўлади. Масалан, *кўнглини кўтармоқ* ибораси *кўнгил* сўзининг тўғри маъносига, *кўтармоқ* сўзининг эса кўчма маъносига асосланиб, битта яхлит маънони — хурсанд қилиш маъносини ифодалайди. Шунингдек, *иштаҳаси бўғилмоқ* ибораси ҳам *иштаҳа* сўзининг тўғри маъносига, *бўғилмоқ* сўзининг кўчма маъносига асосланган бўлиб, битта умумлашган кўчма маънони билдиради.

Фразеологик қўшилма таркибидаги сўзларнинг (айниқса, тўғри маънода қўлланган сўзнинг) лексик маъно мустақиллиги сезилиб туради. Шу хусусиятига кўра, у иборалар нинг бошқа турларидан фарқ қилади.

**2. Фразеологик бутунликлар** (фразеологик бирлашмалар). Бундай иборалар, ўз таркибидаги сўзларнинг лексик маъноларига боғлиқ равишда, умумлашган кўчма маъно ифода этади. Масалан, *тепа сочи тикка бўлмоқ* ибораси яхлит ҳолда бир маънони — ғазабланмоқ маъносини англатади. Бунда унинг фразеологик бутунлик эканлигини кўрсатувчи белги ғазабланмоқ маъноси билан ибора таркибидаги сўзларга хос лексик маънолар (сочнинг тикка бўлиши) ўртасидаги боғланишнинг сезилиб туришидадир. Чунки киши дарғазаб бўлганда унинг баданидаги туклар ҳақиқатан ҳам тик бўлади.

**3. Фразеологик чатишмалар.** Бундай иборалар ифода этган кўчма маъно билан ибора таркибидаги сўзлар англатган лексик маънолар ўртасида маълум бир боғланиш борлиги сезилмайди: бу жиҳатдан улар фразеологик бутунликлардан ажралиб туради: *Хўжабеков тилга кирган эмиш* (*тилга кирмоқ* — фразеологик бутунлик, чунки гапириш процесси бевосита тил билан боғлиқдир). Демак, ибора яхлит ҳолда ифода этган кўчма маъно — *гапирмоқ* билан ибора таркибидаги *тил* ва *кирмоқ* сўзлари ифодаланган лексик маънолар ўртасида боғланиш борлиги сезилиб туради. *У шошилганидан оёғини қўлига олиб югурди* (*оёғини қўлга олиб* — фразеологик чатишма, чунки югуриш процесси билан оёқни қўлга олиш тушунчалари ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқ); *Кампир дин бобида қилни қирққа ёрадиган аёллардан* (*қилни қирққа ёрадиган* — фразеологик бутун-

лик.) Чунки қил каби жуда ингичка нарсани қирқиш учун, дарҳақиқат, уста, тадбиркор бўлиш керак. Демак, ибораларнинг умумлашган кўчма маъноси — усталик тушунчаси билан ибора таркибидаги сўзлар ифодалаган лексик маънолар ўртасида маълум бир боғланиш бор. *Сизда виждон деган нарса йўқ! Кўзимнинг ёғини еб, бошимга иш тушганда қочдингиз* (*кўзимнинг ёғини еб* — фразеологик чатишма, чунки иборанинг умумлашган кўчма маъноси — яхшилигимни кўриб деган умумий тушунча билан ибора таркибидаги *кўз, ёғ, емоқ* сўзлари ифодалаган лексик маънолар ўртасида боғланиш йўқ).

***18-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Фразеология нимани ўрганади?
2. Иборя деб нимага айтилади?
3. Ибораларсўздан нимаси билан фарқ қилади?
4. Ибораларданнутқда қандай мақсадда фойдаланилади?
5. Фразеологик қўшилмалар деб нимага айтилади?
6. Ибораларнинг қандай типи фразеологик бутунлик дейилади?
7. Фразеологик чатишма деб нимага айтилади? Улар фразеологик бутунликдан қандай белгиси билан фарқ қилади?

**41-машқ.** Қуйидаги гаплардан ибораларни топинг, уларнинг маъно хусусиятларини тушунтиринг.

1. Кекирдагингни чўзма-э, тумшуғингга ем тушкур . . . *(А. Қод.)* 2. Бошқармага келган мақолаларнинг 25 фоизи думи хуржунда бўлса, 25 фоизи ғараз ва шахсият касалига мубталодир. *(А. Қод.)* 3. Қўрққан киши сичқон инини ижарага олсин, унга матбуот саҳифасида кишнашга ҳавас қилиш ҳайфдир . . . Мана ёзувчилардан илтимосимиз шулдир. Қабул қилсалар жон кошки, қабул қилмаганларнинг соқоли тўкилсин!.. *(А. Қод.)* 4. Мулла ака, жонимиздан ўтиб кетгани учун гапирамиз!.. Хотин-қизларга гап отиб, ўтганнинг ўрғини, кетганнинг кетмонини олиб ўтирганига чидолмаймиз, мулла акажон! *(Мирм.)* 5. Оббо, нафси бузуқ, сира бу қилиғингни қўймадинг, — деди ранжиб шогирдларидан бири. *(О)* 6. Шогирдларни миридан сиригача биласиз-да, Қори жаноблари. *(О.)* 7. Насиҳатга тоқатим йўқ, биласизки, сиркам сув кўтармайдиган шоирларданман. *(М. Муҳамедов.)* 8. Раис севинчи ичига сиғмай Султоновни уйғотди. *(Ш. Р.)* 9. Бас, пичоқ бориб суягимга етди. Бошимни эгиб индамай юрганим етар, жонимдан тўйиб кетдим. *(Ш. Р.)* 10. Турмушдан орқада қолаётгани учун унинг роса пўстагини қоқишди . . . *(А. Муҳиддин)* 11. Бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, бир-биримизга жонимизни фидо қилишимиз керак. *(О.)*

**42-машқ.** Қуйидаги гапларни кўчиринг. Ибораларни ажратиб, уларнинг турларини айтинг.

1. Тавба дегин, қизим, парвардигорим ўзи ёрлақасин, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, бандасининг умри шундоқ . . . деди кампир насиҳатомуз оҳангда. 2. Ишим олчи, амаки, обрў катта, бойнинг жилови қўлимда, чизган чизиғимдан чиқмайди. 3. Э-э



ота, уларнинг қисмати шу экан, ташвиш қилманг, уруш битди дегунча ҳаммаси уя-уясига қараб қанот қоқади. 4. Тилингни тий, алжирама! — деди қаҳрли бўғиқ товуш билан дукчи Эшонхонни жеркиб. — Зумрад пок, асил қиз. 5. Бошимни қотирма, жиян, қўй беҳуда гапларни! 6. Бу осон гап эмас, умр савдоси дейдилар, ахир. 7. Қўшиқ кўнгилнинг чигилини ёзади билсанглар . . . — деди Гулсасал, — кўзлари қийиқ, бодомқовоқ, истараси иссиқ жажжигина қиз. 8. Чол қовоғи солиқ, ерга боққани ҳолда хонага кирди . . . 9. Ўша Эшонхон-да, биламан хўп тулкилигини, сиз, лақиллаган чол, унинг ноғорасига ўйнамоқчисиз? Оташ дукчи танчага тиқилиб, узоқ ўй сурди. *(О.)*

## ОМОНИМЛАР

**57-§.** Айтилиши ва ёзилиши бир хил, маънолари эса ҳар хил бўлган сўзлар омонимлар дейилади. Масалан: *туз* (ош тузи) — — *туз* (ҳаракатнинг бир тури: *план тузмоқ*); *боғ* (мевазор) — *боғ* (беда боғи); *от* (ҳаракатнинг бир тури: *душманни от*) — *от* (ҳайвоннинг бир тури). Бундай сўзлар тилшуносликда лексик омонимлар дейилади.

Тилда баъзан ёзилиши ва айтилиши бир хил, маънолари ҳар хил бўлган иборалар ҳам учрайди: *бошига кўтармоқ* (ҳурмат қилмоқ)— *бошига кўтармоқ* (шовқин солмоқ, жанжал қилмоқ); *кўз юммоқ* (бирор нарсани кўрмасликка, билмасликка олиш) — *кўз юммоқ* (вафот этмоқ); *сўз бермоқ* (докладчига сўз бермоқ) — *сўз бермоқ* (ваъда бермоқ). Бу типдаги омонимлар тилшуносликда фразеологик омонимлар дейилади.

**58-§.** Омонимларни кўп маъноли сўзлардан (полисемантизмлардан) фарқ қилиш керак. Омоним сўзлар ифодалаган маънолар ўртасида ички боғланиш йўқ. (Бундай маъноларнинг бири иккинчисидан чиқиб келмаган.) Полисемантизмда эса маънолар орасида ички боғланиш бўлади: уларнинг бири иккинчисидан келиб чиқади. Масалан: *ўт* (майса) — *ўт* (олов) — *ўт* (ўтмоқ феълининг буйруқ майли). Бу сўзлар ифодалаган маънолар (майса, олов, ҳаракат маънолари) ўртасида ички боғланиш йўқ, улардан бири иккинчисидан ўсиб ҳам чиқмаган. Аммо *бош* (одамнинг боши) — *бош* (дарёнинг боши) каби ҳолатларда ифодаланган маънолар ўртасида ички боғланиш бор: биринчи ҳолатда одам гавдасининг бошланиш қисми, иккинчи ҳолатда эса дарёнинг бошланиш қисми ифодаланган. Демак, бу маънолар аслида битта *бош* сўзининг иккита маъноси — тўғри ва кўчма маъноларидир. Шунинг учун биринчи мисолдаги *ўт (I)* — *ўт (II)* — *ўт (III)* сўзлари лексик омонимлар бўлса, иккинчи мисолдаги *бош* сўзи тўғри ва кўчма маънолари бўлган битта сўз (полисемантизм) дир.

Омонимларнинг тилдаги аҳамияти ниҳоятда катта: улар сўз ўйинида, айниқса, аския ва туюқ жанрларида муҳим восита саналади, шеъриятга алоҳида бадиийлик бағишлайди. Мисоллар:

*Тушма қаллоб* ***тўрига.***
*Ўтқизса ҳам* ***тўрига.***
*Одам қовун* ***эмасдир,***
*Қараб билсанг* ***тўрига.*** *(З. Шарофиддинов.)*

***19- топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Омонимлар деб нимага айтилади?
2. Омонимларнинг қандай турлари бор?
3. Омонимлар билан кўп маъноли сўзлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар нимадан иборат?
4. Омонимларнинг тилда қандай аҳамияти бор?

**43- машқ.** Қуйидаги гаплардан омонимик муносабатда бўла оладиган сўзларни ва ибораларни топинг, уларнинг маъно фарқларини тушунтиринг.

1. Бу ер—муқаддас ер. 2. Ёмон ўртоқ ҳам ошингни ер, ҳам бошингни ер. *(Мақол.)* 3. Овқат шўрроқ бўлиб қолибди: туз кўпроқ солинган экан. 4. Эртанги ишга бугун режа туз. *(Мақол.)* 5. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар. *(Мақол.)* 6. У қўлига соз олиб мунгли куй чала бошлади. 7. Биринчи бўлиб колхоз раиси гапирди, шундан сўнг мажлисни бошқарувчи — колхоз партия ташкилотининг секретари — илғор бригадир Аҳмад отага сўз берди. Аҳмад ота ўз режалари ҳақида гапириб, бу йил гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтарамиз деб сўз берди. 8. У уйқусида жуда қизиқ туш кўрди. 9. Сен тепадан пастга туш, сўнг бамайлихотир гаплашамиз. 10. Унинг ёши анчага борган бўлса ҳам, кўринишидан тетик эди. 11. Қари келса — ошга, ёш келса — ишга. *(Мақол.)* 12. Бу хабарни эшитган заҳотиёқ, унинг кўзига дув-дув ёш кела бошлади. 13. Кўп ўтмай дастурхонга иссиқ ош қўйилди. 14. Олим бўлишни мақсад қилсанг, билим тоғидан ош, меҳнат дарёсини кеч.

**44- машқ.** Қуйидаги сўзларнинг омонимларини топиб, улар иштирокида гап тузинг.

Намуна: *бор* (мавжудлик маъносини ифодаловчи модал сўз) — *бор* (*бормоқ* феълининг буйруқ майли).

*1. Сўздан сўзнинг фарқи* **бор**, *ўттиз икки нархи* **бор**. (*Мақол.*)
*2. Мустаҳкам билим оламан десанг, дарсларни ўз вақтида ўқиб* **бор**.

Соч, қирқ, кул, ой, от, соғ, шим, той, эт, яра, без, оқ, ошиқ, боғ, занг, бор, кўк, асар, чақмоқ, ёт, қўй, тур, сўри, ол.

**45- машқ.** Қуйидаги туюқлардан омонимларни топиб, уларнинг маъно фарқларини, аҳамиятини тушунтиринг.

1. Чун пари-ю ҳурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим. *(А. Навоий.)*

2. Келур сел, кўкда гоҳо бўлса чақмоқ,
Зарар қилгай данакни тишда чақмоқ.
Ёмондир икки ўртоқ ўртасида
Уриштирмоқ учун бир-бирига чақмоқ. *(Ҳабибий.)*



3. Баъзилар бор гўё ҳўл ўтин,
Тутаб ётар, кўрмайсан ўтин.
Янгиликка қайишмас сира,
Хоҳ буюр-у, хоҳ минг ўтин. *(М. Мударрисов.)*

## СИНОНИМЛАР

**59- §.** Ёзилиши, талаффузи ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил сўзлар синонимлар дейилади. Синоним сўзлар одатда бир сўз туркумига мансуб бўлади: *баҳор* ва *кўклам* (от) *чиройли ва гўзал* (сифат) *сўзламоқ* ва *гапирмоқ* (феъл) *кам* ва *оз* (равиш) Бир маъно атрофида бирлашаётган синонимлар йиғиндиси синонимик қатор, шу қаторда нисбатан бетараф лексик маъно ифода этган ёки адабий нутққа кўпроқ хос бўлган сўз эса доминанта дейилади. Масалан *юз, бет, афт, башара* сўзларининг лексик маънолари бир тушунчага асосланган. *Анқов, меров, овсар, калвак* сўзларининг лексик маънолари эса бошқа бир тушунчага асосланган. Шунинг учун *юз, бет, афт, башара* сўзлари бир синонимик қаторни, *анқов, меров, овсар, калвак* сўзлари эса иккинчи бир синонимик қаторни ташкил қилади. Биринчи қатордаги *юз* сўзи нисбатан бетараф лексик маъно билдиради, қолганлари *(бет, афт, башара* сўзлари) эса шу тушунчани маълум даражада салбий эмоция билан бирга ифодалайди: бу сўзларнинг лексик маъноси доирасига сўзловчининг тингловчига нисбатан салбий муносабатини билдирувчи маъно оттенкалари қўшилган бўлади: *юзингни юв* (нисбатан бетараф муносабат), *бетингни юв, афтингни юв, башарангни юв* (салбий муносабат) каби. Баъзан синонимик қатордаги сўзларнинг ҳаммаси ҳам бетараф маъноли бўлмаслиги мумкин. Масалан, иккинчи синонимик қатордаги *анқов, меров, овсар, калвак* каби сўзларнинг ҳаммасида озми-кўпми салбий эмоция бор. Демак, уларнинг бирортасини ҳам бетараф лексик маъноли сўз деб бўлмайди. Бундай пайтларда доминанта адабий тилга ёки умумхалқ тилига кўпроқ хос бўлиш даражасига ёхуд тушунчага қўшилган қўшимча маъно оттенкасининг ифодаланиш даражасига кўра аниқланади. *Анқов* сўзи шу синонимик қатордаги бошқа сўзларга қараганда умумхалқ тилига кўпроқ хослиги, салбий эмоцияни эса бошқаларга нисбатан камроқ ифода этиши билан ажралиб туради. Шунинг учун уни доминанта дейиш мумкин. Қолганлари кўпроқ шеваларга хослиги ва салбий эмоцияни *анқов* сўзига қараганда кучлироқ ифода этиш даражасига кўра доминанта бўла олмайди. Шунингдек, *тема* ва *мавзу* сўзларида қўшимча маъно оттенкалари мутлақо йўқ, аммо *тема* сўзи *мавзу* сўзига нисбатан тилда кўпроқ қўлланиб келмоқда. Шунинг учун уни шу синонимик қаторнинг доминантаси дейиш мумкин.

**60- §.** Баъзан фақат сўзларгина эмас, балки сўз билан ибора ёки ибора билан ибора битта синонимик қаторни ташкил қилиши мумкин. Шу жиҳатдан синонимлар қуйидаги уч турга бўлинади:

**1. Лексик синонимлар.** Бундай синонимик қаторда фақат сўзлар бирлашган бўлади: *дангаса, ялқов, ишёқмас, танбал.*

2. **Лексик-фразеологик синонимлар.** Бундай синонимик қаторда сўз билан ибора бирлашган бўлади: *қарамоқ — нигоҳ ташламоқ, кўз (қирини) ташламоқ; жазоламоқ — терисига сомон тиқмоқ.* Лексик-фразеологик синонимларда доминанталик вазифасини сўз бажаради.

3. **Фразеологик синонимлар.** Бунда синонимик қаторда фақат иборалар бирлашган бўлади: *кўйлагига сиғмаслик, терисига сиғмаслик* (хурсанд бўлиш маъноларида); *тарвузи қўлтиғидан тушди, умиди пучга чиқди, ҳафсаласи пир бўлди; имзо чекди, қўл қўйди.*

61-§. Синонимлар қуйидагича юзага келади:

1. Бир тилнинг ўзида бир тушунчанинг бир неча номи бўлади (улар қўшимча маъно оттенкаси билан фарқ қилади): *жилмаймоқ, илжаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ.*

2. Бир тушунчанинг шевалардаги турли номлари синонимик муносабатга киришади: *дўппи* (Тошкентда) — *қалпоқ* (Самарқандда) — *каллапўш* (Бухорода); *пақир* (Тошкентда) — *сатил* (Самарқандда).

3. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш асосида синонимлар юзага келади: *мавзу* (арабча) — *тема* (русча-интернационал); *булоқ* (ўзбекча) — *чашма* (тожикча); *олтин* (умумтуркий сўз) — *тилла* (тожикча).

Синонимлар тилда фикрни аниқ ва таъсирчан қилиб ифодалашда муҳим восита саналади: *Ғани Мардонов кетиб қолгач, унинг ўрнига тайинланган, энг майда болалардан тортиб кекса муаллимларгача «ота» деб атайдиган новча ва қотма чол қоровул келар эди. (П. Т.) Аҳмад Ҳусайн ҳар иккисини бир вақтлар кўрган эди. Инглиз укки кўз, карнай бурун, кампир даҳан, қилтириқ бўйин, найнов эди. (О.)*

Юқоридаги гапларда *новча* ва *найнов* сўзлари бир тушунчани — баланд бўйли деган маънони англатади. Аммо сўнгги гапдаги *найнов* сўзи бу тушунчани маълум даражада салбий оттенка билан ифодалаш имконини берган, шу жиҳатдан, фикрнинг таъсирчан ва аниқроқ чиқишига хизмат қилган.

***20-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Синонимлар деб нимага айтилади?
2. Синонимик қатор ва доминанта деганда нимани тушунасиз?
3. Синонимларнинг қандай турлари бор?
4. Синонимлар қандай юзага келади?
5. Синонимларнинг тилда қандай аҳамияти бор?

**46-машқ.** Қуйидаги гаплардан синонимларни топиб, улардан синонимик қаторлар ҳосил қилинг. Синонимик қатордаги сўзлар ёки ибораларнинг қайси жиҳатдан бирлашаётганлигини ва ўзаро фарқ қиладиган маъно оттенкаларини оғзаки тушунтиринг.

1. Хуллас, ҳаракатингизни қилаверинг. Шошилмасангиз бўлмайди, қиз бағоят сулув, дилбар, битта-яримта илиб кетмасин, доғда қолманг ... (О.) 2. У ўрта бўйли, жиккак гавдали, қорачадан келган, кўҳликкина хотин эди. (О.) 3. Қомати расо, оппоққина, қошлари қалам, юзлари анордай, садағаси кетай, чиройли қиз. (О.) 4. У



кексайган бўлса-да, кўзларининг ўти сўнмаган, сочида бир тола оқ йўқ, ҳануз хушрўй, унга ҳеч кимса қирқ-қирқ иккидан ортиқ ёш бермас эди. (О.) 5. Қулоқ беринг, тақсирлар, замон тараққиёт поғонасига етди. (О.) 6. Хафа бўлманг, бобой, гапга қулоқ солинг,—деди Тулки тилмоч айёрона кулиб. (О.) 7. Танчада хомуш ўтирган Саидаҳмадхон парвосизгина остона томон кўз қирини ташлади. (О.) 8. Қиморбоз Шокир отанинг сўзини писанд ҳам қилмади, киссасидан халтача чиқариб, эски қоғозга мохорка ўради, тишлари орасига қистирди, дўконнинг бурчак-бурчакларига аланглаб қаради ... (О.) 9. Орадан ўн кун ўтди. Охун домламиз йўқ. Йигирма кун ўтди, даракси, ўттиз кун деганда аёвли жонни ҳовуч қилиб, узлатхонанинг эшигидан мўраладилар. (А. Қод.) 10. Шу тобда бирдан эшик очилди, талабалардан бири ҳужрага бошини тиқди ... (О.) 11. Раъно қувонганидан кўйлагига сиғмади. Дугонаси ҳам шодлигидан терисига сиғмади.

**47-машқ.** Қуйидаги сўзларнинг синонимларини топиб, синонимик қаторлар тузинг, уларнинг доминантасини аниқланг. Шу сўзлар иштирокида бир неча гап тузиб, синонимларнинг маъно оттенкаларини тушунтиринг.

Жабр, айёр, анқаймоқ, асир, аранг, барг, батафсил, безак, белги, бемалол, бор, ботир, булоқ, Ватан, гангимоқ, дакки, дангаса, данғиллама, душман, дук, ёлғиз, ёлғончи, ёрдам, жанжал, жилмаймоқ, жуда, зора, зулм, иноқ, истак, иш, ишва, камалак, кесатиқ, кийим, куч, лапашанг, лақма, лоф, маош, найрангбоз, насиҳат, новча, нола, нур, нуқсон, овоз, овқат, одам, ортиқ, осмон, ошиқ, пешана, пиёда, роҳат, сабаб, сувчи, сезги, сезгир, секин, совға, сотқин, соя, соқов, тайёр, тахмин, ташна, таъм, томчи, туҳмат, узоқ, хасис, хат, хомуш, хушбўй, чанқамоқ, чапак, чаққон, чидам, чиройли, чора, ювош, юз, юмшоқ, юрак, ўртоқ, қалбаки, қасам, қийшиқ, қувноқ, ғам.

## АНТОНИМЛАР

**62-§.** Қарама-қарши маъноли сўзлар ёки иборалар антонимлар дейилади: *катта* ва *кичик, оқ* ва *қора.*

Антонимик муносабатда бўлган икки сўз антонимик жуфт деб аталади. Антонимик жуфтни ҳосил қилган сўзлар, одатда, бир сўз туркумига мансуб бўлади: *яхши* (сифат) — *ёмон* (сифат), *кўп* (равиш) — *оз* (равиш), *олмоқ* (феъл), — *бермоқ* (феъл), *тун* (от) — *кун* (от).

Антонимларнинг қуйидаги турлари бор:

**1. Лексик антонимлар** — қарама-қарши маъноли сўзлар: *иссиқ* ва *совуқ, рост* ва *ёлғон.*

**2. Лексик-фразеологик антонимлар** — қарама-қарши маъноли сўз ва ибора: *қизғанчиқ — қўли очиқ; хурсанд — дили сиёҳ.*

**3. Фразеологик антонимлар** — қарама-қарши маъноли иборалар: *оқ кўнгил* ва *кўнгли қора, боши кўкка етмоқ* ва *фиғони фалакка чиқмоқ.*

63-§. Антонимлар қуйидагича юзага келади:

1. Тилнинг луғат составида қарама-қарши маъноли икки сўз азалдан мавжуд бўлади: *кенг* ва *тор*, *кун* ва *тун*.

2. ***-чи*** ва ***-гўй***, ***-ли*** ва ***-сиз*** каби аффикслар воситасида ҳам антоним сўзлар ясалади: *ёлғон+чи* ва *рост+гўй*, *фойда+ли* ва *фойда+сиз*, *сифат+ли* ва *сифат+сиз*.

3. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида антонимлар юзага келади: *дўст* (тожикча-форсча) — *душман* (тожикча-форсча), *банд* (тожикча-форсча) — *бўш* (ўзбекча), *қувонч* (ўзбекча) — *ғам* (арабча), *актив* (русча-интернационал) — *пассив* (русча-интернационал), *озод* (арабча) — *роҳат* (арабча).

Антонимлардан тилда қарама-қарши тушунчаларни, предмет, белги, ҳаракат каби ҳодисаларни қиёслашда, аниқ ёки образли қилиб ифодалашда фойдаланилади. Айниқса, халқ мақолларида бу ҳол кўп учрайди: *Аччиқ билан чучукни тотган билар, узоқ билан яқинни юрган билар. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз — дўстини. Бермонга бешов кўп, олармонга олтов оз. Гап кўп — кўмир оз. (Мақоллар.)*

***21-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Антонимлар деб нимага айтилади?
2. Антонимик жуфт деб нимага айтилади?
3. Антонимларнинг қандай турлари бор?
4. Антонимлар қандай юзага келади?
5. Антонимлардан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?

**48-машқ.** Мақолларни ўқинг. Антонимларни топиб, уларнинг турини аниқланг.

1. Кўп гапдан оз бўлса ҳам иш яхши. 2. Ёзги меҳнат — қишки роҳат. 3. Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан — душман. 4. Тиндим тунда, тинмадим кундузи, бўлди қўй телпагим қундузи. 5. Эрта эккан хирмон қилур, кеч эккан армон қилур. 6. Дўст ачитиб гапирар, душман — кулдириб. 7. Кенгашганга кенг дунё, талашганга тор дунё. 8. Яхши дўст — жон озиғи, ёмон дўст — бош қозиғи. 9. Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно керак. 10. Донога иш — шону шуҳрат, нодонга иш — ғаму кулфат. 11. Нодон сўзлар, доно ибрат олар. 12. Кенгга кенг дунё, торга тор дунё. 13. Мард — ўзар, номард — тўзар. 14. Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар. 15. Яхши рўзғор—жаннат, ёмон рўзғор — дўзах. 16. Яхши хотин — уй зийнати, ёмон хотин — тўй зийнати. 17. Ёш келса ишга — қари келса ошга. 18. Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл.

**49-машқ.** Қуйидаги сўзлар ва ибораларнинг антонимларини топинг, уларнинг турларини, маъно хусусиятларини тушунтиринг.

Оқ, иссиқ, аччиқ, узун, оқ кўнгил, истараси иссиқ, юраги тор, юзи ёруғ, яхши, вафоли, одобли, ғолиб чиқмоқ, дўппини осмонга отмоқ, умиди пучга чиқмоқ, тепса тебранмас, фиғони фалакка чиқмоқ, кўнглини кўтармоқ, қадрли, ишчан.





**64-§.** Ўзбек тили лексикаси тарихан икки манба (тилнинг ички имкониятлари ва бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш) негизида таркиб топган ва ривожланган.

Тилнинг ички имкониятлари негизида умумтуркий сўзлар ва ўзбекча сўзлар юзага келган.

Ўзбек тили луғат составидаги *бош*, *қўл*, *кўз*, *бир*, *икки*, *мен*, *сен* каби кўпгина сўзлар қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон, татар ва бошқа туркий тилларда ҳам учрайди. Туркий тилларда қадимдан қўлланиб келаётган шу каби сўзлар умумтуркий сўзлар деб аталади. Демак, ўзбек тили лексикаси, биринчидан, қадимдан мавжуд бўлган умумтуркий сўзлар ҳиссбига шаклланган. Кейинчалик шу сўзларга ёки бошқа тиллардан ўтган сўзларга турли аффикслар қўшилишидан янги сўзлар ясалган: *бошла (бош+ла)*, *ишчи (иш+чи)*, *ишчан (иш+чан)* каби. Бундай сўзлар ўзбек тилининг ўзида ясалганлигидан ўзбекча сўзлар деб аталади. Ўзбекча сўзлар асос н икки ҳил йўл билан ясалади: 1) морфологик йўл билан. Бунда ўзакка сўз ясовчи аффикслар қўшилади: *ён+ил+ғи (ёнилғи)*, *оқ+ла+моқ (оқламоқ)*, *самовар+чи (самоварчи)*; 2) синтактик йўл билан. Бунда икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қўшилишидан қўшма ва жуфт сўзлар ясалади: *гулбоғ*, *гултожихўроз; ҳаво ранг*, *бора қол; қозон-товоқ*, *у-бу*, *беш-ўн*.

**65-§.** Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш асосида ўзбек тили лексикасида қуйидаги қатламлар юзага келган: 1) тожикча-форсча сўзлар; 2) арабча сўзлар; 3) русча-интернационал сўзлар.

**Тожикча-форсча сўзлар.** Ўзбек халқи қадимдан тожик халқи билан қон-қардошларча муносабатда бўлиб, бирга яшаб келган. Ана шундай иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар туфайли ўзбек тилига кўпгина тожикча-форсча сўзлар ўтиб, ўзлашиб қолган: *хона*, *дастрўмол*, *офтоб*, *барг*, *дарахт*, *гул*, *фарзанд*, *тилла*, *чашма*, *кафт*, *дутор* каби мустақил сўзлар, *ҳам*, *чунки*, *гарчи* каби ёрдамчи сўзлар шулар жумласидандир.

Тожик тилидан ўзбек тилига (дастлаб тожикча сўзлар таркибида) ***бе-***, ***ба-***, ***но-***, ***бар-***, ***-зор***, ***-хўр*** каби сўз ясовчи қўшимчалар ҳам ўтиб, ўзлашиб қолган. Ўзбек тили лексикасининг тараққиётида бундай аффикснарнинг мавқеи каттадир. Зотан, *камгап*, *серҳосил*, *хушхабар*, *ўрикзор*, *меҳнаткаш*, *ватанпарвар*, *текинхўр*, *нонхўр*, *ошхўр* каби сўзлар шундай аффикслар воситасида ясалиб, ўзбек тили лексикасини бойитган.

**2. Арабча сўзлар.** Араб тили Ўрта Осиёда дин тили ва маълум даражада илм-фан тили сифатида узоқ вақт қўлланиб келди. Бу ҳол кўпгина арабча сўзларнинг ўзбек тили лексикасига ўтиб, ўзлашиб қолишига сабаб бўлди. Ҳозирги ўзбек тили лексикасида араб тилидан ўтган *адабиёт*, *аҳоли*, *асос*, *овқат*, *жамият*, *оила*, *даъво*, *суръат*, *фан*, *ҳукумат*, *давлат* каби мустақил сўзлар, *балки*, *аммо*,

*лекин*, *ва* каби ёрдамчи сўзлар учрайди. Булардан ташқари, араб тилидан ***-ий, -ият, -ан*** каби сўз ясовчи аффикслар ҳам (араб тилидан ўзлаштирилаётган сўзлар билан бирга) ўтган: буни ҳозирги ўзбек тили лексикасидаги *марказий*, *хаёлий*, *одамий*, *тарихан*, *тахминан*, *такроран* каби сўзларда кўриш мумкин.

3. **Русча-интернационал сўзлар.** Ўтмишда тожик ва араб тилларидан сўз ўзлаштириш актив бўлган бўлса, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнгги йилларда рус тилидан сўз ўзлаштириш активлашмоқда. Чунончи, *металл*, *музей*, *орган*, *комедия*, *грамматика*, *театр* каби грекча сўзлар; *студент*, *министр*, *операция*, *аудитория*, *республика* каби латинча сўзлар; *лагерь*, *орден*, *солдат*, *офицер*, *штаб*, *галстук*, *гастроль* каби немисча сўзлар; *жюри*, *костюм*, *пальто*, *кабинет*, *сержант*, *генерал* каби французча сўзлар; *вокзал*, *трамвай*, *митинг*, *бифштекс*, *футбол*, *баскетбол*, *волейбол*, *бокс* каби инглизча сўзлар; *опера*, *тенор*, *ария*, *ложа*, *бензин*, *банк* каби итальянча сўзлар ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган. Бундан ташқари, *самолёт*, *паровоз*, *самовар*, *колхоз*, *совхоз*, *ручка*, *дружина*, *стол*, *стул* каби асл русча сўзлар ҳам ўзбек тили луғат составида анчагина бор.

Илм-фаннинг сўнгги ютуқлари билан боғлиқ равишда юзага келган *космодром*, *космонавтика*, *луноход*, *кибернетика* каби сўзлар ҳам ўзбек тилига рус тилидан ўтган. Булардан ташқари, баъзи русча сўзларга ўзбек тилидаги сўз ясовчи аффикслари қўшиш орқали ҳам янги сўзлар (*самоварчи*, *курсдош*) ясалмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўзбек тили луғат составининг тараққий этишида рус тилининг роли катта эканлигидан далолат беради.

***22-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Ўзбек тили лексикаси тарихан қандай манбалар негизида таркиб топган ва ривожланган?
2. Ўзбек тилининг ички имкониятлари негизида луғат составининг қандай қатлами юзага келган?
3. Ўз қатламга қандай сўзлар киради?
4. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш асосида луғат составининг қандай қатлами юзага келган?
5. Ўзлашган қатламга қандай сўзлар киради?
6. Ўзбек тили лексикасининг бойишида рус тилининг қандай роли бор?

## ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЛЕКСИК СОСТАВИ

66-§. Ҳозирги ўзбек тилининг луғат составига қуйидагилар киради:

**1) умумхалқ ишлатадиган** (ҳаммага тушунарли бўлган) **сўзлар:** *иш*, *ўқиш*, *қўл*, *оёқ*, *мен*, *сен*, *у*, *катта*, *кичик*, *бир*, *икки*, *уч*, *бормоқ*, *келмоқ*. Бундай сўзлар актив лексика ҳам дейилади;

**2) шеваларга хос сўзлар.** Бундай сўзлар маълум территориядагина қўлланиб, шу ерда яшовчи кишиларгагина тушунарли бўлади. Масалан: *челак* (адабий тилда) — *сатил* (Самарқанд ва Бухорода), *олча* (Тошкентда) — *олволи* (Самарқанд, Ургут ва Наманганда),



*дўппи* (адабий тилда) — *қалпоқ* (Самарқандда) — *каллапўш* (Бухорода). Бундай сўзлар диалектизмлар дейилади. Баъзан сўзнинг ўзи эмас, балки сўз таркибидаги бирор товуш ёки аффикс шевага хос бўлади. Чунончи, адабий тилдаги **й** ўрнида қипчоқ шевасида **ж** нинг ишлатилиши (*йўқ—жўқ*, *йўл—жўл*, *йигит—жигит*), адабий тилдаги ***-япти*** ўрнида Тошкентда ***-вотти,*** Самарқандда ***-опти,*** Наманган шевасида ***-утти*** аффикслари нинг қўлланиши (*борвотти*, *боропти*, *борутти*) каби. Шевага хос товуш фонетик диалектизм деб, шевага хос аффикс эса грамматик диалектизм дейилади. Диалектизмлардан ёзувчилар образ тилини типиклаштиришда фойдаланадилар;

**3) касб-ҳунарга оид сўзлар:** *вергул*, *нуқта*, *тире*, *дефис* (тилшуносликда), *теңлама*, *аксиома*, *квадрат* (математикада), *чопиқ культивация* (деҳқончиликда), *гастрит*, *диабет*, *грипп* (медицинада), *композиция*, *кульминация*, *қофия* (адабиётшуносликда). Бундай сўзлар терминлар деб, уларнинг йиғиндиси эса терминология ёки профессионал лексика ҳам дейилади;

**4) эскирган сўзлар.** Бундай сўзлар икки турга — историзмлар ва архаизмларга бўлинади: историзмларда сўзнинг ўзи ҳам, маъноси ҳам эскирган бўлади (*миршаб*, *қози*, *канизак*, *динор чақирим*, *ботмон*), архаизмларда эса сўзнинг ўзи эскирган бўлиб маъноси сақланган ва шу маънони ифода этувчи бошқа сўз (архаизмнинг ҳозирги тилдаги синоними) юзага келган бўлади (*битик* — *муҳр*, *котиб* — *яноқ*, *дудоқ*).

Историзм ва архаизмлар ҳозирги ўзбек тилининг пассив лексикаси доирасига кириб, улардан тарихий асарларда фойдаланилади.

**5) неологизмлар** — янги пайдо бўлган ва янгилик хусусиятини йўқотмаган сўзлар: *фазогир* (космонавт), *қўриқхона* (заповедник) *киноленинниана* (киноленинниана), *визит*, *новатор*. Неологизмлар ҳам пассив лексика қатламига киради;

**6) жаргон ва арголар** — баъзи ижтимоий гуруҳлар (текинхўрлар, безорилар, савдогарлар) нутқига хос бўлган сўз ва иборалар *лой*, *якан* (пул маъносида), *қайчи* (ревизор маъносида), *бедана* (тўппонча маъносида).

**7) экспрессив-стилистик лексика** — бадиий адабиётда қўлланадиган, сўзловчининг тингловчига ёки бошқа бирор нарсага бўлган салбий ёхуд ижобий муносабатини ифода этадиган сўзлар: *табассум*, *чеҳра*, *жамол*, *зебо*, *иржаймоқ*, *ишшаймоқ*, *башара*.

***23-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Қандай сўзлар тилнинг актив лексикасини ташкил қилади?
2. Диалектизмлар нима?
3. Термин ва терминология деб нимага айтилади?
4. Қандай сўзлар историзм ва архаизмлар дейилади?
5. Историзм билан архаизмнинг фарқи нимада? Улардан қандай фойдаланилади?
6. Қандай сўзлар неологизмлар дейилади?
7. Экспрессив-стилистик лексика нима?

**50-машқ.** Қуйидаги текстларни ўқиб, актив лексикага оид сўзларни ва диалектизмларни кўчиринг; уларнинг қайсилари рус тилидан ўзлаштирилганини айтинг.

1. Катта кўча томондан машина товуши эшитилди. Кейин устига брезент ёпилган яшил «газик» кўринди. Ортиқ директорнинг машинасини таниб, жонсарак бўлиб қолди ...

Совхозга яқинда директор бўлиб келган Муталлиб Мансуров бошдан-оёқ бир хил кийинган эди: кул ранг трикодан куртка, шу матодан тикилган шапка ва шим ... Ортиқ мотоциклдан сакраб тушиб, у билан эгилиб кўришди. Аваз одамларнинг олдида акаси учун ўнғайсизланиб бир қизарди, сўнг ҳеч кимга қарамай ишида давом этди. *(П. Қ.)*

II. ... Шу вақт кўча эшик тарақлаб очилди-ю, остонада ўн ёшлардаги майкачан, қоп-қора бола пайдо бўлди. У ниҳоятда ҳансирар, кўп югуриб толиққанидан нафасини ростлай олмасди.

— Акомулло, акомулло, сизни йўқлошопти. Идорага йўқлошопти!..

— Нима гап?

— Ҳожар аянинг бачаси саҳрода боркан экан... Бўронда қолган экан... Қайтиб келмопти ... Сўғин Хўжаназор аконинг духтари бўронка қолип ўлипти...

Ҳошим югурганича чиқиб кетди. Маҳмуда билан Моҳидил бир-бирига ҳайрон қараб қолишди. *(Ж. Абдуллахонов)*

**51-машқ.** Қуйидаги гапларни кўчиринг; историзм, архаизм ва неологизмларни топиб, уларнинг фарқини, маъно хусусиятларини тушунтиринг.

1. Чамамда, икки ҳафта бурун, бир кун кеч пайти бой акам икковимиз файтонда ёнма-ён ўтириб, ўша аттор бойникига бордик. *(О.)* 2. Гоҳо гув этиб конкалар, гоҳо отлиқлар ўтиб кетади. *(О.)* 3. Саидаҳмадхон баъзан извошини бир лаҳза тўхтатиб, бирор таниш билан жиндай гаплашар экан, самоварчига: «Чилим!» дея қичқирарди. *(О.)* 4. Ҳужра ўчогида пистакўмир лаққа чўғ бўлиб турарди. Икки токчада араб ва форс тилларида, баъзилари тош босмада чоп этилган, баъзилари қўлда битилган қалин-қалин китоблар терилган. *(О.)* 5. Қоҳира, Искандария, Дамашқ, Бағдод шаҳарларининг барчасида дорилфунунлар, мактаблар бисёр эмиш. *(О.)* 6. Николайнинг полиция-миршаблари, мингбошилари ўриндан чиқарилиб бошқалар сайлана бошлар ... *(А. Қод.)* 7. Баъдазон худойи таолога шукурлар айтиб доимо волиданинг олдиларида камари хизматини берк боғлаб даст алифлом турар эрдим. *(А. Қод.)* 8. Участка бошлиқлари эҳтиёт қисм сўраса, коржома талаб қилса, тоққа кетадиганларга берилди деб, рад қилармишсиз! *(Ас. М.)* 9. Яқинда «МушТум» журналида «МушТАГ» рубрикаси очилди. Унда турли-туман янгиликлар, ахборотлар бериб борилмоқда.

**52-машқ.** Қуйидаги гаплар таркибидан экспрессив-стилистик лексикага оид сўз ва ибораларни ёзинг. Уларнинг маъносини тушунтиринг.

1. Устида узун тринка камзул, бошига янги чамандагул дўппи қўндирган, дўрдоқ лаблари устига ингичка мўйлов қўйган, қуюқ



пайваста қошли бу йигит Оташ дукчига, шўрвасининг шўрваси дегандай, чатишиб кетган, узоқ бир қариндош эди. 2. Саидаҳмад қикирлаб кулди, кейин ҳазилнамо пўписа қилди:

— Аввало, мулла жиринг керак, бошпана бир ватан керак. Кейин қаймоқ орзу қилсанг бўлади.

— «Бошим кал, кўнглим нозик», деганни эшитганмисиз, бой ака?— деди дарров енгларини шимариб, қўлларини ювгач, қази ва гўштни тўғрашга киришган Эшонхон. 3. Чол қовоғи солиқ, ерга боққани ҳолда хонага кирди ... 4. Кундошликка кун туғмас, кун туғса бутун туғмас, деган қадимларнинг сўзини билмайсизми?! Попукдай қизим чўри бўлади-ку уларга, куяди, ўтда ёнади... Кўп кўрганман мундоқ воқеаларни... Катта ола-кула кўзлари қинидан отилиб чиқадигандай. 6. Келинглар, — деди Шокир ота нохушгина товуш билан эксаси қотган ҳолда. 7. Ҳой, анқов, қопинг йиртиқ, кўзинг кўрми? *(Отбек асаридан.)*

## ЛЕКСИКОГРАФИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**67-§.** Луғат тузиш принциплари, луғат турлари ҳақидаги соҳа лексикография дейилади.

Луғатлар тилдаги сўзлар, иборалар, мақол ва маталларнинг маълум бир қисмини ўз ичига олган китоблардир. Луғатда сўзлар алфавит тартибида ёки маъно хусусиятлари асосида системалаштириб жойлаштирилади.

**68-§.** Октябрь революцияси илм-фан, маориф, матбуот, ишлаб чиқариш каби соҳаларнинг тез суръатлар билан ривожланишига кенг йўл очиб берди. Шу муносабат билан ўзбек адабий тилининг нормалари ишлаб чиқила, янги дарслик ва қўлланмалар яратила бошланди, рус тилидан турли асарларни таржима қилишга киришилди. Бу процессни эса турли соҳа луғатларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун 20—30-йиллардан бошлаб луғат тузиш ишига алоҳида эътибор берилди ва қатор луғатлар яратилди: «Ўзбекча-русча қисқача луғат» (К. К. Юдахин, 1925), «Қисқача ўзбекча-русча луғат» (В. В. Решетов, 1936), «Русча-ўзбекча тўла сўзлик» (1934, 2 том), «Русча-ўзбекча математика терминлари сўзлиги» (Т. Н. Қори-Ниёзий, 1933), «Русча-ўзбекча пахтачилик терминлари сўзлиги» (Н. Сайфулмулуков, 1933), «Зоология терминларининг қисқача изоҳли луғати» (Т. Зоҳидов, 1938) ва ҳоказо.

1940 йилдан бошлаб ўзбек ёзуви латинлаштирилган алфавитдан рус алфавити негизида яратилган янги ёзувга кўчирилиши муносабати билан янги имло, таржима луғатлари, терминологик ва бошқа типдаги луғатлар юзага келди.

**69-§. Баъзи луғатлар ҳақида:** Орфографик луғатларда ўзбек тилидаги асосий сўзларнинг тўғри ёзилиши кўрсатилади. Улардан айримлари: «Ўзбек адабий тилининг орфографик луғати» (С. Иброҳимов, М. Раҳмонов, 1940), «Имло луғати» (Олим Усмон, 1941, 1949), «Ўзбек адабий тилининг илмо луғати» (С. Иброҳимов, М. Раҳмонов, 1956), «Ўзбек тилининг қисқача имло луғати» (1962), «Имло луғати» (Й. Абдуллаев, М. Омилхонова, С. Зуфарова, 1970).

Русча-ўзбекча луғатларда русча сўзлар ва улар ифода этган лексик маъноларнинг ўзбекча эквивалентлари кўрсатилади. Шундай луғатлардан: 1942 йилда проф. Т. Н. Қори-Ниёзий ва проф. А. К. Боровков таҳрири остида нашр этилган «Русча-ўзбекча луғат» 30 000 сўзни ўз ичига олади. 1950—1955 йилларда нашр этилган беш томли «Русча-ўзбекча луғат»га 72 000 га яқин сўз киритилган. Луғатда у ёки бу тушунчанинг русча ва ўзбекча номларидан ташқари, уларнинг қўлланиш хусусиятларини тўғри тушунишга ёрдам берувчи мисол ва изоҳлар ҳам берилган. Масалан: **изысканный, -ая, -ое** *1) қидириб (излаб) топилган; изысканы новые источники дохода — янги даромад манбалари қидириб топилди; 2) назокатли, латофатли, нафис, нозик, гўзал, кўркам; изысканный человек—назокатли одам; изысканный вкус—нозик дид; изысканные блюда—лазиз таом* каби.

1972 йилда проф. В. В. Решетовнинг умумий таҳрири остида нашр этилган «Русча-ўзбекча луғат» эса мактаб дарсликлари, матбуот ва бадиий асарларда кўпроқ учрайдиган сўзлар базасида тузилган.

Ўзбекча-русча луғатларда эса ўзбекча сўзлар ва улар ифода этган лексик маъноларнинг русча номлари берилади. Бундай луғатлардан баъзилари: 1941 йилда проф. Т. Н. Қори-Ниёзий ва проф. А. К. Боровковнинг умумий таҳрири остида нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат», унга 17 000 га яқин сўз кирган. 1959 йилда нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат». Луғат 40 000 сўзни ўз ичига олади.

Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатлардан таржима ишида кенг фойдаланилади. Шунинг учун бу турдаги луғатлар таржима луғатлари деган умумий ном билан ҳам юритилади.

Терминологик луғатлар илм-фаннинг бирор соҳасига оид терминларни ўз ичига олади. Ўзбек тилида кейинги 10—15 йил ичида кўплаб терминологик луғатлар нашр этилди. Масалан: «Педагогикадан қисқача русча-ўзбекча терминология луғати» (Ш. Бойбурова, Н. Таканаев, 1963), «Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати» (Қ. З. Зокиров, М. М. Набиев, Ў. Пратов, Ҳ. А. Жамолхонов, 1963), «География терминлари луғати» (Ҳ. Ҳасанов, 1964), «Латинча-ўзбекча-русча нормал анатомия луғати» (А. А. Асқаров, Ҳ. З. Зоҳидов, 1964), «Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати» (Н. Маматов, 1964), «Адабиётшунослик терминлари луғати» (Ҳ. Ҳомидий, Ш. Абдуллаева, С. Иброҳимова, 1967), «Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат» (Н. Т. Ҳотамов, 1969) ва ҳоказо.

Фразеологик луғат: ўзбек тилида қуйидаги фразеологик луғатлар бор:

1) «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» (Ш. Раҳматуллаев, 1964). Луғатдан намуна:

***Асаб(и)га тегмоқ***

*асабини қўзғатмоқ, ғижинтирмоқ;* **син.** *ғаш(и)га тегмоқ; ғаш(и)ни келтирмоқ;*

**ўхш.** *жиғ(и)га тегмоқ.*



*Ўрнашиброқ ўтирмоқчи бўлганида, стул ғижирлаб яна асабига тегди, ўнғайсизланиш авжига минди. («Чўлга баҳор келди».)*

***Астар-авра(си)ни ағдармоқ***

*барча кирдикорларини очиб ташламоқ;*

**вар.** *авра-астар(и)ни ағдармоқ; авра-астар(и)ни очмоқ, авра-астар(и) — очилди; астар-авра(си)ни очмоқ.*

*— ... Райондан келган вакилдан кейин сўзга чиқдингиз, ҳамма қулоқларни, бойларни ном-баном кўрсатиб, астар-аврасини ағдардингиз. («Олтин водийдан шабадалар».)*

«Русча-ўзбекча фразеологик луғат» (М. Содиқова, 1972).

Луғатдан намуна:

***Арабский, -ая, -ое*** (арабские сказки — олди-қочди гаплар; кўкнори (афанди) хаёллар...

***Аршин*** || мерить на свой аршин (кого, что) — ўз андазаси билан ўлчамоқ; ўз ўлчовига солмоқ (ишга, воқеага бир томонлама қарамоқ).

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (Азим Ҳожиев, 1974). Бу луғатда ўзбек тилида учрайдиган синонимик қаторлар, уларнинг маъносига, нутқда қўлланиш даражаси ва хусусиятларига изоҳ берилган. Изоҳлар бадиий адабиётдан келтирилган мисоллар билан тасдиқланган.

Луғатдан намуна:

***Авлод, Бўғин.*** Бир давр кишиларининг насли. ***Бўғин*** бу маънода айрим сўз бирикмалари таркибидагина қўлланади.

*Инсониятнинг асл орзусини рўёбга чиқараётган кишилар билан келажак авлодлар фахрланадилар («Қизил Ўзбекистон».) Партия бутун тарбиявий ишларда ёш авлоднинг ўсиб камолга етишига алоҳида аҳамият бериб келяпти. («Қизил Ўзбекистон».) Ёш бўғинни меҳнатсеварлик, коллективизм, Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбияланглар! («Қизил Ўзбекистон».)*

***Автор, Муаллиф.*** Бадиий, илмий, адабий асарни яратган, ниманидир ихтиро қилган киши. ***Муаллиф*** — оз қўлланади.

*Мактуб автори ўзининг камхатлиги, дараксиз кетганлиги сабабларини айтиб, энди тез-тез хат ёзиб туришга ваъда қилган, хат кутаман деган ва колхоздаги ишларни сўраган. (И. Раҳим) Автор талқинича, Ёдгор мулоҳазакор, босиқ, ориятли, ақлли одам. (Э. Баҳодиров) Укам —СССР Ёзувчилари союзининг аъзоси, бир неча китоб муаллифи. («Гулистон».)*

Кейинги йилларда ўзбек тилида энциклопедик характердаги йирик луғатлар ҳам юзага кела бошлади. Чунончи, «Ўзбек Совет Энциклопедияси» (Бу луғатнинг ҳозирча беш томи чиққан), уч томлик «Зоология энциклопедияси» (Т. Зоҳидов, 1960—1969), «Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат» (Қ. З. Зокиров, Ҳ. А. Жамолхонов, 1973) шулар жумласидандир.

***24-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Лексикография қандай соҳа?
2. Луғат нима?
3. Октябрь революциясидан сўнг қандай луғатлар тузилди? Энг муҳим луғатларни санаб кўрсатинг?

Русча-ўзбекча луғатларда русча сўзлар ва улар ифода этган лексик маъноларнинг ўзбекча эквивалентлари кўрсатилади. Шундай луғатлардан: 1942 йилда проф. Т. Н. Қори-Ниёзий ва проф. А. К. Боровков таҳрири остида нашр этилган «Русча-ўзбекча луғат» 30 000 сўзни ўз ичига олади. 1950—1955 йилларда нашр этилган беш томли «Русча-ўзбекча луғат»га 72 000 га яқин сўз киритилган. Луғатда у ёки бу тушунчанинг русча ва ўзбекча номларидан ташқари, уларнинг қўлланиш хусусиятларини тўғри тушунишга ёрдам берувчи мисол ва изоҳлар ҳам берилган. Масалан: **изысканный, -ая, -ое** *1) қидириб (излаб) топилган; изысканы новые источники дохода — янги даромад манбалари қидириб топилди; 2) назокатли, латофатли, нафис, нозик, гўзал, кўркам; изысканный человек—назокатли одам; изысканный вкус—нозик дид; изысканные блюда—лазиз таом* каби.

1972 йилда проф. В. В. Решетовнинг умумий таҳрири остида нашр этилган «Русча-ўзбекча луғат» эса мактаб дарсликлари, матбуот ва бадиий асарларда кўпроқ учрайдиган сўзлар базасида тузилган.

Ўзбекча-русча луғатларда эса ўзбекча сўзлар ва улар ифода этган лексик маъноларнинг русча номлари берилади. Бундай луғатлардан баъзилари: 1941 йилда проф. Т. Н. Қори-Ниёзий ва проф. А. К. Боровковнинг умумий таҳрири остида нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат», унга 17 000 га яқин сўз кирган. 1959 йилда нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат». Луғат 40 000 сўзни ўз ичига олади.

Ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатлардан таржима ишида кенг фойдаланилади. Шунинг учун бу турдаги луғатлар таржима луғатлари деган умумий ном билан ҳам юритилади.

Терминологик луғатлар илм-фаннинг бирор соҳасига оид терминларни ўз ичига олади. Ўзбек тилида кейинги 10—15 йил ичида кўплаб терминологик луғатлар нашр этилди. Масалан: «Педагогикадан қисқача русча-ўзбекча терминология луғати» (Ш. Бойбурова, Н. Таканаев, 1963), «Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли луғати» (Қ. З. Зокиров, М. М. Набиев, Ў. Пратов, Ҳ. А. Жамолхонов, 1963), «География терминлари луғати» (Ҳ. Ҳасанов, 1964), «Латинча-ўзбекча-русча нормал анатомия луғати» (А. А. Асқаров, Ҳ. З. Зоҳидов, 1964), «Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати» (Н. Маматов, 1964), «Адабиётшунослик терминлари луғати» (Ҳ. Ҳомидий, Ш. Абдуллаева, С. Иброҳимова, 1967), «Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат» (Н. Т. Ҳотамов, 1969) ва ҳоказо.

Фразеологик луғат: ўзбек тилида қуйидаги фразеологик луғатлар бор:

1) «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» (Ш. Раҳматуллаев, 1964). Луғатдан намуна:

***Асаб(и)га тегмоқ***

*асабини қўзғатмоқ, ғижинтирмоқ;* **син.** *ғаш(и)га тегмоқ; ғаш(и)ни келтирмоқ;*

**ўхш.** *жиғ(и)га тегмоқ.*



*Ўрнашиброқ ўтирмоқчи бўлганида, стул ғижирлаб яна асабига тегди, ўнғайсизланиш авжига минди. («Чўлга баҳор келди».)*

***Астар-аврa(си)ни ағдармоқ***

*барча кирдикорларини очиб ташламоқ;*

**вар.** *аврa-астар(и)ни ағдармоқ; аврa-астар(и)ни очмоқ, аврa-астар(и) — очилди; астар-аврa(си)ни очмоқ.*

*— ... Райондан келган вакилдан кейин сўзга чиқдингиз, ҳамма қулоқларни, бойларни ном-баном кўрсатиб, астар-аврасини ағдардингиз. («Олтин водийдан шабадалар».)*

«Русча-ўзбекча фразеологик луғат» (М. Содиқова, 1972).

Луғатдан намуна:

***Арабский, -ая, -ое*** (арабские сказки — олди-қочди гаплар; кўкнори (афанди) хаёллар...

***Аршин*** || мерить на свой аршин (кого, что) — ўз андазаси билан ўлчамоқ; ўз ўлчовига солмоқ (ишга, воқеага бир томонлама қарамоқ).

«Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (Азим Ҳожиев, 1974). Бу луғатда ўзбек тилида учрайдиган синонимик қаторлар, уларнинг маъносига, нутқда қўлланиш даражаси ва хусусиятларига изоҳ берилган. Изоҳлар бадиий адабиётдан келтирилган мисоллар билан тасдиқланган.

Луғатдан намуна:

***Авлод, Бўғин.*** Бир давр кишиларининг насли. ***Бўғин*** бу маънода айрим сўз бирикмалари таркибидагина қўлланади.

*Инсониятнинг асл орзусини рўёбга чиқараётган кишилар билан келажак авлодлар фахрланадилар («Қизил Ўзбекистон».) Партия бутун тарбиявий ишларда ёш авлоднинг ўсиб камолга етишига алоҳида аҳамият бериб келяпти. («Қизил Ўзбекистон».) Ёш бўғинни меҳнатсеварлик, коллективизм, Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбияланглиз! («Қизил Ўзбекистон».)*

***Автор, Муаллиф.*** Бадиий, илмий, адабий асарни яратган, ниманидир ихтиро қилган киши. ***Муаллиф*** — оз қўлланади.

*Мактуб автори ўзининг камхатлиги, дараксиз кетганлиги сабабларини айтиб, энди тез-тез хат ёзиб туришга ваъда қилган, хат кутаман деган ва колхоздаги ишларни сўраган. (И. Раҳим) Автор талқинича, Ёдгор мулоҳазакор, босиқ, ориятли, ақлли одам. (Э. Баҳодиров) Укам — СССР Ёзувчилари союзининг аъзоси, бир неча китоб муаллифи. («Гулистон».)*

Кейинги йилларда ўзбек тилида энциклопедик характердаги йирик луғатлар ҳам юзага кела бошлади. Чунончи, «Ўзбек Совет Энциклопедияси» (Бу луғатнинг ҳозирча беш томи чиққан), уч томлик «Зоология энциклопедияси» (Т. Зоҳидов, 1960—1969), «Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат» (Қ. З. Зокиров, Ҳ. А. Жамолхонов, 1973) шулар жумласидандир.

***24-топшириқ.*** **Қуйидаги саволларга жавоб беринг.**

1. Лексикография қандай соҳа?
2. Луғат нима?
3. Октябрь революциясидан сўнг қандай луғатлар тузилди? Энг муҳим луғатларни санаб кўрсатинг?

**53-машқ**. «Имло луғати» (1970) дан *агроном, алламаҳал, бирваракай, бир вақт, бир замон, бир йўла, биринчи бир неча, бирпас, бир хил, бир канча* сўзларини топиб, уларнинг талаффузи ва ёзилишига эътибор қилинг. Шу сўзларнинг ёзилишини орфография қоидалари асосида тушунтиринг.

**54-машқ**. Оқ қоғоздан эни 8 см., узунлиги 11 см. бўлган 50 та карточка тайёрланг. Шулардан 25 тасига ўзбекча сўз, 25 тасига русча сўз ёзинг (мисоллар газета ва журналлардан танланган бўлсин). Русча-ўзбекча луғатдан карточкадаги русча сўзнинг ўзбекча таржимасини, ўзбекча-русча луғатдан эса иккинчи карточкадаги ўзбекча сўзнинг русча таржимасини топиб ёзинг.

**55-машқ**. Уйда тайёрлаб (ёзиб) келган карточкаларингиздаги сўзларни алфавит тартибида жойлаштиринг.

Иш усули қуйидагича: Ўқитувчи икки-уч студентнинг картотекасини аралаштириб, сўнг тенг иккига ажратгач, яна ўзларига қайтариб беради. Студентлар карточкадаги сўзларни ички алфавит тартибига солади. Хатосиз ва олдин тугатган студент голиб чиққан бўлади. Қолган студентлар ҳам бу вазифани навбати билан бажаради.

# МОРФОЛОГИЯ

## МОРФОЛОГИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**1-§. Морфология** грамматиканинг узвий бир қисми бўлиб, сўзларнинг таркибини (яъни унинг қандай қисмлардан тузилганлигини), ясалишини ва гап ҳосил қилиш жараёнидаги ўзгаришини ўрганади. Сўз ясалиши ва уларнинг ўзгариши эса грамматиканинг синтаксис қисми билан чамбарчас боғлангандир. Шунинг учун сўзнинг морфологик таркиби ва гапдаги вазифаси билан боғланган барча масалалар морфологияда текширилади. Синтаксисда эса асосан гапга оид масалалар ўрганилади.

### СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ

**2-§. Ўзак ва негиз.** Нутқда маълум грамматик формада қўлланган (яъни қўшимчалар иштирокида шаклланган) сўзлар морфологик жиҳатдан ҳар хил қисмларга (элементларга) ажратилади. Масалан: *балиқ-чи-лик, бил-им-ли, тез-ла-т-ди*. Чизиқча билан ажратиб кўрсатилган ана шу морфологик қисмлардан баъзилари (чунончи: *балиқ, бил, тез*) мустақил ҳолда лексик маъно ифодалайди. Мисоллардаги ***-чи, -лик, -им, -ли, -ла, -т, -ди*** каби элементлар эса сўзни морфологик жиҳатдан шакллантиришда маълум роль ўйнаса-да, аммо ўзича лексик маъно англатмайди.

Ўзбек тилида сўзнинг мустақил ҳолда лексик маъно ифодалайдиган, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган формаси ўзак саналади[1].

Ўзакка (туб негизга) сўз ясовчи қўшимчаларнинг қўшилиши билан негиз ҳосил қилинади: *иш + чи, иш + ла, иш + ла + моқ* каби. Кўринадики, *иш* ўзагидан ***-чи, -ла, -моқ*** қўшимчалари воситасида учта негиз — ўша ўзакнинг лексик маъноси билан боғланган учта янги сўз *(ишчи, ишла, ишламоқ)* ясалган. Бундай сўзлар (негизлар) ўзакка нисбатан ясама негиз ҳисобланади. Ясама негиз сўз ясовчи, форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қилади: *иш + чи + га, балиқ + чи + лик + да, иш + ла + т + ил + ди* каби.

Демак, негиз ўз таркиби жиҳатидан турли морфологик қисмларга — лексик маъно билдирувчи туб негиз (ўзак) ва ясама негизларга ҳамда ҳар хил қўшимчаларга (бу ҳақда 3-§ га қаралсин) бўлиниши мумкин.

---

[1] Олимлар уни *соф ўзак, ўзак морфема, ўзак негиз, туб негиз* каби терминлар билан ҳам аташади. (Қаранг: А. Н. Кононов. Грамматика современного узбекского литературного языка. Изд-во АНСССР. М. — Л., 1960, 63 — 64-бетлар.)

**3-§. Қўшимчалар ва уларнинг турлари.** Ўзича мустақил лексик маъно англатмай, ўзак, негиз мазмунига турли маъно қўшадиган морфологик қисмлар қ ў ш и м ч а деб аталади.

Ўзбек тилида қўшимчалар маъно ва вазифаларига кўра, учга бўлинади: 1. С ў з я с о в ч и қ ў ш и м ч а. 2. Ф о р м а я с о в ч и қ ў ш и м ч а. 3. С ў з ў з г а р т у в ч и қ ў ш и м ч а.

Ўзак ёки негизга қўшилиб, унинг маъноси билан боғлиқ бўлган, янги лексик маъноли сўз ҳосил қилишда иштирок этадиган қўшимчалар с ў з я с о в ч и қ ў ш и м ч а дейилади: *боғ**бон, боғдорчилик, мардона, тузла*** каби.

Сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмай, унга қўшимча маъно қўшадиган ёки унинг грамматик хусусиятини ўзгартадиган қўшимчалар ф о р м а я с о в ч и қ ў ш и м ч а дейилади: *қизча, Салимахон, каттароқ, ўнта, айтилган, ёзилмаган* каби.

Сўзнинг бошқа сўзларга муносабатини, алоқасини кўрсатадиган, унинг гапда маълум гап бўлаги вазифасини бажаришини таъминлайдиган қўшимчалар с ў з ў з г а р т у в ч и қ ў ш и м ч а дейилади: *совғам, совғанг, совғаси; боғда, боғни, боғдан; олганман, олгансан* каби.

**1-машқ.** Мақолларни ўқинг. Ўзакдош сўзларни танлаб ёзинг. Ўзак, негиз ва сўз ясовчи қўшимчани белгиланг.

1. Ақлли иш — қанотли қуш. 2. Сув — зар, сувчи — заргар. 3. Ҳунарли эр хор бўлмас. 4. Ҳунар — зар, ҳунарсиз хор. 5. Қуёш ҳавони иситса, дўстлик қалбни иситади. 6. Дўст ачитиб гапирар. 7. Дўстсиз бошим — тузсиз ошим.

**2-машқ.** Сўзларни ўқинг. Аввал ўзакдош сўзларни, кейин форма ясовчи қўшимча олган сўзларни ёзинг. Ўзак, негиз ва сўз ясовчи қўшимчани белгиланг.

1. Ишчи, ишла, ишлайди, ишчан, ишлаш. 2. Ўрди, ўроқ, ўроқчи, ўрим, ўрилди. 3. Чизган, чизиқ, чизиқли, чизди, чизиқсиз, чизғич. 4. Оқла, оқиш, оқчи, оқарди. 5. Пахтакор, пахтазор, пахтачи, пахталик, пахтачилик.

**3-машқ.** Шеърни ўқинг. Таркибида қўшимча қатнашган сўзларни маъноли қисмларга ажратиб, намунадагидек изоҳланг.

Н а м у н а. *Сенга* сўзида иккита маъноли қисм мавжуд: *сен* — ўзак, *-га* — сўз ўзгартувчи қўшимча. *Қўлларинг* сўзи уч маъноли қисмга ажралади: *қўл* — ўзак, *-лар* — форма ясовчи қўшимча, *қўллар* — сўз ўзгартиш учун асос бўлган негиз; *-инг* — сўз ўзгартувчи қўшимча.

Яшна Ватан, жон Ватан,
Сенга шараф-шон, Ватан.
Сенсан бизнинг онамиз,
Ҳадя сенга жон ва тан.

Осмон, денгиз, кўлларинг,
Олтин еринг улуғдир.
Гулшан даланг, қирларинг
Гул-лолага тўлиқдир.

Эрк истаган юраклар
Топди сенда саодат.
Порлоқ эрур тилаклар,
Бердинг севинч ва роҳат. *(З. Д.)*





**4-§. Ўзбек тилида сўз ясашнинг асосий усуллари.** Сўзлар нутқда туб *(меҳнат, ақл, бил, ўқи, тез, ўзбек)* ёки ясама *(меҳнаткаш, ақлли, билим, ўқитувчи, тезлик, ўзбекча)* формада қўлланади. Тилдаги мавжуд сўз негизида маъно жиҳатдан, баъзан эса ҳам маъно, ҳам грамматик жиҳатдан фарқ қиладиган янги сўз ҳосил қилиниши с ў з я с а л и ш и дейилади. Масалан, *сувчи, сувдон* сўзлари *сув* сўзидан ясалган бўлиб, улар ўзаро маъно жиҳатдан фарқ қилади. Қиёсланг: *сув* — тиниқ, рангсиз, ҳидсиз суюқлик; *сувчи* — деҳқончиликда суғориш ишлари билан шуғулланувчи шахс оти; *сувдон* — сув сақланадиган идиш. *Сувли, сувсиз, сersув* каби сўзлар *сувчи, сувдон* сўзларидан ҳам маъно, ҳам грамматик жиҳатдан фарқ қилади *(сувчи, сувдон* — от, *сувли, сувсиз, сersув* эса сифат).

Сўз ясаш турмушда пайдо бўлган янги предметлар, ҳодисалар, муносабатларни, улар ҳақидаги янги тушунчаларни ифодалаш зарурати билан боғлиқ ҳодиса.

Ҳозирги ўзбек тилида сўз ясалишининг, асосан, икки усули бор: 1. М о р ф о л о г и к у с у л. 2. С и н т а к т и к у с у л.

Сўз ўзак-негизига ясовчи қўшимча қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш м о р ф о л о г и к у с у л билан сўз ясашдир. Бу усул а ф ф и к с а ц и я у с у л и ҳам дейилади. Масалан, *гулдор, гулзор, гулли, гулсиз, гулчи, гулдон, гулла* каби ясама сўзлар *гул* сўзига ***-дор, -зор, -ли, -сиз, -чи, -дон, -ла*** қўшимчаларини қўшиш воситасида ясалган. Морфологик усул билан сўз ясаш ўзбек тилида асосий ўринни эгаллайди.

С и н т а к т и к у с у л билан қўшма сўзлар ва жуфт сўзлар ҳосил қилинади. Қўшма сўз икки ва ундан ортиқ туб сўзларнинг ўзаро бирикиб, янги маъно ифодалаши асосида ҳосил қилинади: *кўзойнак, ойболта, эртапишар, оққуш, темир йўл, кўриб чиқди.* Жуфт сўз эса икки сўзни жуфт қўллаш ёки бир сўзни такрорлаш орқали ҳосил бўлади: *кўча-кўй, кундан-кунга, катта-кичик.*

Э с л а т м а. *Катта-катта, тоғ-тоғ, кам-кам* жуфт (такрорий )сўзлар туб сўз саналади.

**4-машқ.** Гапларни ўқиб, туб ва ясама сўзларни аниқланг. Ясама сўзларнинг ясалиш усулини айтинг. Морфологик усул билан ясалган сўзларни кўчириб, ясовчи қўшимча тагига чизинг.

1. Жўрабоев билан Сайқиз янги қишлоққа қараб йўл олди. *(Ш. Р.)* 2. Шоҳи сўзанадек ранг-баранг товланаётган мамлакатимизда чўл-биёбонлар гулистонга айланаётганидан ҳикоя қилсин. *(А. Қ.)* 3. Гулнорнинг юраги кучли тўлқинланди, бутун гавдасини тотли бир титроқ босди. *(О.)*

4. Она — донгдор қурувчи,
Она — моҳир пахтакор,
Она — лочин учувчи,
Она — доктор-шифокор.

Силада оналар
Командирдек саналар.
У қаттиқ қўл командир,
Буни ҳамма тан олар.

*(Ж. Жабборов)*

5-машқ. Текстни ўқинг. Тўб ва ясама сўзларни аниқланг. Синтактик усул билан ясалган сўзларни икки устун шаклида ёзинг.

Аҳён-аҳёнда у ер-бу ерда ранг-баранг мушаклар осмонга кўтарилиб, бир лаҳза еру осмон ёп-ёруғ бўлиб кетарди. Аллақаёқдан пулемёт овози эшитиларди-ю, қизил, сариқ, зангор ўқлар, худди қуйруқли юлдузлар каби, тепаларидан визиллаб учиб ўтарди.

Сафар Одинаев жангчилари билан бирга ўрмон, ўтлоқлар, сой ва чуқурлардан гоҳ юриб, гоҳ эмаклаб, олдин белгилаб олган жойига етиб келди. Жангчилар, ўзаро масофа қолдиришиб, ҳар ер-ҳар ерга окоп қазидилар. *(Ф. Ниёзий)*

## СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

5-§. Сўзлар маъно ва грамматик формалари жиҳатидан ўхшашликларига кўра, айрим группаларга (яъни сўз туркумларига) ажратилади.

Сўзларни туркумларга ажратишда, аввало, уларнинг маъно хусусияти, яъни нимани ифодалаши эътиборга олинади. Масалан, *одам, меҳнат, тинчлик* каби сўзлар предмет ёки предметлик тушунчасини ифодаласа, *оқ, юмалоқ, ширин, яхши* каби сўзлар предметларнинг белгисини, *беш, бешинчи, учта* каби сўзлар предметларнинг саноғи ёки тартибини, *ўқи, ишла, ухла* каби сўзлар предметларнинг ҳаракати ёки ҳолатини ифодалайди ва ҳоказо.

Сўзларни туркумларга ажратишда, иккинчидан, уларнинг морфологик хусусиятлари эътиборга олинади. Масалан, предмет англатадиган сўзлар эгалик, сон, келишик формаларига, белги англатадиган сўзлар қиёсий, орттирма даража формаларига, ҳаракат англатадиган сўзлар бўлишли ё бўлишсизлик, майл, замон, шахс-сон каби формаларга эга бўлади.

Сўзларни туркумларга ажратишда, учинчидан, уларнинг гапда қандай синтактик вазифа бажариши эътиборга олинади. Масалан, предмет англатувчи сўзлар гапда кўпинча эга, тўлдирувчи, қаратқич вазифасини бажарса, ҳаракат ифодаловчи сўзлар кесим вазифасини бажаради ва ҳоказо.

Демак, сўзлар семантик, морфологик ва синтактик белгилари асосида турли группаларга — туркумларга ажратилади. Бу белгилар ҳамма сўз туркумларида бир хилда бўлмайди. Шунга кўра, ҳозирги ўзбек тилидаги барча сўзлар дастлаб уч йирик группага бўлинади: 1) мустақил сўзлар; 2) ёрдамчи сўзлар; 3) алоҳида группа сўзлар.

**1. Мустақил сўзлар** предметнинг номини, белгисини, сони ва тартибини, ҳаракати ва ҳолатини, шунингдек, ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини билдириб, бевосита гап бўлаклари вазифасини бажара олади. Мустақил сўзларга от, сифат, сон, олмош, феъл ва равиш киради. Олмошдан ташқари мустақил сўзлар борлиқдаги бирор ҳодисанинг атамаси, оти сифатида қўлланади: олмош атама бўла олмайди, балки уларга ишора қилади ёки уларни кўрсатади.



**2. Ёрдамчи сўзлар** мустақил равишда гап бўлаклари вазифасида кела олмайди. Ёрдамчи сўзлар гапдаги сўзларнинг ўзаро муносабатини кўрсатиш (кўмакчи), гап бўлаклари ва гапларни бир-бирига боғлаш (боғловчи) ёки уларга бирор қўшимча маъно қўшиш (юклама) каби вазифаларни бажаради. Ёрдамчи сўзларга кўмакчи, боғловчи, юклама киради.

**3. Алоҳида группа сўзлар**[1]. Мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг оралиғидаги бу туркумга модал сўзлар, ундовлар ва тақлидий сўзлар (мимемалар) киради. Улар ўзига хос маъно нозиклиги ва вазифалари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Чунончи: модал сўзлар ўз конкрет, мустақил лексик маъносини йўқотган бўлиб, нутқда тасдиқ, ишонч, гумон каби модал маъноларни ифодалайди; гарчи модал сўзлар бу жиҳатдан юкламаларга ўхшаса ҳам, грамматик жиҳатдан улардан фарқ қилади. Ундовлар ва тақлидий сўзлар эса маъно ва функцияси жиҳатидан қисман мустақил сўзларга ўхшаб кетса-да, ҳодисанинг атамаси бўла олмаслиги, юклама бажарадиган вазифада қўлланиши билан ёрдамчи сўзларни эслатади.

6-машқ. Текст ва шеърни ўқинг. Мустақил, ёрдамчи ва алоҳида группадаги сўзларни аниқлаб айтинг.

I. Ўктам ўз ичида хурсанд бўлади. Иккови ҳам пиёда кетишди. Ҳаво дим, ботаётган қуёш дарахтларни майин оловга чулғаган эди. Йигит билан қиз чангли катта йўлни кесиб далага чиқишди. Комила ўқтин-ўқтин бир зум тўхтаб, теваракдаги ғўзаларга разм солар, яна торгина ёлғизоёқ йўлда илдам юриб кетар эди... Ҳайтовур, унинг бахтига, пахта денгизи орасида қовун полиз учраб қолди. Қизнинг диққатини полизга жалб этди у. Кўм-кўк палаклар ичида дўнгдай-дўнгдай чўгирилар олтинланар, саноқсиз ананаслар ғарқ пишиб ёрилиб ётарди.

— Танлашни биласизми? Биттасини узинг, — деди кулиб Ўктам.

— Қовун танлашда дидим йўқ. А сиз-чи? *(О.)*

## II. АҚЛНИ КЎП ИШЛАТСА КАМАЯРМИ?

Ақлни кўп ишлат, — дедим
Битта ўғлонга.
Шундай дерди сўзларимдан
Қолиб ҳайронга:
«Ҳар бир одам бор нарсасин
Асрар, аяр-ку.
Вой, ақлимни кўп ишлатсам,
у камаяр-ку?!»
Эй, болалар, бу гап чинми,
у камаярми?
Мия номли сирли хумда
Қоларми ярми?

Барча билар, камаймайди
Ишлатган сари,
Ақл қанча ишлатилса,
Ўсар аксари.
Ақл ноёб жавоҳирдай,
Бошдир хазина.
Билим билан тўлдиришга
Ҳаракат—зина.
Ҳаракатсиз қолган нарса
Бўлгандай майиб,
Ишламаса ақл бошда
Қолар камайиб. *(Н. М.)*

[1] Бу термин шартли равишда қўлланди: мазкур группадаги сўзлар грамматика дарсликлари ва қўлланмаларида турлича классификация билан изоҳлаб келинади.

от

**6-§. Отларнинг маъноси ва грамматик белгилари.** Предметлик маъносини ифодалайдиган мустақил сўзлар от дейилади. От тирик мавжудотларга оид номларни *(киши, колхозчи, қуш, ҳайвон, асалари, чумоли)* ер ва осмонга оид нарсаларнинг номини *(ер, қуёш, тоғ, дарё, сув)*, ўсимликларнинг *(пахта, лола, гулхайри)*, бирор воқеа ва ҳодисанинг, хусусият ва муносабатларнинг *(мажлис, кураш, ҳаракат, қўрқинч, яхшилик)*, шунингдек, ўриннинг *(жой, ўрталик, тепалик)*, вақтнинг *(ёз, қиш, баҳор, куз, пешин)* номини билдиради.

От предметлик тушунчасини грамматик маъно — сон, эгалик ва келишик маънолари билан бирга ифодалайди.

От гапда бош бўлак ва иккинчи даражали бўлак, шунингдек, ундалма вазифасида ҳам келади: ***Пионерлар клубга*** *йиғилдилар. Биз ўз* ***Ватанимизни*** *севамиз. Улуғ* ***Ватанимизнинг пойтахти — Москва.***

## Отларнинг маъно жиҳатидан турлари

**7-§. Турдош ва атоқли отлар.** Отлар, маъно ва грамматик хусусиятларига кўра, аввал иккига ажралади: турдош отлар ва атоқли отлар.

Бир хилдаги предметларнинг, ҳодисаларнинг умумлаштирувчи номи турдош от дейилади: *шаҳар, дарё, киши, қишлоқ.*

Бир хилдаги предмет ёки ҳодисалардан бирини айириб кўрсатадиган отлар атоқли от дейилади. Атоқли от айрим шахс ёки предметга атаб қўйилган махсус номдир: *Москва, Зарафшон, Равшан, Қибрай. (Москва* шаҳарлардан фақат бирини айириб кўрсатувчи, бир шаҳарга атаб қўйилган махсус ном. *Зарафшон* дарёлардан фақат бирини айириб кўрсатувчи ном ва ҳоказо.)

Қишиларнинг исми ва фамилияси *(Эркин Воҳидов)*, ҳайвонларга атаб қўйилган номлар *(Мош, Малла)*, географик номлар *(Помир, Сирдарё, Тошкент)*, тарихий воқеа, революцион байрам *(Октябрь социалистик революцияси, Космонавтика куни)*, кинофильм, спектакль, газета, журнал, китоб номлари атоқли от бўлади. Атоқли отлар одатда кўплик формада ишлатилмаслиги билан турдош отлардан фарқ қилади

Эслатма: Турдош от атоқли отга кўчиши мумкин. Бунда у якка предметни ажратиб кўрсатади. Масалан, *октябрь* — ой номи (турдош от), *Октябрь* — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг номи (атоқли от); *лола* — ўсимлик номи (турдош от), *Лола* — қиз-жувонларнинг исми (атоқли от).

Атоқли от турдош отга кўчиши мумкин. Бунда у бир хилдаги предметларни ифодалайди. Масалан, *Ампер* — француз физигининг фамилияси (атоқли от), *ампер* — Ампер номи билан аталган электр токининг куч бирлиги (турдош от); Ризамат (*Ризамат Мусамуҳамедов*) — машҳур соҳибкор боғбоннинг исми (атоқли от), *ризамат* — унинг исми билан аталган узум навининг номи (турдош от).

**8-§. Конкрет ва абстракт отлар.** Турдош отлар, ифодаланган тушунчанинг хусусиятига кўра, ўз ичида конкрет ва абстракт отларга бўлинади:



**1. Конкрет отлар** бевосита предметни билдиради: *китоб, колхоз, ер, сув, бола.*

**2. Абстракт отлар** предмет сифатида тасаввур қилинадиган ноаниқ, мавҳум тушунчаларни ифодалайди: *бахт, тинчлик, озодлик, дўстлик, чидам, муҳаббат.*

**9-§. Якка ва жамловчи отлар.** Турдош отларнинг бирлик шакли (формаси) якка предметни ёки предметлар тўдасини ифодалаши мумкин. Шунга кўра, турдош отлар яна қуйидаги каби группаларга ажратилади:

**1. Якка отлар** бирлик формада бир хил предметларнинг биттасини билдиради: *дафтар, ручка, доска, чойнак* каби.

**2. Жамловчи отлар** бирлик формада ҳам бир хил предметларнинг тўдасини, жамини (бирдан ортиғини) билдиради: *халқ, тўда, армия, аҳоли, эл, мева, сабзавот, ғалла, озчилик, кўпчилик.*

7-машқ. Текстларни ўқинг. Отларни топиб, маъно жиҳатидан турини айтинг.

I. Ўктам жийдазордан ўтиши биланоқ, пахта майдонлари бутун улканлиги, кенглиги, салобат ва гўзаллиги билан қаршисида очилди. Ҳар томонда трактор ё от билан культивация ёки кетмон билан чопиқ қизғин бормоқда эди. Собиқ дала ботири — пахтакор йигитнинг юраги завққа тўлиб кетди. «Қаҳрамон» колхозининг ғўзаларига синовчи кўзлари билан қараб, текшириб борди. Ногиҳон у Собирнинг звеноси участкасига чиқиб қолди. Даланинг этагида трактор баланд ғўзага халал бермай, культиватор билан эгатларни бир текис чуқурликда ёриб, тупроқни сўлқиллатиб борар эдики, ғўза парваришининг ва айниқса, чопиқнинг бутун машаққатини бир қарич ёшдан жуда яхши билган Ўктам машина ишининг тезлиги ва сифатига яна бир карра қойил қолди. *(О.)*

II. Биз Ҳамид Олимжон билан бундай ойдин, мусаффо кечаларни кўп ўтказганмиз. Йигитлигимизнинг қуюндай саркаш йилларида Сиёб қирғоқларида, Ургут тоғларида, Жиззах ён бағирларида, Бахмал адирларида, Шоҳимардон чўққиларида бундай ажойиб, саргашта ва паришон, лирик кечаларни кўп кўрганмиз. *(Ғ. Ғ.)*

## Отларда сон

**10-§.** Отлар бирлик ва кўплик сонда қўлланади.

**Бирлик сонда** қўлланган отлар якка (битта) предметни ифодалайди. Отнинг бирлигини кўрсатувчи махсус қўшимча йўқ, қўшимчасиз ҳолатнинг ўзи бирлик бўлади: *ишчи, бахт, олхўри, армия, эл* каби.

**Кўплик сондаги** отлар бирдан ортиқ предметни англатади. Отларда кўплик грамматик восита бўлган ***-лар*** қўшимчаси орқали ифодаланади: *ишчилар, китоблар, болалар.*

**11-§.** Доналаб саналмайдиган нарсаларнинг номини билдирадиган *ёғ, сув, ун, олтин* каби отлар; абстракт маъно ифодалайдиган *ғайрат, жасорат, яхшилик, ёмонлик, дўстлик* каби отлар; жуфт предметларни ифодаловчи *кўз, қош, қулоқ, оёқ, маҳси, этик, ботинка, пайпоқ, қўлқоп* каби отлар ва атоқли отлар бирликда қўлланади.

Бирликда қўлланадиган бундай отларга қўшилган кўплик қўшимчаси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Доналаб саналмайдиган нарсаларнинг хили ёки навини билдиради: *ёғлар* (сариёғ, пахта ёғи, мол ёғи).

2. Абстракт отларга, жуфт предметларни ифодаловчи отларга, доим якка ҳолда бўладиган предмет отига қўшилиб, маънони кучайтиради: *Унинг йирик ва кўркам* ***кўзларида*** *севинч ёши кўринди. Сенинг хотиранги унутмас асло Менинг* ***юракларим,*** *Ўрта Осиё! (В. Инбер)*

3. Атоқли отларга қўшилиб, жамлик маъносини ифодалайди: *Фарҳод эмас, минглаб* ***Фарҳодлар*** *келди. (Уйғун)*

4. Кўплик қўшимчаси қариндошликни билдирадиган отларга эгалик қўшимчасидан кейин қўшилганда, ҳурмат маъносини англатади. «*Дадамлар ҳам ўқувчилар», — деди Гулнора. (Ҳ. Н.)*

8-машқ. Ўқинг. Аввал бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланадиган отларни, кейин фақат бирликда қўлланадиган отларни топиб, қандай от эканлигини айтинг.

1. ...Ҳақиқатан, шеърлар самимий ёш қалбдан ёзилган эди. Лекин азамат, улуғвор сатрлар, илҳомбахш салмоқли кўринишлар, нафис ҳислар, туйғулар эди. Совет ёш поэзиясининг кучли, жўшқин меваси эди. Ҳамид Олимжоннинг Москвага бағишлаб ёзган «Қизил Москва» шеърида жўшқин ҳис, эҳтирос тошади. Шеър ёниқ, лирик асардир. *(О.)* 2. Шуни билингки, уюшқоқлик, дўстлик кўпгина муваффақиятларимизнинг гаровидир. *(Ш. Р.)*

3. «Сув бор ерда ҳаёт бор», дейди элимиз,
Ўша ҳаётга қудрат қўшди «Бўзсув»лар.
Ўша сувдан, нурлардан ортиб қурбимиз,
Суворилар ҳаттоки кўкда от сурар! *(Э. Р.)*

9-машқ. Гапларни кўчириб, отларга қўшилган кўплик қўшимчасининг маъноларини айтинг.

1. Атрофни қуршаган тоғлар, қирлар, дарахтлар, толлар — ҳамма нарса баҳор ҳавосига чўмилгандай, тиниқ, ям-яшил кўринади. *(Ҳ. Н.)* 2. Чечаклар, майсалар, чаманлар, Яшнагандир баҳор кунлари. *(У.)* 3. Лекин у кулбада дилига азиз нарсалар: хотиралар, китоблар, суратлар бор. *(Ҳ. Ғ.)* 4. Галстугим, яшна, ҳилпилла, Нурлар сочиб юрган йўлимга. *(П.М.)* 5. Умидлар билан кўкси қабарган ҳолда, лабларида бир қўшиқни шивирлаб хўжайинникига келди. *(О.)* 6. Буломжонлар дўнг орқасидаги чуқурликда бўлганлари учун отлиқларни кўролмадилар. *(М. Исм.)* 7. Унинг қуюқ қошлари кўтарилиб, чиройли кўзлари чарақлади. *(Ас. М.)* 8. Унинг ёноқлари совуқдан қизариб, гулдек очилган кўзлари чақнар эди. *(О.)* 9. Онахонлар бу йил пахта планини муддатидан илгари бажарди. *(И. Р.)*

## Отларда эгалик қўшимчалари ва уларнинг имлоси

**12-§.** Отларга қўшилиб, предмет ёки предметлик тушунчасининг уч шахсдан бирига қарашли эканлигини билдирган қўшимчалар эгалик қўшимчалари дейилади.



Эгалик қўшимчалари предметнинг уч шахсдан бирига қарашли эканлигини билдириши жиҳатидан учга, бирлик ва кўплик сонларга кўра иккига бўлинади. Ҳар бир эгалик қўшимчаси, ўзак, негизнинг сўнгги товуши унли ёки ундош бўлишига қараб, икки вариантда қўлланади. Буларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Эгалик қўшимчалари жадвали

| Шахс \ Сон | Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|---|
| | Унлидан сўнг | Ундошдан сўнг | Унлидан сўнг | Ундошдан сўнг |
| I шахс (сўзловчи) | **-м** | **-им** | **-миз** | **-имиз** |
| II шахс (тингловчи) | **-нг** | **-инг** | **-нгиз** | **-ингиз** |
| III шахс (ўзга) | **-си** | **-и** | **-си** | **-и** |
| I шахс | *укам* | *дафтарим* | *укамиз* | *дафтар-имиз* |
| II шахс | *уканг* | *дафтар-инг* | *укангиз* | *дафтар-ингиз* |
| III шахс | *укаси* | *дафтари* | *укаси* | *дафтари* |

Эслатма. Эгалик қўшимчаси унли билан битган *манба, толе,* каби отларга ундош билан битган отлардаги шаклида қўшилади *толеим, толеинг, толеи, манбаи.*

Эгалик қўшимчаси одатда кўплик қўшимчасидан кейин қўшилади: *ука + лар + им, китоб + лар + им.*

Эгалик қўшимчаси олган от белгили қаратқич келишигидаги бошқа от, олмош, отлашган сўз билан *(Ўзбекистоннинг пойтахти, бизнинг бахтимиз, ўқишнинг фойдаси),* белгисиз қаратқич келишигидаги от билан *(куз пайти, тонг чоғи, баҳор шамоли),* баъзан чиқиш келишигидаги от билан *(китоблардан бир боғлами)* боғланади. Эгалик қўшимчаси қўшилган от чиқиш келишигидаги, шунингдек, белгисиз қаратқич келишигидаги от билан боғланганда, алоқадорлик, мансублик маъносинигина ифодалайди.

**13-§. Эгалик қўшимчаларининг имлоси.** Охири **к** ёки **қ** ундоши билан тугаган *тилак, тўғарак, қишлоқ, қаймоқ* каби отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, ўзак-негиз охиридаги **к** ундоши **г** ундошига, **қ** ундоши **ғ** ундошига айланади ва *тилаги, тўғараги, қишлоғи, қаймоғи* каби ёзилади.

Эслатма. *Ҳақ, завқ, халқ, шарҳ, нутқ, ифқ, машқ* каби бир бўғинли, шунингдек, *иттифоқ, иштирок, иштиёқ, идрок* отларига эгалик қўшимчаси қўшилганда, сўз охиридаги **к** ёки **қ** товушлари ўзгармайди: *ҳақи, завқи, халқи, иттифоқи, иштироки* каби.

*Мағиз, бурун, кўнгил* каби отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, иккинчи бўғинида қисқароқ эшитиладиган **и** ёки **у** унлиси тушиб қолади ва *мағзи, бурни, кўнгли* каби ёзилади.

**10- машқ.** Гапларни ўқинг. Эгалик қўшимчали отларни топиб, эгалик қўшимчасининг шахси ва сонини айтинг.

1. Дўстлар, келинг боғимизга қувнашамиз, Бахтиёрлик қўшиғини куйлашамиз. *(П. М.)* 2. Билиминг осмонга етган бўлса ҳам, Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам. *(А. Балхий.)* 3. Азиз тупроқ озод яна, Ботир халқим посбони. Янграр элда куй, таронана, Тиниқ Ватан осмони! *(Э. Р.)* 4. Қўшнинг тинч — сен тинч. *(Мақол.)* 5. Ўғлим, шуни унутма, Сен ботирлар наслисан. Гулзоримда яшнаган Атир гуллар аслисан. *(З. Д.)* 6. Гапим шуки, колхозимизда пахта ишига ярайдиган одамлар қанчалиги ўзларингга маълум. *(О.)* 7. Соғлиғим жойида, ўртоқларим ҳаммаси яхши йигитлар, командиримиз меҳрибон. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Сенинг шуъланг, ҳароратингдан эл қандай баҳраманд бўлса, оиланг ҳам шундай баҳраманд бўлсин. *(Ҳ. Ғ.)* 9. Эшонхон меҳмонхона эшигини секин очди. *(О.)* 10. Она халқим, жон-таним маним, Ўзбекистон, Ватаним маним. *(А. Орипов).*

**11- машқ.** Қуйидаги отларга III шахс бирликдаги эгалик қўшимчасини қўшиб ёзинг, ўзак-негизда юз берган ўзгаришни айтинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғин кўчириш қоидаси асосида бўлакларга ажратиб ёзинг ва қоидани тушунтиринг.

Тупроқ, қармоқ, **этик,** тилак, билак, истак, ризқ, бутоқ, кўсак, ахлоқ, эртак, **нутқ, оғиз, ўғил, қорин,** бўйин, фарқ, капалак, **кўнгил, сингил,** бўғиз, хулқ, ток, иштиёқ, **ўрин,** қайин, парк, шавқ, бағир, бурун, қулоқ.

**12- машқ.** Нуқталар ўрнига III шахс эгалик қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Эгалик қўшимчаси қўшилган отларнинг ёзилишини тушунтиринг.

1. Қимнинг ўқиш, ўрганишга иштиёқ... зўр бўлса, унинг келажак... порлоқ бўлади. 2. Балиқнинг тириклик... сув билан. *(Мақол.)* 3. Оғиз ...га келганни демак — нодоннинг иш... *(Мақол.)* 4. Ёв қорин...дан очиб туйнук, Паншаха шод боқибди. *(Э. Р.)* 5. Сени дейман муаллим шаҳар, Қўллар... гул зўр олим шаҳар! Сени дейман элим бешик..., Ланг очилган гулдек эшик...! *(Э. Р.)* 6. Тонг ёришгунча дарё лаб...да Катта Фарғона канал...нинг келажак..., истиқбол..., суғорадиган ерлар..., унинг қирғоқ...да қуриладиган янги шаҳарлар, янги қишлоқлар, очиладиган янги ерлар, умуман, республикамизнинг истиқбол... ҳақида ширин-ширин сўзлашиб ўтирдик. *(Ғ. Ғ.)* 7. Содиқнинг иккита ўртоқ... уларни поездга кузатиб қўйди. *(Ш.)*

## Отларнинг келишиклар билан турланиши ва уларнинг имлоси

**14- §. Келишиклар.** Отнинг гапда бошқа сўзга бўлган муносабатини ифодалайдиган грамматик формалар келишиклар дейилади. Келишик отнинг синтактик вазифасидан келиб чиқадиган грамматик маънодир. Бу грамматик маъно келишик қўшимчалари ***(-нинг, -ни, -га, -да, -дан)*** билан ифодаланади. Келишик қўшимчаси йўқ ҳолат гапда келишик қўшимчаси бор ҳолатларга нисбатан



алоҳида келишик деб олинади. Масалан, *Ойқиз Бойчиборни миниб районга қайтди. (Ш. Р.) Бойчибор* сўзи ***-ни*** қўшимча воситасида *миниб* сўзига боғланган (тобеланган), тўлдирувчи вазифасида келган; *район* сўзи ***-га*** қўшимчаси ёрдамида *қайтди* сўзига тобеланган, ҳол вазифасида келган; *Ойқиз* сўзи эса келишик қўшимчасиз ҳолатда *қайтди* сўзига нисбатан ҳоким бўлиб, эга вазифасида келган.

Ўзбек тилида олтита келишик бор: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиш келишиги.

Отларнинг келишиклар билан ўзгариши турланиш дейилади.

Келишиклар жадвали

| Келишик номлари | Келишик қўшимчалари | Сўроқлари | Мисоллар |
|---|---|---|---|
| Бош келишик | — | **ким?, нима?** | *агроном, тилак, қишлоқ, баҳор* |
| Қаратқич келишиги | ***-нинг*** | **кимнинг?, нимаманинг?, қаернинг?** | *агрономнинг, тилакнинг, қишлоқнинг, баҳорнинг* |
| Тушум келишиги | ***-ни*** | **кимни?, нимани?, қаерни?** | *агрономни, тилакни, қишлоқни, баҳорни* |
| Жўналиш келишиги | ***-га (-қа, -ка)*** | **кимга?, нимага?, қаерга?, қачонга?** | *агрономга, тилакка, қишлоққа, баҳорга* |
| Ўрин-пайт келишиги | ***-да*** | **кимда?, нимада?, қаерда?** | *агрономда, тилакда қишлоқда, баҳорда* |
| Чиқиш келишиги | ***-дан*** | **кимдан?, нимадан?, қаердан?, қачондан?** | *агрономдан, тилакдан, қишлоқдан, баҳордан* |

Қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари отни (от вазифасида келган бошқа сўзни ҳам) бошқа сўзга тобелаш учун хизмат қилади. Бош келишик, аксинча, бошқа сўзни бош келишикдаги отга тобелайди. (Бош келишикдаги от эга вазифасида келиб, кесимни тобелайди.) Шунинг учун бош келишик тўғри келишик, қолган бешта келишик эса воситали келишик деб юритилади.

**15- §. Бош келишик.** Бош келишик отнинг гапда эга вазифасини бажаришини ифодалайдиган формадир. Бош келишикнинг қўшимчаси йўқ. Демак, бош келишикдаги от **ким?** ё **нима?** сўроғига жавоб бўлади, гапда асосан эга вазифасида келади.

Бош келишикдаги от гапда яна ундалма [*Пахтани парвариш қилишни, юқори ҳосил олишни булардан ўрганавер,* ***Ўктамжон.***

*(О.)*], изоҳловчи [***Шоир*** *Ҳамиднинг овози кундан-кунга баландроқ эшитилар эди. (О.)*], сифатловчи [*Урушдан бурунги* ***хрэм*** *этигини, кенг қайтарма ёқали оқ* ***шоҳи*** *кўйлакни кийди. (О.)*], кесим [*У ҳам Жиззахда гўзал табиат қучоғида вояга етган* ***шоир****. (У.)*], равиш ҳоли [*Улушини қўшганкан унда дадам ҳам, Харсангларни чўкич-ла* ***қум-қум*** *майдалаб. (Э. Р.)*] бўлиб келиши мумкин. Бош келишикдаги от атов гап бўлиб ҳам келади: *Ёз.* ***Саратон.*** *Қуёшнинг ловиллаган пайти эди. (О.)*

**16- §. Қаратқич келишиги.** Қаратқич келишиги бирор предметнинг шу келишикдаги отдан англашилган предметга қарашли эканини, хослигини ифодалайди. Қаратқич келишигидаги от **кимнинг?, ниманинг?** сўроғига жавоб бўлиб, гапда қаратқич аниқловчи вазифасида келади.

Қаратқич келишигининг қўшимчаси ***(-нинг)*** баъзан поэзияда ***-н*** шаклида ҳам қўлланади: *Йиллар оша бу зар нишон Турсун постда тургандайин, Бобом* ***қалбин*** *ён-ёнида. (Э. Р.)*

Қаратқич келишиги маъно ва шакл жиҳатидан икки хил: белгили ёки белгисиз қўлланади.

1. Келишик қўшимчаси ***-нинг*** билан қўлланиб, реал қарашлиликни (предметнинг аниқ предметга қарашлилигини) ифодаласа, белгили қаратқич келишиги дейилади: ***колхознинг*** *боғи,* ***китобнинг*** *муқоваси.*

Шахс отлари *(****шоирнинг*** *шеъри,* ***Равшаннинг*** *костюми),* бутуннинг қисмини англатадиган отлар *(****дарахтнинг*** *шохлари,* ***уйнинг*** *деразаси),* шунингдек, кўплик қўшимчасини олиб, кўплик маъносини билдирган от *(****студентларнинг*** *бири),* маъноси таъкидланган отлар *(****денгизнинг*** *суви)* белгили қаратқич келишигида қўлланади.

2. Қаратқич келишигидаги от қўшимчасиз қўлланса, белгисиз қаратқич келишиги дейилади: ***баҳор*** *шамоли,* ***тонг*** *чоғи.* Белгисиз қаратқич келишигидаги от ўзидан кейинги от билан маъно ва грамматик жиҳатдан жуда зич боғланган бўлиб, улар орасига бошқа сўз киритиш мумкин эмас. Асосан, абстракт отлар *(****ақл*** *кучи,* ***дил*** *орзуси),* пайт маъносини билдирган отдан олдин келган отлар *(****туш*** *вақти,* ***баҳор*** *пайти,* ***тонг*** *чоғи),* бошқа предметнинг белгиси сифатида қўлланган отлар *(****ипак*** *курти,* ***ватан*** *ишқи)* белгисиз қаратқич келишигида қўлланади.

**17- §. Тушум келишиги.** Тушум келишиги шу келишикдаги отдан англашилган предметнинг иш-ҳаракатни ўзига олганлигини ифодалайди. Тушум келишигидаги от **кимни?** ёки **нимани?** сўроғига жавоб бўлиб, ҳар вақт ўтимли феъл билан боғланади ва гапда фақат воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади.

Тушум келишиги қўшимчаси ***(-ни)*** поэзияда баъзан (эгалик қўшимчасидан кейин) ***-н*** шаклида қўлланади: *Биз ҳам ўйин қурайлик, Яйраб* ***гаштин*** *сурайлик. (Э. Р.)*

Тушум келишиги маъно ва шакл жиҳатидан икки хил: белгили ва белгисиз қўлланади. Белгили тушум келишиги ***-ни*** қўшимчаси билан қўлланади: *Билим манбаи* ***китобни*** *севинг.*



*(М. Г.)* Белгисиз тушум келишигида келишик қўшимчаси тушиб қолади: *Пазандаси ёпади* ***ширмон,*** *Қарилари кутади* ***меҳмон.*** *(Ҳ. О.)*

**18 - §. Жўналиш келишиги.** Жўналиш келишиги иш-ҳаракат йўналтирилган предметни англатади. Жўналиш келишиги ***-га*** қўшимчаси билан шаклланади.

Жўналиш келишигидаги от **кимга?** ё **нимага?** сўроғига жавоб бўлиб, гапда воситали тўлдирувчи [***Элга*** *эл қўшилса — бойлик. (Мақол.) Қолган* ***ишга*** *қор ёғар. (Мақол.)*]; **қаерга?** сўроғига жавоб бўлиб, ўрин ҳоли [*Қаландаров* ***Тошкентга*** *келса,* ***циркка*** *кирмай кетмас эди. (А. Қ.)*]; **қачон?** ё **қачонга?** сўроғига жавоб бўлиб, пайт ҳоли *(Экскурсия* ***якшанбага*** *қолдирилди.)* вазифасида келади.

**19- §. Ўрин-пайт келишиги.** Ўрин-пайт келишиги иш-ҳаракат бажарилган ўрин, вақтни ифодалаган ва иш-ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни билдиради. Ўрин-пайт келишиги ***-да*** қўшимчаси билан шаклланади.

Ўрин-пайт келишигидаги от **кимда?** ё **нимада?** сўроғига жавоб бўлиб, воситали тўлдирувчи [*Олтин* ***ўтда,*** *одам* ***меҳнатда*** *тобланади. (Мақол.)* ***Қаламда*** *ёздим.*], **қаерда?** сўроғига жавоб бўлиб, ўрин ҳоли [*Қоратир* ***осмонда*** *юлдузлар чақнай бошлади. (М. Ю. Лермонтов.)*], **қачон?** сўроғига жавоб бўлиб, пайт ҳоли [*Нов-даларни безаб ғунчалар* ***Тонгда*** *айтди ҳаёт отини. (Ҳ. О.)*], баъзан **қаерда(дир)?, кимда?, нимада?** сўроқларидан бирига жавоб бўлиб, кесим [*Ёшлар* ***хизматда,*** *кампирлар* ***ҳурматда*** *(А. Қ.)*] вазифаларида келади.

**20 - §. Чиқиш келишиги.** Чиқиш келишиги иш-ҳаракатнинг бошланиш, келиб чиқиш, ажралиш ўрни, манбаи, вақти, сабаби бўлган предметни билдиради. Чиқиш келишиги ***-дан*** қўшимчаси билан шаклланади.

Чиқиш келишигидаги от, асосан, **кимдан?** ё **нимадан?** сўроғига жавоб бўлиб, воситали тўлдирувчи [***Меҳнатдан*** *қўрқма,* ***миннатдан*** *қўрқ. (Мақол.)*], **қаердан?** сўроғига жавоб бўлиб, ўрин ҳоли [*У* ***кабинетдан*** *жуда тез чиқди. (Ҳ. Ғ.)*] каби вазифаларда келади.

**13 - машқ.** Текстни ўқинг. Отларни аниқлаб, қайси саволга жавоб бўлишини, қайси келишик билан турланганлиги ва гапдаги вазифасини айтинг.

Ҳаво иссиқ ва шабадасиз эди. Дарахтларнинг яшил чодири остида у ёқ-бу ёқни аста кезди. Ўриклар ғарқ пишган. Йўлларга тўкилиб, офтобда олтинланиб ётади. Олдинпишар жоноқи олмалар оловдай ёнади. Ҳали думбул шафтолиларнинг шохлари ерда. Қизил султонлар ёқутдай чақнайди. Ўктам меваларни саралайди, ҳидлайди, бироқ егиси келмайди, кўзи тўқ. Фронтда ўнлаб совет халқларининг ўғиллари гулханни қуршаб ўзлари униб-ўсган ерларининг бойликларини, гўзалликларини ҳикоя қилишар экан, Ўктам ён бермас эди. Ўзбекистоннинг табиатини, пахтасини ва ҳилма-хил меваларини шавқ билан таъриф этар, эътироз қилганларни ишонтиришга астой-

дил тиришар эди: «Ёз бўйи бизда ариқлардан мева оқади. Пишиқчилик вақтида ариқ бўйида бир соат ўтир, мевага қорнинг ҳам тўяди, этагинг ё саватинг ҳам...» *(О.)*

**14- машқ.** Гапларни ёзинг. Қаратқич ва тушум келишигидаги отларни топиб, қандай шаклда (белгили, белгисиз, **-н** шаклида) қўлланганини айтинг.

1. Болаларни кузатар Илья Николаевич. Онажон ҳам кузатар Кўзларини ўзмай ҳеч. 2. Инсонларга бермоқ бахт — Бизнинг бурчимиз ҳар вақт... 3. Бахтли бўлурсан, болам, Сендан куч олар олам... Онажон бу алласи, Улкан меҳр ялласи, Ардоқлади бизни ҳам, Бўлиб ғайрат, куч ҳамдам! Йўл юрсак ҳам шу алла Жаранглайди баралла. 4. Ильич Волга бўйида, Эллар бахти куйида, Тургандайин туюлар Болаларнинг ўйида. 5. Болалар шод қолибди, Уқиб устоз сўзларин. 6. Советларни олға элтдилар, Ҳур ҳаётни совға этдилар. Чиқармаган ёдидан бобом, Ватан қилда турганида ҳам Элимизнинг маданиятин, Дилидаги орзу, ниятин. *(Э. Раҳимов шеърларидан.)* 7. Меҳрибон буви дастурхонга ёнғоқ, туршак, жийда, қоқиларни уюб ташлади. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Кўкламнинг энг кўркам чоғи. *(О.)* 9. Ҳамма нарсани халқ бахт-саодати учун хизмат қилдириш керак. 10. Кампир дадамнинг онаси, қиз амакимнинг қизи Савринисо эди. *(А. Қ.)* 11. Кўкатлар, гулларнинг ҳиди димоққа гуп этиб уради. *(Ҳ. Ғ.)* 12. Қутбиддиновнинг меъёридан ортиқ кулгиси Заргаровнинг ғашини келтирди. *(А. Қ.)* 13. Мунаввар дадасини Деҳқонлар уйидан топди. *(С. Ан.)*

**15- машқ.** Гапларни ўқинг. Қаратқич ва тушум келишигида қўлланган отларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг, қандай сўз билан боғланганини тушунтиринг.

1 «Ватанини суйган совет аёллари пахтанинг қадрига етади, албатта», — деди Ўктам. *(О.)* 2. Тип-тиниқ, чуқур Андижон осмонини тўлдириб юлдузлар ёнар эди. *(Ғ. Ғ.)* 3. Меҳри дадасининг одатларини яхши биларди. *(Ш. Р.)* 4. У Мунавварга ҳеч зерикмай дорихона ишларини бир бошдан ўргата бошлади. *(С. Ан.)* 5. Ҳанифа Ферузанинг чамадонини кўтариб, уни қўрага бошлади. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Прагада, Будапештда, София, Варшава, Бухарестда жилва қилган шу баҳорнинг жамоли. *(У.)* 7. Ваъдангни унутма! Коммунистнинг сўзи билан иши бир бўлиши керак. *(Ж. Шарипов.)* 8. Бирдан кўтарилган олқиш зални ларзага келтирди. *(А. Қ.)* 9. Ҳаётнинг қонуни одамларга ишониш эмасми? *(Ш. Р.)* 10. Йўлчи ўзидан нарироқда, одамлар орасида, темирчи Қоратойни, эски дўсти Ўрозни кўриб қолди. *(О.)* 11. Жамиятнинг бирлашган ягона қалби буюк кўзгу бўлса, оила эса шу кўзгунинг бир парчаси. *(Ҳ. Ғ.)* 12. Маҳоланинг планини Аббосхон тузиб берди. *(А. Қ.)*

**16- машқ.** Гапларни ўқинг, отларни топиб, қандай саволга жавоб бўлишини, қайси келишикда қўлланган ва гапдаги вазифасини айтинг.

1. Адил, баланд тераклар, улкан, серқулоч қайрағочларнинг учларида юлдузлар чаман-чаман ёнади. *(О.)* 2. Мабодо хат келиб қолса, бошимиз кўкда. *(О.)* 3. Сенинг юртинг — колхоз! *(О.)* 4. Аям



айвонга полос солди, якандоз ёзди. *(А. Қ.)* 5. Ҳамидахон гоҳ сингелисига, гоҳ Тўтиқизга қараб қувонар эди. *(М. Исм.)* 6. Анна беморнинг «Қасаллик тарихи»ни тайёрлаб турар, ишга кечга қолган врачларни мулзам қилган профессорнинг салобати уни босган, қўллари беихтиёр қалтирар эди. *(Ҳ. Ғ.)* 7. Унинг қўли юганда, кўзлари ерда, отага қараёлмас, манглай тери чаккаларига силқир эди. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Эҳтимол, бу йигитлар ҳаммаси муҳим ишлардадир. *(Ҳ. Ғ.)* 9. Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир, Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир. *(Н. Ганжавий.)*

10. Қўшиқ одамларни жангга ташлаган,
Қўшиқ кўнгиллардан кетгазган ғубор.
Қўшиқ одамларни Ленинга элтган,
Қўшиқ — халқ доҳийсин ахтарган йиллар.
Бу қўшиқ халқларни этган бирдор,
Занжир, кишанлардан қутулган эллар. *(Ҳ. О.)*

**17- машқ.** Гапларни ўқинг. Келишик қўшимчаси билан қўлланган отларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг, қандай маънода қўлланганини айтинг.

1. Бу жаҳоннинг мазмунин билмоқчи бўлсанг, ўртоқ, Юрагингга китобнинг меҳр машъалини ёқ. *(Ж. Жабборов.)* 2. Ўқийсизлар юзлаб китобдан Яшаш, ижод ҳаёт дарсини. *(Ж. Жабборов.)* 3. Билким, жангда билинади Мард йигитнинг сараси. *(Ҳ. О.)* 4. Қаландаровга ижобий таъсир кўрсатишда сиз ҳам ўзингизга, ҳам халққа, ҳам коммунистларга, ҳам райкомга суянасиз. *(А. Қ.)* 5. Баҳри шу топда қўрага кирган Бўронбекдан ҳам, Қамчидан ҳам, Ўтандан ҳам, жамоа раиси Ботиралидан ҳам буни ботиниб сўролмади. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Дунёда энг нодир нарсалардан бири — одамнинг одамга ҳурмати. *(П. Қ.)* 7. Кифоятхон докторга курси қўйиб бериб, оёқ учида чиқиб кетди. *(А. Қ.)* 8. Нур ичида яшнаган Олтинсой ёшларни ўзига мафтун этди. *(Ш. Р.)* 9. Доктор Шарофат опа беморнинг варақасига алланималар ёзиб, жойидан турганда, ичкарига бир қиз кирди. *(А. Ҳасанов)* 10. Қўшиқни чиндан ҳам юракдан айтар экансиз! *(М. Қ.)* 11. Бу ишларнинг ҳаммаси битгач, дарвоза олдида уч-тўрт мўйсафидга жой қилиб беришди. *(С. Каромагов.)* 12. У косиблар, камбағаллар, соатсозлар, кулоллар билан суҳбат қилади, сулҳдан, ҳаётдан, ишдан сўзлайди. *(О.)* 13. Дадам бизни Бувайдига извошда олиб кетди. *(А. Қ.)* 14. От ҳамма жойда: тоғда, тошда, даштда одамнинг дўсти. *(О.)*

**21- §. Келишик қўшимчаларининг ёзилиши.** 1. Жўналиш келишиги қўшимчаси **к** ёки **г** товуши билан тугаган отларга ***-ка*** шаклида, **қ** ёки **ғ** товуши билан тугаган отларга ***-қа*** шаклида қўшилади, бунда негиз охиридаги **г** товуши **к** га, **ғ** товуши эса **қ** га айланади ва шундай ёзилади: *тилак — тилакка, қармоқ — қармоққа, барг — баркка, боғ — боққа.*

Эслатма: Жўналиш келишиги қўшимчаси охири **г** билан тугаган русча-интернационал сўзларга ***-га*** шаклида қўшилади: *митингга, педагогга.*

2. Жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги қўшимчалари охири жарангсиз ундош билан тугаган отларга қўшилганда, ***-са, -та, -тан*** каби талаффуз қилинса ҳам, ҳар вақт ***-га, -да, -дан*** шаклида ёзилади: *меҳнатга, меҳнатда, меҳнатдан.*

**18- машқ.** Гапларни ўқинг. Нуқталар ўрнига қаратқич ёки тушум келишиги қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг, ёзилишини тушунтиринг.

1. У доим ўзини халқ... вакили, юрт... куйчиси ва элчиси деб ҳис этар, шу ғурур унинг илҳоми... ўт олдирар, шеърий парвозига қанот боғлар эди. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Саф... олдида бўлими... олға бошлаб бораётган командир қандай бўлса, у ҳам шундай. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Халқ... севимли шоири, ўткир олим, маданиятимиз... йирик арбоби бўлган Ҳамид Олимжон... ким билмайди дейсиз! *(М. Алавия.)* 4. Ҳамид Олимжон... доимо барҳаёт сиймоси халқимиз қалбида яшайди. *(Ж. Шарипов.)* 5. Ўзбек томошабини... маданий тараққиётида Ҳамза номидаги театр... ўрни ва мавқеи... қайта-қайта таъкидлар экан, у шунда коллектив... ишида кичкина нуқсон бўлишини ҳам истамас эди. *(А. Турдиев.)*

**19- машқ.** Нуқталар ўрнига қаратқич ёки тушум келишиги қўшимчаларидан мосини қўйиб, текстларни ўқинг. Қаратқич ва тушум келишигидаги отларни ўзи боғланган сўз билан бирга икки устун шаклида ёзинг.

I. Ҳамид Олимжон... лекциялари бошланиб кетди. Ҳамид Навоий... дунёқараши, унинг душманларга муносабати ҳамда шоир асарлари... фазилатлари сингари қатор масалалар ҳақида гапириб, Фарҳод билан Хисрав ўртасидаги мулоқотга келиб тўхтади. Бу диалог... бошдан-оёқ ёдаки ўқиди. Достон... икки юз сатрга яқин бу лавҳаси... ёд ўқиш Ҳамид учун ҳеч гап эмас эди. Унинг хотирасига, шунча узун шеър... ҳеч тутилмасдан ва бирор сатри... қайтармасдан моҳирона ўқиганига ҳаммамиз тасанно дердик, офарин ўқирдик. *(Ш. С.)*

II. «Нимага эрта тонгда турасиз?» — деб сўраган кишига Ҳамид ака шундай жавоб берар эди: «Тонг... гашти бошқа. Шаҳар тинч, ҳаво мулойим, боққа кириб борар экансан, булбуллар навбат кутмай, кўнглинг... шод қилади. Ўқиган нарсанг кўнглингга чиппа ёпишади. Ана шундан завқланиб, шеър... ҳам ёзаверасан, киши! Боғдаги кўм-кўк дарахтлар... айтмайсизми? Табиат... нақадар гўзаллиги... эрта тонгда турган кишигина билади! Мен кўпроқ хаёлимда пишириб юрган шеърим..., бошланғич байтларим..., баъзан ҳаттоки, айрим шеърларим... биринчи нусхаси... ҳам ана шу пайтларда ёзаман. Ўшанда илҳом булоғи қайнайди-да! Шундай пайтларда шеър... пардозлаш ҳам ёмон бўлмайди!» *(А. Суюмов)*

**20- машқ.** Нуқталар ўрнига келишик қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Жўналиш келишигида турланган отларнинг ёзилишини тушунтиринг.

1. Кўк... (-га, -ка, -қа) боқма, кўпга боқ. *(Мақол.)* 2. Ҳовли жуда кенг бўлиб, ранг-баранг гулларнинг атри димоқ... (-га, -ка, -қа) уриларди. *(О. Ё.)* 3. Шалола пастлик... (-га, -ка, -қа), дара...



(-га, -ка, -қа), водий... (-га, -ка, -қа) зўр қудрат билан интилади. *(Ҳ. Ғ.)* 4. Баҳор келди, гул очилди, нур сочилди борлиқ... (-га, -ка, -қа). *(З. Д.)* 5. Яша бахтли ёшликнинг Меҳрибони мамлакат. Биз ўсамиз қўйнингда, Келажак... (-га, -ка, -қа) зўр қувват. *(З. Д.)* 6. Ойқиз нур... (-га, -ка, -қа) чўмган қишлоқ... (-га, -ка, -қа) суқланиб қарарди. *(Ш. Р.)* 7. Баҳмал ёйиб йўллар... (-га, -ка, -қа), Адир, дала, чўллар... (-га, ка, -қа) Баҳор келди, ўртоқлар! *(З. Д.)* 8. Бувам билан боғ... (-га, -ка, -қа) чиқмоқчи бўлганимизда, Рустам югуриб келиб қолди. *(О. Ё.)* 9. Тонг отиши билан, қуёш заррин нурини бутун борлиқ... (-га, -ка, -қа) тарқатди. *(Ч. Айт.)*

**21- машқ.** Мақолларни ўқинг. Нуқталар ўрнига келишик қўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг.

1. Олтин ўт..., одам меҳнат... билинади. 2. Кўк... боққан йиқилур... 3. Одам... қиммати қилган иши билан белгиланади. 4. Экин... эрта эккан ҳосил... эрта ўрар. 5. Эртанги иш... бугун режа туз. 6. Каттага хизмат..., кичикка иззат... бўл. 7. Мард... иши — меҳнат. 8. Бошинг... қилич келса ҳам тўғри сўзла. 9. Деҳқон... хазинаси — ер. 10. Халқ... суянсанг бўласан, халқ... чиқсанг сўласан. 11. Иш сени енгмасин, сен иш... енг. 12. Қўпчилик... ишонган тилаги... етади. 13. Хазина ғойиб... эмас, меҳнат... . 14. Гап... оз сўзла, иш... кўп кўзла. 15. Ақл ёш... эмас, бош... . 16. Йўл... билган қоқилмайди. 17. Сўз... кўрки — мақол. 18. Тўғрилик... ўлим йўқ. 19. Ақл... ортиқ бойлик бўлмас. 20. Текиннинг миннати кўп, меҳнат... зийнати кўп.

## Отларнинг ясалиши ва уларнинг имлоси

**22- §. Морфологик усул билан от ясаш.** Бу усулда ўзак, негизга махсус от ясовчи қўшимчалар қўшиш билан шахс отлари *(навбатчи, курсдош, пахтакор, ошпаз, газетхон)*, нарса-буюм отлари *(чизғич, элак, тароқ)*, ўрин-жой отлари *(олчазор, Ўзбекистон, ўтлоқ)*, абстракт отлар *(мардлик, пиллачилик, ленинизм, севинч)* ясалади. Шу жиҳатдан от ясовчи қўшимчалар, асосан, тўрт группага бўлинади:

1. Шахс оти ясовчи қўшимчалар.
2. Нарса-буюм оти ясовчи қўшимчалар.
3. Ўрин-жой оти ясовчи қўшимчалар.
4. Абстракт (мавҳум) от ясовчи қўшимчалар.

**23- §. Шахс оти ясовчи қўшимчалар,** асосан, от негизларига қўшилиб, хилма-хил маънодаги ясама отлар ҳосил қилади. Чунончи:

***-чи*** қўшимчаси: 1) негиз англатган иш билан шуғулланувчи шахс отини ясайди: *балиқчи, ишчи, тарбиячи, теримчи;* 2) негиз англатган предметга, ташкилотга, ишга мансуб бўлган шахс отини ясайди: *марксчи, ленинчи, турсунойчи, аълочи, колхозчи;* 3) негиз англатган феъл-атворга, хусусиятга эга бўлган шахс отини ясайди: *қизиқчи, ёлғончи;*

***-дош*** қўшимчаси негиз англатган предмет, белги туфайли бошқа шахс билан яшаш, ишлаш, ўқиш ўрни, пайти бирга бўлган *(ватандош, курсдош, замондош, тенгдош, асрдош)*, иш-ҳаракати, ҳолати бирга бўлган *(кўмакдош, сафдош)* шахс отини ясайди;

***-каш*** қўшимчаси «шуғулланувчи», «тортувчи» маъносидаги от ясайди: *меҳнаткаш, сураткаш, аравакаш;*

***-бон*** қўшимчаси «сақловчи», «қаровчи» маъносидаги от ясайди: *боғбон, дарвозабон;*

***-боз*** «шуғулланувчи» маъносидаги от ясайди: *дорбоз, каптарбоз, найрангбоз;*

***-паз*** негиз англатган овқатни пиширувчи шахс отини ясайди: *ошпаз, сомсапаз, кабобпаз;*

***-дор*** қўшимчаси негиз англатган предметга эга бўлган шахс отини ясайди: *боғдор, айбдор;*

***-шунос*** қўшимчаси негиз англатган соҳа билан шуғулланувчи шахс отини ясайди: *тилшунос;*

***-соз*** қўшимчаси негиз англатган предметни тузатувчи, яратувчи шахс отини ясайди: *соатсоз, станоксоз, машинасоз;*

***-гар (-кар)*** қўшимчаси негиз англатган предмет билан шуғулланувчи шахс отини ясайди: *заргар, кимёгар, мискар.*

**24- §. Нарса-буюм оти ясовчи қўшимчалар** феъл негизларига қўшилиб, негиздан англашилган иш-ҳаракатни бажариш учун қўлланадиган ёки ҳаракат натижаси бўлган предметнинг отини ясайди. Нарса-буюм оти ясовчиларга ***-к, -ик, -қ, -уқ*** *(элак, курак, кўрик; сўроқ, чопиқ, чақириқ, учуқ)*, ***-оқ*** *(ўроқ)*, ***-ги, -ки, -ғи, -қи*** *(супурги, кулги, туртки, томизғи, чалғи, чопқи, ачитқи)*, ***-м, -им*** *(тўплам, чимдим, терим, билим)*, ***-ма*** *(тугма, қаплама)*, ***-инди*** *(қиринди, чиқинди)* каби қўшимчалар киради.

**25- §. Ўрин-жой оти ясовчи қўшимчалар** негиздан англашилган предмет мавжуд бўлган, экиладиган ёки яшайдиган ўрин-жой отини ясайди. Буларга ***-лоқ, -лов*** *(тошлоқ, яйлов)*, ***-зор*** *(пахтазор, лолазор)*, ***-истон*** *(Ўзбекистон, Гулистон)* қўшимчалари киради.

**26- § Абстракт (мавҳум) от ясовчи қўшимчалар** сифат, равиш, сон, олмош, феъл негизларига қўшилиб, негиз ифодалаган тушунча белгиларидан бирини билдирувчи абстракт от ясайди. Бу қўшимчаларга ***-лик*** *(гўзаллик, тезлик, оталик, манманлик)*, ***-чилик, -гарчилик*** *(пахтачилик, одамгарчилик)*, ***-ч, -инч*** *(ишонч, севинч)*, ***-изм*** *(коммунизм, дарвинизм)* киради.

**27- §. От ясовчи қўшимчаларнинг имлоси. *-иқ, -им*** қўшимчалари у унлиси иштирок этган ўзак-негизларга ***-уқ, -ум*** шаклида қўшилади: *ютуқ, учуқ, ютум, унум, қултум; уюм (уй-ум)* каби.

Охири **а** унлиси билан тугаган ўзак-негиздан ***-қ*** қўшимчаси ёрдамида от ясалганда, негиз охиридаги **а** унлиси **о** тарзида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: *ўта+қ→ўтоқ, сўра+қ→сўроқ, тара + қ → тароқ.*

**22- машқ.** Сўзларни ўқинг. От ясовчи қўшимчаларни топиб, сўзларнинг маъносидаги фарқни изоҳланг; шу сўзлар иштирокида сўз бирикмаси ёки гаплар тузинг.



Пахтазор, пахтакор, пахтачи, пахтачилик; гулзор, гулчи, гулдон; чизғич, чизма, чизиқ; терим, теримчи; боғбон, боғдор, боғдорчилик; тилчи, тилшунос.

**23- машқ.** Қуйидаги сўзларга ***-чи, -дош, -каш, -бон, -боз, -паз, -шунос, -хон, -соз, -дўз, -гар*** қўшимчаларини қўшиб, от ясанг ва ёзинг, қандай маъно англатувчи от ясалганини айтинг.

Ов, тарбия, газета, мусобақа, ватан, курс, тенг, сурат, боғ, дор, кабоб, тил, ғазал, китоб, дўппи, станок, трактор, этик, зар, гилам, футбол, сарой, табиат, машина.

**24- машқ.** Қуйидаги сўзларга ***-к, -қ, -оқ, -ги, -ғи, -ғич, -гич, -им; -ч, -лоқ, -лов, -зор, -истон; -лик, -чилик, -изм*** қўшимчаларини қўшиб, от ясанг ва ёзинг. Ажратиб кўрсатилган туб сўзлардан ҳосил бўлган ясама отларнинг имлосини тушунтиринг.

Яхши, кўп, пахта, **Маркс, Ленин,** материал, социал, ишонч, севин, соғин, тош, қум, ёш, олма, гул, **тожик, туркман, қозоқ,** қий, қатла, бил, қир, сава, суз, томиз, чал, супур, ўр, кура, тўша, тила, **сўра, тара, бўя, ун, ют.**

**25- машқ.** Гапларни ўқинг. Ясама отларни топиб, қайси сўз туркумидан ясалганини ва маъносини айтинг.

1. Йигитнинг юраги, номуси, одамгарчилиги пулдан азиз, пулдан юқори эмасми? *(О.)* 2. Сўзамоллик, маҳмадоналик фазилат эмас, камсўзлик, камтарлик фазилат. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Яхшилик ерда қолмас. *(Мақол.)* 4. Кўчанинг нариги юзи кўкаламзор. *(С. Ан.)* 5. Сен борсанки, озодлик бор, Саодат бор, тинчлик бор. *(У.)* 6. У отнинг қорнини, сағрисини қашлағич билан қашлади. *(Ҳ. Ғ.)* 7. Эй, йўловчи, бўла қол қўноқ, уйда борин кўрармиз баҳам. *(А. Орипов.)* 8. Ҳорғин йўловчи мудрар ичиб чой, чўзилади мезбон ҳам аста. *(А. Орипов.)* 9. Толзор чумчуқларга тўла, улар тинимсиз чирқиллаб қулоқни қоматга келтиради. *(Ҳ. Ғ.)* 10. Отабек диққат ва эътибор билан қутидорни кузатиб жавоб берди. *(А. Қод.)* 11. Чуқур қанча кўп бўлса, аравакаш ҳам шунча нотинч бўлади. *(А. Қ.)* 12. Болалигимда шу дарё бўйида оқизоқ ўйнардим. *(М. Мирзараҳимов.)* 13. Ёшликни жасорат, қаҳрамонлик безайди, кексаликни — нуронийлик, донолик. *(К. Ҳамро)* 14. «Бу далага чопиқ учун Шодмонга ўхшаш азаматлардан йигирмалаб чопиқчи туширилса, бу бошқа гап», — деди Ўктам. *(О.)*

**28- §. Синтактик усул билан от ясаш.** Синтактик усул билан қўшма от *(ошқозон, оққуш, Янгийўл, беш йиллик, отбоқар, ёрилтош)*, икки сўзнинг грамматик тенг боғланишидан жуфт от *(қуч-қувват, ота-она, тоғ-тош)* ясалади.

Булардан ташқари, нутқда ихчамликка эришиш мақсадида турғун сўз бирикмаларини бирон даражада қисқартишдан қисқартма от ҳосил қилинади: *ТошМИ — Тошкент Медицина институти, БМТ — Бирлашган Миллатлар ташкилоти* каби.

**29- §. Қўшма ва жуфт отларнинг ёзилиши.** 1. Қисмлари отлардан тузилган *(ўқилон, ошқозон, тоғолча, гултожихўроз, фотоаппарат, Сирдарё)*, биринчи қисми сифат ёки сон, иккинчи қисми

турдош от бўлган *(Янғийўл, қорақурт, Оққўрғон, Миңбулоқ, Бешариқ)*, биринчи қисми от ва иккинчи қисми *-ар* қўшимчали феълдан тузилган *(отбоқар, ўринбосар, бешиктерватар)* қўшма отлар қўшиб ёзилади.

2. Биринчи қисми сифат, иккинчи қисми атоқли отдан тузилган *(Ўрта Осиё, Жанубий Америка, Марказий Фарғона, Юқори Чирчиқ)*, бирикмали хусусиятини сақлаган *(Совет Армияси, темир йўл, осма кўприк, иш ҳақи, беш йиллик)*, иккинчи қисми **е, ё, ю, я** ҳарфи билан бошланган *(ер ёнғоқ, қўл ёзма, қозон ювгич, Умум Европа)* қўшма отлар алоҳида ёзилади.

3. Жуфт отлар чизиқча билан ёзилади: *куч-қувват, опа-сингил, озиқ-овқат, ёш-қари* каби. Жуфт отларнинг қисмлари **-у, -ю** юкламалари ёрдамида боғланса, чизиқча қўйилмайди: *Онажонин буюк сиймоси Кучу ғайрат берарди ҳар дам. (Э. Р.)*

**30- §. Қисқартма отларнинг тузилиши ва уларнинг имлоси.** 1. Қисқартма отлар сўзларнинг биринчи товушидан тузилади ва ҳар бир товуш бош ҳарф билан ёзилади: ГДР, РТС, ГЭС, БМТ, МҚ, БАР.

2. Биринчи сўзнинг бош қисми, кейинги сўзларнинг эса биринчи ҳарфларидан тузилади ва қуйидаги шаклда ёзилади: *ЎзССР—Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, ТошПИ — Тошкент Политехника институти, ТошДУ — Тошкент Давлат университети.*

3. Сўзларнинг бош қисмларидан тузилади ва шундай ёзилади: *обком — область комитети, райком — район комитети* каби.

4. Аралаш йўл билан тузилади. Бунга юқоридаги уч турдан бошқа ҳамма типда тузилган қисқартма отлар киради. Масалан, *Тошунивермаг, Ўзкомпартия, Ўзкитоб, партбилет.*

**26- машқ.** Қўшма ва жуфт отларнинг ёзилишини қуйидаги сўзлар мисолида тушунтиринг. Қўшма отлар иштирокида тўртта гап тузинг.

I. Асалари, бошпана, кинотеатр, арпапоя, атиргул, аччиқтош, бадантарбия, бақатерак, белкурак, билагузук, гулдаста, гулбеор, гулраъно, гулғунча, ертўла, зинапоя, кинофильм, кирсовун, фотоальбом, эрксевар, бешотар, бешиктерватар, кунгабоқар, лайлакқор, лампашиша, манманлик, мисқозон, молбоқар, мошхўрда, ойболта, отбоқар, умумхалқ.

II. Юқори Чирчиқ, беш йиллик, аъзойи бадан, дуои салом, минг килограммчи, оқ гвардиячи, Умум Европа, юз центнерчи.

III. Ака-ука, акаю ука, қариндош-уруғ, опа-сингил, эл-юрт, элу юрт, сабзи-пиёз, товоқ-қошиқ, чойнак-пиёла.

**27- машқ.** Гапларни ўқинг. Қисмлари вертикал чизиқ билан ажратиб берилган қўшма ва жуфт отларни имло қоидасига мувофиқ ёзинг.

1. Сен куласан, сенинг билан кулар эл/юрт, далалар. *(Э. Рўзиметов.)* 2. Намгарчилик ернинг бағри/бағрига сингиб кетганга ўхшайди, шунга қарамай, кўчалар серқатнов. *(С. З.)* 3. Чўл/бобо экқан ниҳоллари: беҳи, олма, анжир, жийдаларни кўздан кечирди.



*(Ҳ. Ғ.)* 4. Дарвоза очилди, ташқаридан саман отини етаклаб Ҳасан/али кирди. *(А. Қод.)* 5. Ёлғиз опа эмас, Мастура, Моҳира, уйга йиғилган қариндош/уруғлар — ҳаммаси уни кун бўйи кутишди. *(О. Ё.)* 6. Ҳамза/ободимизни хаёлий Боғи/эрамдан ҳам ўтказиб юборамиз. *(Й. Сулаймон.)* 7. Аста-секин дарё бўйидаги ёлғиз/оёқ йўлдан юриб, қўшиқ келган томонга боравердим. *(М. Қ.)* 8. Олимжон узоқда бўлса ҳам, фикри/зикри Олтин/сойда бўларди. *(Ш. Р.)* 9. Иккита меҳмон/хонанинг ҳаммаси қимматбаҳо нарсалар билан, яъни идиш/товоқ, даста/даста кўрпа, қўш/қўш гилам, мебеллар билан тўлган. *(А. Қ.)* 10. Тожи ака куни кеча Янги/бозордан келди, олдига чиқиб маслаҳат сўра. *(О.)* 11. Карам, шолғом, сабзи/пиёз, мева/чева — бари муҳайё. *(Ҳ. Ғ.)* 12. Катта йўл, қишин-ёзин от/улов қатнаб туради. *(М. Исм.)* 13. Одатда унинг отаси чурқ этмай ўтириб тинглар, Тош/темир сўзлар эди. *(Ҳ. Ғ.)* 14. Етти ўлчаб бир кесувчи Муҳаммад ақлу/идрок овозига қулоқ солди. *(К. Моисеева.)*

**28- машқ.** Қуйидаги қисқартма отларни тўғри ўқинг ва ҳар бирини тўлиқ номи билан ёзинг.

Намуна. ***ТДПИ*** *— Тошкент Давлат Педагогика институти.*

ТошМИ, БМТ, ГДР, райком, райсовет, ЎзССР, ФА, ТошПИ, ЎзСЭ, Ўздавнашр, МТС, ЎзКП, МҚ.

**29- машқ.** Берилган гаплардаги отларни топиб, бош келишик формасида жадвалга жойланг.

### Отларнинг тузилишига кўра турлари

| Содда отлар | | Қўшма от | Жуфт от | Қисқартма от |
|---|---|---|---|---|
| Туб от | Ясама от | | | |
| *қиш* | *Ўзбекистон* | *юз центнерчи* | | |

1. Юз центнерчи бўлиш учун қиш бўйи далани пишитиш керак. Мана келар йил мени юқори ҳосил чўққисида кўрасан. Бутун Ўзбекистонда рекорд бўлсин! *(О.)* 2. Ўктам жийдазордан ўтиши биланоқ, пахта майдонлари бутун улканлиги, кенглиги, салобат ва гўзаллиги билан қаршисида очилди. *(О.)* 3. Ҳамид Ёзувчилар союзига раис бўлиб турган йилларида ўзининг ажойиб фазилатларини: ақлли бошлиқ, тадбирли ташкилотчи, нособ жамоат арбоби эканлигини кўрсатди. *(Ғ. Ғ.)* 4. Ҳамид Олимжон кўп маҳоратли шеърхон бўлиши билан бирга, биринчи даражали нотиқ ҳам эди. Зеро, у нутқни — санъат, нотиқликни — санъаткорлик дея тушунар ва бу соҳада ҳаммамизга ибрат бўладиган даражада муваффақиятларга эришган эди. *(М. Ш.)* 5. Элмурод мол боқиш учун ўтлоқ қидириб кун сайин узоқроққа кетиб қоларди. *(П. Т.)* 6. Уст-боши ёдимда йўқ, оддий, лекин озода кийинган, хушмуомала йигит! *(О.)* 7. Йўлда

ўриқзор оралаб шилдираб оқиб турган муздай сувдан ҳовуч-ҳовуч ичдик, ариқ бўйида пича ёнбошладик, майса устида бир оз ағанадик. *(У.)* 8. Ҳамид билан деярли кунда колхозларда, қурилишларда, клуб ва мактабларда бўлардик. Айниқса, Катта Фарғона каналида, Фарҳод ГЭС қурилишида, Бекобод металлургия заводига пойдевор қўйишда, Жанубий Тошкент канали қурувчилари орасида доим ёзувчилар бригадалари бўларди. *(С. Абд.)* 9. Биз Яйпанда Олим бува деган бир новвойнинг ташқисида турар эдик. *(А. Қ.)* 10. Бир кун дадамнинг овчи жияни келди. *(А. Қ.)* 11. Ота — хазина, ака-ука — таянч, дўст ҳар икковидир. *(Мақол.)* 12. Бизлар тинчлик посбонимиз, Тинчдир еру осмонимиз. Коммунизм — бўстонимиз — Мангу чаманзор. *(П. М.)*

**30- машқ.** Қуйидаги парчаларни ўқиб, отларни топинг; «Отни разбор қилиш тартиби»дан фойдаланиб, уларни тўлиқ морфологик разбор қилинг.

### Отни разбор қилиш тартиби

1. Бош формаси (бош келишик шакли).
2. Маънога кўра тури: атоқли ё турдош; конкрет ё абстракт; якка ё жамловчи.
3. Сони: бирлик ё кўплик.
4. Эгалик қўшимчаси билан қўлланиши.
5. Турланиши: қайси келишик, қандай қўлланган.
6. Тузилишига кўра тури: содда, туб ё ясама; қўшма, жуфт, қисқартма.
7. Гапдаги вазифаси.

I. Ҳамид Олимжон туғма ва нодир талант эди. Унинг қонида, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма бир зукколик, шоирона бир билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён, пешанасида ва йирик кўзларида улуғлик очиқ-ойдин эди. *(Миртемир.)*

II. Салқин. Лекин совуқ эмас. Ҳикматилло хизмат қилаётган Новосибирск томонларда ҳозир қор тиззадан келади, ҳар ҳолда икки ҳафта олдин, у отпускага чиқаётганда, шаҳарни қалин қор босган, бу ерда, Тошкентда эса ҳануз кўйлакчан юрса бўларди...

Шаҳар уйғонмоқда эди. Ана, асфальтда оғир сирпаниб, электр симларини визиллатганича кетма-кет иккита троллейбус келди, қўнғироқларини ёқимли жиринглатиб трамвай ўтди, оқиш туман орасида ялт-ялт этган симоб қатралари — енгил машиналар кўпайди...

Ҳикматилло чамадонини қўлига олди-ю, яна ерга қўйди. Анор, олмага тўла чамадон зил-замбил эди. Сандиқдай келадиган бу бесўнақай чамадонни ҳам, олма-анорни ҳам ойиси олишга мажбур қилди... *(О. Ё.)*

**31- машқ.** Бошланғич синфлар программаси ва I—III синф «Ўзбек тили» дарсликлари асосида қуйидагиларни аниқланг: 1) I — III синфларда отнинг қандай грамматик формалари ўрганилади? 2) бошланғич синфларда отнинг ёзилишига доир қайси имло қоидалари ўрганилади.

**32- машқ.** Программа ва III синф «Ўзбек тили» дарслиги асосида от юзасидан ўрганиладиган темаларнинг дарсларга тахминий тақсимоти планини тузинг.



**33- машқ.** III синф «Ўзбек тили» дарслигининг охирида берилган имлоси қийин сўзлардан отларни ажратиб, улар иштирокида тўртта гап тузинг.

**34- машқ.** IV синф «Ўзбек тили» дарслиги асосида бошланғич синфларда от юзасидан ўтилган қандай маълумотлар IV синфда ўқув йили бошида такрорланишини айтиб беринг.

**31- §. Кичрайтиш ва эркалаш отлари ясовчи қўшимчалар.** Отларга қўшилиб, шу отнинг маъносига кичрайтиш, эркалаш, ҳурмат, кучайтириш сингари ўзига хос нозик маъно берувчи қўшимчалар отларнинг кичрайтиш, эркалаш формаларини ҳосил қилади. Шунинг учун улар форма ясовчи қўшимчалар деб юритилади.

Кичрайтиш, эркалаш отлари ясовчи қўшимчаларга ***-ча*** *(юлдузча, уйча, китобча, қизча, йигитча)*, ***-чак, -чоқ, -чиқ*** *(тойчоқ, келинчак, қопчиқ)*; ***-лоқ, -алоқ*** *(тойлоқ, қизалоқ)*; ***-гина, -кина, -қина*** *(болагинам, билаккинанг, ўртоққинам)*; ***-хон, -жон, -ой*** *(Қумрихон, Шавкатжон, Назираой)* киради.

**35- машқ.** Қуйидаги отлардан кичрайтиш, эркалаш отлари ясанг ва ёзинг, форма ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг, қандай маъно қўшганлигини айтинг.

Боғ, дафтар, тугма, кўрпа, супа, курак, келин, қўзи, бўта, қуш, ука, она, сингил, Раъно, Шуҳрат, Дилфуза.

**36- машқ.** Гапларни ўқинг. Кичрайтиш, эркалаш отларини топиб, маъносини айтинг.

1. Хўш, колхозда ўзинг нима қиляпсан, тойчам. *(О.)* 2. Ўктамжон, онанг қоқиндиқ, тинчгина ухла! *(О.)* 3. Ленин бобом юрган йўлакча, кўринади кўзга бўлакча. *(Э. Р.)* 4. Тойчоқ, қуён, фил, айиқча, Шохда ўйнар беқанот! *(Э. Р.)* 5. Арча учин эгаллабди Булбул билан юлдузча. *(Э. Р.)* 6. Бу китобчалар магазинда очиқ сотиларди. *(Н. Ҳикмат.)* 7. Солижон деразадан бошини чиқариб қичқирди: «Зуҳрахон, ўзингиз бориб олиб келинг!» *(А. Қ.)*

## СИФАТ

**32- §. Сифатнинг маъноси ва грамматик белгилари.** Предметнинг доимий белгисини ифодалайдиган мустақил сўзлар сифат дейилади. Сифат предметнинг ранги *(қизил, оқ, сариқ)*, ҳажми *(катта, кичик)*, шакли *(юмалоқ, ясси)*, мазаси *(ширин, нордон, тахир)*, характери *(яхши, ёмон, қўпол)*, турли ҳолати ва хислати *(шўх, моҳир, чаққон, шод)*, ўрин ёки пайтга муносабати *(қишки, ёзги, ердаги)* каби белгиларни билдиради.

Сифат морфологик жиҳатдан предмет белгисини даражалаб *(қизил, қизилроқ, энг қизил)*, кучайтириб *(қип-қизил, кап-катта)* ёки камайтириб *(оқиш, оқимтир, оқроқ)* кўрсатади.

Сифат гапда кўпинча сифатловчи *[Пахта — **хулосахўр, талабкор, инжиқ** экин. (О.)]* ва кесим *[Ҳар нимадан ор-номус **баланд.** (О.)]* вазифасида, шунингдек, ҳол *[Кетмонни сал **каттикроқ** урса, ғўзанинг илдизига шикаст бераётгандек қўрқади. (О.)]*

вазифасида ҳам келади. Сифат отлашганда эса от каби эга *[**Илмли** минг яшар, **илмсиз** бир яшар. (Мақол.)]*, тўлдирувчи *[**Яхшидан** от қолар, **ёмондан** дод қолар. (Мақол.)]*, қаратқич аниқловчи *[**Қўрқоқнинг** кўзи катта, **аҳмоқнинг** сўзи катта. (Мақол.)]* вазифаларини бажаради.

33- §. **Аслий ва нисбий сифатлар.** Сифатлар, маъносига ва айрим грэмматик белгисига кўра, икки турга бўлинади: 1. Аслий сифат. 2. Нисбий сифат.

Предмет белгисини бевосита англатадиган, белгини даражалаб кўрсата оладиган сифатлар аслий сифат дейилади: ***кичик*** *(хона)*, ***узун*** *(йўл)*, ***баланд*** *(бино)*, ***кўк*** *(шойи)*, ***шўх*** *(бола)*, ***камтар*** *(одам)*.

Предмет белгисини ўрин ёки пайт тушунчасига нисбатлаш, мўлжаллаш, бошқа предметга ўхшатиш каби маънолар орқали ифодалайдиган сифатлар нисбий сифат дейилади. Нисбий сифат белгини даражалаб кўрсатмайди: ***илмий*** *(масала)*, ***ёзлик*** *(кийим)*, ***ташқи*** *(ишлар)*, ***даладаги*** *(ҳосил)* каби.

Нисбий сифатлар қуйидаги қўшимчалар ёрдамида отлардан ясалади: ***-ий, -вий*** *(оилавий, тарихий)*, ***-симон*** *(тўлқинсимон, одамсимон)*, ***-лик*** *(қишлик, кузлик, тошкентлик, қўқонлик)*, ***-ги, -ки, -қи*** *(кузги, эрталабки, сиртқи)*, ***-даги*** *(осмондаги, ёздаги)*.

**37- машқ.** Текстни ўқинг. Сифатларни топиб, маъноси ва гапдаги вазифасини айтинг.

Сўлим Фарғона кечаси. Кундузлари кўкимтир парда орасида кўзларга ғира-шира чалинадиган тоғлар орқасидан секин кўтарилиб, ҳалигина шийпонларга, супаларга, ҳовузларга мўралаган ойнинг қизғиш гардиши энди баландда, кўк денгизида кумуш лагандай сузади. Далалар визилдоқларнинг музикасини тинглагандай жимжит. Сертупроқ йўллар, олисдаги уйларнинг томлари ойдинда йилтирайди, бошларида, қўйинларида юлдузлар чақнаган теракларнинг бўйлари яна баландроқ, адлроқ кўринади. *(О.)*

**38- машқ.** Мақолларни кўчириб ёзинг. Отлашган сифатларни кўрсатиб, гапдаги вазифасини айтинг.

1. Қийимнинг янгиси яхши, дўстнинг эскиси яхши. 2. Ялқов билан анқов — душманга катта ов. 3. Нодон билан сирдош бўлма. 4. Яхшининг сўзи — қаймоқ, ёмоннинг сўзи — тўқмоқ. 5. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз дўстини. 6. Аҳмоқнинг катта-кичиги йўқ. 7. Эгри озади, тўғри ўзади. 8. Яхши яхшининг қадрига етар. 9. Яхшида гина бўлмас, ёмондан гина кетмас. 10. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. 11. Одам — темирдан қаттиқ, гулдан — нозик.

**39- машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатларни топиб, ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг; отлашган сифатларнинг тагига чизинг.

1. Ботир, мардлар юрар марднинг изидан, То ўлгунча ҳеч қайтмайди сўзидан. *(Ислом шоир)* 2. Тилга палапартиш муносабатда бўлиш палапартиш, ноаниқ, тахминан, нодуруст фикр қилиш ҳамдир. *(А. Толстой.)* 3. Тўғри, ҳамма бойликлардан энг қимматлиси



одам. *(Н. С.)* 4. Отилган ўқ тошдан қайтмас, Мард номардни одам демас. *(Махтумқули.)* 5. Тўғри ҳар офатдан қутулиб кетар, Масал бор: «Тўғрилар мақсадга етар». *(Биноий.)* 6. Қуёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари юргинг келади. *(П. Т.)*

**40- машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатларни ўзи боғланган от билан бирга кўчириб, аслий сифатлар тагига тўғри, нисбий сифатлар тагига тўлқинли чизиқ чизинг.

1. Ўктам... ҳазил, аскиясимон гаплар айтди-да, кийиниш учун уйга кирди. *(О.)* 2. Умматали бу яқин орада бир кабинетда шунча расмий одамларни кўрмаган эди. *(Ш.)* 3. Баъзан орқасига қараб ўз чопиғига танқидий разм солади, лекин дидига ёқади. *(О.)* 4. «Баҳслашавераман, чарчаб қолмасангиз майли-я», — ҳазилсимон жавоб берди Ҳакима. *(О.)* 5. Уруш вақтида ҳам колхозимиз катта-катта қурилишларда зўр куч билан қатнашди. *(О.)* 6. Тўрдаги қичқина эшик очилди. *(А. Қод.)* 7. Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади. *(О.)* 8. Мунавварнинг курсида амалий тажриба машғулотлари бошланди. *(С. Ан.)* 9. У жиддий гапларни дадаси каби енгил, қувноқ ифодалайди. *(Ҳ. Ғ.)* 10. Тошишни, бузишни севган шўх сув моҳир, чаққон ва ғайратли қизнинг майлига бўйсуниб, жила-жила пахтазорни қоплай бошлади. Ойдинда сўрқиллаган гўзал дала, сувнинг кумушланган нозик мавжлари, ширин, жонли қўшиқлари қизнинг юрагини қувонч, ваъдани бажариш умиди билан тўлдирди. *(О.)*

**41- машқ.** Мақолларни ўқинг. Нуқталар ўрнига гапнинг мазмунига мос антоним сифатларни қўйиб кўчиринг.

1. Кўз қўрқоқ, қўл ... 2. Эски йилнинг ҳисоби — ... йилнинг китоби. 3. Ширин ёлғондан ... ҳақиқат яхши. 4. Қийшиқ ўтирсанг ҳам, ... гапир. 5. Яхши гап ҳам, ... гап ҳам бир оғиздан чиқади. 6. Яхши сўз — жон озиғи, ... сўз — бош қозиғи. 7. Тўғри тил тош ёрар, ... тил бош ёрар. 8. Ёмондан доғ қолар, ...дан боғ қолар. 9. Касалнинг келиши осон, кетиши ... 10. Янгини ... сақлар. 11. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ... .

**42- машқ.** Синоним сифатлар иштирокида сўз бирикмалари тузинг (оғзаки) синонимларнинг қўлланишидаги фарқни айтинг. Ажратиб кўрсатилган сифатларга антонимлар танланг.

1. **Ишчан,** ҳаракатчан, серҳаракат, ғайратли, серғайрат, тиришқоқ, уринчоқ, 2. **Катта,** улуғ, буюк, зўр, азим, азамат, улкан, баҳайбат, ҳайбатли, **йирик,** гигант. 3. Кучли, бақувват, забардаст. 4. Кўк, зангор, мовий, ҳаво ранг. 5. Муҳим, аҳамиятли, асосий. 6. Пухта, пишиқ, мустаҳкам, маҳкам, чидамли. 7. **Саҳий,** ҳимматли, саховатли, ҳотам, танти. 8. Сезгир, **зийрак,** туйғун, ҳушёр, сергак, тийрак. 9. Чиройли, гўзал, ҳусндор, ҳуснли, ҳушрўй, кўҳлик, кўркам, барно, сулув, зебо, латофатли, соҳибжамол. 10. Ақлли, эсли, мияли, оқил.

## Сифат даражалари

34- §. Предметлардаги бир хил белгини миқдорига кўра нисбатлаб фарқлаш ҳодисаси сифат даражаси дейилади. Сифатлар уч хил даражада қўлланади: 1. Оддий даража. 2. Қиёсий даража. 3. Орттирма даража.

Предмет белгисини бошқа предметдаги шу белгига таққосланмай, тўғридан-тўғри ифодаловчи сифатлар оддий даража дейилади: *яхши (китоб), кучли (ўқувчи), шижан (қиз), кўркам (боғ)* каби.

Айрим-айрим предметлардаги бир хил белгининг чоғиштирилиши асосида икки даража ясалади: қиёсий даража, орттирма даража.

**35- §. Қиёсий даража.** Бир предметдаги белгининг бошқа предметдаги худди шундай белгидан ортиқ эканлигини ифодаловчи сифатлар қиёсий даража дейилади. Масалан: *Хўжалик маданиятнинг, маданият хўжаликнинг яна чиройлироқ, кучлироқ гуллашига сабабчи бўлади. (О.)*

Қиёсий даража ***-роқ*** қўшимчаси воситасида ясалади. Предметларни чоғиштириш (қиёслаш) маъноси гап мазмунидан англашилиб туради. Бундай гапда сифатдан олдин чиқиш келишигидаги от ва *кўра* сўзи, жўналиш келишигидаги от ва *қараганда* сўзи ёки *яна, янада* каби кучайтирувчи равиш келиши мумкин: *Буни Саидий Салимжондан яхшироқ фаҳмлади. (А. Қ.) Ҳозир айни ҳиснинг мавжларини у ўз юрагининг қаърида яна ҳам кучлироқ туйди. (О.) Балки улар сўзга мендан кўра устароқдир. (Ҳ. Ҳ.)*

**36- §. Орттирма даража.** Бир предметдаги белгининг бошқа предметдаги худди шундай белгига нисбатан жуда кўп эканини кўрсатувчи сифатлар орттирма даража дейилади. Орттирма даража сифатдан олдин *энг, ҳаммадан* сўзларини келтириш йўли билан ҳосил қилинади; бундай вақтда белгиларни қиёслаш маъноси англашилади. ***Ҳаммадан оғир*** *нарса соғиниш бўлар экан, — деди Ҳакима. (О.)*

**43- машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатларни топиб, маъносини, қайси даражани ифодалашини айтинг.

1. Қосонсойлик Холиқбой деган бахши «Алпомиш»ни куйиб айтар экан, Фозил ота ижросидан ўзгачароқ, жўшқинроқ, югурикроқ, шошқинроқ; Хоразмдан келган Қурбон ота косонсойлик бахшидан ҳам ўткирроқ қўшиқчи чиқиб қолди. *(Миртемир.)* 2. Қирлардан эсаётган майин шабада ана шу ажойиб гулларнинг ғунчаларини ёзмоқда. *(И. Р.)* 3. Илгари ҳам кун шундай исирмиди? Ё бу йил ёз иссиқроқми?» — ўйлади йигит. *(О.)* 4. Бу уй унинг энг бахтиёр, энг озобли кунларига гувоҳ. *(С. А.)* 5. Бола азиз, одоби ундан азизроқ. *(М.)* 6. Маҳкам буни жуда чиройли қизларда ҳам кўрмаган эди. *(П. Қ.)* 7. Дарахтларнинг орқасида қизил, кўк, пушти ва зангори чизиқлар билан товланиб турган камалак кўринди. *(И. Р.)* 8. Желтков қизариб бошини яна пастроқ эгиб ўтирар эди. *(А. И. Куприн.)*



**44- машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатларни топиб, даражаларга ажратиб ёзинг.

1. Ҳамид Олимжон улар орасида энг ёши, лекин энг ҳаракатчан, ижоди ёрқи шоир эди. *(С. Абд.)* 2. Ҳ. Олимжон ўзи ҳаёт кезида нечоғли халққа таниқли, суюмли бўлса, йиллар ўтган сайин тағин суюмлироқ, тағин довруқлироқ. *(Миртемир.)* 3. Дилимда орзу баландроқ эди, лекин кўклам бир оз ноқулай келди. ...Ўғит ҳам таңқисроқ. *(О.)* 4. Оталар ўз болаларини дунёдаги болаларнинг энг зўри, энг хушбичими деб билишади. *(С. Аҳм.)* 5. Эсимда бор, бир вақтлар номсизроқ, ўртамиёна колхоз эди, шекилли. *(О.)* 6. Бу жаҳонда ундан ҳам яхшироқ, янада чиройлироқ ва ёқимлироқ на ҳайвонот, на одамзод бор. *(А. И. Куприн.)* 7. Севишган ёшлар учун бу дамлар энг бахтиёр дамлар эди. *(О.)*

## Озайтирма, кучайтирма сифатлар ва уларнинг имлоси

**37- §.** Сифатларда даражалардан ташқари, белгининг қиёс қилинишини назарда тутмайдиган махсус формалар ҳам мавжуд. Бунда сифат негизидан англашилган белгининг камлиги, ортиқлиги, кучлилиги каби маънолар ифодаланади.

**38- §. Озайтирма сифатлар** предметдаги белгининг одатдаги миқдоридан камлигини ифодалайди: *Кенг майдоннинг қорамтир тупроғи ёмғирдан кейин бўкиб ётарди. (И. Р.)*

Озайтирма сифатлар қуйидаги қўшимчалар ёрдами билан ясалади: ***-роқ:*** *катта бино — **каттароқ** бино, чиройли хат — **чиройлироқ** хат.* Бундай вақтда сифатдан олдин *бир оз, сал, пича* сўзлари келиши ҳам мумкин: ***Бир оз бўғиқроқ*** *овоз билан гапира бошлади. (Ш. Р.);* ***-ши:*** *оқши, кўкши, сарғиш, қизғиш;* ***-мтир (-имтир):*** *оқимтир, кўкимтир, сарғимтир, қорамтир* каби.

**39- §. Кучайтирма сифатлар** предмет белгисини бошқа предметдаги шундай белгига чоғиштирмай, бир предметнинг ўзигагина хос бўлган белгининг ортиқ эканлигини тасвирий равишда ифодалайди.

Кучайтирма сифатлар қуйидагича ясалади:

1. Оддий даражадаги сифат олдидан *жуда, ғоят, ниҳоятда, беҳад* сўзларини келтириш билан: *жуда катта, ғоят мазали, ниҳоятда гўзал.*

2. Оддий даражадаги сифатни такрорлаш билан: *каттадан-катта, узундан-узун.*

3. Оддий даражадаги сифатдан олдин шу сифатнинг биринчи бўғинига **п, м,** баъзан **с, б** товушларидан бирини қўшиб келтириш билан ясалади: *қип-қизил, ям-яшил, баб-баравар, бус-бутун.* Айрим вақтда оддий даражадаги сифатнинг бош қисми ҳеч ўзгаришсиз келтирилади: *бут-бутун, дум-думалоқ.*

Нутқда белгининг ҳар хиллиги, ноаниқлигини ифодалайдиган *ола-була, чала-чулпа, енгил-елпи; ғира-шира, ували-жували; калта-култа; қўпол-сўпол, япалоқ-сапалоқ; ғадир-будур, майда-чуйда, ўмбоқ-дўмбоқ* каби сифатлар (белгининг ноаниқлиги формаси); бел-

гининг мавжудлигини таъкидлайдиган *катта-катта, яхши-яхши* каби сифатлар (таъкид формаси) ҳам қўлланилади.

**45- машқ.** Гапларни ўқинг. Озайтирма ва кучайтирма сифатларни топиб, ясалиши ва маъносини айтинг.

1. Кенг Ватаннинг ҳар ёнида, Ям-яшил ёш ўрмонида, Олтин пахта майдонида — Тинчлик ҳусни бор. *(М. П.)* 2. Ҳакима юрагини тўлдирган энг қимматли, энг соғинчли сўзларини айтишга ошиқса ҳам, одамлардан ийманди, шекилли, қуюқ киприкли йирик кўзлари билан акасига хўрсина-хўрсина тикилди-да, меҳмонларни кутиш учун хизматга киришди. *(О.)* 3. Оёқ остида ёмғирдан ивиб ётган сап-сариқ барглар кўринди. 4. Ўктам қора-сарғиш сочли, сузук кўзли, оғзи ғунчадай (эски шарқ шоирлари таъриф қилганидек), бўйдор, кучли қизга бир зум тикилиб сўради: «Мираҳмад тегирмончининг қизимисиз?» *(О.)* 5. Кўчалар, уйлар — ҳамма томон ям-яшил кўкат ва япроқларга қалинроқ бургандай кўринарди. *(Ҳ. Н.)* 6. Энди хўжалик масаласи билан маданият ва сиёсий тарбияга баб-баравар эътибор бериш пайти. *(О.)* 7. Ўн етти яшар пакана, қорамтир, кичик кўз, пучуқроқ келган қизи чучварани туга-туга бижиллаб дадасидан сўради. *(О.)* 8. Руҳи жуда тетик, ўзи қувноқ. *(У.)*

**40- §. Озайтирма ва кучайтирма сифатларнинг ёзилиши.** 1. Иккинчи бўғинида **и** унлиси бўлган *қизил, сариқ* каби сифатлардан ***-имтир*** қўшимчаси ёрдамида ясалган озайтирма сифатлар қуйидагича ёзилади: *қизил + имтир → қизғимтир, сариқ + имтир → сарғимтир.*

2. *Ғоят, ниҳоятда, беҳад* каби сўзлар ёрдамида тузилган кучайтирма сифатлар алоҳида ёзилади: *ғоят улкан, ниҳоятда яхши, беҳад гўзал.*

3. Сифатнинг қуйидаги формалари чизиқча билан ёзилади: а) оддий даражадаги сифатни такрорлаш йўли билан ясалган сифатлар: *ёмондан-ёмон, баланддан-баланд;* б) оддий даражадаги сифатдан олдин шу сифатнинг биринчи бўғинига *п, м* ёки *с, б* товушларидан бирини қўшиб келтириш билан ясалган сифатлар: *сап-сариқ, ям-яшил, бус-бутун, баб-баравар;* в) оддий даражадаги сифатнинг бош қисмини ҳеч ўзгаришсиз келтириш билан ясалган сифатлар: *бут-бутун, дум-думалоқ;* г) белгининг ҳар хиллигини ифодалайдиган сифатлар: *чала-чулпа, қўпол-сўпол, ғадир-будур, майда-чуйда;* д) белгининг мавжудлигини таъкидлайдиган кучайтирма сифатлар: *улкан-улкан, катта-катта* каби.

**46- машқ.** Ўқинг, сифатларни топиб, маъносини айтинг. Озайтирма ва кучайтирма сифатларни аниқлаб, икки устун шаклида ёзинг ва имлосини тушунтиринг.

1. Ҳаммадан нарида ўтирган рангпар, сепкилли, қотма ва майда ўрилган тим-қора, узун сочлари орқасини тўлдирган, уятчан Анзират . . . яширинди. (*О.*) 2. Энди билсам, Абдулҳамиднинг тошдан ундирган гуллари оддий гуллардан кўра умрлироқ, қимматлироқ, хушбўйроқ экан. (*Комила опа Азимова.*) 3. Комила супанинг четига ўтирди, кўкимтир, юпқа шерсть пиджак чўнтагидан дастрўмолча олиб, кулимсираган қорамтир юзини, сал дўнгроқ, чиройли пешанасини артди. (*О.*) 4. Ана клуб, ҳамма вақт бўм-бўш. (*О.*) 5. Сорабиби ойдинда оқ кўйлакда, оқ дока рўмолда чексиз азиз, шафқатли, беҳад гўзал туюлди Ўктамга. (*О.*) 6. Ўз ролингни тушунибсан ғоят ҳаққоний. (*Ҳ. Ғ.*)



**47- машқ.** Қуйидаги сифатлардан озайтирма ва кучайтирма сифатлар ясанг; сифатларга мос отлар танлаб, сўз бирикмалари тузинг.

Намуна. *Сариқ: сариқроқ, сарғиш, сарғимтир, сап-сариқ, жуда сариқ. Сариқ қалам, сарғиш қоғоз, сап-сариқ жўжа* каби.

Қизил, кўк, яшил, ақлли, яхши, аччиқ, юмшоқ.

### Сифатларнинг ясалиши ва уларнинг имлоси

**41- §. Морфологик усул билан сифат ясаш.** Бу усулда сифатлар кўпинча от ва феъл негизларига, баъзан равишга махсус сифат ясовчи қўшимчалар қўшиш билан ҳосил қилинади. Ҳозирги ўзбек тилида сифат ясовчи қўшимчалар, асосан, ўзак-негиздан сўнг, баъзан ундан олдин қўшилади.

Негиздан сўнг қўшилиб, аслий сифат ясайдиган қўшимчалар қуйидагилар: *-ли* қўшимчаси от, ҳаракат номи, келаси замон сифатдоши негизидан *(ғайратли, жонли, юкли, милтиқли, ейишли, қизиқарли, тушунарли);* ***-сиз*** от негизидан *(сувсиз, ерсиз);* ***-чан*** от ва ҳаракат номи негизидан *(ишчан, уятчан; синовчан, унутувчан);* ***-чил*** от негизидан *(изчил, эпчил, дардчил);* ***-аки*** асосан от негизидан *(юзаки, қалбаки);* ***-к, -қ; -ик, -иқ; -ук, уқ; -ак*** феъл негизидан *(кемтик, илиқ, чанқоқ, етук, сузук, қуюқ, юмуқ, бўлак);* ***-қоқ, -ғоқ*** феъл негизидан *(ботқоқ, тойғоқ, тиришқоқ);* ***-чоқ, -чак, -чиқ*** феъл негизидан *(тортинчоқ, мақтанчоқ, куюнчак, сирпанчиқ);* ***-ғин, -ғун, -қин*** феъл негизидан *(қизғин, озғин; тирғун, туйғун; жўшқин);* ***-огон*** феъл негизидан *(билағон, қопағон);* ***-мон*** феъл негизидан *(билармон, устабузармон);* ***-қир, -қур, -ғир, -ғур, -кир, -гир*** феъл негизидан *(топқир, учқур; олғир, бўлмағур, ўткир, сезгир);* ***-ма*** феъл негизидан *(қайнатма, қирчиллама);* ***-ик, -ив, -(а)л, -он*** совет-интернационал сўзлар негизидан *(социалистик, педагогик, объектив, прогрессив, формал, нормал, революцион)* сифат ясайди.

Негиз олдига қўшилиб келувчи ***сер-, бе-, но-*** қўшимчалари от ва сифат негизларидан сифат ясайди: *серсув, серқуёш; беғубор, бемаҳал; бадавлат, батафсил; номаълум, ноқулай, нотўғри* каби.

**42- §. Айрим сифат ясовчи қўшимчаларнинг ёзилиши.** 1. Нисбий сифат ясовчи ***-ги, -ки, -қи*** қўшимчалари негиз охиридаги товушга қараб қўйилади: негиз охири унли ёки жарангли ундош билан тугаса, ***-ги*** *(эртаги, ёзги, бугунги),* негиз охири б ундоши ва жарангсиз ундош билан тугаса, ***-ки*** ёки ***-қи*** *(эрталабки, дастлабки, ички, тушки, сиртқи, ташқи)* қўшилади.

2. Нисбий сифат ясовчи ***-ий (-вий)*** қўшимчаси ундош билан тугаган негизга ***-ий*** шаклида *(илмий, адабий),* унли билан тугаган негизга ***-вий*** *(оммавий, мафкуравий)* формасида қўшилади. Бу қў-

шимчалар баъзи сўзларга қўшилганда, негиз охиридаги айрим товушлар тушиб қолади: *сиёсат+ий → сиёсий, модда+ий → моддий, адабиёт+ий → адабий, табиат+ий → табиий* каби.

3. Аслий сифат ясовчи **-ик, -иқ** қўшимчалари **у (ю)** унлили негизга **-ук** ёки **-уқ** шаклида қўшилади: *сузук, куюк (куй+ук), тузук, юмуқ*; **-ғун** қўшимчаси **у** унлиси бўлган негизларга қўшилади: *турғун, туйғун* каби.

**48-машқ.** Гапларни ўқинг, туб ва ясама сифатларни топинг. Ясама сифатлар қандай қўшимча ёрдамида ясалганлигини айтинг. Шу мисоллар асосида сифатларнинг ёзилишини тушунтиринг.

1. Қизғин, сокин ҳавода бирин-кетин мардона товушлар янграб кетди. (*О.*) 2. Эрталабки иш кўнгилни қилар хуш. (*Мақол.*) 3. Бугунги ишни эртага қўйма. (*Мақол.*) 4. Ҳалол иш—лаззатли емиш. (*Мақол.*) 5. Зиёфат турли лазиз таомлар, хушхўр мевалар, шарбатларга бой. (*О.*) 6. Қизнинг қора, узун сочи майда ўрилган, тақимидан пастга тушиб турарди. (*С. А.*) 7. Бефойда сўзни айтма, фойдали сўздан қайтма. (*Мақол.*) 8. Хадича хола қишлоқда илк марта паранжи ташлаган, колхозлаштириш даврида қизғин ташкилотчи, жасур, сўзамол хотин эди. (*О.*) 9. Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат. (*Мақол.*) 10. Энди тўғри танқиддан эгри хулоса чиқариш одатингизни ташланг. (*О.*) 11. Ўтиндан бошқага ярамас гоҳи Мевали дарахтнинг мевасиз шохи. (*А. Жомий.*) 12. Кекса киши бўлса нодону жоҳил, Ақлли гўдакни ундан афзал бил. (*М. Хисрав.*) 13. Собир Эрматов гимнастёркаси устидан боғлаган шоҳи қийиққа осиғлиқ серҳашам қиндан сопи гулдор, ўткир, фарғонача пичоқни суғурди, ҳидлаб-ҳидлаб қўлда томоша қилишга арзийдиган юмалоқ, майин, сарғиш ҳандалакларни кўкимтир йўллари бўйича чапдастлик билан тилимлаб, одамларга улаша кетди. (*О.*)

**43-§. Синтактик усул билан сифат ясаш.** Бу йўл билан қўшма ва жуфт сифатлар ясалади.

**Қўшма сифат** кўпинча икки сўз ёки сўз формаларини қўшиш билан ҳосил бўлиб, бир белгини ифодалайди: *раҳмдил, шифобахш, сидқидил, дардисар, ўзбилармон, қўлбола, нимжон, эртапишар, тинчликсевар*; *ҳаво ранг, хаста дил, оёқ яланг, ширин сўз, оч пушти, тўқ қизил, бир сўзли, беш қаватли* каби.

**Жуфт сифат** икки сифатнинг тенг боғланишидан ясалиб, предметнинг бир умумий белгисини ифодалаш учун хизмат қилади. Жуфт сифат қисмларининг ҳар бири мустақил урғу билан айтилади.

Жуфт сифатлар ҳар хил маъноли сифатларнинг жуфтлашишидан (*кўк-қашқа, қоратир-сариқ*), маънодош ва яқин маъноли сифатларнинг жуфтлашишидан (*очиқ-сочиқ, оч-яланғоч*) ва қарама-қарши маъноли сифатларнинг жуфтлашишидан (*паст-баланд, иссиқ-совуқ, катта-кичик*) ясалади.

**44-§. Қўшма ва жуфт сифатларнинг ёзилиши.** Бундай сифатлар қуйидагича ёзилади:



1. Икки сўз ёки сўз формаларининг қўшилиши билан ясалиб, бир урғу билан айтиладиган қўшма сифатлар қўшилиб ёзилади: *меҳмондўст, устабузармон, соҳибжамол.*

2. Маъно ва грамматик хусусиятлари айрим ҳолда аниқ англашилиб турадиган сўзларнинг бирикишидан тузилиб, бир умумий белги тушунчасини ифодалайдиган қўшма сифатлар алоҳида ёзилади: *хаста дил, буғдой ранг, чўққи соқол, узун толали, бош яланг.*

3. Икки сифатнинг боғланишидан ясалиб, предметнинг бир умумий белгисини ифодалайдиган жуфт сифатлар орасига чизиқча қўйилади: *сарғимтир-қизғиш, аччиқ-чучук, эгри-бугри* каби.

**49-машқ.** Текстни ўқинг. Сифатларни топиб, тузилишига кўра турини айтинг.

Қалин толзор орқасидаги катта-кичик супаларга жойлашган ёзлик колхоз чойхонасига даладан ўтиш биланоқ райком секретари Рустам Сайрамов, худди ҳаммомнинг иссиқхонасида узоқ ўтириб чиққан кишидай, ҳузурли бир оҳ тортди. Оёқларини супурилган тоза ерга гурс-гурс уриб, паст пошна, юмшоқ, қизғиш хром этигидан чангни қоқди; козирёги бир оз кирланган оқ шапкани дарахт бутоғига илди, соқоли тоза қирилган тўлагина юзидан ва қоп-қора, тикка йган, дағалроқ сочли юмалоқ бошидан, қизарган кучли бўйнидан терни артди; жиққа ҳўл дастрўмолни ғижимлаб шим киссасига тиқди-да, узун, кенг кители киссасидан янги дастрўмолча олиб, у билан елпиниб, супалар оралаб бир оз юрди, кейин ариқ бўйидаги супа чеккасига ўтирди. Елкаси чиқиқроқ, ҳаракатлари юмшоқ ва чаққон чойхоначи пиёлани сбдон ювиб-артиб, кўк чой қуйиб узатди. (*О.*)

**50-машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатларни топиб, турини айтинг. Қўшма ва жуфт сифатларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг, ёзилишини тушунтиринг.

1. Бектемир ака бош устидаги йўғон-йўғон кабелларни, иссиқ-совуқ сув, ҳаво қувурларини, электр, телефон симларини ушлаб қўярди... (*Ас. М.*) 2. Хадича яхши аёл: кўнгли тоза, мард, тўғри сўз. (*О.*) 3. Чавандозлар олдида араб зотли узун оёқ, узун бўйин, чиройли қора отда қора чопон, қора соқол, қора дўппили қийғир кўз бир алп келарди. (*М. Исм.*) 4. Гуланор кўп сулув; яхши суратли, ширин сўзли, қурғалай кўзли, ўрта бўйли, хушхаёл, зеҳни тез, серфаҳм қиз эди. (*«Равшан»*.) 5. Онаси ҳам саводли: шу қишлоқлик халқпарвар шоира Самарбонунинг қўлида ўқиган. (*С. Ан.*) 6. Авазхон билан Ҳасанхон ҳам шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билакли йигитлар бўлди. (*«Равшан»*.) 7. Тансиқ юзи кенг, лўппи, бодом қовоқ ва ёшига нисбатан дуркун қиз — Дилшодни мақтади. (*О.*) 8. У барваста, хушқомат, гўзал рус аёлига дадил боқарди. (*Ҳ. Ғ.*) 9. Тинчликсевар халқларга Бизнинг Ватан — байроқдор. Ер юзида мустаҳкам — Тинчлик бўлар барқарор. (*Ислом шоир.*) 10. Катта-кичик тиниқ булоқлар ҳар доим дош қозондек қайнаб турарди.

(*С. Абд.*) 11. Узун бўйли, кенг елкали, фақат салгина олдинга энгашган чол ҳали бақувват: кўзларида ўт ёнарди. (*Ш. Р.*)

**51-машқ.** Сўзларни ўқинг. Қавс ичидаги сўзларни бириктириш йўли билан қўшма ёки жуфт сифатлар ясаб, имло қоидасига мувофиқ ёзинг.

Ҳаво (ранг), журнал (боп), қирра (бурун), ўрта (бўйли), амалий (назарий), дали (ғули), қўл (бола), иш (билармон), меҳнат (севар), ним (жон), ним (пушти), оч (қизил), тўқ (сариқ), соф (кўнгил), тинч (тотув), кам (қувват), узундан (узун), эрта (пишар), дўнг (пешана), жингалак (сочли), илҳом (бахш), чўққи (соқол), бодом (қовоқ), халқ (парвар), қуралай (кўзли), кенг (елкали), хуш (бичим), тўғри (сўзли), кўнгли (тоза), илмий (оммабоп), ғадир (будур), ҳозир (жавоб), ола (була), мўмин (қобил), хуш (чақчақ).

**52-машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатларни ажратиб, қуйидаги жадвалга жойланг.

Сифатларнинг тузилишига кўра турлари

| Содда сифат | | Қўшма сифат | Жуфт сифат |
|---|---|---|---|
| туб | ясама | | |
| | | | |

1. Чамаси икки соат юриб тупроғи қизғиш, тақир қирга кўтарилгач, олисдан кўзларига ялпи, кўм-кўк дала очилди. (*О.*) 2. Ҳулкар марзадан бориб ёлғизоёқ йўлга чиққанда, орқадан от дупури эшитилди. (*П. Қ.*) 3. Механизация энди бизда бекам-кўст бўлади. (*О.*) 4. Улуғвор, поёнсиз, чексиз Ватаним, Дунёда ягона, тенгсиз Ватаним. (*У.*) 5. «Бизнинг колхозчилар ажойиб-да. Қаерга қадами тегса, у ерни бирпасда одамбоп қилади-қўяди», — ўйлади ичида Ўктам, кейин баҳорги селлар қандайдир келтирган ранг-баранг майда тошлар билан тўла сойликдан жингиртоб тепага кўтарилди. (*О.*) 6. Ширин-ширин овқатларни пиширади онамиз. (*П. М.*) 7. Шу аснода пайваста қош, шалпанг қулоқ, бармоқларида бинафша ранг сиёҳ доғлари бор, ориққина йигитча — идора секретари пайдо бўлди. (*О.*) 8. Йўллар, кўчалар ва колхозга қарашли катта-кичик ҳар турли бинолар унинг ҳавасини келтирди. Бу ерда ҳар нарса янги ва планли эди. Катта йўлдан ўнгга, сўлга тушган ўқдай адил, кенг кўчаларнинг ҳар икки томонидаги қатор янги уйларга кенг тротуар бўйлаб юксалган тераклар оромбахш соя ташларди. (*О.*) 9. У ўрта бўйли, кенг яғринли, қуюқ жингалак сочли, қўллари бақувват, ўттиз беш-қирқ ёш орасидаги бир киши эди. (*О.*) 10. Муҳиддин тонги урса толқон қиладиган жуссадор, кенг елка, забардаст йигит.

**53-машқ.** Бошланғич синфлар программаси ва «Ўзбек тили» дарсликлари асосида II—III синф ўқувчилари сифат юзасидан қандай маълумотлар билан таништирилиши ва қайси имло қоидани ўрганишлари лозимлигини аниқланг.



**54-машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатни разбор қилиш тартиби ва намунага қараб, сифатларни тўлиқ морфологик таҳлил қилинг.

Сифатни разбор қилиш тартиби

1. Маънога кўра тури: аслий, нисбий.
2. Даражаси: оддий, қиёсий, орттирма.
3. Формаси: озайтирма, кучайтирма.
4. Тузилишига кўра тури: содда (туб ё ясама), қўшма, жуфт.
5. Гапдаги вазифаси.

Намуна. *Икки қаватли* — сифат, аслий, оддий даража, қўшма; гапда — аниқловчи; *оппоқ* — сифат, аслий, кучайтирма сифат, содда (ясама); гапда — аниқловчи.

1. Майдоннинг тўрини икки қаватли, деразалари кенг ва эшик олди оппоқ чироқли колонналар билан безанган клуб бинсси эгаллаган экан. 2. Бино олдидаги каттакон гулзор ўртасида Ленин юксалган эди. 3. Окопларда, землянкаларда, қорда, бўронда Ўктамни фидокорликка илҳомлантирган, даҳшатли атакаларда унинг руҳига ишонч ва темир ирода бағишлаган — халқнинг доно йўлбошчиси, меҳрибон дўсти ва ҳаёт боғбони Партиядир. (*О.*) 4. Най садосининг майин тўлқинлари тип-тиниқ ҳавода ёйиларкан, гўё ҳамма ёқ жонланган каби туюлди. (*О.*) 5. Сен ҳамма вақт янги-янги нарсаларни топиб гапирасан. (*М. Г.*) 6. Қишлоқ каттакон бўлгани учун бу иш ҳам ёмон бўлмади. (*А. Қ.*) 7. Шу вақт новча, барваста бир киши ўрнидан туриб, эшик томонга юрди. (*Ҳ. Ғ.*) 8. Қудаш кўчалари тор ва эгри-бугри, бironта дўкон бўлмаса ҳам, кўзимга Яйпандан яхшироқ кўринди. (*А. Қ.*) 9. Аллақандай битмас-туганмас куч уни тоғларга, ён бағирлардан пастликларга, тошли қирғоқ, тик сўқмоқлар бўйлаб баланд-паст жойларга ҳайдарди. (*Ч. Айт.*)

сон

**45-§. Сонларнинг маъноси ва грамматик белгилари.** Бир хилдаги предметнинг миқдорини, саноғини ёки жойлашиш тартибини ифодалайдиган мустақил сўзлар сон дейилади.

Сон, одатда, отга боғланиб, от ифодалаган предметнинг миқдорий белгисини кўрсатади: ***ўнта*** (*ўқувчи*), ***иккита*** (*дафтар*). Сон отга боғланмаган ҳолда ҳам ишлатилиши мумкин. Бундай пайтда сон мавҳум, абстракт миқдорини ифодалайди. Арифметик амалларда миқдор конкрет предметга боғлаб ифодаланмайди. Масалан, *йигирмага бешни қўшсак, йигирма беш бўлади.*

Ҳозирги ўзбек тилида актив ишлатиладиган туб сонлар йигирма иккита: *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард.* Қолган сонлар эса шуларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Сонлар ҳарф билан ҳам, рақам билан ҳам ёзилади. Математик ҳисоб учун, вақт ҳисоби учун кўпроқ рақам ишлатилади. Ёзувда икки хил рақамдан фойдаланилади:

1. Араб рақамидан ҳисоблашда, число, йил кўрсатишда фойдаланилади: *14 : 2 = 7, 1976 йил, 11 январь.*

2. Рим рақамидан аср, ой кўрсатишда, съезд, пленум, конференцияларнинг санасини белгилашда фойдаланилади: *XX аср, I/IX, XXIV съезд, XIV пленум.*

Эски ўзбек тилида *туман (ўн минг), лак (юз минг)* сонлари ҳам бўлиб, булар ҳозир фольклордагина учрайди.

Соннинг асосий морфологик белгиси турланмаслигидир: сон от олдида келиб, унинг миқдорини, саноғини аниқлаш учун ишлатилади: *беш бола, уч кун, юз грамм.*

Сон мустақил ишлатилганда, от каби келишик қўшимчаларини олиши, кесим вазифасида келганда эса, феъл каби тусловчи қўшимча билан қўлланиши мумкин: *Юзга бешни қўш. Сизлар ўнтасиз-ку!*

Сон ясовчи қўшимча йўқ. Демак, бошқа сўз туркумидан сон ясалмайди.

Ясовчи ***-нчи, -ов, -ала, -та, -тача*** каби қўшимчалар сонларга қўшилиб, унинг маълум шаклларини ҳосил қилади: *иккинчи, учала, бешов, бешта, ўнтача.*

Баъзан сон билан от орасида махсус саноқ сўзлар ишлатилади: *беш **метр** сатин, уч **тонна** буғдой* каби.

Сон гапда от олдида келганда, сифатловчи (*Зайнабнинг бригадасида **ўттиз уч** киши ишлайди.*) (*Ҳ. О.*), феъл олдида келганда, ҳол (*Илмсиз **бир** яшар, илмли **минг** яшар.*), от ва феълга тобе бўлмаганда, эга (***Беш**—ўннинг ярми*), кесим (*Икки марта икки—**тўрт.***), тўлдирувчи (***Саккизни тўртга** бўлсак, икки бўлади.*), қаратқич (***Ўннинг** ярми—беш.*) вазифаларини бажаради.

**55-машқ.** Гапларни ўқинг. Сонларни топиб, ифодаланиши ва гапдаги вазифасини айтинг.

1. Иккиси гуриллаб ёнган олов ёнига бориб чўнқайдилар. (*А. Қод.*) 2. Сафаров соат бешларда Рўзимат билан Қамбарали акага жавоб бериб, селсоветга қайтиб келди. (*А. Қ.*) 3. Комилани етти-саккиз ёшида тошкентлик тоғаси олиб кетди. (*О.*) 4. «Ваъданг қанча центнер?» — «Қирқ-қирқ беш берсам деган ниятим бор». (*О.*) 5. Менинг икки онам бор: бири туққан онамдир, Иккинчиси — ҳур Ватан. (*У.*) 6. Икки бека меҳмондўстлик билан парвона: бири чой қуйиб узатса, бири нон ушатиб дастурхонга таклиф этади. (*О.*) 7. Даланинг нариги ёғида баландлиги юз метрча келадиган девордай тик қоятош бор эди. (*П. Қ.*) 8. Иккимиз бир-биримиз билан яхши ўртоқ бўлиб қолдик. (*Ҳ. О.*)

### Соннинг маъно жиҳатидан турлари

Сонлар маъно хусусияти ва грамматик белгилари жиҳатидан, аввало, иккига бўлинади: 1. Саноқ сонлар. 2. Тартиб сонлар.



**46-§. Саноқ сон** предметнинг (ёки иш-ҳаракатнинг) сонини, миқдорини англатади: *беш бола, уч китоб, икки борди* каби.

Саноқ сонлар беш турга бўлинади: 1. Миқдор сон. 2. Дона сон. 3. Чама сон. 4. Жамловчи сон. 5. Тақсим сон.

**Миқдор сон** бир турдаги предметларнинг умумий миқдорини англатади: ***ўн беш*** (*йил*), ***уч*** (*киши*), ***беш миллион*** *тонна* (*пахта*), ***уч*** *қоп* (*ун*).

**Дона сон** бир хил предметларнинг яккалаб, доналаб саналадиган умумий миқдорини англатади. У миқдор сонга ***-та*** қўшимчасини қўшиш билан ясалади: ***еттита*** (*китоб*), ***ўн бешта*** (*киши*).

Дона сон доналикни ифодалайдиган *дона, нафар, бош, бет, нусха, туп, тонна, пуд* каби сўзларни келтириш йўли билан ҳам ҳосил бўлади: ***минг бош*** *қўй*, ***юз туп*** *гилос*, ***эллик беш*** *бет китоб* каби.

**Чама сон** предметнинг тахминий миқдорини англатади. Чама сон миқдор сонга қуйидаги қўшимчаларни қўшиш йўли билан ясалади: 1) сон негизига ***-тача:*** *бештача, юзтача, ўн бештача*; 2) ***-ларча:*** *юзларча, мингларча*; 3) ***-лаб:*** *юзлаб, беш юзлаб.* Бундан ташқари, чама сон икки сонни жуфтлаш йўли билан ҳам ясалади: *беш-ўн, бир-иккита* каби.

**Жамловчи сон** предметнинг доналаб саналишидан туғилган сонни, миқдорни бир группага бирлаштириш, жамлаш орқали англатади. Жамловчи сон миқдор сонга қуйидаги қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил қилинади: 1) ***-ов:*** *учов, бешов, икков*; 2) ***-ала:*** *учала, тўртала, иккала;* 3) ***-овлон:*** *учовлон, бешовлон, еттовлон* каби. Жамловчи сон ясовчи ***-ов, -ала, -овлон*** қўшимчалари, ассосан, бирдан еттигача бўлган сонларга қўшилади.

**Тақсим сон** предметларнинг тақсимланиш ёки группаланиш миқдорини англатади. Тақсим сон қуйидагича ясалади: 1) сон негизига ***-тадан*** қўшимчасини қўшиш билан: *иккитадан, ўнтадан, йигирма бештадан*; 2) дона сонларнинг такрорланиши билан: *иккита-иккита, ўнта-ўнта*; бунда кейинги сонга ***-дан*** қўшимчаси қўшилиши ҳам мумкин: *бешта-бештадан*; 3) миқдор сонларнинг такрорланиши билан: *уч-уч, беш-беш* каби.

**47-§. Тартиб сон** бир хилдаги предметларнинг санаш вақтидаги тартибини, иш-ҳаракатнинг бажарилиш тартибини англатади. Тартиб сон миқдор сонга ***-нчи*** (***-инчи***) қўшимчасини қўшиш билан ясалади: *иккинчи курс, бешинчи парта, йигирманчи аср.*

Тартиб сонлар баъзан предметнинг сифатини, қандайлигини англатади: *биринчи нав, тўртинчи разряд* каби.

**48-§.** Сонлар бутун сон ва каср сон шаклида ҳам қўлланади.

**Бутун сон** миқдорни, саноқни предметнинг бутунлигини сақлаган ҳолда ифодалайди: *5, 10, 16, 21, 105, 1204.*

**Каср сон** бутуннинг қисмини ифодалайди: *ярим, чорак, тўрттдан бир, бешдан уч.*

Каср сон икки хил кўринишда бўлади: 1. Икки соннинг чиқиш

келишик формаси орқали бирикишидан тузилади: *учдан бир, еттидан икки.* 2. Ўз ҳолича каср ифодалайдиган сўз бўлади: *ярим, чорак, нимчорак.*

Бутун сон билан каср соннинг аралаш қўлланиш ҳолати к а с р л и с о н дейилади: *уч ярим, бир бутун учдан икки* каби.

**56-машқ.** Гапларни ўқинг. Сонларни топиб, маъно жиҳатидан турини айтинг. Тартиб сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Сал кам бир ой деганда бош тўғоннинг ўнг қирғоғига тош ётқизиб чиқдилар. (*Ж. Шарипов*) 2. Жарнинг ҳар иккала ёнбошини қип-қизил лолалар гиламдек қоплаган. (*Ҳ. Ғ.*) 3. Яна уч-тўрт километр йўл юрилгач, саккизинчи бригада дала шийпонида нонушта қилинди. (*А. Қ.*) 4. Учовлари ҳам бир нарсанинг хаёлини сургандек кўринар эдилар. (*А. Қод.*) 5. Қайтиб келсам, тўртта каптарим Ўн олтита бўлиб қолибди. (*У. Н.*) 6. Қаймоқ ҳам бешта косанинг юзидан олинганми, ярмидан ўтолмадим. (*У. Н.*) 7. Бир қўли билан чўкичи, иккинчи қўли билан омбурни ушлаб турди. (*Ж. Шарипов.*) 8. Икки дўст ярим тунга қадар суҳбатлашиб ўтиришди. (*Ё. Ш.*) 9. Уч кундан кейин аямни кўргани кўплашиб келдик. (*А. Қ.*) 10. Соат еттиларда Умида Саиданинг эшигини қоқиб, раис йўқлаётганини айтди. (*А. Қ.*)

**57-машқ.** Ўқинг. Сонларни топиб, турини аниқланг. Саноқ сонларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириб, турини устига ёзинг.

1. Улар ярим соатча жим боришди. (*Ҳ. Ғ.*) 2. Биринчи қор битирувчиларнинг йўлига поёндоз бўлди. (*Ш.*) 3. Бектемир пачоқланган, куйган юзларча машиналарни кўрди. (*О.*) 4. Юз йиллаб чўл бўлиб ётган ерларни колхозчилар уйғотди. (*Ҳ. О.*) 5. Ҳар бир колхознинг тўрттадан, ҳеч бўлмаса учтадан фермаси бўлсин. (*И. Р.*) 6. Тошкент минг-минглаб кишиларни ўз қучоғига олган эди. (*Ҳ. О.*) 7. Ўктам уйига хат ёзганда, ўнларча колхозчиларга айрим-айрим салом юборар эди. (*О.*) 8. Қирғиз Ўроз белбоғига маҳкам қилиб тугилган битта сўлкавойни чиқариб, секингина ташлади. (*О.*)

**58-машқ.** Қуйидаги сонлардан саноқ соннинг турларини ясанг ва ёзинг.

Беш, етти, ўн бир, йигирма беш, ўттиз уч, қирқ, эллик беш, олтмиш икки, етмиш олти, юз.

## Соннинг тузилиш жиҳатидан турлари ва уларнинг имлоси

**49-§.** Сонлар тузилиш жиҳатидан уч турга бўлинади: 1. С о д д а сон. 2. С о с т а в л и сон. 3. Ж у ф т сон.

**Содда сон** бир ўзак-негиздангина иборат бўлади: *бир, ўн, ўттиз, юз, ярим, миллион.*

**Составли сон** бир миқдор тушунчасини англатадиган икки ва ундан ортиқ сонларнинг боғланишидан тузилади: *ўн бир, йигирма беш, бир юз ўн икки, бир ярим, бир кам ўттиз, уч кам тўқсон.*



**Жуфт сон** икки соннинг кетма-кет жуфт ҳолда қўлланишидан ёки бир соннинг такрорланишидан тузилади: *икки-уч, беш-олти, саккиз-тўққиз* (бирликлар кетма-кет келган), *беш-ўн, ўн-ўн беш, ўн беш-йигирма* (бешликлар кетма-кет келган), *ўттиз-қирқ, етмиш-саксон* (ўнликлар кетма-кет келган), *икки юз-уч юз* (юзликлар кетма-кет келган), *беш-беш, ўн-ўн* (бир сон такрорланган) каби.

**50-§. Сонларнинг ёзилиши.** 1. *Икки, олти, етти* сонларидан ***-ов, -ала, -овлон*** қўшимчалари билан жамловчи сон ясалганда, негиз охиридаги *и* унлиси тушиб қолади ва *икков, иккала, икковлон, олтов, еттовлон* шаклида ёзилади.

2. Араб рақами билан ифодаланган тартиб сонлардан кейин ***-нчи*** (***-инчи***) қўшимчаси ўрнига чизиқча (дефис) қўйилади: *3-курс, 15-мактаб, 107-уй* каби.

Э с л а т м а. Ой номлари ва йил сўзидан олдин келган араб рақамларидан сўнг чизиқча қўйилмайди: *15 январь, 5 декабрь, 1976 йил.*

3. Рим рақами билан ифодаланган тартиб сонлардан сўнг чизиқча қўйилмайди: *XX аср* (йигирманчи аср), *XXXI том* (ўттиз биринчи том), *XIV пленум* (ўн тўртинчи пленум).

4. Составли сонлар ажратиб ёзилади: *ўн беш, бир юз эллик бир.*

5. Жуфт сонлар орасига чизиқча қўйилади: *беш-ўн, йигирма-ўттиз, бир юз-икки юз* каби.

**59-машқ.** Гапларни ўқинг. Сонларни топиб, маъноси ва тузилиши жиҳатидан турларини айтинг.

1. Иккови ҳам шу ерга бекинишди. (*С. Ан.*) 2. Юрак шод, гўё икки қуш кўкка парвоз қилиш олдида қанот ёзгандек. (*Ҳ. Нуъмон.*) 3. Қаналнинг очилиш маросими байрам куни соат тўртга белгиланган эди. (*А. Қ.*) 4. Аҳмаджон Бўтабой билан бир казармада бўлса ҳам, беш кунгача кўриша олмади. (*А. Қ.*) 5. Иккала ёшнинг ҳаётини бахт билан тўлдирган чин севги уларга куч, ишонч ва жасорат бағишлайди. (*Ш. Р.*) 6. Сой бетон тўғон билан тўсилиб, сув икки дарвозадан гувиллаб қуйилмоқда эди. (*С. Аҳм.*) 7. Мен 1941 йилнинг 21 июнида Ҳамидни Ригада кутиб олганим эсимда. (*Л. Пеньковский.*)

**60-машқ.** Рақам билан ифодаланган сонларни сўз билан ёзинг ва тузилишига кўра турини айтинг.

2, 7, 8, 9, 14, 21, 35, 43, 60, 90, 157, 879, $2\frac{1}{2}$, $7\frac{2}{3}$, $9\frac{3}{4}$, 0,5, 1,5.

**61-машқ.** Сўз бирикмаларида рақам билан ифодаланган тартиб сонларни сўз билан ёзинг, тагига чизинг ва имлосини тушунтиринг. Тартиб сонлар иштирокида тўртта гап тузинг.

Н а м у н а. *115-мактаб — **бир юз ўн бешинчи** мактаб, III синф — **учинчи** синф.*

5 май, 1975 йил, XX аср, XXIV съезд, XV пленум, 7-бригада, 7 январь, II курс, 1-звено, 5-уй, 44-квартира, 4-қават.

**62-машқ.** Сўз бирикмасидаги тартиб сонларни рақам билан ёзинг ва ёзилишини тушунтиринг.

Ўнинчи бригада, учинчи звено, биринчи курс, еттинчи парта, ўн бешинчи хона, ўн тўққизинчи аср, тўққизинчи февраль, бир минг тўққиз юз етмиш еттинчи йил, тўққизинчи квартал, йигирма тўртинчи уй, учинчи қават, ўн бешинчи квартира, ўн тўртинчи пленум, эллик бешинчи том.

**63-машқ.** Гапларни ўқинг. Сонларни топиб, жадвалга ёзинг.

Сонларнинг тузилиш жиҳатидан турлари

| Содда сон | Составли сон | Жуфт сон |
|---|---|---|
| | | |

1. Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади. (*Мақол.*) 2. СССР да ёши юздан ортган ўттиз минг киши бор. (*Ас. М.*) 3. Учтўрт метр нарида Погодин қумга кўмилиб ётарди. (*Ш. Р.*) 4. Иккови ҳам бир-бирига жуда ўхшаш. (*П. Қ.*) 5. Дунёда тўртта яхши одам бўлса, бири—шу ойим. (*Ҳ. Ғ.*) 6. Тепаликдаги чинор, икки туп сада қайрағоч тўрт-беш кишилик талай супаларга соя солиб турарди. (*А. Қ.*) 7. Мен шоир Ҳ. Олимжон билан 1927 йилнинг кузида ... танишдим. Бир-икки кундан кейин Муҳаррам деган ўртоғим билан ҳасратлашиб турган эдим, Ҳ. Олимжон келиб қолди. (*М. Алавия*) 8. Халқимиз икки юз етмиш километрлик Катта Фарғона каналини қирқ беш кундек қисқа муддат ичида қазиб битказди. (*Ғ. Ғ.*) 9. Биз шоирнинг фақат битта драмасини саҳналаштирдик. (*С. Эшонтўраева.*) 10. У бор-йўғи сал кам ўттиз беш йил яшади ва шундан йигирма йили давомида муттасил ишлади ва ёзди. (*Ҳ. Ғ.*) 11. Ҳ. Олимжон ўттизинчи йилларнинг ўрталарида олимларимизнинг диққат-эътиборини тортган ўзининг талайгина илмий мақолаларини ҳам ёзди. (*Ж. Шарипов.*) 12. Биз, бир гуруҳ болалар, 1924 йил кузида Самарқандга ўқишга бордик. (*Ш. С.*)

**64-машқ.** Бошланғич синфлар программаси ва «Ўзбек тили» дарслиги асосида 3-синф ўқувчилари «Сон» юзасидан қандай маълумотларни ўрганиши, қайси имло қоидалари билан таништирилиши кераклигини айтиб беринг.

**65-машқ.** Гапларни ўқинг. Сонларни топиб қуйидаги тартибда тўлиқ морфологик разбор қилинг.

Сонни разбор қилиш тартиби

1. Маъносига кўра тури: саноқ сон (унинг турлари), тартиб сон.
2. Қўлланишига кўра тури: бутун сон, каср сон.
3. Тузилишига кўра тури: содда сон, составли сон, жуфт сон.
4. Гапдаги вазифаси.



Намуна. *Иккала* — сон, саноқ сон, жамловчи сон; бутун сон, гапда—аниқловчи.

1. Бирни кессанг, ўнни эк. (*Мақол.*) 2. Нурининг қайнонаси иккита бўлиб, бири — ўзиники, иккинчиси ўгай эди. (*О.*) 3. Сўзимиз, ваъдамиз, аҳдимиз битта, Дўстликда яратган бахтимиз битта. 4. Икковимиз сойликдан пастга қараб ёнма-ён кетдик. (*О. Ё.*) 5. Уч группа аскарни атрофга разведкага юборди. (*Ё. Ш.*) 6. Иккисининг ҳам қалби гурс-гурс урарди. (*Ш.*) 7. Бундан кейин иккови ҳам жим кета берди. (*А. Қ.*) 8. Мабодо қизаришга тўғри келса, иккимиз баравар қизарамизда, шундай эмасми? (*О.*)

ОЛМОШ

**51-§. Олмошларнинг маъноси ва грамматик белгилари.** Предмет ёки унинг бирор белгисини билдирмай, предмет ёки белги тушунчасининг мавжудлигини кўрсатадиган мустақил сўзлар олмош дейилади. Олмошлар нутқда от, сифат, сон ўрнида келади.

От ўрнида келган олмошлар отлар каби келишиклар билан турланади, гапда эга, кесим, тўлдирувчи ва қаратқич аниқловчи вазифасини бажаради: *Лекин **сиз менга** айтинг: юқори ҳосил учун курашни **нимадан** ва қандай бошламоқчисиз? (О.) Қолган ерни **мен ўзим** суғориб қўяман. (О.) Гувоҳ бўлинг, ўртоқлар, **шу—менинг** ўғлим бўлади. (Ғ. Ғ.)*

Сифат ўрнида келган олмошлар ўзгармайди, гапда сифатловчи вазифасини бажаради. Бундай олмошлар отлашганда, отлар каби эгалик, келишик, кўплик қўшимчалари билан қўлланади: ***Ҳамма** болалар қайтади, тайёргарлик кўраверинг. (О.) **Ҳаммамизнинг** ишимиз — бир. (Ө.) **Ҳаммамиз** план учун курашяпмиз. (О.)*

Сон ўрнида келган олмошлар сонлар каби қўлланади: ***Бир неча** жойда уюм-уюм буғдой олтинланар эди. (О.)*

**66-машқ.** Текстни ўқинг. Олмошларни топиб, қайси сўз туркуми ўрнида қўлланганлигини ҳамда гапдаги вазифасини айтинг.

Эҳе, қанча-қанча воқеалар бошимиздан ўтди! Сенлар ёлғиз бир учинигина биласанлар. Мана шу сен айтган кундан бошлаб, қишлоқ бойлари менга ашаддий душман бўлиб қолишди. Иложи бўлса, мени от думига боғлаб пойга қилсалар! Ахир улар менинг, яна бир қанча активларнинг боши учун минг-минглаб пул, бутун-бутун артимоқларни тикишган. Лекин биз сира қўрқмасдан, сира бўшашмасдан, курашни кучайтиравердик. (*О.*)

**67-машқ.** Шеърни кўчириб ёзинг. Ундаги олмошларни кўрсатинг ва гапда қандай вазифада келганлигини айтинг.

ПАРТИЯ ҲАҚИДА

Севикли партия, шоним-шуҳратим,
Сен борсан: яшайди бу азиз диёр.
Сен менинг йўлбошчим, қалбим, қудратим,
Сен борсан: ҳамма тинч, ҳамма бахтиёр.

Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик ўзингдан олиб тарбия.
Ўзинг имонимиз, ўзингсан устоз.
Ўзинг бор: халқ шоду, юрт дориломон.
Йўл очдинг фазога: биз қилдик парвоз,
Советлар юртига қойилдир жаҳон.
Коммунистик партия — шонли партия,
Улғайдик ўзингдан олиб тарбия. (*А. П.*)

## Олмошларнинг турлари

**52-§.** Олмошлар маъно ва грамматик белгилари жиҳатидан етти турга бўлинади:

1. Кишилик олмошлари: *мен, биз; сен, сиз; у, улар.*
2. Кўрсатиш олмоши: *бу, шу, у, ўша, ушбу, ана у, мана шу, ана ўша.*
3. Сўроқ олмошлари: *ким, нима, қандай, қанақа, неча, қанча.*
4. Белгилаш олмошлари: *ҳамма, барча, бари; баъзи, ҳар ким, ҳар қайси.*
5. Ўзлик олмоши: *ўз.*
6. Бўлишсизлик олмошлари: *ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳеч бир.*
7. Гумон олмошлари: *кимдир, аллаким, бир нарса, баъзи биров* каби.

**53-§.** Кишилик олмошлари нутқ жараёнида иштирок этувчи шахсларни ва нутқда эслатиб ўтилган шахс ёки предметларни кўрсатади. Кишилик олмошлари нутқдаги сўзловчи, тингловчи, ўзга шахсларни билдирадиган беш сўздан иборат: *мен, биз; сен, сиз; у.* Бу олмошлар бирлик ва кўплик сонни, уч шахсни (I, II, III шахсларни) ифодалайди. I, II шахсда бирлик ва кўплик айрим-айрим сўзлар билан ифодаланади, III шахснинг кўплиги эса, *у* олмошига-***лар*** қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади: *у+лар.*

Кўпликни кўрсатувчи *биз, сиз,* баъзан *улар* олмошлари бирлик маъносида ҳам қўлланиб, камтарлик ёки бир оз мағрурлик, ҳурмат маъноларини англатади.

Кўпликни таъкидлаб кўрсатиш учун *биз* ва *сиз* олмошларига ***-лар*** қўшилади: *Хўш, қани* ***сизлар*** *нима дейсизлар? (Ш.Р.)* Олмошнинг қандай маънода ишлатилгани гапдан, нутқдан англашилиб туради.

Кишилик олмошларининг I, II шахслари инсонга нисбатан ишлатилади, III шахси эса ҳар қандай предметга нисбатан ишлатилаверади.

Кишилик олмошлари келишиклар билан турланади (*менинг, мени, менга, менда, мендан* каби) ва шахс-сон қўшимчалари билан қўлланади: ***мен*****ман**, ***сен*****сан**, *у* ***(дир)***; ***биз*****миз**, ***сиз*****сиз**, *улар* ***(дир)***.

Кишилик олмошларига эгалик қўшимчалари қўшилмайди.



**54-§. Кўрсатиш олмошлари** предметни вақт ва ўрнига нисбатан кўрсатиш, ажратиш учун ишлатилади.

Кўрсатиш олмошлари, сўзловчи билан предмет орасидаги вақт ва масофа муносабатига кўра, бир-биридан фарқланади. Масалан, *бу* олмоши сўзловчининг кўз олдида бўлган, сўзловчига энг яқин турган, нутқ сўзланиб турган пайтда тилга олинган предметни кўрсатади: *Халқимни севаман,* ***бу*** *севги менга Жондан азиз десам, хато қилмасдим. (У.)*

*Шу* олмоши сўзловчининг кўз олдида бўлган ёки яқин вақт ичида сўзлаб ўтилган предметни яна эслатиш учун ишлатилади: ***Шу*** *бу йил тўққизинчи числода мана* ***шу*** *Асрорқулдан Хайдар отага хат келди. (А. Қ.)*

*У* олмоши орқали кўз олдида бўлмаган предметга ишора қилинади: ***У*** *киши биринчи бўлиб колхоз тузган жуда дов юрак одам. (С. Ан.)*

*Ўша* олмоши илгари сўзлаб ўтилган маълум бир предметни эслаш орқали кўрсатади: *Қани энди рассом бўлсам-у,* ***ўша*** *мусаффо гўзал тонгни... суратга олсам! (Ч. Айт.)*

Кўрсатиш олмошлари гапда кўпинча сифатловчи вазифасида келади. Агар от вазифасида келса, отлар каби сон, эгалик, келишик қўшимчаларини олади: *булар, буларнинг, буларни, бунинг, шунда, шуларингиз.*

Кўрсатиш олмошларига III шахс эгалик қўшимчаси икки марта қўшилади: *бун + и + си, шун + и + си, ўшан + и + си* каби.

**55-§. Сўроқ олмошлари** предмет, белги, миқдор (сон) ҳақида сўроқ англатади ёки номаълум шахсни кўрсатади. Сўроқ олмошларидан *ким, нима* предмет ҳақида; *қандай, қанақа,* баъзан *нима* белги ҳақида; *неча, қанча* миқдор ҳақидаги сўроқни англатади.

Сўроқ олмошларининг грамматик хусусиятлари маъно хусусиятларидан келиб чиқади: предмет ҳақида сўроқ англатувчи сўроқ олмошлари кўплик, эгалик, келишик қўшимчалари билан қўлланади (*кимлар, кимнинг, кимни; нималар, нимаси, нимага* каби); белги ҳақида сўроқ англатувчи сўроқ олмоши ҳеч қандай қўшимча олмайди, гапда сифатловчи вазифасида келади (*қандай иш, қанақа киши*); миқдор ҳақида сўроқ билдирадиган сўроқ олмошлари эса сонларнинг ҳар хил турларини ясовчи қўшимчаларни олади (*неча—нечанчи, нечта, нечтача, нечов*).

**56-§. Белгилаш олмошлари** предмет ёки унинг бирон белгисини жамлаш ёки ажратиш орқали умумлаштириб кўрсатади.

Белгилаш олмошларидан *ҳамма, барча, бари* предмет ёки белгини бир бутун сифатида жамлаб, тўдалаб белгилайди.

*Баъзи* белгилаш олмоши эса тўданинг, жамликнинг қисмини кўрсатади.

*Ҳар* сўзини сўроқ олмоши ёки *бир* сўзи билан, баъзан *нарса* сўзи билан бириктириш орқали ясалган *ҳар ким, ҳар қандай, ҳар бир, ҳар нарса* каби белгилаш олмошлари умуман якка орқали, яккага ажратиб белгилайди.

Белгилаш олмошлари от олдида келиб, сифатловчи вазифасини бажаради. Отлашганда эса кўплик, эгалик, келишик қўшимчалари билан қўлланади: *ҳаммасини, ҳаммалари, барчангизга, баъзилар, ҳар биримиз, ҳар нарсангизни* каби.

Эслатма. 1. *Бутун, бари* белгилаш олмошларига кўплик қўшимчаси қўшилмайди. 2. *Ҳамма, барча, бари; баъзи* олмошларига, шунингдек, *ҳар* сўзи билан ясалган белгилаш олмошларига, эгалик қўшимчасининг I шахс бирлиги қўшилмайди. 3. *Баъзи* олмоши, *ҳар* сўзи иштирокида ясалган белгилаш олмошларига келишик қўшимчаси эгалик қўшимчасидан сўнг қўшилади: *баъзимизнинг, баъзисини; ҳар қайсингиздан* каби.

**57-§. Ўзлик олмоши** аниқ, муайян яккаликни ажратиб белгилайди: *мен* ***ўзим***, ***ўз*** *китобим, сен* ***ўзинг***, *Раъно* ***ўзи***.

Ўзлик олмоши кўпинча эгалик қўшимчалари билан ишлатилади; кўплик, келишик қўшимчалари қўшилганда, эгалик қўшимчасининг бўлиши шарт: *ўзлари, ўзларимиз; ўзингнинг, ўзингга, ўзимда* каби.

**58-§. Бўлишсизлик олмошлари** мутлақо мавжуд эмаслик маъноси орқали ифодаланган предмет, белги ёки миқдорни умумлаштириб кўрсатади. Бўлишсизлик олмошлари *ҳеч* сўзидан кейин сўроқ олмоши ёки *нарса, бир* сўзини келтириш билан ясалади: *ҳеч ким, ҳеч қанақа, ҳеч қайси, ҳеч нарса, ҳеч бир* каби.

**59-§. Гумон олмошлари** мавжуд, аммо номаълум бўлган предмет, белгини англатади. Гумон олмошининг маъноси текстда ҳам очилмай қолади.

Гумон олмошлари, асосан, сўроқ олмошларига-***дир*** қўшимчасини қўшиш билан (*кимдир, нимадир, қайсидир*); сўроқ олмошлари олдига *алла* сўзини қўшиш билан (*алланима, аллақайси, аллақанақа*); сўроқ олмошлари ёки *нарса* сўзидан олдин *бир* сўзини келтириш билан (*бир неча, бир қанча, бир нарса*) ясалади.

Эслатма. 1. *Баъзи, биров* сўзлари ўзаро бирикканда ҳам (*баъзи, биров, баъзи бировлар*), *бир* сўзи *қайси, баъзи* сўзларидан сўнг келганда ҳам (*қайси бир, баъзи бир*), гумон англашилади. 2. Аслида *бир* сўзига ***-ов, -он, -ор*** қўшилиши билан ясалган *биров* (*кимдир*), *бирон* (*қандайдир*), *бирор* сўзлари ҳам гумон олмошларига киради. 3. Айрим ҳолда *бир* сўзи ҳам гумон маъносини билдиради.

Олмош ясовчи махсус қўшимчалар йўқ. (***-дир***, ***-ов*** бундан мустасноди.)

**68-машқ.** Текстни ўқинг. Олмошларни топиб, турини айтинг.

Икки оғиз илиқ сўзинг уларга бир йил дармон бўлади. Ўзим ҳам аскар болаларни кўрмоқ учун узоқ-яқин жойларга борганман. Бу йил илк баҳорда уч қишлоқни ошиб, бир йигитни кўргани бордим — зораки ўғилларимнинг тўпидан бўлса деб . . . Полвонлардай йигит экан, кўкси тўла нуқул орденки, бир-биридан чиройли. Ундан-бундан анча гаплашдик. Йигит эшиккача кузатиб, қўл қовуштириб қолди: «Ҳеч қайғурманг, холажон, яқинда ҳамма болалар, қайтади, тайёрлик кўраверинг», — деди. Хурсанд бўлиб, ёлғиз ўзим келяпман. *(О.)*



**69-машқ.** Гапларни кўчиринг. Олмошларни топиб, тагига чизинг ва турини устига ёзинг.

1. Ҳамма ухлар ва фақат тунни Менинг ўзим қарши олурман. *(Ҳ. О.)* 2. Маслаҳат қилдик ва ҳаммамиз бир фикрга келдик. *(Ш. Р.)* 3. Баҳорнинг орқасидан эргашиб борарди, нима деса, шуни қиларди. *(Ш. Р.)* 4. Улар келишса, биз борамиз-ку, ахир. *(О.)* 5. У гоҳ у, гоҳ бу ёнбошига ўгирилиб ётар, юмшоқ ёстиқ тошдан қаттиқ туюлар, ўйи тугамас, уйқу тутқич бермас эди. *(Ҳ. О.)* 6. Мабодо қизаришга тўғри келса, иккимиз баравар қизарамиз-да, шундай эмасми? Ё сен бирон ўзга юмушни ҳавас қиласанми? *(О.)* 7. Сен бўлмасанг, мен дунёни нетарман, Тирик йўқман, ўлганлардан баттарман. *(«Равшан».)* 8. Қоратойим қандай бўлса, сен ҳам менга шундайсан. *(О.)* 9. Кўпинча у қилган ишларини ўзи гапирмасди, бошқалар гапиришарди. *(С. А.)* 10. Аммо териси кўнчиликка тушган бўлса, аллақачон чарм бўлди. *(А. Қ.)* 11. Шундай олиб қочаманки, ҳеч ким сезмай қолади. *(М. Исм.)*

**70-машқ.** Қавс ичида берилган олмошларни келишиклар билан турлаб, сўз бирикмалари тузинг ва ёзинг. Сўз бирикмалари иштирокида тўртта гап тузинг.

(Мен) китобим, (мен) чақирмоқ, (мен) сўрамоқ, (мен) айтмоқ, (мен) олмоқ; (сен) газетанг, (сен) мақтамоқ, (сен) бермоқ; (у) мақтови, (у) мақтамоқ, (у) кўрмоқ; (ҳамма) ишимиз, (баъзи) характерлари; (ўз) вазифанг, (ўз) тутмоқ, (ўз) бор.

**71-машқ.** От ўрнида қўлланадиган қуйидаги олмошларни оғзаки турланг.

Мен, сен, у, ўзим; ҳар ким, ҳар нима; ҳеч нима, ҳеч нарса, ҳеч ким.

**72-машқ.** Гапларни ўқинг. Олмошларни топиб, турини айтинг. Кўрсатиш ва сўроқ олмошларини ўзи боғланган сўз билан кўчиринг.

1. Ҳаётни қанча севсанг, у сенга шунча гўзал кўринади. *(О.)* 2. Ҳаётни, бахтли турмушни ким севмайди. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Кўзига нима кўринса, шу уни қизиқтира бошлади. *(О.)* 4. Кимни мақтади, кимни оталарча койиди. *(О.)* 5. Нега мени қурилишдан қувади? Мен ҳам меҳнат қилишни истайман! *(Ш. Р.)* 6. Қаерда, қачон, ким билан бўлмагин, доим бахтли бўл, болам, ишонтиргин-а? *(«Ойпарча».)* 7. Хўш, ўртоқ Деҳқонбоев — бу ҳам фронтовик — нега ўз ўртоғидан ибрат олмайди? *(О.)* 8. У икки-уч қадам лўкиллаб борди-ю, рўпарасида ҳурпайиб турган кичкина хўрозга «бу яна қанақаси бўлди», дегандай тикилиб қолди. *(М. Исм.)* 9. Бу баҳона билан донгдор колхозни кўраман, деб хурсанд ҳам бўлди у. *(О.)* 10. Ким бўлди унга шунча ҳасрат, шафқат, илтифот билан салом берган? *(Ҳ. Ғ.)* 11. Аширмирзо боя дўстини топиб қанча қувонган бўлса, Тешабойнинг давлатини эшитиб шунча қувонди. *(М. Исм.)* 12. Хўш, қани, сизлар нима дейсизлар. *(Ш. Р.)* 13. Нима ёзганимни мен ўзим сизга тушунтираман. *(О.)* 14. Нима эксанг, шуни ўрасан. *(Мақол.)*

**73-машқ.** Гапларни ўқинг. Олмошларни топиб, турини, гапдаги вазифасини айтинг. Белгилаш олмоши қатнашган гапларни кўчириб, олмошнинг тагига чизинг, маъносини айтинг.

1. Мана «Элобод» колхозида ҳар томондан телефон жиринглайди. *(О.)* 2. Қишининг ҳурмати ўз қўлида. *(Мақол.)* 3. Сўнгги пу-

шаймон — ўзингга душман. *(Мақол)* 4. Тонг ёриша бошлаганда, майдон сийраклашиб, баъзи рўйхат столлари бўшаб қолди. *(Ҳ. Ғ.)* 5. Кимки юз йил яшамаса, Гуноҳ унинг ўзидадир. *(М. Ш.)* 6. Йўлчи учун Петров бутун ҳаёти ва кураши билан муаллим бўлди. *(О.)* 7. Лекин орадан бир кун ўтгач, бир ҳодиса юз берди-ю, ҳаммаси яна эсига тушди. *(Б. Қодиров.)* 8. Сиз ахтарган табиб мен ўзим бўламан. *(Ас. М.)* 9. Менга ҳамма нарса муҳимдир. *(Ас. М.)* 10. Тошкент, Москва, Душанба, Олмаота, баланд тоғлар — барчаси ўзимизники. *(М. Алавия.)* 11. Ким бировга чуқур қазиса, ўзи йиқилади. *(Мақол.)* 12. Сизни мен ўзим йўқлашим керак эди, холажон. *(О.)*

**74-машқ.** Гапларни ўқинг. Олмошларни топиб, турини айтинг. Иккинчи даражали бўлак вазифасида келган бўлишсизлик ва гумон олмошларини ўзи боғланган сўз билан айрим-айрим ёзинг.

1. Тунда аллақандай жозибадор, ғалати кўринган бир дарахтни силкитди. *(О.)* 2. Ўрмон ичи шундай қоронғи эдики, Рашид кўп вақтгача ҳеч нимани айира олмади. *(О.)* 3. Бир маҳал аллақаёқдан кимнингдир товуши келди, ўзи кўринмасди, улар яна жим бўлди. *(Ш.)* 4. Айиқ ҳамма нарсани бирпасда еб қўйибди, шаҳзодага ҳеч нарса қолмабди. *(Эртакдан.)* 5. Жумабой овозини пасайтириб яна алланималарни узоқ гапирди. *(О.)* 6. Шу кунларда ҳеч бир киши топилмадики, у Дилшоднинг юрагига тасалли берса. *(М. Исм.)* 7. Сўрининг остидами, тепасидами кимдир ингичка, лекин жуда ўткир овоз билан ашула айтар эди. *(А. Қ.)* 8. Қаердадир гуллар қўйнида сув куйлайди. *(О.)* 9. Онахоннинг тушунмагани, ҳайрон бўлгани шу эдики, Ефим билан Собиржон кўпроқ аллақандай нотаниш шаҳарлар, қандайдир деҳқонлар ҳақида сўзлашардилар. *(Ас. М.)* 10. Чодирда ҳеч ким йўқ эди. *(О.)* 11. Мирвали аллақайси базада экспедитор. *(С. Аҳм.)* 12. Бирни биров беради, кўпни меҳнат беради. *(Мақол.)*

### Олмошларнинг ёзилиши

**60-§ 1.** *Мен, сен* кишилик олмошлари қаратқич ва тушум келишиги билан қўлланганда, олмош таркибидаги **н** товуши тушиб қолади. Шунинг учун улар битта **н** билан ёзилади: *мен+нинг* эмас, ***менинг***, *мен + ни* → ***мени;*** *сен + нинг* → ***сенинг***, *сен + ни* → → ***сени***.

2. *У, бу, шу, ўша* олмошлари жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги билан қўлланганда, битта **н** орттириб ёзилади: *у + га* → → ***унга***, *у + да* → ***унда***, *у + дан* → ***ундан;*** *бу + га* → ***бунга***, ***бунда***, ***бундан;*** ***ўшанга***, ***шунда*** каби.

3. *Ҳар* сўзи билан ясалган белгилаш олмошлари, *ҳеч* сўзи билан ясалган бўлишсизлик олмошлари ажратиб ёзилади: *ҳеч ким, ҳар қанақа, ҳар бир, ҳеч нима, ҳеч нарса, ҳеч бир.*



4. **Алла** билан ясалган гумон олмошлари қўшиб ёзилади: *аллаким, алланарса, аллақанақа.*

5. Мен-сен, у-бу, шу-шу каби жуфт олмошлар орасига чизиқча қўйилади.

**75-машқ.** Гапларни ўқинг. Олмошларни топиб, ёзилишини тушунтиринг. Ажратиб кўрсатилган олмошлар иштирокида гап тузинг.

1. Ҳар бир қишлоқ ширингина шаҳарча бўлиши лозим. *(О.)* 2. Чол ханжарга бир зум қараб, кўзлари аллақандай қувониб кетди. *(О.)* 3. Мени шундай хурсанд қилдингки, бошим осмонга етди. *(М. Исм.)* 4. Ҳеч кимнинг бели ҳам оғримади, юрагига **ҳеч нарса** сиғмайдиган вақт ҳам бўлмади. *(А. Қ.)* 5. Тансиқ, Дилшод ўғит ҳақида маслаҳат қилиб, аллақандай режалар аниқлар эдилар. *(О.)* 6. Қоровул кимнидир чақирди, **аллаким** билан гаплашди. *(А. Қ.)* 7. Унда-бунда ҳаракатдаги кетмонларнинг чақини ялтирар эди. *(О.)* 8. Мен ҳозир Ҳамид Олимжон билан бирга кимлар келганлигини эслай олмайман, лекин Ҳ. Олимжонни эслайман ва **ҳеч қачон** унутмайман. *(Н. Тихонов.)* 9. Мана шу кран икковимизники бўлади. *(С. Аҳм.)* 10. Мен сакраб туриб, **унга** томон отилдим. *(Ч. Айт.)*

### Олмошларнинг тузилиш жиҳатидан турлари

**61-§.** Олмошлар тузилиш жиҳатидан уч хил: 1. Содда олмош. 2. Қўшма олмош. 3. Жуфт олмош.

**Содда олмош** бир сўздангина иборат бўлади: *мен, сен, у, бу, ким, қанча, ҳамма, баъзи.*

**Қўшма олмош** бирининг маъноси ўзича англашилмайдиган икки сўздан ёки маъноси ўзича англашилиб турадиган сўзларнинг бирикишидан тузилади ва предмет ёки белги англатувчи сўз ўрнида келади: *аллаким, алланима, алланарса, аллақандай; ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир; ҳеч ким, ҳеч қайси; ҳеч нарса, ҳеч бир, баъзи бир, қайси бир, ана ўша.*

**Жуфт олмош** икки олмошнинг тенг боғланишидан тузилади ва шахс ёки нарсаларни умумлаштириб кўрсатади: *биз-сиз, у-бу, шу-шу, ўша-ўша.*

**76-машқ.** Гапларни кўчиринг. Олмошларни топиб, тузилишига кўра турини айтинг; уларнинг ёзилишини тушунтиринг.

1. Раис катта қўрада унга-бунга кўз ташлаб, отбоқар ё аравакашлар билан у-бу тўғрисида сўзлашиб, кимни оталарча койиб, кимни мақтаб аста юра бошлади. *(О.)* 2. Ҳамма гапингиз ҳақ, ўртоқ Аҳмедов. *(А. Қ.)* 3. Яхши муаллимларни гоҳо у-бу билан мукофотлайди ҳам. *(О.)* 4. Уларнинг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, тинч-тотув яшардилар. *(Ж. Абдуллахонов.)* 5. Мен ўз-ўзимга дейман: наҳотки, оз муддатда шунчалик ўзгарибман. *(Мирм.)* 6. У шундай жиддий гапирдики, ҳеч ким эътироз билдира олмади. *(Ш. Р.)* 7. Ахир, бугун шундай кунки, ҳар ким ўз дўсти билан бирга бўлгиси келади. *(О. Ё.)* 8. Ҳар йили дам олиш, курорт деб аллақаёқларга борамиз...

Мана курорт! Мана дам оладиган жой! Шундай ёнимизда! Ҳа, бу ерни ижод маконига айлантирамиз... Бу ерда қанчадан-қанча шеърлар, поэмалар, ҳикоялар, романлар, пьесалар яратилади. *(У.)* 9. Мен ўзимни бахтли дердим ҳар қандай дамда. *(А. Орипов.)* 10. Мен бунақа баҳслар тўғрисида қанча-қанча китоблар ўқиганман. *(О. Ё.)* 11. Акам яна аллақанча саргузаштларини ҳикоя қила кетди. *(Н. С.)*

77- машқ. Бошланғич синфлар программаси ва 3-синф дарслиги билан танишиб, ўқувчилар олмошнинг қайси турини ва уларнинг ёзилишига доир қандай қоидаларни ўрганишини айтиб беринг.

78- машқ. Гапларни ўқинг. Олмошларни топиб, қуйидаги тартибда тўлиқ морфологик разбор қилинг.

### Олмошни разбор қилиш тартиби

1. Олмошнинг маъно жиҳатидан тури.
2. Қандай ўзгарган (эгалик, келишик, кўплик қўшимчалари билан қўлланиши) ёки ўзгармаганлиги.
3. Тузилиш жиҳатидан тури.
4. Гапдаги вазифаси.

Намуна. *Биз* — олмош, кишилик олмоши, 1 шахс, кўплик, бош келишик; содда; гапда — эга; *ҳамма* — олмош, белгилаш олмоши; содда; гапда — сифатловчи аниқловчи.

1. Биз ҳамма звеноларни улардан ўрнак олишга чақирамиз. 2. Ҳамма гап меҳнатда ва тажрибада. 3. Биз ҳозир ёзнинг қозонини ҳосил билан тўлдирсак, кузда роҳатини кўрамиз. *(О.)* 4. Ўша кундан бошлаб унинг юрагида аллақандай янги, ёқимли ва жўшқин бир туйғу пайдо бўлди. *(Ш.)* 5. Юринг, мен ўша томонга бораман. *(О.)* 6. Ленин меҳри, муҳаббати менда, сенда, унда — ҳаммада. *(Ш. Одил.)* 7. Бу ... қошлари аллақандай мағрур чимирилган, эллик яшар аёл эди. *(О.)* 8. Инсон мамнун бўлар ҳар бир осуда, Табассум ва шодлик бахш этган кундан. *(У.)* 9. Бу ёрдам орқасида биз бу йил тўрт юз ўттиз гектар пахта экдик. *(О.)* 10. Қаердандир кишиларнинг овози эшитилгандан кейин, Анорхон бошини кўтариб, ўзини дарахт панасига тортди. *(О.)*

## ФЕЪЛ

**62-§. Феълларнинг маъноси ва грамматик белгилари.** Предметнинг иш-ҳаракатини билдирадиган мустақил сўзлар феъл дейилади. Масалан: *Қуёш* ***тиккайган*** *сайин, ҳаво кучлироқ* ***қизийди****. Ердан иссиқ ҳовур* ***уради****. Шу вақтда қадрдон агроном олисдан* ***кўриниб қолди****. Қизлар* ***завқланиб кулишди****. (О.)*

Феълга хос грамматик хусусиятларга ўтимли-ўтимсизлик (*ўқи, ол* — ўтимли, *кел, бор* — ўтимсиз), нисбат (*ювди, ювинди, ювилди, ювишди, ювдирди*), бўлишли-бўлишсизлик (*ёз, ёзма*), майл (*ўқидим, ўқигин, ўқиса*), замон (*ёздим, ёзяпман, ёзмоқчиман*) каби формалар киради. Феълнинг равишдош (*ўқиб, ёза-ёза, ўқигач, ўқигунча*), сифатдош (*ўқиган, ўқир*), ҳаракат номи (*ўқимоқ, ўқув, ўқиш*) каби



формалари ва туслаиши системаси (*ўқидим, ўқидинг, ўқиди; ўқиганман, ўқигансан, ўқиган; ўқий, ўқигин, ўқисин*) ҳам унинг специфик белгиларидандир.

Феъллар гапда асосан кесим вазифасида келади.

### Ўтимли ва ўтимсиз феъллар

**63-§.** Феъллар, англашилган ҳаракатнинг предметга (тўлдирувчига) муносабатига кўра, ўтимли ёки ўтимсиз бўлади.

Ҳаракатнинг тушум келишигидаги отга (яъни воситасиз тўлдирувчига) ўтганлигини, таъсир қилишини билдирган феъллар ўтимли феъл дейилади: *Қиши ўз ҳаётида кўп нарсани* ***кўради, эшитади, ўқийди, сезади.*** *(И. Р.)* Бу гапдаги *кўради, эшитади, ўқийди, сезади* феълларидан англашилган ҳаракат тушум келишигидаги от *(нарсани)* га — воситасиз тўлдирувчига бевосита (тўғридан-тўғри) ўтган.

Демак, ўтимли феъл асосан тушум келишигидаги сўз билан муносабатга киришади.

Бирор предметга бевосита ўтмайдиган ҳаракатни англатадиган феъллар ўтимсиз феъл дейилади. Ўтимсиз феъллар жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги сўзлар билан боғланади: *Мактабдош қизлар битта звено бўлиб далага чиқишди. (С. А.)*

**64-§.** Ўтимли ёки ўтимсизлик феълларнинг маъносидан ҳам англашилиб туради: *ёз, ўқи, бил, кўр, эк* — ўтимли; *бор, кел, юр, ухла* — ўтимсиз.

Баъзи қўшимчалар ўтимсиз феълни ўтимли феълга айлантиради: *кел, юр, ухла, кўкар, бор* каби ўтимсиз феъллар ***-тир, -газ, -т, -гиз*** қўшимчалари воситасида ўтимли феълга айланади: *келтир, юргаз, ухлат, кўкартир, боргиз.*

Баъзи қўшимчалар эса ўтимли феълни ўтимсиз феълга айлантиради: *оч, кўр, еч, сақла, тара, беза* ўтимли феълларига ***-л (-ил), -н (-ин)*** қўшимчалари қўшилганда, ўтимсиз феълга айланади: *очил, кўрин, ечин, сақлан, таран, безал каби.*

79- машқ. Текстни ўқинг. Ўтимли ва ўтимсиз феълларни топиб, фарқини айтинг. Ўтимли феълларни тушум келишигидаги сўз билан, ўтимсиз феълларни эса жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги сўзлар билан бирга кўчиринг.

Жўра кичкина, ихчам, озода хонага кириб, токчага терилган китобларни бир-бир кўздан кечирди-да, бир китобни суғурди; бу Пушкиннинг лирик шеърлари эди. Айвон четига ўтириб, китобини варақлай бошлади. У русчани тутилиб-тутилиб ўқир, кўп сўзларга тушунмас эди. Лекин рус тили муаллими кўпдан бери шу колхоз мактабида қунт билан, иштиёқ билан болаларни ўқитар, мунтазам равишда болаларга уйга вазифа топширар эди. Таътилда ўқиш учун тавсия этилган китобларнинг бириси шу эди. Жўра Пушкин шеърларини севар, завқ билан ўқир ва баъзи шеърларини ёд оларди. *(О.)*

## Феъл нисбатлари

**65-§.** Иш-ҳаракатнинг бажарувчиси (субъект) билан предмет (объект) орасидаги муносабатнинг ифодаланиши феъл нисбати дейилади: *Юсупов чолга микрофонни* ***тушунтирди*** гапида *Юсупов* тушунтириш ҳаракатининг бажарувчиси — эга, *чолга* — ҳаракат бажарилишида восита бўлган предмет (объект) — воситали тўлдирувчи, *микрофонни* — тушунтириш ҳаракати бевосита ўтган предмет (объект) — воситасиз тўлдирувчи. Ҳаракатнинг бажарувчиси билан объекти орасидаги мана шу муносабат феъл нисбатидан англашилади.

Эга ва тўлдирувчининг қандай ифодаланиши, қандай форма ва маънода бирикиши феъл нисбатининг маъноси билан боғланади. Масалан, *ўқи* — эганинг ўзи бажарадиган ҳаракат (*Сен* ***ўқи.***), *ўқит* — тўлдирувчи бажарадиган ҳаракат (*Сен бу китобни укангга* ***ўқит.***), *ишлаш* — биргаликда бажариладиган ҳаракат (*Масалани сен ҳам* ***ишлаш.***) ва ҳоказо.

Феълда беш нисбат бор: 1. Аниқ нисбат. 2. Ўзлик нисбати. 3. Мажҳуллик нисбати. 4. Биргалик нисбати. 5. Орттирма нисбат.

**66-§. Аниқ нисбатдаги** феълда ҳаракат эга томонидан бажарилади, тўлдирувчи эса ҳаракатнинг объекти бўлади: *Кулги умрга умр* ***қўшади.*** (*Мақол.*) *Тақир чўлларда* ***унди*** *боғу роғлар,* ***яшнади*** *бўстон.* (*А. Пўлат*)

**67-§. Ўзлик нисбатида** ҳаракатнинг бажарувчиси билан ҳаракат бажарилишида восита бўлган предмет (объект) бир шахснинг ўзи бўлади: *Раҳим тез кийинди.*

Ўзлик нисбати феъл негизига ***-н (-ин), -л (-ил), -ш, -лан*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади: *таран, ясан, ўран, ювин, тортин; суркал, чўмил; кериш; шодлан, жонлан, отлан.*

Эслатма. *Ўқи, ёз* каби баъзи ўтимли феъллардан ҳамда ўтимсиз феъллардан ўзлик нисбати ясалмайди. *Сескан, қувон, шодлан* каби феълларнинг эса аниқ нисбати йўқ.

**68-§. Мажҳуллик нисбатида** ҳаракат тўлдирувчи англатган предмет томонидан бажарилиб, эгага ўтади ёки ҳақиқий бажарувчи номаълум бўлади: *Ерлар тракторчилар томонидан* ***ҳайдалди.*** *Шу йўсин ариқ* ***қазила бошланди.*** (*А. Қод.*) Биринчи гапда ҳаракат тўлдирувчи (*трактрочилар*) томонидан бажарилган, ҳаракат эгага (*ерлар*) ўтган; иккинчи гапда ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум.

Мажҳуллик нисбати феъл негизига ***-л (-ил), -н (-ин)*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади: *қарал (ди), берил (ди); улан (ди), олин (ди).*

Баъзан айни бир қўшимча билан ҳам ўзлик, ҳам мажҳуллик нисбати ясалади. Бунда нисбатни гап мазмунидан билиш мумкин. Масалан, *От* ***қоқилди,*** *Турғун* ***қоқилди*** гапларида феъл ўзлик нисбатида (ҳаракатнинг бажарувчиси ҳам, ҳаракат ўтган предмет ҳам — *от, Турғун*). *Мих* ***қоқилди.*** *Қозиқ* ***қоқилди*** гапларида эса феъл мажҳуллик нисбатида, ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум.



**69-§. Биргалик нисбатида** ҳаракат бир неча шахс томонидан бирликда бажарилади: *Хотинлар буви билан* ***кўришишар, севинишар*** *эди.* (*Ҳ. Ғ.*)

Биргалик нисбати феъл негизига ***-ш (-иш), -лаш*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади: *ишлашди, сўзлашди, ёзишди, суғоришди, баҳслаш, гаплаш.*

**70-§. Орттирма нисбатда** бажарувчи ўз ҳаракатини бошқа бажарувчининг таъсири натижасида бажариши ифодаланади: *Ўқитувчи масалани болаларга* ***ишлатди.*** Бу гапда *ишлаш* ҳаракати тўлдирувчи (*болалар*) томонидан бажарилган, эга (*ўқитувчи*) ишлаш ҳаракатининг бажарилишида таъсир қилувчи восита ҳисобланади.

Орттирма нисбат охирида унли ёки **й, р** ундошлари бўлган феъл негизларига ***-т***; охирида жарангсиз ундош бўлган негизларга ***-тир,*** бошқа негизларга ***-дир***; охирида **ш, ч, п** ундошлари бўлган негизларга ***-ир***; охирида ундош товуш бўлган баъзи бир бўғинли негизларга ***-ар***; охирида ундош товуш бўлган баъзи негизларга ***-ғиз, -гиз, (-қаз, -ғаз, -каз, -киз, -киз)***; охирида **м, қ** ундошлари бўлган негизга ***-из*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади: *ишлат, ухлат, кўпайт, қисқарт; айттир, уқтир, уялтир; кулдир, миндир; шошир, ичир, бетир; қайтар, чиқар; турғиз, ўтқиз, ўтқаз, ўтказ, ютқиз, ютқаз, юргиз, еткиз; оқиз; боқиз, томиз* каби.

**80-машқ.** Гапларни ўқинг, феълларнинг нисбатини аниқланг. Ўзлик ва мажҳуллик нисбатидаги феъллар қатнашган гапларни кўчириб, нисбат ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг; бу қўшимчаларнинг маъно ифодалашдаги фарқини тушунтиринг.

1. Қечқурун қалин қилиб сув сепилган асфальт тротуарнинг намитарқалган. (*Ў. У.*) 2. Вагон дераза ларидан минглаб қўллар силкинди. 3. Бахилни сахийлигинг билан уялтир. (*Мақол.*) 4. Рустам айниқса пахтакорлик бобида чуқур тажриба, билим орттирган эди. (*О.*) 5. Ўлмаснинг кўнгли нима билан очилса, Файзихон ўшани муяссар қилишга интиларди. (*Ё. Ш.*) 6. Йўллар супирилди ва сув сепилди. (*О.*) 7. Атайин совуқ сувда узоқ ювинди, ҳўл сочиқ билан артинди. (*Ш.*) 8. Кўча эшиги ёпилиши билан, Ойниса ўчоқ бошига келди, самоварга сув тўлдирди ва тандирдан уч-тўртта саксовул чўғи олиб, ўтхонасига ташлади. (*Ҳ. Ғ.*) 9. Йўлчи сўзини битиргач, Абдушукур илжайди, синовчи бир қараш билан унга тикилди. (*О.*) 10. Рустам нафасини ростлаб олгач, юришини тезлатди. 12. Бир ёқда колхозчилар турли иш участкаларига тақсимланмоқда эдилар. (*О.*) 13. Мўлжалдаги доктор олиб келинди. (*Ш.*) 14. Босмачилар тормор келтирилгач, Жўрабоев беш йил урушда бўлди, сўнгра партия ишига юборилди. (*Ш. Р.*)

**81-машқ.** Феълларни топиб, нисбатини ва ўтимли-ўтимсизлигини айтинг. Аввал орттирма нисбат, кейин биргалик нисбатдаги феълли гапларни кўчиринг. Нисбат ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизиб, маъно ифодалашдаги фарқини айтинг.

1. Икковлари кулимсираб, жуда самимий хайрлашдилар. *(О.)* 2. Тез кунда бораман, дийдор кўришамиз. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Ҳоламлар деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланишарди, амаким савдо ишида ишларди. *(Ё. Ш.)* 4. У Олмазорга йўл олган халқ оқимига қўшилди. *(Ҳ. Ғ.)* 5. Айтишларича, у китоблар Бағдод, Дамашқ, Кашмир ва Нишопур каби шаҳарлардан келтирилган экан. *(Қ. Моисеева.)* 6. Бомбардимончиларимиз йўли олов девор билан тўсилди, лекин улар орқага қайтмадилар. *(Ҳ. Ғ.)* 7. Дугоналар иш билан банд бўлишди, лекин суҳбат қовушмади. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Кучли шамолга қарамай, машинани юргизди. *(Ҳ. Ғ.)* 9. Одамнинг одами юрт ишида, халқ ишида ўзини кўрсатади. *(О.)* 10. Жингалак сариқ сочли, тиниқ қизил юзли, кўк кўз бу йигит шу суҳбатдаёқ Аҳмаджоннинг меҳрини қўзғатди. *(А. Қ.)* 11. Улар анҳор ёқасидаги ёлғиз оёқ йўлдан изма-из боришарди. 12. Қозимбекни куни туни югуртириб туғруқхонанинг кам-кетигини тўғрилатди. *(А. Қ.)* 13. Мирзакаримбойнинг гавдаси кичик, қўллари ингичка бўлса ҳам, зуваласи пишиқ кўринади. *(О.)*

**82-машқ.** Қуйидаги феъллардан феъл нисбатлари ясаб ёзинг ва нисбат ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг. Ўзлик, мажҳуллик, биргалик, орттирма нисбатдаги феъллар иштирокида гаплар тузинг.

Қуйламоқ, зерикмоқ, ёймоқ, келмоқ, ясамоқ, кўрмоқ, ёзмоқ, гулламоқ, тушунмоқ, уқмоқ, киймоқ, сўрамоқ, овламоқ, улгурмоқ.

## Бўлишли ва бўлишсиз феъллар

**71-§.** Феъллар, иш-ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдиришига кўра, б ў л и ш л и в а б ў л и ш с и з формаларда бўлади.

**Бўлишли феъллар** бажарилган, бажарилаётган, бажариладиган иш-ҳаракатни англатади. Бўлишлиликни кўрсатувчи махсус қўшимча йўқ: *кўр, кўрган, кўраётир, кўриб чиқди; ол, ишла, ўқи, ёздирди.*

**Бўлишсиз феъллар** бажарилмайдиган, бажарилмаган ёки бажарилмаётган иш-ҳаракатни англатади: *кўрма, кўрмаган, кўрган эмас, кўргани йўқ, кўрмаётир, кўриб чиқмади.*

Феълнинг бўлишсиз формаси қуйидагича ясалади:

1. Феъл негизига **-ма** қўшимчасини қўшиш билан: *ёзмади, ёзмаётир, ёзмайди; олма, кўтарма, турма.* **-ма** қўшимчаси бирдан ортиқ феъллардан тузилган қўшма феълларнинг сўнггисига қўшилади: *олиб қолма, ола қолма, олиб қола кўрма* каби.

Эслатма. Қўшма феълнинг ҳар иккисига **-ма** қўшимчаси қўшилса, бўлишли феълга айланади: *кўрмай қўймайди, ишламай юрмайди.*

2. Феълнинг сифатдош, равишдош формаларига *эмас* сўзини қўшиш билан. Бунда иш-ҳаракатнинг бажарилиши инкор қилинади: *борган эмас, борадиган эмас, боргунча эмас, ... бориб эмас ...;* ҳаракат номларининг бўлишсиз шакли фақат *эмас* сўзи билан ясалади: *бориш эмас, ёзмоқ эмас.*



3. Сифатдош формасига *йўқ* сўзини қўшиш билан. Бунда иш-ҳаракатнинг мавжуд эмаслиги англашилади: *борғани йўқ, келгани йўқ, ёзгани йўқ.*

4. *На* сўзи уюшиқ бўлаклар англатган иш-ҳаракатни инкор қилиш орқали бўлишсизлик маъносини англатади: *У умрида на қийинчилик кўрган, на ҳақорат эшитган. На ўқиди, на ёзди.*

**83-машқ.** Гапларни ўқинг, бўлишли ва бўлишсиз феъллларни аниқланг. Бўлишсизлик қандай ифодаланганини тушунтиринг.

1. Феруза дастлабки кунларда бу ҳақиқатни ҳазм қила олмади, аммо эндиликда у ўз ҳаётини бу ҳақиқатсиз тасаввур эта олмайди. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Гуломжон жавобдан қаноат ҳосил қилмади, лекин у гап талашиб ўлтиришни ҳам лозим кўрмади. *(М. Исм.)* 3. Ахир у кетганида, мен ёш бола эдим, на табиатни билардим, на фазилатни деб ўйланди Дилшод. *(М. Исм.)* 4. Даврим келди, ўйнайман, Ўйнаб, сира тўймайман. *(А. П.)* 5. Улар шундай бир жой топишганки, уларни ҳеч ким излаб топа олган эмас. 6. Чинор чиримас, арча қуримас. *(Мақол.)* 7. Озни билмаган кўпни билмас. *(Мақол.)* 8. Савринисо кўзларини хиёл очди, лекин ссма чироқнинг шуъласида дадамни танимади. *(А. Қ.)* 9. Чеҳраси ҳам очилган, ўқимайди «беш» дан паст. *(П. М.)* 10. У ҳеч вақт гап билан шошгани йўқ. 11. Гўзаллик расмидир бу ҳол азалий, Булбул йиғламаса гул яшнаб-кулмас. *(М. Ш.)*

**84-машқ.** Текстни кўчиринг, феълларнинг тагига чизиб, ўтимли-ўтимсизлигини, нисбатини ва бўлишли-бўлишсизлигини айтинг.

Ҳеч бир жониворда бўлмайдиган, фақат инсонда бўладиган бир фазилат бор, бу — ирода. У ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди, у ниҳоятда ноёб. У ҳатто туғма ҳам эмас. Уни инсоннинг ўзи яратади, авайлаб ўстириб, балоғатга етказади.

Ирода, сабот ирода !!!

Жаҳаннам ёқасига келганингда ҳам уни йўқотма!

Чинакам иродали бўлсанг, жонинг чиқиб кетганида ҳам, танингда у мавжуд эканлиги билиниб туради. Душманингни мурданг билан ҳам енгасан. *(Мирм.)*

## Феълларнинг тусланиши

**72-§.** Феълларнинг шахс-сон қўшимчалари билан ўзгариши тусланиш дейилади.

Грамматик шахс иш-ҳаракатни бажарувчини кўрсатади. Грамматик шахс учта: 1) сўзловчи (I шахс), 2) тингловчи (II шахс), 3) ўзга, суҳбатда бевосита иштирок этмайдиган шахс, предмет (III шахс).

Грамматик шахс грамматик сон (бирлик ёки кўплик) билан биргаликда ифодаланади. Масалан, *ўқидик* феълидаги **-к** қўшимчаси ҳам I шахсни, ҳам кўпликни; *ўқидинг* феълидаги **-нг** қўшимчаси ҳам II шахсни, ҳам бирликни ифодалайди. Шунинг учун бундай қўшимчалар ш а х с, с о н қ ў ш и м ч а л а р и ёки т у с л о в ч и л а р дейилади.

Ўзбек тилида тусловчилар уч группага бўлинади.

I ГРУППА

| Сон / Шахс | Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|---|
| | Шахс - сон қўшимчаси | Мисоллар | Шахс - сон қўшимчаси | Мисоллар |
| I шахс | **-м** | *ёздим, ўқисам* | **-к** | *ёздик, ўқисак* |
| II шахс | **-нг** | *ёздинг, ўқисанг* | **-нгиз** | *ёздингиз ўқисангиз* |
| III шахс | | *ёзди, ўқиса* | **-(лар)** | *ёзди (лар), ўқиса (лар)* |

II группа

| Сон / Шахс | Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|---|
| | Шахс-сон қўшимчаси | Мисоллар | Шахс-сон қўшимчаси | Мисоллар |
| I шахс | **-ман** | *ёзибман, ёзганман* | **-миз** | *ёзибмиз, ёзганмиз* |
| II шахс | **-сан** | *ёзибсан, ёзгансан* | **-сиз** | *ёзибсиз, ёзгансиз* |
| III шахс | **-ди** | *ёзибди, ёзган* | **-ди (лар)** | *ёзибди (лар,) ёзган (лар)* |

III группа

| Сон / Шахс | Бирлик | | Кўплик | |
|---|---|---|---|---|
| | Шахс-сон қўшимчаси | Мисоллар | Шахс-сон қўшимчаси | Мисоллар |
| I шахс | **-ай (ин)** | *ёзай(ин), ўқий(ин)* | **-айлик** | *ёзайлик, ўқийлик* |
| II шахс | **-гин** | *ёзгин, ўқигин* | **-ингиз -нгиз (лар)** | *ёзингиз (лар) ўқингиз (лар)* |
| III шахс | **-син** | *ёзсин, ўқисин* | **-синлар** | *ёзсинлар, ўқисинлар* |

**85-машқ.** Қуйидаги феълларнинг тусланиш жадвалини тузинг.

Ишон, ишонса, ишониб, ишонган; тушун, тушунса, тушунтириб, тушунтирган.

**86-машқ.** Нуқталар ўрнига шахс-сон қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Ажратиб кўрсатилган феълларга қандай қўшимча қўшганингизни айтинг.

Квартираларимизни **алмаштира** . . . . Сиз майда болаларингиз билан тўртинчи қаватда, бунинг устига икки хонада тура . . . .



Биз икки киши тўрт хонада тура. . . . Ўзингиз била. . . , квартирам ёмон эмас. Мен сизларнинг икки хонангизга кўчиб чиқа . . . , сизлар иккинчи қаватга туша. . . . Вассалом! Мен ўзим хоҳлаб сизга **беряп**. . . . Сизга такрор айта. . . , ҳали мен ишдан тамоман кетганим йўқ. Мен учун икки хона ета . . . . Бу уйлар сиз билан бизнинг отамиздан **қолиб**. . . **ми**, ҳукумат **қур**. . . — халқ мулки. *(Мирм.)*

## Феъл замонлари

**73-§.** Замон маъноси иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтга муносабати билан аниқланади. Иш-ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин, нутқ сўзланиб турган бир пайтда, нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши мумкин. Шунга кўра, феълда уч замон мавжуд: 1. Ўтган замон. 2. Ҳозирги замон. 3. Келаси замон.

**74-§. Ўтган замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин бажарилган ёки бажарилмаганини билдиради.

Ўтган замон феъли, маъносига кўра, беш турга бўлинади: 1. Яқин ўтган замон феъли. 2. Узоқ ўтган замон феъли. 3. Ўтган замон ҳикоя феъли. 4. Ўтган замон давом феъли. 5. Ўтган замон мақсад феъли.

**75-§. Яқин ўтган замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан олдин сўзловчининг кўз олдида аниқ бажарилган ёки бажарилмаганини билдиради. Феълнинг бу тури аниқ ўтган замон феъли деб ҳам юритилади: *Мен бу китобни кеча кутубхонадан олдим.*

Яқин ўтган замон феъл негизига **-ди** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ҳосил қилинади:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *ўқидим* | *ўқидик* |
| II шахс | *ўқидинг* | *ўқидингиз* |
| III шахс | *ўқиди* | *ўқиди (лар)* |

**76-§. Узоқ ўтган замон феъли** иш-ҳаракатнинг қачондир, нутқ сўзланиб турган пайтдан анча илгари бажарилган ёки бажарилмаганини, бу ҳақда нутқ сўзланиб турган пайтда хабар қилинганини англатади: *Дилшод пахтакорликни Каримқулдан хийла* **ўрганган.** *(О.) Ёзиб-чизиб ўтирганингизни кўриб, сўзга чиқарсиз деб* **ўйлаган эдим.** *(О.)*

Узоқ ўтган замон феъл негизига **-ган** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан, шунингдек, ўтган замон сифатдошидан кейин *эди, эмиш* тўлиқсиз феълларидан бирини туслаб келтириш билан ҳосил қилинади:

Бирлик

I шахс *ўқиганман, ўқиган эдим, ўқиган эканман, ўқиган эмишман*

II шахс *ўқигансан, ўқиган эдинг, ўқиган экансан, ўқиган эмишсан*

III шахс *ўқиган, ўқиган эди, ўқиган экан, ўқиган эмиш*

Кўплик

I шахс *ўқиганмиз, ўқиган эдик, ўқиган эканмиз, ўқиган эмишмиз*

II шахс *ўқигансиз, ўқиган эдингиз, ўқиган экансиз, ўқиган эмишсиз*

III шахс *ўқиганлар, ўқиган эдилар, ўқиган эканлар, ўқиган эмишлар*

Эслатма. **Тўлиқсиз феъл** иш-ҳаракат маъносига эга бўлмайди, грамматик маъноларнигина ифодалайди.

Тўлиқсиз феъллар ҳозирги тилда айрим-айрим сўз сифатида тушуниладиган *эди, экан, эмиш* сўзларидир. Тўлиқсиз феъллар якка ҳолда ишлатилмай, бошқа феъл шакллари билан биргаликда (*ўқиган эди, ўқиб эди, ўқимоқчи экан, ишлар эмиш*), шунингдек, феълдан бошқа сўзлар билан бирга (*студент эдим, яхши экан, битта эмиш*) қўлланади.

*Эди, экан, эмиш* **-ди, -кан, -миш** каби қисқа шаклда ҳам ишлатилади. Тўлиқсиз феълнинг қисқарган шакли ўзидан олдин келган сўзга қўшиб ёзилади: *ўқирди* (*ўқир эди*), *бораркан* (*борар экан*), *келармиш* (*келар эмиш*). Тўлиқсиз феълнииг *эса, эмас* шакллари ҳам мавжуд бўлиб, *эса* боғловчи вазифасида, *эмас* бўлишсиз форма ясовчи вазифасида қўлланади: *Равшан — студент, Мансур* ***эса*** *ўқувчи. У бу китобни ўқиган* ***эмас.***

Тўлиқсиз феъллар тусланади: *эдим, эдинг, эдик; эканман, экансан; эмишмиз, эмишсиз* каби.

**77-§. Ўтган замон ҳикоя феъли** иш-ҳаракатнинг кутилмаганда, қисқа вақт ичида нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари бажарилган, ёки бажарилмаганини ҳикоя қилиш, тасвирлаш орқали ифодалайди: *Демак, Йўлдош ака уни тағин* ***эслабди.*** *(Ҳ. Ғ.)*

Ўтган замон ҳикоя маъноси феъл ўзак-негизига ***-б, (-иб)*** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан, шунингдек, ўтган замон равишдошига *эди* тўлиқсиз феълини туслаб бириктириш билан ифодаланади:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| I шахс *ёзибман, ёзиб эдим* | *ёзибмиз, ёзиб эдик* |
| II шахс *ёзибсан, ёзиб эдинг* | *ёзибсиз, ёзиб эдингиз* |
| III шахс *ёзибди, ёзиб эди* | *ёзибдилар, ёзиб эдилар* |

**78-§. Ўтган замон давом феъли** нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари давомли бўлган ёки такрорланиб турган иш-ҳаракатни эслаш орқали ифодалайди: *Қуёш ғуборсиз кўкда* ***порлар эди.*** *(О.) Бу ердаги ўтлар ҳамиша зангори бахмални* ***эслатарди,*** *шунинг учун ҳам қишлоқ Бахмал номи билан* ***аталарди.*** *(Ш. Р.)*



Ўтган замон давом феъли ***-р (-ар)*** қўшимчаси билан ясалган келаси замон сифатдошига ва ***-ётган*** қўшимчаси ёрдамида ясалган ҳозирги замон сифатдошига *эди* тўлиқсиз феълини туслаб бириктириш билан ҳосил қилинади:

Бирлик

I шахс *ўқир эдим, ўқиётган эдим, ўқимоқда эдим*
II шахс *ўқир эдинг, ўқиётган эдинг, ўқимоқда эдинг*
III шахс *ўқир эди, ўқиётган эди, ўқимоқда эди*

Кўплик

I шахс *ўқир эдик, ўқиётган эдик, ўқимоқда эдик*
II шахс *ўқир эдингиз, ўқиётган эдингиз, ўқимоқда эдингиз*
III шахс *ўқир эдилар, ўқиётган эдилар, ўқимоқда эдилар*

**79-§. Ўтган замон мақсад феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланган пайтдан илгари бажарилиши мақсад қилинганини, аммо иш-ҳаракат воқе бўлмаганини эслатиш орқали ифодалайди: *Китобни кутубхонадан* ***олмоқчи эдим.*** *Шунинг учун кутубхонага* ***борадиган эдим.***

Ўтган замон мақсад феъли ***-моқчи*** қўшимчаси қўшилган феълдан ва ***-диган*** қўшимчаси ёрдамида ясалган сифатдошдан кейин *эди* тўлиқсиз феълини туслаб бириктириш билан ҳосил қилинади:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| I шахс *бормоқчи эдим, борадиган эдим* | *бормоқчи эдик, борадиган эдик* |
| II шахс *бормоқчи эдинг, борадиган эдинг* | *бормоқчи эдингиз, борадиган эдингиз* |
| III шахс *бормоқчи эди, борадиган эди* | *бормоқчи эди (лар), борадиган эди (лар)* |

87-машқ. Гапларни ўқинг. Ўтган замон феълларини топиб, маъно жиҳатидан турини айт нг. Ажратиб кўрсатилган феълларни шахс-сон қўшимчалари билан ғгзаки тусланг.

1. Пахта теримига чиққан теримчилар бутун пахта даласини қоплаб олган эди. *(С. А.)* 2. Тансиқ, Дилшод ўғит ҳақида маслаҳат қилиб, аллақандай режалар **аниқлар эдилар.** *(О.)* 3. Боққа кирдим, олмалар Қип-қизариб пишибди. Силкитибди шамоллар, Ерга тўп-тўп **тушибди.** *(З. Д.)* 4. Анорхон меҳмонларнинг илтимоси билан уларни энг аввал колхоз агротехника мактабига бошлади. *(И. Р.)* 5. Мирҳайдар ота хафа бўлган вақтида дарҳол бировга юрагини очишни яхши кўрар эди. *(О.)* 6. Аста эсган шабада акация дарахтларининг бутоқларини силкитар, майда баргларини шилдиратар эди. *(П. Т.)* 7. Бир неча йилдан буён унинг бутун вақтини, ўйини колхоз иши эгаллаб олган эди. *(О.)* 8. Баҳор келди, гул очилди, чаман бўлди юртимиз. *(З. Д.)* 9. Бугун хат олдим, — жавоб берди Комила, — ўқишлари бир ой бурун битган экан. Ўғлингиз ҳамма дарслардан аъло баҳо олибди. *(О.)* 10. Кабинетдан Эра-

лининг баланд овоз билан гаплашаётгани **эшитиларди.** *(Ё. Ш.)* 11. Дилдор бир очилиб, ошхона томон юрган эди, дарвоза тақиллаб қолди. *(Ё. Ш.)* 12. Дарвоқе, Йўлдошга атаб битта қўй боқиб қўйибман. *(Ҳ. Ғ.)* 13. Дарҳақиқат, Гулноз Зулунбекни аввал самимий ҳурмат қилган эди. *(Ҳ. Ғ.)* 14. Автобус силжиб, эшик ёпилгач, Фотима болани деразадан Зуҳрага **узатмоқчи бўлди.** *(А. Қ.)* 15. Улар кетгунча, уй тўлиб турган экан. *(Ш.)* 16. Бола ҳушига келиб, онаси томон гандираклаб келаётган эди. *(Ё. Ш.)* 17. У пастки лабини қаттиқ тишлаганича тадбир қидирмоқда эди. *(Ё. Ш.)* 18. О, нақадар жасур ва қувноқ эдик. Ўқирдик, **ўйнардик,** қўшиқ айтардик. *(У.)*

**80-§. Ҳозирги замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда бажарилаётган ёки бажарилмаётганини билдиради.

Ҳозирги замон феъли маъно жиҳатидан икки турга бўлинади: 1. Ҳозирги-келаси замон феъли. 2. Ҳозирги замон давом феъли.

**81-§. Ҳозирги-келаси замон феъли** нутқ сўзланиб турган пайтда ва ундан кейин бўладиган иш-ҳаракатни ёки доимий ҳаракатни англатади. *Теваракда одамлар ва қушлар садолари* ***янграйди.*** *(О.) Ёзда қишлоққа* ***бораман.*** *Баҳорда кўм-кўк либос кийиб олган боғлар кузда сариқ, қизил ва кўкимтир барглар ичида* ***товланади.*** *(С. З.)*

Ҳозирги-келаси замон маъноси феъл негизига равишдош ясовчи ***-а (-й)*** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ифодаланади:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *бораман, ишлайман* | *борамиз, ишлаймиз* |
| II шахс | *борасан, ишлайсан* | *борасиз, ишлайсиз* |
| III шахс | *боради, ишлайди* | *боради (лар), ишлайди (лар)* |

**82-§. Ҳозирги замон давом феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда аниқ давом этиб турганини англатади: *Инженерлар мукаммал терим машинаси яратиш учун қаттиқ* ***ишлашяпти.*** *(О.) Эрта баҳор, дарахтлар эндигина куртак* ***чиқармоқда.*** *(Ж. Шарипов)*

Ҳозирги замон давом маъноси феъл негизига ***-яп*** ёки ***-моқда*** қўшимчасини, шунингдек, ҳозирги замон равишдошига ***-ётиб*** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ифодаланади:

| | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *ўқияпман, ўқимоқдаман, ёзаётибман* | *ўқияпмиз, ўқимоқдамиз, ёзаётибмиз* |
| II шахс | *ўқияпсан, ўқимоқдасан, ёзаётибсан* | *ўқияпсиз, ўқимоқдасиз, ёзаётибсиз* |
| III шахс | *ўқияпти, ўқимоқда, ёзаётибди* | *ўқияпти (лар), ўқимоқда (лар), ёзаётибди (лар)* |

**88-машқ.** Гапларни ўқинг. Ҳозирги замон феълларини топиб, маъно жиҳатидан турини ва фарқини айтинг.



1. Азалдан буён қоронғида қолган қишлоққа катта маданият кираяпти, унинг ҳамма тармоғини гуллатиш керак. *(О.)* 2. Ҳали кўп яшайсиз, кўп нарса кўрасиз, ҳозир ҳам чинакам ёшларча ишлаяпсиз, отахон. *(О.)* 3. Кабинетда ўринбосарнинг ёлғиз ўзи ўтирибди. *(Ё. Ш.)* 4. Бундай олий ҳимматларингиз учун ҳамма сизларга раҳматлар айтишмоқда. *(Ё. Ш.)* 5. Демак, тошкентлик унинг ҳаёти, тақдири, келажаги ҳақида ўйлаяпти. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Бунинг новаторлик эканлигига ҳали ўзим ҳам унча амин эмасман, аммо шундай эксперимент зарурдай бўлиб туюлмоқда. *(И. Р.)* 7. Гап—шу, бизга ўхшаган аскар болаларга кийим тикасиз. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Энди маслаҳатим шуки, Ойниса опага учрашасиз. *(Ҳ. Ғ.)* 9. Бир вақт қарасам, мана бу қўзичоқларни кўтариб келяпти-да. *(П. Қ.)* 10. Ишлаш билан иш битмайди, мард номардга тиз чўкмайди. *(Мақол.)* 11. Подшо курсига ўтирибди, шогирд сартарош эса подшонинг соч-соқолини ола бошлабди. *(Эртакдан.)* 12. Сизга жуда муҳим бир топшириқ бор, қўмондонлик уни фақат сизга ишонади, ўйлайманки, бу топшириқни ҳам шараф билан бажарасиз. *(А. Р.)* 13. Унинг ёнида Лидия барчанинг юрагини эзиб, Ботирга чой тутиб, оғзига овқат солиб ўтирибди. *(Ё. Ш.)* 14. Учираман оқ каптар — Интилади илгари. Ярқирайди қаноатлар, Оқ самолёт сингари. *(Ш. С.)*

**89-машқ.** Қавс ичида берилган феълларни ҳозирги-келаси замонда туслаб гапларни кўчиринг. Ҳозирги-келаси замон феъли қандай маъно ифодалаганини тушунтиринг.

1. Бекорчилик эрта мункиллаб қолишга сабаб (бўлмоқ), меҳнат эса ёшликни узоқ вақт сақлаб (қолмоқ). *(Цельсий.)* 2. Меҳнат бизни уч тангликдан: ғамгинлик, иллат ва муҳтожликдан халос (қилмоқ). *(Вольтер.)* 3. Олтин ўтда, одам меҳнатда (билинмоқ). *(Мақол.)* 4. Одамнинг қиммати қилган иши билан (белгиланмоқ). *(Мақол.)* 5. Қуёш (ёндирмоқ), қумга босилган этик пошнаси (куймоқ), ҳароратдан лаблар қовжираб, танлар кабоб (бўлмоқ). *(Ҳ. Ғ.)* 6. Менинг халқим дўстлик, биродарликнинг қадрини (билмоқ). *(Ҳ. О.)* 7. Эрта-индин пичан ўриш (бошланмоқ). *(С. А.)* 8. Сой жимжит, кимсасиз, фақат у ерда ўтлаб юрган молларнинг қораси кўзга (чалинмоқ), олисроқда, тўғонда бақалар (қурилламоқ). *(И. Р.)* 9. Далаларда иш (қайнамоқ): кимлар пахта (термоқ), кимлар беда (ўрмоқ), кимлар шудгор (қилмоқ). *(М. Исм.)* 10. Беш минутдан кейин (чиқмоқ). *(Ё. Ш.)* 11. Қуёш ҳавони иситса, дўстлик қалбни (иситмоқ). *(Мақол.)* 12. Дўстлик синовларда (чиниқмоқ). *(Мақол.)* 13. Адоват эмас, адолат (енгмоқ). *(Мақол.)*

**83-§. Келаси замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини англатади.

Келаси замон феъли маъно жиҳатидан икки турли бўлади: 1. Келаси замон гумон феъли. 2. Келаси замон мақсад феъли.

**84-§. Келаси замон гумон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзлангандан кейин бажаралиши ёки бажарилмаслиги мўлжалланишини, тахмин қилинишини ифодалайди: *Балки, Йўлдош акамнинг ўзи ҳам* ***ёзиб юборар.*** *(Ҳ. Ғ.)*

Келаси замон гумон феъли феъл негизига ***-р (-ар)*** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ҳосил қилинади:

| Бирлик | Кўплик |
|---|---|
| I шахс *ишларман, ёзарман* | *ишлармиз, ёзармиз* |
| II шахс *ишларсан, ёзарсан* | *ишларсиз, ёзарсиз* |
| III шахс *ишлар, ёзар* | *ишлар (лар), ёзар (лар)* |

**85-§. Келаси замон мақсад феъли** нутқ сўзланган пайтдан сўнг бажарилиши мақсад қилиб олинган иш-ҳаракатни ифодалайди: *Мен ҳам пахтакор, мен ҳам юқори ҳосил* ***олмоқчиман.*** *(О.)*

Келаси замон мақсад феъли феъл негизига ***-моқчи*** қўшимчасини, ҳозирги замон равишдошига ***-диган*** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ясалади:

Бирлик

I шахс *ўқимоқчиман, ўқийдиганман, ёзадиганман*
II шахс *ўқимоқчисан, ўқийдигансан, ёзадигансан*
III шахс *ўқимоқчи, ўқийдиган, ёзадиган*

Кўплик

I шахс *ўқимоқчимиз, ўқийдиганмиз, ёзадиганмиз*
II шахс *ўқимоқчисиз, ўқийдигансиз, ёзадигансиз*
III шахс *ўқимоқчи (лар), ўқийдиган, ёзадиган*

**90-машқ.** Ўқинг. Келаси замон феълларини топиб, маъно жиҳатдан турини ва фарқини айтинг.

. Эртага артель аъзолари ўртасида катта мажлис — митинг ўтказмоқчимиз. *(Ё. Ш.)* 2. Ҳаракатинг эрта бўлса, кузда эрта ўрарсан. *(Мақол.)* 3. Эрта яна ўз уйимга кўчиб келмоқчиман. *(Ё. Ш.)* 4. Меҳнат—бахт келтирар. *(Мақол.)* 5. Уруш севгимиз, садоқатимизни синамоқчи. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Ўт куйдирар, ер тўйдирар. *(Мақол.)* 7. Акамни, Самандарни ҳарбийга олишмоқчи. *(А. Қ.)* 8. Ер тўймагунча эл тўймас. *(Мақол.)* 9. Мен раисимизга, бутун правление аъзоларига битта савол бермоқчиман. *(А. Қ.)* 10. Бу топшириқни мен бажарадиганман. 11. Бирлашган ёвни қайтарар. *(Мақол.)* 12. Илму ҳикмат сувни ёндирар. *(Мақол.)* 13. Дарвоқе, сенга хушхабар келтирармиш. *(Ҳ. Ғ.)* 14. Бирлашган куч енгилмас. *(Мақол.)* 15. Механизация бобида ортиқча қийинчилик бўлмас. *(О.)*

**91-машқ.** Мақолларни кўчиринг, феълларни топиб, замон, шахс ва сонини айтинг. Ажратиб кўрсатилган феълларни ҳозирги замон феъли шаклида қўллаб, гаплар тузинг.

1. Ҳақ ишни халқ **қўллар**. 2. Булбул чаманни **севар**, одам — — Ватанни. 3. Қолган ишга қор **ёғар**. 4. Иш иштаҳа **очар**, дангаса ишдан қочар. 5. Одамни пўстин эмас, иш қиздирар. 6. Ўйламай қилинган иш бошга келтирар ташвиш. 7. Арпа эккан арпа олар, буғдой эккан буғдой олар. 8. Кўмаклашган иш битар. 9. Меҳнат ерда қолмас. 10. Иш устасидан **қўрқар**. 11. Текин бойлик ахтар-



гунча, ўзингга боп ҳунар топ. 12. Сув кетар — тош қолар: ўсма кетар, қош қолар. 13. Сирингни сиртга чиқарма. 14. Оз сўзла, кўп тингла.

**92-машқ.** «Феъл замонлари» жадвалидан фойдаланиб, *ўқимоқ, бормоқ, кўрмоқ, ўйнамоқ* феълларини II шахс бирликда туслаб ёзинг. Тусланган феъллар иштирокида тўртта гап тузинг.




**Феъл майллари**

**86-§.** Иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабатини кўрсатувчи формалар феъл майли дейилади.

Майл феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш хусусиятини, имкониятини ифодалайди. Масалан, *ўқидим* феъли иш-ҳаракат ҳақиқатан бажарилганини, *ўқисанг* феъли иш-ҳаракатни бажариш ҳақида шарт-истакни, *ўқи* феъли эса иш-ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида буйруқни билдиради.

Ўзбек тилида, асосан, уч майл бор: 1. Аниқлик майли. 2. Буйруқ-истак майли. 3. Шарт майли.

**87-§. Аниқлик майли** иш-ҳаракатнинг уч замондан бирида ҳақиқатан ҳам бажарилиши ёки бажарилмаслигини англатади.

Аниқлик майли феълнинг равишдош, сифатдош формаларини, соф феълларни туслаш билан ҳосил қилинади. Майл маъноси грамматик замон ва шахс маъноси билан узвий боғланади. Масалан, *айтганман* феъли орқали иш-ҳаракат I шахс томонидан ўтган замонда аниқ бажарилгани, *айтибди* феъли орқали иш-ҳаракат III шахс томонидан ўтган замонда аниқ бажарилганини ҳикоя қилиш, *айтмадинг* феъли орқали эса иш-ҳаракат II шахс томонидан ўтган замонда аниқ бажарилмагани ифодаланади.

Аниқлик майлидаги феъллар I ва II группа тусловчилари ёрдамида тусланади.

88-§. **Буйруқ-истак майли** иш-ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ҳақида буюриш, истак, сўраш, илтимос, маслаҳат, чақириш каби маъноларни ифодалайди.

Буйруқ-истак майлининг тусланиши

| Шахс \ Сон | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I | *ёзай, ишлай* | *ёзайлик, ишлайлик* |
| II | *ёз, ишла, ёзгин, ишлагин* | *ёзингиз, ишлангиз* |
| III | *ёзсин, ишласин* | *ёзсин (лар), ишласин (лар)* |

Буйруқ-истак майлидаги феълларнинг I шахси буюриш, илтимос маъноларини англата олмайди. Чунки сўзловчи бевосита ўзига буйруқ беролмайди: I шахсда истак, хоҳиш, аҳд маъноларини ифодаланади: *ёзайин, ишлайин каби.*

Сўзловчининг ҳаракатни бажаришга ундаши бевосита II шахсга қаратилган бўлади. III шахсга эса II шахс орқали буюрилади; *ўқисин, билсин* каби.

Буйруқ-истак майлидаги феълларнинг II ва III шахслари тинч ва паст оҳангда айтилганда, истак, илтимос, маслаҳат маънолари ифодаланади; агар II шахс бирлиги ҳурмат маъносини ифодаласа, феъл ўзак-негизига ***-нг(-инг)*** қўшимчаси қўшилади: *ишланг, ёзинг.*

89-§. **Шарт майли** бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун ундан олдин бажарилиши шарт бўлган иш-ҳаракатни, шунингдек, иш-ҳаракатни бажариш-бажармаслик ҳақида қатъий бўлмаган истак, маслаҳат, фараз маъноларини англатади: *Меҳнатингни ҳалол **қилсанг,** ҳузурини кўп кўрасан. (Мақол.)*

Шарт майли феъл ўзак-негизига ***-са*** қўшимчасини қўшиш ва туслаш билан ҳосил қилинади. Шарт майлидаги феъллар, асосан, икки замон шаклига эга: 1) келаси замон шарт-истак феъли; 2) ўтган-келаси замон шарт феъли.

90-§. **Келаси замон шарт-истак феъли** асосан нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин бажарилиши шарт қилиб қўйилган иш-ҳаракатни билдиради: *Экин яхши парвариш **қилинса,** ҳосил мўл бўлади.*



Келаси замон шарт-истак феъли содда гапнинг кесими вазифасида келганда, истак, илтимос, маслаҳат маъноларини, *керак, бўлмоқ* сўзлари билан ишлатилганда, гумон, таҳмин, ноаниқлик маъноларини ифодалайди: *Ҳаммамиз имтиҳондан муваффақиятли **ўтсак.** Сен ҳам кутубхонага **борсанг.** Имтиҳонга бирга **тайёрлансак.** Бугун кутубхонага **борсам керак.***

91-§. **Ўтган-келаси замон шарт феъли** нутқ сўзланиб турган пайтдан илгари бажарилиши исталган ёки шарт бўлган иш-ҳаракатни билдиради.

Ўтган-келаси замон шарт феъли феъл ўзак-негизига ***-са*** қўшимчасини қўшиб туслаш, сўнг *эди* тўлиқсиз феълини келтириш билан ясалади: *ишласам эди, ишласанг эди, ишласак эди, ишласангиз эди.* Бу феъл содда гапнинг кесими вазифасида қўлланганда, келаси замон истак маъносини. *Орзу-ҳавасларим бор. Тўйингни **кўрсам,** болагинангни **эркаласам.** (О.);* эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда, ўтган замон шарт маъносини ифодалайди: *Пахтакорларимизга томоша **қўйиб бермасангиз,** поездга чиқармаймиз.(Ҳ.Ғ.)*

**93-машқ.** Мақолларни кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг ҳамда қайси майлда қўлланганини, замони, шахси ва сонини айтинг.

1. Бошингга қилич келса ҳам, тўғри гапир. 2. Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам билинади. 3. Яхшида гина бўлмас, ёмондан гина кетмас. 4. Яхшидан боғ қолар, ёмондан — доғ. 5. Яхшилик нур келтирар. 6. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан. 7. Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин. 8. Сиҳат тиласанг, кўп ема: иззат тиласанг, кўп дема. 9. Йўлни билган ҳоримайди.

**94-машқ.** Текстни ўқинг. Аниқлик майлидаги феълларни топиб, замони, шахси, сонини айтинг. Ажратиб кўрсатилган феълларни уч замонда бўлишсиз шаклда тусланг.

Сайрамов тўғон бошига келганда, бу ерда иш қайнамоқда эди. Водхоз бошлиғи ёш инженер ирригатор Муродов худди катта ёнғин вақтидагидай, ошиғичлик, ғайрат ва ҳаяжон билан иш олиб бораётган эди. Қоронғида Сайрамов энг яхши мирообларни овозларидан **таниди . . .** Яна ҳар ёқдан узлуксиз равишда тўда-тўда колхозчилар **келар,** тўғри суронли курашга отилардилар.

Кимдир катта машъал **ёқди.** Сув тўлқинлари қип-қизил оловланди. Колхозчилар сурон билан материал ташимоқда эдилар. *(О.)*

**95-машқ.** Гапларни кўчиринг. Аниқлик майлидаги феълларнинг тагига чизиб, устига замони, шахси ва сонини ёзинг.

1. Орзу қанот бағишлайди. *(Мақол.)* 2. Атрофни қуршаган тоғлар, қирлар, дарахтлар, толлар — ҳамма нарса баҳор ҳавосига чўмилгандай тиниқ, ям-яшил кўринади. *(Ҳ. Н.)* 3. Маҳаллаларда хотин-қизларни йиғиб мажлислар ўтказамиз. *(Ё. Ш.)* 4. Ҳунёблигининг учта сабаби бор: биринчидан, хотини Меҳрибон буви бетобланиб қолди. Иккинчидан, Дадавой билан савдоси битмади. Учинчи-

дан, у азондан бери ҳеч кимни топа олмаяпти. *(Ҳ. Ғ.)* 5. Йилимизнинг салмоқдор иши Тўрт фаслга текис бўлинар. Қиш тайёрлар, баҳор экади, Куз йиғади, ёз тарбиялар. *(У.)*

6. Ғайрат: мен тўхтамай жадал юрдим, дер,
Меҳнат: экканимни барвақт тердим, дер.
Билим: мушкулларни тез емирдим, дер.
Уч дўстнинг кучидан ўлка баҳра ер. *(М. Ш.)*

**96-машқ.** Буйруқ-истак майлидаги феълларни топиб, замони, шахс-сонини ва қандай маъно ифодалашини айтинг. Ажратиб кўрсатилган феълни бўлишли ва бўлишсиз шаклда тусланг ва II шахс бирлик шакли билан гап тузиб ёзинг: бунда феъл илтимос, маслаҳат маъносини ифодаласин.

1. Умрни зое этма, меҳнат қил. Меҳнатни саодатнинг калити бил. *(А. Навоий)* 2. Сабр қилинг, ҳурматли китобхон, олдин қишлоқ билан **танишайлик**. *(И. Р.)* 3. Тўхта, доно, оқила кампир, гуноҳсиз болаларни жувонмарг қилма. *(Ч. Айт.)* 4. Боринг, ишга чиқаринг, аммо қаттиқ кузатиш остида бўлсин. *(Ё. Ш.)* 5. Инсонга ақл ва шуур шу мақсадда берилганким, у бу теран ҳақиқатни **тушунсин**. *(О. Ё.)* 6. Авазингни, ота, номард билмагин, Жавоб **бергин** мени йўлдан урмагин. *(Достондан.)* 7. Фарзандларимиз муродмақсадига етишсин, қўша қаришсин. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Марду майдонлар ҳам ҳунарини кўрсатсин, кўрайлик. 9. Келинг, мана шу она ер олдида сўз берайлик. *(П. Қ.)* 10. Қишлоқдаги одамлар сенга қандай интилаётган бўлса, уйингдагилар ҳам сенга шундай интилсин. *(Ҳ. Ғ.)* 11. Даврон суринг ҳур меҳнатда, асти **толманг**. *(А. П.)* 12. Ёзавер, ёзавер, зеҳн қўйиб ёз, Зафарни мармарга, майли, ўйиб ёз. *(А. П.)* 13. Мен сенга топшираман ҳарна-боримни, Санамжон, душманга сиринг билдирма. *(Достондан.)*

14. Дўстим, юр тезроқ, сайр этайлик бир.
Элни ўрганмоқ ўзи мактабдир.
Бепоён яйлов қурайлик роса. *(П. М.)*

**97-машқ.** Кўчиринг. Шарт майлидаги феълларни аниқлаб тагига чизинг шахс-сони, замонини устига ёзинг ва маъносини айтинг.

1. Коммунистларни ҳар ишда етакчи қила билсангиз, марра сизники. *(О.)* 2. Элу юртинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас. *(Мақол.)* 3. Кучли қўлингизда яроғ бўлолсам. Сизга оқопларда ҳамдам бўлолсам. *(Ж. Жабборов.)* 4. Шамол қайтомонга эсса, майсалар ҳам шу томонга бош эгади. *(И. Р.)* 5. Қани энди бир парча соя-салқин жой топилса, ғир-ғир шабада эсиб баданни совитса, танга ором, қалбга тоқат бағишласа. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Шундай ғазалларни эшитсанг, қандай ҳузур қиласан киши-я. *(О.)* 7. Онажон! Шу суратни менга берсангиз. *(Ҳ. Тожибоев)* 8. Клубда газеталар, китоблар ўқилмаса, музика чалинмаса, фойдали докладлар қилинмаса, унинг нимага, кимга кераги бор. *(О.)* 9. Йўл қайтомонга кетса, Ашурмирзо ҳам ўша томонга бораверди. *(М. Исм.)* 10. Шу прогулчилар аввал группаларнинг ғалвиридан ўтказилса, кейин уларнинг кучи етмаганини биз эласак. *(П. Қ.)* 11. Шоир ўз халқининг кўнглини тополса, Минг кўзли чашмадай қайнаб кетади. *(Р. Бобожон.)* 12. Агар буюрсангиз, қил билан фил боғлашга, тирноқ билан тоғ қўпоришга тайёрман. *(Ғ. Ғ.)*



**98-машқ.** Гаплардаги феълларни топиб, майлини аниқланг. Ҳар бир майлни сарлавҳа билан ёзиб, шу феъл ёнига қавс ичида замони, шахси, сонини кўрсатинг.

1. Элга қўшилсанг, эл бўласан, элдан ажралсанг, ер бўласан. *(Мақол.)* 2. Меҳнат қилсанг, роҳат кўрасан. *(Мақол.)* 3. Қузатувчилар поездга кечикмаслик учун трамвай тўхтайдиган жойга чопдилар. *(Ҳ. Ғ.)* 4. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил. *(Мақол.)* 5. Саида чироқни пуфлаб ўчиргандан кейин чиқиб кетди. *(А. Қ.)* 6. Ичкаридан чиқиб келган Маҳдум мулла Абдураҳмонни кўриб қолди. *(А. Қод.)* 7. Лейтенант қизил қутичадан орденни олиб, унга томон кела бошлади. *(С. А.)*

8. Отангга бўлмагил арзанда банди,
Бандидан чиқиб, бўл ҳунар фарзанди. *(А. Жомий.)*

9. Илмдан яхшироқ хазина бўлмас,
Қўлингдан келгунча тера олсанг бас. *(Рудакий.)*

10. Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўрганда ундан ибрат ол. *(Низомий.)*

**99-машқ.** Қавс ичида берилган феъллардан II шахс бирлик, бўлишли ёки бўлишсиз шаклдаги буйруқ-истак феъли ясаб, мақолларни кўчиринг.

1. Етти (ўлчамоқ), бир (кесмоқ). 2. Иш сени (енгмаслик), сен ишни (енгмоқ) 3. Гап билан (шошмаслик), иш билан (шошмоқ). 4. Темирни қизиғида (босмоқ). 5. Меҳнатдан (қўрқмаслик), миннатдан (қўрқмоқ). 6. Гап билгунча, иш (билмоқ). 7. Кўкка (боқмаслик), кўпга (боқмоқ). 8. Юзига (қарамаслик), билимига (қарамоқ). 9. Дўстингни ёмонлагандан (қочмоқ). 10. Ўзингга эҳтиёт (бўлмоқ), қўшнингни ўғри (тутмаслик). 11. Ақлингга ақл (қўшмоқ), жаҳлингга сабр. 12. Бефойда сўзни (айтмаслик), фойдали сўздан (қайтмаслик).

**100-машқ.** Қавс ичида берилган феъллардан II шахс бирлик, бўлишли ёки бўлишсиз шаклдаги шарт феъли ясаб, мақолларни кўчиринг.

1. Меҳнат (қилмоқ), яшарсан, катта-катта ошарсан. 2. Қаловини (топмоқ), қор ҳам ёнар. 3. Меҳнатингни ҳалол (қилмоқ), ҳузурини кўп кўрасан. 4. Ер (ҳайдамоқ), куз ҳайда; куз (ҳайдамаслик), юз ҳайда. 5. Ўйлаб-ўйлаб жўяк (очмоқ), ўйнаб-ўйнаб суғорасан. 6. Олим (бўлмоқ), такрор қил; деҳқон (бўлмоқ), шудгор қил. 7. Тер тўкиб (сочмоқ) уруғ, ер сени қўймас қуруқ. 8. Молга (бермоқ), соз емиш, боқар сени ёзу қиш. 9. (Бермоқ) оласан, (экмоқ) ўрасан. 10. Бир кун бурун (сочмоқ), ҳафта бурун ўрасан. 11. Олим (бўлмоқ), олам сеники. 12. Сўзингни билиб (сўзламоқ), тилингнинг дури тўкилмас.

**101-машқ.** *Ўқимоқ, истамоқ, интилмоқ, тушунмоқ* феъллари иштирокида иккитадан гап тузинг. Бунда гапларнинг бирида феъл келаси замон шарт-истак маъносида, иккинчисида буйруқ-истак маъносида келсин.

Ўзбек тилида феъллар икки хил усул билан (морфологик ва синтактик) ясалади.

**92-§. Морфологик усул билан** махсус феъл ясовчи қўшимчалар ёрдамида бошқа сўз туркумларидан феъл ясалади: ***-ла*** қўшимчаси отдан *(тузла, гулла, музла, метрла)*, сифатдан *(яхшила, оқла)*, равишдан *(тезла, секинла)*, ундовдан *(гумбурла, ухла)*; ***-а*** қўшимчаси от, сифат, тақлидий сўз негизидан *(оша, ана, ўйна, сана, яша, қийна, гулдура)*; ***-й (-ай)*** қўшимчаси от, сифатдан *(кучай, қорай, улғай)*; ***-р (-ар)*** қўшимчаси сифатдан *(оқар, қизар, эскир)*; ***-ик (-иқ)*** қўшимчаси от, равиш, сон, ундовдан *(йўлиқ, кечик, бирик, ҳайиқ)*; ***-ир (-ур)*** қўшимчаси от ва ундовдан *(гапир, туфур)*; ***-сира*** қўшимчаси от ва олмошдан *(сувсира, сизсира)*; ***-и*** қўшимчаси от ва сифатдан *(бойи, тинчи)*; ***-қир, -илла*** қўшимчалари ундовдан *(ҳайқир, жиғилла)* феъл ясайди.

***-лан, -лаш*** қўшимчалари от, сифат, сондан бир вақтда ҳам феъл, ҳам феълнинг ўзлик ёки биргалик нисбатини ясайди: *гаплаш, бирлаш* (феъл, биргалик нисбати), *жонлан, шодлан, иккилан* (феъл, ўзлик нисбати).

**93-§. Айрим феъл ясовчиларнинг ёзилиши.** Феъл ясовчи ***-а*** қўшимчаси *ўйин, қийин* каби сўзларга қўшилганда, иккинчи бўғиндаги **и** унлиси тушиб қолади ва шундай ёзилади: *ўйин+а→**ўйна**, қийин+а→**қийна**; сон, от, ёш* каби бир бўғинли сўзларга қўшилганда эса, негиздаги **о** товуши **а** товушига айланади ва шундай ёзилади: *сон+а→**сана**, от+а→**ата**, ёш→**яша*** каби.

Феъл ясовчи ***-ай*** қўшимчаси *паст, суст* сўзларига қўшилганда, ***т*** ундоши, *улуғ* сўзига қўшилганда эса **у** унлиси тушиб қолади ва шундай ёзилади: *паст+ай→**пасай**, суст+ай→**сусай**; улуғ+ай→**улғай**.*

**94-§ Синтактик усул билан** қўшма ва жуфт феъллар ясалади. Қўшма феъллар икки хил тузилади:

1. Феъл бўлмаган сўзларнинг феъл билан бирикишидан: *ҳимоя қил, жавоб бер, кўл қўй, ёд ол, назар сол, умр сур, оҳ ур.*

2. Икки ва ундан ортиқ феълларнинг бирикишидан: *олиб чиқ, сотиб ол, ола кел; ёзиб қўя қол, айтиб қўя қол, ўқиб кўр.*

Икки феълнинг бир хил шаклда бирикишидан *айтди-қўйди. ёзди-олди, ўтди-кетди* каби жуфт феъллар ҳосил бўлади.

Қўшма феъллар доим алоҳида ёзилади: *ёзиб кўр, ўқиб ол, имзо қўй.*

Жуфт феъллар чизиқча билан ёзилади: *билди-олди, уқди-қўйди.*

**102-машқ.** Қуйидаги сўзлардан ***-ла, -а, -й (-ай), -р (-ар), -ик (-иқ), -ир, -и, -қир, -илла, -лан, -лаш*** ясовчи қўшимчалари ёрдамида феъллар ясаб ёзинг. Ажратиб кўрсатилган сўзлардан ясалган феълларнинг ёзилишини тушунтиринг.

**Қиш**, қисир, чуҳ, **сон**, ёш, **қийин**, **ўйин**, **қора**, **улуғ**, сариқ, чин, гап, сен, **уйқу**, бой, тақ, шақ, жон, шод, сўз, **паст**, **суст**, бош, завқ, шакл, **хотир**, ўқ, қоп, **ҳисоб**, жуфт, дим, гул, мустаҳкам, янги, от, бўш, **қайғу**, мавж.



**103-машқ.** Ясама феълларни топиб, қайси сўз туркумидан қайси қўшимча ёрдамида ясалганини айтинг. Ясама феълларни кўчириб, феъл ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

1. Яхши гаплардан гаплашайлик. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Унинг орқасидаги қадимги тор кўчаларда уч-тўрт маҳалла аҳолиси зич яшар, бироқ маҳаллаларнинг орқа томони бўш сайҳонлик, жарлик эди. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Фақат Акбаров аввалгидай жиддий, Зокир эса лавлагидай қизарган эди. *(П. Қ.)* 4. У Анвар билан бафуржа гаплашиш мақсадида сўрига таклиф қилди. *(А. Қ.)* 5. У ёмғир қуйиб тургани учун, шу ерда тунашга мажбур бўлди. *(С.А.)* 6. Фотима ўзининг яқинлашиб келаётган бахтсиз тақдирини кутди. Аммо революция ёғдуси зулматни парчалади. *(П. Т.)* 7. Уруш ҳам тугади, отаси қайтиб келиб тирикчиликлари ҳам яхшиланди. *(П. Қ.)* 8. Қуёшли тонг латофатини ўзига кўчирган ранг-баранг гуллар кенг водийни яшнатиб юборди. *(Ш. Р.)* 9. Гулнор кўзларини жавдиратиб онасига яқинлашди. *(О.)* 10. Пахта кўпаймаса, колхознинг бойлиги кўпаймайди. 11. Манзура кўпдан бери йиғилиб қолган гапларини қизларга шивирлаб ҳикоя қила бошлади. *(О.)* 12. Бир палатада узоқ бирга ётган беморлар иноқлашиб, қадрдонлашиб кетишади. *(Ҳ. Ғ.)* 13. Олтинсой қишлоғи мана шу Кўктоғ этакларига жойлашган бўлиб, чўққилардан қараганда мевазор боғни эслатади. *(Ш. Р.)* 14. Бир неча кун давомида деворларни оқлатди. *(А. Қ.)* 15. Ташқарида бўрон увиллайди, шамолда чайқалган дарахтлар ваҳимали шовиллайди, деразаларга урилган қор учқунлари эриб кўз ёшидай тирқираб оқади. *(И. Р.)*

**104-машқ.** Гапларни кўчиринг. Қўшма феълларни аниқлаб, ясалишини ва ёзилишини тушунтиринг.

1. У зарур нарсаларини йиғиштириб жўнаб кетди. 2. Бу фикрга Моҳимдан бўлак ҳамма рози бўлди. 3. Буни сезган Ўлмас ичида жуда ҳам хурсанд бўлди. 4. Искандаров аста кабинет эшигини қоқиб, ичкарига кириб борди. 5. Дилдор тўсатдан туғилган бу фикрдан ҳайрон бўлди. 6. Негадир Дилдорнинг икки юзи қизариб, ҳуснига ҳусн қўшилиб борарди. 7. Ўлмас энди ўлимни тамоман бўйнига олиб қўйган эди. 8. Дилдор уни ҳурмат билан кутиб олди. 9. Кеча Искандаров акамлар айтиб қолдилар. 10. Сайёра хурсанд бўлиб чиқиб кетди. 11. Эртаси куни Ботир мақтаниб, ўз синфидаги болаларни бошлаб келди. 12. Докторнинг шифобахш қўли Мирҳожибойни ҳам ўлим чангалидан узиб олди. 13. Ота-бола имкони бўлса ўзларини Ўлмас йўлида қурбон қилишга тайёр эдилар. 14. Армияга қадар аввал заводда токарь эдим, кейин шоферликни ўрганиб, машина ҳайдай бошладим. 15. Бу орада Ўлмас машинага чиқиб олди. *(Ё. Шукуров* асаридан.)

**105 - машқ.** Гапларни ўқинг. Қўшма ва жуфт феълларни танлаб, алоҳида- алоҳида ёзинг.

1. Омон полвоннинг гапидан Охунбобоев завқланиб кетди. *(С. А.)* 2. Унда Волков машина ва турбинларни вагонга юклагани ҳақида хабар қилган эди. *(С. А.)* 3. Анчадан бери сув урилишидан тебраниб турган сепоя қимирламай қолди. *(С. А.)* 4. Сиз йўл - йўлакай менга қараб-қараб қўйдингиз - да, секингина сўрадингиз. *(Ў. Ҳ.)* 5. Унинг ҳеч бир истаги ерда қолмади, бироқ ҳаммаси Дадавойнинг мақсадига зид бўлиб чиқди. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Адл терак гавдасини ғоз тутиб шовиллаб турар, япроқлари ой нурида кумуш тангалардай ярақлаб - ярақлаб кетарди. *(Ў. Ҳ.)* 7. Деҳқонларнинг онги ошиб, улар халқ, Ватан олдидаги бурчни ҳис қила бошладилар. *(И. Р.)* 8. Шудрингдан ҳўл бўлиб кетган жингалак сочларини ушлаб ўрнидан турар, увишиб қолган қўлларини уқалаб-уқалаб қўярди. *(Ў. Ҳ.)* 9. Мен хат ёзяпман, шам эса ўзининг нозик жилваси билан шу сатрларни ялаб - ялаб қуритяпти. *(Ў. Ҳ.)* 10. Уни бир кўрган одам кимлигини аниқлаб олса бўлади. *(Ш.)* 11. Нафиса узил-кесил бир фикрга келган бўлса ҳам, қайнатаси Тешабой олдидан ўтишни лозим топди. *(Ш.)* 12. Эртасига Умматалини яна бир хабар кутиб турган эди. *(Ш.)*

**106 - машқ.** Қуйидаги текстни ўқинг. Феълни разбор қилиш тартиби асосида феълларни тўлиқ морфологик разбор қилинг.

### Феълни разбор қилиш тартиби.

1. Бош шакли.
2. Ўтимли - ўтимсизлиги.
3. Нисбати.
4. Бўлишли - бўлишсизлиги.
5. Шахси, сони.
6. Замони ва унинг тури.
7. Майли.
8. Тузилишига кўра тури: содда (туб ёки ясама), қўшмэ, жуфт.
9. Гапдаги вазифаси.

Намуна: *қурамиз* — феъл, бош шакли — *қурмоқ*, ўтимли, аниқ нисбат, бўлишли, I шахс, кўплик, ҳозирги - келаси замон (келаси замон маъносида), аниқлик майли, содда, туб; гапда — кесим.

— Гидростанция қурамизми, ўзингиз бу ишга бош-қош бўласизми?

Раис бошини қуйи солиб, қўлидаги пиёлани бармоқлари билан қандайдир ўйин - рақс оҳангида чертиб, бир вақтлар ўзи орзу қилган бу таклифни тарозисида ўлчаб, ниҳоят, илжайиб деди:

— Электр бир мўъжиза эканини қайси кўр тушунмайди? Электр қишлоққа сувдай даркор. Аммо хамир қормасдан бурун, тандирга ўт ёқма. Тайёргарлик кўрайлик. Энди тушундим, сен ташландиқ ерлардан даромад олмоқчисан. Колхоз — барака дарёси. Назаримиздан қочган ўзга кирим йўллари бордир. Бу йил боғимизда ҳосил уч ҳисса ортиқ. Лекин ҳаммадан бурун пахтага зўр берайлик. Биз пахтакор. Пахта — меҳнатнинг ҳам кони, даромаднинг ҳам кони. *(О.)*

**107 - машқ.** Бошланғич синфлар программаси ва «Ўзбек тили» дарсликларини ўрганиб, I — III синф ўқувчилари «феъл» ҳақида қандай маълумотлар билан таништирилишини айтинг.



**108 - машқ.** Бошланғич синфларнинг «Ўзбек тили» дарсликлари билан танишиб, ўқувчилар феълнинг ёзилишига доир қайси имло қоидаларини ўрганишини айтинг.

## РАВИШДОШ

**95 - §.** Равишдош ҳаракатни иккинчи бир ҳаракатнинг белгиси сифатида англатувчи феъл формасидир. Равишдош гапда ҳол ёки эргаш гапнинг кесими вазифасини бажаради: *Раис Сорабибини хушсандчилик билан* ***қайта - қайта*** *қутлади. (О.) Тонг ели* ***ўйнагач,*** *қанотин* ***ёзиб, Тебраниб, чайқалиб*** *очилди гуллар. (У.)*

Равишдош феъл каби, ўтимли - ўтимсизлик, бўлишли - бўлишсизлик, нисбат, замон маъноларини билдиради: *ўқигач* — ўтимли, бўлишли, аниқ нисбат, ўтган замон; *ўқилиб* — ўтимсиз, бўлишли, мажҳуллик нисбати, ўтган замон; *ўқимагунча* — ўтимли, бўлишсиз, аниқ нисбат, келаси замон ва ҳоказо.

**96 - §.** Равишдош феъл негизига ***-б (-иб), -а(-й), -гач (-кач, -қач), -гани (-кани, -қани), -гунча, (-кунча, -қунча)*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади: *ўқиб, ёзиб, ўқигач, экқач, чиққач, ўқигани, экқани, боққани, ўқигунча, экқунча, чиққунча.*

**97 - §.** Равишдошларнинг замони нисбий бўлади, яъни шу гапдаги тусланган феълнинг замонига нисбатан белгиланади. Равишдошлар, замон маъносига кўра учга бўлинади: 1. Ўтган замон равишдоши. 2. Ҳозирги замон равишдоши. 3. Келаси замон равишдоши.

**98 - §. Ўтган замон равишдоши** феъл негизига ***- б(- иб), -гач (- кач, -қач)*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади; гапда тусланган феъл ифодалаган асосий ҳаракатдан илгари бўлган ёки у билан деярли бир вақтда давом этса ҳам, ундан олдин бошланган-дек тушуниладиган ҳаракатни билдиради. Масалан, *Келиб кетди* гапидаги равишдош *(келиб)* кетиш ҳаракатидан илгари бажарилган ҳаракатни билдиради. *Шеърни завқланиб ўқиди* гапидаги равишдош *(завқланиб)* ўқиш ҳаракатидан олдин бошланган-дек кўринадиган ҳаракатни билдиради: *Ўқигач билди. Ўқиб билди.*

Ўтган замон равишдошининг бўлишсиз формаси ***-ма*** қўшимчаси билан ясалади: *ёзмаб(ман), ёзмай, ёзмасдан; ёзмагач* каби.

**99 - §. Ҳозирги замон равишдоши** феъл негизига унлидан сўнг ***-й***, ундошдан сўнг ***-а*** қўшимчасини қўшиш билан ясалади; гапда тусланган феъл ифодалаган асосий ҳаракат билан бир вақтда бўлган ҳаракатни билдиради: *У* ***кула - кула*** *гапиради.* ***Ўқий - ўқий*** *уқди.* Бўлишсиз шакли ***-ма*** қўшимчаси билан ясалади: *кулмай, ўқимай; бормай.*

**100 - §. Келаси замон равишдоши** ***-гани (-кани, -қани), -гунча (-кунча, -қунча)*** қўшимчалари билан ясалади; гапда тусланган феъл ифодалаган ҳаракатдан сўнг бажарилиши мақсад қилиб олинган ҳаракатни *(У* ***ўқигани*** *келди)*, ҳаракат давом қилиши вақтининг ўлчови бўлган ҳаракатни англатади: *То Қамбар* ***келгунча,*** *хизматни Йўлчи бажариб турди. (О.)*

**101 - §.** ***Равишдошларнинг имлоси.*** Равишдошларнинг ёзилишига доир асосий ҳолатлар қуйидагича: 1. Жарангсиз ундош билан

тугаган феъл негизларига ***-гач, -гани, -гунча*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалган равишдошларда **г** товуши жарангсизланиб **к** тарзида талаффуз қилинади, аммо аслича ёзилади: *айтгач, айтгунча, ичгунча, шошгач, кесгани.*

2. Равишдош ясовчи ***-гач, -гани, -гунча*** қўшимчалари феъл негизи **к** ёки **г** билан тугаганда, ***-кач, кани, -кунча*** шаклида, **қ** ёки **ғ** билан тугаганда, ***-қач, -қани, -қунча*** шаклида қўшилади. Бунда негиз охиридаги **г** ундоши **к** товушига, **ғ** жарангли ундоши **қ** жарангсиз ундошига айланади ва шундай ёзилади: *эг+кач→**эккач,** йиғ+қач→**йиққач,** туғ+кач→**туккач.***

3. Такрорланган ҳолда қўлланган равишдошлар чизиқча билан ёзилади: *Бектемир дарахтлар орасидан ҳатлаб, **қоқила-қоқила** чопди, **тентирай-тентирай** тош йўлга яқин сайҳонликка чиқиб олди (О.)* каби.

**109-машқ.** Гапларни ўқинг. Равишдошларни топиб, ясалиши ва гапдаги вазифасини айтинг.

1. Гулноз турмуши, иши, азоби, соғинчларини — ҳамма-ҳаммасини оқизмай-томизмай ёзди. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Биз докладни завқланиб тингладик. *(А. Мираҳмедов.)* 3. Кўча эшик ғижирлаб очилди. *(А. Мираҳмедов.)* 4. Икки йўловчининг қисқа соялари катта-кичик тош, турли дашт ўсимликлари устидан эгилиб-букилиб борар эди. *(А. Қ.)* Сўзлар фикрнинг олтин ипига терилиб, қофиялар бир-бирини имлаб, улар иноқлик билан қўл бериша бошладилар. *(О.)* 6. Дадам мени имлаб чақирди ва ирғиб ўрнидан турди. *(А. Қ.)* 7. Муқаддам девор тагига ташлаб қўйилган ялоқ ғиштлар устидан сакраб-сакраб ўтиб, айвон эшигини шарақлатиб очди. *(Ў. Ҳ.)* 8. У ҳам партбюронинг секретари билан сўрашгач, асли мақсадини очиқ айтиб қўя қолди. *(С. А.)* 9. Анкета савол-жавоблари тугагач, терговчи Сурхонбойни коридорга чиқариб қўйди. *(И. Р.)* 10. Чол боши билан тасдиқлагач, йигит давом этди. *(О.)* 11. Ёрмат супа атрофига сувни қалин сепгач, улар супага ўтишди. *(О.)*

**110-машқ.** Қуйидаги феъллардан ўтган ва ҳозирги замон равишдошлари ясанг: равишдошлар иштирокида тўртта гап тузиб ёзинг, равишдошнинг маъносини айтинг.

Эшитмоқ, ёзмоқ, ёздирмоқ, ўқимоқ, чиқмоқ, боқмоқ, эгмоқ, тугмоқ, кўрмоқ, хоҳламоқ, курашмоқ, чиниқмоқ, ҳаяжонланмоқ, экмоқ.

**111-машқ.** Қуйидаги феъллардан келаси замон равишдошлари ясанг ва шу равишдошлар иштирокида тўртта гап тузиб ёзинг.

Ўрганмоқ, тушунтирмоқ, эҳтиётламоқ, ёзилмоқ, қарашмоқ, бормоқ, қурмоқ, гулламоқ, гуллатмоқ, ушламоқ, тўхтатмоқ, чиниқтирмоқ.

**112-машқ.** Гапларни ўқинг, равишдошли бирикмаларни айтинг.

1. Сенинг келганингни эшитиб, уйга меҳмон келганига ҳам қарамай, бу ёққа чопдим. *(А. Қод.)* 2. Нафиса енгил тортиб, совхозга қайтди. *(Ш.)* 3. Дунёни сув босиб, ўт олса ҳам, эгрининг эгрилиги очилади. *(Ҳ. Ғ.)* 4. Навоий рухсат сўраб ташқарига чиқди. *(О.)* 5. Мен дўконга югуриб кириб воқеани айтдим. *(А. Қ.)* 6. Ҳаётда



биринчи марта болаларни ташлаб узоқ сафарга кетаётган Сабохон кўзига ёш олиб извошга чиқди. *(Ё. Ш.)* 7. Ўлмас тонг отаётганини пайқаб шошилиб укасини уйғотди. *(Ё. Ш.)* 8. У кўприк устида туриб, сувда оқиб кетаётган япроқларга тикилиб қолди. *(С. А.)* 9. Кейин билакларини шимариб олганча пишқириб-пишқириб ювина бошлади. *(Ў. Ҳ.)* 10. Анвар бир қўлини баланд кўтариб, эшик кесакисидан ушлаганча гоҳ Алимардонга, гоҳ Муқаддамга қараб турар эди. *(Ў. Ҳ.)* 11. Анвар яна негадир ўзидан-ўзи уялиб, кўзларини олиб қочди. *(Ў. Ҳ.)* 12. Алимардон япроқларнинг пирпираб учишини томоша қила-қила пинакка кетди. *(Ў. Ҳ.)*

**113-машқ.** Равишдошларни топиб, тўлиқ морфологик разбор қилинг.

Намуна. *Қучоқлаб* — феълнинг равишдош формаси, ўтимли, аниқ нисбат, бўлишли, ўтган замон; гапда — ҳол.

1. Аям мени қучоқлаб, бир кулиб, бир йиғлаб, хурсандчилигини изҳор қилди. *(А. Қ.)* 2. Юлдузлар бирин-сирин ўчиб, тонг ота бошлади. *(О.)* 3. Муқаддам елкаларини силкитиб-силкитиб, қаҳ-қаҳ уриб кулди. *(Ў. Ҳ.)* 4. Бу оқшом ой ҳам эрта чиқди, тўлиб, қип-қизариб, яшнаб-яшнаб чиқди. *(Ў. Ҳ.)* 4. Шийпонлар оқланиб, унинг деворларига колхознинг пахтадан оладиган даромадлари ёзилди. *(С. А.)* 5. Ичкарида ашула тугаб, шовқинли кулги кўтарилди. *(Ас. М.)* 6. Алимардон бетоб қолганидан бери, гоҳ Анвар, гоҳ онаси ҳар куни келиб, унинг ҳолидан хабар олиб туришарди. *(Ў. Ҳ.)* 7. Дилшоднинг овози титраб, юраги урар эди. *(М. Исм.)* 8. Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб. *(Мақол.)* 9. Шу ондаёқ у воқеани айтиб бермоқчи бўлди, бироқ мен амакимдан қўрқиб, индамадим. *(А. Қ.)* 10. Ҳамидулла бу гапларни шундай оҳангда гапирар эдики, қизлар қотиб-қотиб кулишарди. *(П. Қ.)*

## Сифатдош

**102-§.** Сифатдош предметнинг белгиси бўлган ҳаракатни англатувчи феъл формасидир.

Сифатдош, феъллар сингари, ўтимли-ўтимсизлик *(ўқиган, кўрган—ўтимли; борган, юрган* — ўтимсиз), бўлишли-бўлишсизлик *(кўрган* бўлишли, *кўрмаган* — бўлишсиз), нисбат *(ўқиган, ўқилган ўқишган, ўқитган, ювинган)*, замон *(ўқиган* — ўтган замон, *ўқиётган* — ҳозирги замон, *учар* — келаси замон) маъноларини билдиради.

Сифатдош бевосита предмет белгисини билдирганда, сифатлар сингари турланмайди, аммо отлашганда, отлар каби турланади: ***Ишлаган** ерни яшнатар, **ишламаган** — қақшатар. (Мақол.) **Мақтанганнинг** уйини кўр, **керилганнинг** тўйини кўр. (Мақол.)*

Сифатдош гапда, асосан, сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади: ***Айтилган** сўз — **отилган** ўқ. (Мақол.)*

Отлашган сифатдошлар гапда эга ***(Бирлашган** тоғни толқон қилар.) (Мақол.)*, тўлдирувчи ***(Қўрққанга** қўша кўринар.) (Мақол.)*, қаратқич-аниқловчи ***(Сўзлаганнинг** зеҳни очилар.) (Мақол.)*, кесим *(Қайин дарахтининг эгилгани — **сингани,** эр йигитнинг уялгани — **ўлгани.)** (Мақол.)* вазифасида келади.

Сифатдош отлашмаганда, ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олиши мумкин: *Низомжон кўзини* ***очганда,*** *айвонда ҳеч ким йўқ эди. (С. Аҳм.) Бир куни аравага от қўшиб* ***турганида,*** *эшикдан раис Абдужалил ака кириб келди. (Р. Ф.)*

**103-§.** Сифатдошлар, замон маъносига кўра, уч группага бўлинади: 1. Ўтган замон сифатдоши. 2. Ҳозирги замон сифатдоши. 3. Келаси замон сифатдоши.

**104-§. Ўтган замон сифатдоши** предметнинг нутқ сўзланган вақтдан илгари бўлган ҳаракат белгисини билдиради. Ўтган замон сифатдоши феъл негизига ***-ган (-кан, -қан)*** қўшимчасини қўшиш билан ясалади: *ўқиган, экқан, боққан, йиққан.*

**105-§. Ҳозирги замон сифатдоши** предметнинг нутқ сўзланган пайтда давом этаётган ҳаракат белгисини англатади. Ҳозирги замон сифатдоши феъл негизига ***-ётган, -вчи (-увчи)*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади: *ўқиётган, яшовчи, ишловчи.* ***-вчи (-увчи)*** қўшимчаси билан ясалган *қатновчи, ёзувчи* каби сифатдошлар предметга доим хос бўлган ҳаракат белгисини англатади. Сифатдошнинг бу тури кўпроқ отлашган ҳолда қўлланади: *ўқувчи, ёзувчи, тўқувчи* каби. Баъзан отлашмаган ҳолда ҳам қўлланади: *Аъло* ***ўқувчи*** *қизнинг ахлоқи ҳам соз бўлур. (Ғ. Ғ.)*

**106-§. Келаси замон сифатдоши** предметнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин бажариладиган ҳаракат белгисини билдиради.

Келаси замон сифатдоши ***-р (-ар), -диган*** қўшимчалари (бўлишсизи ***ма+с*** қўшимчаси) ёрдамида ясалади. Феъл негизига ***-р (-ар)*** қўшимчасини қўшиш билан ясалган сифатдошлар келгусида бажарилиши мўлжалланган ёки доимий бўлган ҳаракат белгисини англатади: ***Айтар*** *сўзни айт,* ***айтмас*** *сўздан қайт. (Мақол.) Пионерлар* ***оқар*** *сувда маза қилиб чўмилишди.* Феълнинг равишдош формасига ***-диган*** қўшимчасини қўшиш билан ясалган сифатдош келаси замонда бажариладиган ҳаракат белгисини билдиради: ***Ўқийдиган*** киши ўз устида қунт билан ишлайди.

Келаси замон сифатдоши баъзан ***-жак (-ажак), -аси, -гуси*** қўшимчалари билан ҳам ясалади: ***келаси*** *замон,* ***келажак*** *авлод,* ***келгуси*** *йил* каби.

**114-машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатдошларни аниқлаб, феъллик ва сифатлик белгиларини айтинг.

1. Экинни эрта экқан ҳосилни эрта ўрар. *(Мақол.)* 2. Ҳаёт мана шу оқар сувдай оқа берар экан, умр ҳам ўта берар экан ... *(Ш. Р.)* 3. Эрталабдан бери эзила-эзила ёққан ёмғир тушга бориб қорга айланди. *(Ў. Ҳ.)* 4. Излай-излай бир оёғи шундоққина сувга ботиб турган скамейкача топишди. *(Ў. Ҳ.)* 5. Кўчада сариқ открытка ушлаган почтальон тураради. *(Ё. Ш.)* 6. Чол мўйловини бураб, завқ билан гапирди. *(Ё. Ш.)* 7. Дастурхонга боққан дўст эмас. *(Мақол.)* 8. Тоғ тепасида янги чиққан ой қизариб кўринади. *(Л.Толстой.)* 9. Навоий гулни севганидан уни эъзозларди. *(И. Султон.)* 10. Ишга киришганда, ўзини унутадиган даражада қизиқиш, берилиш унинг одати эди. *(О.)*



**115-машқ.** Қуйидаги феъллардан сифатдошлар ясаб ёзинг; сифатдош ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг. Сифатдошларнинг ёзилишини тушунтиринг.

Билмоқ, қурмоқ, экмоқ, эгмоқ, боқмоқ, йиғмоқ, йиқмоқ, даволамоқ, олмоқ, ювмоқ, ювилмоқ, ювинмоқ, ишлатмоқ, қарашмоқ, ҳурматламоқ, эшитмоқ, бўлмоқ, ёғмоқ, ишонмоқ, уқмоқ, уқтирмоқ, иситмоқ, бошламоқ, бўямоқ.

**116-машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатдошларни топиб, гапдаги вазифасини айтинг. Сифатдошларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириб, қайси замонда қўлланганлигини қавс ичида кўрсатинг. Сифатдош ясовчи қўшимча тагига чизинг.

Намуна: *суғораётган* (ҳозирга замон; *бола.*

1. У анҳор бўйига боришга улгурмади: отни суғораётган бола Ойниса томонга югурди. *(Ғ. Ҳ.)* 2. Тўйчи ҳофиз Навоий, Фузулий, Машрабларнинг қалблари ёлқини абадий сақланган байтларини буюк маҳорат билан куйлар эди. *(О.)* 3. Ойниса кун бўйи овқатланмаганидан мадори қуриди. *(Ҳ. Ғ.)* 4. Вагонга яқинлашаётган ҳарбийларни кўрди шекилли, юзи кулимсиради-да, вагоннинг темир зинасидан тез тушиб келди. *(Ҳ. Ғ.)* 5. Тажриба ҳам кераг-у, аммо халқ истагини биладиган, халқ овозини эшитадиган юрак зарур. *(Ш. Р.)* 6. Мажид уялганидан нима қилишини билмай қолди. 7. Ҳамма товушлар чексиз кенгликларга ёйилиб шунчалик енгил чиқадики, шаҳар ғала-ғовурига ўрганган қулоқлар энди бирдан ҳеч нарсани эшитмаётганга ўхшаб қолади. *(П. Қ.)* 8. Раҳмат олган омондир, лаънат олган ёмондир. *(Мақол.)* 9. Кейинги вақтларда бажарилган ишларнинг натижаси яққол кўзга ташланарди. *(Ш. Р.)* 10. Муқаддам катак-катак адёл тўшалган каравотнинг бир чеккасига ўтирди. *(Ў. Ҳ.)*

**117-машқ.** Гапларни ўқинг. Отлашган сифатдошлар қатнашган гапларни кўчириб, сифатдошнинг тагига чизинг ва гапдаги вазифасини айтинг.

1. Гап ташувчи, тирноқдан кир изловчиларни, чақимчиларни мен ёмон кўраман. *(О. Ё.)* 2. Чақирилганлар рўйхатга тиркалгандир, лекин Эргаш кетган эди. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Экскаваторчи учувчи кийимидаги ёшгина йигит эди. *(Ш. Р.)* 4. Қаттиқ чарчаганидан ўтириб қолди. *(Ҳ. Ғ.)* 5. Эви билан сўзлаганнинг қурбони бўл. *(Мақол.)* 6. Муҳаммаджонга юзи кўринмас, лекин қулоқларигача қизариб кетгани билиниб туради. *(П. Қ.)* 7. Ер очганнинг бахти очилади. *(Мақол.)* 8. Аччиқ билан чучукни тотган билар, узоқ билан яқинни юрган билар. *(Мақол.)* 9. Ўқувчи бу ҳовлининг эгаси билан таниш чиқар. *(А. Қ.)* 10. Саодатхон мактабга етиб келганда, охирги дарсдан чиқишга қўнғироқ чалинди. *(С. З.)* 11. Меҳмонларимни сиз билан таништиргани олиб келдим. *(Ҳ. Ғ.)*

**118-машқ.** Гапларни ўқинг. Сифатдошларни кўчириб олиб, тўлиқ морфологик разбор қилинг.

Намуна. **Айтган** — феълнинг сифатдош формаси, ўтимсиз, аниқ нисбат, бўлишли, ўтган замон; гапда — аниқловчи. *Кетганлар* — феълнинг сифатдош формаси, ўтимсиз, аниқ нисбат, бўлишли, ўтган замон; отлашган, бош келишик, кўплик; гапда — эга.

1. Гавҳар айтган сўзингиз, Бахти боққан нурчилар. *(А. П).* 2. Кетганлар қайтиб келишди. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Ахир мен келганимда, ғўза тўрт энлик бош кўтарган эди. *(О.)* 4. Мана, келар йил мени юқори ҳосил чўққисида кўрасан. *(О.)* 5. Этакка илашиб қолган пахталарни қоқаётганда, бошидаги чопон бирдан сирғаниб тушиб кетди. *(М. Исм.)* 6. Қодир кирганда, у китобга мукка тушган эди. *(Ш.)* 7. Жой етишмаганидан, командирлар ўтиришди, жангчилар оёқда туриб қолишди. *(Ҳ. Ғ.)* 8. У тошкентликнинг гапларидан аллақандай янги маъно уқар, унинг жарангдор ёқимли овозидаги сеҳр, жозиба содда дилини сеҳрлаб қўяётганини сезмай қолар эди. *(Ҳ. Ғ.)* 9. Ягона эшикни очганда, қўлида тугуни билан Сурхонбой турарди. *(И. Р.)* 10. Унда эндигина ердан бош кўтарган бойчечакларнинг нозик шивирлаши ҳам, тантанавор баҳор шалолалари ҳам, қуёшдай тиниқ туйғулар ҳам бор эди. *(Ў. Ҳ.)*

### Ҳаракат номи

**107-§. Ҳаракат номи** иш-ҳаракатнинг атамаси (номи) бўлиб, отга хос вазифаларни бажарадиган феъл формасидир.

Ҳаракат номи феълга хос бўлган ўтимли, ўтимсизлик, нисбат билдиради, шунингдек, бошқариш хусусиятига ҳам эга: *Оғзига келганини* **гапирмоқ** — *нодоннинг иши. (Мақол.) Халқни ялпи* **кўтариш, руҳлантириш**, *курашга* **шайлаш** *керак. (О.)*

Ҳаракат номи отга хос бўлган сон, эгалик, келишик қўшимчаларини олади ва гапда эга, тўлдирувчи, қаратқич-аниқловчи, кесим вазифаларида келади: *Ишонч — куч,* ***ишонтириш*** *— саньат. (Мақол.)* ***Юришга*** *команда берилди. (Ҳ. Ғ.)* **Ўйлашнинг** *ҳам ажойиб завқи бор. Бир кўрган —* **таниш,** *икки кўрган —* **билиш.** *(Мақол.)*

**108-§. Ҳаракат номи** феъл негизига ***-ш (-иш), в (-ув), -моқ*** қўшимчаларини қўшиш билан ясалади: *ўқиш, ўқув, ўқимоқ; ёзиш, ёзув, ёзмоқ.*

***-моқ*** қўшимчаси билан ясалган ҳаракат номи феълга яқин туради. Шунинг учун уни шартли равишда феълнинг ноаниқ формаси (инфинитив) деб ҳам юритадилар. ***-ш (-иш)*** билан ясалган ҳаракат номи эса отга яқин туради. Шунинг учун ***-ш (-иш)*** қўшимчаси билан ясалган ҳаракат номи ўрнида ***-моқ*** билан ясалган ҳаракат номини ҳар вақт қўллаб бўлмайди.

**119-машқ.** Гапларни ўқинг. Ҳаракат номларини топиб, феълга ва отга хос белгиларини айтинг.

1. Ипнинг бармоқларга ёпишуви ва тортган вақтда қуруқ қитирлаши қизнинг ғашини келтирар эди. 2. Халқни ялпи кўтариш, руҳлантириш, курашга шайлаш керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, ижтимоий мусобақани мукаммал амалга оширмоқ даркор. 3. Унинг энг суйган иши—дала айланмоқ, ғўзани парвариш қилмоқ эди. 4. Бошида бутун бир колхознинг ташвиши бўлишига қарамай, болани эркалашга, тарбиялашга вақт топди. 5. Бу йил ялписига ўтиз икки центнердан ҳосил олмоққа ваъда бердим. *(Ойбек асаридан.)* 6. Бир кўрган — билиш, икки кўрган — таниш. *(Мақол.)* 7. Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир. *(Мақол.)* 8. Хатни тез ёзишни Мажиддан ўргандим. *(Ҳ. Н.)* 9. Қишини ранжитмоқ жуда ҳам енгил, Кўнглин олмоқ эса ундай эмас, бил. *(Ў. Ҳ.)*

**120-машқ.** Гапларни ўқинг. Ҳаракат номини ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириб, ҳаракат номи ясовчи қўшимчанинг тагига чизинг.

1. Фан машиналарнинг шу қобилиятини орттиришга, яъни сарф қилинган қувватдан иложи борича кўпроқ фойда чиқаришга урингандай, тарбия ҳам инсоннинг жамиятга фойда етказиш қобилиятини оширишга уринади. *(А. Қ.)* 2. Олтинсой шунча чуқур жарликдан сқар эдики, уни тоғ бағрига кўтариш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. *(Ш. Р.)* 3. Унинг колхозга тушиб ўтишдан мақсади: Саидани кўриш, ҳол-аҳвол сўраш. *(А. Қ.)* 4. Ишлашни билган одам яшашни ҳам билмоғи даркор. *(Ҳ. Ғ.)* 5. У айтишини ҳам, айтмаслигини ҳам билолмай қолди. 6. Вақтни ўғирламоқ — бахтни ўғирламоқ. *(Мақол.)* 7. Озод, шод диёримиз, Тинч яшаш — шиоримиз. *(А. П.)* 8. Олтинсойликлар оммавий чиқишга тайёрланардилар. *(Ш. Р.)* 9. Хадича хола Сидиқжонни кўрмоқ учун келди. *(А. Қ.)* 10. Сотиболдихон, Завқий ва Тошхўжа Муқимийнинг уйғонишини тоқатсизлик билан кутар эди. *(С. А.)* 11. Ҳавас эди бизларга, Боғ ўстириш, гул экиш. *(Қ. Ҳикмат.)* 12. Келмоқ ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан. *(Мақол.)*

### РАВИШ

**109-§. Равишларнинг маъноси ва грамматик белгилари.** Равиш феъл ифодалаган ҳаракатнинг белгисини, ўрнини, пайтини ёки сифат ифодалаган белгининг белгисини билдиради: *Ҳамид Олимжон* ***кўп*** *ёзди. (Ҳ. Ғ.) У* ***бу ерга*** *боши оғиб келиб қолди, аммо* **энди** *барибир. Анварнинг олдида бош эгишга мажбур бўлишини ўйлаб* ***ич-ичидан*** *эзила бошлади. (Ў. Ҳ.)*

Равишлар маъно ва грамматик жиҳатдан, асосан, тўрт группага бўлинади: 1. Ҳолат равиши. 2. Миқдор-даража равишлари. 3. Пайт равиши. 4. Ўрин равиши.

**110-§.** Ҳолат равиши иш-ҳаракатнинг қандай ҳолатда ва усулда бажарилишини англатиб, **қандай?, қандай қилиб?, кимдай?, нимадай?** сўроқларига жавоб бўлади: *аста, жим, пиёда, очин-тўқин, хомлигича, бирга, мажбуран, яққол, қаҳрамонларча, марксча, қаторасига, бирма-бир, ёнма-ён, битталаб, кунидай.*

Ҳолат равишлари гапда, асосан, ҳол, аниқловчи ва кесим вазифаларида келади: *Арслон улар билан* ***ғойибона*** *таниш. (Мирм.) Зумрад* ***оҳиста*** *ёнига чўққайган онасининг тиззаларини қучоқлади. (О.) Ҳовли* ***жимжит.***

**111-§. Миқдор-даража равишлари** иш-ҳаракат ёки белгининг миқдорини, кучини, шунингдек, предметнинг ноаниқ миқдорини англатади. Миқдор-даража равишлари **қанча?, қайдаражада?** каби сўроқларга жавоб бўлади.

Миқдор-даража равишлари маъно жиҳатидан икки группага бўлинади:

1) миқдор равиши, 2) даража равиши.

Миқдор равиши ҳаракат ёки предметнинг ноаниқ миқдорини англатади: *оз, кўп, кам, бир оз, сал, пича, қиттак, хиёл.*

Даража равиши ҳаракат ё белги маъносини кучайтиради: *жуда, ғоят, ниҳоятда, ҳар қанча, обдон, озмунча, асло, сира, ҳеч.*

Миқдор-даража равишлари гапда кўпинча ҳол вазифасида [*Гапни* ***кам*** *сўзла, ишни* ***кўп*** *кўзла. (Мақол.)*], от билан боғланиб, аниқловчи вазифасида [***Кўп*** *гап —* ***ортиқча*** *юк. (Мақол)*], баъзан кесим вазифасида *(Ўз шаҳримизда ҳам институтлар* ***кўп-ку.)*** ҳам келади.

Миқдор-даража равишлари отлашганда эса, тўлдирувчи ва қаратқич аниқловчи вазифаларини ҳам бажаради: ***Кўкка*** *боқма,* ***кўпга*** *боқ. (Мақол.)*

**112-§. Пайт равиши** иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради. Пайт равишларига *энди, сўнг, кейин, ҳануз, ҳали, илгари, эрталаб, тунов кун, ҳамиша, кеча, бугун, аллақачон, аввал, қадим, ҳамон, кечаси, индинга, ҳар куни, куни билан, йилдан-йилга, қишин-ёзин, ҳозир* каби сўзлар киради.

Пайт равиши гапда кўпинча ҳол вазифасида келади: *Самарқандда* ***ҳар йил*** *илк баҳор наврўз сайили бўлар эди. (Н. Охундий.)*

**113-§. Ўрин равиши** иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини англатади. Ўрин равишига *аллақаерда, аллақаерга, аллақаердан, нари, бери, унда-бунда, қуйида, баландда, узоқда, пастда, бу ерда, шу ерга, ҳар ерда* каби сўзлар киради.

Ўрин равиши гапда, асосан, ҳол вазифасида келади. Масалан, **У ёқдан** *Ҳамида билан Йўлдош ҳам келди. (С. Ан.)*

Эслатма. Равишнинг бу турларидан ташқари, иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги сабабни англатадиган сабаб равиши (*ноилождикдан, чорасизликдан*) иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни англатадиган мақсад равиши (*атайин атайлаб, жўрттага, қасддан*) ҳам бор. Масалан: *Эрталаб атайин спорт костюмини кийди.* (*О. Ё.*)

**121-машқ.** Қуйидаги текстни ўқинг. Равишларни топиб, маъноси ва қайси сўз билан боғланганини айтинг.

Ариқ бўйидаги каравотга ёнбошлаб, каҳрабо кўк чойни аста ҳўплаб, суҳбатни давом эттирдик. Кечаси, ётар пайтимизда, Ҳамиднинг илтимоси билан уйдаги сим каравотлар ташқарига, гулзор ёнига олиб чиқилди.

— Ҳавосини қаранг. Маза қилиб шу ерда ётамиз . . .

Ҳаво соф, гул, райҳон ҳидларини димоққа уриб, шабада эсади, аллақаерда чигиртка сайрайди. Осмон тўла юлдуз . . . Йирик олтин юлдузлар. Анча вақт туннинг майин шивирларига қулоқ солиб, юлдузларнинг жамолига тикилиб жим ётдик. Ҳамид ҳам юлдузларга тикилиб, ўйламоқда эди. Балки шу топда у эртага ёзиладиган, ўқувчини ниҳоятда мамнун қиладиган навбатдаги шеърининг илк



мисраларини ичида такрорламоқдадир. Бундай ажойиб кечада, бундай чиройли жойларда шоирнинг миясида шеър ўз-ўзидан туғила бошлайди ... Мен унга халақит бермай жим ётардим.

— Ухлаганингиз йўқми? — деди у, анчадан кейин бошини мен томон буриб.

— Йўқ ...

— Ҳавони қаранг, худди одамни элитиб қўядигандай.

Кейин яна суҳбат бошланиб кетди. *(У.)*

**122-машқ.** Гапларни ўқинг. Равишларни топиб, маъно жиҳатидан турини айтинг. Аввал ҳолат равишлари, кейин миқдор ва даража равишлари қатнашган гапларни кўчириб, равишларнинг тагига чизинг.

1. Қалбим тўла умид. Ана шу орзу-умид тонгининг отиши учун астойдил меҳнат қилишим, тер тўкишим керак. *(Ҳ. О.)* 2. Дарҳақиқат, ҳаво ҳам шаҳардагидан ўзгача. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Ариқ суви бир хилда, жимгина, шарпасиз ва шабадасиз оқмоқда. *(И. Р.)* 4. Ўктам оқ шоҳи кўйлагининг енгларини тирсагигача ҳимариб яна ишлади. Бир оздан кейин эскича, ўзига хос илдамлик ва усталик билан ишлай бошлаганига ишонди. *(О.)* 5. Вагонда анчагина одам бўлса ҳам, улар жимгина ўтиришарди. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Уйлари фақирона бўлса ҳам, ҳовли жойлари ҳамиша ойнадек. *(Ас. М.)* 7. Онахоннинг аниқ тушунгани шу бўлдики, Ефим Собиржонга деҳқонлар ҳақида астойдил тушунтирди. *(Ас. М.)* 8. Ёрмат шаҳардан пиёда қайтиб, ўлгудай ҳоригани учун, ҳамма отларга Йўлчи қаради. *(О.)* 9. Бугунги терган пахтаси бир оз ҳўл эди. *(О. Ё.)* 10. Мунаввар дорихонанинг ёшгина мудири Йўлдошдан жуда миннатдор. *(С. Ан.)* 11. Насиба Ўктам билан қадрдонларча хайрлашди. *(О. Ё.)*

**123-машқ.** Гапларни ўқинг. Ўрин ва пайт равишларини топиб ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Ойниса бугун фабрикага барвақтроқ келди. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Агар киши ҳалол меҳнат қилса, ҳамиша яхшироқ меҳнат қилишга интилса, эртами кечми у шон-шуҳрат қозонади. *(Поль Лафарг.)* 3. Лекин ўзим у ерда бўлсам ҳам, кўнглим, хаёлим бу ерда, ана шу боғда. *(О.)* 4. Бугун ҳам у отланди Чўмилмоқ учун. *(Миртемир.)* 5. Вали яна эртасига саҳарлаб уйғонганда, Ғуломжон ҳужрасида йўқ эди. *(М. Исм.)* 6. Кечқурун Эҳсон Шарифни эргаштириб келди. *(А. Қ.)* 7. Ўшанда Мунаввар ўртоқ Охунбобоевнинг бўйнига қизил бўйинбоғ таққан эди. *(С. Ан.)* 8. Москва беради ҳар кун хушхабар, Яшнайди Ватанда инсон баҳори. *(А. П.)* 9. Раҳмат сизга, бувижон, Доим бўлинг соғ, омон. Оиламиз бағрида Ҳурматдасиз ҳар қачон. *(А. П.)*

**124-машқ.** Гапларни ўқинг. Равишларни топиб, турини ва гапдаги вазифасини айтинг.

1. Юраги ота муҳаббатига лим тўла. *(О.)* 2. У қаҳ-қаҳ уриб юборишдан ўзини аранг тийиб, кўзларини сузди. *(Ў. Ҳ.)* 3. Қури-

лишда ювош, юмшоқ, лекин чоғи келганда ғоят талабкор ва қаттиққўлли, иродали экани сезилган секретарга, жуда яқин одамдек, сирдошдек узоқ тикилди-да, камтарона табассум билан деди: «... Чол ақлли одам, унга ўргатиш ҳам мумкин, ундан кўп нарсани-ўрганиш ҳам мумкин». 4. Лекин бахт ва шодликнинг жўшқин куйчиси атоқли шоир Ҳ. Олимжон ҳамиша барҳаёт. У ҳозир биз билан бирга буюк ғалабаларимиз шоҳиди. Чунки шоирнинг ўз сўзи билан айтганда, кўзларини юммасдан асло, дарё каби уйғоқ ётади. *(М. Алавия.)* 5. Мен ҳаётимда Ҳамид Олимжонни кам кўрганман, лекин ўша оз учрашувларимиз ва қурган суҳбатларимиз менда бу улкан шоир ва инсон тўғрисида ёрқин, шоирона тасаввур қолдирган эди. *(Н. Тихонов.)* 6. У сўз саънатининг мангу қуримас чашмаси—халқ оғзаки шеъриятидан баҳра, куч-қувват ола билар эди. *(Н. Тихонов.)* 7. Улар бу ерда сўроқ бераётганда, Ожиза уйда овқат пишириб кутарди. *(И. Р.)*

**125-машқ.** Гапларни кўчиринг. Оғлашган равишларнинг тагига чизиб, гапдаги вазифасини айтинг.

1 Кўпдан кўп ақл чиқар. *(Мақол.)* 2. Бирни биров беради, кўпни меҳнат. *(Мақол.)* 3. Ҳаракатинг эрта бўлса, кузда эрта ўрасан. *(Мақол.)* 4. Кўп гапирган кам иш қилади. *(Мақол.)* 5. Эртанинг режасини бугун туз. *(Мақол.)* 6. Одамларнинг кўзи ваҳимали гувиллаб пастга отилаётган сувда. *(О.)* 7. Кўплари яхши ишлаб кетди. 8. Боғ кўчада юрардик яланг оёқ кўпимиз. *(Қ. Ҳикмат.)*

**114-§. Равишларда даража.** Равишларда ҳам белгини даражалаб ифодалаш ҳодисаси мавжуд. Белгини даражалаб ифодалаш, асосан, ҳолат равишларига хос. Даража маъноси сифат даражаларидаги воситаларнинг ўзи билан, яъни қиёсий даража ***-роқ*** қўшимчаси билан, орттирма даража *энг* сўзи билан ифодаланади: *Ундан ҳам* ***илгарироқ*** *Ҳ. Олимжоннинг Ленин, партия, Ленинград ҳақидаги шеърлари билан таниш эдим. (М. Турсунзода) Сен* ***энг аввал*** *хавфсизлик техникасини ўрганишинг керак. (П. А.)*

**126-машқ.** Гапларни кўчиринг. Равиш даражаларини топиб, қандай ифодалан ганини изоҳланг.

1. Исигани яхши, Дадамат ака, — деди Рустам Сайрамов, чойни тез-тез ҳўплаб, — пахтага мойдай ёқади иссиқ. Қалай, яна қаттиқроқ исирмикан? *(О.)* 2. Бизни таништирган ўзбек эрлар билим юртини мендан олдинроқ битирган оғайним Ҳамид Олимжон бўлди. *(Миртемир.)* 3. У конвейердан секин-аста отланиб келаётган қолипларни ўтказиб юбормаслик учун жуда тез ҳаракат қилар, бир лаҳзада уч-тўрт қолипни қумга тўлдириб, бошқаларининг ҳам ёнига борар эди. *(Мирм.)* 4. Улар жуда секин юришди. *(О.)* 5. ТУ-104 самолёти ИЛ-18 самолётидан тезроқ учади. Ракета энг тез учадиган аппаратдир. 6. Ишларимиз машиналашган сайин, қўлларимиз кўпроқ бўшайди, китоб ўқишга, қалам тебратишга вақтимиз кўпроқ қолади. *(О.)*



## Равишларнинг ясалиши ва уларнинг имлоси

**115-§.** Равишлар ҳам морфологик ва синтактик усул билан ясалади.

Морфологик усулда от, сифат, сон, олмош, феълнинг сифатдош ва ҳаракат номи формалари негизига равиш ясовчи қўшимчаларни қўшиш билан ясама равишлар ҳосил қилинади. Равиш ясовчи қўшимчаларга қуйидагилар киради:

***-ан:*** *асосан, мажбуран, тасодифан, қисман, тамоман;*
***-сиз:*** *тўхтовсиз, чексиз;*
***-лаб:*** *кўплаб, яхшилаб, аравалаб;*
***-ча:*** *ўзбекча, янгича, шунча, чопганича;*
***-ларча:*** *қаҳрамонларча, ўртоқларча;*
***-н (-ин):*** *эртан, кечин, яширин;*
***-инча:*** *кўпинча, яширинча;*
***-лигича:*** *хомлигича, бутунлигича;*
***-она:*** *дўстона, фидокорона, қаҳрамонона;*
***-дай (-дек):*** *тухумдай, тоғдай, тошдай, қумдай;*
***-лай (-лайин):*** *бутунлай, бутунлайин.*

**116-§. Синтактик усул** билан қўшма ва жуфт равишлар ясалади.

Айрим, эркин қўлланмайдиган ёки айрим, эркин қўллаш мумкин бўлган икки сўзнинг бирикиб кетишидан ҳосил бўлиб, ҳаракатнинг битта белгисини ифодалайдиган равишлар қўшма равиш дейилади.

Қўшма равишлар қуйидагича ясалади:

1. Ўрин, пайт маъносига эга бўлган сўзлар ёки сўроқ олмоши олдидан *алла* элементини қўшиш билан: *аллақайда, аллавақт, аллақачон.*

2. *Бир* ва *оз* сўзига мустақил ишлатилмайдиган сўзни қўшиш билан: *бирмунча, озмунча, бирваракай, бирпас.*

3. Пайт, ўрин маъносидаги сўзлар ёки сўроқ олмоши олдидан ўз маъносини сақлаган *ҳар, ҳеч, бир* сўзларини келтириш билан: *ҳар замон, ҳар қачон, ҳар гал; ҳеч вақт, ҳеч қачон; бир лаҳза, бир оз, бир йўла, бир ёққа, бир зум.*

4. Ўз маъносини сақлаган сўзларнинг аниқловчи-аниқланмиш муносабатида бирикишидан: *ўтган куни, шу заҳоти, куни кеча, шу ерда, бу ёқдан, бир ерга.*

**117-§.** Икки сўзнинг тенг боғланишидан ясалган равишлар жуфт равиш дейилади. Жуфт равишлар қуйидагича ясалади:

1. Маънодош сўзлардан: *эсон-омон, очиқ-ойдин, узил-кесил, аста-секин.*

2. Қарама-қарши маъноли сўзлардан: *эрта-кеч, қишин-ёзин, остин-устун, кеча-кундуз.*

3. От, олмошларни жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларидан бирида такрорлаш орқали ёки ***-ма, -ба*** элементи билан такрорлаш орқали: *кундан-кун, йилдан-йилга, шундан-шунга, унда-бунда; юзма-юз, кўчама-кўча; ранг-баранг.*

Эслатма. 1. Маълум синтактик шароит туфайли равишларнинг кўп қисми бошқа сўз туркумларидан кўчган. Бунда сўзларнинг маълум келишик ё эгалик шакли «қотиб қолиб», ўз маъносини йўқотган, маълум бир синтактик вазифа (ҳол вазифаси) билан чекланган, равиш бўлиб қолган: *кунда, кунига, кундузи; олға, орқага; янгидан, яқинда; бирдан, бирга; ўта.*

2. ***-роқ, -гина, (-кина, -қина)*** қўшимчалари орқали қиёс қилинмаган ҳаракат белгисининг одатдаги миқлордан кам эканлиги, ноаниқлиги, белгига муносабат ифодаланади: *секинроқ, тезроқ; озгина, андаккина, шундоққина.* Қиёс қилинмаган белгининг кучлилиги, такрорланиб туриши *жуда, ниҳоятда, беҳад, ғоят* каби даража равишларини бошқа равиш олдидан келтириш ёки равишларни такрорлаш билан ифодаланади. Бундай равишлар кучайтирма равиш дейилади: *жуда оз, ғоят кўп, ниҳоятда секин, беҳад жим; тез-тез.*

**118-§ Равишларнинг ёзилиши.** 1. Айрим ва эркин қўлланмайдиган икки сўзнинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма равишлар қўшиб ёзилади: *аллақачон, аллақаерда, қайвақт, озмунча, бирпас.*

2. Айрим ва эркин қўллаш мумкин бўлган икки сўзнинг бирикишидан ҳосил бўлган қўшма равишлар алоҳида ёзилади: *ҳамма вақт, ҳар замон, ҳеч қачон, бир лаҳза, бир оз, у ерда, шу чоғ, бу ёққа.*

3. Жуфт равишлар чизиқча билан ёзилади: *аста-секин, ошиқ-ойдин, кеча-кундуз, қишин-ёзин, эрта-кеч, секин-секин, тез-тез.*

**127-машқ.** Равиш ясовчи ***-ан, -лаб, -ча, -ларча, -н (-ин), -инча, -лигича, -она, -дай (-дек)*** қўшимчалари ёрдамида от, сифат, сон, олмош, сифатдош ва ҳаракат номидан равишлар ясанг. Сўнгра шу ясама равишлардан баъзилари иштирокида бир неча гап тузинг.

**128-машқ.** Гапларни ўқинг. Қўшма ва жуфт равишларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчириб, тузилиш жиҳатидан тури ва ёзилишини айтиб беринг.

1. Ўткинчилар бу ерда бирпас қўнгиси келади. *(О).* 2. Ўктам сал ғирчиллаган паст пошна, ихчам этикда тез ва енгил одим отган, қадди-қомати расо қиздан ўзини четга тортиброқ юрди. *(О.)* 3. Кўкка етгудайин юксак бўйимиз. *(А. П.)* 4. Ҳар ишда мададкор, оға рус халқи. Бу улуғ Ватанда қуёшдай балқи. *(А. П.)* 5. Ҳамма ёқ ям-яшил, ҳосилдор ўлкам. *(А. П.)* 6. Машинам йўли порлоқ, Зафарга бошлар ҳар чоқ. *(А. П.)* 7. Яшайвер барқ уриб ҳар минут, ҳар он, Юракда қолмасин заррача армон. *(А. П.)* 8. Норин дарёсидек жўш ургин ҳар дам. *(А. П.)* 9. Улкан корхоналар бағрингда кўркам, Кундан-кунга чирой очар гул ўлкам. *(А. П.)* 10. Чўл қувдинг, чўл қувдинг асл мардона, Шону шуҳратларинг кетди жаҳона. *(А. П.)* 11. Кўкдан ҳар кун олтин олов тўкилди. Жимжит ҳар тун Ғовға билан сўкилди. Мудраган, ухлаган ҳар ер жонланди. *(Ҳ. О.)*

**129-машқ.** Гапларни ўқинг. Равишларни топиб, қуйидаги жадвалга жойлаштиринг.



## Равишларнинг тузилиш жиҳатидан турлари

| Содда равишлар | | Қўшма равишлар | Жуфт равишлар |
|---|---|---|---|
| Туб | Ясама | | |
| | | | |

1. Анор қўлини иякка тираб, бирпас ўй сурди. 2. Қизлар звеноси эртасигаёқ суюкли далага чиқишди. 3. Ажойиб машина бирваракай қатор эгатларнинг тагини ва ёнларини текис ва тез ёриб, ағдара кетди. 4. Машҳур юз центнерчи қиз Назира Маҳмудова ҳақидаги очерк қизларга жуда ёқди. 5. Ғўза гуллари ҳозир қизларнинг бетидаги холи эмас, қошларидаги ўсмага ўхшайди: бугун бор, эртага йўқ. 6. Сувда бирин-кетин қалқиб кетаётган олмаларни, шафтолиларни илиб олиб, яна сувга узоққа отгандан кейин, уларнинг нозик, чиройли оқишларини кузатиб бирпас эрмак қилди, кейин бирдан «Элобод» колхозининг гўзал гидростанциясини бутун деталлари билан хотирлади. 7. Кетма-кет узатилган челак ва саватларни кексалар ерга ағдардилар, хирмон борган сари кўпайди. 8. Сайрамов тўғон бошига келганда, бу ерда иш қайнамоқда эди. 9. «Раҳмат, гайрат кўрсатдинг, — деди дўстона оҳангда секретарь. — Бор энди, овқатлан, бирпас дам ол». 10. «Мен сизни кўрдим, сувда баликдай сузардингиз»,— деди кулиб Комила. 11. Тансиқ иймангандай у ёқ-бу ёққа аланглади-да, жаранг овозини борича қўйиб қичқирди: «Ҳакима, Ҳакима-ю ... ҳо ...» Кейин кафтларини ишқалаб, кетмонни олди. Ўктам синовчи кўзлари билан қизнинг ишини анча вақт кузатди. 12. Йигит ишнинг маромини унутгандай эркин ва тез ишлай бошлади. *(Ойбек асаридан.)*

**130-машқ.** Гапларни ўқинг. Разбор қилиш тартибидан фойдаланиб, равишларни тўлиқ морфологик разбор қилинг.

### Равишни разбор қилиш тартиби

1. Маънога кўра тури (ҳолат, миқдор-даража, пайт, ўрин).
2. Даража (даража кўрсаткичи бўлса).
3. Тузилиши жиҳатидан тури: содда (туб, ясама), қўшма, жуфт.
4. Гапдаги вазифаси.

Намуна. *Ҳозир*—пайт равиши, содда, туб; гапда—пайт ҳоли.

1. Алимардон ҳозир унинг юрагига бигиз санчилишидан завқланар, ич-ичидан тошиб келган кулгисини аранг босиб турарди. *(Ў. Ҳ.)* 2. Улар анча жойгача жим боришди. *(Мирм.)* 3. У жуда қизариб, ёниб астойдил гапира бошлади. *(Мирм.)* 4. Оператор камерани аста-аста унинг олдига суриб кела бошлади. *(Ў. Ҳ.)* 5. Икковлари қадрдонларча кўришдилар. 6. Ўша-ўша Ҳалимани бошқа кўрмадим.

(*Ў. Ҳ.*) 7. Пахта деб куйланг ҳамиша, пахтакор ўртоқлар. Мангу озод, ҳур ҳаёт машъал—чироқлар бизники. (*А. П.*) 8. Насиҳат тингласанг ақлингни пешлаб, Қолмайсан ҳеч қачон тилингни тишлаб. (*А. П.*)

**131-машқ.** Текстни ўқинг. От, сифат, сон, олмош, феъл ва равишдан иккитадан танлаб, тўлиқ морфологик, ажратиб кўрсатилган сўзларни эса ўз таркиби жиҳатидан разбор қилинг.

Биз Ҳамид Олимжон билан бундай ойдин, мусаффо кечаларни кўп ўтказганмиз. **Йигитлигимизнинг** қуюндай саркаш йилларида Сиёб қирғоқларида, Ургут тоғларида, Жиззах ён бағирларида, Бахмал адирларида, Шоҳимардон чўққиларида бундай ажойиб, саргашта ва паришон, лирик кечаларни кўп кўрганмиз. Халқимиз 270 километрлик Катта Фарғона каналини 45 кундек қисқа муддат ичида қазиб битказди. Биз Ҳамид билан шу **қурилишнинг** бошдан-оёғигача иштирок қилдик. Канал трассасининг ҳамма участкаларида деярли бизни **кутмаганда** инсу жинсдек пайдо бўлиб, шеърлар ўқиб кетардик. (*F. F.*)

## КЎМАКЧИЛАР

**119-§.** Гапда от ёки отлашган сўздан кейин келиб, унинг бошқа сўзлар билан турли муносабатини ифодалайдиган ёрдамчи сўзлар кўмакчи дейилади. Кўмакчи ўзидан олдин келган сўз билан бирга феълга боғланади ва бир гап бўлаги вазифасида келади: *Кўл* ***томон*** *салқин шамол эсарди. (Ж. Шарипов.)*

Кўмакчилар ўрин, пайт, сабаб, мақсад, биргалик, восита-қурол каби грамматик тушунчаларни билдиради. Масалан, *Биз ўқиш* ***учун*** *билим юртига кирдик* гапида *учун* кўмакчиси мақсад маъносини, *Ер трактор* ***билан*** *ҳайдалади* гапида *билан* кўмакчиси восита-қурол маъносини ифодалаган.

**120-§.** Кўмакчилар мустақил маъноларини йўқотиш даражасига ва қайси сўз туркумидан келиб чиққанига кўра учга бўлинади: 1. Асл кўмакчилар. 2. От кўмакчилар. 3. Феъл кўмакчилар.

**Асл кўмакчилар** ўз лексик маъносини йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланган сўзлар: *билан, учун, каби, сингари.*

**От кўмакчилар** от ёки равишдан келиб чиққан сўзлар: *томон, ташқари; бурун, илгари, кейин.*

**Феъл кўмакчилар** феълнинг равишдош, сифатдош формаларидан келиб чиққан сўзлар: *кўра, яраша, қараб, бошлаб, тортиб; қараганда* ва бошқалар.

**121-§.** Кўмакчилар бош, жўналиш, чиқиш келишигидаги от ёки отлашган сўз билан боғланади: *учун, билан, каби, сингари, сари, орқали, сайин, бўйлаб, бўйича, узра* кўмакчилари бош келишикдаги сўз билан боғланади: *Анвар юзидаги кулгини яшириш* ***учун*** *четга қаради. (А. Қод.) Қадар, довур, кўра, қараб, қараганда, яраша, томон* кўмакчилари жўналиш келишигидаги сўз билан боғланади: *Сайрамов бу колхозда ўз мўлжалига* ***қараганда*** *анча узоқ қолди.*



*(О.) Илгари, бурун, аввал, кейин, бери, буён, бошқа, ташқари, бошлаб, тортиб* кўмакчилари чиқиш келишигидаги сўз билан боғланади: *Тошпўлатов уч кундан* ***бери*** *шу ерда. (Р. Ф.)*

Эслатма. 1. Баъзи отлар маълум шаклда предметлик маъносини йўқотиб, келишиклар билан турланиш жиҳатидан чегараланиб, кўмакчига ўтади ва кўмакчи вазифасини бажаради. Бундай отлар кўмакчи от дейилади. Кўмакчи отларга *олд, ҳузур, орқа, кет, ён, ўрта, ора, ич, таг, ост, уст, тепа, тўғри, ҳақ, хусус, юза, бўй* сўзлари киради. Кўмакчи от ўзидан олдин келган сўз билан бирга бир бутунлик ташкил қилади; феълнинг талабига кўра маълум келишикда келиб, гапда кўпинча ҳол вазифасини бажаради: *Абдуллажон эгардан енгилгина сакраб тушиб* ***арава орқасига*** *ўтди. (Ҳ. Ғ.) Йўл ўртасида эзмаланиб гаплашиб келаётган икки кекса ўтиб кетгандан кейин, йигит жадал юриб* ***балкон тагига*** *келди. (С. А.)*

2. *Билан, учун* кўмакчилари шеъриятда- ***ла, -чун*** каби қисқарган шаклда ишлатилади ва ўзидан олдинги сўздан чизиқча билан ажратиб ёзилади: *Тилимиз бир эмас, аммо дилимиз бирдир, Шунинг-чун биз ўзбек-ла иноқ. (Л. Степанов.)*

**132-машқ.** Гапларни кўчиринг. Кўмакчиларнинг қайси келишикдаги сўз билан келганини айтинг ва тагига чизинг.

1. Ташқарида, тепалик остида, колхоз тегирмончиси Мираҳмад чаққонлик билан катта ғалвирда буғдой элайди. *(О.)* 2. Оғир ишдан кейин бирпас чўзилиб, бир чимдим ухласанг, кучга тўлиб яйрайсан. *(О.)* 3. Йигилган халойиқ сурон билан янги шаҳар томон кўзгалди. *(О.)* 4. Шу ҳафта ичи мастер Нурғалиев сменадан сўнг Арслонни ўз уйига олиб борди. *(Мирм.)* 5. Икки йил бурун шаҳардан қариндошлариникига кўчиб келди, колхозга кирди. *(О.)* 6. Келажак режалар ҳақида гаплашдик, мен ўзбек фольклори бўйича хрестоматия тузишга ваъда бердим. Ҳ. Олимжон эса «Алпомиш» достони устида ишлаш ҳақида истак билдирди. *(Ҳ. Зариф.)* 7. Ёнғоқзор боғ устида ҳар баҳор унинг янгроқ, дилбар овози парвоз этарди... *(Ў. Ҳ.)* 8. Сафларимиз йил сайин кўпаяётир, қаторимиз мустаҳкамланяпти. *(Ҳ. Ғ.)* 9. Қувнаб юрай кўрган сари мен. *(Э. Р.)* 10. Бобом ўзи ғамимиз ебди — Гуллатиш-чун чўл, дала, қирни. *(Э. Р.)*

**133-машқ.** Гапларни ўқинг, кўмакчиларни топиб, қайси сўз туркумидан кейин келганини, турини айтинг. Қисқарган ҳолда қўлланган кўмакчиларнинг ёзилишини тушунтиринг.

1. Пахтани қўл билан эмас, машина билан терамиз. *(С. А.)* 2. Қишлоқда, колхозда кейинги йилларда рўй берган турли воқеалар тўғрисида гап бошланди. *(О.)* 3. У секин-секин стол олдига юриб борди-да, игнани чиқариб стерилизатор қопқоғига ташлади. *(Ў. Ҳ.)* 4. Ташқарига чиқамиз, йигирма минутдан сўнг танаффус. *(Мирм.)* 5. Одамлар шу учқунлар орасида юра беришарди. *(Мирм.)* 6. Ҳамма нарса инсонга эгсин бўйин, Инсон учун ишлаб турсин тинмайин. *(Қ. Муҳаммадий).* 7. Биров эшикни очди, шекилли, Назокат дарров кўча томонга қаради. *(С. А.)* 8. Биз колхозчилар учун бу ерлар олтиндан аслроқ. *(О.)* 9. Қуй кўпдир, қўшиқлар шу осмонни Беркита олади булутлар қадар. *(Ҳ. О.)* 10. Куй айтар булутлар ичидан инсон, Куй керак мардона, жувон ҳаётга. *(Ҳ. О.)* 11. Улкан вокзал майдонида турибмиз, Гўё бобом ўзлари-ла юрибмиз. *(Э. Р.)* 12. Онажо-

ним буюк сиймоси Кучу ғайрат берарди ҳар дам. Шунинг-чун ҳам саросимага Тушмасди у оғир дамда ҳам. *(Э. Р.)*

134-**машқ**. Гапларни ўқинг, кўмакчиларнинг турини айтинг. Аввал от кўмакчили, сўнгра феъл кўмакчили гапларни кўчиринг, кўмакчиларнинг тагига чизинг. Асл кўмакчилар иштирокида бир неча содда ёйиқ гап тузинг.

1. Зоҳидий тонг отмасдан туриб, трасса ёқалаб юрарди. *(Мирм.)* 2. Мен ҳамқишлоғим Бўрича бобони кўпдан бери кўрмаган эдим. 3. Юринг, мен ўша томонга бораман. Бир оз олис, майлими? *(О.)* 4. Халқ кучли ел билан чайқалган денгиз каби бирдан қўзғалди. *(О.)* 5. Бу ҳовлида нимаики бор бўлса, ҳаммаси Муротали учун қадрли эди. *(Ш. Р.)* 6. Сестра буғи кўтарилиб турган бир стакан чойни тумбочка устига қўйди. *(Ойдин)*. 7. У бир соатча кутди, негадир формовщиклар орасида терга ботиб ишлаётган мастер унга қайрилиб қарамасди. *(Мирм.)* 8. Шокир ота ариқ бўйидаги атрофига қалин сув сепилган эски кигиз устида хаёл суриб ўтирарди. *(О.)* 9. Она ва ўғил ўртасида бўлаётган гапни қандайдир дарров пайқаган Насимжон йўргалаб келиб қолди. *(О.)* 10. Зал одамлар билан тўлди. 11. Одам кўп бўлишига қарамай, Турғун икковимиз китоб дўконига етамиз. *(О.)* 12. Сиртдан қараганда, одамлар буни кўрмайди, буни фақат менинг қалбимга кира олган одамгина рўй-рост кўриши мумкин. *(Мирм.)* 13. Қуёш Қалковуз бўйлаб ўсган қалин толларнинг учида ўйнайди. *(О.)* 14. Чайқаларди Нева тошгудай, Юзи узра баҳор сабоси. *(Э. Р.)*

135-**машқ**. Текстни ўқинг. Кўмакчиларни топиб, тўлиқ морфологик разбор қилинг.

Ўктам онанинг жавобидан хурсанд бўлиб, яна ёнғоқ тагига қайтди, шу паллада бир тўда элатлар келишди. Дўсти Собир Эрматов — бўйдор, бесўнақай, сўзи ва ҳаракати вазмин фронтовик йигит — елкада кетмони билан, кўкрагида жаранглаган қатор-қатор орденлари, медаллари билан келган эди. Ёш-яланг йигитларнинг кўпларини Ўктам дарров таниб ололмади. Ўктам кетган вақтда бу азаматлар Жўра ёшидаги шўх, тўполончи болалар эдилар. Чоллар тўрга ўтиришди. Ўктам ҳаммадан қуйида чўккалади. Ноз-неъмат тўла дастурхон устида суҳбат бошланиб кетди. Уруш даврида эшитилган турли шаҳарлар, дарёлар, халқлар, давлатлар ҳақида, ҳар нав қурол-аслаҳалар тўғрисида қизғин гаплашдилар. *(О.)*

## БОҒЛОВЧИЛАР

122-§. Гап бўлакларини ва гапларни бир-бирига боғлайдиган ёрдамчи сўзлар боғловчи дейилади: *Саида, **гоҳ** афсусланиб, **гоҳ** куйиб **ва гоҳ** кулиб гапириб берди. (А. Қ.) Бектемир ўзини тутиб олди, **лекин** ундаги ҳаяжон пасаймади. (О.)*

Боғловчилар ишлатилиш жиҳатидан икки группага ажратилади: 1. Якка боғловчилар: *ва, аммо, агар, чунки, гўё, шунинг учун.* 2. Такрорланувчи боғловчилар: *баъзан, бир, ё, ёки, гоҳ, хоҳ, на.*

Боғловчилар грамматик маъно ва вазифалари жиҳатидан ҳам иккига — тенг боғловчилар ва эргаштирувчи боғловчиларга бўлинади:



123-§. **Тенг боғловчилар** тенг грамматик муносабатдаги гап бўлаклари ва гапларни ўзаро боғлайди.

Тенг боғловчилар тўртга бўлинади: 1. Бириктирувчи боғловчилар. 2. Зидловчи боғловчилар. 3. Айирувчи боғловчилар. 4. Инкор боғловчиси.

**Бириктирувчи боғловчиларга** *ва, ҳамда* боғловчилари киради. Бириктирувчи боғловчилар уюшиқ бўлакларни ва гапларни боғлаш учун ишлатилади (*ҳам* сўзи бириктирувчи боғловчи вазифасида кам қўлланилади, у юкламага кўчган). *Энди мен ҳаётдан ўз тегишимни, ўз қувончимни **ва** ўз чароғон кунларимни довлаб оламан. (Ас. М.) Дерди: «Борки ер, ўрмон, Корхоналар ҳамда кон ... Бўлур ишлаганники ... » (Э Р.)*

Булардан ташқари, *билан* кўмакчиси,-**да**, -**у (-ю)** юкламалари ҳам баъзан бириктирувчи боғловчи вазифасида ишлатилади: *Она-Ватан, биз ёз**у** қиш хизматингга доим тайёр. (Э. Р.) Йигит чаноқлардан тошиб чиққан оппоқ пахталарни кўрди-**ю**, ўзининг ҳам ёш чеҳраси шу чаноқлардай очилиб кетди. (М. Исм.) Ташқаридан келган оёқ товуши баҳона бўлди-**да**, Азиза ўрнидан турди. (Ас. М.)*

**Зидловчи боғловчиларга** *аммо, лекин, бироқ, балки* боғловчилари киради; булар зид маъноли гап бўлаклари ёки гапларни ўзаро боғлайди: *Куннинг кўзи кўринмайди, **лекин** ҳаво ёқимли. (П. Қ.) Қўлдоши ота овози борича бақирди, **аммо** ўз овозини ўзи эшитмади. (Ҳ. Ғ.) Учала чоқларни тикмоқчи бўлди, **бироқ** қўли ишга бормади. (Ҳ. Ғ.)*

Баъзан -**у (-ю)** юкламаси ҳам зидловчи боғловчи маъносида ишлатилади: *Лаблари қимирлади-**ю**, овоз чиқмади.*

**Айирувчи боғловчиларга**, асосан, такрорланган, баъзан якка ҳолда ишлатиладиган *ё, ёки, ёхуд;* такрорланган ҳолда ишлатиладиган *гоҳ..., гоҳ; дам ..., дам; бир..., бир; баъзан ..., баъзан; хоҳ ..., хоҳ; ҳам ..., ҳам* боғловчилари киради. Айирув боғловчилари уюшиқ бўлакларни ёки гапларни бир-биридан ажратиб боғлайди; бунда бир вақтлилик ҳам, галма-галлик ҳам ифодаланади: *Одатда, раис докладчига сўз бераётиб унга қарайди, **ё** қўл, **ё** бош ҳаракати билан «марҳамат» дегандай қилади. (П. Қ.) **Гоҳ** юраклар симобдай қалқийди, **гоҳ** тилга гап келмайди. (А. Эшонов).*

**Инкор боғловчиси *на*** такрорланган ҳолда ишлатилиб, уюшиқ бўлакларни ёки гапларни инкор маъноси орқали боғлайди: *Унинг келганини **на** Қурбон ота, **на** Сидиқжон пайқади. (А. Қ.)*

124-**§. Эргаштирувчи боғловчилар** қўшма гап таркибидаги содда гапларни грамматик жиҳатдан бир-бирига тобелаш йўли билан боғлайди, шунинг учун эргашган қўшма гапларда ишлатилади. Эргаштирувчи боғловчиларга -***ки (-ким)***: *чунки, шунинг учун, негаки, токи гўё, гўёки; агар (гар), агарда, башарти, гарчи, гарчанд* боғловчилари киради.

-***ки(-ким)*** боғловчиси қўшма гап таркибидаги гапларни изоҳлаш, аниқлаш маъноси билан боғлайди: *У сўзни шундай айтдики, худди шу сўз унинг учишига гувоҳлик бераётгандай эди. (Б. Полевой.)*

*Чунки, шунинг учун, негаки, токи* боғловчилари қўшма гап тар-

кибидаги гапларни сабаб ёки мақсад маъноси билан боғлайди: *Москвани севамиз, чунки Москва мазлум Шарқу Ғарбнинг халоскоридир. (Ғ. Ғ.) Ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли, Шунинг учун эрка кўнгил шод. (У.)*

*Гўё, гўёки* боғловчилари гап ёки гап бўлакларини қиёслаш, ўхшатиш маъноси билан боғлайди: *Гўё қоронғида чироқ ёқилгандай, қиз қалби, ўйи, хаёллари равшан тортди (Ҳ. Ғ.)*

*Агар, агарда, башарти, гарчи, гарчанд* боғловчилари қўшма гап таркибидаги гапларни шарт ёки тўсиқсизлик маъноси билан боғлайди: *Агар бўлмасайди революция, Шаҳарлар тарихдан ўчгуси эди. (Ғ. Ғ.) Гарчи баҳор фасли бўлмаса ҳам, пешиннинг иссиғи сезиларли даражада қиздирарди. (Ш. Р.)*

**136-машқ.** Гапларни ўқинг. Боғловчиларнинг қайси гап бўлаклари ёки гапларни боғлаётганини, шунингдек, ишлатилиш жиҳатидан турини айтинг.

1. Бу орада Тошкент — Наманган поезди жўнади ва Наманган — Тошкент поезди келди. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Тўтиқиз Дилшодни кўп кутди, бироқ ундан дарак бўлмади. *(М. Исм.)* 3. Ҳозир ё шамол бўлади, ё ёмғир ёғади. *(Ҳ. Ғ.)* 4. Ойниса ёлғиз боши билан дам ишга югуради, дам Эргашвойни кутади, дам биз томонга чопади, боёқишга оғир. *(Ҳ. Ғ.)* 5. На Йўлдошдан хат бор, на Эргашдан хабар бор. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Смирнов билагини шимариб қизғин ишга киришди ва биз тузган тадбирларни уч қисмга бўлиб ҳикоя қилди. *(Ш. Р.)* 7. Ҳамма урушни ўйларди, лекин ундан ҳеч ким оғиз очишга журъат этмас эди. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Эрали бу овозни танигандек бўлди-ю, аммо у ажрата олмади. *(Ё. Ш.)* 9. Зумрад тўкилиб турган пастаккина эски уйнинг энсиз айвончасида ўртоғи Гулсара билан иш тикиб, гоҳ кулишиб, гоҳ жиддий сўзлашиб ўтирарди. *(О).* 10. Гулнознинг ташвиши Ойнисага ҳам кўчди-ю, лекин юрагида қалққан ваҳима тўлқинини босишга уринди. *(Ҳ. Ғ.)*

**137-машқ.** Гапларни кўчиринг. Тенг боғловчиларнинг тагига чизинг ва турини айтинг.

1. Унтер Пришибеев дам судьяга, дам гувоҳларга қаради. *(Чехов.)* 2. Воҳид юриш тезлигини ўзгартирмасдан борди ва Қудрат тайинлаган жойда тўхтади. *(М. Исм.)* 3. Ё хатлар бориб тегмасди, ё ўзи жавоб қайтармасди. *(Ҳ. Ғ.)* 4. Қани энди, опоч, овқат-повқат берасанми ё оч ўтираверамизми? *(Ҳ. Ғ.)* 5. Шинни хуштаъм экан, бироқ кўпни еб бўлмас экан. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Гулнознинг кўзлари ерга қадалиб қолди ҳам пешанасига реза-реза тер чиқди. *(Ҳ. Ғ.)* 7. Нима учун шу ишни қилаётганимни биламан, аммо сизлар билмайсизлар. *(А. Қ.)* 8. Баъзан улар чуғурлашиб келиб қолишар, баъзан отанинг ўзи уларни йўқлаб борар эди. *(Ҳ. Ғ.)* 9. Ғуломжон кириб бир Дилшодга, бир Жамолиддинга қараб, кўзлари Жамолиддинда тўхтади. *(М. Исм.)* 10. Одина тош устида гоҳ у ёни, гоҳ бу ёни, гоҳ орқаси билан чўзилиб, энг охирида уйқуга толди. *(С. А.)* 11. Манзуранинг юзига дам иссиқ, дам оқшом шабадаси урилади. *(Ас. М.)* 12. Гулноз шундан кейин уч марта хат ёзди, лекин жавоб келмади. *(Ҳ. Ғ.)* 13. Унинг номига



ғалати бир конверт чиқди: на адреси бор, на маркаси ва на почта муҳри. *(П. Қ.)* 14. На қулоғига гап киради, на кўзига одам кўринади. *(С. А.)* 15. Унинг ҳеч бир истаги ерда қолмади, бироқ ҳаммаси Дадавойнинг мақсадига зид бўлиб чиқди. *(Ҳ. Ғ.)*

**138-машқ.** Гапларни ўқинг. Боғловчи вазифасида келган кўмакчи ва юкламаларни аниқлаб, қайси боғловчи вазифасида ишлатилганини айтинг.

1. «Оқ олтин»ни етказамиз, Элимиз бой бўлсин деб. Эртаю кеч тер тўкамиз, Юрт олтинга тўлсин деб. *(Ш. С.)* 2. Сувонқул қоқ белига бир тепиб, Муротали ётган чуқурга юмалатди, Меҳри билан Қарим эса Муроталини авайлаб, уни ётган еридан турғиздилар. *(Ш. Р.)* 3. Сен кампирга тушунтира олмайсан-у, кампир сенга тушунтирибди. *(С. З.)* 4. Партия қўлимиздан етаклади-ю, биз енгиб чиқдик. *(О.)* 5. Кузнинг совуғи келди-ю, аммо ёғини келмади. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Афтидан, оғзига аччиқ гап келди-ю, лекин дадаси олдида бу одамга бир нарса дейишдан ўзини тийди. *(Ш. Р.)* 7. Ҳовли тўридан Ибодилла билан Лаъли, ҳовли этагидан Қобил билан Баҳри айвон олдига югуриб келдилар. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Аттанг! Бу билим олибди-ю, таълим олмабди, ҳа билим бошқа, таълим бошқа. *(Мирм.)* 9. Али тажанг ҳазилни пайқамай бирдан ёниб кетди-да, Катта Фарғона каналини эслади. *(О.)* 10. Ҳа, ростлади қаддин мустаҳкам, Ён бермади дарду аламга. *(Э. Р.)*

**139-машқ.** Гапларни кўчириб, эргаштирувчи боғловчиларнинг тагига чизинг; улар тапларни қандай маъно билан боғлаётганини айтинг.

1. Сенга насиҳатим шуки, одамлардан ўрган. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Назокат айни замонда ўзини дунёга янги кўз, янги фикр билан қарай оладиган одам деб ҳис қиларди, чунки унинг кўкрак чўнтагида умид-орзулар билан ёнган қалби устида қайта туғилиш гувоҳномаси — партия билети бор эди. *(С. А.)* 3. Кулги унга шу қадар ярашар эдики, гўё юзига нур ёғиларди. *(С. А.)* 4. Сен борсанки, халқимизнинг пўлат сафи бузилмас. *(У.)* 5. Агар бўрон бошланиб, чанг-тўзон кўтариладиган бўлса, тракторчиларнинг ҳоли не кечади. *(Ш. Р.)* 6. Ленининг номи азамат ва мағрур, чунки Ленин байроғидан юртга ёғди нур. *(О.)* 7. Қишлоқ обод бўлди, шунинг учун менинг кўнглим шод. *(Ҳ. Ғ.)* 8. Онаси касалманд эди, шу туфайли Салимни сиртқи ўқишга киришга қистаганди. *(О. Ё.)* 9. Ойимхон уйғонмасин учун, Ҳолмурод оёқ учида бориб ўз ўрнига ётди. *(П. Т.)* 10. Бу ердаги ўтлар ҳамиша зангор бахмални эслатарди. Шунинг учун ҳам қишлоқ Бахмал номи билан аталарди. *(Ш. Р.)* 11. Отлар гўё овчидан қочган кийиклар сингари қўш оёқлаб шамолдек учиб бормоқда. *(Ё. Ш.)* 12. Шуни билингки, уюшқоқлик, дўстлик кўпгина муваффақиятларимизнинг гаровидир. *(Ш. Р.)*

**140-машқ.** Гапларни ўқинг, боғловчиларни ажратиб, тўлиқ морфологик разбор қилинг.

Намуна. *Гоҳ* — боғловчи, ишлатилиш жиҳатидан такрорланувчи боғловчи, грамматик маъно ва вазифаси жиҳатидан тенг (айирувчи) боғловчи, уюшиқ бўлакни ўзаро боғлаяпти.

1. Йирик бадиий асарларни ўқиганда гоҳ у, гоҳ бу образда ўз аксингни ёки ўз характерингдаги алоҳида белгиларни кўрасан. *(М. И. Калинин.)* 2. Абдулла Набиевнинг ёрқин ва жанговар образи коммунистик жамият қураётган ёшларимиз учун ибрат бўларлидир. *(А. Р.)* 3. Колхоз раиси шошилмай ўрнидан турди ва қўлини столга тиради. *(Ш. Ғ.)* 4. Москвани севамиз, чунки Москва халқларнинг таянчи, ифтихоридир. *(Ғ. Ғ.)* 5. Абдурасул ака Абдулҳайга бир марта ҳам кўриниш бермади, аммо, муҳаббатдан маст бўлган ёшлар бунга парво қилишмади. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Йўлдош унинг қисмига тушиб қолганига нечундир, шубҳа қилмас, лекин у танимаганлигидан таажжубланар эди. *(Ҳ. Ғ.)*

## ЮКЛАМАЛАР

**125-§. Юкламалар ҳақида умумий маълумот.** Айрим сўз, сўз бирикмаси ёки бутун гапга турли қўшимча маъно қўшадиган ёрдамчи сўзлар юклама дейилади.

Юкламалар тузилиш жиҳатидан иккига бўлинади:

1. **Сўз юкламалар:** *ҳатто, фақат, наҳотки, ахир, худди, ҳам.*

2. **Аффикс юкламалар:** ***-гина (-кина, -қина), -ми, -чи, -да, -оқ (-ёқ), -ку, -дир.***

Юкламалар маънолари жиҳатидан қуйидагича группаланади:

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари: ***-ми, -чи, -а (-я).***

2. Кучайтирув ва таъкид юкламалари: ***-ку, -у (-ю), -да, -э, -оқ, (-ёқ), -ки; ахир, ҳатто, ҳаттоки, наҳотки, ҳам.***

3. Айирув ва чегаралов юкламалари: ***-гина (-кина, -қина),*** *фақат, фақатгина.*

4. Аниқлов юкламаси: *худди.*

5. Гумон юкламаси: ***-дир.***

Эслатма. 1. Бир группадаги юклама гапда бошқа группага оид маънода ишлатилиши мумкин. Масалан, *Шеърни жуда ажойиб ўқир экан-а* гапида-***а*** сўроқ юкламаси кучайтирув ва таъкид маъносида ишлатилган. 2. ***-гина*** юкламаси эгалик, келишик қўшимчаларидан кейин келади: *Учрашувда Каримнигина кўрдим.*

**126-§. Юкламаларнинг ёзилиши.** 1. Аффикс юкламалардан ***-ми, -оқ (-ёқ), -гина (-кина, -қина)*** ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади: *Электр кўзга**гина** эмас, қўлга ҳам ёрдам берсин. (О.) Йигитнинг юраги, номуси, одамгарчилиги пулдан азиз, пулдан юқори эмасми? (О.)*

2. ***-чи, -ку,-у(-ю), -а(-я), -да*** аффикс юкламаларидан олдин чизиқча қўйилади: *Демак, бизникига борасиз-а? (Ҳ. Ғ.) Йўл-ку битади**ку-я**, бироқ Ойқизнинг ҳазилидан сўнг кайфингиз бузилганига ҳайронман. (Ш. Р.)*

## МОДАЛ СЎЗЛАР

**127-§.** Ўзбек тилида модал маъно ифодалаш учун қўлланадиган алоҳида сўзлар гуруҳи модал сўзлар *(латинча модус — усул, ўлчов, миқдор)* деб аталади. Улар гапда сўзловчининг ифодаланган



фикрга, воқеа-ҳодисаларга турли (ишонч, гумон, тасдиқ, инкор каби) муносабатини кўрсатади. Модал сўзларга қўшимча маънони унга атама бўлмаган ҳолда ифодалайдиган *эҳтимол, балки, афтидан, шубҳасиз, шекилли, керак, лозим, хўп, майли, ҳа, йўқ, бўпти, тўғри, демак, дарвоқе, афсус, аттанг* каби сўзлар киради.

Модал сўзлар гапда кўпинча кириш сўз: ***Дарвоқе**, Мирюсуф акамларнинг саломатликлари қалай? (Мирм.)*, кесим: *Улфатларим ичида унақаси **йўқ**, ишончим комил. (Мирм.)*, баъзан гап бўлаги ёки бутун бир гап вазифасини бажариши мумкин: *«Бу ерларга сув тўлиб денгиз бўлади. Шундайми?» — «**Ҳа**». (Мирм.) «Ҳарқалай биз денгиз остида кетяпмиз, шу ростми?» — «**Рост**». (Мирм.) «Саволларим бор, кейин айтаман». — «**Бўпти**. Бир кун суҳбатлашамиз». (О.)*

Демак, модал сўзлар ёрдамчи, модал маъно ифодалаши жиҳатидан юкламаларга ўхшайди. Бироқ грамматик вазифаси жиҳатидан улардан фарқ қилиб, мустақил сўзларга яқин туради. Шунингдек, бирор воқеликнинг атамаси бўлолмаслиги ва бошқа баъзи хусусиятлари билан эса мустақил сўзлардан ажралади.

**141-машқ.** Гапларни кўчириб, юклама ва модал сўзларнинг тагига чизинг, уларнинг қандай маъно билдираётганини айтинг.

1. «Йўғ-э... Ҳужжат, қарор... Ахир бу гаппинг ўзи бўладими?» 2. «Барчиной келиб ҳайрон бўлмайдиларми?» — сўради Маъсудахон. 3. Нима қилишмоқчи асти ўзи? Ёки бу ҳам бир тарбия воситасимикан? Наҳотки шундай тарбияласалар. Ахир унинг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўляпти-ку. Эҳтимол, уни жувонмарг қилишмас, бу ҳам бир пўписадир? 4. Қани менга айт-чи, Барчиндан дарак борми? 5. Дарров қизиққонлигинг тутиб кетади-я? *(Мирмуҳсин асаридан.)*

**142-машқ.** Гапларни кўчиринг. Юкламаларни топиб, маъно жиҳатидан турини айтинг ва ёзилишини тушунтиринг.

1. «Сени чақиришдими?» — «Йўқ». — «Уч ойдан бери-я?... Саидбековнинг хабари борми бу ишлардан? Барчиннинг-чи?... ҳаракат қилиши керак эмасми?... Ахир сен курашиб келган йигит эдинг... Хиёнат қилмагансан-ку, ахир». — «Хатолик бордир, лекин хиёнатим йўқ». *(Мирм.)* 2. Бирданига ҳамма нарсани билиб олмоқчисиз-а? *(Мирм.)* 3. Ие? Ўша одамларга айтиб қўйингки... *(Мирм.)* 4. Оловдай шўх, тентаккина бола эди-да. *(О.)* 5. Собир қизлар билан бир неча минут гаплашди-ку, лекин Анорхонга индамади. *(О.)* 6. Шундай замондамизки, илм, техника йўли ҳаммага очиқ. Фақат орзу ва ғайрат бўлса бас. Ҳатто, «Ўқи, мутахассис бўл, олим бўл», деб мажбур ҳам қиладилар... Бошимни бир оз ёритиб келай, деб колхоз билан хайрлашаман-да. *(О.)* 7. Инсон гўзаллиги юзда эмасдир. Ҳаттоки ишвали кўзда эмасдир. *(Р. Бобожон.)* 8. Шундай ўсди Володя таратиб меҳру зиё. Ёшликданоқ ғарибга бўлиб у меҳригиё. *(Э. Р.)*

**143-машқ.** Гапларни ўқинг. Сўнгра қавс ичидаги юкламаларни имло қоидаси асосида ёзинг.

1. Қизиқ одамсиз(-да), Ўлмасбоев. «Квартира масаласи қанақалигини мендан яхши биласиз(-ку)... Сизга буни давлат берди(-ю)? *(Мирм.)* 2. Телефон бўлганда, бирпаслик иш(-ку) (-я). *(О.)* 3. «Биласиз(-ми), режим нима?» — «Маълум тартиб билан, ўз гали, қоидаси билан иш қуриш(-да)...» *(О.)* 4. Кўприкни қачон тузатамиз?... Ҳафсалани қаранг(-а)! Ё бизникилар бориб янги кўприк қуриб беришсин (-ми)?.. Ҳо, ёқмайди(-я)! *(О.)* 5. Бу орзуларнинг рўёбга чиқуви (фақат) сувга боғлиқ эди. *(Ш. Р.)* 6. Тўпланган пул мўлжалга (-ку) етади(-я), лекин бу гапни бобо кампирига айта олмайди. *(Ҳ. Ғ.)* 7. Сизни ҳам бирга олиб борсам бўлар эди, лекин эртага қизлар ўқишсиз қолишади (-да). *(М. Исм.)* 7. Адабиёт ҳақида унинг номисиз, илҳомисиз ёзилган бирорта мақолани топиб беринг (-чи)? *(Ҳ. Ғ.)*

**144-машқ.** Гапларни ўқинг. Юкламалар ва модал сўзларни топиб, тўлиқ морфологик разбор қилинг.

1. Сизни жуда яхши биламан, тушундингизми? *(Мирм.)* 2. Қани топ-чи, мен шу лаҳзада нимани ўйлаяпман? *(Мирм.)* 3. Худди шундоқ жавобни кутган эдим. Бу — ишчи ўғли... *(Мирм.)* 4. Ҳ. Олимжон шеърни шундай маҳорат билан ўқир эдики, эшитган одам мафтун бўлмасдан иложи йўқ эди. Урғу, оҳанг, йўналиш, авж — ҳаммаси ўрнида эди-да. *(Мирм.)* 5. Ҳа, сиз билан ҳазиллашган бошқалар-ку, кепчикни бизга чаласизми? *(О.)* 6. Биласизми, сиз, биз бир ариқдан сув ичамиз-а. *(О.)* 7. «Ўнг оёғим бир оз ногирон-да — деди Ўктам жилмайиб. — Оғриғи ҳам майли-я, оқсаганим чатоқ...» 8. Наҳотки у шеърини бир баёзга киритилганлиги учун шунчалик қувонса? *(М. Исм.)*

## УНДОВ

**128-§. Ундов ҳақида умумий маълумот.** Сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, буйруқ-истаги, таъкид ва жавоби каби маъноларни ифодалайдиган, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзлар ундов дейилади: *эҳ, вой, ҳой, бас, ҳа, ҳув, кишт, ту-ту-ту* каби.

Ундов айрим сўз сифатида бирон предметни ёки унинг белгисини ифодаламайди, ҳатто, ҳис-ҳаяжон, буйруқ-истак кабиларнинг атамаси (номи) ҳам эмас, балки уларнинг нутқдаги гавдаланишидир. Ундовнинг маъноси нутқдаги маълум шароитда англашилади. Шу жиҳатдан ундовлар бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради.

**129-§. Ундовнинг турлари.** Ундовлар, нутқдаги маъноларига кўра, икки группага бўлинади: 1. Эмоция билдирадиган ундовлар. 2. Буйруқ-хитоб ундовлари.

Эмоция билдирадиган ундовлар ҳис-ҳаяжонни, буйруқ, истак, чақириқ, табрик, таъкид, жавоб каби маъноларни ифодалайди: *эҳ, оҳ, иҳ, ма, ҳм, бе, хо, ҳе, э, эй, ҳа, уф, туф, дод, вой, ҳақ, об-бо, ура, ўҳў, э-ҳа, э-ҳе, и-и, ие, ҳув, ҳов, ҳай, ҳей, тсс, марш, бас, ҳорманг, раҳмат, қани, алло, салом, хайр, офарин, балли, баракалла, ана, мана.*



Буйруқ-хитоб ундовлари одамнинг ҳайвон ва паррандаларга бирор иш-ҳаракатни бажартириш ёки, аксинча, ҳаракатдан тўхтатиш, тинчлатиш мақсадида ишлатиладиган махсус сўзлардир: *қурай-қурай, баҳ-баҳ, маҳ-маҳ, пиш-пиш, беҳ-беҳ, ту-ту, ҳай, чу, пшт, кишт, дирр, так, ҳай.*

Ундовлар содда гап вазифасида ҳам келади:

***Бай-бай-бай**... Ҳай аттанг. Қани, ўртоқ Одилов, сиз айтинг, шу гаплар ростми? (А. Қ.)*

Ундовлар кўпинча гап олдида келиб, эмоционал маънони кучайтиради: ***Эй**, бормисан? — деди ҳамма бирдан. (Ғ. Ғ.) **О** қандай чин бахтга тўлғин бу онлар. (О.)*

Ундовлар ундалма вазифасида ҳам келади: ***Ҳай**, азаматлар, уйқуни бас қилинглар. (Гоголь.)*

Ундовлар отлашганда гап бўлаги вазифасида келиши мумкин: ***Ҳай-ҳайи** йўқ, Қори ака. (Мирм.) — Орқада қолганларнинг ҳолига вой.*

## ТАҚЛИДИЙ СЎЗЛАР

**130-§.** Киши борлиқдаги предметларнинг турли товушлари, шарпалари, ҳаракат ва шуъла кўринишларига ўз товуши билан тақлид қилади ёки уларнинг товуш деб тасаввур қилинадиган образини яратади.

Турли шарпа-товушларнинг ёки ҳаракат ва ҳолатларнинг образи бўлган сўзлар тақлидий сўзлар дейилади. Улар товушга тақлидий сўзлар ва образга тақлидий сўзларга бўлинади.

Товушга тақлидий сўзлар табиатдаги хилма-хил (одамга, парранда, ҳашаротларга, турли жонсиз предметларга хос) товушларнинг нутқ товушларига кўчишидир: *қарс, шақ, тақ, дук, дуп, виш-виш, гумбур-гумбур, ғув-ғув, пиқ-пиқ, тарақ-туруқ, тарс-турс, шип, трик-трак.*

Образга тақлидий сўзлар табиатдаги хилма-хил шуъла, ҳаракат кўринишларининг товушга образли кўчишини ифодалайди. Бундай сўзлар шуъла-ҳаракатни товуш образи орқали тасвирлайди: *пар-пар (ёнмоқ), пир-пир (кўз учиши), дир-дир (титрамоқ), қалт-қалт (қалтирамоқ), ғиппа-ғиппа (бўғмоқ), гуп-гуп, гуппа-гуппа (ёғмоқ), гуп (ҳид урмоқ), ғир (этиб бормоқ), шарт (қирқмоқ, ўрнидан турмоқ), чўрт (кесмоқ), дув-дув (ёш тўкмоқ), паққа (қўлга тушмоқ), юракнинг шиғ, шув, жиз, жаз* этиши, *чирт (кўз юммоқ), қулт-қулт (ютмоқ), мик этмоқ, тақа-тақ (берк);* предметнинг ҳаракатини кўриш образлари орқали тасвирлайди: *лип-лип, лик-лик, гир-гир, ялт-ялт, йилт-йилт, лапанг-лапанг, диканг-диканг (чопмоқ, ўйнамоқ), мўлт-мўлт (қарамоқ);* предметнинг турғун ҳолатини: *лўқ, ланг, данг, дунг, паға-паға;* кишининг руҳий ҳолатини: *анг-танг, ҳанг-манг;* предметнинг кўп ва зич эканини: *виж-виж, вижир-вижир, биж-биж* кўриш образи орқали тасвирлайди.

Тақлидий сўзлар гапда, асосан, аниқловчи ва ҳол вазифасида келади: *Атрофдаги иссиқдан қуш қаноти куйгудай, бу ерда* ғир-

**ғир** *шамол. (О.) Мен ҳам* **лип** *этиб ҳужрага кириб, хумчадан ёғ ўйиб олдим (Ғ. Ғ.)*

Тақлидий сўз отлашганда, эга, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи вазифасида ҳам келиши мумкин: *Майна уйда ёлғиз ўтириб уй томини чертаётган ёмғирнинг* ***тақир-туқурини*** *тингларди.* ***Тақир-туқур*** *яна зўрайди. (Ш. Тошматов.)*

**145-машқ.** Гапларни ўқинг. Ундовларни топиб, турини, вазифасини айтинг.

1. Бир-бирига ҳамнафас, жўшқин. О, қандайин азиз бу дамлар. *(Э. Ғ.)* 2. Эҳ, нақадар меҳрибон экан одамга. Бундай инсонлар ҳар он керак оламга. *(Э. Р.)* 3. Вой-бўй-ў-ў! Шунақа денг. *(Мирм.)* 4. Аҳ, соз иш бўлди-да. Эҳе, дарвоқе, орденлар муборак бўлсин. Аҳ, жуда ярашибди-да. *(О.)* 5. Бай-бай, режим жудаям кучли, Ўктам темир қўл чиқди,.. бай-бай-бай. *(О.)* 6. Оҳ, қандай сўлим кеча-я! *(О).* 7. «Оббо, кулди Соатжон. — Ғўзамиз ёмон эмиш, сийрак эмиш-а, ёпирай!» *(О.)*

**146-машқ.** Гапларни ўқинг. Тақлидий сўзларни топиб, маъносини айтинг. Отлашган тақлидий сўзлар қатнашган гапларни кўчириб, унинг гапдаги вазифасини белгиланг.

1. Туни билан тақа-тақ, тақа-туқ учган поезд эртасига эрта билан Катта қўрғонга кириб борди. *(Мирм.)* 2. Уни кўргиси келар, штаб томонга боргудай бўлса, юраги гуп-гуп уриб кетарди. *(Мирм.)* 3. Шу шов-шув ичида ҳам гапимни англаб эшитдинг, бу яхшилик нишонаси. *(Мирм.)* 4. Собир катта чойнакдаги яхна кўк чойни қулт-қулт ютиб, чопиққа киришди. *(О.)* 5. Оломон ғув-ғув қайнайди. *(О.)* 6. Анорхоннинг ўртоқлари бир-бирини қувлашиб, қий-чув билан югуришди. *(О.)* 7. Ойдинда чиройли йилтираган чиллаки луччак шафтолилар дув-дув тўкилди. *(О.)* 8. «Во, во! Бутунлай тўғри, Комилахон», — деди Акаскин. *(О.)* 9. Гўё лов этиб ёнгандай ўрнидан ирғиб турди. *(О.)* 10. Чор атроф япроқларнинг шивир-шивирига тўлди. *(Ў. Ҳ.)* 11. Лик-дик сакраб отлари ҳар ёқ, Яна кучли юришлар бошлар. *(Э. Р.)* 12. Уфқдаги тоғларнинг усти ғира-шира оқарган, лекин осмонда, сийрак булутлар орасида, ҳамон милт-милт ёнган юлдузлар кўринарди. *(О. Ё.)* 13. Шалдир-шулдир бирданига тиниб қолди. *(Ш. Р.)* 14. От дукури эшитилди, хаёли бўлинди. *(С. А.)* 15. Чумчуқлар тинимсиз чирқиллаб қулоқни қоматга келтиради, олмадаги майна бўлса, калта-калта «чах-чах», «чуҳ-чуҳ»и билан чумчуқларнинг бетартиб симфониясига жўр бўлади. *(Ҳ. Ғ.)*

**147-машқ.** Гапларни ўқинг. Ундов ва тақлидий сўзларни топиб, морфологик разбор қилинг.

Намуна. *Йилт-йилт* — тақлидий сўз, образга тақлид билдирган; гапда — ҳол. *Салом* — эмоционал ундов, расм-одат билдиради; содда гап вазифасида келган.

1. «Аппорт» олманинг нави Кетган таъриф-мақтови. Қирмизи юзларида Ёнар йилт-йилт олови. *(Э. Р.)* 2. Э, шунақами? О-о-о, бу кунга етишимиз учун жонларини берганлар бор. *(Мирм.)* 3. Ўнг томон мўйлови лип-лип учди. *(Мирм.)* 4. Цех шов-шувида у ҳам Нурғалиевдек бақириб гапирмаса, ҳеч нарсани эшитиб бўлмас эди. *(Мирм.)* 5. Ҳалигина пашша «ғинг» деса эшитиладиган жимжит ҳовли қийчувга тўлди. *(О).* 6. Ҳам элатлар гунгур-гунгур сўзлашиб боришди. *(О.)* 7. Тансиқ қўлда кетмони, шап-шап сув кечиб юради. *(О.)* 8. Йўлак томондан гурс-гурс қадам товушлари, кейин йўтал овози эшитилди. *(Ў. Ҳ.)* 9. Унинг хотини эртадан кечгача ғув-ғув чарх йигирарди. *(А. Қ.)* 10. Элмурод аввалгидан кўра анча енгиллашган-у, аммо боши ҳамон оғрийди, чаккалари лорс-лорс уради. *(Ш.)* 11. Охирги вагон ғилдираклари тарақа-туруқ қилиб кўздан ғойиб бўлди. *(Ҳ. Ғ.)*

**148-машқ.** Текстни ўқинг. Ундаги барча сўзларни тўлиқ морфологик разбор қилинг.

Юк машинаси шаҳар ичида уларни тушириб колхозга кетди. Арслон билан Асқар шаҳар ичида бозор четидаги уйлардан бирига жойлашган газета редакциясига киришди. Қорамағиз, хипчадан келган баланд бўйли редактор студентни очиқ чеҳра билан кутиб олди. «Мен ўзим ҳам тўртинчи курс студентиман», — деди у ўзининг бу икки романтик ёшга елкадош эканини изҳор этиб. Орадан бирон соат ўтар-ўтмас бу ерга қурилишдан келиб йиғилган кўпгина мухбирлар билан суҳбат ўтказиб, соат бешда бўладиган катта митингга уларни таклиф этди. Дарҳақиқат, соат бешда шаҳар ичига жойлашган штаб ёнидаги майдонга мингларча одамлар тўпланиб, минбарга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Йўлдош Охунбобоев, Ўзкомпартия Марказий Комитетининг секретари Усмон Юсупов, ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Абдужаббор Абдураҳмонов чиқди.

# СИНТАКСИС

## СИНТАКСИС ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

**1-§.** Грамматиканинг синтаксис бўлими гапда сўзларнинг бирикиш қоидалари, сўз бирикмалари, гап ва унинг турларини ўргатади.

Демак, синтаксиснинг ўрганиш объекти сўз бирикмаси ва гапдир. Синтаксис сўз бирикмалари ва гапларнинг ҳосил бўлиш йўллари, уларнинг турли типларини ўрганади.

Масалан, *китобни ўқиди, пахтани терди, мактабни тугатди* каби бирикмалар, ҳар хил маъно ифодаловчи турли сўз туркумларидан тузилган бўлса ҳам, синтактик жиҳатдан бир типни—тушум келишигидаги от ва феъл (воситасиз тўлдирувчи ва кесим) муносабатини кўрсатувчи сўз бирикмасини ташкил қилган. Лекин *Ўқитувчи келди. Пахта очилди. Қўнғироқ чалинди* каби бирликлар ҳам турли маънодаги сўзлардан тузилган бўлиб, булар сўз бирикмасини эмас, эга ва кесим муносабатини ифодалайди ва содда йиғиқ гапни ташкил этади.

Шундай қилиб, синтаксис сўз бирикмалари ва гап ҳақидаги таълимотдир.

## СЎЗ БИРИКМАСИ

**2-§. Сўз бирикмаси** икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзларнинг грамматик қоидалар асосида бирикувидан ташкил топади. Масалан, *оппоқ пахта, тоза пахта, терилган пахта* каби бирикмалардаги *пахта* сўзи *оппоқ, тоза, терилган* каби сўзлар билан бирикиб, сўз бирикмасини ҳосил қилган.

Сўз бирикмалари, асосан, мустақил сўзлардан ташкил топади. Сўз бирикмаси таркибида қўлланувчи ёрдамчи сўзлар бирикманинг алоҳида қисми бўла олмайди, улар мустақил сўзлар билан бирга сўз бирикмасининг бирор қисмини ташкил қилади: *колхозчилар билан учрашмоқ, ариқ бўйида юриш, қунт билан ўқиш, фильм ҳақида баҳслашмоқ, эрта билан туриш* каби мисоллардаги *билан, ҳақида, бўйида* ёрдамчи сўзлари гап бўлаги бўла олмаганлиги учун ҳам, мустақил сўзлар билан бирга (*колхозлар билан, ариқ бўйида, қунт билан, фильм ҳақида, эрта билан*) бирикманинг бир қисмини ташкил қилган.

**3-§.** Гапда сўзлар ўзаро икки хил усул билан (эргашиш ва тенгланиш орқали) бирикади. Масалан, *кенг ва ёруғ уй* бирикмасида *кенг, ёруғ* сўзлари бир-бирига нисбатан тенг муносабатда: бири иккинчисига тобе эмас. Бу сўзлар бир хил гап бўлаги вазифасини бажаради. *Ёруғ уй, янги бино* каби бирикмаларда эса қисмлар бири иккинчисига тобе ҳолда келиб, эргашиш усули билан бирикади. Бундай усул билан ҳосил қилинган бирикмаларда эргаш сў (*ёруғ, янги*) ва бош сўз (*уй, бино*) мавжуд бўлади.



**4-§.** Бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб, сўз бирикмалари қуйидаги турларга бўлинади:

1. Феълли сўз бирикмалари (*китобни ўқимоқ, шеърни ёдламоқ, мажлисни чақириш*).

2. Отли сўз бирикмалари. Бунда бош сўз от (*яхши умид, талантли студент, буюк иш*), сифат (*жуда ширин, тошдан қаттиқ, олтиндан қиммат*), сон (*учдан бир, тўртнинг ярми*), олмош (*болаларнинг ҳар бири, сайловчиларнинг ҳаммаси*) билан ифодаланади.

3. Равишли сўз бирикмалари (*жуда тез, уйдан юқори, отдан баланд, тоғдан паст*).

**1-машқ.** Текстни ўқиб, эргашиш усули билан тузилган сўз бирикмаларини аниқланг.

Ўрдак дарёда балиқ излаб юриб, кун бўйи битта ҳам балиқ тополмади. Кечаси сувда ойни кўриб қолди-да, балиқ бўлса керак, деб ўйлади ва ойни тутиб олиш учун сувга шўнғиди. Бошқа ўрдаклар буни кўргач, масхара қилиб кула бошладилар.

Ўша вақтдан бошлаб ўрдак шу қадар уятчан ва тортинчоқ бўлиб қолдики, сув тагида балиқ кўрганда ҳам, уни овламайдиган бўлди. (*Л. Толстой.*)

**2-машқ.** Сўз бирикмаларини аниқланг, аввал тенгланиш усули билан, сўнг эргашиш усули билан тузилган бирикмаларни ажратиб ёзинг.

Мен мактабга кирдим. Дадам кулча билан майиз дастурхон қилиб келган эди. Домла дастурхонни очди, битта кулчани ушатиб, ўзи озгина еди, дадамга ҳам манзират қилди. Дадам ҳам бир тишлам нон олиб еди. Кейин домла яна бир кулчани товуққа берадигандай майдалаб, болаларнинг устига сочиб юборди. Болалар бир-бирларини уриб-суриб, нонга ёпиша кетдилар. Домла бу аҳволни кўриб индамай ўтиролмади: унинг орқасида, деворга катта-кичик бир нечта таёқ суяб қўйилган эди, домла шу таёқлардан уйнинг нариги бурчига етадиганини олиб болаларни савалай кетди. (*С. А.*)

**3-машқ.** Қуйидаги сўзлардан тенгланиш ва эргашиш усули билан сўз бирикмалари тузиб ёзинг.

Мен, умид; мактаб, тугатмоқ; сув, тўлдирмоқ; техникум, студент; учинчи, бригада; дарахт, ўстирмоқ; уй, келмоқ; кино, бормоқ; дарахт, барг; олма, парваришламоқ; биз, ватан; ҳамиша, шод; студентлар, барчаси; укам, ўйинчоғи; сен, портфелинг; биз, курсимиз; экскурсия, қайтмоқ; иш, бормоқ; қишлоқ, келмоқ.

**5-§.** Сўз бирикмалари уч ва ундан ортиқ мустақил сўздан ташкил топиб, мураккаб сўз бирикмаларини ҳосил қилиши мумкин. Бундай бирикмаларнинг айримларида эргаш ёки бош сўз бошқа

бўлаклар билан бирга қўлланиб, ёйиқ ҳолда келади. Масалан: *кўп қаватли бино, ўн ёшдаги болалар, қайтарма ёқали кўйлак, кўк муқовали китоб.*

Ёйиқ ҳолда келган бирикмалар таркибидаги сўзларни айириб ишлатсак, кўпинча кутилган маъно келиб чиқмайди. Чунончи, *кўп қаватли бино* бирикмасини *қаватли бино, қайтарма ёқали кўйлак* бирикмасини *ёқали кўйлак, кўк муқовали китоб* бирикмасини *муқовали китоб* тарзида қўллаб бўлмайди, бунда маънога путур етади.

Мураккаб сўз бирикмаларининг бошқа бир кўринишида бош ёки эргаш бўлак бирдан ортиқ сўздан ташкил топган бўлса ҳам, улар орасидаги грамматик алоқа аниқ сезилиб туради. Масалан, *кеча эрталаб чопилган ер* бирикмасини *кеча чопилган, эрталаб чопилган, чопилган ер* деб ишлатсак ҳам бўлади.

**4-машқ.** Текстдаги икки ва ундан ортиқ сўзли бирикмаларни ажратиб ёзинг.

Ҳар бир маҳалла — бир оила. Барча маҳалла комитетларига сайловлар ўтказилди. Маҳалла комитетлари ҳузурида хотин-қизлар совети, ободончилик, санитария комиссиялари, медпункт, дружина, ўртоқлик суди, ташвиқот-тарғибот группаси бор. Группа аъзолари шаҳар партия комитетининг аъзолари, корхона ва муассасалар раҳбарларидан иборат.

Шаҳарда кўп қаватли баланд бинолар қуриш авж олган. Ҳар бир киши ўз маҳалласининг шаънига доғ туширадиган бирон ишга қўл урадиган бўлса, аввало, қўни-қўшнилари, қолаверса, бутун маҳалла кўз олдига келади. *(А. Қ.)*

**6-§. Сўз бирикмаларида сўзларнинг боғланиш усуллари.** Сўз бирикмаларида эргаш сўзлар бош сўзга уч хил усул (мослашув, бошқарув, битишув) билан боғланади.

Мослашув деб шахс ва сонда бир-бирига мос бўлган эргашишли бирикмаларга айтилади. Қаратқичли аниқловчиларда қаратқич билан қаралмиш шахс ва сонда мос бўлиб, мослашувни ташкил қилади. Масалан, *бизнинг заводимиз* бирикмасидаги эргаш сўз (*бизнинг*) ҳам, бош сўз (*заводимиз*) ҳам I шахс кўпликда келган. Шунинг учун булар шахс ва сонда мослашган бирикмадир. *Колхознинг боғи, сенинг уйинг, унинг иши, бизнинг қишлоғимиз, сизнинг бригаданғиз, уларнинг топшириқлари* каби бирикмаларда ҳам сўзлар шахс ва сонда мослашган.

Эслатма. *Биз келдик* гапида сўзлар шахс ва сонда мос бўлиб, ўзаро мослашув орқали бирикса ҳам, улар эга ва кесим муносабатидаги қўшилмалар ҳисобланади. Шунинг учун улар сўз бирикмасини эмас, гапни ташкил қилади.

Бошқарув деб эргаш сўз бош сўзнинг талабига мос келишик аффикслари ёки кўмакчилар билан келишидан ҳосил қилинган бирикмага айтилади.

Бош ва қаратқич келишиги формасидаги сўзлар бошқарувни ҳосил қилмайди. Бошқарувда эргаш сўз от ёки от вазифасида келган сон, сифат, олмош каби сўзлар билан ифодаланади. Масалан:



***ҳикояни*** *ўқимоқ,* ***шеърни*** *ёдламоқ* (эргаш сўз тушум келишигидаги отлар билан ифодаланган), ***иккига*** *ажратмоқ,* ***тўртни*** *ҳосил қилмоқ* (эргаш сўз жўналиш ва тушум келишигидаги сон билан ифодаланган), ***заводда*** *ишламоқ* (эргаш сўз ўрин-пайт келишиги формасидаги от билан ифодаланган); ***боғдан*** *келмоқ* (эргаш сўз чиқиш келишигидаги от билан ифодаланган); ***мардларни*** *олқишламоқ* (эргаш сўз тушум келишигидаги отлашган сифат билан ифодаланган); ***сиз билан*** *кўришиш* (олмош билан ифодаланган эргаш сўз кўмакчи билан қўлланган).

Битишув деб бирининг ўзгариши иккинчисига таъсир этмайдиган сўз бирикмаларига айтилади.

Битишув икки турли бўлади:

Биринчи турда эргаш сўз равиш, равишдош ёки равиш вазифасидаги сон, сифатлар билан ифодаланиб, бош сўзга (феълга) боғланади: ***тез*** *ёзмоқ,* ***аста*** *юрмоқ* бирикмаларида эргаш сўз равиш билан; ***кула-кула*** *гапирмоқ,* ***завқланиб*** *ҳикоя қилмоқ* бирикмаларида эргаш сўз равишдош билан, ***бир*** *қарамоқ* бирикмасида эргаш сўз сон билан, ***яхши*** *ишламоқ,* ***қизиқарли*** *ўтказмоқ* бирикмаларида эргаш сўз сифат билан ифодаланган.

Иккинчи тури сифатловчи билан сифатланмиш муносабатини кўрсатади. Бундай бирикмаларда эргаш сўз сифат, сон, олмош, от, сифатдош билан ифодаланади: ***одобли*** *қиз,* ***катта*** *орзу* бирикмаларида эргаш сўз сифат билан: ***учта*** *китоб,* ***бешинчи*** *уй* бирикмаларида эргаш сўз сон билан; ***шу*** *кўча,* ***ўша*** *бино* бирикмаларида эргаш сўз олмош билан; ***кумуш*** *қошиқ,* ***хурмат*** *тахтаси* бирикмаларида эргаш сўз от билан ифодаланган.

**5-машқ.** Текстдаги сўз бирикмаларини аниқланг. Мослашувли бирикмаларни топиб кўчиринг. Эргаш сўзларнинг устига қайси сўз туркуми билан ифодаланганини ёзинг.

С. Айний икки тилли — зуллисонайн ёзувчи бўлган. Тожик ва ўзбек совет адабиётининг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган. С. Айний асарларининг ғоявий мазмуни ҳар иккала адабиёт учун баробар аҳамиятга эга.

«Меҳмондўст» сўзи бизга тожик-форс тилларидан ўтган. Аммо тожик-форс ёзувчилари бу тушунчани «меҳмоннавоз», яъни «меҳмонни ардоқловчи» деган шаклда ишлатадилар.

«Меҳмондўст» эса ўзбекча сўз бўлиб қолади. Тожик тилининг ҳамма нозик қирраларини жуда чуқур ҳис қилган С. Айний «меҳмондўст» сўзидан «меҳмоннавоз» ни аниқроқ ва аслига тўғрироқ деб билган. *(П. Қ.)*

**6-машқ.** Текстдан бошқарувли сўз бирикмаларини топиб ёзинг. Эргаш сўзларнинг қандай сўз туркумлари билан ифодаланганини ва қандай формада келганини аниқланг.

Кумушбиби отасининг сўзига илтифот қилмади. Қутидор дўконига жўнагандан кейин Офтоб ойим Тўйбекани меҳмонхонага буюрди ва ўзи хамир қилишга ўтирди. Кумушбиби хомуш эди.

Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғи кучлимиди, ҳар ҳолда номозшомгул каби ёпиқ эди. Қаршисида ўтирган бувисининг ўтган-кетгандан қилган ҳикояларига эринибгина қулоқ берар ва кўнглини очиш учун айтилган қизиқ сўзларига илжайиш билан жавобланар эди. У айвоннинг бир четидан меҳмонхонада гилам тўшаб уринган Тўйбекага қаранган бўлди-да, айвоннинг ўрта устунига келиб суянди. Энди боягига қараганда бир оз енгилланган-симон, жон олувчи қора кўзлари ҳаракатлана бошлаган, бўриққан қизил юзлари очилинқираган эдилар. *(А.Қод.)*

**7-машқ.** Текстни ўқиб, битишувли бирикмаларни аниқланг. Аввал сифатловчи + сифатланиш, сўнг равиш (равишдош) + феъл типидаги бирикмаларни кўчиринг.

Онани улуғламаган улуғ одам йўқ. Биз ҳаммамиз она ҳақидаги ажойиб сўзларни кичиклигимиздан эшитиб катта бўлганмиз. Фақат сўзда эмас, амалда ҳам бизнинг давлатимиз оналар учун қаҳрамонлик унвонлари, шунга муносиб моддий ва маънавий имтиёзлар яратиб берган.

Энди гап умумхалқ миқёсида яратилган буюк оналик обрўсидан ҳар бир оилада ҳар бир она тўғри ва тўлиқ фойдаланиши ҳақида боради. Биз аёлларнинг барча соҳаларда эрлар билан баравар меҳнат қилиб, эришаётган ютуқларидан ҳақли равишда фахрланамиз. *(П. Қ.)*

**7-§. Сўз бирикмаси** таркибидаги сўзлар турли маъно муносабатларини ифодалайди. Айрим сўз бирикмаларида эргаш сўз белгини, бош сўз предметни ифодаловчи сўзлардан ташкил топади. Масалан: *Сорахоннинг китоби* (**кимнинг** *китоби?*), *кенг дала* (**қандай** *дала?*), *шу уй* (**қайси** *уй?*), *учта олма* (**нечта** *олма?*), *ёзилган хат* (**қайси** *хат?*). Бу бирикмаларда белги билан предмет орасидаги муносабат (аниқловчи ва аниқланмиш муносабати) ифодаланган. Шунинг учун бундай бирикмалар аниқловчили бирикма ҳисобланади.

Сўз бирикмаларининг бошқа турида эса бош сўз ҳаракатни ёки белгини, эргаш сўз шу ҳаракат ва белгининг турли предметларини (объектини) ифодалайди: *сувни ичмоқ* (**нимани** *ичмоқ?*), *арра билан ишламоқ* (**нима билан** *ишламоқ?*), *биздан юқори* (**кимдан** *юқори?*) *қорхонадан кетмоқ* (**қаердан** *кетмоқ?*) *болалардан сўрамоқ* (**кимдан** *сўрамоқ?*) каби.

Юқоридаги каби ҳаракат билан предмет (объект) орасидаги муносабатни кўрсатувчи сўз бирикмалари объектли бирикма дейилади.

*Эртага кетмоқ* (**қачон** *кетмоқ?*), *кулиб гапирмоқ* (**қандай** *гапирмоқ?*), *тез юрмоқ* (**қайҳолда** *юрмоқ?*), *ишлагани келмоқ* (**нима учун — нима мақсадда** *келмоқ?*), *шу ерда ишламоқ* (**қаерда** *ишламоқ?*), *яхши сўзламоқ* (**қандай** *сўзламоқ?*) каби сўз бирикмаларида эса ҳаракатни ифодаловчи бош сўз билан белгини кўрсатувчи эргаш сўз орасидаги муносабат (ҳол ва феъл кесим муносабати) ифодаланади.



Бундай бирикмаларда эргаш сўз бош сўздаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайти, ўрни, мақсади, қайтарзда юзага келишини кўрсатади. Шунинг учун бундай бирикмалар ҳолли бирикма деб юритилади.

**8-машқ.** Ўқинг. Сўз бирикмаларини аниқлаб, уларнинг турини кўрсатинг.

Эртасига яна аллақаёқда бўғиққина момақалдироқ гулдураб, беозоргина ёмғир савалаб ўтди, бўлиқ тупроқ ҳиди анқиди. Райкомнинг тўзон рангидаги кичкинагина эски газиги дик-дик сакраб дала йўлига чиққанда, район марказида ҳали кун уйғонмаган, онда-сонда чиранчоқ жўжа хўрозларнинг қичқириқларигина эшитилар эди. Ориф аканинг тонгда туриб ёлғиз йўлга чиққанини ҳеч ким билмайди, фақат Мария Васильевна пайқаган бўлса эҳтимол. Кеча бюродан кейин, областга қайтиб кетиш олдидан уйга кириб, Онабибининг сочига янги қизил лента тақиб қўйди. Бир пиёла чой ичиб кетди. *(Ас. М.)*

**9-машқ.** Текстни кўчиринг. Сўз бирикмалари ўзаро қандай воситалар билан бирикканлигини чизиб кўрсатинг. Эргаш сўз бош сўзга нисбатан қандай сўроққа жавоб бўлишини қавс ичида ёзинг.

Қуёш энди бошини уфққа қўйган. Қирларнинг ғир-ғир шамоли, ўпкаларга мойдай туюлган тотли ҳавоси ҳаммамизнинг руҳимизни бирдан кўтариб юборади. Дам ҳазил-ҳузул аралаш қизғин гап билан, дам табиатнинг ҳусни, нашъасини ҳис этиб, сукутда бормоқдамиз. Мен тоғлар чўққисидаги олтин чизгиларни, юмшоқ майсаларда отларимизнинг товушсиз дукурини, сойларнинг тошлиқ-туёқлар остидан чақнаган учқунларни сайр этиб, гўзалликка мафтун, кўнглим равшан ҳолда жим бормоқдаман. *(О.)*

**10-машқ.** «Пахта терими» темасида кичик иншо ёзинг. Унда 10 та аниқловчили, 10 та тўлдирувчили ва 10 та ҳолли сўз бирикмалари иштирок этсин.

**11-машқ.** Бош сўзларга қараб, сўз бирикмаларининг турларини аниқланг, аввал отли бирикмаларни, сўнг феълли бирикмаларни кўчиринг.

Марғилон техникумида, бино қурилди, илғор колхоз, илмли мураббия, қоровулни топиб келди, бўш турмоқ, ўзига берилмоқда, боғчага келмоқ, кекса оналаримиз, изоҳ бермоқ, юзлаб боғчалар, тартибга келтирмоқ, ўқимишли мутахассис, ишламаса бўлмайди, Андижон райони, мактабгача тарбия, бугунги боғча, боғча мудирлари, мураббия бўлмоқ, колхозда ишламоқ, аъло ўқиш, бола тарбияси, қизиқарли кино, тарбиявий соат.

**12-машқ.** Текстдаги тенгланиш ва эргашиш усули билан тузилган сўз бирикмаларини кўчиринг. Бирикмалар таркибидаги сўзларнинг боғланишини стрелкали чизиқлар билан (тенгланишда икки томонлама — ↔, эргашишда бир томонлама — эргаш сўздан бош сўзга — ↘ стрелка қўйиб) кўрсатинг.

Раис чиқиб кетиши биланоқ, мажлиснинг салобати йўқолди. Қимдир гугурт чақиб, папирос тутатди. Қимдир кулди. Қимдир баланд товуш билан кимгадир бир нима деди.

Қаландаров эшикдан пишиллаб, қовоғини солиб кирди. Умида ҳисобот докладини бошлади. Қаландаров креслонинг суянчиғига

ўнг қўлтиғини қўйиб президиумга орқа ўгириб, кўчага қараб ўтирар экан, докладни икки марта тўхтатиб, бир марта почтальон билан, иккинчи марта ферма мудири билан гаплашди. Умида давом этди. Доклад тамом бўлди. *(А. Қ.)*

**13- машқ.** Аввал эга билан кесим муносабатини кўрсатувчи бирикмаларни, кейин бош ва эргаш сўздан тузилган сўз бирикмаларини кўчиринг.

Саида сўраган эди, у жавоб бермади, Қаландаров тўхтади, у индамади, Исмоилжон шивирлади, Зулфиқоров қимирламай қолди, халойиқнинг кулгиси, комсомол мажлиси, мажлисга раислик қилувчи, изига қайтди, яширин овоз, овоз натижаси, бюро аъзолари.

**14- машқ.** Берилган бош сўзларга мос эргаш сўзлар топиб кўчиринг ва эргаш сўз қандай сўроққа жавоб бўлишини қавс ичида ёзиб кўрсатинг.

1. ...га чиқмоқ, ...дан чиқмоқ; 2. ...ни ичмоқ, ...дан ичмоқ; 3. ...га тушмоқ, ...дан тушмоқ; 4. ...ни кўчирмоқ, ...дан кўчирмоқ; 5. ...дан юрмоқ, ...га юрмоқ; 6. ...ни ушатинг, ...дан ушатинг; 7. ...да гаплашмоқ, ... билан гаплашмоқ.

## ГАП ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

**8- §. Гап.** Бир ёки ундан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари ўзаро маълум грамматик қонун-қоида асосида бирикиб, гапни ҳосил қилади. Масалан: *Дала, иш, бошланмоқ* сўзлари маълум грамматик қоида асосида бирикиб, интонацион тугаллик билан айтилса, *Далаларда иш бошланди* гапи ҳосил бўлади. Шу гапнинг интонацияси ўзгартирилса, масалан, ҳаяжон билан айтилса, гап тури ҳам ўзгаради: *Далаларда иш бошланди!* — ундов гап.

Демак, гап нутқнинг грамматик ва интонацион жиҳатдан шаклланган, хабар, сўроқ ёки истак-буюриш маъноларини билдирувчи кичик бўлагидир: *Пахта терими бошланди. Сиз ҳам теримга иштирок этасизми? Ваъдангизни, албатта, бажаринг.*

Биринчи гап хабар, иккинчи гап сўроқ, учинчи гап эса буюриш ва ундаш мазмунини англатади. Ҳар бир гап бир-биридан маълум пауза билан ажралади.

Гаплар бир сўздан ёки бир неча сўзларнинг бирикувидан тузилади: *Субҳидам. Қуёш ётоғидан бош кўтарди. (П. Қ.)* Биринчи гап *(Субҳидам.)* бир сўздан, кейингиси *(Қуёш ётоғидан бош кўтарди.)* бир неча сўзларнинг бирикувидан ташкил топган. Баъзан бир сўздан иборат бўлган ундовлар, *ҳа, йўқ, салом* сўзлари ва шу каби айрим сўзлар ҳам гапни ташкил қилиши мумкин:

*Бобом уйга кирди ва остонада тўхтади.*
*— Онаси?*
*— Ҳа! (О.)*
*— Кутиб қолдингми?*
*— Ҳечқиси йўқ! (О.)*
*— Ёзишни биласанми?*
*— Йўқ. (М. Г.)*



Ҳар қандай гапда сўзловчининг реал воқеликка турлича муносабати ифодаланган бўлади. Бу муносабат икки хил усул билан шаклланади: 1) морфологик усул билан. Бунда феъл майллари, замон ва шахс категориялари интонация билан биргаликда фикрнинг реал воқеликка маълум муносабатини кўрсатади. Масалан: феълнинг аниқлик майли формаси дарак гапларни, буйруқ майли формаси буйруқ гапларни ҳосил қилади. Шунингдек, буйруқ майли формасидаги феълнинг I шахси истакни, II ва III шахси буйруқни ифодалайди.

2) интонацион усул билан. Бунда морфологик воситалар бўлмаса, сўзловчининг реал воқеликка турлича муносабати интонация ёрдамида ифодаланади: *Мажлис бошланди* гапи тинч оҳанг билан айтилиб, хабар мазмунини ифодалаган дарак гап. *Болалар йиғилишсин* гапи кучли интонация билан айтилиб, иш-ҳаракатни бажаришга ундаш, буюриш мазмунини англатган буйруқ гап. *Ҳамма келдими?* гапи эса сўроқ интонацияси билан айтилиб, тингловчидан ҳамма йиғилган-йиғилмаганини сўраш мазмунида айтилган сўроқ гап.

Шунингдек, *Ҳамма келди* гапи тинч оҳанг билан айтилиб, хабар-дарак мазмунини, сўроқ интонацияси билан айтилиб *(Ҳамма келди?)*, сўроқ мазмунини, кучли оҳанг билан айтилиб *(Ҳамма келди!)*, ҳис ва ҳаяжонни ифодалайди.

Демак, кейинги турдаги қўлланишда интонация асосий усул саналади.

Гап таркибидаги ҳар бир мустақил сўз ёки сўз бирикмалари гап бўлакларини ташкил қилади. Гап бўлаклари бош бўлаклар ва иккинчи даражали бўлаклардан иборат. Бош бўлаклар гапнинг асосини ташкил қилади, иккинчи даражали бўлаклар эса бош бўлакларни аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келади. Масалан: *Болалар тарқалишди. (О.) Саида жим бўлди. (А. Қ.) Мен севиниб кетдим. (О.)* Бу гаплар фақат бош бўлаклардан ташкил топган. *Қаландаров ялт этиб Саидага қаради. (А. Қ.) Даладаги пахталар секин-аста очилмоқда. Шу пайтда мактабхонанинг эшигини биров қаттиқ тақиллатди (С. А.)* гаплари бош бўлаклар ва иккинчи даражали бўлаклар иштирокида тузилган.

## ИККИ СОСТАВЛИ ВА БИР СОСТАВЛИ ГАПЛАР

**9- §.** Баъзи гапларда бир бош бўлак, баъзиларида ҳар икки бош бўлак иштирок этади.

Бир бош бўлак иштирокида тузилган гап бир составли гап дейилади: *Тонг. Икки томон кўз илғамас кенг пахтазор. (Ҳ. Н.)*

Икки бош бўлак иштирокида тузилган гап икки составли гап дейилади: *Тонгда ҳамма ёқдан булбулларнинг хуш овози эшитилади. (Ҳ. Н.)*

**10-§.** Гаплар тузилишига кўра содда ва қўшма бўлади.

Содда гаплар биргина эга ва кесим муносабатини кўрсатувчи гап дан тузилади: *Тизза бўйи ўсиб ётган шамалоқдай кўм-кўк ғў-*

*валар қуёш тиғида кўзни қамаштирарди. (Ҳ. Н.) Саида ҳужрасининг эшигига калит солаётиб дераза томондаги каттакон анжир остида оқ шарпа қимирлаганини пайқади.(А. Қ.)*

Қўшма гаплар эса икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикувидан тузилади: *Ҳамма қувноқлик билан сўзлашмоқда, фақат Арслонқул негадир хаёлчан ўтирарди. (О.) Ойқиз чўл оқшомини дилдан севарди, чунки чўл нимага бой бўлса, кеч кириши билан ҳамма-ҳаммаси равшан кўринарди. (Ш. Р.)*

Содда гаплар йиғиқ ва ёйиқ бўлади. Бош бўлакларнинг ўзидан тузилган содда гаплар йиғиқ гап дейилади: *Пароход силжиди. (Ас. М.) Шеърлари нафис. (О.) Саида чиқиб кетди. (А. Қ.) Қизлар кулишди. (О.)*

Бош бўлак ва иккинчи даражали бўлаклар иштирокида тузилган гаплар ёйиқ гап дейилади: *Наврўз байрамини қарши олгани далага чиқамиз. (О.) Умида Саидадан тез-тез хабар олиб турди. (А. Қ.)*

**15-машқ.** Ўқинг. Аввал бир составли, сўнг икки составли гапларни кўчириб ёзинг.

Сечь. Тарас Бульба ўғиллари билан Сечьда яшай бошлаганига бир ҳафтача бўлиб қолди. Остап билан Андрей уруш машқларини кам қилар эдилар. Сечьдагилар уруш машқлари билан овора бўлиб, беҳудага вақт ўтказишни ёқтирмас эдилар. Остап билан Андрей кўз ўнгида Сечьга беҳисоб одамлар келганини ва улардан ҳеч ким қаердан келдинг, ким бўласан, исмингу зотинг нима деб сўрамаганлигини кўриб ажабланар эдилар. Ҳаммада қурол. Ўқ. Қилич. Андрей ўқ ва қиличлар оҳангига мафтун бўлган эди. *(Н. В. Гоголь.)*

**16-машқ.** Гап бўлакларини аниқлаб, йиғиқ гаплар тагига тўғри чизиқ, ёйиқ гаплар тагига тўлқинли чизиқ чизиб кўчиринг.

Клубни, унинг қуёшда товланган қизил тунука томини анча узоқдан кўрдим. У колхоз боғининг шарқ томонига, жуда қулай жойга тушганди. Чунки бу боғ қишлоқнинг қоқ ўртасида бўлиб, ўзиям жуда катта ва жуда хушманзара эди. Боғнинг кун ботиш томонида, анҳор ўтадиган жойида, чойхона ҳам бўларди. Гулзорлар кўкарган. Клубга кирдим. Клубга кираверишдаги кафтдеккина очиқ майдонда ўн чоғлик ёш болалар кимнидир даврага олиб, осмонни бошларига кўтариб шовқин солмоқда. Темир югуриб келди...

Қарасам, даврада ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги иккита бола курашмоқда эди. *(О. Ё.)*

## ДАРАК, СЎРОҚ ВА БУЙРУҚ ГАПЛАР

11-§. Гаплар ифода мақсадига кўра, дарак, сўроқ ва буйруқ гапга ажратилади.

12- §. Дарак гапларда сўзловчи бирор воқеа-ҳодисани тингловчига хабар қилиш орқали англатади. Масалан: *Саида Қаландаровнинг кабинетидан вақти чоғ бўлиб чиқди. Қош қорайди. Саида эртасига жуда енгил турди. (А. Қ.)*



Дарак гапларнинг кесими феълдан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланган бўлса, дарак гап бирор нарса, предмет, белгини тасдиқлаш ёки инкор қилиш мазмунини билдиради. *Шаҳар устида пағa-пага тутун булути. У ёғи дорихонага беш қадам. Жамолнинг эс-ҳуши, руҳи Мунаввар билан. Унинг илгариги шаҳди йўқ. Уларнинг ўтирган уйлари совуқ.*

Дарак гапларнинг охирида оҳанг пасаяди. Агар гап жуда ёйиқ ҳолда бўлса, гапнинг биринчи ярми кучли оҳанг билан айтилиб, иккинчи ярмида оҳанг пасаяди: *1. Ўзбекистон ССР ва Ўзкомпартиянинг 50 йиллиги тантана билан нишонланди. 2. Қизлар ҳушларини йиғиб, Мунавварнинг аҳволини суришгира кетишди. (С. Ан.)*

**17-машқ.** Текстни ўқиб, дарак гапларни ажратинг, аввал йиғиқ гапларни, сўнг ёйиқ гапларни кўчиринг. Бош бўлакларни чизиқлар билан белгиланг.

Очил бува одати бўйича кўчанинг бошидаёқ машинадан тушиб, пиёда юрди. Беқасам тўн кийган Азимжон хуржунини елкасига кўтариб олиб, отанинг кетидан эргашди. Қишлоқ тепасида ёмғир саваларди. Жўхори пояси ўриб олинган томорқалар кўпчиб, ҳалимдек бўлиб ётибди.

Очил бува муюлишдаги темирчиликнинг бостирмасига қараб бурилди . . . . Азимжон юкни қўйиб, кўча бошидаги чинорга тикилди. Чинор бу баландликдан яқингина бўлиб кўринар, майда ёмғирда улуғвор товланиб, буғланиб турар эди.

— Зўғатаси бўшаб қолибди сандоннинг, кундасини эртагаёқ бошқа қил, — деб тушунтирди бува темирчи болага. (*Ас. М.*)

13- §. Сўроқ гапларда сўзловчи ўзи баён қилаётган фикр ҳақида тингловчидан маълумот олмоқчи бўлади ёки тингловчидан фикрини тасдиқлаш, инкор қилиш учун жавоб талаб қилади. Масалан, *1. Байрамга тайёргарлик ишлари яхши бўлдими? 2. Юбилей тантаналарида қатнашдингизми? 3. Сиз адабий асарларнинг қайси жанрини севасиз?*

Сўроқ гапларнинг интонацияси овознинг кўтарилиши билан характерланади. Агар гапда *қачон, қандай, қанча, неча* каби сўроқ сўзлар иштирок этса, у сўзларнинг ўрнига қараб, интонация кучли бўлади. Яъни бу сўзлар а) гапнинг бошида келса, интонация аввал кўтарилиб, гап охирида пасаяди: *ким чақиряпти?, қачон келасиз?* б) гапнинг ўртасида келса, интонация гапнинг ўртасида кўтарилиб, кейин тушади: *Китобни қачон келтирасиз? Директорни қаерда учратамиз?* в) гапнинг охирида келса, оҳанг гап охирида кўтарилади: *Бизни чақиртирган ким? Сиз кўрган шаҳарларингиз қайсилар?*

Сўроқ гапларда сўроқ юкламалари: **-ми, -чи, -а (-я)** иштирок этганда, гап охирида интонация баланд бўлади: *Мажлис шу ерда ўтказиладими? Фозилжон-чи? Бири биридан уста. Мусобақалар стадионда ўтказилар-а?*

Сўроқ сўзлар ёки сўроқ юкламалари иштирокисиз, фақат сўроқ интонацияси орқали ҳам сўроқ гаплар ҳосил қилиниши мумкин. Бундай гаплар шаклан дарак гаплардай бўлса ҳам, интонацияси

сўроқ гап эканлигини кўрсатади: *Бугун мажлис? Имтиҳондан «беш» баҳо олди? Кинодан келди?*

Сўроқ гаплардаги аниқланаётган гапнинг бирор бўлаги кучли интонация билан айтилади:

1. — *Сиз эртага Москвага* ***жўнайсизми?***
   — *Ҳа, жўнайман.*
2. — *Сиз эртага* ***Москвага*** *жўнайсизми?*
   — *Ҳа, Москвага.*
3. — *Сиз* ***эртага*** *Москвага жўнайсизми?*
   — *Ҳа, эртага.*
4. — ***Сиз*** *эртага Москвага жўнайсизми?*
   — *Ҳа, мен.*

Баъзи сўроқ гапларда сўзловчи тингловчидан жавоб талаб қилмайди. Бундай гаплар қисман ҳис-ҳаяжон билан айтилади ва улар сўроқни эмас, бирор воқеа-ҳодисани тасдиқлаш ёки инкор этиш учун ишлатилади. Масалан: *Яхши ёзилган шеърни ёд олишни ким ёқтирмайди?* (Ҳамма ҳам ёқтиради маъносида.) *Бунга ким шубҳа қилади?* (Бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди маъносида.) *Буни ким билмайди?* (Буни ҳамма билади маъносида.)

Сўроқ гапларнинг бу тури риторик сўроқ гаплар дейилади.

**18-машқ.** Текстни ўқиб, сўроқ гапларни аниқланг. Улардаги интонациянинг кўтарилган ўрнини белгиланг.

Қаландаров елкасидан бир тоғ тушгандай бўлиб, қувончи ичига сиғмаса ҳам ўзини тутиб:

—Дуруст, дуруст! — деди.— Аёл тоифасидан бўлсангиз ҳам, дуруст чиқдингиз! . . .

Саида кулди.

—Ҳеч андиша қилмайсиз, одамга қаттиқ тегади ҳам демайсиз-а, Арслонбек ака. . . . Аёл тоифасидан бўлсанг ҳам . . . Бу мақтаганингизми?

— Бўлганим — шу. Нима эканимни чўқилаб, титкилаб билганингиздан кўра ўзим айтиб турганим яхши эмасми? Нима қиласиз мени чистон қилиб . . .

— Ёзиб ўқиб берасизми?— деди Саида норози қиёфада. *(А. Қ.)*

**19-машқ.** Сўроқ гаплар таркибидаги сўроқ сўзлар ва сўроқ юкламаларини аниқланг. Интонацияга аҳамият бериб ўқинг.

. . . Алламаҳал бўлганига қарамай, Тошпўлат новча Абдимавлон овчининг эшигини тақиллатиб борибди. Абдимавлон чиққан экан, унинг ҳам вақтини олиб, ҳасрат қила кетибди.

— Эни бир қаричгина бўлса етади, — депти.

— Нима? — ҳайрон бўлибди Абдимавлон.

— Оқчданми, қўнғиридан, фарқи йўқ, — деб ялинибди Тошпўлат.



— Тилингни қарға чўқиганми, тушунтириброқ айтсанг-чи? — хуноб бўлибди Абдимавлон.

— Айиқнинг териси . . . белимга тасмалик . . . иссиққина . . . — деб илтимосини такрорлапти Тошпўлат новча. *(С. Ан.)*

**20-машқ.** Сўроқ олмошли гапларга учта, сўроқ юкламали гапларга учта ва риторик сўроқ гапларга иккита мисол топиб ёзинг.

**14-§.** Буйруқ гапларда сўзловчи бошқа шахсларни бирор ишни бажаришга қўзғайди, ундайди. Шу билан бирга бундай гаплардан илтимос, таклиф, огоҳлантириш мазмуни ҳам англашилади: *Имконингиз бўлса, бизга ёрдамлашиб юборсангиз. Бирга ишлайлик.*

Буйруқ гаплардаги интонация турлича бўлади: а) ялиниш, илтимос интонацияси: *Бугунча бизникида қолинг;* б) таклиф қилиш интонацияси: *Мажлисга ҳаммангелар келинглар;* в) буйруқ интонацияси: *Оғзингни юм;* г) чақириқ интонацияси: *Шанбаликда актив қатнашайлик.*

Буйруқ гапларнинг кесими буйруқ майли формасидаги феъллар билан ифодаланади: *Байроқлар кўтарилсин. Байрам тантанаси кўнгилли ўтсин.*

Буйруқ гаплар таркибида ундалмалар ҳам иштирок этиши мумкин: *Дугоналар, ҳамиша соф дил, ростгўй бўлайлик. Сиз ҳам боринг, Қурбонали. (Ас. М.)*

**21-машқ.** Буйруқ гапларни кўчириб, интонациясини изоҳланг.

1. — Сабабини суриштирадиган вақт эмас, чоп дедим, чоп! 2. . . . Кўрган-эшитганларини исбот қилиб, бизни қайта бошидан дор остига юборсинлар! 3. — Қўрқмангиз, ҳожи! — деди. 4. — Қуллуқ, қушбеги! . . . бироқ мен қўрқаманким, сиз Қўқонга бориб етгунча, иш вақтидан ўтсин! 5. Мусулмонқул мактубни тугатди-да, уятсиз равишда Отабекка қараб илжайди ва худайчига буюрди:

— Иккита заррин тўн келтир.

6. — Сиз қизимизнинг андишасини қилиб ўтирмангиз, бек, — деди Қутидор. 7. — Бу ишни, энг яхшиси, унга билдирмасликдир, кейинроқ ўзи кўникиб кетар, бу тарафлардан ташвиш лозим эмас! *(А. Қод.)*

**22-машқ.** Ўзингиз бирор бадиий асардан илтимос, ялиниш мазмунини билдирган буйруқ гапга учта, чақириқ мазмунини билдирган гапга учта мисол топиб кўчиринг.

## УНДОВ ГАПЛАР.

**15-§.** Гаплар, фикрни ифода қилиш характерига кўра ҳам, бир-биридан фарқланади. Улар турли ҳис-ҳаяжон билан айтилиши мумкин. Бундай гапларда сўзловчи ўз фикрини баён қилибгина қолмай, ҳаяжонини ҳам кучли интонация билан ифода қилади. Дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар шу хилда айтилиб, ундов гапга айлантирилади. Қиёсланг: *Меҳмонлар келишяпти.* Бу гапда меҳмонларнинг келишаётганлиги ҳақида оддийгина хабар қилиняпти ёки дарак бе-

риляпти. Шунинг учун ҳам у охирида пасаювчи интонация билан айтилаётган дарак гап. Агар шу гап ҳаяжон билан айтилса *(Меҳмонлар келишяпти!)*, ундов гапга айланади.

Шунингдек, *улар кетишдими?* гапи оддий сўроқни билдиради. Агар шу гапдаги фикр кучли ҳаяжон билан баён қилинса, интонация ҳам баландлашади ва у ундов гапга *(Улар кетишдими?!)* айланади. Буйруқ гаплар ҳам юқоридаги каби ҳаяжон билан айтилиши натижасида ундов гапга айланади: *Тезроқ юринг* (буйруқ гап). *Диққат! Диққат! «Янги ҳаёт» колхози радиоузелидан гапирамиз! (Ҳ. Н.)* (ундов гап.)

Ундов гаплар таркибида ундов сўзлар иштирок этиши мумкин: *Ҳой мард инсон, мард инсон, Менга ҳам бер ҳаёт, жон. (З. Д.) Эй, менинг улуғ халқим, қутлуғ бўлсин Янги йил! (С. З.) Турсанг-чи, ҳей оппоқ бола. (Ҳ. Н.)*

Ундов гаплардаги ҳис-ҳаяжоннинг турли-туман бўлишига қараб, интонация ҳам хилма-хил бўлади. Баъзи таркибида сўроқ сўзлар ёки сўроқ элементлари иштирок этган айрим гаплар ҳис-ҳаяжон билан айтилиб, ундов гапни ҳосил қилади. Бундай гаплар таркибидаги сўроқ сўзлар ўз маъносидан четлашади: *Фронтда нималар бўлмайди! (О. Ё.) Мен бунақа воқеалар тўғрисида қанча-қанча китоблар ўқиганман! (О. Ё.) Ота фронтдан қайтгач, ўз боласини саводсиз кўрса, хурсанд бўлармикан? (Ш. Р.)*

Эслатма. Баъзан ундов гаплар биргина ундов сўзнинг ўзидан тузилади: *Уф. Бугун ишлар кўп бўлиб бир оз чарчабман.*

**23-машқ.** Текстдан ундов гапларни ажратиб ёзинг. Уларда қандай мазмун ифодаланганини қавс ичида кўрсатинг.

Пўлат индамади, у аллақандай саросимада ўртоқларини зимдан кузатар эди.

— Қани, бўлмаса, ташқарига чиқайлик, ўша ерда бир маслаҳатга келармиз, — деди Йўлдош соатига қараб. Ҳамма қўзғалди.

Шу пайт Пўлат илдам юриб бориб, эшикни орқаси билан тўсди. Шу турганча қўли билан пайпаслаб, олдин темир тамбани туширди.

— Нима қиляпсан? Бу нимаси?

Пўлат индамай эшикни ичкаридан қулфлади-да, калитни чўнтагига солди.

— Ие, ҳа?!

— Оч эшикни!

— Мумкин эмас! — деди Пўлат, худди бунга ўзи айбдордек, паст ва кескин овоз билан.

— Нима қилмоқчисан, нима гап?

— Гапир ахир!

— Эшикни оч!

— Очмайман, — деди Пўлат ва ўз гумонини тушунтира бошлади. *(Ас. М.)*

**24-машқ.** Ўзингиз бадиий асарлардан ундов сўзлар иштирок этган ундов гапларга бешта мисол топиб ёзинг.





**16- §.** Гапда сўзловчи томонидан алоҳида аҳамият берилиб, таъкидлаб кўрсатиладиган бўлакларнинг кучли урғу билан айтилишига логик урғу ёки маъно урғуси дейилади. Гап бўлакларининг бу хилда кучли урғу билан айтилиши дарак, сўроқ (сўроқ гаплардаги шу хилдаги ҳолат юқорида кўриб ўтилди) ва буйруқ гапларда ҳам учрайди. Масалан: *Биз кеча музейга бордик (**биз** бордик). Биз кеча музейга бордик (**кеча** бордик). Биз кеча музейга бордик (**музейга** бордик). Биз кеча музейга бордик (**бордик**).*

Демак, бундай гапларда логик урғу олган сўз гап мазмунининг асосий марказини ташкил қилади. Асосий фикр шу бўлакка қаратилган бўлади.

**25-машқ.** Текстдаги ажратилган сўзларни логик урғу билан ўқинг.

Кекса дарахтларнинг **йўғон танаси** қорайиб турарди; боғдан янгигина музлатилган балиқ иси келади. Штирлиц **бувасини** эслади. Сersоқол, бароқ қошли чол қушлар тилини тушунарди. У читтакларни алдаб чақирарди-да, дарахт тагига ўтириб олиб, узоқ вақт **қушчаларга** тикиларди. Бундай пайтларда унинг кўзлари ҳам худди қушчаларникидек жавдираб кетарди. Қушчалар эса ундан мутлақо ҳадиксирамасдилар.

— Чур-чур-чур-р-р! — қушчаларга тақлид қилиб ҳуштак чаларди бобо.

Читтаклар эса унинг овозига ишонч билан чуриллаб жавоб беришарди. *(Юлиан Семёнов)*

**26-машқ.** Текстдаги гапларнинг тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг ва ифода мақсадига кўра турларини айтинг.

Мен кичкина — жажжи бола эдим, ҳаммадан «Нима учун?» деб сўрайверардим Ойим:

— Қара, соат тўққиз бўпти, — деса, мен:

— Нима учун — деб сўрайман

— Кириб ухла, — дейишади . . . . Мана шундайин сўрайверганим учун менга Нимажон деб лақаб қўйдилар

Бир кун адам ишдан келиб, ойимга:

— Нимажон уйдан чиқиб турсин. Сенга айтадиган гапим бор,— деган эди, ойим менга:

— Нимажон, бор, ошхонага чиқиб, мушук билан ўйнаб тур,— деди

— Нима учун мушук билан ўйнар эканман — деб сўрадим. *(Б. С. Житков)*

Командир орқасига бир нимани яшириб турган Васькага қаради

— Қўлингдаги нима, ҳай бола

Васька бурнини тортиб, қип-қизариб кетди ва индамасдан снаряд парчасини командирга узатди

— Буни чакалакдан, ўт орасидан топиб олди, тағин ўғирлабди деб ўйламанг, — деб Васькани ҳимоя қилди Колька *(А. Гайдар.)*

## ЭГА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.

**17- §.** Гапнинг бош бўлаклари (эга ва кесим) гапнинг асосини ташкил қилади.

Эга икки составли гапнинг асосий бўлаги бўлиб, бош келишикдаги от ва олмошлар билан ифодаланади. Эга доим кесимни ўзига қаратиб, кесим томонидан изоҳланади, аниқланади.

Эга от ва от вазифасида келувчи ҳар бир сўз туркуми билан ифодаланади. Чунончи:

а) от билан: ***Нигора*** *яхши жавоб беради.*

б) олмош билан: ***Сен*** *ўзингни мақтама, сени* ***биров*** *мақтасин. (Мақол.)*

в) олмошнинг сифат вазифасини бажарадиган *(шу, бу, ўша, қандай* каби*)* тури билан: ***Ўшалар*** *бизга ёрдамга келишди.*

г) сифат, сифатдош, сон, тақлидий сўзлар билан: ***Яхши*** *иш битирур,* ***ёмон*** *иш йитирур. (Мақол.)* ***Ўқиган*** *ўқдан ошар,* ***ўқимаган*** *тўрткидан шошар. (Мақол.) Қизиқ,* ***бири*** *қочоқ,* ***бири*** *қаҳрамон. (С. Аҳм.)* ***Иккаласи*** *ҳам чиқиб кетишди. (М. Исм.) Узоқдан араванинг* ***ғичир-ғичири*** *эшитилиб турарди.*

д) феълнинг инфинитив ва ҳаракат номи формалари ҳам эга вазифасида келади: ***Ишламоқ*** *иштаҳа очар. (Мақол.)* ***Ўқиш*** *улғайишдир.*

Эгалар бир сўз ёки бутун бир бирикма ҳолида қўлланиши мумкин: ***Дўстнинг минги*** *ҳам кам,* ***душманнинг бири*** *ҳам кўп. (Мақол.) Мажлисга* ***беш киши*** *келмади.*

Баъзан эгалар қўлланмаслиги, «яшириниши» мумкин. Бундай вақтда гапнинг мазмунидан, кесимдаги шахс қўшимчаси воситасида эгани аниқлаш мумкин: *Ҳамма ишларни тезда битириб қайтдим. (Мен қайтдим.)*

**27-машқ.** Кўчиринг. Гапдаги эгаларни топиб, уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини аниқланг.

1. Яхши қанд едирар . . . . *(Мақол.)* 2. Қўшни хонадан қизларнинг қаҳқаҳаси эшитилди. 3. Камтарлик кишига зебу зийнатдир. 4. Бирлашган ўзар. *(Мақол.)* 5. Ўқиш — бошқа, уқиш — бошқа. 6. Учови правление аъзоларидан бир неча кишини чақириб маслаҳатлашди. *(А. Қ.)*

**28-машқ.** Кўчиринг. Эгаларнинг бир сўз ҳамда бирикмали ҳолда ифодаланганини аниқланг.

1. Ўлмас кечқурун уйга жуда ҳорғин қайтиб келди. *(Ё. Ш.)* 2. Сувда сузиш спортнинг бир туридир. 3. Кўп кўрган кўп билар. *(Мақол.)* 4. У Тошкентда турадиган узоқроқ қариндошларининг қизи эди. *(О. Ё.)* 5. Шу кундан бошлаб уч киши иккита шотилик аравани ҳайдайдиган бўлишди. *(О. Ё.)* 6. Икки ўн беш — бир ўттиз. *(Мақол.)* 7. Илм олиш игна билан қудуқ қазишга тенг. 8. Рисолат буви кўзларини катта очганича келинига қараб қолди. *(С. З.)*



**29- машқ.** Қуйидаги гапларнинг эгасини аниқланг. Бирикмали эгаларни ажратиб ёзинг, уларнинг ўз ичидаги ички боғланишини кўрсатинг.

1. Бектемирнинг кўзлари ёшланиб, қамашиб кетди. *(О.)* 2. Тўрт жангчи ҳар ёқда юмалаб, қимир этмай ётарди. *(О.)* 3. Мактаб қўнғироғининг овози яна эшитилди. *(С. З.)* 4. Уларнинг олтовлари ҳам бирга кетишди. 5. Ана шу оқшом Ҳасан полвон шу жўраларининг олдига борган эди. *(Достондан.)* 6. Кўл ер ости сувлари ва булоқлардан ташкил топган эди. *(Ш. Р.)* 7. Дастлаб Сафарга шаҳарда жанг қилиш хийла қийин ва оғир бўлди. *(Ф. Ниёзий.)*

**30-машқ.** Қуйидаги гапларнинг эгасини аниқлаб кўчиринг, эганинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Девор тагидаги қўзиларни кўриб қолди. *(П. Қ.)* 2. Деярли ҳар куни уларнинг уйига борардим. *(М. Қ.)* 3. Ҳозир Мирзачўлда масъул вазифадаман. *(М. Қ.)* 4. Нега энди атайлаб йиқитсин. *(М. Қ.)* 5. Дадангга ўхшаб ҳам соддасан, ҳам ишонувчансан. *(Ш. Р.)* 6. Дарҳақиқат, ўйлаб қаранг. *(С. Назар)* 7. Шу ерда ўқиб юрганида ҳам кўпроқ умрини мактабда ўтказарди. (*А. Қ.*)

## КЕСИМ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

**18- §.** Кесим эганинг умумий белгисини билдирадиган бош бўлак бўлиб, у эга ҳақидаги ҳукмни ифодалайди.

Кесим ифодаланишига кўра икки хил: феъл кесим, от кесим.

**19- §. Феъл кесим** эганинг иш-ҳаракат, ҳолатини тасдиқ ёки инкор қилиш йўли билан изоҳлайди. Масалан: *Севикли шоирларимизнинг шеърларини* ***қизиқиб ўқийман.*** *(О.) Чигитларга* ***нам тушмасин.*** *(Ҳ. Н.)*

Кесим эга билан шахс ва сонда мослашади: *Мен ўқидим. Сен ёздинг. У тинглади. Биз ўқидик. Сиз ёздингиз. Улар тингладилар.*

Демак, кесимнинг эга билан мослашуви одатда кесимдаги шахс-сон қўшимчалари орқали белгиланади. Ўзбек тилида эга билан кесим шахсда, албатта, мос бўлиши шарт. Сон жиҳатидан эса баъзан мос бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолат, асосан, III шахсда кўринади.

Кўплик формасидаги эга жонли предметни ифодаласа, кесим бирлик ва кўпликда кела олади: *Ўқувчилар йиғилди. — Ўқувчилар йиғилдилар.* Кўплик формасидаги эга жонсиз предметни ифодаласа, кесим бирликда қўлланади: *Бинолар қурилмоқда. Янги заводлар планлаштирилди. Янги режалар белгиланди. Гуллар очилган. Ариқларда сувлар шарқираб оқмоқда. (Ё. Ш.)*

Баъзан ҳурмат маъносини ифодалашда эга бирлик, кесим кўплик формада *(Опам чақиряптилар, даданг келдилар);* эга ҳам, кесим ҳам кўплик формада *(Опамлар чақиряптилар. Дадамлар келдилар)* кела олади. Шунингдек, бирлик формадаги эгалар уюшиб келса, кесим кўплик формада келиши мумкин: *Дилором ва Дилафрўз келишди.*

**31-машқ.** Текстни кўчириб, феъл кесимларнинг тагига чизинг. Эгаларнинг кесим билан мослигини изоҳлаб беринг.

1. Разведкачиларимиз ва портлатувчиларимиз узоқ кечани мизғимай ўтказдилар. *(Ш. Р.)* 2. Ҳайдар билан Хайри қизчанинг ўсиб, улғайишига жон-дил билан кўмаклашдилар. *(Ш. Р.)* 3. Хатни Собираҳон олиб, остига кўк қалам чизилган ерини ўқиди. *(А. Қ.)* 4. Мен бунақа воқеалар тўғрисида қанча-қанча китоблар ўқиганман. *(О. Ё.)* 5. Улар дарахт остида, салқинда ўтиришди. *(О.)* 6. Сабрим чидамай юқорига интилдим. *(Ҳ. Ғ.)* 7. Қимирлаган қир ошар. *(Мақол.)*

**20- §. От кесимлар** феълдан бошқа сўз туркумлари орқали ифодаланади. Қуйидаги сўз туркумлари от кесим вазифасини бажаради:

1) от: *Ҳамжиҳатлик — **давлат.** (Мақол.) Савсар телпак **бошида.** («Ўзбек халқ достонлари».)*

2) сифат: *Ўқиш **яхши**, ўқиш ундан ҳам **яхши**. (Мақол.) Бири қалбига мос, бири **бегона**. (Ш. Шомуҳамедов.) Бизга **азиз**, ғоят **мўътабар**. Шифокорнинг илиқ сийнаси. (Э. Воҳидов.)*

3) олмош: *Менинг энг яқин дўстим — **сен.** Яхши ниятли кишиларнинг аҳди — **шу**. Уларнинг тили бир. (О.)*

4) сон: *Бирники — **мингга**. (Мақол.)*

5) равиш: *Энди ғалабамиз **яқин**, ўғлим! (Ш. Р.) Суғоришга қудуқ **кам** ... суви **кам**. (С. Ан.) Алижоннинг иши **кўп**. (Т. Йўлдош.)*

6) модал сўзлар: *Ўлимдан хабарим бор, лекин бундай овозалардан **хабарим йўқ**. (А. Қ.) Саксон тўрт отаримиз **бор**. (С. А.)*

7) ҳаракат номи: *Яшамоқ Ватан ва халққа фойда **келтирмоқдир.***

**32-машқ.** Текстни кўчиринг. Феъл кесимларнинг тагига чизинг. Кесимларнинг эга билан мослашишига эътибор беринг.

Чошгоҳдан сўнг ҳаво очилди. Куз қуёшида япроқлар олтиндай мудрарди. Қаердадир, ўрмон ортидан қалин тутун бурқсиб кўтарилади. Кўкда душман бомбардимончи самолётлари гала-гала изғирди. Жангчилар оёқларини базўр судрашарди. Гоҳо узоқдан душман қўшиқлари, машиналар шовқини эшитиларди. Бутун аломатлар эҳтиёт ва ҳушёрлик кераклигини уқтирарди. Тез-тез дам олдилар. Кейин қўзғалиш мушкул эди. Эртаси улар сайҳонлик ёнида тасодифан бир болага дуч келишди. У ўн икки — ўн уч яшар содда деҳқон боласи эди. *(О.)*

**33-машқ.** Кўчиринг. Кесимларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини тепасига ёзиб кўрсатинг.

Ҳаммадан ҳам яхши нарса — аҳиллик,
Аҳил бўлсак, доим баланд қўлимиз.
Аҳиллик-ла ёруғ, равон йўлимиз.
Ҳар нарсадан ёмон нарса—бахиллик,
Бизлар бахил эмас, доим аҳилмиз,
Аҳиллик-ла ҳар орзуга етамиз.
Аҳиллик-ла яна порлоқ эртамиз,
Келажакнинг эгалари ахир биз.

*(Т. Йўлдош.)*

**34-машқ.** Педагогика институтининг филология факультетига кириш учун ариза ёзинг. Аризангизда битта от кесим, бешта феъл кесим иштирок этсин.

**21- §. Содда ва составли кесимлар.** Кесимлар тузилиши жиҳатидан содда ва составли турга бўлинади.

1. Содда кесимлар бир сўз билан ифодаланади: *Болалар йўғон арча ёнида **тўхтадилар** (Ҳ. Н.)* гапидаги *тўхтадилар* сўзи содда феъл кесим. *Ҳамманинг эътибори **бизда.** Биз **ишчимиз, меҳнатчимиз** (Ҳ. Ҳ.)* гапларидаги *бизда, ишчимиз, меҳнатчимиз* сўзлари содда от кесим.

2. Составли кесимлар эса икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топади: *Қишлоқ устида кишига ҳузур берувчи тонг шабадаси **шивирлай бошлади.** (Ҳ. Н.) Булоққовуз бўйи тезда болаларнинг чувур-чувурига **тўлиб кетди.** (Ҳ. Н.) Бироқ эмаклаб юриш ниҳоят **қийин бўлди.** (Б. Полевой.) Ўртоқ Ленин, дўстлар, дунёга келди, Уриниб илмга кўп **хизмат қилди.** (Э. Жуманбулбул.) Кекса боғбон кўм-кўк ажриқ устида **ўтириб ҳордиқ чиқарди.** (Ш. Р.)*

Составли кесимларнинг биринчи қисми от (кенг маънода) ва феъл орқали ифодаланади. Шунга кўра, улар икки группага бўлинади: составли от кесим ва составли феъл кесимлар.

1. Составли от кесимларнинг олдинги қисми от, олмош, сифат, сон каби сўз туркумлари билан; кейинги қисми феъллар (боғлама вазифасидаги кўмакчи феъллар ва тўлиқсиз феъллар) билан ифодаланади: *Йўлчи, юр ука, менга **ҳамроҳ бўл.** (О.) Тинч ухлагин, Баҳорим. Бирор киши уйқунгга халақит берадиган бўлса, кўкрак кериб **ҳимоя қиламан.** (Ш. Р.) Бу ҳовлининг тенг ярми **мевазор эди.** (П. Т.) Сизга айтмоқчи бўлган гапим **шу эди:** планимиз **юз бўлди.***

Составли от кесимлар ҳаракат номи ва *керак, лозим, даркор, зарур* сўзларининг боғланишидан ҳам ташкил топади: *Биз кўп китоб **ўқишимиз керак.** Сиз жамоат ишларига актив **иштирок этишингиз лозим.***

2. Составли феъл кесимлар икки ёки ундан ортиқ феъллардан ташкил топади. Бундай кесимларда олдинги элемент етакчи (асосий) маънони, кейинги элемент эса кўмакчи (ёрдамчи) маънони ифодалайди: *Олтин йиллар аста-секин **ўтиб бораётир.** (Ш. Р.) Қармоқларга тез-тез балиқ **илина бошлади.** Бошқа хонада болалар **ухлаб қолишибди.** (С. А.) Майли, пушаймон бўлсам, **бўла қолай.** (Ш. Р.)*

**22- §. Боғлама.** Составли от кесимларни ҳосил қилишда боғламалар муҳим роль ўйнайди. Чунки от кесимлар ҳам маълум даражада шахс ва замонга муносабатни кўрсатади. Ундаги шахс-замон

муносабати махсус феъл — боғлама орқали шаклланади. Масалан: *Ҳалим бобо болалардан хурсанд* ***бўлди.*** *(Ш. Р.) Қишлоғимиз янада обод* ***бўлади.*** Боғлама вазифасини *бўл, қил, эди (экан, эмиш)* каби сўзлар бажаради: *Бу одам ўқувчи билан танишган Мирзакарим қутидор* ***эди.*** *(А. Қод.) Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри* ***бўлади.*** *(Мақол.) Ҳалим бобо ҳар бир ниҳолни алоҳида-алоҳида диққат билан ардоқлаб, парвариш* ***қиларди.*** *(Ш. Р.)*

**35-машқ.** Қўчиринг. Составли кесимларни топиб, турини айтинг.

Носиров «Ватан» колхозига ўтиб кетаётган экан, афтидан, кўп ўтирмайдиганга ўхшаб қолди. Саида унинг шу озгина вақтидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш мақсадида уни кабинетга таклиф қилди. Носиров кабинетга кирмади, шошиб турганини айтиб узр сўради. Носиров жўнаб кетди. Саида ҳужрасига қайтиб, бюро номига ёзаётган мактубини битирди ва эрталаб райкомга олиб борди. Қисқа бир муддат ичида Қаландаров бу қизга қанақа ранж-алам ўтказа қолди экан?

Носиров саволига жавоб кутиб туриб олди ва ниҳоят, «шуни билмасанг ишни нимадан бошладинг» дегандай қараб қўйди. Шу хижолатлик ва Носировнинг қараши Қаландаров ҳақида куйиб-пишиб шикоят бошлашга, қамида икки соат гапиришга тайёр бўлган Саиданинг шаштини қайтариб қўйди. *(А. Қ.)*

**36-машқ.** Текстни кўчиринг. Составли от кесимларнинг тагига чизиб, боғламаларни кўрсатинг.

Нечанчи йил эканлиги эсимда йўқ. Мен тахминан беш-олти ёшларда бўлсам керак. Отам ўлгандан кейин онам бир парча боғини сотиб отамни кўмдирди. Бирмунча вақт шу билан тирикчилик қилиб, сўнгра жуда бўлмагандан кейин Олимбой оқсоқолникида хизмат қиладиган бўлди. Онам бир куни нимаям бўлди-ю, шаҳардаги холамникига тушмоқчи бўлиб, хўжайинимизнинг катта хотинидан рухсат сўради. Шалоп-шалоп лой кечиб Жўвага борганимизча намоз жума вақти ҳам бўлиб қолди... Жўва тарафи жуда баландлик экан... Онам кўпчилик ичига кирса жуда ийманиб, қисилиб, баъзан қаттиқ хафа ҳам бўлиб қолади. *(Ойдин.)*

**37-машқ.** Текстни кўчиринг. Составли феъл кесимларнинг тагига чизинг.

Ўзининг асли оти Салима бўлса ҳам, ёшлигидан уни севиб Дўндиқ қўйиб юборганлар. Дўндиқ ўн учдан ўн тўртга қадам қўйди. Лекин дуркун бўлгани учун кўрган одам, албатта, 16 дан кам демасди. Унинг қоши, кўзининг попукдеклигини, орқадаги селкиллаб турган икки тутам сочининг узун ва новдадек хипча бўйига ярашиб турганини кўрган киши «яна бир кўрай» дерди.

Ҳалима опа шиша идишдаги сариёғ билан қандни дастурхон устига қўйиб, яна нимагадир ичкари уйга кириб кетди. Дўндиқ Рузвон кампирни жуда яхши кўрарди. Шунинг учун кампирни кўриши билан: «Вой ачажон, қачон келдингиз?» — деб бўйнидан қучоқлаб кўришди. Аҳмад ҳайрон бўлиб, эшик олдида қараб қолди. *(Ойдин.)*



**38-машқ.** Текстни ўқинг. Кесимларнинг тузилиши ва ифодаланишига кўра турини айтинг.

Ҳовуз бўйлари, гулзор ичлари, дарвоза олдиларигача супурилиб, сув сепилган ва жой кутганидан ҳам ортиқ режа билан солинган эди. Ҳамро опа буларни кўриб Шакархондан хурсанд бўлди. Меҳмонлардан дарак бўлмагандан кейин яна қайтиб уйига келди. Бугун дам олиш куни бўлса ҳам, Тўхтагул опа магазинда ишлагани учун эрталаб туриб ишга кетиб қолди. Назиржоннинг бир ўзи қолди. У холасининг ўғлини етаклаб, боғларни айлангани кетди. Назиржоннинг келаётганини кўриб югурганича ичкарига кириб кетди. Бир оздан кейин иккита косада ширчой кўтариб чиқди. *(Ойдин.)*

**39-машқ.** «Ўқитувчилик — шарафли бурч» темасида кичик иншо ёзинг. Иншонгизда турли сўз туркуми билан ифодаланган содда, составли кесимлардан фойдаланинг.

**23-§.** Кесимлар бирикмали ҳолда қўлланиши ҳам мумкин. Бундай кесимлар таркибидаги сўзлар ўзаро эргашиш орқали бирикади. *СССР — социализм мамлакати. Ватанимиз — тинчлик таянчи. Дўстлик — бахт гарови. (Мақол.)*

*Бу гўзал юрт, ҳусндор Ватан,*
*Бу — нафас оладиган эл. (М. Ш.)*

**40-машқ.** Текстдаги содда ва бирикмали кесимларни аниқлаб, уларнинг эга билан мослигини тушунтиринг.

1. Пахта — Ўзбекистоннинг ифтихори. 2. Смирнов билан Олимжон аста-аста юриб тепаликка кўтарилдилар. *(Ш. Р.)* 3. Яхши — хунук либос билан ҳам яхши. *(Мақол.)* 4. Пўлат ўз устозига диққат-эътибор билан қаради. *(Ш. Р.)* 5. Раҳматуллаев индамай ўтирарди. *(С. Ан.)* 6. Жуман писмиқ Соли совуқнинг ўғли эди. *(М. Исм.)* 7. Ҳирот ҳар кунги дарди, нашъаси, машаққати билан яшайди. *(О.)*

8. Дўстлик — Октябрнинг асл меваси.
Дўстлик — халқимизнинг хулқи, одати.
Дўстлик — ўлкамизнинг қудрати, шони.
Дўстлик — наслимизнинг бахт-саодати.

### ЭГА ВА КЕСИМ ОРАСИДА ТИРЕНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

**14-§.** Қуйидаги ҳолатларда эга билан кесим орасига тире қўйилади:

1. Кесим от, олмош, сон билан ифодаланиб, кесимлик қўшимчалари ёки боғлама ишлатилмаган ўринларда: *Тошкент — Ўзбекистон республикасининг пойтахти. Тинчлик — фаровон ҳаёт манбаи. Айтадиган гапим — шу. Икки карра икки — тўрт.*

2. Гапнинг эгаси ёки кесими ҳаракат номи билан ифодаланиб, кесим таркибида қўшимча ёки боғлама ишлатилмаганда: *Юлдузларга* ***қизиқмоқлик****—биз учун эски одат. (М. Ш.)* ***Ўқиш—улғайиш.***

3. Эга ёки кесим кўрсатиш олмошлари билан ифодаланганда: ***Бу*** *— сиз учун катта синов.*

**41-машқ.** Гапларнинг эга ва кесимини аниқлаб, керакли ўринда улар орасига тире қўйиб кўчиринг.

1. Қўл югуриги ошга, тил югуриги бошга. *(Мақол.)* 2. Меҳмонларнинг аксарияти ўрта ёшли, ўттиз-қирқ орасидаги одамлар эди. *(О.)* 3. Яхшининг гапи мой, ёмоннинг гапи лой. *(Мақол.)* 4. Ҳосилнинг отаси сув, онаси ер. *(Мақол.)* 5. Яхши ниятли кишиларнинг аҳди шу. 6. Кўканча ҳам шу колхозда актив аъзо. *(Ғ. Ғ.)* 7. Мардга ўлим йўқ. *(Мақол.)* 8. Озод юракларга бахт нури тўлган. *(У.)*

**42-машқ.** Ўзингиз от кесимли гапларга бешта мисол топинг. Уларни тире қўйиладиган ва қўйилмайдиган формада ёзинг.

## ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

**25-§. Иккинчи даражали бўлаклар ҳақида умумий маълумот.** Гапнинг эга ва кесимдан бошқа бўлаклари иккинчи даражали бўлак ҳисобланади: ***Енгил*** *шамол* ***атиргулнинг ҳидларини аста*** *таратмоқда. Рустам* ***балиқ овидан қувониб*** *қайтди.*

Иккинчи даражали бўлаклар бош бўлакларни изоҳлаб, тўлдириб, аниқлаб келади. Шунингдек, бир иккинчи даражали бўлак бошқа иккинчи даражали бўлакни ҳам аниқлаб келиши мумкин. Масалан: 1. *Биз* ***мусобақада*** *иштирок этамиз.* 2. ***Бизнинг мактабда*** *спорт мусобақаси ўтказилади.*

Биринчи мисолда иккинчи даражали бўлак *(мусобақада)* кесимни тўлдириб келган. Иккинчи мисолда эса бир иккинчи даражали бўлак *(бизнинг)* бошқа бир иккинчи даражали бўлак *(мактабда)* ни аниқлаб келган.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари бош сўз билан турли хилда бирикиши мумкин. Қаратқичли аниқловчи аниқланмиш билан мослашувли, тўлдирувчи ва чиқиш, жўналиш, ўрин-пайт келишиклари формасидаги ҳоллар бош сўз (кесим) билан бошқарувли, ҳоллар бош сўз (кесим) билан, шунингдек, сифатловчи аниқловчи аниқланмиш билан битишувли сўз бирикмасини ҳосил қилади: *колхознинг даласи* (мослашув), *пахтани термоқ* (бошқарув), *янги ҳикоя, мириқиб тингламоқ* (битишув).

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари турли маъноларни: 1) предметнинг ким ёки нимага қарашлилигини *(шаҳарнинг кўчалари, менинг укам);* 2) предмет белгисини, ранги, ҳажми, мазасини *(катта кўча, ширин мевалар, баланд тоғлар);* 3) иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги воситани *(****телефонда*** *гаплашдик,* ***ранда билан*** *ишладик);* 4) иш-ҳаракат қаратилган предметни *(китобни ўқиди, гулларни парвариш қилди);* 5) иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини *(****шу ерга*** *тўпландик,* ***қишлоқдан*** *қайтди);* 6) иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини *(****бугун*** *борамиз,* ***эрта-индин*** *келиб қолишар);* 7) иш-ҳаракатнинг қайтарзда бажарилишини *(****тез*** *юрди,* ***кулиб*** *гапирди,* ***аста*** *қадам қўйди)* ифодалайди.

Гапнинг иккинчи даражали бўлакларига тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол киради.



### Тўлдирувчи

**26-§.** Тўлдирувчи ҳаракатнинг бажарилишидаги объектни ифодалайди. Тўлдирувчи кесимга бошқарув йўли билан боғланади.

Бош сўз (кесим) нинг талабига кўра тўлдирувчилар кўмакчи ёки келишик аффикслариии олиб келади: ***Ҳаётдан*** *мамнунмиз.* ***Отам билан*** *гаплашдим.*

Тўлдирувчилар тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари формасидаги **кимни?, нимани?, кимга?, нимага?, кимда?, нимада?, кимдан?, нимадан?** сўроқларига, шунингдек, кўмакчили **ким билан?, нима билан?, ким ҳақида?, нима ҳақида?** каби сўроқларга жавоб бўлади: *Қадимги замонда кимёгарларнинг тупроқдан* ***олтин ясашлари ҳақида*** *афсоналар тўқилган. (С. Назар.)*

Тўлдирувчилар асосан от ва от характеридаги олмошлар *(мен, сен, биз, сиз, ким, нима* каби) билан ифодаланади: *Биз бу* ***хирмонларни*** *чинакам «оқ олтин» га айлантирганмиз. (С. Назар.) Эгилган* ***бошни*** *қилич кесмас. (Мақол.)* ***Бизни*** *йўқлаган эканлар.* ***Сиз билан*** *мусобақалашмоқчиман. Мен* ***сизни*** *бир умр беғубор кўришни истардим.*

Тўлдирувчилар отлашиб келган қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

Сифат билан: ***Яхшини*** *мақтаган ярашур,* ***ёмонни*** *мақтаган адашур. (Мақол.)* ***Яхшига*** *ёндаш,* ***ёмондан*** *қоч. (Мақол.)*

Сон билан: ***Икковимизга*** *катта ишонч билдиришди. Қизларнинг* ***учаласи*** *билан гаплашдим.*

Сифатдош билан: ***Қўрққанга*** *қўш кўринар. (Мақол.)* ***Кенгашганга*** *кенг дунё,* ***талашганга*** *тор дунё. (Мақол.)*

Равиш билан: *Бирни биров беради,* ***кўпни*** *меҳнат. (Мақол.)* ***Кўпдан*** *қуён қочиб қутулмас. (Мақол.)*

Ҳаракат номи: *Гўё унинг диққати* ***чой ичиш билан*** *банддек эди. (С. Ан.) Мен сизни* ***йўқотиб қўйишдан*** *қўрқардим. (М. Қ.) Йўлчи чиндан ҳам най* ***чалишни*** *биларди. (О.)*

Ундов ва тақлидий сўзлар билан: *Кампир чархнинг* ***ғув-ғувидан*** *қизларнинг свозини эшитмас эди. (Ас. М.) Болаларнинг* ***чув-чувига*** *қулоқ солмай ўз ишида давом этди.*

Тўлдирувчилар ҳам бошқа гап бўлаклари каби бирикмали қўлланади: *Мен унинг гўзал сиймосида* ***қалбим кўзгусини, висол орзусини, умидим гулшанини*** *кўрардим. (М. Қ.) Ҳалим бобо чимни* ***дамба устига йиғишга*** *буюрди. (Ш. Р.) Никитин* ***уни ушлаш билан*** *свора эди. (Ш. Р.) Бола* ***бир гуруҳ жангчиларни ботқоқликдан хатарсиз ўтказиб қўйганини*** *айтди. (О.)*

**27-§. Воситали ва воситасиз тўлдирувчилар.** Тўлдирувчилар ўзи тобеланиб келадиган гап бўлагига нисбатан икки хил бўлади: воситасиз тўлдирувчи, воситали тўлдирувчи.

**Воситасиз тўлдирувчи** ҳаракатни бевосита ўзига қабул қилган предметни ифодалаб, ўтимли феъллар томонидан бошқарилади ва **кимни?, нимани?, қаерни?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади: *Фарҳод ГЭС қуриб,* ***оламни*** **(нимани?)** *равшан этдик. (С. Назар.)*

*Сени* (кимни?) *иш енгмасин, сен* ***ишни*** (нимани?) *енг. (Мақол.) Уйқу* ***арслонни*** (нимани?) *ҳам йиқитар. (Мақол.)* ***Шаҳарни*** (қаерни?) *томоша қилдик.*

Воситасиз тўлдирувчи тушум келишиги аффиксини олади. Баъзан нутқ талабига кўра бу аффикс қўлланмай, тўлдирувчи бош келишик формасида ҳам келади. Бундай ҳолатда ҳам тўлдирувчи **нимани?** сўроғига жавоб бўлади: *Ундан қандайдир кўнгилни кўтарадиган* ***сўз*** (нимани?) *кутарди. (Ш. Р.) У* ***китоб*** (нимани?) *ўқиди, хат* (нимани?) *ёзди.*

28-§. **Воситали тўлдирувчи** тушум, қаратқич ва бош келишиклардан бошқа келишикдаги сўзлар, шунингдек, кўмакчилар билан келган сўзлар билан ифодаланади. Воситали тўлдирувчи **кимга?, нимага?, кимдан?, нимадан?, кимда?, нимада?, ким билан?, нима билан?, ким тўғрисида?, нима ҳақида?, ким орқали?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: *Юрак азобини* ***адолат табибига*** (кимга?) *кўрсатмоқ лозим. Онгни эскирган, ғаразли* ***мақсадлардан*** (нимадан?) *тозалаш зарур. («Ақл ақлдан қувват олади».)* ***Фабрика қурилиши ҳақида*** (нима ҳақида?) *бирор янгилик билмайсизми? (Ас. М.)* ***Ручкамда*** (нимада?) *сиёҳим қуримай туриб, Бахтиёр* ***авлодга*** (кимга?) *ёзаман салом. (Ғ. Ғ.)*

Воситали тўлдирувчилар қуйидаги келишик формаларида келади:

1) жўналиш келишиги формасидаги сўз билан ифодаланиб, ҳаракатнинг кимга ёки нимага қаратилганини *(**хунар ўрганишга** ҳаракат қилди)*, кимга ёки нимага аталганини *(Бу совғаларни **сизга** олдим)* билдиради;

2) чиқиш келишигидаги сўз билан ифодаланиб, предметнинг чиқиш ўрнини *(Одам **одамдан** баҳра олади)*, қиёслашни *(**Отдан** баланд, итдан паст)*, бутундан ажратиш маъносини *(**Студентлардан** бири сўзга чиқди)* билдиради;

3) ўрин-пайт келишиги формасидаги сўз билан ифодаланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни *(**телефонда** гаплашдим)*, қисман ўринга муносабатни *(**Сизда** кўпгина китоблар бор экан)* билдиради.

Воситали тўлдирувчилар *билан, учун, тўғрисида, ҳақида* каби кўмакчи сўзлар билан ҳам қўлланади: *Султонмурод* ***Искандар Зулқарнайн тўғрисида*** *латифа сўйлади. (О.) Бу ерда Навоий ҳар кун* ***камбағаллар, етим-есирлар, тиланчилар*** *учун ош берар эди. (О.) Ош* ***эгаси билан*** *ширин. (Мақол.)*

**43-машқ.** Текстдаги воситасиз тўлдирувчиларни кесим билан бирга кўчириб ёзинг. Уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Олтинсой ёзи бу йил жуда иссиқ келди. Июнь охирламай, жазирама кунлар бошланди-да, кенг далани тандирдек қиздира бошлади. Ёз ойлари Қизилқумнинг ўтли нафасига кўникиб қолган кексалар ҳам бу йилгидек иссиқни эслай олмайдилар... Тоғ этакларидаги қишлоқнинг эрталабки салқини ажиб нашъали бўларди. Шабада саҳарлаб далага чиққан азаматларнинг юзларини сийпалаб эркаларди. Аммо бу йилги ёз ўзгача келди, худди олтинсойликлар пахта экканини сезгандай, июндаёқ қиздира бошлади... Дарахтлар ичида юрган чол сув хабарини эшитгач, кучига куч қўшилгандай бўлди. Чол сув келмасданоқ, бутун ишни боғбонларга тақсимлаб қўйган эди. Чол кўпинча тунги суғоришни ёқтирарди. *(Ш. Ғ.)*

**44-машқ.** Текстни кўчиринг: воситасиз тўлдирувчилардан сўнг қавс ичида сўроқларини ёзинг. Бош бўлакларнинг тагига чизинг.

Бу нарса профессорни қутқариб қолди: немислар на паролни, на алоқага ким келиши мумкинлигини билмас эдилар. Дароз эркак қўшни хонага кириб кетди. У ерда ампулани очиб, ичидаги хитой қоғозни кўздан кечира бошлади. Ичидаги ёзувлар беш рақамли эди. Ана шу беш рақамли шифр Берлиндаги шифрларни очиш марказида ҳам мавжуд эди. Немислар билан ишлашга рози бўлган рус радист аёли шу шифр билан хабар етказиб турарди. Кэт боласини аллалаб хонада айланиб юрарди... у картошка ейишни тугатиб, кумуш вилкани крахмалланган сочиқ устига қўйди, сўнгра кафти билан оғзини бекитиб, тишини ковлай бошлади. *(Юлиан Семёнов.)*

**45-машқ.** Текстдаги воситали тўлдирувчиларни қавс ичида сўроқларини қўйиб кўчиринг.

Саида ўзида йўқ хурсанд эди. Клубда ўтказилган бирмунча тадбирлар шу дамгача ўзини қаёққа уришини билмай юрган йигитларга, қайси тешикдан нафас олишини билмай димиқиб юрган қизларга, умуман план, процент, мажлисдан ҳам бошқа гап эшитишга муштоқ бўлиб юрган аҳолига янги бир олам очиб берди. Булар Саиданинг олдига ҳар куни бир таклиф, бир талаб, бир илтимос, бирон арз билан, бирон маслаҳат сўраб келар ва ҳар қайсиси унинг ҳар бир сўзини тиллога тортиб олар эди. Мана шу фаолият, шу ташаббус руҳи пахта парваришида илғорларнинг тажрибасини умумлаштиришга бағишланган кенгашда ҳам кўринди. *(А. Қ.)*

**46-машқ.** Текстдаги воситали тўлдирувчиларни аниқлаб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Партбюро аъзолари, идора хизматчиларидан бир неча киши, бригадирлар, звено бошлиқларидан иборат 20 га яқин киши бўлиб, станцияга раисни кутиб олгани чиқишди. Қаландаров поезддан тушар экан, уларни кўриб аввал ҳайрон, кейин ўзида йўқ хурсанд бўлди; ҳаяжон ичида келиб аввал Саидага қўл берди. Кейин бошқалар билан сўрашди; шундоқ бўлса ҳам «Победа» нинг олдига ўзи ўтириб, Умида, Исмоилжон ва Саидани орқасига таклиф қилди.

Бир оз юрилгач, Қаландаров кўк саквояждан пачоқ бўлиб кетган бир шляпани олди, тиззасига кийгизиб, у ёқ-бу ёғини ростлаган бўлди-да, авайлаб, икки бармоғи билан бир чеккасидан кўтариб Саидага узатди. *(А. Қ.)*

**47-машқ.** Текстни ўқинг. Тўлдирувчиларни топиб, уларнинг бош сўзга боғланишини тушунтиринг. Бош сўз вазифасида келган феълларнинг ўтимли, ўтимсизлигини аниқланг.

Раисни кутиб олгани чиққан кишиларнинг деярли ҳаммаси унинг уйига кирди, лекин кўп ўтирмай, ҳамма ўз юмушига кетди. Саида ўзи ёлғиз қолиб, раис йўғида қилинган ишлар, бўлган гапларни

батафсил сўзлаб берди. Қаландаров пахта парвариши тўғрисида ўтказилган кенгашда айтилган гапларни жуда қизиқиб, хурсанд бўлиб эшитди. Ҳатто Исмоилжондан мамнун бўлди; клубда аёлларга ўқилган лекциядан кейин тушган саволлар, тарқалган миш-мишларни эшитиб кўп кулди; колхозчилардан бирмунча кишини ўқишга юбориш фикрини маъқуллади ва рўйхатни ўзи кўрмоқчи бўлди; Зулфиқоров билан Меҳри тўғрисидаги гапларни эшитиб, жон-пони чиқиб кетди ва эртагаёқ мажлис қилиб, икковини ҳам колхоздан ҳайдайдиган бўлди. Бироқ Саида улар орасидаги ғайри расмий муносабатнинг расмий тусга кириб кетишига Қаландаровнинг ўзи ҳам сабабчи бўлганини айтганида, раис ҳовридан тушди, ҳатто бир оз хижолат бўлди. *(А. Қ.)*

**48-машқ.** Нуқталар ўрнига келишик аффикслaридан мосини қўйиб кўчиринг ва қандай тўлдирувчи эканлигини айтинг.

Мюллер шундоққина эшик ёнида ўтирарди. У ерда чўзилиб ётган Рольф билан Барбара..., кетма-кет расми... олаётган фотограф ва экспертлар иши... кузатиб туриш учун шу жойга ўтирган эди. Мюллер илгаригидек эшик ёнидаги стулда ўтирарди. Гестапонинг ҳамма экспертлари ва фотограф жўнаб кетди. У иккала чол билан қолди, улар эски вақтлар... эслаб хўп отамлашишди. Мюллер улар... тинглар экан, баъзан кўзи... ёш оларди: чоллар ёшлик пайтлари..., ҳамма нарса жўн ва кундай равшан, дўстларнинг кетига тушиб юрмайдиган, дори-дармонсиз ухланадиган, қирчиллама пайтлари... эсладилар. *(Юлиан Семёнов.)*

## Аниқловчи

29-§. Предмет белгисини билдирадиган иккинчи даражали бўлакнинг бир тури аниқловчидир.

Аниқловчи предметнинг ранги туси, мазаси, ҳажми, ким ёки нимага қарашлилигини ва миқдор-даражаси каби белгиларни билдиради.

Аниқловчи **қандай?, қайси?, неча?, кимнинг?, ниманинг?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: *Лолазор* **(қандай?)** *чўлларда,* ***кўмкўк*** **(қандай?)** *қирларда* ***ўтлаб юрган*** **(қайси?)** ***гала-гала*** **(қанча?)** ***қўй-қўзиларнинг*** **(нималарнинг?)** *маърашлари,* ***чўпонларнинг*** **(кимларнинг?)** *овозлари* ***Бахмал*** **(қайси?)** *қишлоғида яққол эшитилиб турарди. (Ш. Р.)* ***Сариқ*** **(қандай?),** ***қизғиш*** **(қандай?)** *япроқлар ҳавода қанот қоқа-қоқа ер бағирлаб чўзилишади. (С. Назар)* ***Ўн икки гектар*** **(қанча?)** *ер кафтдек текис қилиб қўйилган. (С. Назар.)*

Аниқловчилар от орқали ифодаланган гап бўлакларининг белгисини кўрсатади. Баъзан белгининг белгисини ҳам ифодалаб келади: *Фақат тоғ силсиласининг бир қисми устида* ***оқ*** **(қандай?)** ***пахтадек*** **(қандай?)** *булут чўзилиб ётибди. (С. Назар.)* Бу мисолда аниқловчи вазифасидаги *оқ* сўзи аниқловчи бўлиб келган *пахтадек* сўзининг белгисини билдирган.

Аниқловчиларнинг бир хили предметнинг белгисини (рангини, мазасини) билдирса, бошқа хили эса предметнинг кимга ёки нимага



қарашлилигини билдиради. Шунга кўра аниқловчилар иккига ажратилади: сифатловчи аниқловчи, қаратқичли аниқловчи.

30-§. **Сифатловчи аниқловчи** предметнинг турли сифатини, хусусиятини, ранг-тусини, ҳажмини, миқдорини билдиради. Сифатловчилар қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1) сифат билан: *Унинг* ***зийрак, қўнғир*** *кўзларида ҳорғинлик бор эди. (С. Ан.)*

2) сон билан: *Тепаликдаги чинор,* ***икки туп*** *садақайрағоч* ***тўрт-беш*** *кишилик талай супаларга соя солиб турарди. (А. Қ.)*

3) олмош билан: *Қирлардан эсаётган майин шабада* ***ана шу*** *ажойиб гулларнинг ғунчаларини ёзмоқда. (И. Р.)*

4) от билан: ***Кумуш*** *қишдан,* ***зумрад*** *баҳордан Қолишмайди кузнинг зийнати. (У.)*

5) равиш билан: ***Узоқ-яқин*** *ерлардан одамлар йиғила бошлади. (О.)*

6) сифатдош билан: ***Ўқиган*** *ўғил отадан улуғ. (Мақол.) Майин* ***эсган*** *шамол кўнглимизни чоғ қилди.*

7) модал сўзлар билан: ***Зарур*** *ишларимизни битирдик. Яқинда* ***жуда муҳим*** *воқеа содир бўлди.*

8) тақлидий сўзлар билан: *Заводнинг машина бўлимидан* ***гурс-гурс*** *зарб узлуксиз эшитилиб турарди. (О.)*

Сифатловчилар баъзан ўзига қарашли сўзлар билан бирикмали ҳолда қўлланади: *Жамиловнинг эгнида* ***оқ шоҳи*** *китель,* ***сариқ коверкот*** *шим, оёғида кавказча этик, бошида чуст дўппи эди. (С. Ан.) Юзида* ***билинар-билинмас чечак ўрни қолган, кенг пешанали, сочларини ўнг томонга силлиқ тараган*** *журналист шоирга бир қараб қўйди. (С. Ан.)*

Аниқловчи вазифасида келган сифатдошлар бирикмали қўлланиб, сифатдош оборотларини ташкил қилади. Кейинги мисолимизда иккита сифатдош оборот бор. Биринчиси — ***юзида билинар-билинмас чечак ўрни қолган,*** иккинчиси — ***сочларини ўнг томонга силлиқ тараган.*** Бу ҳар икки сифатдош обороти аниқловчи вазифасида келган.

**49-машқ.** Текстни ўқиб, сифатловчиларни аниқланг, уларнинг тагига чизиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Орадан уч соат чамаси вақт ўтди. Ниҳоят, перроннинг у бошидаги қари мажнунтол остидаги ташландиқ бир будка ёнидан елкасига қора сандиқча осган, новча киши чиқиб, Каримага томон келаверди. Ўша!.. Фақат бир оз букчайган, узун соқоли оқарган, устида ўзига кенг жигар ранг тужурка, тиззалари қора мойдан ялтираган галифе шим, бошида эски пилотка, оёғида солдатча ботинка... Унинг ҳам ич-ичидан хуруж қилиб келган йиғи шиддат билан отилиб чиқадиган пайтда кўз олдига ўша машъум оқшом манзараси келди-ю, қалбидан чиққан совуқ бир тўлқин томоғига тиқилган йиғини суриб, ювиб кетди. *(А. Қ.)*

**50- машқ.** Парчадаги бирикмали аниқловчиларнинг тагига чизинг. Гэпдаги қайси бўлакни аниқлаётганини стрелка билан кўрсатинг.

Онаси таъкидлаган бўлса ҳам, Назиржон холасининг уйига бормасдан тўғри меҳмонхонага тушди. У Фарғонадан чиққанида телеграмма ҳам бермади. Бўлмаса холаси Назиржоннинг ҳарбий хизматдан бўшаб келаётганини эшитиб ёзган хатларида: «Назиржон келгандан кейин, албатта, Тошкентга борсин, тағин илгариги одатини қилиб, ўртоқлариникига тушмасин, тўғри бизникига борсин. Мана, боғларимиз ҳам обод бўлиб қолди», деб бир неча марта қайталаб айтган эди. Назиржон бу гапларнинг ҳаммасини эшитган, кўнгли ўша томонга тортиб турган бўлса ҳам, боришга андиша қилди. *(Ойдин.)*

**51- машқ.** Сифатдош оборотли гапга учта мисол топиб ёзинг.

**31- §. Қаратқичли аниқловчи** бирор предмет ёки шахсга қарашлиликни, хосликни билдиради. Аниқловчининг бу тури қаратқич келишигидаги сўзлар билан ифодаланади: *Каримнинг вазифаси, бизнинг ишимиз* каби.

Қаратқичли аниқловчилар таркибида айрим вақтда қаратқич келишиги қўшимчаси қўлланмаслиги ҳам мумкин: *колхоз даласи (колхознинг даласи), шаҳар кўчалари (шаҳарнинг кўчалари)* каби.

Қаратқичли аниқловчи қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1) от билан: ***Абдулла Набиевнинг*** *ёркин ва жанговар образи ёшлар учун ибрат бўларлидир. Шифтга осиғлиқ* ***қирқинчи чироқнинг*** *қалпоғи уй* ***деворларининг*** *тепа ёғига чўзиқ соя солган. (Ҳ. Ғ.)*

2) отлашган сифат билан: ***Яхшининг*** *яхшилиги тегар ҳар ерда,* ***ёмоннинг*** *ёмонлиги тегар тор ерда. (Мақол.)*

3) отлашган сон билан: ***Биринг*** *кўзи қора,* ***иккинчисининг*** *кўзи кўк эди.* ***Ўннинг*** *ярми — беш.*

4) олмош билан: ***Буларнинг*** *юрагига ҳамма нарса сиғади. (А. Қ.) Лекин* ***бизнинг*** *жанговар юртда Қайнар экан ҳаёт қишу ёз, Яшамоқлик ҳаммасида соз. (В. В. Маяковский.)*

5) отлашган сифатдош билан: ***Ўқиганнинг*** *тили узун. (Мақол.)* ***Сўраганнинг*** *бир юзи қора,* ***бермаганнинг*** *икки юзи қора. (Мақол.)*

Қаратқичли аниқловчилар ҳам бирикмали қўлланади: *Ваҳобжон* ***бояги қиз кўрсатган эшикнинг*** *тугмасини босди. (С. Аҳм.) Конгресс қатнашчилари* ***совет делегациясининг*** *таклифини гулдурос қарсаклар билан қарши олди.* ***Рулда ўтирган Ортиқнинг*** *клеёнка плашчи кечки офтобда ялт-юлт қилиб жилоланди. (П. Қ.)*

**52- машқ.** Парчадан қаратқичли аниқловчиларни кўчиринг. Уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини қавс ичида кўрсатинг.

Лола дарахтининг уруғлари бундан бир неча йил аввал Шимолий Америкадан Тошкент Ботаника боғига келтирилган эди. Ўзбекистон



ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалар кимёси институтида дарахт тадқиқ этила бошлаганида, унинг ҳар бир тупи қимматли шифобахш дори фабрикаси эканлиги маълум бўлди. Лола дарахтининг баргидан топилган, шунгача фанга номаълум линит ва линидрин алкалоидлари, фармакологларнинг таъкидлашича, юрак миокардида модда алмашинувини яхшилайди, томир, мускул тортишишини ёзади. *(«Тошкент оқшоми» дан.)*

**53- машқ.** Текстдаги белгисиз қаратқичли аниқловчиларни топинг. Уларнинг ўзаро боғланишини тушунтиринг.

Руминиянинг Плоешти шаҳридаги соатлар музейи ўзининг хилма-хил ажойиб экспонатлари билан шуҳрат қозонган. Бу ерда қуёш, сув соатлари, ҳатто улкан шамга ўхшаш «ёнувчи» соатлар бор. Музейнинг энг қадимий экспонати 1652 йилда ясалган оддийгина соатдир Ўзининг ташқи кўриниши ва ҳажми жиҳатидан у бугунги қўнғироқли соатлардан кам фарқ қилади. Соатлар музейи 1962 йилда қадимий нарсалар ишқибози Николае Симаке томонидан ташкил қилинган. Музейда мингдан ортиқ экспонат бор. *(«Тошкент оқшоми».)*

**54- машқ.** Бирикмали қаратқичли аниқловчилар иштирок этган учта гап топиб ёзинг. Бирикмали аниқловчиларнинг тагига чизинг.

**32- §. Изоҳловчи.** Изоҳловчи аниқловчининг бир тури бўлиб, у шахс ёки предметни бошқача ном бериш билан аниқлайди.

Изоҳловчилар кўпинча от орқали ифодаланиши билан аниқловчининг бошқа турларидан фарқланади. Масалан: ***врач*** *Холиқов,* ***уста*** *Ширин ота,* ***сержант*** *Собиров* каби. Баъзан изоҳловчи кишилик олмоши билан ҳам ифодаланади: ***Мен,*** *Муҳамедов Собиржон, 1960 йилда туғилдим.*

Изоҳловчилар қуйидаги каби маъноларни билдиради:

1) унвонни, амални: ***Капитан*** *Мансуров билан суҳбат ўтказдик. Йиғилишда* ***райком секретари*** *Ҳусниддинов ҳам иштирок этди.*

2) машғулот, касб, мутахассисликни: ***Каптарбоз*** *Соли,* ***маркачи*** *Тўхта,* ***гулчи*** *Ваҳоблар келишди.*

3) ёш, жинс ва қариндошликни: *Карима хола билан Собир* ***амакининг*** *ҳикоясини эшитишга кўпгина* ***қиз*** *бола ва* ***ўғил*** *болалар тўпланишди.*

4) лақабни: *Жалил* ***совуқ,*** *Жуман* ***писмиқ*** *ва Холиқ* ***бурунларнинг*** *аскияларини эшитдик.*

5) тахаллусни: *Мусо Тошмуҳаммад ўғли —* ***Ойбек*** *ва Отақўзи ўғли Раҳматулла —* ***Уйғун*** *йирик асарлар яратдилар.*

Изоҳловчилар ҳам бирикмали қўлланади: *Отам,* ***Зуннун Акбарович Султонов,*** *шу корхонада ўттиз йил ишлади. Биз,* ***қалби ватан меҳрига тўла ўзбек аёллари,*** *бахтимиз учун партияга минг бор ташаккур айтамиз.*

**55-машқ.** Изоҳловчили гапларни кўчириб ёзинг. Изоҳловчиларнинг қандай маъно билдирганини айтиб беринг.

1. Драматург Комил Яшин (Нуъмонов) — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 2. Генерал Собир Раҳимов ҳақида кинофильм яратилди. 3. Мактабнинг очилиш маросимида райком секретари Собиров ҳам қатнашди. 4. Мактабда ўн олти ёшли ўғил ва қиз болаларга паспорт бериш кечаси ўтказилади. 5. Қува районидаги попопчи Саодатхон опа — Ленин ордени кавалери. 6. ...Сўри уста Турсунқул томонидан зеҳн қўйиб қилинган эди. *(Ш. Р.)*

**56-машқ.** Нуқталар ўрнига берилган изоҳловчилардан мосини қўйиб, қандай маъно ифодалаётганини айтинг.

1. Ўқувчилар . . . Зулфия шеърларини севиб ўқийдилар. 2. Етти ёшли . . . болалар мактабнинг биринчи синфига қабул қилинадилар. 3. ...Назира ва Холидаларнинг ўқишидан хабар олиб турадилар. 4. Юсуфжон . . . ва Одил . . . қадрдон дўст эдилар. 6. . . . М. Шербўтаев илғор ишчиларга мукофот топширди.

Сўзлар: шоира, ўғил, қиз, Собир амаки, қизиқ, карнай, райком секретари.

**57-машқ.** Изоҳловчининг ҳар бир турига иккитадан мисол ёзинг.

**58-машқ.** Текстдаги аниқловчиларни топиб, сўроқларини қавс ичида ёзинг, турини айтинг.

Кечки ёқимли шабада Ҳалим бобо боғининг ҳар бир ниҳолини эркалатиб ўтарди. Чол бўлса, кечқурунлари боғ ўртасига қурилган сўрига ёнбошлаб, шабадада силкинган ниҳолларига қараб ҳордиқ чиқарар, ўз меҳнатининг самарасидан мамнун бўларди. Колхоз боғининг пахтазорларга туташган ерида катта ариқ бўйига қўйилган чиройли сўри уста Турсунқул томонидан зеҳн қўйиб қилинган эди. У сўрининг оёқлари арчадан ясалган бўлиб, унга чиройли нақшлар ўйилган ва кўримли қилиб бўялган эди. Ҳалим бобо иштиёқ билан сўри атрофларига турли-туман гуллар ва ток кўчатлари экди. *(Ш. Р.)*

## Ҳол

**33-§.** Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, сабаби, мақсади, ўринга, пайтга муносабатини, даража-миқдорини билдирадиган иккинчи даражали бўлакларнинг бир тури ҳолдир.

Ҳол ифодалаган маъносига кўра қуйидаги турларга бўлинади: равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, даража-миқдор ҳоли.

**34-§. Равиш ҳоли** иш-ҳаракатнинг қайтарзда бажарилишини билдириб, феъл кесимга боғланади.

Равиш ҳоли қуйидагича ифодаланади:

а) ҳолат равиши билан: *Раҳматуллаев кўз очишга қўймаётган ёмғирни кафти билан сидириб ташлади-да, узангига оёғини тираб* ***тикка*** *турди. (С. Ан.) У ўйчан кўзлари билан Ботирга қараб* ***секин*** *гапирди. (С. Назар.)*

б) равишдош билан: *Ширин сўз, меҳрибон хола яна уни* ***елкасига қоқиб*** *омонлашди. (И. Р.)*



в) *ҳолда* сўзи билан бирга келган сифатдош билан: *Саидий қўлларини* ***осилтирган ҳолда*** *ўтирар эди. (А. Қ.)*

г) тақлидий сўзлар билан: *Шабада* ***ғир-ғир*** *эсарди. (С. Ан.) Икковлари* ***гангир-гунгир*** *гаплашиб ўтирардилар. (О.)*

д) от ва ***билан*** кўмакчиси орқали: *Мен китобни* ***завқ билан*** *ўқиб чиқдим. Кечаги суҳбатни* ***мароқ билан*** *эшитдик.*

**59-машқ.** Текстдаги равиш ҳолларини аниқланг.

Плейшнер белгиланган вақтда учрашувга кетаётганида илгаригидек кайфияти зўр эди. У ишга берилиб кетди. У ўз номеридан фақат тамадди қилгани чиқарди, яқин вақт ичида Гитлернинг умри тугайди деган умид билан хурсанд бўлиб юрарди: у энди ҳамма газеталарни сотиб олар, тарих билимдони сифатида келажакни осонлик билан тасаввур қиларди. Плейшнер бу санъатни батафсил ўрганиб олди. Плейшнер соатига қаради: ҳали вақт бор. Болалар ўқитувчисининг ҳазил гапларига қаҳ-қаҳ уриб кулиб ўтирардилар. У болалар билан худди тенгдошлардек гаплашарди. *(Юлиан Семёнов.)*

**60-машқ.** Ўзингиз мустақил равишда равиш ва равишдошлар билан ифодаланган равиш ҳолларининг ҳар бирига учтадан мисол келтиринг.

**35-§. Ўрин ҳоли** иш-ҳаракатнинг ўринга муносабатини билдиради.

Ўрин ҳоллари қуйидагича ифодаланади: 1) ўрин-пайт, чиқиш, жўналиш келишикларидаги отлар билан: *Подшо ҳам чапак уриб,* ***Дарёга*** *чопиб борди. (Ҳ. О.) Гўзал юрт* ***Сусамбилда*** *Бир подачи бор эди. (Ҳ. О.)*

2) ўрин равишлари билан: ***Аллақаердан*** *музика овози келди.* ***Бунда*** *қуртлар ипак тўқийди. (Ҳ. О.)*

3) отлар билан бирга қўлланган кўмакчилар орқали: ***Уй ичида*** *одам кўп эди. Биз* ***стадион ёнида*** *тўпландик.*

Ўринга муносабат уч хил:

1) иш-ҳаракатнинг содир бўлиш ўрнини билдириб, қаерда? сўроғига жавоб бўлади: *Кўз* ***қаерда*** *бўлса, меҳр шу ерда бўлади. (Мақол.)* ***Теваракда*** *гала-гала чумчуқлар тўхтовсиз чирқиллашади. (О.) Арава катта тол тагида тўхташи билан шу ердаги* ***қўра девори ёнида*** *ўтирган одам ўрнидан туриб келди. (Ҳ. Ғ.)*

2) иш-ҳаракатнинг йўналиш ўрнини билдириб, қаерга? сўроғига жавоб бўлади: *Арслонқул ўз тўдаси турган* ***чодирга*** *борди. (О.) Қайрағочлар ёш бўлишига қарамай,* ***боғчага*** *бошқача ҳусн бериб турарди. (С. Назар.)*

3) иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрнини билдириб, қаердан? сўроғига жавоб бўлади: *Мана улар кўркам, сердарахт* ***совхоз шаҳарчасидан*** *ўтиб бормоқдалар. (С. Абдуқаххор.) Сал ўтмай Шириной* ***даладан*** *қайтиб келди. (О. Ё.)*

**61-машқ.** Текстдан ўрин ҳолларини топиб, сўроқларини қавс ичида ёзинг.

Карим ҳамон икки қўли шим чўнтагида ... катта электр фонари тагида ғужғон ўйнаётган одамлар орасидан ўтиб, боққа кириб кетди.

— Чарчадингизми, ойи? — деди Ойтўти теп-текис қирқилган тут дарахтлари орасидаги скамейкага ўтирар экан.

Ўтириб бир оз томоша қилинг бу чиройли жойларни, — деяр экан Ойтўти, икки кўзи олма кесак териб, ҳар тарафга бир қарар эди. *(Ойдин.)*

**62-машқ.** Текстдан ўрин ҳолларини кўчириб, қайси сўз туркумлари билан ифодаланганини тепасига ёзиб кўрсатинг.

Гулдурос қарсаклар Фаридани ҳушига келтирди. Унинг бутун вужуди аста титрар эди. Ажаб, кўз олдига сел олган кўприк вайроаси келди. Буни ўтган йили Наманганга яқин тоғ оралиғидаги қишлоқда кўрган эди. Фарида дивандан оғир қўзғалиб, радиони ўчирди. Ўртадаги стол устида турган қизғиш кўзачадан сопол кружкага сув қуйиб ҳўплади. Вужудидаги титроқ босилгандай бўлди. (*Ойдин.*)

**63-машқ.** Текстдаги тўлдирувчи ва ҳолларни сўроқларига қараб аниқланг.

Ўша вақтда бу мактабда нечта бола ўқишини ҳозир эслай олмайман. Фақат шуни биламанки, қишлоғимизнинг тўрт ёшдан то ўн икки ёшгача бўлган боласи шу мактабда ўқир эди. Мен мактабга кирдим... Домла мактабхонадан чиқиб кетди. У кетгандан кейин мактабхонада тўс-тўполон бошланди. Болалар ўринларидан туриб, бир-бирлари билан кураша кетди; кучлиси кучсизини йиқитар, урар эди... *(С. А.)*

**36-§. Пайт ҳоли** иш-ҳаракатнинг пайтга муносабатини билдириб, **қачон?, қайвақтда?, қайвақтгача?, қачондан бери?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: *Илк тонгдан бери булбул сайрайди. (Т. Сидиқбеков.)*

Пайт ҳоли пайт равишлари, айрим кўмакчилар билан бирга келган отлар, ***-гач, -гунча*** аффиксларини олган равишдошлар, ***-гача, -га қадар, -га довур*** формаларидаги отлар ва ***-гандан сўнг*** (*кейин*) каби ёрдамчиларни олган сўзлар билан ифодаланади: *Кечқурун правление аъзоларидан бир қисми йиғилди. (А. Қ.) Олимов яшикни маҳкамлагач, Аҳмадга узатди. (Ҳ. Н.) Саёҳатчилар жарликдан ўтгунча бир оз қийналдилар. (Ҳ. Н.) Ота юз-қўлларини ювгандан сўнг сал нарига бориб кўм-кўк ўтлар устига ўтирди. (Ш. Р.)*

**64-машқ.** Текстдаги пайт ҳолларини аниқлаб, қавс ичида сўроқларини ёзиб кўчиринг.

Пўлатжон жуда эрта, ҳаммадан олдин уйғонди. Фақат узун ўлкада кимдир оҳиста қадам босиб юрар эди. У кўзини очиб атрофга қаради, ўзининг госпиталда ётганлигини, бу янги жой, ётган шериклари ҳам ҳали таниш бўлмаган, ўзи сингари янги келган ярадорлар эканини англади. Бугунги осойишта уйқу Пўлатжонга анча қувват киргизди. Бошини аста кўтариб, дераза томонга қаради. Кўпдан бери хаёлга келмаган, бундан анча илгари бўлиб ўтган воқеалар эсига тушди. Ўша гўзал Фарғона шаҳри, етимликда ўсган чоғи, интернатда яйраб, тенгқурлари билан ўқиган чоқлари, шўх, ҳазилкаш қиз-



лар билан институт ҳовлисида қувишиб юрганлари кўз олдидан бир-бир ўта берди. *(Ойдин)*

**65-машқ.** Гаплардаги пайт ҳоли ва ўрин ҳолларини топиб айтинг.

1. Яқинда Тошкент шаҳридаги Фрунзе районининг энг яхши дружиначилари Тўқимачилар саройи олдига тўпландилар. 2. Москвалик бир группа шифокорлар республикамиз пойтахтига ташриф буюришди. 3. Эрта турганга соз ҳаво, кеч турганга не раво. *(Мақол.)* 4. 1924 йил 24 октябрь куни ЎзССР ва Ўзкомпартия ташкил этилган. 5. Бу йил республикамизнинг «оқ олтин» хирмони янада улкан бўлади. 6. Бу йил ҳосилдорликнинг мўл бўлиши шубҳасиз. 7. Ёқут бугун алгебра фанидан «5» баҳо олди.

**66-машқ.** Текстдаги пайт ҳолларини аниқлаб, уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Зоҳида шундай деди-ю, қизариб яна дафтарини варақлашга киришди. — Нега ўшанда ... икки энлик хат ёзмадингиз? Бир хабар бермадингиз?

— Ўша гаплардан кейин-а? — деди Зоҳида бошини кўтармасдан. Сўнгра секин қўшимча қилди: — Ўзиям худди илк баҳорда келадиган қора совуқдай бўлди-да, ўшанда ... Аямажуз дейишарди шекилли, номи эсимда йўқ. Ҳеч кутилмаган вақтда келади-ю, очила бошлаган гулғунчани уриб кетади ... (О. Ё.)

**67-машқ.** Текстни кўчиринг: жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларида келган отларнинг сўроқларини қавс ичида кўрсатинг, тўлдирувчининг тагига бир, ҳолнинг тагига икки чизиқ чизинг.

Мамлакатимиз экономикасида пахта жуда салмоқли ўрин тутади. «Оқ олтин» қанча кўп етиштирилса, Ватанимизнинг иқтисодий қудрати шунча ортади. Иттифоқимиздаги пахта майдонларининг қарийб ярми у ёки бу даражада шўрланган. Олимларнинг аниқлашича, шўрланган тупроқда ўсаётган маданий ўсимликларда шўрга чидамлилик аломатлари пайдо бўлади, улар туз таъсирини енгиб, нормал ҳаёт кечиришга мослашиб бораверади. Фарғона Давлат Педагогика институтида 1968 йилдан буён шўр ерда ғўза ўстириш устида тажриба олиб борилди. Тажриба Ленинград районидаги Энгельс номли колхознинг бригадаларидан бирида олиб борилди.

Шўрланган ерлардан олинган уруғлик чигитлар тайёрлаш пунктларида алоҳида сақланиши ва келгуси йили яна шўрланган участкаларга экилиши лозим. *(„Фан ва турмуш“ дан.)*

**37-§. Сабаб ҳоли** иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини билдиради. Сабаб ҳоллари *учун, сабабли, туфайли* ёрдамчилари билан бирга келган сифатдош, сабаб равишлари, чиқиш келишиги формасидаги сўзлар ва айрим равишдошлар билан ифодаланади.

Сабаб ҳоллари **нима учун?, нима сабабдан?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади: *Шоир кавушининг* ***лой бўлмаслиги учун*** *четдан эҳтиёт қилиб юриб кетди. (О.) Салима дарсни* ***яхши тайёрлагани учун*** *мақтовга сазовор бўлди.*

**68-машқ.** Текстдан сабаб ҳолларини топинг, уларнинг қандай шакллангани-гини айтинг.

1. Подшоҳ бу табақадан катта ёрдам кўргани учун, улар ҳар турли солиқ-йиғимлардан озод қилинган эдилар. 2. Лутфий бу равшан ва ёрқин ғазални эшитиб, ортиқ даражада завқланади. 3. Унинг кенг истеъмолчилар, жаҳоп бозори учун чиқарадиган маҳсулоти анча аҳамиятли эди. 4. Бироқ йўл кўп чарчатганлиги, уйқу ғалаба қилганлиги сабабли, Алишер буни сезмаган. 5. От ҳам чарчаганликдан шунда туриб қолган. 6. Алишер уйқудан кўзини очиб, ўзини бепоён чўлда кўрди. Шу сабабли ваҳимага тушди. 7. Машҳадни зиёрат қилиш учун келган кишилардан бир тўдаси одат бўйича мусофирлар турадиган ҳужраларни зиёрат қилиш вақтида Алишернинг ҳужрасига ҳам кирадилар. *(Олим Шарафиддинов.)*

**38-§. Мақсад ҳоли** иш-ҳаракатнинг қандай мақсад билан юзага келишини билдириб, **нима мақсадда?, нима учун?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. Мақсад ҳоли кўпинча *учун, мақсадида* кўмакчилари билан бирга келган ҳаракат номи, мақсад равиши, равишдошнинг ***-гали (-гани)*** аффиксли формаси ва жўналиш келишиги формасидаги айрим сўзлар билан ифодаланади. *Бир чимдим* ***ухлаш учун*** *кўзини юмди. (О.) Сизни* ***кўриш мақсадида*** *келдим. Эшик олди гул ҳовуз, Гул* ***тергали*** *келганмиз. (Қўшиқ.) Колхозчилар* ***дам олишга*** *дала шийпонига йиғилишди.*

**69-машқ.** Мақсад ҳолларини топиб, уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини кўрсатинг.

1. Шаҳло уни ўз ёнига олмоқчи эканини айтди. 2. Ўқитувчи ва студентлар адабий кеча ўтказишга тўпланишдилар. 3. Тун бўйи ухламаганлиги учун кўзлари қовжираган эди. *(О.)* 4. Холидахон опасини кўриш учун келди. 5. О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» китобини ўқигани олдим. 6. У Фарғонадан Тошкентга ўқиш учун келганлигини айтди. 7. Ҳаётхон пахтани машинада териш мақсадида механизатор бўлган.

**70-машқ.** Мақсад ва сабаб ҳолларини аниқланг, қавс ичига сўроқларини ёзиб кўчиринг.

1. Танишгани бошқа ҳеч нарса бўлмагани учун Саида кабинетни қулфлаб боққа чиқди. *(А. Қ.)* 2. Мен севинганимдан теримга сиғмай эрталаб Хадрага югурдим. *(Н.)* 3. Ҳилола яхши билгани учун тез гапирди. 4. Ўқитиш учун ўқимоқ керак. 5. Ўқиш учун чидам ва қаноат лозим. 6. Шоир бундан кейин Фарҳоднинг хоқон билан хазинага кириб, сирли ойна кўрганини, унинг тилсимини очиш учун Юнонистонга бориш ҳавасига тушганини ва отасини бу сафарга ундаб, донишманд Сухайло билан кўришганларини, донишманд йўлда учрайдиган хатар ва офатларга қарши кураш тадбирларини ўргатганини тасвирлайди. *(Олим Шарафиддинов.)*

**39-§. Даража-миқдор ҳоли** иш-ҳаракатнинг миқдорини ва даражасини билдириб, **қанча?, неча марта?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Даража-миқдор ҳоллари баъзан *марта* сўзи билан ёки шу



сўзсиз қўлланган сонлар билан, миқдор равишлари билан ифодаланади: ***Кўп*** *сўзлама,* ***оз*** *сўзла! Оз сўзласанг ҳам,* ***соз*** *сўзла. (Мақол.) Бўлмаса, пахтани* ***бунчалик*** *кенгайтирмас эди хўжайин. (О.) У* ***бир оз*** *мизғиб олди. Пахтани* ***уч марта*** *чопиқ қилдик.*

**71-машқ.** Даража-миқдор ҳолларини аниқланг. Уларнинг ифодаланишини тушунтиринг.

1. «Фақат мана сеникига келиб бир оз ором оладиган бўлдик»,— деди Очил бува. *(Ас. М.)* 2. Очил бува невараларининг исмларини адаштириб, ҳаммамизни анча кулдирди. *(Ас. М.)* 3. Канал ишга тушгандан бери орадан 34 йил ўтди. Ҳамон ўша давр қаҳрамонлиги ҳақида жуда кўп ҳайратомуз ҳикоялар эшитамиз. Бу ҳукумат— фуқаропарвар ҳукумат ҳали кўп яшайди. *(„Саодат" журналидан.)* 4. Ботирга ўлим бир марта келади, қўрқоққа минг марта. *(Мақол.)* 5. Бир деганни икки демак хўб эмас. *(А. Навоий.)*

**40-§.** Ҳол бошқа гап бўлаклари каби бирикмали қўллана олади: *Хадича хола* ***бундан яқин олти ой бурун*** *келганида, бир қийиқ беҳи олиб келган эди. (А. Қ.)* ***Неча кундан бери*** *кўзлари уйқу ҳам кўрмайди. (Ойдин.) Бу* ***хафага ак арра тишли тизмалар устида*** *узундан-узоқ чўзилиб булут тугайди. (С. Ан.) Баъзан хаёл бошқа-бошқа ёққа олиб кетганидан, ўқиган жойининг маъносига тушунмай қайта-қайта китобга кўз югуртдик. (С. Назар.)*

**72-машқ.** Кўчиринг. Ҳолларнинг тагига чизинг. Уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Яхши от бир марта қоқилади. *(Мақол.)* 2. У тун бўйи сира ухлай олмади. 3. Илгари улфат бўлганимиз учун дам олиш кунлари уйига бориб турардим. 4. Кундуз келсам ҳам ишларди, кечаси келсам ҳам. 5. Бирортамиз ҳам этикни унчалик пишиқ, чиройли тиколмас эдик. 6. Шундан кейин ҳалиги босиб турган нарса ўрнидан кўчгандек, анча енгиллашди. *(С. Ан.)* 7. Унинг ўсиқ қошлари билинар-билинмас чимирилди. 8. У қизалоққа маъсумгина жилмайиб боқди. 9. Автобус ичи жимжит бўлиб қолди. 10. У йўлда ёлғиз кетаётиб чуқур ўйлади. 11. Хуморхоним меҳмон кутишни ўрнига қўядиган мулозаматли аёл. *(С. Ан.)*

**73-машқ.** Текстни ўқинг. Ҳолларнинг турини айтинг. Аввал содда ҳолларни, кейин бирикмали ҳолларни кўчиринг.

1. Ана бўрон, момақалдироқ... Унинг кетидан шивалаб ёмғир, дам ўтмай ёнғоқ қоққан каби шатир-шутир дўл ёғиб берди. *(Ҳ. Н.)* 2. Ҳаво ҳаддан ташқари исиб кетди. *(О.)* 3. Сусамбилда эркин, шод Яшар эди халойиқ. *(Ҳ. О.)* 4. Болалар ўртароқ ердаги йўғон арча ёнида тўхтадилар. *(Ҳ. Н.)* 5. Бир кун эрталаб касалларни кўриб чиқиш вақтида госпиталь бошлиғининг кўзи учинчи қават зинапояси тепасида ёнма-ён турган икки койкага тушиб қолди. *(Б. Полевой.)* 6. Кекса боғбон кўм-кўк ажриқ устида ярим соат чамаси ўтириб ҳордиқ чиқарди. *(Ш. Р.)* 7. Тўнгак орқасидан қулоқлари диккайган қуён пайдо бўлди-да, коптокдек сакраб буталар орасига яширинди. *(О.)*

## ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ ТАРТИБИ

**41-§.** Ўзбек тилида гап бўлакларининг тартиби, асосан, эркин бўлса ҳам, улар маълум грамматик қоидаларга бўйсунади, шу қоидалар асосида жойлашади. Гапда эга состави олдин, кесим состави кейин келади, баъзан кесим состави олдин, эга состави кейин келади. Бу тартибда қўллаш гапнинг грамматик ҳолатини ўзгартмайди: *Мен сизнинг яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман. — Унутмайман сизнинг яхшиликларингизни мен ҳеч қачон. Ҳеч қачон унутмайман сизнинг яхшиликларингизни мен.*

Баъзан гап бўлаклари тартибининг ўзгариши грамматик ҳолатга таъсир этиши мумкин. Бу ҳодиса қуйидаги кўринишларга эга:

От кесимли йиғиқ гапларда тартиб ўзгарса, кесим эгага, эга кесимга айланади: *Бир ой — ўттиз кун. Ўттиз кун — бир ой.*

Сифатловчи билан сифатланмишнинг тартиби ўзгарса, аниқловчили бирикма эга ва кесим муносабатини кўрсатувчи йиғиқ гапга айланади.

| Аниқловчили бирикма | Йиғиқ гап. |
|---|---|
| *янги бино* | *Бино — янги.* |
| *ёш бола* | *Бола — ёш.* |
| *кенг йўл* | *Йўл — кенг.* |
| *ўқилган китоб* | *Китоб ўқилган.* |

Баъзан белгисиз қаратқичли бирикманинг тартиби ўзгариб, эга ва кесим муносабатини кўрсатувчи гап ҳосил бўлади. Масалан: *Сув ўртаси → Ўртаси — сув; тоғ ўртаси → Ўртаси — тоғ.*

Ҳамиша ҳам бундай бирикмаларда тартиб ўзгариши эга ва кесим муносабатини ифодаловчи гапни ҳосил қила бермайди: *колхоз боғи, дала шийпони, ёшлар клуби* каби бирикмаларни *боғи колхоз, шийпони дала, клуби ёшлар* деб ишлатиб бўлмайди.

Ўзбек тилида гап бўлакларининг одатдаги тартиби қуйидагича:

1) эга, асосан, гап бошида келади: ***Мен*** *ҳали ҳам кичик ГЭС да ишлаб турибман. (Ш. Р.)*

Айрим вақтда эга пайт ёки ўрин ҳолларидан кейин ҳам келади: *Унда ҳамиша* ***баҳор гуллари*** *яшнаб туради. (С. Аҳм.)*

Эга ўзига тобе бўлган аниқловчидан кейин ҳам келади: *Кўклам офтобидан елкасига иссиқ ўтган* ***деҳқон*** *ер бошида қўшиқ айтади. (С. Аҳм.)*

Эга баъзи ҳолатларда — ундов ва буйруқ гапларда — кесимдан кейин келиши мумкин: *Омон бўлсин* ***рус халқи.*** *(Ҳ. Ғ.) Хайр, кетдим* ***мен.*** *Бойвачалар, эшитинг: дуторни қийноради* ***бу йигит.*** *(О.) Яшасин* ***ҳуррият!*** *Битсин* ***истибдод!*** *Йиқилсин* ***золим подшо!*** *(И. Исм.)*

2) аниқловчи доим аниқланмишдан олдин келади: *Ўктам совуқ,* ***хуштаъм*** *чойни қулт-қулт ютиб, қўли билан лабларини артди. (О.) Навоий* ***турли*** *шоирларнинг* ***турли-туман*** *асарларидан* ***ўнмингларча*** *байтни ёд биларди. (О.)*



3) тўлдирувчи, кўпинча, кесим олдида келади: *Мен* ***кўзларимга, қулоқларимга*** *ишонмайман. Аҳмад театрга* ***Собир билан*** *кетди.*

Икки хил тўлдирувчи иштирок этган гапларда олдин воситали тўлдирувчи, кейин воситасиз тўлдирувчи келади. *Анвар* ***дўстларига*** *ўзининг* ***янги шеърини*** *ўқиб бермоқчи.*

4) ҳол, асосан, кесим олдида келади: *Мен сизни* ***атайин шошиб*** *қидириб келдим.*

Пайт ҳоли кўпинча гап бошида келади: ***Бундан икки йил бурун*** *Тошмат аканинг ўғли Москвага кетган эди.*

Ўрин ҳоли ҳам эгадан олдин (пайт ҳолидан кейин) келади: *Ўтган шанба куни* ***мактабда*** *биз социалистик мусобақа илғорлари билан учрашув ўтказдик.*

Равиш, даража-миқдор ҳоллари, кўпинча, кесим олдида келади: *Анорхон уйга тун қоронғисида садақайрағочлар таги билан* ***якка*** *қайтди. (И. Р.)* ***Етти*** *ўлчаб,* ***бир*** *кес. (Мақол.)*

Сабаб ва мақсад ҳоллари баъзан гап бошида, баъзан кесим олдида келади: *Биз пахта ҳосилдорлигини* ***ошириш учун*** *курашмоқдамиз. Тарихий ёдгорликларни* ***кўриш учун*** *Самарқандга бормоқчимиз. Мен Азизнинг* ***хатосини бўйнига қўйиш учун*** *анча вақтдан бери куйиб-пишаман. (Ас. М.).*

Гап бўлаклари тартибининг ўзгариши инверсия дейилади.

Инверсия ҳис-ҳаяжон билан айтилган гаплар, шеърий асарларда кўп учрайди:

Келди кўклам каби соз, Экин ўсди ерларда,
Бизлар севган иссиқ ёз. Буғдой пишди қирларда.
Қип-қизарди олчалар,
Узар ёш болачалар. *(Ш. С.)*

**74-машқ.** Текстдаги бош бўлакларнинг тартибини кузатинг. Бош бўлаклар қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Гўзал Фарғонада, сўлим қишлоқда, Шинам бир ҳовлида яшар Алишер. *(З.)* 2. Олимжон боғ кўчадан Борар эди қишлоққа. *(Қ. М.)* 3. Ҳамдамжоннинг исмини Билиб қўйган онаси. *(Т. Йўлдош.)* 4. Ёввойи бир дарахтга Қимдир новда улабди. *(Қ. Ҳикмат.)* 5. Тоғдан келар пилдираб, Ариқларда шилдираб, Муздай зилол, тиниқ сув... *(Қ. Ҳикмат.)* 6. Чиндан ҳам бу қарорнинг ҳар бир сўзидан сизларга дунё-дунё ғамхўрлик, меҳрибонлик сезилиб турибди... *(Ҳ. Н.)* 7. Йўлдош ака ечиниб, ювиниб бўлгач, ёнимизга келиб ўтирди. *(Ғайратий.)* 8. Сергайрат бобомнинг муомаласи ўртоғим Муроджонга жуда маъқул тушди. *(Ғайратий.)*

**75-машқ.** Аниқловчи ва аниқланмиш тартибини тушунтиринг. Аниқловчиларнинг турини ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Теримчининг нурли, табассумли юзига назар ташлаймиз. Одатда, эзгу ният, катта мақсад, хотиржам ва бағубор дил билан ишга қўл урганларнинг юзида шундай равшанлик, ёғду барқ уриб туради.

у аъзо бўлган бригада — коммунистик меҳнат коллективи — бу йил гектаридан 50 центнердан ҳосил топшириб, беш йилликни тўрт йилдаёқ ўринлатиб қўймоқчи. Бу ҳосил далада бор, унинг нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олинишига шак-шубҳа йўқ. Майрамхоннинг ўзи уч гектарни олди. Колхозчининг масъулияти, жавобгарлиги ошди, ишни ниҳоятда сифатли бажарадиган бўлди. Майрамхоннинг бу ташаббуси ҳафта ўтмай районга ёйилди. *(„Саодат“ журналидан.)*

**76-машқ.** Текстдаги тўлдирувчи билан кесимнинг қандай тартибда келганини аниқланг. Тўлдирувчиларнинг турлари ва қандай сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

У кунни кўрсатмасин. Жон берсак берамизки, ундай қора ниятларга йўл қўймаймиз. Тоғни урсам толқон қиламан, ёвни урсам яксон қиламан. Норбобо белбоғини қайтадан боғлаб, икки қўли билан белини сиқиб қўйди. Кўкрагини баланд тутди-да, яктак чўнтагидан носини олиб, бир чимдимини тили тагига ташлади. Тонгдан ишга тушиб кетамиз, кун ботганини сезмай қоламиз. Яна бир нарсани айтай сенга. Тағин менинг ҳалиги гапларимга хафа бўлма, ҳаммадан ҳам хато ўтади. Уни тузатиб олса ҳеч гап эмас. Бошда мендан ҳам камчилик ўтди. Тўғрисини айтсам, бу ерга келган кунларда бу қурилишнинг мағзига тўла тушунмай юрдим... Кейин билсам, бу фикрларим хато экан. *(Ойдин.)*

**77-машқ.** Текстдаги ҳолларнинг тартибини тушунтиринг. Уларнинг турлари ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини аниқланг.

Шу куни ҳаво очиқ эди, қуёш нури ҳамма ёқни ёритиб юборди. Неча кундан бери қор, ёмғирда бўкиб ётган ерлардан юпқагина буғ кўтарилди. Қирларда майсалар ўсма қўйган қизлар қошидек терилди, подалар изғишиб қолди. Яхши доғланган мойга пиёз, гўшт тушиши билан бутун қирни аллақандай ёқимли ҳид тутиб кетди. Биз зар гажимли қизил барқут байроқ тутилган ер — уй олдига бориб тўхтадик. Меҳмондўстлик ҳам яхши гап. У йигит бизнинг олдимизга келгунча «келинглар» сўзини бир неча марта такрорлади... Хатни бошдан-оёғигача ўқиб бердим. Чол кулиб, диққат билан тинглаб турди. *(Ойдин.)*

## ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

**42-§.** Бир хил сўроққа жавоб бўлиб, тенг боғловчилар ёрдамида бириккан гапнинг бирдан ортиқ бир хил бўлаклари уюшиқ бўлак ҳисобланади: 1. *Сизни кутар* ***лагерлар, боғлар.*** *(Ғ. Ғ.)* 2. *Улар дарё бўйидаги* ***тошлардан, ҳар хил гиёҳлардан*** *намуналар олишди. (Ҳ. Н.)* 3. *Йўлда баъзан катта-катта майдонни қоплаб олган* ***оқ, пушти, сариқ*** *ва* ***қизил*** *гуллар учрайди. (Ё. Ш.)* 4. *Шерали ўзининг саман қирғийи билан* ***адир*** *ва* ***қирларда*** *шамолдек уча бошлади. (Ё. Ш.)* 5. *Бувим менга бир хўмрайиб* ***қарайди,*** *аммо* ***индамайди.*** *(О.)*

Биринчи гапда эга *(лагерлар, боғлар)*, иккинчи гапда тўлдирувчи *(тошлардан, гиёҳлардан)*, учинчисида аниқловчи *(оқ, пушти, сариқ ва қизил)*, тўртинчисида ҳол *(адир ва қирларда)*, бешинчи гапда эса кесим *(қарайди, аммо индамайди)* уюшиб келган. Улар ўзаро тенг боғловчилар ва санаш оҳанги ёрдамида боғланган.

Уюшиқ бўлаклар ёйиқ (бирикмали) ҳолда ҳам келади: — *У бу ерда ўтирган* ***трамвай ишчиларини, Тупроққўрғон ишчиларини*** *илгари учратмаган эди. (С. Аҳм.)*

Уюшиқ бўлаклар жуфтланиб ҳам қўлланади: *Қор совуғи* ***қўлларимни ва ёноқларимни, пешанамни ва бурун учини*** *ялаб турса-да, менга жуда ёқимли туюлди. (О.)* ***Олма ва ўрик-зор, анжир ва анорзор*** *боғлар бирин-кетин орқада қолмоқда. (Ё. Ш.) Шерали* ***қўрқмас ва камтар, камгап ва қайсар*** *бир бола эди. (Ё. Ш.)*

Уюшиқ бўлаклар кўпинча бир хил сўз туркумига оид сўзлар билан ифодаланади: *Шодмон ака гоҳ* ***тойга****, гоҳ* ***Шералига*** *кўз ташлаб завқланар эди. (С. Ш.) Қоратир булутлар трубадан бурқсиб чиққан тутундай* ***паға-паға бўлиб, тез сузиб*** *кетди. (Ҳ. Н.) Дадаси ҳар вақт гўза тўғрисида гапирса, гўзани худди* ***чақалоққа ўхшатиб, эркалаб, куйиниб*** *гапиради. (Ҳ. Н.)*

Уюшиқ бўлаклар баъзан турли сўз туркумидан ташкил топади: *Тарих музейида бизга* ***қизиқ, сермазмун*** *ва* ***ҳамиша эсда қоладиган*** *воқеалар ҳақида гапириб беришди.*

Эслатма. Уюшиқ аниқловчиларни белгилашда бош ёки эргаш сўзларнинг туб ёки қўшма сўз эканлигига эътибор бериш керак. Масалан: 1. *Ҳовлимизга* ***сариқ, қизил, оқ*** *лолалар экдик.* 2. ***Булбулларнинг*** *ва* ***саъваларнинг*** *сайраши бизга завқ беради.* Ажратиб кўрсатилган аниқловчилар уюшиб келган, чунки улар санаш оҳанги ва тенг боғловчилар ёрдамида боғланган. ***Бедананинг ёқимли*** *овозини эшитдим* гапидаги аниқловчилар уюшмаган: улар икки хил сўроққа жавоб бўлади. ***Онажонимга қўл соат*** *совға қилдик* гапидаги тўлдирувчилар ҳам уюшмаган: улар санаш оҳанги билан айтилмайди. Уларнинг орасига тенгбоғловчи қўйиб бўлмайди, чунки эргаш сўз (*онажонимга*) қўшма сўз билан ифодаланган бош сўзга (*қўл соат*) тобе.

**78-машқ.** Бадиий асардан уюшиқ бўлакларнинг барча турига биттадан мисол топиб ёзинг.

**79-машқ.** Уюшиқ бўлакларнинг тагига чизинг. Қандай сўроққа жавоб бўлишини, гапнинг қайси бўлаги уюшиб келганини айтинг.

1. Қосбил бобо қўл қовуштириб унинг кетидан юрар ва йиғлар эди. *(А. Қ.)* 2. Ҳалим ёсбо тушликка чиқ қач, шийпонга келди-ю, зўр ҳафсала билан пиёз, помидор тўғради, унинг устига майда туз ва қалампир сепди-да, пичоқ билан аралаштирди. *(Ш. Р.)* 3. Ҳурматли, қадрдон ўқитувчимга, Тонгларни қаршилаб оташин салом. Устоз ва меҳрибон ўқитувчимга, Бутун халқ олқишлаб оташин салом. *(Ғ. Ғ.)* 4. Тепадан унга таниш кўчалар, уйлар, далалар бир-бир кўриниб ўтарди. *(П. Қ.)* 5. Анҳор бўйидаги ҳовлиларнинг очиқ эшикларидан озода супалар, садарайҳон, намозшомгуллар кўринади. *(С. Аҳм.)* 5. Ҳамма иссиқдан бўшашиб, жим, ялқовгина ишлайди. *(О.)* 7. Катта анҳор лабига ўтирамиз-да, нонни бурдалаймиз ва сувга ташлаймиз. *(О.)*

**80-машқ.** Ажратиб кўрсатилган бўлаклар ёнига сўзлар келтириб, уюшиқ бўлак ҳосил қилинг. Улар ҳар хил сўз туркумлари билан ифодалансин. Қайси гап бўлаги уюшганлигини қавс ичига ёзиб кўрсатинг.

Намуна. *Тўлқинжон шеърни* ***завқланиб*** *ўқийди. — Тўлқинжон шеърни* ***завқланиб, ҳаяжон билан*** *ўқийди* (равиш ҳоллари уюшган).

Бектемир кўзларини очганда, ёмғир **шиддат билан** ёғмоқда эди. Ўрмон **ваҳимали** гувиллайди. Бектемир ҳаяжондан, аламдан аллақандай **ўзгарган** товуш билан сўради... Туман дарахт бошларини тутундай чулғади. Узоқдан отилган ўқ овозини **бутун диққати билан** тинглади. Кўкда оқ булут карвонлари **ялқов** сузса-да, қуёш ҳашамат билан чақнаб кўтарилди. *(О.)*

**81-машқ.** Текстларни кўчиринг. Уюшиқ бўлакларнинг тагига чизинг, қайси бўлаклар уюшганини ва улар қандай воситалар ёрдамида боғланганини белгиланг.

Вожатий болаларга жавоб бериб, ўрнидан турди. Вожатийни мактабда ҳам, колхозда ҳам барча ҳурмат қилади. Чунки унинг бўш вақтлари, асосан, колхозчилар орасида ўтади: ҳали колхоз деворий газетасини чиқаради, ҳали чўпон ва ғаллакорлар ёнига бориб суҳбатлар ўтказади. Хуллас, у жуда актив. *(Ё. Ш.)*

Кир, юпун одамлар ҳансираб, каловланиб, букилиб боришарди. Очлик ва ҳорғинлик ҳаммани гаранг этган. Бектемир энди ўзига куч кирганини сезди — кўнгли тинч ва ишонч билан тўла эди. *(О.)*

**82-машқ.** «Катта танаффусда», «Химия дарсида», «Уйга қайтаётганимда» темаларининг бирига оид боғланишли текст тузинг. Унда тенг боғловчилар ёки боғловчиларсиз санаш интонацияси ёрдамида боғланган уюшиқ бўлаклар иштирок этсин.

**83-машқ.** Гаплардаги уюшган аниқловчиларни аниқланг. Аввал уюшган сифатловчи аниқловчиларни, сўнг уюшган қаратқичли аниқловчиларни кўчириб ёзинг.

1. Мен сизга Ўзбекистоннинг узоқ қишлоқларидан бирида ўсган, беғубор яйлов ҳавосида чиниққан, бир неча бор йиртқич ҳайвонлар ҳужумига йўлиққан, қўрқмас ва камтар, камгап ва қайсар бир бола ҳақида ҳикоя қилмоқчиман. *(Ё. Ш.)* 2. Ёқимли, оромбахш шамол эсади. *(О.)* 3. Серчанг, сершовқин кўчаларда одамлар дарёдай оқиб борар эди. *(П. Қ.)* 4. Тоғ этакларидан нафис гулларнинг, хушбўй гиёҳларнинг ҳидлари анқийди. *(О.)* 5. Унга Волков машиналарнинг ва турбиналарнинг вагонга юкланган ҳақида хабар қилган эди. *(С. Аҳм.)* 6. Кўп ўтмасдан сергўшт, жуда мазали шавла тортилди. *(О.)* 7. Шу пайт ёнимиздан икки мулойим, нуроний чол ўтиб қолди. *(О.)*

**84-машқ.** «Зоология дарслиги» китобингизнинг 15, 27-бетларини ўқиб, уюшган бўлакларни кўчириб ёзинг; уларнинг қандай сўроқларга жавоб бўлиши, қандай тиниш белгилари билан ажратилганини аниқланг.

**85-машқ.** Уюшган иккинчи даражали бўлакларни топиб, гапларни кўчиринг. Уларнинг қандай сўроқларга жавоб бўлишини айтинг.

1. Дам туяларга, дам дарахт бошидаги қушларга қараб бораман. *(О.)* 2. Бирпасда перрон шовқин-суронга: кулги, йиғи-сиғига тўлди. *(С. Аҳм.)* 3. Зумрад ҳар бир нотиқнинг сўзини қунт билан, ихлос билан эшитган эди. *(О.)* 4. Шундай пайтларда Найман иморатлари



гоҳ қизил, гоҳ сариқ, гоҳ бинафша тусга киради. *(С Аҳм.)* 5. Мен дам бобомга, дам унинг ўртоғига тикиламан. *(О.)* 6. Эритади домна печлар пўлат, чўян, темирни. *(П. М.)* 7. Ғаллакорнинг ҳосил байрами Бошлангандир қирда, адирда. *(П. М.)*

**43-§. Уюшиқ бўлаклар орасида тенг боғловчиларнинг ишлатилиши.** Уюшиқ бўлаклар орасида қўлланувчи тенг боғловчилар тўрт группага бўлинади: 1) бириктирув боғловчилари; 2) айирув боғловчилари; 3) зидлов боғловчилари; 4) инкор боғловчилари.

1. **Бириктирув боғловчилари:** *ва, ҳам (ҳамда): Чолнинг кичкинагина уйига Ботирали, Сергей* ***ва*** *Сотиболдилар йиғилишди. (Ҳ. Ғ.) Деҳқон боласи ҳар бир туп ғўзани, ҳар бир дона гулни* ***ва*** *кўсакни етиштириш қанчалик қийин эканлигини яхши билади. (Ё. Ш.) Қўчқор биттадан эгатга тушишни* ***ҳамда*** *диққат билан текширишни буюрди. (Ё. Ш.)*

Кўпинча *ҳам* боғловчиси уюшиқ бўлаклардан олдин ёки кейин такрорланиб келади: ***уй ҳам, ҳовли ҳам, томорқа ҳам*** *жуда озода эди. (П. Қ.) Биз ҳам қўрқамиз, ҳам томоша қилгимиз келади. (О.)*

*Билан* кўмакчиси ҳам *ва* боғловчиси вазифасини бажариб, уюшиқ бўлакларни бириктириб келади: *Отам* ***билан*** *онам ҳар доим бизга фойдали насиҳатлар беришади. — Отам* ***ва*** *онам ҳар доим бизга фойдали насиҳатлар беришади. Ҳовлига Ражаб бобо* ***билан*** *Ҳакимжон кирди. (С. Аҳм.) — Ҳовлига Ражаб бобо* ***ва*** *Ҳакимжон кирди.*

*Билан* кўмакчиси тенг бўлмаган бўлаклар орасида келганда боғловчи вазифасини бажармайди, яъни *ва* боғловчиси ўрнида қўлланмайди: *Биз қаҳрамонлар билан учрашдик. Улар ўз таассуротларини завқ билан сўзлаб беришди.*

***-у (-ю), -да*** юкламалари ҳам *ва* боғловчиси вазифасида уюшиқ бўлакларни бириктириб кела олади: *Боғимизда олмаю ўрик — ҳамма мева дарахти ўсади. — Боғимизда олма* ***ва*** *ўрик — ҳамма мева дарахти ўсади. У келди-да, кетди. — У келди* ***ва*** *кетди.*

2. **Айирув боғловчилари:** *гоҳ..., гоҳ...; дам..., дам...; баъзан..., баъзан...; ё..., ё.... Самосваллар* ***гоҳ шағал, гоҳ тупроқ, гоҳ қум*** *олиб ўтар эди. (П. Қ.) Тепаликлар бўйлаб* ***дам баландга, дам пастга*** *тушиб борамиз. (О.)* ***Баъзан ойим, баъзан бувим*** *билан аравага тушиб Қатортолга борардик. (О.) Ҳовлида* ***ё аёллар, ё болалар*** *бўлиши керак эди. (О.)*

Айирув боғловчилари вазифасида *бир..., бир...* сўзи ҳам ишлатилади: *Меҳмон* ***бир менга, бир ўртоғимга*** *қараб ҳикоя қиларди. Ҳулкар эшик олдида* ***бир отасига, бир Авазга, бир онасига*** *қараб қўярди. (П. Қ.)*

3. **Зидлов боғловчилари:** *лекин, бироқ, аммо: Бола* ***пишиққина, шўх, аммо баджаҳл эди.*** *(О.) Бургут* ***ялқовгина, лекин виқор билан*** *қанотларини кенг ёйиб учиб кетди. (О.) Оломон бир оз* ***чекинди, бироқ тағин қайтиб олға сурилди.*** *(О.)*

**4. Инкор боғловчиси на..., на...** инкор гаплар таркибидаги уюшиқ бўлакларни боғлайди: *Уни* ***на Қодир, на Жаннат*** *рад этаолди. (Ш.) Олимовнинг қўлидаги юклари оғирроқ ва нозикроқ эди, буларни* ***на „Оқтой“ га*** *ортиб бўлар,* ***на болаларга*** *ишониб бериб бўларди. (Ҳ. Н.)* ***На*** *вақтида* ***ухлайди, на татир*** *ўйинкулги. (П. М.)*

**86-машқ.** Текстни кўчиринг: уюшиқ бўлаклар орасига тегишли боғловчилар қўйинг. Қайси бўлаклар уюшганини қавс ичига ёзиб кўрсатинг.

Кўчалар, томорқаларда одамлар кўринмай қолди. Бузоқ, эчки, қўзи боқиб, тўп тепишиб, варрак учириб, чиллак ўйнаб юрган болалар уйларига тўзғиб кетишди. Дон териб, ариқ бўйларида чувалчанг чўқилаб юрган товуқлар қақолашиб деворлар тагига, йўлакларга ўзларини уришди. Тинимсиз чирқиллашиб учган чуғурчиқлар қалин дарахт шохлари ва бўғотларга қўйган уяларидаги болаларининг тепасида чириллаб қолишди... Ака ва сингил кўчадаги ҳаракатни гоҳ эшикка чиқиб, гоҳ уй деразасидан кузатишди... *(Ҳ. Н.)*

**87-машқ.** Уюшиқ бўлаклар орасига тенг боғловчилар қўйиб ўқинг. Уюшиқ бўлакларнинг турини аниқланг.

1. Шийпон олдидаги майдончага тракторчилар, сабзавотчилар, активлар тўпланди. 2. Осмонда, дарахтларда, томларда, бўғотларда чумчуқлар чирқиллашади. *(М. Исм.)* 3. У йирик, зийрак, содда кўзлари билан узоқларга тикилди. *(О.)* 4. Чанг йўлларни, кўчаларни, ҳовли-жойларни, осмонни қоплаб кетди. *(С. Аҳм.)* 5. Шу масалада сизни Москвага, Ленинградга командировкага юбордик. *(П. Қ.)*

**88-машқ.** Парчадаги уюшиқ бўлакларни, уларни бириктирувчи боғловчиларни аниқланг. Айрим гаплардаги тенг боғловчилар ўрнида *билан* кўмакчиси ва айрим юкламаларни қўллаб кўринг.

1. Атир гуллар, карнай гуллар ва гулбеорлар кузнинг биринчи изғиринларини писанд қилмайди. *(О.)* 2. Майдон ўзининг кўркамлиги ва улуғворлиги билан бутун шаҳарга ҳусн киритган эди. *(П. Қ.)* 3. Саёҳатга ва экскурсияларга чиқишнинг гашти бор. *(Ё. Ш.)* 4. Шундан сўнг анча ергача Аҳмад ҳам, Шерали ҳам гапирмади. *(Ё. Ш.)* 5. Унинг сўзлари содда, самимий, лекин аниқ ва равшан эди. *(О.)* 6. Бектемир дам тўхтаб, дам хаёл суриб турган генералга дуч келди. *(О.)* 7. Чол новча бўйли, қотма ва озғин киши эди. *(Б. Полевой.)* 8. Қасбил бобо қўл қовуштириб унинг кетидан юрар ва йиғлар эди. *(А. К.)* 9. Бўрон гоҳ нор туядай ўкирар, гоҳ оч бўридай увиларди. *(Ҳ. Н.)*

**89-машқ.** Тасдиқ гапларни инкор гапга айлантиринг. Уюшиқ бўлакларни инкор боғловчиси билан боғлаган ҳолда сўроқларини айтинг.

1. Холида гоҳ шеър ўқийди, гоҳ расм чизади. 2. У шаҳарга келиб катта кўчаларни, фонтанни, янги биноларни томоша қилди. *(Ё. Ш.)* 3. Шерали билан Аҳмад сбор ўтадиган жойга келишди. *(Ё. Ш.)* 4. Ариқлардаги сувнинг шовиллашини, қушларнинг чирқиллашини, одамларнинг қий-чувини эшитдик. *(Ҳ. Н.)*



**90-машқ.** Гапларни ўқинг. Уюшиқ бўлакларнинг қандай боғловчилар билан боғланганини, қайси бўлаклар уюшиб келганини ва уларнинг ўзаро боғланишини айтинг. Жуфтланган ҳолда қўлланган уюшиқ бўлакли гапларни кўчиринг.

1. Болалар сой бўйидаги тошлар ва турли гиёҳларни, довуччалар ва узумларни, сувга шокила-шокила бўлиб эгилган мажнунтолларни ҳавас билан кўришди, улардан намуналар олишди. 2. Ҳамида бирпасда хонтахтани безаб ташлади: амманинг боғидан келтирилган олмаю ўрик, чиллакию шафтоли, бозордан харид қилинган пашмагу новвот, кулчаю патир... *(С. Ан.)* 3. Бу сершовқин, серғалва дарада ўқитувчи билан ҳам, вожатий билан ҳам бемалол гаплашиб бўлмасди. *(Ҳ. Н.)* 4. Бу ернинг тошлари майда, қум аралаш бўлиб, сариқ, бинафша ранг, қизғиш гуллар ва гиёҳларга бой. *(Ҳ. Н.)* 5. Оқ, сариқ, қизил гуллар, ранг-баранг чирмовиқлар, тиканли гулларнинг ҳаммаси шудринг билан топ-тоза ювилган. *(О. Ё.)* 6. Ҳамма қичқирар, чувиллар, чинқирар эди. *(М. Исм.)*

**44-§. Уюшиқ бўлаклар** орасида қуйидаги ҳолатларда вергул ишлатилади:

1. Уюшиқ бўлаклар зидловчи боғловчилар билан бирикканда, шу боғловчилардан олдин вергул қўйилади: *Ҳақиқат* ***букилар, лекин синмас.*** *(Мақол.)*

2. Такрорланиб ишлатиладиган боғловчилар билан бириккан уюшиқ бўлаклар орасига вергул қўйилади: *Бектемир* ***дам тўхтаб, дам хаёл суриб турган*** *генералга дуч келди. (О.)*

3. Бириктирувчи боғловчилар билан боғланган уюшиқ бўлаклар орасига вергул қўйилмайди. Бириктирувчи боғловчилар билан боғланган уюшиқ бўлаклар жуфтланиб қўлланганда эса ҳар бир жуфт орасига вергул қўйилади: ***Раъно билан Салима, Қодир билан Собир*** *бир-бирига доим кўмаклашишади.*

4. Тенг боғловчиларсиз санаш оҳанги билан бириккан уюшиқ бўлаклар орасига вергул қўйилади: *Пахта* ***экилди, чопилди, суғорилди.***

Ўз ичида вергул билан ажратилган бўлаклар уюшиб келса, улар орасига нуқтали вергул қўйилади: *Аҳмаднинг отаси чопонини устундаги михга илиб; совун, паста ва тиш чўткаларини олиб; юмшоқ сочиқни елкасига ташлаб, ювингани чиқиб кетди. (Ё. Ш.)*

**91-машқ.** Гапларни уюшиқ бўлакларнинг оҳангига эътибор бериб ўқинг, сўнгра тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Вергулнинг қўлланишини изоҳланг.

1. Унинг ниятини дўстлигини қушлар тушундилар. *(Ш. Р.)* 2. Жаннатхон музикани ашулани жуда севар эди. *(П. Қ.)* 3. Бамбур ширин орзулар билан гуллар боғига келди-ю, боғни ҳам гулларни ҳам Наргизни ҳам тополмади. *(Ш. Р.)* 4. Қуёш ёруғида кўк сариқ қизғиш қум заррачалари ялтирарди. *(Ё. Ш.)* 5. Ҳулкар кулиб қувнаб ўйинга тушди. *(П. Қ.)* 6. Бино олдида аёллар болалар қариялар тўпланишган. *(Ойдин.)* 7. Янко денгиздан ҳам шамолдан ҳам тумандан ҳам қирғиз соқчиларидан ҳам қўрқмайди. *(Ю. Лермонтов.)* 8. Бизга содда камтар хушмуомала қизлар кўпроқ ёқади. *(О. Ё.)*

**92-машқ.** Нуқталар ўрнига вергул ва тенг боғловчилардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Уюшиқ бўлакларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини аниқланг.

1. У ҳаяжон билан тез-тез ... бўғилиб сўзлар эди. (*А. Қ.*) 2. Аваз ботқоқ ... қоронғи йўлдан текис ... ёруғ майдонга чиқди. (*П. Қ.*) 3. Саида ... афсусланиб ... куйиб ... кулиб гапириб берди. (*А. Қ.*) 4. Колхоз боғида олма ... ўрик ... нок ... узум бор. (*О.*) 5. Уфққа туташиб кетган полизлар ... токзорлар ... қизғиш ... каҳрабо рангда товланади. (*П. Қ.*) 6. Подшо ... кулиб ... жиддий ўй билан қулоқ солди. (*О.*) 7. Қорабулоқ жуда чиройли ... жуда сўлим жой. (*М. Исм.*)

**93-машқ.** Уюшиқ бўлаклар орасига тенг боғловчилардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Қайси бўлаклар уюшиб келганини аниқланг.

1. Қизлар ўқиди ... ўсиб улғайди. (*Ё. Ш.*) 2. Лоланинг кўзига ёш келди ... йиғламади. (*Ё. Ш.*) 3. Қудратни ... Замонни ... Давронни шаҳарга жўнатишди. (*М. Исм.*) 4. Унинг шўх ... маъюс кўзларига тикилдим. (*Ғ. Ғ.*) 5. Унинг гапларида ... товушида ... ожизлик сезилиб турар эди. (*Ас. М.*) 6. Боғ устида оқ ... кўк каптар ўйнарди. Боғнинг кўм-кўк беда ... помидор ... резаворлар ўсган ерида эса оқ итни югуртирмоқда. (*Ҳ. Н.*)

**94-машқ.** Нуқталар ўрнига қавс ичидаги сўзлардан мосини қўйиб, уюшиқ бўлакли гап тузинг. Бириктирувчи воситаларини аниқланг.

1. Саёҳат ва ... чиққанда янги жойларни, ... кўрасан. Янги гап, янги ... ўрганасан (экскурсия, одамлар, ишлар). 2. Тоғ Шералининг орқасидан эргашиб келди. Шодмон ака гоҳ тойга, гоҳ ... кўз ташлаб завқланар, ... (Шерали, қувонар эди). 3. Колхозчилар ёзда ўз болаларини Москвага, ..., ... юборишади (Ленинград, Қрим). 4. Одобли, ... болага кўчада ҳам, ... ҳам, ... ҳам ҳавас билан қарашади (озода, мактабда, уйда). 5. Ватанимиз нақадар гўзал, ..., ... (бой, хушманзара).

**45-§.** Уюшиқ бўлакларда умумлаштирувчи сўзнинг ишлатилиши. Уюшиқ бўлаклар умумлаштирувчи сўзлар билан ҳам қўлланади. Бу сўзлар уюшиқ бўлаклардан олдин ёки кейин келади: *Жаладан сўнг даладаги нарсаларнинг* ***ҳаммаси:*** *полизлардаги экинлар, дарахт ниҳоллари, ҳатто омонат чайла ҳам ер бағирлаган эди. (Ҳ. Н.) Иссиқ билан совуқ, қор билан ёмғир, сув билан ҳаво, ўсимликлар билан ҳайвонлар —* ***буларнинг бари*** *табиатнинг кучлари ҳисобланади. (Ҳ. Н.) Тегирмончининг хотини бизга сут, тухум, картошка, нон —* ***егулик*** *келтирди. (И. С. Тургенев.) Бу ерда* ***ҳар хил гуллар:*** *намозшомгул, гулсапсар, қамчингул; қизил, сариқ, оқ атиргуллар, гулбеор, самбитгул барқ уриб ўсади. (Ж. Шарипов.)*

Умумлаштирувчи сўзлар гапда уюшиқ бўлаклар билан бир хил вазифани бажаради ва бир хил сўроққа жавоб бўлади.

Белгилаш, бўлишсизлик олмошлари ва жамликни билдирадиган отлар умумлаштирувчи сўз бўлиб келади. Умумлаштирувчи сўзли



уюшиқ бўлакларда тиниш белгилар қуйидагича ишлатилади: умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан олдин келганда, умумлаштирувчи сўздан кейин икки нуқта қўйилади: *Қудратнинг олдидан* ***икки ўртоғи:*** *Коля ва Рустам чиқиб қолишди. (Ҳ. Н.)*

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан кейин келганда, умумлаштирувчи сўздан олдин тире қўйилади: *Темир, мис, сув, кислород—* ***буларнинг ҳаммаси*** *хилма-хил моддалардир. Ёш-қари, эркак-аёл —* ***ҳамма*** *меҳмонларни кутиб олишга пешвоз чиқибди. (О).*

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан олдин келиб, уюшиқ бўлаклардан сўнг гап давом этса, умумлаштирувчи сўздан кейин икки нуқта, уюшиқ бўлаклардан кейин тире қўйилади: *Уйдаги* ***мебеллар:*** *диван, шкаф, кресло, стол ва стуллар — жуда зич қўйилган эди.* ***Ҳеч нарса:*** *на музика, на ашула, на турли ўйинлар — овута олмас эди.*

**95-машқ.** Умумлаштирувчи сўзларни аниқлаб, тиниш белгиларининг ишлатилишини тушунтиринг.

1. Кўриб чиқди уни барча: Одил, Тошхон, Ҳалима. (*П. М.*) 2. Атрофимиздаги жисмлар: бинолар, машиналар, асбоблар, турли уй-рўзғор буюмлари қаттиқ моддалардан ясалгандир. («*Физика*» *дарслиги.*) 3. Қўрбошилар, бойлар, савдогарлар — бари халқни талади, қишлоқларни хонавайрон қилди. 4. Гулзорнинг нариги томонида даройи, ҳусайни, якдона, чарос, кишмиш — турли узум ишкомлари бор эди. (*Ж. Шарипов.*) 5. Анҳор бўйидаги ҳовлиларнинг очиқ эшикларидан ҳамма нарса: озода супалар, садарайҳон, намозшомгуллар кўриниб турарди. 6. Қора совуққа, изғиринга — ҳеч нарсага қарамай кўчада ўтириб узун-узун чўпчакларни тинглаймиз. (*О.*) 7. Хонада стол, каравот, китоб терилган шкаф — керакли нарсалар бор эди. 8. Қишлоқ кексалари: Ғани ота, Умрзоқ ота, Мавлон ака, Жўрабой ака — азонгача ухламай, бекнинг кирдикорлари ҳақида сўзлашдилар. (*Ҳ. Ғ.*) Тўрт отлиқ елиб ўтди. Улардан учтасини: Ўтапни, Орловни, Раззоқни таниди. (*Ғ. Ғ.*)

**96-машқ.** Уюшиқ бўлакларга умумлаштирувчи сўзлар қўшиб, зарур тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Гапнинг қайси бўлаклари уюшганини қавс ичига ёзиб кўрсатинг.

1. Дадаси ҳар куни ишга кетишда ҳам ишдан қайтишда ҳам уни қўлига олар суяр ва гапларига қилиқларига завқ билан кулар эди. (*А. Қ.*) 2. Карнай сурнай ноғора овозлари ҳавони янгратади. (*О.*) 3. Сочларига оқ майин толалар илашган; кўзлари бахтдан қувончдан ёнган қизлар ҳосилдор кўркам далага ёйилган эдилар. (*О.*) 4. Киши ер-суви уй-жойи ва мол-мулки билан эмас, балки фазилатига эл-юрт ўртасидаги обрўсига қараб баҳоланади. (*Ж. Зайдон.*) 5. Яшил далаларда мевазор боғларда саратон жазирамаси ҳукмрон. (*С. Аҳм.*) 6. Аҳмад лўппи гўл аммо тўғри сўз дангалчи бола. (*Ҳ. Н.*) 7. Тонг ели соф ҳаво билан бирга эшик олдидаги ёш терак тол япроқларининг шилдираган ва «Шўхсой»нинг шовиллаган овозини келтирмоқда. (*Ҳ. Н.*) 8. Найим чалиб ўтаман Кўп жилға қирдан. Отим шер-

дир қўрқмайман Шақал қашқирдан. (*Ё. Ш.*) 9. Қуш гоҳ кўтарилиб гоҳ пастлаб бир жойда учиб турди. (*Ё. Ш.*)

97- машқ. Текстдаги уюшиқ бўлакларни, улар қандай бўлак вазифасида келганини ва қандай ёрдамчилар билан боғланганини аниқланг. Жуфт ҳолда қўлланган уюшиқ бўлакларнинг тагига чизинг.

Анҳор тўлиб-тошиб оқмоқда, тўғонни қўпориб ташлагудай шиддат билан қирғоққа урилиб пастга отилмоқда ... одамлар ўпирилган қирғоққа шох боғлаб, тош ва чим келтириб босишмоқда. Болта, арра ва лом кўтариб моҳир дурадгор Ефим тоға, уста Шоқосимлар ҳам келишган эди. Улар тўғонларнинг тахта ва қозиқларини йўниб михлаб, сим ўраб маҳкамлашар экан, уларга бетиним Бобоқул ота ва Полвон оталар кўмаклашмоқдалар. Сувнинг шилдираши, одамларнинг ҳай-ҳанноси; кетмон, теша, белкурак ва замбилғалтакларнинг тарақ-туруғи аралаш-қуралаш бўлиб кетди ... (*Ҳ. Н.*)

## ГАПНИНГ АЖРАТИЛГАН ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

**46-§.** Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари маъно ва интонация жиҳатидан ажратиб айтилади. Қиёсланг: *Бугун комсомолларнинг йиғилиши бўлади. Бугун, **17 февраль куни**, комсомолларнинг йиғилиши бўлади.* Биринчи гапда *бугун* сўзи пайт ҳоли вазифасини бажарган, иккинчи гапда эса пайт ҳоли (*бугун*)нинг маъносини янада ойдинлаштириш мақсадида *17 февраль куни* сўзлари келтирилган. Бу сўзлар интонацияси жиҳатидан ҳам гапдаги бошқа бўлаклардан ажралиб туради. *Бугун* сўзидан сўнг қисқа пауза (тўхташ) бўлиб, кейинги бўлаклар юқори интонация билан айтилади.

Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар гапда баён қилинаётган фикрга ёки бирор иккинчи даражали бўлакнинг маъносига изоҳ бериш, тўлдириш учун ишлатилади. Демак, *17 февраль куни* сўзлари ажратилган иккинчи даражали бўлак (ажратилган пайт ҳоли) саналади:

*Аҳмад—сувоқчи. Аҳмад, сувоқчи, шига кетяпти.* Биринчи гапдаги *сувоқчи* сўзи от кесим бўлиб, кесимга хос интонация билан айтиляпти. Кейинги гапда эса *сувоқчи* сўзи ажратилган аниқловчи бўлиб, ўзига хос ажратилган интонация билан айтилади.

Ажратилган бўлаклар, гапдаги қайси бўлакка оид эканлигига қараб, қуйидаги турларга бўлинади: ажратилган аниқловчилар, ажратилган изоҳловчилар, ажратилган тўлдирувчилар, ажратилган ҳоллар.

**47-§. Ажратилган аниқловчилар** предметнинг белгисини, кимга, нимага қарашлилигини янада бўрттириб, таъкидлаб, айириб кўрсатиш учун қўлланади: *Онаси ҳам боласининг, **бахти қора жигаргўшасининг**, кўзларида шу зору муштоқлик оловини кўрди. (М. Исм.) Ана, у кичкина, **қора мунчоқдай**, кўзларини очди. (Ғ. Ғ.)*

Биринчи мисолда бирикмали қаратқич (*бахти қора жигаргўшасининг*) ўзидан олдинги қаратқич (*боласининг*)ни изоҳлаб, ажратилган қаратқичли аниқловчи бўлиб келган. Иккинчи мисолда бирикмали сифатловчи (*қора мунчоқдай*) *кичкина* сифатловчисининг маъносини изоҳлаб, ажратилган сифатловчи аниқловчи бўлиб келган.



98- машқ. Текстдан ажратилган сифатловчи аниқловчили гапларни кўчириб ёзинг.

Отаси боласининг кичкина, қора мунчоқдай, кўзларига тикилди. 2. Унинг яхши-яхши гаплари, ширинсуханлиги, ҳаммани ҳайратда қолдирди. 3. Улар, стахановчи теримчилар, кўп минг килограммчилар эдилар. 4. Бундай кишиларга, илғорларга, шон-шарафлар бўлсин дейди халқимиз. 5. Ҳалиманинг меҳнати, яхши ишлагани, артелда жуда қадрланарди. 6. У ўз ишидан, тарбиячилик ишидан, жуда мамнун. 7. Ана, у катта-катта, кўм-кўк осмондай кўзлари билан боқди.

99- машқ. Текстдан ажратилган қаратқичли аниқловчили гапларни топиб кўчиринг. Уларнинг қандай ифодаланганини тушунтиринг.

1. Ҳаммангиз бир онанинг, яъни ҳақиқатнинг, болаларисиз. (*М. Г.*) 2. Унинг, Анварнинг, укаси етти ёшга тўлди. 3. Менинг, колхоз болалари тарбиячисининг, иши шундай. 4. Ўша отга мана бу боланинг, Қудайбердининг, ишқи тушиб қолган экан. 5. Ҳақиқатхоннинг, шу колхоз раисининг, қишлоғимизга келганига беш йил бўлди. 6. Ўқитувчининг, Тожихон Мақсудованинг, лекцияси жуда мароқли ўтди. 7. Юбилей, ЎзССРнинг 50 йиллик тўйи, қатнашчиларидан бир группаси колхозимизга келди. 8. Акасининг, Раҳимнинг, ишидан укаси хурсанд.

**48-§. Ажратилган изоҳловчилар** кўпинча изоҳланмишдан кейин келади ва ажратилган бўлакларга хос интонация билан айтилади.

Ажратилган изоҳловчилар кўпинча эгага тааллуқли бўлади: *Биз, **қалби Октябрь қуёшидан нурланган ўзбек хотин-қизлари**, бахтимиз учун кураш йўлида ҳеч нарсадан қўрқмадик. (Ас. М.) Бир вақтлар сиз ҳам, **Темир Акбарович**, хато қилишдан қўрқмаслик керак, деб дадил гапирар эдингиз. (П. Қ.)*

Ажратилган изоҳловчи билан изоҳланмиш орасида кўпинча *яъни, масалан, айниқса, шу жумладан* каби сўзлар қўлланади: *Биз, **яъни учинчи курс студентлари**, якшанбаликда намуна кўрсатиб ишладик.*

100- машқ. Ажратилган изоҳловчили гапларни топиб кўчиринг. Уларнинг бош сўз билан қандай муносабатга киришганини тушунтиринг.

1. Унинг ўғли, сержант Солихов, врач бўлган эди. 2. Биз—ёши улуғлар—йиғилишиб, шу тўғрида маслаҳат қилишдик. (*М. Г.*) 3. Ҳунарли опамиз, попопчи Лайлихон ая, мактабимизга келдилар. 4. Ўқувчи болаларга, йигит ва қизларга, атаб ёзилган қўшиқлар кўп. 5. Бувам, яъни отамнинг отаси, ҳозир раиснинг ўрнида. (*Б. Полевой.*) 6. У, драматург Комил Яшин, бир неча драма ва опералар либреттосининг автори.

**101-машқ.** Ажратилган изоҳловчили гапларни топиб кўчиринг. Улар қайси бўлакни изоҳлаётганини айтиб беринг.

1. Суд столида уч ариза бор. Бу уч ариза бир воқеа устида уч хил тил билан гапиради. 2. Колхоз партия ташкилотининг секретари бўладиган одамнинг, ёш бир қизнинг, олдида бу гапларнинг пучаги ҳам айрим маъно касб этар эди. (*А. Қ.*) 3. Бири акс этади гулларда, Бири олим — ёқимли, хушфеъл. (*А. П.*) 4. Сийрак уйли иккинчи бир қишлоқда бир неча одамлар, аёл ва эркаклар, қораси кўринди. 5. Ўзбекистоннинг, бизнинг юртимизнинг, доврўғи тилларда достон. 6. Биз, етти қиз, «Бадиий ҳаваскорлар» тўгарагига қатнашамиз. 7. Унинг, Мутал Қодировнинг, ёшлиги Марғилонда ўтган. 8. Бизнинг, шофёр хотин-қизларнинг, ақл-идрокимиз ва виждонимиз бор.

**49-§. Ажратилган тўлдирувчилар** кўпинча ўзидан олдин келган тўлдирувчининг маъносини изоҳлайди, унга аниқлик киритади. Тўлдирувчининг воситали ва воситасиз тури ҳам ажратилган ҳолда қўлланади: *Отаси Бадиуззамон Балхга кетаркан, ўз ўрнини, **Астробод ҳокимлигини,** вақтинча унга топширган эди. (О.) Бектемирга, **собиқ содда чўпонга,** командирнинг фикри ғоят ёқди. (О.) . . . Сиз энди ерга хўжайин бўласиз, колхозга, **катта хўжаликка**, хўжайин бўласиз. (А. Қ.)*

Ажратилган тўлдирувчилар келишикли ва кўмакчили ҳолда келади: *Сизга, **ўрта бўйли қизга,** атлас кўйлак жуда ярашибди. Қатор уч уйнинг ҳаммаси қимматбаҳо нарсалар билан, яъни **қўш-қўш гилам, тахмон-тахмон атлас, бахмал кўрпалар** билан, **асил мебеллар билан** тўлган. (Ё. Ш.)*

**102-машқ.** Текстдан ажратилган тўлдирувчиларни кўчиринг. Уларнинг тўлдирувчининг қайси тури орқали ифодаланганини тушунтиринг.

Ўша куни, пайшанба куни, кечқурун Юнус отанинг эшигини биров тақиллатди. Эшикни, занжирни, чиқиб очган Зайнаб эди. У ўзининг поччасини кўрди: — Эрта бизникига бор, опанг айтиб юборди, — у жавобни кутмасданоқ орқасига қайтди. Эрта билан туриб, Зайнаб опасининг уйига борди. — Айтиб юборган экансиз. — Зайнаб опасининг юзига қаради . . . Опаси шубҳали қилиб сўради. — Омон деганни танийсанми? — Танийман, — Зайнаб тортинмасдан жавоб берди . . Комсомол комитетининг секретари уларни, Зайнаб билан Омонни, рўйхатдан ўтказиб келган.

Зайнаб ва Омон колхозда ишлаб кетдилар. Колхознинг тузилганига анча йил ўтиб қолди. «Колхознинг умри беш кун» деган иғволар пучга чиқди. (*Ҳ. О.*)

**103-машқ.** Ажратилган тўлдирувчили гапларни аниқлаб кўчиринг. Тўлдирувчилар кесимга қандай боғланганини тушунтиринг.

1. Шундай бўлса ҳам азиз рус меҳмонни, ботир йигитни, уйнинг тўрига ўтказсам деган эдим . . . 2. Қишлоғимизда машҳур теримчи аёлни, Ҳурматойни, ҳамма олқишлайди. 3. Шарқнинг машъали — азим водийдан, Сенга, рус халқига, ташаккур беҳад. (*Ғ. Ғ.*) 4. Колхозимизга партия ташкилоти томонидан энг ёш механизаторларни, ўн саккиз ёшлиларни, юборган эди. 5. Уларни, механизаторларни, колхоз меҳнат аҳли яхши кутиб олди. 6. Ҳунарини, механизаторлигини, севган ёшларимиз пахтазорларда жавлон уриб меҳнат қилдилар. 7. Улар, ёш механизаторлар, таниқли кишилар бўлиб етишдилар.

**104-машқ.** Ажратилган воситали тўлдирувчиларга учта, ажратилган воситасиз тўлдирувчиларга иккита мисол топинг. Уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

**50-§. Ажратилган ҳоллар** ўзидан олдин келган ҳолнинг маъносига бирмунча аниқлик киритади.

Кўпинча ўрин, пайт ҳоллари ажратилган иккинчи даражали бўлак вазифасида келади: *Тунов куни, **йигитлар даштга кетаётганларида,** Гулчеҳра уни уйларига бошлаб борди. (О. Ё.) Ҳу ана шу жойда, **тахта кўприкнинг остида,** кичик бир булоқ бор. (А. Қ.) Сойда, **қўш ёнғоқнинг тагида,** оппоқ қорга кўмилиб узоқ турди. (О. Ё.)*

Баъзан равиш ҳоли ажратилиб айтилади: *У гамгин, **аллақачук бўшашган ҳолда** турарди. Ёш гвардиячиларнинг ҳаммаси жанговар тартиб-интизомни илгаригидек, **душманнинг кучи кўп бўлган вақтдагидек,** қаттиқ тутишар эди.*

**105-машқ.** Ажратилган ҳолли гапларни кўчиринг. Ҳолнинг қайси тури ажратилганини ва қандай ифодаланганини тушунтиринг.

1. Кўкда, баланд-баланд бинолар устида, ой кўринди. 2. Ёшлар клубга белгиланган вақтда, соат еттида, тўпланишган эдилар. 3. Бугун, 7 ноябрь куни, кинога борамиз. 4. Кечқурун, ёмғир тингач, йўлга тушдик. 5. Аҳмедов диванга, Бўтабойнинг ёнига, ўтирди. (*А. Қ.*) 6. Уйдан, Ўктамхоннинг столидан, Зиёдахоннинг адреси чиқди. 7. Бугун, дарсдан кейин, ота-оналар йиғилиши ўтказилади. 8. Луқмонча баҳорда, биринчи уйлар битувида, ойисини бутунлай чақиртириб олмоқчи эди. (*Ас. М.*) 9. У ҳам олдинда, Власов билан бир қаторда, байроқнинг ёнгинасида, борар эди. (*М. Г.*) 10. Эртаси, сешанба куни, тонг чоғида етиб келишди. 11. У ерда, Катта Фарғона каналида, 45 кун шу ҳолда бўлди.

**106-машқ.** Текстдан ажратилган ҳолларни топиб ёзинг. Уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини тушунтиринг.

Ҳозир, уруш вақтида, жаҳон урушида барча совет халқлари рус халқи билан бирликда ва унинг етакчилигида фашист йиртқичлигига қарши аёвсиз жанг қилмоқда. Бу кураш оловида бизнинг дўстлигимизнинг пўлати яна ҳам ажойиброқ тобланади, бутун халқлар ва маданиятларнинг нажоти шунда. Шунинг учун ҳам ўзбеклар ўша ерда, Москва бўсағаларида, немис фашистларига қарши аёвсиз жанг қилмоқдалар. Одамхўрлардан, немис-фашистлардан, Москвани ҳимоя қилиш билан улар ўзларини, ўз халқини, унинг тақдирини мудофаа қилаётирлар . . . Бир вақтлар, Улуғ Октябрь революциясидан олдин,

бизнинг аждодларимиз қул бўлиб ўтганлар. Хонлар, беклар ва подшо малдорлари уларни минг хил азоб-уқубатларга дучор қилганлар. Ҳозир, революциядан кейин, бизнинг озодлигимиз ва барча халқлар билан дўстлигимиз барчага аён. Дўстлик натижасида муқаддас тупроғимизни немис-фашист ваҳшийларининг ифлос туёғидан батамом тозалаймиз. (*Ҳ. О.*)

**107-машқ.** Ўзингиз ажратилган пайт ҳолига иккита, ажратилган ўрин ҳолига иккита мисол топинг.

**51-§. Ажратилган иккинчи даражали бўлакларнинг тузилиш хусусияти.** Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар бир бўлак билан, шунингдек, бирикмали ҳолда ҳам қўлланади: *Биз—**ленинградликлар**—бир ёқадан бош чиқариб колхозга ёрдам берайлик. (О. Ё.) Фируза, кеча-кундуз ўйлайман сени, **меҳрибонимни**. (Ҳ. Ғ.) Бояги йигитнинг, **Авазнинг,** қўли гул экан. (П. Қ.) Қишлоқдан бир қир нарида—**беҳисоб қизғалдоқлар далани қизартириб, хиёл чайқалиб турган жойда**—Ҳулкар ўт ўрарди. (П. Қ.) Шу куни кечқурун, **даладан қайтишда**, қори Сидиқжонга ҳамроҳ бўлиб қолди. (А. Қ.)*

**108-машқ.** Ўзингиз «Театр фойесида», «Мактаб йўлида», «Дўстимнинг яхши одатлари» темаларидан бирида кичик иншо ёзинг. Иншода ажратилган иккинчи даражали бўлакларнинг ҳамма туридан ўринли фойдаланинг.

### УНДАЛМА

**52-§.** Нутқ қаратилган шахснинг атамаси у н д а л м а дейилади. Ундалмалар сўз ёки сўз бирикмалари билан ифодаланади: ***Ўқувчилар,** ўқишда ҳаммага намуна бўлинг. **Бутун дунё пролетарлари,** бирлашингиз!*

Ундалма, асосан, бош келишикдаги от билан ифодаланади. Ундалма бўлиб келган бош келишик формасидаги отлар гапдаги шу формадаги отлардан ўзининг интонацияси билан ажралиб туради. Улар ундов сўзлар ёки эркалаш-кичрайтиш аффикслари билан ҳам қўлланади: ***Ҳой ишчилар, эзилган меҳнатчилар,** ҳақингни қўлдан берма . . . (Ҳ. Ҳ.) **Болагинам, қўзичоғим,** менинг гапларимга қулоқ сол. (Эртакдан.) **Ҳой болажоним,** сенга нима бўлди?*

Баъзан *ҳой, эй* каби ундов сўзларнинг ўзи ҳам ундалма вазифасида келади: ***Ҳой**, нега индамайсан?—**Ҳой**, кўзингга қара. (Ас. М.)*

Ундалма вазифасидаги сўзлар одатда шахсни кўрсатади. Баъзан ундалмалар қуш, ҳайвонлар ёки жонсиз предметларга ҳам қаратилган бўлади: ***Қарғавой**, мен сени ейман. (Эртакдан.) Келинглар, **гўзал гуллар**. Келинг, ошиқ булбуллар. (Ш. Р.)*

Ундалмалар уюшиб келиши ҳам мумкин: ***Муҳтарам оталар, оналар, келинлар, ўғиллар, опа ва сингиллар,** сизга мурожаат қиламиз.*

Ундалма гап бўлаги вазифасида келмайди. У гапдаги бўлаклар билан грамматик жиҳатдан боғланмаса ҳам, мазмунан боғлиқ бўлади. Қиёсланг: *Дўстим менга яхши маслаҳатлар берди. **Дўстим,** менга яхши маслаҳатлар бердингиз.* Биринчи гапдаги *дўстим* сўзи эга вазифасини бажарган. Шу сўз иккинчи гапда ундалма бўлиб келган.

Сўзловчи ўз фикрига бошқаларнинг диққатини жалб қилиб, қулоқ солишга ундаш учун ундалмадан фойдаланади.

Ундалмалар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин.

Ундалма гап бошида келса, ундан кейин, ўртасида келса, икки томонидан, гап охирида келса, олд томонидан вергул қўйилади. Гап бошида келган ундалма кучли ҳаяжон билан айтилса, ундан кейин ундов белгиси қўйилади: ***Ўртоқлар!** Табрик учун сўз Павел Корчагинга берилади. (Н. Островский.) Ҳой, эй* каби сўзлар ундалма билан бирга келганда, улардан кейин ҳеч қандай белги қўйилмайди.

**109-машқ.** Ундалмаларни топиб, тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Келажагимиз порлоқ ўртоқ Фармонов. (*Ас. М.*) 2. Тўхтанглар болалар қуён сал нафасини ростласин. (*Ҳ. Н.*) 3. Кўчада катта байрам, халқ ҳаммаси кўчада, нима қилиб уйда ўтирибсиз уста? (*О.*) 4. Азиз китобхон катта оиланинг қиссалари тугамади. (*Ас. М.*) 5. Она юртим Ўзбекистон олтин тўйинг муборак! Азиз ўлкам Ўзбекистон шонли тўйинг муборак! (*Ў.*) 6. Ўртоқлар табрик учун сўз тожикистонлик вакил ўртоқ Расуловга берилади. 7. Колхознинг бағри кенг, меҳнати сербарака бўлиши ҳаммага аён бўлди болам. (*О.*) 8. Москвам гўзалсан, поксан, жонажон. (*Ғ. Ғ.*) 9. Китоб менинг дўстимсан. (*З. Д.*)

**110-машқ.** Гапларни ўқинг, ундалмаларнинг шахс ва предмет маъносини билдирган турларини топиб айтинг.

Қимматли дугоналар! ЎзССР ва Ўзкомпартиясининг 50 йиллик юбилей тўйи билан Сизларни Совет хотин-қизлари Комитети қизғин қутлайди. 2. Болагинам, катталарнинг насиҳатини эшит. 3. Кузимизнинг гўзаллигин, оғайнилар, кўрганмисиз? (*Қ. М.*) 4. Дўстим, менга берган китобларинг жуда яхши экан. 5. Сен ҳам хат ёзиб тургин, ўртоқжон, унутмагин. 6. Яшна, балқи Ватанимнинг юраги, эй Москвам . . . 7. Ўртоқлар, бизга бахтли ёшликни берган партияга ташаккур! 8. Ўртоқлар, менинг чин дўстим—китоб. (*Т. Йўлдош.*)

**111-машқ.** Бадиий адабиётдан ўнта гап танлаб ёзинг: унда ундалма икки ўринда гап бошида, иккитасида гап ўртасида ва иккитасида гап охирида қўлланган бўлсин; икки гапда бирикмали, иккитасида уюшган ундалмалар иштирок этган бўлсин.

### КИРИШ СЎЗ ВА КИРИШ БИРИКМА

**53-§.** Сўзловчи баён қилаётган фикрига турлича муносабатини ифодалаш учун кириш сўз ва кириш бирикмалардан фойдаланади. Қиёсланг: *Бугун ҳаво очилиб кетади. Бугун ҳаво, **албатта**, очилиб кетади. **Балки,** бугун ҳаво очилиб кетади.*

Биринчи гапда фикр оддий хабар бериш шаклида ифодаланган бўлса, иккинчисида сўзловчи ҳавонинг очилиб кетишига қатъий ишонч билдиради, учинчи гапда эса ҳавонинг очилиб кетишига гумон ва ишончсизлик билан қарайди.

Кириш сўз вазифасида модал сўзлар, айрим юкламалар, тартиб сонлар қўлланиши мумкин.

Кириш сўзлар гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди, яъни гапнинг бирор бўлаги вазифасида келмайди.

Кириш сўз ва кириш бирикмалар сўзловчининг ўз фикрига қатъий ишонч билан қараши (*албатта, шубҳасиз, ҳақиқатан, дарҳақиқат*), гумон билдириши (*балки, эҳтимол, афтидан*), афсусланиш ва таажжубланиш (*эссиз, аттанг, афсуски, бахтга қарши*), фикрнинг кимга қараштилиги (*менимча, айтишингизча, гапига кўра*), фикрнинг тартиби, хулосалаш (*биринчидан, иккинчидан, демак, хулоса қилганда*) каби маъноларни билдиради: *Йўлчи ҳамма воқеаларни, **хусусан**, кечадан буён тортаётган ташвиш ва ҳаяжонларини гапирди. (О.) **Бахтга қарши**, Саида унинг хоҳишини пайқамади. (А. Қ.) **Наҳотки**, сизга ишонмасам . . . Минг бор афсуски, бу хаёлгина, холос. **Менингча**, дардни яширгансиз-ку, иситмаси ошкора бўлибди. (М. Қ.)*

Кириш сўз ва кириш бирикма гап бошида келса, ундан кейин, гап ўртасида келса, ҳар икки томонидан, гап охирида келса, олдидан вергул билан ажратилади: ***Эҳтимол**, сенинг гапларинг тўғридир. (Ш. Р.) Докладчи, **менингча,** бизнинг фикримизни қувватлади. Фикрингизга қаршилик қилиш ёмон, **албатта**.*

**112-машқ.** Текстдаги кириш сўз ва кириш бирикмали гапларни кўчириб ёзинг. Тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтиринг.

Сув бизнинг ўлкамизда ҳаёт деган сўз. Бир қатра сув бўлган ерда ҳаёт, маъмурлик ва гўзаллик пайдо бўлади. Ҳолбуки, бунда зўр бир дунё—Катта Фарғона канали қурилиб турибди. Демак, зўр иш. Одамлар қонҳўр Норинни буриб, янги изга соладилар. Лекин бу ҳали гапнинг ҳаммаси эмас. Бу сўзларда Катта Фарғона каналини қураётган одамларнинг меҳнатидан юзага келадиган биринчи натижалар айтилган, холос. (Ҳ. О.)

**113-машқ.** Гапларни ўқинг: кириш сўз ва кириш бирикмалар қандай маънони ифодалаш учун қўлланганини оғзаки тушунтиринг.

1. Афсуски, ҳали ўзлаштирилмаган ерлар кўп. 2. Менимча, олтинсойликлар ҳамма имкониятларни ҳисобга олмаганлар. (Ш. Р.) 3. Биринчидан, ёмғир ёғаётганлиги, иккинчидан, ерларнинг лойлигидан юриб бўлмайди. 4. Унинг бошида дўппи, Марғилон нусха дўппи, бор эди. 5. Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас, Менинг билишимча, сенинг элингга. (Ҳ. О.) 6. Минг бор шукурки, ўлкамиз ҳақиқий олтинга ҳам, «оқ олтин»га ҳам кон диёрдир. 7. Тўғри, у аравани қуруқ олиб қочадиган мақтанчоқлардан эмас. («*Муштум*».) 8. Эҳтимол, бу ишни ўзинг бажарарсан. (Ҳ. Н.) 9. Чиндан ҳам, машина деҳқоннинг оғирини енгил қиладиган забардаст кучга айланди. («*Сов. Ўзб.*»)



## БИР СОСТАВЛИ ГАПНИНГ ТУРЛАРИ

**54-§.** Содда гаплар, эга ва кесим составининг мавжудлигига қараб, икки составли ва бир составли гапларга бўлинади.

Икки составли гапларда бош бўлаклар: эга ва кесим мавжуд бўлади: *Биз вақтдан тўғри фойдаланамиз. Улуғ Ватанимиз кенг ва бепоён.*

Келтирилган мисолларнинг биринчисида эга (*биз*) ва кесим (*фойдаланамиз*), иккинчисида ҳам эга (*Ватанимиз*) ва кесим (*кенг ва бепоён*) мавжуд. Гапда икки состав ҳам бор. Шунинг учун ҳам бундай гаплар икки составли гап саналади.

Бир составли гапларда бир состав—ё эга состави, ёки кесим состави мавжуд бўлади: *Ўртоқ Эргашевнинг ҳушёрлигига тан бериш керак. (А. Қ.) Ям-яшил ўтов . . . (П. Қ.)*

Мисолларнинг биринчисида кесим состави (*тан бериш керак*), иккинчисида эга состави (*ям-яшил ўтов*) гина мавжуд бўлганлиги сабабли бундай гаплар бир составли гап ҳисобланади.

Бир составли гаплар бир неча турга бўлинади: шахси аниқ гап, шахси ноаниқ гап, шахси умумлашган гап, шахссиз гап, номинатив гап, сўз-гап.




**55-§. Шахси аниқ гап.** Бир составли гапнинг бу турида кесим феъл орқали ифодаланади. Эга қўлланмаган бўлса ҳам, кесим орқали эгани топиш мумкин бўлади: *Пахта теримида колхозчиларга яқиндан ёрдам бердик* гапида кесим *(ёрдам бердик)* орқали гапнинг эгаси *(биз)* англашилиб туради. Шунга кўра, бундай гаплар шахси аниқ гап ҳисобланади.

Шахси аниқ гапларнинг кесими кўпинча аниқлик, буйруқ ва буйруқ-истак майли формасидаги феъллар билан ифодаланади.

Баъзан шахси аниқ гапларнинг кесими от кесим билан ифодаланади: *Яхшимисиз? Тузукмисиз?* Бу мисолларда кесимдаги тусловчи аффикс орқали гапнинг эгаси II шахсдаги олмош (*сиз*) эканлиги англашилиб турди.

**114- машқ.** Гапларни ўқинг. Кесимларига қараб, эгаларини аниқланг. Кесимнинг ифодаланишини тушунтиринг.

1. Ерни икки марта от плуг, учинчи марта трактор, тўртинчи марта яна от плуг билан ҳайдаб чиқдилар. *(Ҳ. О.)* 2. Шунча шошилгани бекор кетди, гумон қилган буталарининг орасини қидириб, у ёқдан бу ёққа югурди, тополмади. *(Т. Қаипберганов.)* 3. Биласанми, тўйга берган харажатини миннат қилиб, ҳали соясига салом бердиради. *(Т. Қаипберганов.)* 4. Ўша йили йиғим-терим палласида Тожихонларнинг қишлоғига бордик. Тожихоннинг ишлари билан танишдик. 5. Нима учундир кетаётган еридан орқасига қайрилиб чақирди. *(Ҳ. Шамс.)*

**115- машқ.** Текстдан шахси аниқ гапларни кўчиринг. Кесимларига қараб, эгаларини аниқланг.

Ана баҳор ҳиди келиб қолди, деганимизда яна қор ёғди. Тонг билан кўзимни очсам, хона ёп-ёруғ. Соатга қарадим. Ҳали олти бўлмабди. Ирғиб ўрнимдан турдим-да, дераза пардасини сурдим. Ташқари афсоналардагидек чирой касб этибди. Гўё муз маликаси афсун билан девор-тошлардан тортиб, дов-дарахтларгача қор ўлкасига айлантирган...

Деразанинг пардасини суриб кўчага тикиламан. Қаршимда шундай манзара намоён бўлади. Деразам тагидан ўтган катта кўчага ён томондан бошқа бир камқатнов кўча келиб уланади. Қор ёғиб чиққан кеча каллаи саҳарлаб шу кўчадан биринчи бўлиб бир хотин чиқади. Қўлида курак — йўл очади. Катта кўчага чиққач ҳам ишни давом эттиради, чорраҳагача йўл очади. Сўнг курагини ерга тираб, чап қўли билан белини силаб бир зум туриб қолади ва оқсоқланаоқсоқлана қайтиб кетади. *(Х. Аҳророва.)*

**56- §. Шахси ноаниқ гап.** Бундай гапларнинг кесими феъл билан ифодаланса ҳам, шахсни кўрсатмайди. Шахси ноаниқ гапларнинг кесими кўпинча III шахс формасида келади. *Шундай мард йигитни бунча қийнайдилар (О.)* гапидаги феъл кесим *(қийнайдилар)* орқали ҳаракатни бажарувчи шахс *(улар)* англашилса ҳам, бу сўз III шахс кўпликдаги *(улар келдилар* гапидаги каби) шахсни кўрсатмай, умуман, ноаниқ шахсни кўрсатади. Шунингдек, *Мени яқинда комсомолга қабул қилдилар* гапида ҳам комсомолга қабул қилган шахсларнинг ноаниқлиги англашилиб турибди.

Шахси ноаниқ гапнинг кесими баъзан биргалик нисбати формасидаги феъл билан ифодаланади: *Қимгадир мастердан хат келтиришди. Сизни директор кабинетига чақиришяпти. Сизни бошқа қишлоққа юборишади. (С. Нуров.)*

Бу мисолларда ҳам феъл кесим орқали ифодаланган ҳаракатни бажарувчи шахснинг ноаниқ экани англашилиб туради.

**116- машқ.** Текстдаги шахси ноаниқ гапларни кўчириб, кесимларининг ифодаланишини тушунтиринг.

1. . . . Аммо фронтга фақат соғлом одамлар зарурлигини билишмайди. *(Ш. Р.)* 2. Республикамизнинг 50 йиллик тўйига яхши тайёргарлик кўришипти. 3. Вазият анча жиддий... Вазият билан ҳисоблашмаяптилар. *(О. Ё.)* 4. Бу ерни «Комсомол қишлоғи» деб аташади. 5. Юрагида бори юзига тепиб турадиган бундай кишиларни кўнглида кири йўқ, деб мақтайдилар. *(П. Қ.)* 6. Водилга шу йўлдан борилади. 7. Тозаликка риоя қилинсин. Газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинсин.

**117- машқ.** Ўзингиз бадиий адабиётдан шахси аниқ ва шахси ноаниқ гапларга бештадан мисол топиб ёзинг.

**57- §. Шахси умумлашган гаплар.** Бундай гапларда мазмун умумга қаратилган бўлиб, кесим кўпинча II шахс бирлик формасида келади. Мақолларнинг кўп қисми шахси умумлашган гап тарзида тузилади: *Ер ҳайдасанг, куз ҳайда; куз ҳайдамасанг, юз ҳайда. Олим бўлсанг, олам сеники. (Мақоллар.)* Бу мисолларда кесим II шахс бирлик формасида келган бўлса ҳам, мазмун барча шахсга—умумга қаратилгандир.

**118- машқ.** Текстдан шахси умумлашган гапларни ажратиб кўчиринг. Кесимларининг қандай ифодаланганини тушунтиринг.

1. Бирни кессанг, ўнни эк. *(Мақол.)* 2. Атроф баланд тоғлар билан ўралган. *(О. Ё.)* 3. Меҳнат қилмасанг, бўстон қаерда, бўстон ҳақида достон қаерда. *(Мақол.)* 4. Ўқув қуролларингизни кўз қорачиғидай сақлангиз. 5. Билмасанг, билгандан сўра. 6. Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл. *(Мақол.)* 7. Ота-она олдидаги бурчингни яхши бажар. 8. Бугунги ишни эртага қўйма. *(Мақол.)* 9. Дангасага иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар. *(Мақол.)*

**58- §. Шахссиз гаплар.** Бир составли гапларнинг бу турида ҳаракатни бажарувчи шахс бўлмайди (эгани қўллаб бўлмайди).

Шахссиз гапларнинг кесими кўпинча составли кесим шаклида келиб, улар равишдошнинг ***-и (б)*** аффиксини олган формаси + *бўлмоқ* феъли; шарт майли формасидаги феъллар + *бўлмоқ* феъли; феълнинг ҳаракат номи формаси + *керак, лозим* каби сўзлардан ташкил топади: *Бу сирни сизга айтиб бўлмайди. Бу фильмни кўрса бўлади. Бу йил планни ортиғи билан бажариш керак.*

Демак, шахссиз гапларда эга бўлмайди, уни топиш ҳам мумкин эмас: *Бу фильмни кўрса бўлади* гапида *кўрса бўлади* составли кесимдаги ҳаракат *(кўриш)* ни бажарувчи шахс йўқ: гапнинг мазмуни, умуман, ўша фильмни кўриш мумкинлиги ёки фильмнинг кўришга арзирли эканлигида.

Шахссиз гапларнинг кесимлари мажҳуллик нисбати формасидаги феъллар билан ҳам ифодаланади: *Олимликка сабот, чидам ва катта меҳнат билан эришилади.*

Бу гапнинг ҳам эгасини топиб бўлмайди, ҳаракатни бажарувчи шахс йўқ.

**119- машқ.** Шахссиз гапларни топиб, кўчиринг. Кесимларнинг қандай шаклланганига эътибор беринг. Нима учун шахссиз гап дейилишини тушунтиринг.

1. Ўзбошимчаликка йўл қўйилмасин. 2. Тарбиячи ва ўқитувчи бўлиш учун чидам билан ўқилади. 3. Ўзинигина ўйловчи кишини

яхши одам деб бўлмайди. 4. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. *(Мақол.)* 5. Янги бинолар қишлоқларнинг ҳуснига ҳусн қўшмоқда. *(Ш. Р.)* 6. Уқуви йўқ ҳар қадамда қоқилади. *(Мақол.)* 7. Бу ерда чекилмайди. 8. Бунда планнигина эмас, мажбуриятни ҳам ортиғи билан бажариш мумкин. 9. Ҳар бир қоидага эътибор бериш зарур. 10. Бу китобни сизда қолдириб бўлмайди.

**120-машқ.** Шахси аниқ, шахси ноаниқ, шахси умумлашган ва шахссиз гапларни аниқлаб кўчиринг. Ҳар бир гапдан сўнг қавс ичига турини ёзиб кўрсатинг.

1. Исомиддинов узоқ гапирди. *(Ҳ. Шамс.)* 2. Исомиддиновнинг томоғига бир нарса келиб тиқилди. *(Ҳ. Шамс.)* 3. Дарсга пухта тайёрланиш лозим. 4. Аввал ўйла, кейин сўйла. *(Мақол.)* 5. Давлат мулкини эҳтиёт қилингиз. 6. Бу ишни ҳаммага ҳам буюриб бўлмайди. 7. У ерни ўтиришга тайёрлашди. 8. Мажлисга Маҳмудовни олиб келишди. 9. Мажлисни олиб бораётган район партия комитетининг секретари эди. 10. Дўстлик — тинчлик гарови.

**59-§. Номинатив гап.** Бундай гаплар предмет ёки воқеа-ҳодисанинг мавжудлигини тасдиқлаш учун қўлланади. Бош келишикдаги от, отлашган сўзлар содда ёки ёйиқ формада келиб, номинатив гап вазифасини ўтайди. Номинатив гап бўлиб келган бу сўзлардан кейин қисқа пауза бўлиб, шу гапнинг мазмунини конкретлаштириш мақсадида гап келтирилади: ***Субҳидам.*** *Қуёш ётоғидан бош кўтарди. (П. Қ.)* ***Ям-яшил ўтов.*** *Ҳулкар бу ерга келса, қандай қувонади. (П. Қ.)* Бу мисолларнинг биринчисида *субҳидам* сўзи атов гап бўлиб, унинг тасвири, мазмуни кейинги — *Қуёш ётоғидан бош кўтарди* гапида берилган. Иккинчи мисолда эса атов гап — *ям-яшил ўтов* ёйиқ ҳолда келиб, кейинги гап унинг тўла изоҳини ифодалаган.

Баъзи вақтда номинатив гаплар бирдан ортиқ келиши мумкин: ***Майнинг охири. Кундуз соат тўрт чамаси. Янги шаҳар кўчалари.*** *Илк баҳор шамоллари ёқимли эсади.* Бу мисолда учта номинатив гап қатор келган.

**121-машқ.** Номинатив гапларни ажратиб кўчиринг. Уларнинг қандай шаклланганини белгиланг.

1. Баҳор ... Баҳор бу йил яна ҳам ясаниб келган, ўзида йўқ хурсанд. Негаки, дала-дашт тўла одам, ҳамма ғайрат билан, шод-хуррам меҳнат қилади, ҳамма бир-бири билан иноқ, ҳамжиҳатлик билан ишлайди. 2. Вақт кеч эди ... Қўлдош ўз ҳовлисидан кўчага чиқиб иккиланиб қолди; колхоз идорасига борсинми ёки Қаримовнинг олдига. *(Ҳ. Шамс.)* 3. Тонг ... Юлдузлар ётоғига жўнаган пайт. Кўчада ҳар турли машиналар қатнови эшитила бошлади. *(О. Ё.)*

**122-машқ.** Ўзингиз номинатив гапга бешта мисол топинг. Уларнинг номинатив гап эканлигини изоҳлаб беринг.

**60-§. Сўз-гап.** Бир составли гапларнинг яна шундай бир тури борки, улар биргина сўздан ташкил топади. Баъзан тўлиқсиз гаплар ҳам бир сўздан ташкил топади. Шунинг учун уларни бир-бидан фарқлаш лозим. Тўлиқсиз гапни ҳосил қилган сўз маълум гап бўлаги вазифасини бажаради. Сўз-гап эса гап бўлаги бўлиб келмайдиган сўз ёки сўз бирикмаларидан ташкил топади. Кўпинча модал сўз, ундовлар сўз-гап вазифасида келади. Қиёсланг:

1. — *Бугун музейга борасизми?* — ***Бораман.***
2. — *Бугун музейга борасизми?* — ***Ҳа,*** *бораман.*
3. — *Бугун музейга борасизми?* — ***Ҳа.***

Ҳар уч мисолдаги жавоб учун қўлланган гапларнинг тузилиш хусусиятига эътибор беринг. Биринчи мисолдаги *бораман* гапи бир сўздан иборат бўлса ҳам, кесим вазифасида келган, демак, тўлиқсиз гап. Иккинчи мисолдаги — ***ҳа,*** *бораман* гапида *ҳа* кириш сўз, *бораман* — кесим. Учинчи мисолда эса ***ҳа*** сўзининг ўзи гап вазифасида келган. У ҳеч қандай гап бўлаги вазифасини ўтай олмайди. Шунинг учун ҳам бундай конструкциялар сўз-гап ҳисобланади.

Сўз-гаплар **фикрни тасдиқлаш** *(ҳа, майли, рост, тўғри, албатта, дарҳақиқат)*, **инкор этиш** *(йўқ, нотўғри, асло)*, **сўраш** *(а?, ҳўш?, ростданми?, наҳотки?)*, турли **ҳис-ҳаяжон** *(вой, ия, эҳ, уф)* каби маъноларни ифодалайди. Сўз-гаплар, асосан, икки ёки ундан ортиқ шахс орасидаги сўзлашувда — диалогларда ишлатилади:

1. — *Начальникнинг совнархоздан арзи бор, назаримда, ўртоқ Мансуров, — деди инженер.* — ***Хўш?*** *(Ас. М.)*
2. — *Мен горкомгача кузатиб бораман.* — ***Майли.*** *(Ас. М.)*
3. — *Биз кутиб турайликми?* — ***Йўқ.*** *(Ас. М.)*
4. — *Салом, муаллим.* — ***Салом.*** *(С. Нуров.)*

Сўз-гаплар ундалмалар билан бирга қўлланиши мумкин:

— *Ҳорманг, Қумрихон. (Ас. М.)*

Баъзан сўз-гаплар такрорланиб ҳам ишлатилади: *Эргаш тушунмади. — Нима-нима? — деди кўзини катта очиб. (Ас. М.) — Бирор гап эшитдингизми? — сўради Жўрахон. — Йўқ-йўқ! (Ас. М.)*

**123-машқ.** Текстдаги сўз-гапларни аниқлаб, уларнинг қандай мазмун англатганини айтиб беринг.

1. — Бу ерда мактаб очяпмиз, Муқим тоға.—Маъқул. *(С.Нуров.)*
2. Турсуной аввал ишонмагандай кўзларини катта очиб қаради-ю, кейин Ефим тоғанинг ростакам ичкарига бошлаётганини кўриб ишонди.
— Эҳ-ҳа. *(Ас. М.)*
3. Қизларни Абдусамат кутиб олди:
— Ия?! *(Ас. М.)*
4. Мен танаффусдан кейин Онахон билан гаплашиб кўрай, кейин сизга айтаман.
— А? *(Ас. М.)*
5. — Сиз София Борисовнани кўрдингизми, Ефим Данилович?
— А? ... Кўрдим, лекин гап унда эмас.
— Тўғри. *(Ас. М.)*
6. — У эски хатни ҳам билади.
— Нотўғри! *(С. Нуров)*

**124-машқ.** Текстдаги сўз-гап ва бир сўздан тузилган тўлиқсиз гапларни топиб, уларнинг ўзаро фарқини, сўз-гаплар қандай мазмунни ифодалаганини тушунтиринг.

1. — Бир нарса демоқчи эдингизми? — Ҳа . . . *(Ҳ. Шамс.)*
2. — Ишларингиз, турмушингиз яхшими?
— А?
— Оббў сен-эй! Битта ҳазил... .
— Йўқ, нотўғри!
— Хўп.
— Бу ҳазил эмас, — деди Зоҳида. — Бу — ҳақорат. Агар яна шундай қиладиган бўлсангиз мен... парткомга чиқаман.
— Майли... *(О. Ё.)*

**125-машқ.** Ўқинг. Текстдаги сўз-гапларни кўчириб ёзинг.

1. Томоша қилиб турганлар чувиллашиб беришди: — Нимага туширар экан! Туширмайди.
— Даканингиз ўзи тушириб олсин!
— Нотўғри!
— Ғирромлик бу!
2. Ёдгор елкаларини қисди.
— Нимани?
— Хўрозчангнинг овозини.
— Йўқ.
3. Қудрат кулди ...
Бола яна ҳаккалай бошлаганини кўриб, Дилшод кўча томон юрган эди, у югуриб келиб тағин осилиб олди.
— Кетма, ўйнаймиз.
Дилшод кўнмади.
— Йўқ . . .
4. Холбой онасига инжиқлик қилаётгандай минғиллади: — и-и, болалар мен билан ўйнашмайди.
— Нимага ўйнашмайди?
— Қиличимдан қўрқишади.
— Қиличингдан қўрқишса, ечиб қўй.
— О-о . . . *(М. Исм.)*

**126-машқ.** Кўчиринг. Кириш сўз ва сўз-гап вазифасида келган сўзларнинг тагига чизинг. Уларнинг қўлланишидаги фарқни тушунтиринг.

1. Эҳтимол, у бўлмаса, унинг зеносидан бирон киши бу номаъқулчиликни қилгандир. Ў ўзларининг оқсоқоли-ку, ахир. *(Ҳ.О.)*
2. Мен ҳам икки-уч кундан кейин заводда ишлайман.
— А? — Ғуломжон бирдан ҳаяжонланиб сўради.
— Ҳа, — деди кулиб Қудрат, — нимага ажабланасиз?
Ғуломжон ҳаяжонининг таажжуб ўрнида қабул қилинганидан ўнғайсизланиб, хиёл қизарди.
— Йўқ, йўқ ...
— Мен шу ашаддий душманимиз қўлида ишлашга рози бўлганингиз учун ҳаяжонландим. Қудрат қиқирлаб кулди.



— Аввало, қишлоғимизда завод бўлаверсин, Ғуломжон. Бунинг зараридан фойдаси кўп. *(М. Исм.)*

**127-машқ.** Ўзингиз бадиий асардан тасдиқ, инкор, сўроқ, таажжуб маъноларини билдирган сўз-гапларга ўнта мисол топиб ёзинг.

**128-машқ.** Текстдаги бир составли гапларнинг турини айтинг.

1. Иккинчи зиёли заҳархандага ўхшатиб жилмайди. — Варақа қоғоз билан чўчитамиз, яъни дўқ қиламиз, шундай-да? *(М. Исм.)*
2. Тўғри айтасиз: «Варақа усталик билан, инқилобий тадбиркорлик билан, ҳушёр бўлиб тарқатилмаса, жойлардаги одамларимизнинг фаолияти хавф остида қолади».
— Йўқ.
Маҳаллий зиёлилардан яна бири Ольга Петровнанинг бу важмига ҳам эътироз билдирди. *(М. Исм.)*
3. Керак ҳар илмдан бўлмак хабардор,
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор. *(Фурқат.)*
4. Маълумки, мақоллар ғоявий мазмунига кўра ранг-барангдир.
5. Ўқувчилар, билимларни қунт билан эгаллангиз!

### ТЎЛИҚСИЗ ГАПЛАР

**61-§.** Бундай гапларда гапнинг бирор бўлаги ёки бирдан ортиқ бўлаги туширилиб қолдирилган бўлади. Нутқ жараёнида тўлиқсиз гапнинг мазмунидан маълум бўлган бўлаклар туширилиб қолдирилиб, гап тўлиқсиз ҳолда ишлатилади.

Тўлиқсиз гаплар диалогларда ёки сўзлашув нутқида кўп учрайди. Масалан:

*— Ефим тоға, бизларни ҳам «ўртоқ» деса бўладими? — деб сўради у ҳаяжон билан.*
***— Кимни?***
***— Турсунойни, мени . . .***
*Ефим Данилович ўйлаб жавоб берди:*
***— Бўлади.*** *(Ас. М.)*

Юқоридаги диалогда тўлдирувчининг ўзидан тузилган тўлиқсиз гап — *Кимни? Турсунойни, мени* — орқали юқоридаги гапнинг тўла мазмуни (Кимни ўртоқ деса бўлади: Турсунойни ҳам, мени ҳам ўртоқ деса бўладими? деган маъно) англашилади. Қесимдангина тузилган «*Бўлади*» тўлиқсиз гапи «Турсунойни ҳам, сени ҳам ўртоқ деса бўлади» деган мазмунни англатади.

Тўлиқсиз гаплар биргина эгадан, кесимдан ёки иккинчи даражали бўлакларнинг бирортасидан, шунингдек, бир неча бўлак иштирокида (аралаш ҳолда) тузилади. Масалан:

1. — *Ким келди?* — ***Ойхон.***
2. — *Қаерга кетяпсиз?* — ***Фарғонага.***
3. — *Хат жўнатилдими?* — ***Жўнатилди.***
4. — *Қайси врачга кирасиз?* — ***Терапевтга.***
5. — *Номери нечанчи?* — ***Қирқ саккизинчи.***
6. — *Ранги?* — ***Оқ.***

**129-машқ.** Текстдаги тўлиқсиз гапларнинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг ва тўлиқсиз гапда қайси бўлак қўлланганини айтинг.

Йиғилганлар ашулани жуда диққат билан тинглашди ва баъзилари ашула маъқул бўлганидан барала овоз билан тасанно ўқидилар:

— Оббо қурмагурлар-эй!.. Қандай тўқиб чиқардиларинг бунақа гапни!

— Яша, баракалла, сен яшайтурган замон!

— Боплайсанлар...

— Яна айтинглар-чи, қани, яна айтинглар.

— Айтинглар, эшитайлик.

Комсомоллар яна бошладилар. Чойхона олдига халқ тўлиб кетди.

... Худди бўйнидан илиниб судралган кишидай Қўлдошга жавоб излади.

— Рўйхатни Норбуви билан икковингиз қилингиз. Комсомоллардан сафарбар этмоқ керак, — деди зўрға.

— Қачондан?

— Қачондан хоҳласангиз.

— Қандай қилиб тузайлик?

— Менда шаҳардан юборилган рўйхат нусхаси бор, ўшандан кўчириб оларсиз. *(Ҳ. Шамс.)*

**130-машқ.** Парчадаги сўз-гапларнинг тагига тўғри чизиқ, кириш сўзнинг тагига нуқтали чизиқ, тўлиқсиз гапларнинг тагига тўлқинли чизиқ чизиб, уларнинг фарқини оғзаки тушунтириб беринг.

... У вақт ҳисобини билмай қолди, бир ўйида кўзи илингандай, бир ўйида ҳушидан кетгандай туюлди унга, ўзига келиб кўзини очганда эса, назарида, қўл-оёғидан айрилгандай эди. Тўсатдан умри тугаганини, эҳтимол, шу кечадан ўтмаслигини, балки ундан ҳам олдин жон таслим қилишини тушунди.

Аммо бу фикр унинг дилида на қўрқув, на бир афсус уйғотди. Аксинча, кўнгли осойишта, дили равшан эди.

Абдуллажон стулни суриб ўтирди-да, одатдагидай эгилиб сўради:

— Қалай, тузукмисиз, дада?

— Тузукман...

Абдуллажон қайтиб киргач, уста ўзига имо қилди.

— Болалар... — деди энтикиб, — ҳаммасига бирдай қаранглар. Баравар кўринглар уларни... Уқдингми?

— Тушундим, дада.

— Домла келдилар, Азиз ака, — деди у, — кирсалар майлими?

— Майли. *(О. Ё.)*

**131-машқ.** *Ҳа, майли, ростданми* сўзлари иштирок этган сўз-гапларга ва кириш сўзли гапларга олтита мисол топинг. Уларнинг фарқини тушунтиринг.

**132-машқ.** Тўлдирувчи, эга, ҳол, кесимдангина тузилган тўлиқсиз гапларга бир неча мисол топинг.



### *Содда гап бўйича савол ва топшириқлар*

1. Синтаксис нимани ўргатади?
2. Сўз бирикмаси нима? Унинг қандай турлари бор?
3. Тенгланиш ва эргашиш нима?
4. Мослашув, бошқарув, битишув нима?
5. Гап деб нимага айтилади? Гапнинг кузатилган мақсадга кўра турларини айтинг.
6. Гапларнинг тузилишига кўра турларини айтинг. Ҳар бир гап турига мисоллар келтиринг.
7. Бош бўлаклар ва уларнинг ифодаланишини тушунтиринг.
8. Иккинчи даражали бўлаклар ва уларнинг ифодаланишини айтинг.
9. Сўз тартибини айтинг.
10. Гапнинг уюшиқ бўлаклари ҳақида маълумот беринг.
11. Ажратилган иккинчи даражали бўлаклар ҳақида маълумот беринг.
12. Бир составли гаплар деб нимага айтилади, уларнинг қайси турлари бор?
13. Ундалма ва ундалмаларда тиниш белгиларининг ишлатилишини мисоллар билан тушунтиринг.
14. Кириш сўз ва унинг айрим сўз-гаплардан фарқини тушунтиринг.
15. Тўлиқсиз гаплар нима? Улар қандай тузилади?

### *Такрорлаш учун машқлар.*

**133-машқ.** Кўчиринг. Гапларнинг кузатилган мақсадга кўра турларини айтинг. Уларни гап бўлаклари жиҳатидан таҳлил қилинг. Бирикмали бўлакларнинг тагига чизинг.

Каримов ҳамон нафасини ростлолмас эди. Унинг биринчи савсли Жобир ҳақида бўлди:

— Жобир тирикми?

— Тирик, — деди Сотволди оқсоқол билан Марьям бахши баравар

— Омон ҳали ҳам келмадими?

— Йўқ, — деди оқсоқол.

Гузар тўла одам, бутун жамоат бугун шу ерга йиғилган. Бу сафар на муштумзўрлар, на зўравонлардан нишон бор! Ҳамма ёқда колхозчилар, баштраклар, камбағаллар, янги ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинлари. Уларнинг чеҳраларида ҳаёт, ғалаба ва ғайрат ифодаси порлади. *(Ҳ. Шамс.)*

**134-машқ.** Текстдаги сўз бирикмаларини (мослашув, бошқарув, битишувли бирикмаларни) таҳлил қилинг. Гапларнинг ифода мақсадига кўра турларини айтинг.

Ўн тўрт кунлик тўлин ой ўз нурини қишлоқ устига жуда сахийлик билан сочарди. Қишлоқ худди олтин суви юритилган суратдай ярақларди.

— Норхон, — деди икки соядан бири (унинг гапириб чарчагани сезилиб турарди) чуқур нафас олиб, — наҳотки, сиз олмаган бўлсангиз.

— Тавба, — деди иккинчи соя — Норхон, жарангдор овоз билан, наҳотки, сиз ҳам менга ишонмасангиз. Нима, олган бўлсам бермасмидим?! Намунча куявердингиз ўша хатга... Бирон сир борми? Нега? Бирон гап пайқадингизми? Агар бирон гап бўлса, хабар қилайлик. *(Ҳ. Шамс.)*

**135-машқ.** Уюшиқ бўлакли гапларни кўчириб, қайси бўлаклар уюшганлигини аниқланг. Умумлаштирувчи сўзларнинг тагига чизинг.

1. Биз тўғриликни, виждонлиликни, меҳнатни севамиз. 2. Тўрт-беш ёшли болалар билан ўтказилган машғулотда қўзиқорин, коптоқ, айиқча, пирамида ўйинчоқлари, карточка ва доирачалардан фойдаландик. 3. Қуёш, ҳаво, сув — ҳаммаси бизнинг энг қадрли дўстимиз. *(Ш. Р.)* 4. Сув, ер, электр — булар ҳаёт баҳорига янги гўзаллик ва янги нашъа бағишловчи кучлар эди. *(О.)* 5. Йигит тор ва қоронғи йўлдан даранинг кенг ва ёруғ майдонига чиқди. *(О.)* 6. Олча, гилос, ўрик, ёнғоқ мевалари дум-думалоқ. *(Қ. М.)* 7. Улар шу куни ҳамма жойни: Ҳамзаободни, Оқсув ва Кўксувни, Кўли Қуббонни кўрадиган бўлишди. *(Мирм.)*

**136-машқ.** Текстдан бир составли гапларни кўчириб ёзинг. Уларнинг турларини аниқланг.

Қундуз ялиниб гап бошлади:

— Ҳўш, нима қилдим, ойижон?!

— Ўл қилдинг, ҳали бир нарса қилмоқчи ҳам эдингми, қаро ер!..

— Йўқ, йўқ. Мен сиздан гуноҳимни сўрайман!

— Биз нима десак, шуни қилишинг керак.

Қундузнинг хўрлиги келиб йиғлаб гапирди:

— Ер ютсин, хонавайрон бўлсин тоғам Эргаш...

Бир кун эрта билан ул паранжига ўралгани ҳолда иккита нонни рўмолга ўраб кириб келди. Саломлашдилар. Уни Турғун ва хотини ўрнидан туриб қарши олдилар. Улар янги солинган айвонда ўлтирар эдилар. *(Ҳ. О.)*

**137-машқ.** Кўчиринг. Текстдаги ундалма, кириш сўзларни аниқланг. Ажратилган иккинчи даражали бўлакларнинг тагига чизинг. Тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтиринг.

... Бунда бир ҳикмат бўлса керак.

— Тил деганнинг суяги бўлмайди, бой. Улар гапира берсинлар, биз эса шу кеча ишни тамомлайлик!..

Қундуз бойдан чиқиб кетгандан кейин ҳар бир ишга аралашиб кетди. Ҳар куни кўчада очиқ-очиқ бир кўп одамлар билан ўтиб туради. Бу иш Бўронбой учун номус эмасми, ахир!

Оҳ, бечора Қундуз, бу сендурсан. У, Бўронбой, кечадан қолган бир чироқ эди. Биз, уч киши, Бўронбойни соқчиларга топширдик. Тонг ҳам ёриша, кўчаларда далага кетаётган йигитларнинг овозлари ҳам кела бошлади. Бирмунча вақт ичида Қундуз даволаниб чиқиб, ўз ишида давом этиб кетди. *(Ҳ. О.)*



## ҚЎШМА ГАП

### ҚЎШМА ГАП ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

**62-§.** Қўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан, шунингдек, интонацияга кўра бирикувидан тузилади.

Қўшма гаплар содда гаплардан бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Чунончи: содда гап биргина эга ва кесим муносабатини ифодаловчи бирликдан (предикатив бирликдан) тузилса, қўшма гапда бундай бирлик икки ёки ундан ортиқ бўлади. Қиёсланг: *1. Биз мамлакатимизнинг куч-қудрати билан чин кўнгилдан фахрланамиз.* 2. *План тўлди, мажбурият ҳам бажарилади. («Тошкент оқшоми».)*

Биринчи гапда бир эга ва кесимлик бирлик *(биз фахрланамиз)*, иккинчи гапда эса икки эга ва кесимлик бирлик *(план тўлди, мажбурият бажарилади)* мавжуд. Шунинг учун биринчиси содда гап, иккинчиси қўшма гап.

Бундан ташқари, қўшма гап содда гапдан интонацияси билан ҳам фарқланади. Қўшма гапнинг биринчи қисми тугалланмаган интонация билан, иккинчи қисми тугал интонация билан айтилади, яъни қўшма гап таркибидаги содда гаплар бир умумий интонация билан айтилади: *Пахта очилди* — содда гап. *Пахта очилди ва терим бошланди* — қўшма гап.

Содда гапларнинг қурилиш материали сўз ёки сўз бирикмаси бўлса, қўшма гапнинг қурилиш материали эса содда гаплардир: *Даламизда оппоқ пахталар қийғос очилди* — содда гап. *Баҳор келгач, турли қушлар гала-гала учиб кела бошлади* — қўшма гап. Бу қўшма гап икки содда гапдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир содда гап бир неча бирикмадан тузилган.

*Баҳор келгач* → *турли қушлар гала-гала учиб кела бошлади.*

Қўшма гаплар ўз ичидаги содда гапларнинг тузилиш ва мазмунга кўра муносабати, уларни бириктирувчи воситалар жиҳатидан уч турга бўлинади: боғланган қўшма гаплар, эргашган қўшма гаплар, боғловчисиз қўшма гаплар.

**Боғланган қўшма гаплар** бирдан ортиқ тенг ҳуқуқли содда гапларнинг тенг боғловчилар воситасида бирикишидан ташкил топади: *Пахталар қийғос очилди ва ҳамма ерда терим бошланди.*

**Эргашган қўшма гаплар** бири иккинчисига тобе бўлган содда гапларнинг эргаштирувчи ёрдамчилар воситасида бирикишидан ташкил топади: ***Анжир хазон бўлай деганда,*** *Қўқондан амаким келди. (А. Қ.)* ***Орадан уч-тўрт кун ўтгач,*** *дадам Қипчоқариқдан ҳовли топиб келди. (А. Қ.)*

**Боғловчисиз қўшма гаплар** бирдан ортиқ содда гапларнинг ўзаро боғловчиларсиз, фақат интонация билангина бирикишидан таш

кил топади: *Сув келди — нур келди. (Мақол.) Бир ҳафта ўтди, икки ҳафта ўтди, мардикорлардан дарак бўлмади. (А. Қ.)*

**138-машқ.** Қўшма гапларни ажратиб кўчиринг, бош бўлакларини аниқланг.

1. Машҳуранинг қувончи ошиб кетгани чеҳрасидан ҳам маълум эди. 2. Баҳор келганда, қари толлар ҳам баргак ёзади. *(О.)* 3. Ҳавода на булут ва на гарду ғубор кўринарди. *(Ф. Муҳаммадиев.)* 4. Раис унинг кўзига илгаригидан савлатсизроқ кўринди. *(А. Қ.)* 5. У шундай ялиниб гапирардики, раъйини қайтаришнинг сира иложи қолмаган эди. *(С. Аҳм.)* 6. Йўл адирнинг ёпиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғунов тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди. *(А. Қ.)* 7. Коридорга чиқишганда, навбатдаги дарс бошланиб, атроф яна жим бўлиб қолганди. *(А. Мирахмедов.)* 8. Рустамовнинг блиндажига бор, дўстларинг кутиб қолишади. *(Ҳ. Ғ.)* 9. Лекцияга хотинхалаж Саида мўлжаллагандан кўпроқ йигилди. *(А. Қ.)* 10. Мен хушомадгўйликни ёмон кўраман. *(Ж. Абдуллахонов.)*

**139-машқ.** Қўшма гапнинг турларини аниқлаб, нималар воситасида боғланганини айтинг.

1. Салим қорага айтинг, фермада ҳисоб-китобни тўғрилаб қўйсин. *(Ҳ. Ғ.)* 2. Чор атрофда эсарди еллар Ва боғларда қушлар чийиллар. *(Ҳ. О.)* 3. Унинг ҳам кўзи қаттиқ, ҳам тили тез эди. *(О.)* 4. Ҳали офтоб чиқмаган, аммо осмон бўзариб қолган эди. *(Ў. Ҳ.)* 5. Ундан ҳам интизомсиз болалар кўп, лекин мен жўрттага сизнинг жиянингизни мисолга олдим. *(А. Қ.)*

## БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАП

**63-§.** Тенг ҳуқуқли содда гапларнинг тенг боғловчилар орқали бирикишидан тузилган қўшма гап **боғланган қўшма гап** дейилади.

Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар бир-бири билан бириктирув, зидлов, айирув ва инкор боғловчилари ва шу боғловчилар вазифасидаги ***-да, -у(-ю)*** каби юкламалар воситасида боғланади: *Музика, дутор, танбур йўқ, **аммо** шеър, қўшиқ бор. (О.) Сиз отасиз, **лекин** оталик меҳри бизнинг педагогик ишимизга халал бермаслиги керак. (Ас. М.) Унинг қовоқлари ёнарди-ю, кўзларида нам кўринмасди. (А. Қ.)*

Боғланган қўшма гапларда бириктирув, зидлов, айирув ва инкор муносабатлари ифодаланган бўлади.

**64-§. Бириктирув муносабати ифодаланган қўшма гаплар.** Бундай қўшма гапларда *ва, ҳам* боғловчилари, ***-да, -у(-ю)*** юкламалари ишлатилиб, бир вақтда, кетма-кет юзага келадиган ҳодисалар ифодаланади: *Кулганда қисиқ кўзлари юмилиб кетади ва оғзида қолган олдинги иккитагина тиши ликиллаб туради. (О.) Уруш **ҳам** тугади, отаси **ҳам** қайтиб келди, тирикчиликлари **ҳам** яхшиланди. (П. Қ.) Шу пайт офтоб яна булут остига кирди-ю, палатани шом қоронғилиги босди. (А. Қ.) Эшик гижч этиб очилди-да, рухсат сўраб Дарвешали кирди. (О.)*



**140-машқ.** Боғланган қўшма гапларни топиб кўчиринг. Қўшма гап қисмларининг қандай боғловчилар билан бирикканлигини айтинг.

1. Эшик очилди ва нотаниш бир одам ичкарига кириб келди. *(Ҳ. Тожибоев.)* 2. Бирдан илиқ шамол эсди ва булутлар юра бошлади. *(Л. Толстой.)* 3. Мени кутгил ва мен қайтарман, Ўлимларни қолдириб доғда. *(К. Симонов.)* 4. Баҳорнинг фикри булут босган осмондай қоронғилашди-ю, кўз олдини туман чулғади. *(Ш. Р.)* 5. Ҳасан ака йўқ экан, лекин нотаниш бир киши менинг саломимга алик олди. *(О.)* 6. Бу ҳикоялар болада чуқур таъсир қолдирар ва у дадасининг жанговар ёшлиги билан ҳамиша фахрланиб юрарди. *(Ш. Р.)* 7. Газлама кўпайди-ю, ишимиз касод бўлди. *(О.)* 8. Сиз шу китобингизни хоҳ менга беринг, хоҳ ўзингиз элтиб беринг. *(П. Қ.)*

**141-машқ.** Боғланган қўшма гапларни топиб, унинг қисмлари қандай мазмун англатаётганини тушунтиринг.

1. Қўйлар қўрага жойлашди-ю, чўпонларнинг кўнгли тинчиди. *(М. Қ.)*. 2. Ниҳоятда яширин бўлган бу орзу йил сайин янги-янги тафсилотлар билан бойиб боради-ю, лекин ҳеч осмондан ерга тушмайди. *(П. Қ.)* 3. Пешанасидан қуйилаётган тер сели кўзга кириб ачиштиради, лекин уни артиб олгани фурсат йўқ. *(Ҳ. Тожибоев.)* 4. Офтоб баландроқ кўтарилди-ю, булутлар тарқалиб, тоғларда ҳаво очилиб кетди. *(П. Қ.)* 5. Отдан тушиб жиловини Ортиққа берди-ю, ўзи директорни молхоналар томонга бошлаб кетди. *(П. Қ.)* 6. Эътибор шу гапни айтди-ю, титраб кетди, аммо у сездирмади. *(С.Аҳм.)* 7. Ҳар гал ҳам бу савол жавобсиз қоларди-ю, Пўлат ёш боладай қизариб кетарди. *(Ш. Р.)* 8. Қоғоз қушча баҳона бўлди-ю, Ортиқ Ҳулкарнинг қўлига линейка билан бир урди. *(П. Қ.)* 9. У ёқ-бу ёғини қаради, дарров тополмади, лекин қўлига қон юқди. *(Ш.)*

**142-машқ** Боғланган қўшма гапларни топиб кўчиринг, боғловчиларнинг содда ва қўшма гап таркибидаги вазифасини аниқланг.

1. Ёғ ҳам йўқ, сут ҳам йўқ. *(О.)* 2. Шундай пайтларда бир оғиз гап айтиб кўнглини кўтариш керак эди-ю, аммо Умида тилини билмас ди. *(Ас. М.)* 3. Мен ҳам тинчий, сиз ҳам тинчинг. *(М. Исм.)* 4. Биринчи курс қолоқ деймиз, лекин уларда ҳам илғорлар бор. *(П. Қ.)* 5. Деярли ҳар ҳафтада аллақаёқлардан изғирин, қора булут кўтарилиб туради-да, ҳеч ким уйдан чиқмайдиган, зерикарли кунлар бошланади. *(Ас. М.)* 6. Эшик секин очилди-ю, Қаландаровнинг юзи кўринди. *(А. Қ.)*

**143-машқ.** Асқад Мухторнинг **«Опа-сингиллар»** романидан бириктирув боғловчилари ва ***-да, -у (-ю)*** юкламалари ёрдамида боғланган уюшиқ бўлакли содда гапга бешта, боғланган қўшма гапга учта мисол топиб кўчиринг.

**65-§. Зидлов муносабати ифодаланган боғланган қўшма гаплар** компонентлар мазмунан **бир-бирига зид** бўлади ёки воқеа-ҳодисалар қиёсланади. **Бундай боғланган қўшма гап** қисмларини боғлашда *аммо, лекин, бироқ* **каби боғловчилар** ва шу боғловчиларга функциядош ***-у(-ю), -да*** **юкламалари ишлатилада:** *Бу нарса зал-*

*да ўтирган актив учун одатдаги ҳол эди,* ***аммо*** *гапнинг кескин кетганлиги зални жонлантириб юборди. (Ас. М.) Олтинсойликларнинг ерлари кўп,* ***лекин*** *бу ерларнинг ҳаммаси ёз ойлари қуёш тиғида қовжираб қолади. (Ш. Р.) Кечаси қалин қор ёғди-***ю,** *ҳаво унчалик совимади.*

Баъзан бундай қўшма гапларда зидлов боғловчилари юкламалар билан бирга ҳам ишлатилади: *Чинор ҳам ана шундай қоя тошдан ўсиб чиққан-***у, лекин** *унинг томирлари тош остидаги она тупроқ бағрида чинор тоғнинг илдизлари билан туташиб кетган дейишади. (Ас. М.) Кўнгилсиз воқеа шундай қилиб босди-босди бўлиб кетгандек эди-***ю, бироқ** *орадаги муносабат борган сари кескинлашиб борарди. (Ас. М.)*

Боғланган қўшма гапларда зидлов боғловчидан олдин вергул қўйилади. Қўшма гап қисмлари зидлов боғловчиларига функциядош юкламалар воситасида бирикканда, юкламадан олдин дефис (-), юкламадан кейин эса вергул қўйилади: *Тонг ҳали ёришмаган,* ***лекин*** *осмонда юлдузлар анча сийраклашган эди. (О.) Нафрат туртки бўлди-***ю,** *Мулла Абдулаҳад шу ернинг ўзидаёқ Ясная Полянага жўнади. (Ас. М.)*

**144-машқ.** Бириктирув ва зидлов боғловчили қўшма гапларни топиб, тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Ортиқча нафрат ҳам керакмас Аммо лақаб ҳам тақмасман кимса отига. *(А. Орипов.)* 2. Саданинг тагида ҳеч ким йўқ лекин қизил чойнак билан тўнтариб қўйилган пиёла раиснинг узоққа кетмаганини кўрсатарди. *(А. Қ.)* 3. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит фақат аллақаерда чумчуқ чирқилларди. *(Ў. Умарбеков.)* 4. Мастоннинг қўлидаги тугунчани олди-да Турғунойни олдинга ўтказди. *(А. Қ.)* 5. Мен уялиб ерга қарайман аммо Турғун писанд қилмай шафтолини мақтайди. *(О.)* 6. Қанд ҳам йўқ туршак ҳам йўқ. *(О.)* 7. Шундай қилиб, дилрабо суҳбатлар бир неча бор такрор қилиндию прораб дилида мавжуд бўлган шубҳалар аста-секин йўқола бошлади. *(Ш. Р.)* 8. Уйда у заҳар-заққум ютди ташқаридан эса бирор киши ёрдам қўлини чўзмади. *(Ш. Р.)*

**66-§. Айирув боғловчилар билан боғланган қўшма гапларда** воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кет юзага келиши ёки навбатма-навбат содир бўлиши ифодаланади. Бундай қўшма гап таркибида қўлланадиган *гоҳ, баъзан, дам, бир, хоҳ, ё* каби боғловчилар ҳар бир гапда такрорланиб ишлатилади ва қўшма гапдаги воқеа-ҳодисанинг навбатма-навбат содир бўлишини ёки воқеалардан бирининг юзага келишини билдиради: *Зал* ***дам*** *гувиллаб кўяр,* ***дам*** *онда-сонда қарсак янграб, яна тинарди. (Ас. М.) Ҳайронман,* ***ё*** *ҳушингиз жойида эмас,* ***ё*** *ўзингизни овсар қилиб кўрсатяпсиз. (М. Исм.)*

Айирув боғловчилари қўшма гап таркибидаги ҳар бир содда гапнинг бошида қўлланиб, иккинчи боғловчидан олдин вергул қўйилади:

*Бу вазифани* ***хоҳ*** *ўзингиз бажаринг,* ***хоҳ*** *бировга топширинг.*



Айирув боғловчилари уюшиқ бўлакли содда гап таркибида ҳам келади. Буларни фарқлаш лозим. Қиёсланг: *1. Ҳозир унинг кўкси* ***гоҳ*** *оғритувчи,* ***гоҳ*** *юпантирувчи кечинмалар билан тўла эди. (О.) 2. Умарали* ***гоҳ*** *Навоийдан,* ***гоҳ*** *Лутфий,* ***гоҳ*** *Фузулийдан ғазаллар ўқир эди. (О.) 3.* ***Гоҳ*** *осмонни тутиб ашула янгарайди,* ***гоҳ*** *аллақаердан гармон товуши келиб қоларди. (О.)*

Мисолларнинг биринчисида *гоҳ* боғловчиси уюшиқ аниқловчиларни, иккинчисида уюшиқ воситали тўлдирувчиларни бир-бирига боғлаб келган, ҳар икки гап биргина эга ва кесим муносабатини ифодаловчи содда гап. Кейинги гапда эса *гоҳ* боғловчиси икки содда гапни бир-бирига боғлаб келган: икки гапнинг бирикувидан тузилганлиги учун ҳам қўшма гап.

**145-машқ.** Айирув боғловчили боғланган қўшма гапларни ажратиб кўчиринг. Унинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.

1. Маҳкам қўлларини мушт қилиб, қўрқинчли важоҳат билан Зокирга отилди, аммо бир неча киши бирдан орага тушди. *(П. Қ.)* 2. Бу имо-ишорага баъзи одамлар таажжубланди, баъзилар тайинли жавоб бермади. *(А. Қ.)* 3. Ё бирон дайди ўқ тегиши, ё Ғуломжон таниб қолиши мумкин эди. *(М. Исм.)* 4. Дам жаҳлим чиқади, дам кулгим келади. 5. Баъзан ой заррин кокилларини ер юзига ёзиб юборади, баъзан булут ой юзини тамоман қоплаб олади. *(О.)* 6. Унга гоҳ кампирнинг гаплари маъқулдай кўринар, гоҳ бунинг тескариси тузук тушар эди. *(О.)* 7. Ноғорачилар ва чирмандакашлар гоҳ қийшайиб, гоҳ кескин силкиниб чаладилар. *(О.)* 8. Нури гоҳ сезиниб, ширин хаёлларга ботади, гоҳ бутун вужудини қўрқув босади. *(О.)* 9. Дам илондек вишиллаб хунук миш-миш таралар, дам тақдирга тан берган биронта азроил ҳақида аччиқ ҳазил тарқалар эди. *(Ас. М.)*

**146-машқ.** Боғланган қўшма гапларни ажратиб, қандай воситалар ёрдамида бирикканлигини тушунтиринг.

1. Ўлмас гоҳ Аня холанинг қўлидаги тугунчага, гоҳ эр-хотинниинг ташвишли юзига тикилиб ҳайрон бўлиб турарди. *(Ё. Ш.)* 2. Давлатбековнинг лаблари мўйлови тагидан яхши кўринмас, аммо кўзлари Замоналига қараб «баттар бўл» дегандек йилтирар эди. *(П. Қ.)* 3. Гоҳ олислардан қизларнинг шўх яллалари эшитилар, гоҳ булбулларнинг ёқимли сайрашлари бизни мафтун қилар эди. *(О.)* 4. Очил буванинг ўзи бу кеча ҳақида бирон вақт биронта одамга батафсил ҳикоя қилганини ҳеч ким билмайди-ю, лекин халқ орасида у ҳақда эртасигаёқ дув-дув гап тарқалади. *(Ас. М.)* 5. Муштипар қиз қўрада бир неча бор ўзига келди-ю, лекин яна нимадир ҳушини олиб кетди. *(М. Исм.)* 6. Ўғли ҳам ўзига ўхшаган: на ўқишни билади, на тўқишни. *(О.)*

**67-§. Инкор муносабати ифодаланган боғланган қўшма гапда** инкор маъносини ифодаловчи бирдан ортиқ содда гаплар *на . . . , на* боғловчиси воситасида бирикади.

Бу боғловчи айирув боғловчилар каби қўшма гапнинг ҳар бир қисми бошида такрорланиб қўлланади. Такрорланган боғловчидан

олдин вергул қўйилади: *Булар орасида бўлиб ўтган можародан* ***на*** *Умиданинг хабари бор эди,* ***на*** *Исмоилжоннинг... (А. Қ.)* ***На*** *остимдаги отим тинади,* ***на*** *ўзим... (А. Қ.) Уларда* ***на*** *кўл бор,* ***на*** *каттароқ бир ариқ. (П. Қ.)*

Бундай боғланган қўшма гапларни инкор боғловчилари қатнашган уюшиқ бўлакли содда гаплардан ажрата билиш керак: 1. *Доим эгардасан:* ***на*** *кундузи,* ***на кечаси*** *ҳаловат бор. 2. У* ***на ўқиди, на ёзди****. (Ч. Айтматов.) 3. Мен* ***на ўт тўғрисида, на эшитилаётган одам овози тўғрисида*** *полковникдан бир нарса сўрамадим. (Н. Сафаров.) 4. Унинг қулоғига* ***на*** *булбулнинг овози кирар,* ***на*** *кўзига уйқу келарди. (П. Т.)*

Мисолларнинг биринчисида уюшиқ ҳоллар, иккинчисида уюшиқ кесимлар, учинчисида эса уюшиқ тўлдирувчилар *на* боғловчиси орқали бириккан. Бу гаплар биргина эга ва кесим муносабатини ифодалагани учун уюшиқ бўлакли содда гап ҳисобланади. Сўнгги тўртинчи гапда эса *на* боғловчиси икки содда гапни бир-бирига бириктириб келган. Икки эга ва кесим муносабатини ифодаловчи гаплардан тузилгани учун ҳам бу гап қўшма гап ҳисобланади.

**147-машқ.** Инкор боғловчили боғланган қўшма гапларни топиб кўчиринг. Кейинги компонент кесимининг ифодаланишини изоҳланг.

1. На биз бормадик, на улар келишмади. *(Ё. Ш.)* 2. Суюмани тайёр мотоциклда олиб бориб қўйиш на эрининг хаёлига келади, на отасининг. *(П. Қ.)* 3. Ҳулкарнинг эгнида на қуруқ озода кийимлари, на оёғида қизил этикчаси бор эди. *(П. Қ.)* 4. На ҳамдард кишиси бор, на овунтирадиган машғулоти. *(Ҳ. Ғ.)* 5. Қуш, қумурсқалар тинди, лекин Мастура тинмади. *(Ё. Ш.)* 6. На сув шовқини, на бойўғлининг вою-воюси эшитилади. *(Ҳ. Ғ.)* 7. Шунча ишни қилган Ўлмас на домладан ва на унинг хотинларидан ширин сўз эшитар эди. *(Ё. Ш.)*

**148-машқ.** Боғланган қўшма гапларни тегишли ўринда тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Қандай мазмун ифодалаганини тушунтиринг.

1. Холанинг юзига ҳам хунук соя тушган эди лекин у тан олмасликка, қизга тасалли беришга астойдил уринди. *(Ас. М.)* 2. Моли озроқлар унча ваҳима қилмас аммо беш-ўнтадан ортиқ моли борлар талвасага тушган эди. *(П. Қ.)* 3. Бахтимга Бокуда Фосиқ афанди учраб қолди-ю шунинг ёрдами билан келиб олдим. *(М. Исм.)* 4. У Жабайга тикилди лекин кўз ўнгига бошқа қиёфалар, таҳликали замонлар келди. *(Ас. М.)* 5. Хатининг мазмунига қараганда жиноятти катта экан-у биз хом хаёл бўлиб юраверган эканмиз. *(М. Исм.)* 6. Барча куч-қувватини сарфлаб, қўшимча куч топмоқчи бўлди-ю бироқ бу уринишдан натижа чиқмади. *(Ш. Р.)* 7. Унинг гапини йигитлар эшитмадилар аммо капитаннинг вақти чоғлиги кўриниб турар эди. *(Ас. М.)* 8. Қор тинган, аммо йўллар кўмилиб кетган эди. *(Ў. Ҳ.)*



## ЭРГАШГАН ҚЎШМА ГАП

**68-§.** Эргашган қўшма гаплар тенг бўлмаган қисмларнинг эргашувли муносабатга киришувидан тузилади. Эргашган қўшма гаплар эргаш гап ва бош гапдан ташкил топиб, ўзаро эргаштирувчи ёрдамчилар орқали бирикади: ***Водокачка битгунча,*** *ариқлар тайёр бўлди. (А. Қ.)* ***Эшик очилиб,*** *қоши чимирилган Умарбек чиқди. (С. Аҳм.)* ***Кимки ёлғонни кўп гапирса,*** *у одамлар орасида обрўсиз бўлади.*

Юқоридаги қўшма гаплар таркибидаги эргаш ва бош гаплар ***-гунча, -иб, -са*** ёрдамчилари орқали бириккан.

Эргашган қўшма гапларда бош гапнинг кесими алоҳида олинган содда гаплардагидай шаклланса ҳам, эргаш гапларнинг кесими тўлиқ шаклланган бўлмайди. Эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар, асосан, эргаш гапнинг кесимига қўшилади ёки шу кесимдан кейин келади. Юқорида берилган мисолларда ҳам эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар эргаш гапнинг кесими таркибида келган.

Баъзи эргаш гаплар бош гапни бутунича, баъзилари эса унинг бирор бўлагини изоҳлаб, тўлдириб, аниқлаб келади.

**69-§.** Эргаш гапни бош гапга бириктирувчи воситалар қуйидагилар:

1. *Чунки,* ***-ки,*** *шунинг учун, негаки, гўё, токи* каби эргаштирувчи боғловчилар: ***Ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли, Шунинг учун*** *эрка кўнгил шод. (У.) Ҳалол меҳнат қилиш энг яхши одат,* ***Чунки меҳнат берди бизга саодат.*** *(У.) Қор ёғди,* ***гўё дон ёғди.*** *Эшитдимки,* ***Москвага кетар эмишсан.***

2. Эргаш гапнинг кесимлари феълнинг равишдош, сифатдош, инфинитив формаларида; шарт, буйруқ майли шаклида келиб, бош гапга тобеланади: ***Дарахт япроқлари сарғайиб,*** *ариқлардан хазон уюмлари оқиб кела бошлади. (Ас. М.)* ***Аравалар бугун етиб боришса,*** *улар эртага қайтиб келишлари мумкин. (С. Аҳм.)* ***Жаҳл келганда,*** *ақл қочади. (Мақол.)* ***Улар бир оз жим ўтиришгач,*** *Акбархўжа гап очди. (П. Т.)* ***Орадан кўп вақт ўтмай,*** *шаҳардан инспектор чиқди.*

Юқорида келтирилган мисолларда эргаш гапларнинг кесимлари феълнинг равишдош, сифатдош, инфинитив формалари ва айрим феъл майллари шаклида келиб, эргаш гаплар бош гапга ***-иб, -ганда, -са, -гач, -май*** ёрдамчилари орқали бириккан.

3. Эргаш гап бош гапга равишлар ва кўмакчилар билан бирга қўлланган сифатдош ва инфинитив формалари орқали боғланади. Бундай эргашган қўшма гапларда бириктирувчи восита ҳам феъл формалари, ҳам кўмакчи ва равишлар ҳисобланади: ***Тонг отиши билан,*** *биз йўлга чиқдик.* ***Узоқ тортишувлар бўлиб ўтгандан кейин,*** *охири икковлари чўлда учрашиш қарорига келишди. (М. Исм.)* ***Наққош кетмасдан аввал,*** *шоир эшикка чиқди. (О.)* ***Раис гап бошламасдан бурун,*** *Олимжон ўртага луқма ташлади.*

**149-машқ.** Эргашган қўшма гапларни топиб, эргаш гапнинг бош гапга боғланиш усулини тушунтиринг.

1. Оқшом тушган, осмон юлдузларга тўлиб кетган эди. *(О.)* 2. Орадан бирмунча вақт ўтгач, каналнинг у ёғидан автомобиль чироғи кўринди. *(А. Қ.)* 3. Илгари ҳам кўп мажлисимиз мана шунақа ўтган, кўп масалалар мана шунақа ҳал қилинган. *(А. Қ.)* 4. Уйғонсам, офтоб ёйилиб кетган экан. *(О.)* 5. Лаҳза ўтгач, жардан эгаси оқсоқланиб чиқиб келди. *(О.)*

**150-машқ.** Гапларни кўчиринг. Бош гап тагига тўғри чизиқ, эргаш гап тагига тўлқинли чизиқ, бириктирувчи ёрдамчилар тагига икки чизиқ чизинг.

1. Қайси киши ҳақиқатни куйласа, у енгиб чиқади. *(Ш. Р.)* 2. Биз хотин-қизлар қанча бўлсак, Жўрахон опамнинг ҳам жонлари шунча. *(Ас. М.)* 3. Қиладиган ишингиз қанчалик улуғвор бўлса, ғайратингиз шунчалик тошаверади. *(Р. Файзий.)* 4. Улар келгунча, полвон ўзини панага олиб турди. *(С. Аҳм.)* 5. Онахон гап бошлаганда, шовқин яна тинди. *(Ас. М.)* 6. Шабада қишлоқ устидаги булутларни ҳайдагач, ҳаво очилиб кетди. *(И. Р.)* 7. Қишлоққа салқин тушиши билан, саройнинг катта саҳнидаги чироқлар ёнди. *(И. Р.)*

## ЭРГАШГАН ҚЎШМА ГАП ТУРЛАРИ

**70-§.** Эргашган қўшма гаплар, эргаш гапнинг бош гапга муносабатига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Эга эргаш гапли қўшма гап.
2. Кесим эргаш гапли қўшма гап.
3. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.
4. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.
5. Равиш ва ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплар.
6. Сабаб эргаш гапли қўшма гап.
7. Мақсад эргаш гапли қўшма гап.
8. Пайт эргаш гапли қўшма гап.
9. Ўрин эргаш гапли қўшма гап.
10. Шарт эргаш гапли қўшма гап.
11. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап.
12. Натижа эргаш гапли қўшма гап.

### Эга эргаш гапли қўшма гап

**71-§.** Эга эргаш гап бош гапдаги айрим олмошлар билан ифодаланган эгани изоҳлаб, конкретлаштириб келади: ***Ким кўп ўқиса***, *у кўп нарсани билади.* ***Ким бировга чуқур қазиса***, *унга ўзи йиқилади. (Мақол.)*

Эга эргаш гап бош гапга кўпинча феълнинг шарт майли формаси билан бирикади: ***Кимки Смирновнинг ёрдамини унутса***, *у Кўкбулоқдан сув ичмаган бўлади. (Ш. Р.)* ***Кимки виждонан ишласа***, *у ҳурматга сазовор бўлади.*

Юқоридаги эга эргаш гапларнинг кесимлари *(унутса, ишласа)* феълнинг шарт майли формаси билан ифодаланиб, эргаш гап бош



гапда эга вазифасида келган *у* олмошининг маъносини конкретлаштириб келган. Баъзан эга эргаш гапли қўшма гапларнинг бош гап қисмида эга қўлланмаган бўлиши мумкин. Эга эргаш гап қўлланмаган эгани ҳам изоҳлайди: ***Кимки ҳалол меҳнат қилса,*** *Ватанимиз томонидан тақдирланади.* ***Кимки нғво-ёлғонни қилиб олса касб,*** *бўлажак шармисор бир умр бўйи. («Ақл ақлдан қувват олади».)*

Бу мисолларда ажратиб кўрсатилган эга эргаш гаплар бош гапда қўлланмаган эга *(у)* ни изоҳлайди.

**151-машқ.** Эга эргаш гапли қўшма гапларни топиб ёзинг. Эргаш гап тагига тўлқинли чизиқ, бириктирувчи восита тагига икки чизиқ чизинг.

1. Ким ўқишдан орланмаса, у сувдан дурдона, тошдан лаъл чиқаради. *(Низомий.)* 2. Кимки ҳаддидан ошса, у халқ эътиборидан қолади. 3. Ким виждонан меҳнат қилса, у роҳат кўради. 4. Далаларда бошланади иш, Бошланади ижод ва турмуш. *(Ҳ. О.)* 5. Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш вазифасини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қиляпмиз. *(«Сов. Ўзб.»)* 6. Кимки спорт билан шуғулланса, у доимо соғлом бўлади. 7. Бир неча кунлардан бери Сафар бўзчи хурсанд эди. *(А. Қод.)* 8. Ойқиз ювиниб, тараниб, кийиниб кирди ва Олимжонга яқин ердан жой олди. *(Ш. Р.)*

### Кесим эргаш гапли қўшма гап

**72-§.** Кесим эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган кесимнинг маъносини изоҳлаб, конкретлаштириб келади. Кесим эргаш гап кўпинча бош гапда кесим вазифасида келган *шу, шундай, шундан иборат* каби сўзларнинг маъносини конкретлаштириб келади. Кесим эргаш гап бош гап билан ***-ки*** ёрдамчиси орқали бирикади: *Айтмоқчи бўлган гапим* ***шуки, радиоузелнинг аппаратураси бундан икки йил бурун олинган.*** *(А. Қ.) Шартим* ***шуки, қирқ кишига зиёфат берасиз.*** *(О.) Бизда одат* ***шундайки, уйга келган меҳмонга ҳам кўсак чувитамиз.*** *(О.) Вазифанг* ***шундан иборатки, таланган моллар-нинг ҳаммасини келтирасан.*** *(С. Бабаевский.)*

Келтирилган мисолларда кесим эргаш гаплар бош гапда кесим вазифасида келган *шуки, шундайки, шундан иборатки* сўзларининг маъносини конкретлаштириб келган.

**152-машқ.** Кесим эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг. Бош гапнинг тагига тўғри чизиқ, эргаш гапнинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг.

1. Гапим шуки, колхозимизда пахта ишига ярайдиган одамлар қанчалиги ўзларингга маълум. *(А. Қ.)* 2. Маълумки, истибдод зулми остида эзилиб ётган халқ ҳамиша озодликка интилади. *(М. Исм.)* 3. Демак, энг биринчи вазифа шуки, партия ташкилотини жонлантиришимиз керак. 4. Жамолиддин кўрмаган умидли кунларда нимаики бўлса, ҳаммаси жой-жойида эди. *(М. Исм.)* 5. Бу масаланинг муҳим томони шуки, сиз Тешабой билан муносабатингизни яхши-

лашингиз керак. *(М. Исм.)* 6. Ҳаммадан муҳими шундаки, Пўлат орзусига эришди. *(Ш. Р.)* 7. Айтмоқчи бўлган гапим шуки, дўст дўсти учун заҳар ютиши керак. *(М. Исм.)*

**153-машқ.** Ўзингиз ёзувчи Асқад Мухторнинг «Чинор» романидан эга эргаш гапли қўшма гапга учта, кесим эргаш гапли қўшма гапга учта мисол танлаб кўчиринг.

### Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап

**73-§.** Тўлдирувчи эргаш гап бош гапдаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчининг ёки бош гапда қўлланмаган тўлдирувчининг маъносини изоҳлаб, конкретлаштириб келади: *Ойқиз, сиз* ***шуни яхши билингки, сизнинг жуда кўп самимий дўстларингиз бор.*** *(Ш. Р.) Билиб қўйки,* ***сени Ватан кутади.*** *(F. F.)*

Биринчи мисолдаги тўлдирувчи эргаш гап ***(Сизнинг жуда кўп дўстларингиз бор)*** бош гап *(Ойқиз, сиз* ***шуни*** *яхши билингки)* даги кўрсатиш олмоши билан ифодаланган тўлдирувчи *(шу)* ни изоҳлаб, конкретлаштириб келган. Шунинг учун ҳам бу эргаш гап тўлдирувчи эргаш гап, қўшма гап эса тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап ҳисобланади. Иккинчи мисолдаги эргаш гап ***(Сени Ватан кутади)*** бош гап *(Билиб қўйки)* таркибидаги қўлланмаган тўлдирувчининг маъносини, яъни уни ватан кутаётганини билиб қўйиши кераклигини очиб беряпти. Шунга кўра, бу ҳам тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап ҳисобланади.

Тўлдирувчи эргаш гап кўпинча бош гапдан кейин келади ва бош гапга ***-ки, -ми*** ёрдамчилари орқали бирикади. Бу ёрдамчилар бош гапнинг кесимига қўшилиб келади: *Шунга иқрор бўлингки,* ***Олихўжамақсум одамларга ўтказган зулми учун халқ олдида жавоб бермай қолмайди.*** *(Ас. М.) Ҳеч шубҳа йўқки,* ***пахтакорларимиз Ватан, халққа берган ваъдаларини муддатидан олдин бажарадилар.*** *Биласизми,* ***хўжайиннинг Нури деган қизлари бор.*** *(О.)*

Бу мисолларда тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга ***-ки, -ми*** ёрдамчилари орқали бириккан. Биринчи мисолда тўлдирувчи эргаш гап бош гапдаги воситали тўлдирувчи *шунга* сўзининг маъносини конкретлаштириб келган бўлса, кейинги икки мисолда бош гапда қўлланмаган, лекин мазмуни тўлдирувчи эргаш гап томонидан англашилиб турган тўлдирувчини изоҳлаб келган.

**154-машқ.** Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапни топиб ёзинг. Бош гап тагига тўғри, эргаш гап тагига тўлқинли чизиқ чизинг.

1. Кўриб турибманки, юрагингизда яхши бир дардингиз бор. *(Ас. М.)* 2. Раис кўрдики, бошқа гапга ўрин йўқ. *(Ш. Р.)* 3. Ҳа, уқдириб юборки, бу пулга буғдой олсин. *(О.)* 4. Мен хоҳлар эдимки, бу тарқоқ ҳаракат бир изга тушса. *(А. Қ.)* 5. Яна айтки, бу халқ сира ўлмайди. *(Ҳ. О.)* 6. Биласизми, ерларимиз Қизилқум билан чегарадош. *(Ш. Р.)* 7. Онаҳон қалби билан сездики, Собиржони қандайдир хавфли, даҳшатли бир ишга бош қўшибди. *(Ас. М.)*



**155-машқ.** Ўзингиз ёзувчи Асқад Мухторнинг «Чинор» романидан тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапга бешта гап топиб ёзинг. Эргаш гапни бош гапга бириктирувчи всситалар ҳар хил бўлсин.

### Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап

**74-§.** Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги аниқловчи вазифасида қўлланган сўзларнинг маъносини изоҳлаб, конкретлаштириб келади.

Аниқловчи эргаш гап бош гапда аниқловчи вазифасида келган *айрим, шундай, баъзи* каби сўзларнинг маъносини тўлароқ очиб беради: *Биз шундай кутубхона бино қилайликки,* ***бутун эл олдида манзур ва мўътабар бўлсин.*** *(О.)* Бу мисолдаги эргаш гап ***(Бутун эл қошида манзур ва мўътабар бўлсин)*** бош гап *(Биз шундай кутубхона бино қилайликки)*да аниқловчи вазифасидаги *шундай* сўзининг маъносини конкретлаштириб келган.

Аниқловчи эргаш гап бош гапга ***-ки*** ёрдамчиси орқали бирикади ва эргаш гап бош гапдан кейин келади: *Сизда айрим нуқсонлар борки,* ***сиз уларни тезда бартараф қилишингиз керак. Орамизда баъзи қолоқ одамлар борки, улар хотин-қизлар фаолиятини камситадилар.***

**156-машқ.** Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг. Бош гап тагига тўғри чизиқ, эргаш гаплар тагига тўлқинли чизиқ чизинг.

1. Қиши ҳаётида шундай ҳаяжонли дақиқалар бўладики, бу ҳолатни на тил, на бирон ҳаракат билан ифодалаб бўлади. *(С. Аҳм.)* 2. Иш жараёнида шундай масалалар ҳам чиқардики, бу Ойқиз учун ҳал қилиб бўлмайдиган даражада мураккаб ва масъулиятли туюларди. *(Ш. Р.)* 3. Она биладики, энди ҳар наҳор, Бутун Ватан бўйлаб тўлишар баҳор. *(Ҳ. О.)* 4. Қизим, шуни унутмаки, ёмонларга йўлдош бўлмаслик керак. *(Ш. Р.)* 5. Ер юзида шундай тарбия борки, бу тарбияни кўрган киши куч ва умрини самарасиз, худбинлик натижаси бўлган ишларга сарф қилмайди. *(А. Қ.)* 6. Гапнинг даромадида шуни айтмоқчиманки, бу демак эскиликка ўт қўйиш демак. *(Ас. М.)* 7. Бизга шундай илмий-техника маркази керакки, унга турли ихтисосдаги юзлаб ишчилар бирлашсин. *(А. Қ.)*

**157-машқ.** Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романидан аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларга бешта мисол топиб ёзинг.

### Равиш эргаш гапли қўшма гап

**75-§.** Равиш эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қайтарзда бажарилишини билдиради: ***Юрагида ҳислар тўлиб-тошиб,*** *Ўктам ҳайкал теварагида анча вақт аста-секин юрди. (О.)* Бу мисолда равиш эргаш гап *(Юрагида ҳислар тўлиб-тошиб)* бош гап *(Ўктам ҳайкал теварагида анча вақт аста-секин юрди)* даги ҳаракатнинг қайҳолда бажарилганини ифодалаган.

Равиш эргаш гаплар бош гапга, кўпинча, равишдошнинг ***-(и)б, -май (-масдан)*** аффиксини олган формалари орқали боғланади.

Равиш эргаш гаплар бош гапдан олдин, бош гапнинг ўртасида ёки бош гапдан кейин келади: ***Назокатнинг овози титраб,*** *юраги урар эди. (С. Аҳм.)* ***Ҳасанжоннинг қадди ёйдай букилиб, икки кўзидан ёши тўкилиб, ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб,*** *ўғлига қараб бир сўз деди. («Ўзбек халқ достонлари».) Бу ҳаётни окопларда, землянкаларда, қорда, бўронда, ўт ва ўлим гирдобида,* ***бағри хун бўлиб,*** *соғинганмиди у? (О). Ойимлар ўтирар кокилин осиб,* ***Мушки анбар ҳиди ҳар ённи босиб.*** *(Ислом шоир.)*

**158-машқ.** Равиш эргаш гапли қўшма гапларни топиб айтинг. Уларнинг қандай ёрдамчилар орқали бирикканини тушунтиринг.

1. Йўл четидаги жар узоқлашиб, қушларнинг овозлари ҳам тинди. *(Ш. Ҳолмирзаев.)* 2. Сабрим чидамай, юқорига интилдим. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати қўзғалиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. *(М. Исм).* 4. Кун чошгоҳдан ошиб, Чорсуда халқ ола-ғовури бошланди. *(А. Қод.)* 5. Менинг ранг-рўйим ўчганини кўриб, онам югуриб келди. *(А. Қ.)* 6. Буларнинг йиғисини эшитиб, Ҳамидахон югуриб чиқди. *(М. Исм.)* 7. Қиш уйқусидан уйғониб, қуёшга интилаётган зумрад япроқлар ел билан сеҳрли тилда сўзлашаётгандай шивирлайди. *(С. Кароматов.)*

**159-машқ.** Бош ва эргаш гапни бириктирувчи воситаларни аниқланг, тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Булбуллари нағма соз этиб Чечаклари ишва-ноз этиб Оғочлари сарафроз этиб Ҳусни тўлиб очилур баҳор. (*У.*) 2. Наимийнинг бирор иши ўнгидан келмасдан бирор мақсади юзага чиқмасдан умри бекорга ўтди. *(Ас. М.)* 3. Сизга таянади республикамиз Ўзимнинг лобарим, чечан қизим деб. *(F. F.)* 4. Отлар юролмай чалкашиб Кўп ўликлар қопдай шишиб Ҳасан қилди майдонда жанг. *(Эргаш Жуманбулбул ўғли.)* 5. У юраги ҳовлиқиб бир зумда перроннинг у бошидан бу бошига бир неча марта бориб келди. *(А. Қ.)* 6. Чечаклар тўлғаниб қушлар сайраб Тонг еллари ғир-ғир эсади. *(У.)* 7. Жўравойнинг киприклари пирпираб беихтиёр гимнастёркасининг тугмасини бурай бошлади. *(С. Аҳм.)* 8. Шу пайт Ефим бирдан авзойи ўзгариб ерга қараб ўйлаб қолди. *(Ас. М.)*

**160-машқ.** Ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Қадрдон далалар» повестидан равиш ҳоллари иштирок этган гапга учта, равиш эргаш гапли қўшма гапга учта мисол топиб ёзинг.

### Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап

**76-§.** Ўхшатиш эргаш гаплар бош гапдаги воқеа-ҳодисани ўхшатиш йўли билан изоҳлайди ва ***гўё, -ганидай, -гани, сингари*** ёрдамчилари орқали бош гапга бирикади: ***Темир увоқлари оҳанрабо парчасини ургандай,*** *ҳамма Павелни ўраб олди. (М. Г.)* ***У қимир этмади, гўё асаби ҳам, сезгилари ҳам ўлган эди.*** *(Ас. М.)* ***Башорат, худди елкасидан биров туртгандек,*** *чўчиб ўрнидан турди. (Ас. М.)*



**161-машқ.** Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг. Эргаш гапларни бош гапга бириктирувчи ёрдамчиларнинг тагига чизинг.

1. Юқорида айтганимдек, чинор ҳақида гапирмай туриб, Очил буванинг таърифига киришиш ҳам қийин. *(Ас.М.)* 2. Чиннихоннинг қорача юзига қон қуюлиб, унинг юзлари қуюқ қизғиш тусга кирган эди. *(П. Қ.)* 3. Аям гаранг бўлиб қолди, нафаси титраб, бирнималар деди. *(А. Қ.)* 4. Худди нафаси сиқаётгандек, у ўзини уй ичига сиғдирмайди. *(М. Исм.)* 5. Пўлатжон ётоқхонага суяклари зирқираб, ҳориб келарди-ю, аммо руҳи тетик бўларди. *(Ш. Р.)* 6. Кечаги гул япроқчаларига қўнган оппоқ қиров қуёш чиққанда аста-секин кўтарилгани сингари, унинг чеҳрасидаги ваҳм ҳам тарқалиб борди. *(М. Исм.)* 7. Гўё орадан шунча воқеалар ўтиб кетмагандек, шунча йиллар давомида улар доим бирга бўлгандек эди. *(Ас. М.)*

### Сабаб эргаш гапли қўшма гап

**77-§.** Сабаб эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш сабабини билдиради: *Олимжон хатни ўқий олмади,* ***чунки кабинетга бюро аъзолари йиғила бошлаган эди.*** *(Ш.Р.)* ***Биз ерга кўп куч сарф қилдик,*** *шунинг учун ҳосил мўл бўлди.*

Мисоллардаги эргаш гаплар *(Кабинетга бюро аъзолари йиғила бошлаган эди. Биз ерга кўп куч сарф қилдик)* бош гаплар *(Олимжон хатни ўқий олмади. Ҳосил мўл бўлди)* даги ҳаракатнинг юзага келиш ёки келмаслик сабабини билдиради.

Сабаб эргаш гап бош гапга *чунки, негаки, шекилли, шунинг учун,* ***-гани учун, -гани туфайли, -ганидан, -(и)б, -май*** каби ёрдамчилар орқали бирикади.

Сабаб эргаш гап *чунки, негаки, сабабки* ёрдамчилари орқали бирикканда бош гапдан кейин, *шунинг учун,* ***-гани учун, -гани туфайли, -ганидан, -(и)б, -май,*** *шекилли* ёрдамчилари билан бирикканда бош гапдан олдин келади. Турли ёрдамчилар билан қўлланган сабаб эргаш гапларнинг тартибини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Бош гап { ***, чунки*** / ***, негаки*** / ***, сабабки*** } эргаш гап.

2. Эргаш гап { *, шунинг учун* / ***-гани учун,*** / ***-гани туфайли,*** / ***-ганидан,*** / ***-(и)б,*** / ***-май,*** / ***шекилли,*** } бош гап.

Мисоллар: *Султонмурод подшолардан афзал,* ***чунки, оламнинг хазинаси унинг бошига жамланган.*** *(О.)* ***Бизнинг турмушимиз унга ёқди,*** *шунинг учун мен розилик бердим.* ***Климов қизиқроқ гап айтди шекилли,*** *Жўрабой бутун гавдасини ларзага келтириб кулди. (С. Аҳм.)* ***Янги ерлар очилиб,*** *кўп одам кўчиб келди. (Қўшиқдан.)* ***Дарё тошганлиги учун*** *экиннинг ярми нобуд бўлди. (С. А.)* ***Бойнинг сўзи ўтмай, ерга кучи етмай,*** *қишлоқдан чиқиб кетди. (Ислом шоир.)*

**162-машқ.** Сабаб эргаш гапли қўшма гапларни ажратиб ёзинг. Бириктирувчи воситаларини кўрсатинг.

1. Ориф ака кўтарган мавзу чуқурроқ эди, шунинг учун кўпчилик индамай ўтирди. *(Ас. М.)* 2. Ҳурматли ўқувчим, мен ёзган сўзлар сиз учун янгилик эмас, чунки сиз ҳам ана шу кўп миллатли иноқ оилада яшаяпсиз, ҳар қадамда ана шу дўстлик самараларини кўриб турибсиз. *(Ш. Р.)* 3. У жуда лаванг бўлганидан, биз уни шундай деб атардик. *(О.)* 4. Турғуннинг қулоғига бирдан чарсиллаб қамчи тегди, шунинг учун у ўзини таппа ерга ташлади. *(О.)* 5. Шу куни тонгдаёқ икки чўпонни тош босибди деган хабарни эшитиб, тиззалари бўшашиб кетди. *(Ас. М.)* 6. Шу Чоридаққи ёнида бўлгани учун, юраги бир оз босилди. *(Ас. М.)* 7. Қадимги замонда аёллар ўзига ўзи аёл, яъни мунгли, муштипар деб қараши табиий бўлган, чунки унинг кўз ёшидан бошқа орқа таянчи йўқ эди. *(А. Қ.)* 8. Шундай фожиали воқеаларни кўрсатдики, қотиб қолдим. *(О.)* 9. У киши гапириб бўлгач, одамлар дув этиб чиқиб кетди. *(О.)*

**163-машқ.** Аввал сабаб ҳолли содда гапларни, кейин сабаб эргаш гапли қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Сабаб ҳолларининг ифодаланишини тушунтиринг.

1. У севинганидан қичқириб юборди. *(А. Мираҳмедов.)* 2. Бу уйлар илгари бедахона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ эди. *(О.)* 3. Пўлат совхоз посёлкасига миннатдорчилик билан тикилди, чунки совхоз унинг меҳнат йўлида муҳим босқич эди. *(Ш. Р.)* 4. Аҳрор амаки ҳақида янги маълумотлар топганим учун ўзимда йўқ хурсанд эдим. *(Ф. Муҳамадиев.)* 5. У ўтакетган мақтанчоқ, манман бўлганидан, ҳеч кимга ёқмасди. *(А. Қ.)* 6. Икки кун кўзлаб борилган қудуқ қуруқ чиқиб, айланиш йўлдан уч довон ошиб сув излашга тўғри келди. *(Ас. М.)* 7. Акрамжон, бутун диққати хотинида бўлгани учун, мени пайқамади. *(А. Қ.)* 8. Саида кўзи билан «давом эта бер» деб ишора қилди, чунки бошқа чора йўқ эди. *(А. Қ.)*

**164-машқ.** Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романидан олтита сабаб эргаш гапли қўшма гап топиб ёзинг. Эргаш гап бош гапга турли воситалар орқали бириккан бўлсин.

### Мақсад эргаш гапли қўшма гап

78-§. Мақсад эргаш гап бош гапдаги ҳаракат ёки воқеанинг қандай мақсад билан юзага келишини билдиради. Бундай қўшма гапларнинг қисмлари ўзаро *деб (дея), учун* ёрдамчилари воситасида бирикади:



***Украин қиз кийсин деб атлас,***
*Ипак куртга пилла ўратар. (А. Умарий.)*
***Серёжа уйғониб кетмасин учун,*** *лампани қсғоз қалпоқ билан беркитдим. (С. Бабаевский.)*

Мақсад эргаш гапларнинг кесими кўпинча буйруқ-истак майли формасидаги феъллар билан ифодаланади. Бундай эргаш гаплар содда гапдаги каби буйруқни эмас, балки мақсад-истакни ифодалайди: ***Ҳовуз атрофи соя-салқин бўлсин деб,*** *биз турли дарахтлар экдик.* Бу мисол мазмунидан ҳовуз атрофи соя-салқин бўлиши ҳақидаги буйруқ эмас, балки ҳовуз атрофи соя-салқин бўлсин деган умид (шундай мақсад) маъноси англашилади.

Мақсад эргаш гаплар **қандай мақсад билан? нима мақсадда?** каби сўроқларга жавоб бўлади.

Мақсад мазмунини янада бўрттириб кўрсатиш учун эргаш гап олдида *зора, шояд* каби сўзлар ҳам ишлатилади: ***Зора хўжайиннинг кўнгли бир оз ёзилса деб,*** *меҳмон гаплашади, ҳасратлашади. (Ас. М.)*

Мақсад эргаш гап бош гапдан олдин ёки ундан кейин келади: ***Юртимиз шоҳилар билан тўлсин деб, Озод, ҳур халқимиз шойи кийсин деб,*** *Топшириқ ўн минглаб тоннадан пилла... («Ҳат».) Бу йил илк баҳорда уч қишлоқни ошиб, бир йигитни кўргани бордим —* ***зораки ўғилларимнинг тўпида бўлса*** деб. *(О.)*

**165-машқ.** Гапларни ўқиб, улар орасидан мақсад эргаш гапли қўшма гапларни ажратиб кўчиринг.

1. Меҳнат қанчалик қийин бўлса, самараси шунчалик ширин бўлади. *(С. Аҳм.)* 2. Алёша чизмакашникида юрган чоғларида китоб ўқигани учун, чизмакашнинг хотини ва онаси уни таъқиб қилар эди. *(М. Г.)* 3. Қишининг иши тўғрилик бўлса, бу унинг учун энг яхши мақтовдир. *(А. Навоий.)* 4. Ота ўғлининг уйқусини бузмай деб, ниҳоят эҳтиётлик билан ўрнидан тураётир. *(Р. Файзий.)* 5. Теримчилар яхши ҳордиқ чиқарсин деб, яхши концерт уюштирдик. 6. Онамни кўрсам деб, отпуска вақтида қишлоққа чиқдим. 7. Укаларим хурсанд бўлишсин деб, бир қанча ўйинчоқлар, қизиқ-қизиқ китоблар сотиб олдим.

**166-машқ.** Нуқталар ўрнига керакли ёрдамчиларни қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Анорхоннинг қўли куймасин . . ., Собир ўзи қумғонларни илдам ўчоқдан олди. *(О.)* 2. Илм игна билан қудуқ қазиш деган қадимги фикрга ҳужраларнинг андозаси ёрқин бир мисол бўлсин . . ., замонлар меъмори, санъатда толиби илмлар шу андозани қабул қилган бўлсалар, эҳтимол. *(О.)* 3. Тол экдим сув бўйига, соя салқин бўлсин . . ., Ғайрат қилган ботирлар салқинда дам олсин . . . . *(Қўшиқдан.)* 4. Колхозлар кўприк солди: қизил карвон ўтсин . . ., Бизнинг терган пахтамиз Давлатга тез етсин . . . . *(Қўшиқдан)* 5. У, эсини ўнглаб томошабин тўпланмасин . . ., дадасига жеркиброқ «юринг» деди. *(А. Қ.)* 6. Одамлар тинч ухласин кўча-кўйда уларга

ҳеч ким озор бермасин . . ., айланиб юришгандир. *(С. З.)* 7. Бахтимиз қолмасин . . . Зулматнинг кўлкасида, Дарё-дарё қон тўкиб, Бу кунни келтирганмиз. *(Ғ. Ғ)* 8. Ишончимни доим оқла . . ., Хазонлардан мени сақла . . ., Улуғ жангда мени ёқла . . ., Қурол бердинг қўлларга баҳор. *(У.)* 9. Бахтим борми экан . . ., Менга ёрми экан . . ., Кела бердилар бари, Каттакон чинор сари. *(Ҳ. О.)*

### Пайт эргаш гапли қўшма гап

**79-§.** Пайт эргаш гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиш вақтини билдиради: ***Онахон гап бошлаганда,*** *шовқин яна тинди. (Ас. М.)* ***Босмачилар тор-мор келтирилгандан кейин,*** *Жўраев беш йил ўқишда бўлди. (Ш. Р.)* ***Кеч кириб,*** *ҳавонинг тапти қайтди. (С. Аҳм.)*

Келтирилган мисолларда пайт эргаш гаплар ***(Онахон гап бошлаганда. Босмачилар тор-мор келтирилгандан кейин. Кеч кириб.)*** бош гаплар *(Шовқ н яна тинди. Жўрабоев беш йил ўқишда бўлди. Ҳавонинг тапти қайтди.)* даги ҳаракатнинг қайвақтда юзага келишини билдирган.

Пайт эргаш гап бош гапга ***-ганидан кейин*** *(сўнг, аввал),* ***-ганда, -ган вақтда*** *(пайтда),* ***-масдан, -масдан олдин*** *(бурун, аввал),* ***-(а)р, -мас, -(и)б, -гач, -гунча, -май, -(и)ши, билан*** каби ёрдамчилар орқали бирикади: ***Дилшод қайтиб келганда,*** *Ашурмирзо Зулфиқор ота билан гаплашиб ўтирган эди. (М. Исм.)* ***Акрамхон ўрта мактабни тамом қилгач,*** *отаси уни Тошкент университетига юборди. (Ш. Р.)* ***Холмат чиқиб кетиши билан,*** *Баҳор Пўлатнинг ёнига бориб ўтирди. (Ш. Р.)* ***Сидиқжон то хушини ўнглагунча,*** *Болтабой бостирмага кириб келди. (А. Қ.)* ***Орадан кўп вақт ўтмай,*** *идорага чоллар киришди. (А. Қ.)* ***Хизматчи дастурхонни йиғиштиргандан сўнг,*** *шаҳзоданинг йигитларидан бири кирди. (О.)*

Пайт эргаш гап, асосан, бош гапдан олдин келади. Баъзан бош гапдан кейин ҳам келади: *Келиб қолғай денг, албатта,* ***Очилгунча гули боғлар.*** *(Ҳ. Ҳ.)* ***Йиғлаб уйга кирарканман,*** *бувим мени кучоқлаб қарши олди. (О.)* ***Дарвозадан чиқиб, катта йўлдан бир оз юрилгач,*** *чап томондаги толзор кўчага бурилишди. (А. Қ.)*

**167-машқ.** Пайт ҳолли содда гапларни ва пайт эргаш гапли қўшма гапларни аниқланг.

1. Оёқ остида мушак портлаб, кўзи тинди. *(Ас. М.)* 2. Йўлдошнинг юраги орқага тортиб, ранги қув ўчди. *(Ас. М.)* 3. Коронғи тушгунча даштдан чиқиб олмасак бўлмайди. *(А. Қ.)* 4. Гапингиздан маълумки, сиз бу ерга савдо иши билан тез-тез келиб турасиз. *(М. Исм.)* 5. Меҳмонлар етиб боргунча, коронғи тушди. 6. Саида унинг боғчада ишлашига рози эмаслигини сезиб юрган бўлса керак, Кифоятхон хавотирга тушиб чулдураб қолди. *(А. Қ.)* 7. Орадан



беш-олти кун ўтганда, Кулаланинг акаси Додархўжа келди. *(А. Қ.)* 8. Ёлғиз қолганимизда, у менга ҳеч нарса гапирмайди. *(Ас. М.)*

**168-машқ.** Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидан пайт ҳоллари иштирок этган содда гапга тўртта, пайт эргаш гапли қўшма гапга тўрттэ мисол топиб ёзинг.

### Ўрин эргаш гапли қўшма гап

**80-§.** Ўрин эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш, бажарилиш ўрнини билдиради: ***Шамол қайтомондан эсса,*** *майсалар ҳам шу томонга бошини эгади. (Ш. Р.)* ***Қаерда меҳнат интизоми яхши ўрнатилган бўлса,*** *шу ерда унум кўп бўлади.* ***Кўз қаерда бўлса,*** *меҳр ҳам шу ерда бўлади. (Мақол.)*

Келтирилган мисолларда ўрин эргаш гаплар ***(Шамол қайтомонга эсса. Қаерда меҳнат интизоми яхши ўрнатилган бўлса. Кўз қаерда бўлса)*** бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш ўрнини билдирган.

Ўрин эргаш гап бош гапга кўпинча феълнинг шарт майли формаси орқали бирикади. Бундан ташқари, ўрин эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гап таркибида *қаерда — шу ерда, қаердан — шу ердан, қаерга — шу ерга* каби сўзлар қўлланади.

Ўрин эргаш гап асосан, бош гапдан олдин келади.

**169-машқ.** Ўрин эргаш гапли қўшма гапларни кўчириб, бош ва эргаш гапларни ажратиб кўрсатинг.

1. Сен қаерга борсанг, мен ҳам неварамни шу ерга олиб бораман. *(А. Қ.)* 2. Қаерда ғўзага асалари кўп ёпишса, ўша ерда пахта ҳосили ҳам мўл бўлади, асал ҳам. *(Ҳ. Н.)* 3. Менимча, ичимизда писиб юрган бирорта аблаҳ бўлар экан, барибир бунга ҳам биз гуноҳкормиз. *(Ш. Р.)* 4. Чинакам ғамхўрлик бўлса, одамлар яна фидокорона ишлайдилар. *(Ш. Р.)* 5. Зулхумор ойимлар қаерда бўлсалар, сўзга ўргатилган майна ҳам шу ерда бўларди. *(«Ўзбек халқ достонлари».)*

**170-машқ.** Ўрин эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг. Бириктирувчи воситаларни аниқланг, бош гапларнинг тагига тўғри, эргаш гапларнинг тагига тўлқинли чизиқ чизинг.

1. Соф виждонли Одина қаерда бўлса, унинг севгилиси Гулбиби ҳам шу ерда бўлади. *(С. А.)* 2. Халқимиз қаерга қўл урса, шу ерда гул унади, дон унади. 3. Биз қаерга дўстлик қўлини чўзсак, шу ерда халқ бизни олқишлайди. 4. Қорахон подшонинг Ширвон эли қайда бўлса, Равшанбек ҳам шу ерга онасидан сўрамай, отасига билдирмай жўнади. *(Достондан.)* 5. Қаерда бекорчилик бор экан, шу ерда бемаънигарчилик авж олади. 6. Қаердаки раис яроқсиз бўлса, у ерда тартибсизлик ҳукм суради, иш пачава бўлади. *(Г. Николаева.)* 7. Қаерда сув мўл бўлса, у ерда табиат чиройли бўлади.

**171-машқ.** Бирорта бадиий асардан ўрин эргаш гапли қўшма гапларга тўртта мисол топиб кўчиринг. Бош ва эргаш гапларнинг тартибини тушунтиринг.

## Шарт эргаш гапли қўшма гап

81-§. Шарт эргаш гап бош гапдаги воқеанинг қандай шарт билан юзага чиқишини билдиради: ***Қалб саломат бўлса,*** *ақл ҳам, фикр ҳам саломат бўлади. (С. Аҳм.)* ***Мажбуриятни тўла бажарсак,*** *кўчма қизил байроқ биз томонда. (А. Қ.)*

Юқоридаги мисолларда шарт эргаш гаплар ***(Қалб саломат бўлса, Мажбуриятни тўла бажарсак)*** бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиш шартини билдирган.

Шарт эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли формаси ёки ***-ганда, ганда эди*** ёрдамчиси, шунингдек, ***-(а)р+экан*** формалари орқали боғланади: ***Эрта-индин сафар анжоми тайёр бўлса,*** *балки жўнармиз. (О).* ***Султонов аралашмаганда эди,*** *балки Қодиров эгардан тушган бўларди. (Ш. Р.)* ***Агар биз бу қарорни бажарар эканмиз,*** *унда Олтинсой коммунизмга чиқади. (Ш. Р.)*

Баъзан шарт мазмунини янада кучлироқ ифодалаш учун эргаш гапнинг бошида *агар, борди-ю, мабодо, башарти* каби сўзлар келади. ***Агар шу тупроқ бўлмаганда эди,*** *менда на юрак, на бахт, на оила бўлар эди. (Я.)* ***Борди-ю мени чақириб қолсалар,*** *албатта хабар қилинг.*

Шарт эргаш гап, асосан, бош гапдан олдин келади. Баъзан бош гапдан кейин ҳам келади: ***Алишер жаноблариниг азиз бошлари омон бўлса,*** *элимизга дарё-дарё муҳаббатлари оқур. (О.) Оналарда гам қолмас,* ***Мустаҳкам бўлса тинчлик.*** *(F. F.)*

**172-машқ.** Шарт эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг. Эргаш гапнинг тагига тўлқинли, бош гапнинг тагига тўғри чизиқ чизинг.

1. Саводхон топилиб қолса, ёпишиб олиб, одамларга ўқитиб эшиттирамиз. *(М. Исм.)* 2. Асбоб оғирроқ бўлса-ю, қийналиб кетсам, асбобнинг эгаси менга раҳм қилиб, чархни ўзи тортар эди. *(А. Қ.)* 3. Улуғвор қурилишнинг ажойиб манзарасини, умумхалқ ҳаракатининг кўлами ва мақсадини кўз олдига келтирганда эса, қалби қувончларга тўларди. *(Ш. Р.)* 4. Шахсан мен, обрўйимни ерга урар экансиз, тоқат қилолмайман. *(Ш. Р.)* 5. Агар тоғдаги конлардан дарёга тикка йўл очилса, силикат маъданлари қарийб текинга тушади. *(Ас. М.)* 6. Аравалар бугун етиб борса, улар эртага қайтиб келишлари мумкин. *(С. Аҳм.)* 7. Агар шу кўрганларини ҳикоя қилиб берса, улар ишонмасликлари мумкин. *(О.)* 8. Кимки Навоий асарларини ўқиган бўлса, у Навоийнинг қандай талантга эга бўлганини фаҳмлайди. 9. Борди-ю ҳамма бир-бирининг фикрига қўшилаверганда, ҳеч қандай кураш ҳам бўлмас эди. *(Ш. Р.)*

**173-машқ.** Қесимлари феълнинг шарт майли формасида келган шарт эргаш гапли қўшма гапларни ажратиб кўчиринг.

1. Нимани буюрсалар, шуни бажардим. 2. У ноинсофнинг яхшилигини сен кўрган бўлсанг, ёмонлигини биз кўрдик. *(М. Исм.)* 3. Сўрашсам, менга тасалли берар эдингиз. *(А. Қ.)* 4. Қарасам, қарамайсан, қарамасам, қарайсан. 5. Шабнамдан кўрпангиз нам тортиб



оғирлашганда, бошингизни мундоқ чиқариб қулоқ солсангиз қовунполизда кўкчаларнинг тарс-тарс ёрилганини эшитасиз. *(Ас. М.)* 6. Кимки бардош берса, курашса, у бахтга етади. *(Ҳ. Ғ.)* 7. Қимки подшога тил тегизса, у дарҳол ушланиб қамалар эди. *(О.)* 8. Тўртта одам жам бўлса, албатта ҳосил ҳақида, план, центнер ҳақида гап кетади. *(С. Аҳм.)*

**174-машқ.** «Ёш ленинчи» газетасининг бирор сонидаги мақолалардан ***-са, -ганда*** ёрдамчилари орқали бириккан шарт эргаш гапли қўшма гапларга бешта мисол топиб кўчиринг.

**175-машқ.** Қуйидаги жуфт келтирилган содда гаплардан шарт эргаш гапли қўшма гап ҳосил қилиб кўчириб ёзинг.

Намуна: *Дарс бошланади. Ўқитувчи келди — Ўқитувчи келса, дарс бошланади.*

1. Буйруқ берилди. Ишни бошлаймиз. 2. Сиз чақиринг. Мен бораман. 3. Қодир кўрсатди. Бошқалар йўлга тушади. 4. Қўшнинг тинч. Сен тинч. 5. Олим бўл. Олам сеники.

## Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап

82-§. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда бош гап ва эргаш гапдаги мазмун бир-бирига зид бўлса ҳам, шу зидликка, тўсиққа қарамай, бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келиши ифодаланади: ***Ҳаво булут бўлса ҳам,*** *ёмғир ёғмади.* ***Ёмғир аралаш қор ёғиб турган бўлса ҳам,*** *у негадир шошилмас эди. (С. З.)*

Келтирилган мисолларнинг биринчисида эргаш гап ***(Ҳаво булут бўлса ҳам)*** мазмунан бош гап *(Ёмғир ёғмади)* га зид бўлса ҳам, шу зидликка қарамай, бош гапдаги воқеанинг содир бўлгани ифодаланган. Шунингдек, иккинчи мисолда ҳам бош гап *(У негадир шошмас эди)* ва эргаш гап ***(Ёмғир аралаш қор ёғиб турган бўлса ҳам)*** даги воқеа-ҳодиса бир-бирига зид бўлишига қарамай, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келганлиги ифодаланган. Шунга кўра, бундай эргаш гаплар тўсиқсиз эргаш гап ҳисобланади.

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапга ***-са ҳам, -са-да, -ганда ҳам,*** *қарамай* каби ёрдамчилар орқали боғланади: ***Ойқиз ўз нутқи ҳақида шундай ўйласа ҳам,*** *унинг сўзлари Қодировга жуда қаттиқ таъсир қилди. (Ш. Р.)* ***Қанчадан-қанча ўқ боши устидан учиб ўтаётганини сезиб турган бўлса-да,*** *газаб ўтида ёниб олға интиларди. (Ш. Р.)* ***Кўзи ожиз бўлишига қарамай,*** *Султон бўзчи зах дўконда кечаси билан шам ёқиб, бўз тўқиб ўтирар эди. (Ас. М.)*

Тўсиқсиз эргаш гап бош гапдан олдин ёки кейин келади: ***У аслида оппоқ қиз бўлса ҳам,*** *сақич шамоллари қўллари, бўйинлари ва юзларини бир оз қорайтирган эди. (Ҳ. Ғ.) Дунё гўзал кўринар менга,* ***ўзи қанча эски бўлса ҳам.*** *(Ҳ. О.)*

**176-машқ.** Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг.

1. Бу йўл гарчи анча узоқ бўлса ҳам, ундан от-арава, машина ва трактор лар қатнарди. 2. Қодированинг қовоғидан қор ёғилса,

Султонов табассум қиларди. *(Ш. Р.)* 3. Баланд пошнали сариқ этикчаси тошлар устида сирпаниб, оёқлари қайрилиб кетса ҳамки, чопаверди. *(Ш. Р.)* 4. Агар уларни бир-бирига мос деб ҳисоблашмаганда эди, кўзларда ачиниш, масхаралаш сезилган бўларди. *(П. Қ.)* 5. Менинг жисмим тирик бўлса ҳам, қалбим ўлик эди. *(С. А.)* 6. Мажидиддиннинг кўзида кучли саросима очиқ сезилса ҳам, у тилёғламаликни яхши биларди. *(О.)* 7. Агар фонтан бу даражада баҳайбат ва хатарли бўлмаганда, ҳамма дўпписини осмонга отиб суюнган бўларди. *(П. Қ.)* 8. Олдинига у ўзини қандайдир хатарли тоғ йўлидан муқаддас мақсад сари кўтарилаётгандек ва етай-етай деганда чарчаб, дармондан қолса ҳамки, оёқлари олдинга интилгандек ва шундай қилиб мақсадига эришаётгандек ҳис қилди. *(Ш. Р.)* 9. Рихсибой ака қанчалик куйиб-пишиб хуноб бўлса ҳам, барибир қурилиш ишлари ғўза парваришига путур етказаётгани йўқ. *(Р. Ф.)*

**177-машқ.** Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гаплардаги бош гапнинг тагига тўғри, эргаш гапнинг тагига тўлқинли чизиқ чизиб кўчиринг.

1. Қувончи кўксига сиғмаса-да, Назокат одоб юзасидан ўзини хомуш, ҳазин тутишга тиришар эди. *(О.)* 2. Олимжон узоқда бўлса ҳам, фикру зикри Ойқизда, олий инсонда бўларди. *(Ш. Р.)* 3. Бошқалар ўзини ҳар қандай тутиб олган бўлса ҳам, Онахон ҳамон тинчиёлмас эди. *(Ас. М.)* 4. Гарчи Мунисхон тан олмаса-да, келажаги шуҳрат ваъда қилган бир киши эди. *(А. Қ.)* 5. Умурзоқ ота оёқлари увушиб қолган бўлса ҳам, энгашиб ўтирганича соқолини силарди. *(Ш. Р.)* 6. Мирзакаримбой қишлоқи жияни билан сўзлашишдан тўхтаган бўлса ҳам, фикри йигитни ўрганиш, унинг келишининг чин сабабларини мулоҳаза қилиш билан машғул эди. *(О.)* 7. Абдишукурнинг кайфи баланд бўлса-да, ҳуши ҳали ўзида эди. *(О.)* 8. Қуёш яшириниган бўлса ҳам кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди.

**178-машқ.** Тўсиқсиз эргаш гапларнинг жойлашиш тартиби ва қандай ёрдамчилар билан бош гапга бирикканлигини аниқланг.

1. Бу ерлар яқинда ўзлаштирилган бўлса ҳам, МТС директори уни ўзича «эски ер» деб атарди. *(Ш. Р.)* 2. У неча бор турмоқчи, йўлида давом қилмоқчи бўлиб ҳаракат қилса ҳам, кучли оғриқ имкон бермади. *(Ш. Р.)* 3. Сен бераҳм бўлсанг ҳам, аммо Мен душманлик қилмасман асло. *(Ҳ. О.)* 4. Йўлчи қанча такрорласа ҳам, Ёрмат буни пайқамас эди. *(О.)* 5. Бригадамиз унча катта ва кучли бўлмаса ҳам, барча ишнинг уддасидан чиқамиз. *(Ш. Р.)* 6. Аҳвол қийин бўлса ҳам, Дилдорга бериладиган жазо орқага сурилди. *(О.)* 7. Булоқ қазиётган барча колхозчилар чарчаб уйқуга кетганда ҳам, безовталаниб айланиб юради. *(Ш. Р.)* 8. Бугун ҳаво очиқ бўлишига қарамай, у ғамгин ва хаёлчан эди. *(Ш. Р.)*

### Натижа эргаш гапли қўшма гап

**83-§.** Натижа эргаш гап бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келишидаги натижани билдиради: *Дўл бир зумда шундай жадалига олдики,* ***ер оппоқ бўлди.*** *(Ш. Р.) Азимбой шундай зулм ўтказдики,* ***оқибатда халқнинг сабр косаси тўлди.*** *(С. А.) У шундай киноялн ҳаракатлар кўрсатдики,* ***одамларнинг кулгидан ичаклари узилаёзди.*** *(О.)*



Келтирилган мисолларда эргаш гаплар ***(Ер оппоқ бўлди. Оқибатда халқнинг сабр косаси тўлди. Одамларнинг кулгидан ичаклари узилаёзди)*** бош гапдаги ҳаракатнинг натижасини, воқеа-ҳодисанинг хулосасини ифодалаган.

Натижа эргаш гап бош гапга ***- ки*** ёрдамчиси орқали бирикади. Бундай эргаш гаплар кўпинча бош гапдаги ҳаракат белгисини кўрсатадиган *шундай (шунақанги), чунон (чунонам)* каби сўзларнинг маъносини конкретлаштириб келади: *Асрорқул чилимни* ***шундай*** *қаттиқ тортдики,* ***сархонасидан аланга кўтарилди.*** *(А. Қ.) Ғўзаси* ***чунонам*** *етилибдики,* ***кўсаклар нашватидек келади.*** *(С. Аҳм.) Унинг вужудини* ***шунақанги*** *хурсандчилик эгаллаб олган эдики,* ***у ҳатто азоб-уқубатларни ҳам ёдидан чиқарибди.***

Натижа эргаш гап кўпинча бош гапдан кейин келади: *У ҳаёлга шундай чўмган эдики,* ***унинг бу машғулотига ҳеч ким халал бермаса, ҳатто унга шу чоғда, ҳеч ким кўринмаса эди.*** *(П. Т.) Оксананинг шундай аччиғи келдики,* ***ҳатто бурнининг учигача қизариб кетди.*** *(С. Аҳм.)*

**179-машқ.** Натижа эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг. Эргаш гапнинг тагига тўлқинли, бош гапнинг тагига тўғри чизиқ чизинг.

1. Ҳамкорликда шундай ҳосил етказайликки, «Балли» десин тинчликсевар бутун одамзод. *(Ғ. Ғ.)* 2. Касални яширсанг, иситмаси оширкора қилади. *(Мақол.)* 3. Жамолиддин ҳамсуҳбатининг ўнғайсиз аҳволга тушганини сезса ҳам, яна гапни бошқа ёққа бурмади. *(М. Исм.)* 4. У Сувонқулга шундай тикилдики, унинг юзидаги шубҳами, шодликми ёки ишончсизлик аломатими — буни асло билиб бўлмасди. *(Ш. Р.)* 5. Сен пахтани алдасанг, пахта сени алдайди. *(Ш. Р.)* 6. Хоним унинг муддаосини сезиб турса ҳам, яна ўзини хурсанд бўлган кишига солди. *(М. Исм.)* 7. Погодин шунчалик тез юрар эдики, Ойқиз билан Олимжон тенглаша олмасди. *(Ш. Р.)*

**180-машқ.** Аввал аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни, сўнгра натижа эргаш гапли қўшма гапларни кўчиринг. Уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонларини тушунтиринг.

1. Темир Акбарович бу сўзларни шундай ички дард билан айтдики, Очил беихтиёр «Қаёқдан биласиз?» деган маънода унга тикилиб қолди. *(П. Қ.)* 2. Гўзаллик, софлик шундай нарса эканки, киши энг оғир минутларда бирпас яқинида бўлишини истаркан. *(П. Қ.)* 3. «Дуварак» танкка шунчалик яқин бориб граната ташлабдики, унинг парчаси ўзига ҳам тегибди. *(А. Қ.)* 4. У шундай ёқимли болаки, кўришинг билан унинг ёнидан кетолмайсан. *(С. Абд.)* 5. Пешанасининг кенглиги, қошларининг ораси очиқлиги ва олд тишларининг шу хилдалиги унинг чеҳрасига шундай табиий бир соф диллик бағишлабдики, Маҳкам буни жуда чиройли қизларда ҳам кўрган эмас. *(П. Қ.)*

6. У бутун оламни унутиб, ғўзаларга шунча суқ ва ҳавас билан термилар эдики, ҳатто Ойқизнинг орқада қолганини сезмади. *(Ш. Р.)*

181-машқ. Асқад Мухторнинг «Чинор» романидан натижа эргаш гапли қўшма гапга саккизта мисол топиб кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни бириктирувчи воситаларни белгилаб кўрсатинг.

***Қўшма гаплар бўйича умумий такрор учун машқлар***

182-машқ. Берилган гаплар ичидан қўшма гапларни топиб кўчиринг, қўшма гапнинг қайси турига киришини қавсда кўрсатинг.

1. Шахсан мен шундай погонада турибманки, энди ҳамма нарса кўзга ташланади. *(Ш. Р.)* 2. Ним шабадада яшил булутнинг ҳар жой-ҳар жойи совундай кўпириб, азим чинорнинг сирли бағридан чиқиб келган сокин ва қудратли шовиллаш оламни тутди. *(Ас. М.)* 3. Ё ишонмай, ё ловиллаб ўт оладиган бўлса, қадрдони билан ёниб кетиш ниятида ўша кечаси ўзи ёлғиз чинор қошига кетади. *(Ас. М.)* 4. Оқчурин шундай пишиқ эканки, Сергей Петрович ёнғинда Тешабойнинг ўзини айбдор қилиб қўйибди. *(М. Исм.)* 5. Меҳмонлар ювиниб бўлгунча, рух самовар келди. *(Ас. М.)* 6. Бириси туз келтирса, бириси ўт-у чироқ. Бириси бўстон қурса, бири янги иморат. *(Ғ. Ғ.)* 7. Биз ҳали жавоб бермасдан, Малоҳат эшикни очиб қаради. *(А. Қ.)* 8. Ишга чиқмаса, сир счилади. *(А. Қ.)*

183-машқ. Қуйидаги қўшма гапларни эргашган қўшма гапга айлантиринг.

1. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди. 2. Ҳаво булут бўлди, лекин ёмғир ёғмади. 3. Қор ёғди — дон ёғди. 4. Китобни севинг, китоб сизни кўп нарсага ўргатади.

184-машқ. Эргашган қўшма гапларнинг турини ва бириктирувчи воситаларини айтинг.

1. Иш тамом бўлиши билан, Рустам Пўлатнинг олдига келди. 2. Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, яктагининг енги зулфинга илиниб тирсаккача йиртилди. *(А. Қ.)* 3. Биринчи масала тугаб, иккинчи масалага ўтилганда, Қаландаров ўрнидан турди. *(А. Қ.)* 4. Баҳор ўтдими, ҳамма ёқ жимжит. *(О.)* 5. Бўталоқ шундай чиройли, ёқимли эдики, ҳамманинг ҳаваси келарди. *(О.)* 6. Осмон ёруғ бўлса ҳам, пастда оқшом қоронғиси ғира-шира босиб келмоқда эди. *(Ас. М.)* 7. Бу мазлум кўзларда шунча мазмун бор эдики, Дилшод ҳаммасини тушунди. *(М. Исм.)* 8. Ғуломжон акам рус тилини шундай билиб олганки, мусулмонлигини юзидан билмасангиз, сўзидан билмайсиз. *(М. Исм.)*

**БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАПЛАР**

**84-§.** Қўшма гапни ташкил қилувчи содда гаплар ўзаро ҳеч қандай боғловчиларсиз ёки боғловчи вазифасидаги ёрдамчиларсиз, фақат интонация воситасида бирикиб, боғловчисиз қўшма гапни ҳосил қилади: *Кўп сўзнинг ози яхши, оз сўзнинг ўзи яхши. (Мақол.) Кўкламнинг сайроқи қушлари табиат кўринишларини куйламоқдалар, кўм-кўк кўкатлар силкиниб қушларни олқишламоқдалар. (О.)*



Боғловчисиз қўшма гапларни ташкил қилган бирдан ортиқ содда гаплар тенг ҳуқуқли бўлиши ёки тенг бўлмаслиги мумкин.

Боғловчисиз қўшма гаплар тенг ҳуқуқли содда гаплардан тузилганда, улар орасига тенг боғловчиларни қўйиш мумкин. Бундай қўшма гап қисмлари орасида тенглик интонацияси мавжуд бўлади. Лекин улар орасида тенг боғловчилар қўлланса, боғловчисиз қўшма гап эмас, боғланган қўшма гапга айланади. Қиёсланг: *Ўқитувчи келди, дарс бошланди* (боғловчисиз қўшма гап) — *Ўқитувчи келди* ***ва*** *дарс бошланди* (боғланган қўшма гап). *Қилич яраси тузалади, тил яраси тузалмайди* (боғловчисиз қўшма гап) — *Қилич яраси тузалади,* ***лекин*** *тил яраси тузалмайди* (боғланган қўшма гап).

Боғловчисиз қўшма гаплар тенг ҳуқуқли бўлмаган гаплардан ташкил топиб, эргашган қўшма гап мазмунини ифодалайди, шунинг учун улар орасида эргаштирувчи ёрдамчиларни қўллаш мумкин. Бу ёрдамчиларни ишлатиш билан эргашган қўшма гап ҳосил қилинади: Қиёсланг: *Қўшининг тинч — сен тинч (Мақол.)* (боғловчисиз қўшма гап) — *Қўшининг тинч бўлса, сен тинчсан* (шарт эргаш гапли қўшма гап). Тенг бўлмаган қисмлардан тузилган боғловчисиз қўшма гаплар орасида тобеланиш интонацияси мавжуд бўлади: *Арава нотинч бўлди — қўшқулоқдаги сут чайқалади, тўкилади. (А. Қ.) Қўрқитмай ўстирдим, ботир бўлдингиз. (Эртакдан.)*

Демак, боғловчисиз қўшма гапларнинг иккинчи турида қўшма гап тенг ҳуқуқли гаплардай шаклланган қисмлардан тузилган бўлса ҳам, мазмунан қўшма гап қисмларининг бири иккинчисига тобе, бири иккинчисини изоҳлаб, тўлдириб келади.

185-машқ. Куйида берилган боғловчисиз қўшма гаплар орасига қандай боғловчилар ёки ёрдамчилар қўйиш мумкинлигини ва улар қандай мазмун ифодалаётганини тушунтиринг.

1. Тўқмоқ билан бошига урдинг — боши пачоқ-пачоқ бўлиб кетади. *(Эртакдан.)* 2. Тошпўлатов жавоб кутди, Акрамов индамади. *(Р. Ф.)* 3. Болалар у ёқдан-бу ёққа чопар, ҳайқирар, ёш-яланг ашула айтиб, аския қилиб, бир-бирини қувлашиб борар; қариялар ёшлик чоғларини қўмсаб, бир-бирларига ҳар хил ҳазиллар қилишар эди. *(А. Қ.)* 4. Москва бор — меҳнатда шараф эътибор. *(Ғ. Ғ.)* 5. Ўктамнинг нияти холис, қадами тоза. *(О.)* 6. Овқатланиб олишсин, йўл огир. *(Эртакдан.)* 7. Ўқишдан кейин йигитлар уни чойхонага таклиф этар, Холмурод кўнгиллари учун борар эди. *(П. Т.)* 8. Ерларимизни қондириб-қондириб суғорайлик, ана шунда бу ерлар ҳам ҳосил кони бўлади. *(Ш. Р.)* 9. Ит ҳуради, карвон ўтади. *(Мақол.)* 10. Бригадир келди — иш бошлаймиз.

186-машқ. А. Қаҳҳорнинг бирор асаридан боғловчисиз қўшма гапларга ўнта мисол топинг.

**МУРАККАБ ҚЎШМА ГАПЛАР**

**85-§.** Қўшма гаплар баъзан уч ёки ундан ортиқ қисмлардан тузилиб, мураккаб қўшма гапни ҳосил қилиши мумкин: *Мен ўзимни инсон билганда, Гулга тўлиб баҳор кирганда, Юрагимда ҳавас*

*уйғонди. (Ҳ. О.) Адирлар ранг-баранг гуллар билан ясанади, сойликда сувлар тошиб ҳайқиради, лекин буларнинг барчасини она кўрмади сира. (О.) Кеч киргач, улар уйга келишганда, ҳали қуёш ботмаган, ҳаво ниҳоят дим эди. (С. Аҳм.)*

Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчиси уч гапдан, учинчиси эса тўрт гапнинг қўшилишидан тузилган мураккаб қўшма гапдир.

Мураккаб қўшма гап бир неча эргаш гапнинг бир бош гапга бирикувидан ёки ҳам эргашган, ҳам боғланган, ҳам боғловчисиз қўшма гапларнинг ўзаро бирикувидан тузилади. Шунга кўра, мураккаб қўшма гаплар икки турга бўлинади: 1. Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар. 2. Аралаш қўшма гаплар.

### Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар

**86-§.** Бундай қўшма гапларда бир неча эргаш гап бир бош гапга тобеланиб келади: ***Трактор берилса, ерлар ўз вақтида ҳайдалса,*** *планни ошириб бажарамиз.*

Бу мисолда икки шарт эргаш гап ***(Трактор берилса, ерлар ўз вақтида ҳайдалса)*** бир бош гап *(планни ошириб бажарамиз)* га тобеланиб келган. Шунга кўра, бундай мураккаб қўшма гаплар бир неча эргаш гапли қўшма гап ҳисобланади.

Эргаш гапларнинг ҳамма тури ҳам бирдан ортиқ ҳолда келиб, бир неча эргаш гапли қўшма гапларни ташкил қила олади: ***Ким ўз ватанини севса, ким ўз халқи учун жонини фидо қилса,*** *у қаҳрамон бўлади* (бирдан ортиқ эга эргаш гап бош гапга тобеланган). *Дилоромнинг яна бир яхши томони шуки,* ***қўли очиқ, дили покдир*** (иккита кесим эргаш гап бир бош гапга тобеланган). *Шундай ҳаёт туғилдики,* ***у сенсиз яшнай олмайди, сен унинг қудратли кучисан*** *(Ас. М.)* (аниқловчи эргаш гап бирдан ортиқ келган). *Биласанми,* ***бир мамлакат дунёда бор, Унда барча тенг ва эркин ҳам бахтиёр.*** *(О.)* (тўлдирувчи эргаш гап бирдан ортиқ келган). ***Қаерда бахт бор бўлса, қаерда кулги бўлса,*** *шу ерда қўшиқ жаранглайди* (ўрин эргаш гап бирдан ортиқ келган).

Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар икки турли бўлади: 1. Биргалик эргашув орқали тузилган бир неча эргаш гапли қўшма гаплар. 2. Кетма-кет эргашув орқали тузилган бир неча эргаш гапли қўшма гаплар.

Биргалик эргашув орқали тузилган турда бирдан ортиқ эргаш гап бош гапга алоҳида-алоҳида боғланиб келади. Бир неча эргаш гапнинг бу хилда эргашуви уюшиқ бўлаклар муносабатига ўхшайди: ***Қизлар чайладай бузилиб, мунчоғи узилиб, оёғи қалтираб, кўзлари ялтираб,*** *сипоҳига бир сўз деди. (Эргаш Жуманбулбул ўғли.)* ***Шамол тинмаган бўлса ҳам, чанг-тўзон осмонни қоплаган бўлса ҳам, чўл қандайдир зерикарли ва хира кўринса ҳам, ёқимсиз булутлар кун нурини тўсиб турса ҳам****, тонг отди. (Ш. Р.)*



Биргалик эргашув орқали тузилган бир неча эргаш гапли қўшма гаплардаги қисмларнинг ўзаро боғланиш схемаси қуйидагича:




Кетма-кет эргашув орқали тузилган турда бирдан ортиқ эргаш гап бири иккинчисига эргашиб, сўнгги эргаш гап бош гапга боғланади. Кетма-кет эргашув орқали бирикадиган бундай қўшма гапларнинг таркибида кўпинча турли типдаги эргаш гаплар иштирок этади: ***Дастлабки вақтларда ёрдам берсангиз, ишлар жўнашиб кетгандан кейин,*** *унча оғирлигим тушмас. (А. Қ.)* Бу мисолда биринчи эргаш гап иккинчи эргаш гапга, иккинчи эргаш гап бош гапга тобеланиш асосида боғланган. Демак, бир неча эргаш гап кетма-кет эргашув йўли билан бош гапга бириккан.

Бундай қўшма гапларнинг ўзаро боғланиш схемаси қуйидагича:




**187-машқ.** Аввал биргалик эргашув муносабатидаги, кейин кетма-кет эргашув муносабатидаги қўшма гапларни кўчиринг. Эргаш гапларнинг қайси туридан тузилганини аниқланг.

1. Пахта терими бошлангач, ҳаво очиқ бўлса ҳам, кўпчилик колхозлар сушилкаларини тайёрлаб қўйдилар. 2. Агар тунов куни бу ерлардан босмачилар тўдаси ўтган бўлсайди, ҳеч бир аломат қолмаганда ҳам, кўчаларда от изи қоларди. *(С. А.)* 3. Ефим Данилович гапираётганда, ҳамма у томонга интилиб, Турсуной билан Башоратга ҳеч ким эътибор бермай қўйди. *(Ас. М.)* 4. Бир куни бозорга тушиб узум олмоқчи бўлган экан, узумфуруш анграйиб, тарозиси қўлидан тушиб кетибди. *(А. Қ.)* 5. Иш ўринсиз бўлгач, киши ҳар қанча уринса ҳам, меҳнат бекорга кетади. 6. Шунда канизлар қўрқиб, юзлари бўзариб, лаблари гезариб, титраб туришди. *(Ислом шоир.)* 7. Кампир кўриниши билан, қилтириқ Маҳсум бояги гапни такрорлаб олдинга интилган эдики, шам ўчди. *(Ас. М.)*

## Аралаш қўшма гаплар

87-§. Мураккаб қўшма гапнинг бу тури гапларнинг ҳам тенгланиш, ҳам эргашиш орқали аралаш бирикувидан ташкил топади: *Бизни тушунган хотинлар қанча кўп бўлса, хавф шунча камаяди ва курашимиз шунча енгиллашади. (Ас. М.)*

Бу қўшма гап тобеланиш ва тенгланиш муносабатига киришган, уч содда гапдан ташкил топган. Биринчи ва иккинчи гаплар *(Бизни тушунган хотинлар қанча кўп бўлса, хавф шунча камаяди)* ўзаро тобеланиш муносабатида бириккан, шунингдек, биринчи ва учинчи гаплар *(Бизни тушунган хотинлар қанча кўп бўлса, курашимиз шунча енгиллашади)* ҳам ўзаро тобеланиш муносабатида бирикади. Иккинчи ва учинчи гаплар *(хавф шунча камаяди ва курашимиз шунча енгиллашади)* эса ўзаро тенгланиш муносабатида бириккан. Агар мураккаб қўшма гап таркибидан биринчи ва иккинчи, биринчи ва учинчи гапларни ажратиб, алоҳида қўлласак, эргашган қўшма гапни, иккинчи ва учинчи гаплар эса боғланган қўшма гапни ташкил қилади. Демак, бу хилдаги қўшма гаплар ҳам эргашган қўшма гап, ҳам боғланган қўшма гаплардан ташкил топади, шунга кўра, бундай гапларни аралаш қўшма гап деймиз.

Бу мисолнинг схемаси қуйидагича:




**188-машқ.** Гапларни кўчиринг. Қўшма гапларнинг нечта қисмдан ташкил топганини аниқланг. Бириктирувчи воситаларнинг тагига чизинг.

1. Шамси кетмоқчи бўлиб турган эди, лекин Сулув қўярда-қўймай ўтовга олиб кирди. *(С. Аҳм.)* 2. Осмонни булут ўради-ю, шатир-шутир қилиб ёмғир қуя бошлади. *(С. Аҳм.)* 3. Қаердадир олисда, қишлоқнинг у бошида ит ҳуради, сойда адашиб қолган қўй маърайди, у ер- бу ерда чироқлар милтирайди. *(О. Ё.)* 4. Шунда Гулчеҳра пари қараса, тўқмоқ, тўр, ёлли отни миниб, Ҳасанхон ўн беш кунлик ойдай бўлиб, тараққос-тараққос бойлаб, остидаги отни ўйнаб, суқсурдай бўлиб келяпти. *(«Ўзбек халқ достонлари».)* 5. Чол шошиб чодирдан чиқди-да, ўчоқдаги ўтни баландлатиб қозонга гуруч солди. *(С. Аҳм.)* 6. От дукури эшитилди-ю, хаёл бўлинди. *(С. Аҳм.)* 7. Уларнинг кўрган-билганлари, ўйлари, интилишлари кўп жиҳатдан бир-бирларининкига ўхшаб, бу ўхшашлик уларнинг ички дунёларини бир-бирининкига яқинлаштирар, ораларида сирдошлик пайдо бўлиб борар эди. *(П. Қ.)* 8. Бир ёмғир ёғади, бир ёқимли шамол эсади. *(С. Аҳм.)* 9. Чиннихоннинг қорача юзига қон қуюлиб, унинг юзлари қуюқ қизғиш тусга кирган, кўзлари аланга таптидан қизигандай ялтирар эди. *(П. Қ.)*



**189-машқ.** Эргашиш йўли билан бириккан мураккаб қўшма гапларни кўчириб, эргаш гапларнинг қайси туридан тузилганини айтинг.

1. Агар садоқати самимий бўлса, хоқон ҳазратлари синаган бўлсалар, у тақдирда камина учун эътирозга ўрин йўқ. *(О.)* 2. Шуни айтмоқчи бўламанки, мен у кишига теккан эмасман, у киши мени олган эмас. *(А. Қ.)* 3. Йўл-йўриғи шуки, правлениега ариза берасиз, аризангизни колхозчилар кўриб чиқади. *(А. Қ.)* 4. Балиқ қорнин ёрганда, Пичоқ белга борганда, Чол бирдан чўчиб кетди. *(Ҳ. О.)* 5. Шартномамиз тўлсин деб, Ҳосиллар мўл бўлсин деб, Душман куйиб ўлсин деб, Меҳнат қилдик эрта-кеч. *(Қўшиқ.)* 6. Агар синиқ шиша бўлса ҳам, бировнинг мулки бўлса, хиёнат қилма. *(А. Қ.)*

**190-машқ.** Асқад Мухторнинг «Чинор» романидан бир неча эргаш гапли қўшма гапларга ўнта мисол топиб ёзинг. Уларнинг эргаш гапларнинг қайси туридан тузилганини аниқланг.

**191-машқ.** Аралаш қўшма гапларни аниқлаб кўчиринг.

1. Сулув унинг гапини эшитмади, чунки хаёли уйида, кўзи узоқларда эди. *(С. Аҳм.)* 2. Латифий қўли билан Холмуроднинг елкасидан турган эди, Холмурод уни ғазаб билан итариб юборди-да, ўзи ғизиллаб зал эшиги томонга кетди. *(П. Т.)* 3. Қатталар қанча ишласа, болалар ҳам шунча ишларди, бироқ хўжайин болаларга кам ҳақ тўларди. *(С. А.)* 4. Қизлар хурсанд, янграр шўх овоз, Гўё яқин эди ғалаба. *(У.)* 5. Ботирали ёнимда бўлганда, бағрим бутун, ҳамма нарсам саранжом, қайғум йўқ эди. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Қушлар чуғурлашадилар, булбуллар фарёд чекадилар, гуллар таналарига ёпишган сфтоб аламларини ютадилар. *(Ш. Р.)* 7. Дарахтлар кўкарса, майсалар яшнаса, бу ерлар яна ҳам чиройли бўлади. *(С. Аҳм.)* 8. Шоир демоқчики, булутдан ёмғир ёғади ва бу ёмғирда гул униб чиқади. *(С. Аҳм.)*

**192-машқ.** Қуйидаги гаплар ичидан боғловчисиз қўшма гапларни ажратиб кўчиринг. Қўшма гапнинг қисмлари орасида қандай боғловчиларни қўллаш мумкинлигини аниқланг.

1. Муяссар лоладай ёниб юзини четга бурар, Гулчеҳра билан Лариса қотиб-қотиб кулишарди. *(О. Ё.)* 2. Осмон кўм-кўк, ҳаво эса тоза, соф. *(Ш. Р.)* 3. Қаҳқаҳа чўл ичкарисида муттасил янграб турди, шабада аллақандай беҳол лолалар ҳидига ўхшаш ширин ҳидларни кўтариб келиб, димоққа уриб турди. 4. «Тиқ» этган товуш эшитилмайди, ўқтин-ўқтинда болохоналарда товуқлар питирлайди, ҳовлиларда мудраб ётган итлар уйқу аралаш ириллайди, қаердадир орқада, тўғонда қурбақалар қуриллайди. *(О. Ё.)* 5. Дашт офтоби уни шафқатсиз куйдирган, лекин у Муяссардай қораймаган, узунроқ юзи, бўйинлари, қўллари қандайдир қизғиш жигар ранг тусга кирган, шунинг учунми, баҳор осмонидай кўм-кўк кўзлари бурунгидан ҳам мовийроқ туюларди. *(О. Ё.)*

**193-машқ.** Қуйидаги қўшма гапларнинг нечта гапдан тузилганлиги ва улар орасида қандай бириктирувчи воситалар ишлатилганлигини аниқланг.

1. Ғофур эшикни очди-ю, уй эгаси яхши таниб олгунча, сарғиш тишларини кўрсатиб илжайиб турди. *(Ш. Р.)* 2. Шу воқеадан кейин

орадан анча ўтгач, Пўлат бадан тарбия дарсида кўрсатилган барча машқни бекаму кўст бажарди-ю, нима учундир ўқитувчи унга баҳони камайтириб қўйди. *(Ш. Р.)* 3. От шундай учқурки, бошимни кўтариб қарагунимча, қаёққадир ғойиб бўлди. *(О.)* 4. Шарофатхоннинг сўзи Унсинга қаттиқ текканидан, ранги ўчиб, ерга қараб қолди, лекин Гулнорнинг сўзи унга далда берди. *(О.)* 5. Пўлат қизга нисбатан бир ёш катта бўлса ҳам, икковлари бир синфда ўқир, ҳовлилари ҳам бир-бирига ёндош бўлиб, қадрдон қўшни эдилар. *(Ш. Р.)* 6. Коридорга чиқишганда, навбатдаги дарс бошланиб, атроф яна жим бўлиб қолганди. *(С. Аҳм.)*

**194-машқ.** Қуйидаги қўшма гаплар қисмларининг муносабатини схема билан кўрсатинг.

Намуна: *Севинч, қувонч юраклардан тошганда, Шодлик саси осмонлардан ошганда, Тўлқинимиз ер юзини босганда, Қимматхонлар, тантанангиз муборак.* (*Ғ. Ғ.*)




1. Қимнинг билагида кучи бўлса, ким ишнинг ҳавосини олса, ўша ударник бўлади. *(А. Қ.)* 2. Ёмғир ёққан, ер бўкиб ётган бўлишига қарамай, ғўзапоя суғуришга тушишди. *(О.)* 3. Тонг оғиб, булбуллар сайраб, чақмоқ чақиб, ҳаво булутланиб, момақалдироқ гумбурлаб, сел келди. *(Ш. Р.)* 4. Тонг ёришганда, тошлар шундай портладики, борлиқ ларзага келди. *(Ш. Р.)* 5. Қамтар бўлсанг, обрў ортар; гердайсанг, энса қотар. *(Мақол.)* 6. Шуниси борки, бу ердаги одамлар завод, мамлакат ҳақида гапирганда, чеҳралари очилиб, кўзлари нурланиб кетади. *(Ас. М.)* 7. Полвон ноқулай вазиятга тушди, пешанасидан муздек тер чиқиб, кўз олди хиралашди. *(С. Аҳм.)*

## ЎЗГА ГАП

**88-§.** Баъзан сўзловчи ўз нутқи ичида ўзганинг гапини ҳам ишлатади. Ўзганинг гапи ҳеч ўзгаришсиз берилса, кўчирма гап деб аталади. Ўзганинг гапини ифода этувчи шахс автор, унинг гапи эса автор гапи дейилади: ***„Пахта давлатли турмуш демакдир“,*** *— деди Жўрабоев. (Ш. Р.)*

Бу мисолда *Пахта давлатли турмуш демакдир* — кўчирма гап, *деди Жўрабоев* — автор гапи.

Кўчирма гап автор гапидан олдин, кейин ёки унинг ўртасида кела олади: ***„Тўғри, қолоқдан чўлоқ яхши“,*** *— деди қовоғини солиб Дилшод. (О.) Қанизак ўйчан жавоб берди:* ***„Москвага борсам, Ленинни кўрсам деган орзум бор“.*** *(А. Қ.) Сайрамов чолни икки қўли билан енгил, лекин самимий қучоқлаб:* ***„Ҳали кўнглингиз ғунчадай ёш, биламан, ота“,*** *— деди. (О.)*

Баъзан автор гапи кўчирма гапнинг ўртасида келиши ҳам мумкин: ***„Жуда тўғри, ҳақ гап“,*** *— деди бош билан тасдиқлаб Болтабоев,* — ***ҳамма ютуқларимиз бирлик орқасида келаётир“.*** *(О.)*

**195-машқ.** Гапларни кўчиринг. Кўчирма гапнинг тагига тўлқинли, автор гапининг тагига тўғри чизиқ чизинг.

1. Чордарага, шоликорлар кенгашига бордим: «Юқори ҳосил етиштиришнинг сири нимада?» — деб савол беришди. *(С. Аҳм.)* 2. «Ҳар соатни ганимат бил», — деди Саксон ота. *(О.)* 3. «Қорлар ёғиб, излар босилди», — деди мулойимлик билан Ғофур. *(Ш. Р.)* 4. Погодин ғўзага тикилган ҳолда ғурур билан гапирди: «Битта қалдирғоч келиши билан баҳор бўлмайди, бироқ битта қалдирғоч ҳам баҳорнинг жарчиси бўла олади». *(Ш. Р.)* 5. «Хўш, қандай янгиликлар бор?» — деди Ўктам. *(О.)* 6. Овчилардан бири: «Шаҳарга элтиб бер», —деди. *(П. Қ.)* 7. Оилавий аҳволимни суриштирди, кейин: «Шу ерларга ирригатор бўлиб бора олмайсизми?» — деди харитани кўрсатиб. *(С. Аҳм.)*

**89-§.** Ўзганинг гапи баъзан сўзловчи (автор) томонидан ўзлаштириб айтилади. Ўзга гапнинг мазмуни сақланиб, шакли ўзгартирилиб айтиладиган бундай тури ўзлаштирма гап деб аталади. Қиёсланг: *«Китоб кишини кўп нарсага ўргатади», — деди Комилжон — Комилжон китоб кишини кўп нарсага ўргатишини айтди.*

Бу мисолларнинг ҳар иккисида ҳам ўзганинг гапи баён қилинган, лекин биринчисида Комилжоннинг гапи ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгаришсиз, айнан берилган. Иккинчисида эса мазмуни сақланган ҳолда, шакли ўзгартириб берилган. Шунга кўра, биринчи гап кўчирма гап, иккинчи гап ўзлаштирма гап ҳисобланади.

Кўчирма гапнинг ўзлаштирма гап шаклида берилиши:

| Кўчирма гап | Ўзлаштирма гап |
|---|---|
| *«Тонг борлиқнинг кўзи ҳисобланади», — деди Йўлдош бобо. (Ё. Ш.)* | *Йўлдош бобо тонг борлиқнинг кўзи эканлигини айтди.* |
| *Марҳамат опа деди: «Манманлик, қизғанчиқлик, ёлғончилик, қўрслик қилсанг, сени ҳеч ким ёқтирмайди». (Ё. Ш.)* | *Марҳамат опа манманлик, қизғанчиқлик, ёлғончилик, қўрслик қилганларни ҳеч ким ёқтирмаслигини айтди.* |

**196-машқ.** Кўчирма гапларни ўзлаштирма гапга айлантириб ёзинг.

1. Суюма унга: «Отангиздан бирор маслаҳат чиқадими?» — деди. *(П. Қ.)* 2. «Ҳамма кўсаклар пишиб берса, ишимиз йирик», — деди у. *(О.)* 3. «Чол билан суҳбатлашишни кўпдан бери орзу қиламан», — деди Астахов. *(Ш. Р.)* 4. Комила станциянинг ягона ходими, ёш колхозчидан сўради: «Сиз ҳам станция қурмоқчимисиз?» *(О.)* 5. Олим-

жон чаққонлик билан велосипедга минди-да, орқасига қараб раисни огоҳлантирди: «Айтганларим партия топшириғи эканлигини унутманг, раис». *(Ш. Р.)*

**197-машқ.** Кўчирма ва автор гапларининг тартибини аниқланг. Уларни ўзлаштирма гапга айлантиринг.

1. «Рус билан ўзбек қўлни қўлга берса, ҳар мушкул осон», — деди Саксон ота. *(О.)* 2. «Ана замон. Ана ҳикмат!» — дер эди у яйраб кулиб. *(О.)* 3. «Қалай, раис кўзини очдими?» — деб сўради Қамчи. *(Ҳ. Ғ.)* 4. «Яшанг, ошпаз, — киноя билан қичқирди Ўктам, — билиб қўйингки, деҳқончиликнинг қозони бошқача бўлади: меҳнатни аямасангиз, баракаси оша беради, тсша беради». *(О.)* 5. «Кўп нарсаларни кўзимга кўрсатдингиз, яна кўп нарсаларни кўргани қўлимга чироқ бердингиз, Ўрмонжон ака», — деди Сидиқжон. *(А. Қ.)* 6. Жўра деди: «Қизлар звеноси — бу». *(О.)*

### Кўчирма гапда тиниш белгиларининг қўлланилиши

**90-§.** Кўчирма гаплар доим қўштирноқ ичида ёзилади. Автор гапи кўчирма гапдан олдин келса, автор гапидан кейин икки нуқта қўйилади. Кўчирма гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан ёзилади: *У мендан сўради*: «*Хушхат экансан. Ҳисобни биласанми?*» *(О.)*

Кўчирма гап автор гапидан олдин келса, кўчирма гапдан сўнг вергул ва тире қўйилади: «*Комсомолчасига гаплашайлик*», — *деди Нафиса. (Ас. М.)*

Агар кўчирма гап мазмунидан ҳис-ҳаяжон ёки сўроқ англашилса, сўроқ ва ундов белгиларидан сўнг қўштирноқ қўйилади, кўчирма гапдан сўнг эса тире қўйиб ёзилади: «*Нега яланг оёқ юрибсан?*» — *деб қулоғига пичирлади. (Ас. М.)* «*Раҳмат сизга, меҳрибон ўқитувчиларимиз!*» — *дедик барчамиз.*

Автор гапи кўчирма гап ўртасида келса, тиниш белгилари қуйидагича қўйилади:

а) кўчирма гапнинг узилган қисмида вергул, нуқтали вергул, икки нуқта қўйилган бўлса ёки ҳеч қандай тиниш белгилари бўлмаса, автор гапи ҳар икки томонидан вергул ва тире билан ажратиб ёзилади: «*Ефим тоғам, — деди Пўлатжон, — ҳамма вақт байроқдор бўлганлар*». *(Ҳ. Н.)* «*Ака, — деди у ҳаммани оғзига қаратиб, — самолётдан мени кўрдингизми?*» *(Ҳ. Н.)* «*Қўрқма, ўзим ёрдамлашаман, — деб далда берди Коля, — ўзинг яқинда комсомолга ўтасан*». *(Ҳ. Н.)*

б) икки содда гапдан тузилган кўчирма гапнинг биринчисидан сўнг нуқта қўйилган бўлса, автор гапидан олдин вергул ва тире, ундан кейин эса нуқта ва тире қўйилади. Кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан ёзилади: «*Мана шу бўрсиқ Мирзачўлда яккаланиб қолган ҳайвонларнинг энг охиргиси, — деб таъкидлади бобом. — Менинг номимдан ҳайвонот боғига бериб юбор*». *(Ғайратий.)*

в) агар кўчирма гапнинг узилган ерида сўроқ ёки ундов белгиси қўйилган бўлса, автор гапидан олдин тире, автор гапидан кейин эса



нуқта ва тире қўйилади. Кўчирма гапнинг давоми бош ҳарф билан ёзилади: «*Тавба! — деди Аваз. — Эрталаб айиқни алдай олмаган одам энди мени алдамоқчи бўласиз. (П. Қ.)* «*Фалонга шуми? — деб сўради бир бола. — Жуда хунук бўлар экан*». *(Ё. Ш.)*

Кўчирма гап автор гапи орасида келса, автор гапининг узилиб қолган қисмидан сўнг икки нуқта қўйилади; кўчирма гап бош ҳарф билан ёзилиб, қўштирноқ ичига олинади. Кўчирма гапдан кейин вергул ва тире қўйилиб, автор гапининг давоми ёзилади: *Қаландаров бош силкиб:* «*Зулфиқоров яхши бригадир*», — *деди. (А. Қ.)*

Кўчирма ва автор гапларининг турлича ўринлашишига қараб, тиниш белгиларининг ишлатилишини схема билан қуйидагича кўрсатиш мумкин (автор гапи А, кўчирма гап К ҳарфи билан кўрсатилади):

1. АК




2. КА




3. КАК



## 4. АКА




**198-машқ.** Гапларни ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилишини изоҳланг.

1. Шодмон ака кулиб деди: «Чирчиқ, Бекобод шаҳарларига борсангиз, оғзингиз очилиб қолади». *(Ё. Ш.)* 2. «Энг оғир кунларда ҳам яйловдан кечмаганман, энди ташлаб кетармидим», — деб жавоб берди Йўлдош бобо. *(Ё. Ш.)* 3. Пода шов-шуви ичида Полвон отанинг: «Қўрқма, чироғим, Полвоннинг қўлидан мол боласи қочиб қутулган эмас», — деган овози эшитилди. 4. «Раҳмат, директор бува», — деганича бола яна чопиб кетди. *(Ш.)* 5. Онам бувимга қараб дейди: «Қўйинг, ўқисин, мулла бўлсин болам». *(О.)* 6. «Кечикдингиз, Ойқиз, — деди Погодин тантана билан, — мен қовун учун ер ҳозирладим». *(Ш. Р.)* 7. «Ма, буни тик, — деди у яктагини ечиб, — ма». *(А. Қ.)* 8. «Бўл, энди гапир», — деди Салима Замирани туртиб. *(Ҳ. Н.)*

**199-машқ.** Кўчирма гап ва автор гапини аниқлаб, тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Барно узр сўрагандай, овозини пасайтириб деди энди сизнинг гапларингизга қулоқ соламан. *(Ҳ. Н.)* 2. Ҳа деди Нафиса қатъий қилиб айтмоқчи эмас эдим энди айтадиган бўлдим. *(Ас. М.)* 3. Бу — ҳақиқат! деди Ориф ака. *(Ас. М.)* 4. Азимжон кун тиғига қолмай йўлга чиқиб, олайлик! деди Очил бува машина томон юриб. *(Ас. М.)*

5. Адабиёт гап бошлади,
Янги фикр ахтариб,
Мен дарсларнинг бурросиман
Дер дарровдан мақтаниб. *(П. М.)*

6. «Она тили» туриб деди ўз тилини билмай туриб, Билиш қийин бошқани. *(П. М.)* 7. Бу ўлжалар деди Олимов болаларни тинчитиб мактаб биология кабинетига керак. *(Ҳ. Н.)* 8. Мен ҳам, биродар, сендан қолишмайдиган бўламан дерди у Карповичнинг суратига қараб. *(Б. Полевой.)* 9. Энди дам оламиз деди Бектемир Зинанинг совуқ, оқарган юзини силаб. *(О.)* 10. Буксирни қисқа боғланг деб буюрди Комила. *(Ас. М.)*

**200-машқ.** Нуқталар ўрнига автор гапини ва тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Звеномиз аъзолари спорт мусобақаларида биринчи ўринни эгалладилар... 2. Бизга чой келтириб берсангиз... *(Ё. Ш.)* 3. Қирғовул билан бедана... ҳеч қачон тушган жойида турмайди. *(Ё. Ш.)* 4. Сизлар биметалл пластинкани ўқигансизлар, ёдларингдами?... *(Ё. Ш.)*



5. Тўғри, бизнинг звено бу йил планни ортиғи билан бажаришни мўлжаллаган... Ғўзамизнинг чўғи яхши. *(Ё. Ш.)* 6. Шержон... отларинг пойгага тайёрми? Тайёр... эгарласам бўлади. *(Ё. Ш.)*

**201-машқ.** Кўчирма гап ва автор гапи («К», — А.) шаклида тузилган мисолларни, автор гапи ва кўчирма гап (А: «К».) шаклига келтириб, тиниш белгиларига риоя қилиб кўчиринг.

1. «Мен маймунжон тергани шу ергача келган эдим», — деди Кўзибой. *(Ҳ. Н.)* 2. «Қани, укажонлар, ашулани тўхтатманглар», — деди Марҳамат. *(Ҳ. Н.)* 3. «Ариларнинг ғашига тега кўрманглар, бир ёпишса қўймайди», — деб огоҳлантирди Олимов. *(Ҳ. Н.)* 4. «Ота, қаергача қувиб бордингиз?» — деди Ҳайдаров чолнинг гапларини тез-тез ёзиб борар экан. *(С. Аҳм.)*

**202-машқ.** 201-машқдаги биринчи ва иккинчи мисоллардаги кўчирма гапларни автор гапи орасига олиб, (А: «К», — А. шаклида), учинчи ва тўртинчи мисоллардаги автор гапини кўчирма гап орасига олиб, («К, — А, — К». шаклида) кўчиринг. Тиниш белгиларига риоя қилинг.

# ПУНКТУАЦИЯ

## ЎЗБЕК ПУНКТУАЦИЯСИНИНГ АСОСЛАРИ

**1-§.** Пунктуация тиниш белгиларининг қўйилиш ўрнига оид қоидалар тўпламидир. Ўзбек пунктуациясининг жуда кўп қоидалари гап қурилиши (структураси) га асосланади. Масалан: 1) боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар зидловчи боғловчилар ёрдамида бирикса, бундай боғловчилардан олдин вергул қўйилади; 2) боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар юкламалар, *бўлса, эса* элементлари ёрдамида бирикканда ҳам, содда гаплар орасига вергул қўйилади; 3) эргаш гап бош гапнинг ичида келса, ҳар икки томонидан вергул билан ажратилади.

Айрим пунктуация қоидаларида, гап структурасидан ташқари, гапларнинг мазмун муносабатлари ва айрим маъно нозикликлари, баъзан эса интонация ҳисобга олинади. Масалан: 1) боғловчисиз қўшма гап таркибидаги иккинчи гап биринчи гапнинг бирор бўлагини изоҳласа, унинг мазмунини тўлдирса, бундай содда гаплар орасига икки нуқта қўйилади; 2) боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар зидлик мазмунини англатса, улар орасига тире қўйилади; 3) буюриш мазмунини ифодалаган ва кучли оҳанг билан айтилган буйруқ гаплар охирига ундов белгиси қўйилади; 4) орзу-истак, илтимос, маслаҳат мазмунини ифодалаган, майин оҳанг билан айтилган буйруқ гаплар охирига нуқта қўйилади.

Ўзбек пунктуациясида қуйидаги тиниш белгилари ишлатилади: нуқта, сўроқ белгиси, ундов белгиси, кўп нуқта, вергул, нуқтали вергул, икки нуқта, тире, қавс, қўштирноқ.



30234

2-§. Юқорида санаб ўтилган тиниш белгилари қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

I. Нуқта мана бундай ўринларда қўйилади:

1. Дарак гап охирига: *Клуб пештоқида ҳилпираб турган қизил байроқ унинг кўзига чўғдек кўринарди. (Ш. Р.)*

2. Орзу-истак, илтимос, маслаҳат мазмунини билдирган буйруқ гаплар охирига: *Майли, боринг бўлмаса, дўстларингиз қараб қолмасин. (Р. Ф.)*

II. Сўроқ белгиси сўроқ гап охирига қўйилади: *Ҳозир бир центнер пахта неча меҳнат кунига тушади? (А. Қ.)* Автор гапидан олдин келган кўчирма гап сўроқ гап бўлса, сўроқ белгиси сақланади: *«Яна келармикан?» — деб сўради, холос. (Ас. М.)*

III. Ундов белгиси қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Ундов гап охирига: *Азиз устозлар, янги йил байрамингиз муборак бўлсин!* Риторик сўроқ гапларда нутқнинг таъсирчанлигини ошириш учун сўроқ белгисидан сўнг ундов белгиси ҳам қўйилади: *Ахир, Ватаним бепоён, кенг-ку. Мирзачўлда билагимни шимариб мен ишламасам, ким ишлайди?!*

2. Буйруқ мазмунини билдириб, кучли оҳанг билан айтилувчи буйруқ гап охирига: *Ёшлик, қариликни суриштириб ўтирмайлик! (М. Г.)*

3. Ҳис-ҳаяжон билан айтилган ундалмадан кейин: ***Олимжон ака!*** *Ерларимизни қондириб, қондириб суғорайлик! (Ш. Р.)*

4. Ҳис-ҳаяжон маъносини ифодаловчи ундов ва модал сўзлардан кейин: ***Салом!*** *Кирсам бўладими? (У.)* ***Оҳо!*** *Қалай экансиз?! Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур! (Ҳ. Ҳ.)*

5. Автор гапидан олдин келган кўчирма гапда ҳам ундов белгиси сақланади: *«Танкларни ёндиринглар!» — деб қичқирди Куценко. (И. Р.)*

IV. Кўп нуқта тугал бўлмаган ёки турли сабаб билан бўлинган нутқнинг, шунингдек, қисқартириб олинган цитатанинг охирига қўйилади: *Ака-укалар қандай чиройли, қандай ақлли, қандай ростгўй ва камтарин, меҳнаткаш ва меҳнатсевар эдилар... (Ш. Р.)*

V. Вергул қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

1. Уюшиқ бўлакларни ўзаро ажратиш учун: а) санаш оҳанги билан бириккан уюшиқ бўлакларни ажратиш учун: *Қумқишлоқ кишилари большевик Ботирали улар учун, халқ учун, революция учун жонини фидо қилганини билиб қўйишсин. (Ҳ. Ғ.)* б) зидловчи боғловчилар билан бириккан уюшиқ бўлакларда шу боғловчилардан олдин: *Мулозимлар унинг ювош, лекин жуссаси жуда келишган йўрға Қорабайир отини кўндаланг қилишди. (О.)* в) такрорланувчи боғловчилар билан бириккан уюшиқ бўлакларда такрорланган боғловчидан олдин: *Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари ҳам шоир, ҳам илмпарвар эмишлар. (О.)*

2. Ундалмани ажратиш учун: а) ундалма гап бошида келса, ундан кейин: ***Умматали,*** *сени ўртоқ Охунбобоев табриклаб телеграмма юборибдилар. Ма, ол, ўқи! (С. Аҳм.)* б) ундалма гап охирида келса, ундан олдин: *Сизни илгарироқ сайласак бўларкан, Аширали ака. (Ҳ. Ғ.) Садоқат билан хизмат қил,* ***ўғлим!*** *(Ҳ. Ғ.)* в) ундалма гап ичида келса, ҳар икки томонидан вергул билан ажратилади: *Ҳеч ташвиш тортмагайсиз,* ***ойи,*** *мен тинчман. (О.) Гап шу,* ***биродарлар,*** *душманга, жабрга қарши курашга тайёрланиш керак! (О.)*

3. Кириш сўз ва кириш бирикмани ажратиш учун: а) кириш сўз ва кириш бирикма гап бошида келса, ундан кейин: ***Демак,*** *пахтадан нормал ҳосил олишга бутун куч ва имкониятлар муҳайё. (Ғ. Ғ.)* б) гап охирида келса, ундан олдин: *Ишнинг бир қисми машиналар билан бажарилади,* ***албатта.*** *(Ш. Р.)* в) гап ичида келса, унинг ҳар икки томонидан вергул билан ажратилади: *Мактабимиз ўқувчилари,* ***менинг эшитишимча,*** *олимпиада ғолиби бўлибдилар.*

4. Ажратилган иккинчи даражали бўлакларни ажратиб кўрсатиш учун: а) ажратилган аниқловчиларда: *Ўрик гулини эслатувчи қор гирдобидан қутулмоқчи бўлгандек елаётган суворийнинг,* ***Фарғона йигитининг,*** *бор диққати илон изидек ўрмалаган йўлда. (С. Аҳм.)* б) ажратилган изоҳловчиларда: *Устанинг шогирди,* ***ўн тўрт яшар Йўлдош,*** *дераза олдида ўтирарди. (О.)* в) ажратилган тўлдирувчиларда: *Бола тақлидчи бўлади: у сизга,* ***ўз отасига,*** *тақлид қилишга ҳаракат қилади. (С. З.)* г) ажратилган ҳолларда: *Пастликдан,* ***Қичқирик томондан,*** *эсаётган салқин шамол яшигимиз олдидаги ўрикнинг тилла ранг барглариии читир-читир узиб учиради. (Ҳ. Ғ.)* д) оборот формасидаги ажратилган ҳолларда: ***Қаҳратон қишда ялангоёқ муз босиб, саратонда қизғин қум кечиб,*** *иссиқда, совуқда обдон пишган йигитни ҳам кун хийла бетоқат қилган эди. (О.)*

5. Боғланган қўшма гапларда: а) содда гаплар зидловчи боғловчилар ёрдамида бирикса, шу боғловчидан олдин: *Қовун пишмаган,* ***лекин*** *сап-сариқ пишган дўмбоқ-дўмбоқ ҳандалаклар кўп эди. (О.)* б) юкламалар, *бўлса, эса* элементлари ёрдамида бириккан содда гаплар орасига: *Катта-катта очилган пахталар тўлқин уриб кўпирган денгизларни эслатарди, пахта тераётган машиналар эса кемадай сузиб юрарди. (Ш. Р.)* в) айирувчи ҳамда инкор боғловчилари ёрдамида бириккан содда гапларда эса такрорланиб келган боғловчидан олдин: ***Гоҳ*** *олислардан қизларнинг шўх яллалари эшитилар,* ***гоҳ*** *булбулларнинг ёқимли сайрашлари бизни мафтун қилар эди. (О.)*

6. Эргашган қўшма гап таркибидаги эргаш гапни бош гапдан ажратиш учун: *Яратиш жараёни қанча мушкул бўлса, яратилган маҳсулот шунча ноёб ва шунча қадрли бўлади. (Ш. Р.) Одам нима яхши бўлса, шуни қилиши керак. (Ў. Умарбеков.)*

7. Бир неча эргаш гапли қўшма гап таркибидаги эргаш гапларни бир-биридан, шунингдек, бош гапдан ажратиш учун: *Гарчи қопласа ҳам ўлкани ёнғин, Ёзган бўлса ҳамки ўлим қанотин, Гарчи бало, офат, даҳшат, мусибат Ёнган гулзорларда чопса ҳам отин, Мен баҳор қўшиғин куйлайман дадил! (У.)*

8. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги бир пайтда ёки кетма-кет бўладиган воқеа-ҳодисаларни ифода этувчи содда гапларни ажратиш учун: *Баҳодир халқимиз ғалаба қилди, яна изга тушди фаровон ҳаёт. (З.) Ҳамма қувноқ, ҳамманинг юзида бахт балқиб турибди. (С. З.)*

9. Кўчирма гап дарак гап бўлиб, автор гапидан олдин келса, қўштирноқдан кейин вергул қўйилади: *«Сиз ҳаддан зиёд кўнгилчан ва олижанобсиз», — деб эътироз билдирди Ҳайдар қизиққонлик билан. (Л. Бать.)*

VI. Нуқтали вергул боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмун жиҳатидан мустақил бўлса ёки улар таркибида вергул ишлатилган содда гаплар орасига қўйилади: *Далалар кўм-кўк майса билан қопланган, ток новдалари найча куртак отганди; йўл ёқасидаги дарахтлар япроқчалар чиқарган, денгиз томондан шабада эсиб қолганди. (Э. Хеменгуэй.) Қаландарсвнинг таклифи, шубҳасиз, ўтмайди; унда раисниг сбрўйи тушади. (А. Қ.)*

VII. Икки нуқта қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Уюшиқ бўлаклардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан кейин: *Зиёфатга Ҳирстчинг энг илғор кишилари: олимлар, шоирлар, ҳофизлар, машшоқлар, хаттотлар, машҳур ҳунармандлар, муқовасозлар ва эгарсозлар тўпланишган эди. (Л. Бать.)*

2. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги биринчи содда гапнинг бирор бўлагини изоҳлаган, унинг мазмунини тўлдирган, иккинчи содда гап олдидан: *Буйруғим шундай: куч-қувватларингизни йиғинг-да, дарҳол далага жўнанг. (Ш. Р.)*

3. Кўчирма гапдан олдин келган автор гапидан сўнг: *Ойқиз ўзини оғирликка солиб, майин овоз билан қатъий буюрди: «Ўтиринг! Ўзингизни босинг!»*

VIII. Тире қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Эга билан кесим орасига: а) кесим от, олмош ва сон билан ифодаланиб, кесимлик қўшимчасисиз қўлланганда: *Тинчлик — фаровон ҳаёт манбаи. Олти карра беш — ўттиз.* б) эга ёки кесим ҳаракат номи билан ифодаланганда: *Озодлик мулкимиздир, ҳунаримиз — яратиш. (З.) Орзум — яна Мирзачўлга, жонажон қишлоғимга, бориб ишлаш. (М. Қориев.)* в) эга кўрсатиш олмоши билан ифодаланганда, кесим кесимлик қўшимчасини олмаса: *Йўл водий тагида ва ён бағирлар бўйлаб жойлашган катта қишлоқнинг кўчаларига олиб киради. Бу — Ҳамзабод қишлоғи. (А. П. Колбинцев.)*

2. Уюшиқ бўлаклардан кейин келган умумлаштирувчи сўздан олдин: *Энди колхоз устахоналари, даладаги оғир ишлар, сигир соғиш, қўйнинг жунини қирқиш — ҳаммаси электр билан қилинади. (И. Р.)*

3. Состави кенг бўлган ёки ичида вергул ишлатилган ажратилган бўлакларда: *Ўнгда — биздан ўттиз-қирқ метрлар нарида — муз қатламининг чети кўриниб турарди.*

4. Киритма гапни ажратиш учун: *Қўлга базўр илинадиган кичкина қалам билан — у бу қаламчани ер-кўкка ишонмас эди — махорка қоғозларига ёзиб, Йўлчига русча ҳарфларни танитди. (О.)*



5. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар: а) зидлик мазмунини англатса: *Кечаси совуқ — кундузи иссиқ;* б) биринчи гап мазмуни иккинчи гап мазмунига ўхшатилса: *Қўшининг тинч — сен тинч. (Мақол.);* в) биринчи гап иккинчи гап кесимидан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиш натижасини ёки шартини билдирса: *Ишнинг кўзини бил — дала ҳам обод, чойхона ҳам. (О.) Колхозчиларни бириктир — ҳар бирининг юрагида бўрон қўзғалади. (О.)*

6. Кўчирма гапдан кейин ёки унинг ўртасида келган автор гапини ажратиш учун: *«Ҳамма гап меҳнатда ва тажрибада», — деди Ўктам. (О.) «Остимизда олов дарё ўтади, — деди чўпон ота, — буғ олов бўлиб ёнади». (Ш. Р.)*

7. Савол-жавобдан иборат ҳар бир луқмадан (репликадан) олдин:

*— Ҳув, ана. кўряпсанми?*
*— Нимани?*
*— Гумбаз тепасидаги лайлакнинг инини.*
*— Кўряпман.*
*— Ўша инда лайлак бола очади.*
*— Ўша инда-я?*
*— Ҳа...*

IX. Қавс киритма гапни ажратиш, шунингдек, авторнинг турлича изоҳларини ифодалаш учун ишлатилади: *Қизил духобага ўралган дафтарчанинг жилдига (Қаландар буни кейин, мадрасага қайтгач кўрди) зар билан шу сатрлар битилган эди. (О. Ё.)*

X. Қўштирноқ кўчирма гапни автор гапидан ажратиш учун ишлатилади: *«Ўртоқ Турсуной Охунова шу киши бўладилар», — деб ёш жувонни бизга таништирди. (Ҳ. Н.) Сергей эшик олдида турган соқчига буюрди: «Хотинларни киритинг!»* Бирор асардан айнан кўчирилган нутқ парчалари (цитаталар), ажратиб кўрсатилган сўз, терминлар, номлар, кўчма маънода ишлатилган сўз ва бирикмалар ҳам қўштирноқ ичига олинади: *«Хато қилмайдиган кишигина ақлли киши бўлавермайди». (В. И. Ленин.) Илмий конференцияда «мева» тушунчасини ифодаловчи тарихий номлар ҳақидаги доклад ҳам тингланди. 1975 йили «Правда» газетасида «сахий» ноширлар тўғрисида танқидий мақола босилди.*

**1-машқ.** Гапларни ўқинг, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Энди ишимиз — беш. Энди сен билан биз ғолиб чиқдик. *(Ю. Семёнов.)* 2. Тўғри, Олим — машҳур раис, райком аъзоси, депутат, ҳаммамиз уни ҳурмат қиламиз. *(Ф. Ниёзий.)* 3. Адолатсизлик гардларини киши қалбидан ювиб ташламоқ — улуғ бахт! *(Ш.)* 4. Унинг назарида, ҳар бир чаноқ — бахт табассуми, ҳар бир тола — қон томири; у пахта билан тирик, пахта — унинг ҳаёти, пахта — унинг касби, унинг қувончи. *(И. Р.)* 5. «Азиз отамизнинг фикрини, йўлини ҳимоя қилмоқ учун, — деди Султонмурод бўғиқ ва ҳазин овоз билан, — қиличингизни маҳкам тутинг, баҳодир!» *(О.)* 6. Шу пайт қабулхонага қўшни «Социализм» колхозининг раиси — Қаландаровнинг қалин ошнаси — Уммат Назаров кириб келди. *(А. Қ.)* 7. Мактабни, мактабдошларимни ҳар қанча қўмсасам ҳам, отамнинг

раъйини қайтара олмадим. *(П. Қ.)* 8. Ана, жадвалларнинг ёнида, бурчакдаги жавонда, Мирзо Улуғбекнинг олти жилдли тарихий асарлари ёнида, Али Қушчининг ҳам китоблари турибди! *(О. Ё.)* 9. Бу — бизнинг чинакам меҳнатимизнинг натижаси! 10. Эрининг хотираси, болаларининг тарбияси, тинимсиз меҳнати, юрт ғамидан бошқа ташвиши йўқ у муҳтараманинг! *(Ҳ. Ғ.)* 11. Ёмон, яхши иш йўқ, ҳамма иш яхши! Бизда ҳалол меҳнат — одамнинг нақши! *(У.)* 12. Анварнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, кўчанинг ўртасига тушиб олиб, қўл кўтарди, аммо машиналар тўхтамас, уни майна қилгандай, ғизиллаб ўтиб кетарди. *(Ў. Ҳ.)* 13. Владимир Ильичнинг тинч уйқусидан (нисбатан тинч, чунки у уйқуда ҳам фикр қиларди) мамнун аёл меҳр тўла кўзларини ундан узиб хона тўрига ўтади-да, баҳор ва гўзаллик нишоналарини гулдонга териш билан банд бўлади. *(С. Азимов.)* 14. Бу ерда, Потсдамдан унча узоқ бўлмаган Бабельсбергда, ўзининг мўъжазгина каттежида якка ўзи турарди; унинг хизматчиси бир ҳафта олдин Тюрингияга, тоққа, жияниникига жўнаб кетган эди. *(Ю. Семёнов.)* 15. Эътиқод ва муҳаббат ёнма-ён бўлгани маъқул, бири — қалб, бири — қанот. *(Мирм.)* 16. Ўзбек халқининг сиздан қатъий талаби битта: душман йўлини тўсингиз, уни улоқтириб ташлангиз ва тезроқ тор-мор этингиз! *(Я.)* 17. Қора булутлар тарқала бошлайди, осмон кўм-кўк чарақлайди, майса, ўт-ўланлар қаддини ростлайди, дарахт шохлари илк баргларини чиқара бошлайди. *(С. Бородин.)*

**2-машқ.** Тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Ирода инсоннинг қудрати севиши ва севилиши нафрати ва қувончи вафоси ва ишончи демакдир. *(Ж. Абдуллахонов.)* 2. Унга Ватанники иши тушибдими демак у етук граждан. *(Ҳ. Ғ.)* 3. Бу ўсимликларга доир қалингина китоб эди. *(О.)* 3. Оқшомдагина кўчаларда боғ ва майдонларда одам тўлқини сийракланди. *(О.)* 4. Илм дарахтини яхши парвариш этиб юрт тупроғига чуқур томир ёйдирмоғимиз ва ундан мўл ҳосил олмоғимиз керак. *(О.)* 5. Олмалар анору анжирлар шафтоли беҳилар гилослар ғайнолилар ноклар камолга етди. *(Ҳ. Ғ.)* 6. Ташқари гулларга кўмилган садарайҳонлар қашқаргул ва атиргулларнинг ҳиди ҳавода анқирди. *(О.)* 7. Биз учун суви кул ранг денгиз фарзандлари учун бу бир жонли афсона. *(Ю. Смуул.)* 8. Мулла Абдулҳай қуллуқ қилинг етти ухлаб тушингизга кирмаган бахт қуши бошингизга қўнди. *(Ҳ. Ғ.)* 9. У боғда майсалар устида дарс тайёрлар эди. *(Ш.)* 10. Бахтимизга шимолдан бир оз шамол эса бошлади. *(Ю. Смуул.)* 11. Темурнинг кетидан машъал олиб кирдилар шу он уйнинг ичи ёришиб кетди. *(С. Бородин.)* 12. Наҳотки меҳнаткаш билан иш ёқмасни ўғри билан тўғриси дўст билан душманни ажрата олмасанг. *(Ш. Р.)* 13. Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди Билиб қўйки сени Ватан кутади. *(Ғ. Ғ.)* 14. Тажриба ҳам керагу аммо халқ истагини биладиган халқ овозини эшитадиган юрак зарур. *(Ш. Р.)* 15. Агар Ойқиз ноҳақ бўлса кенг пахтазор гиламдек яшнаб турармиди *(Ш. Р.)* 16. Ўн гектар ернинг атрофи колхознинг жамоат бинолари идора клуб мактаб радиоузел ва бошқалар билан ўраб олинган. *(С. Назар.)* 17. Хайр ўғлим оқ йўл бўл-



БИБЛИОТЕКА
Инв. №57917
Жен. пед. училище

син Хайр кўзим қораси Билким жангда билинади Мард йигитнинг сараси. *(Ҳ. О.)* 18. Қирғиз Ўроз белбоғига маҳкам чандиб тугилган биттагина сўлкавойни ким билади буни қачондан бери сақлаб келган чиқариб секингина ташлади. *(О.)* 19. Жисмимиз йўқолур ўчмас номимиз. *(Ҳ. О.)* 20. Лекин шуни эсда тутки шошилиш бефойда кечикиш хавфлидир. *(С. Бородин.)* 21. Унинг юрагида севинч ва ғурур тўлқин урарди чунки олтинсойликларнинг меҳнатсевар қўли билан яратилган бу денгизда унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди. *(Ш. Р.)*

**3-машқ.** Тиниш белгиларини қўйиб, керакли ўринларда кичик ҳарфни бош ҳарф билан алмаштириб, гапларни кўчиринг. Вергул, тире, қўштирноқларнинг ишлатилишини тушунтиринг.

1. Ўзбекнинг ўз халқига қилган хизмати унинг пахтачилик ривожига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади дея ўз сўзини дабдаба билан тугаллади Халилов. *(И. Р.)* 2. Меҳмонларга ҳар нав ширинликлар писта бодом қуруқ мевалар жуда мўл-кўл тортилди. *(О.)* 3. Комилжон билан Татьянани чақиринглар деди у қабулхонадаги ходимасига. *(И. Р.)* 4. Буларнинг ораларида шоиралар ғазалхонлар созанда қизиқчи ва раққосалар бўларди. *(Н. С.)* 5. Тоғда ҳам пастда ҳам қишлоқда ҳам далада ҳам ҳамма ерда фидокорона меҳнат тантана қиларди. *(Ш. Р.)* 6. Китоб сеҳрли кўзгу, борлиқ унда намоён. *(Ж. Жабборов.)* 7. Ватан тинч сен тинч. *(Мақол.)* 8. Меҳнатни Ватанни ҳаётни севиш унинг [illegible]й хислатларидан. *(У.)* 9. Атрофни қуршаган тоғлар қирлар [illegible]хтлар толлар ҳамма нарса баҳор ҳавосига чўмилгандай тиниқ ям-яшил кўринади. *(Ҳ. Н.)* 10. Нансеннинг ажойиб бир гапи бор инсон доимо илмга интилади илмга бўлган ташналик сўниши билан у инсонликдан чиқади. *(Ю. Смуул.)* 11. Сувер электр булар ҳаёт баҳорига янги гўзаллик ва янги нашъа бағишловчи кучлар эди. *(О.)* 12. Шуни яхши билингки Собир Умарович сизнинг жонингиз халқ учун ҳукумат учун партия учун керак. *(Я.)* 13. Район партия комитетидан ва сиздан ўртоқ Жўрабоев талабимшу! *(Ш. Р.)* 14. Оташин шоиримиз Ҳамид Олимжон мен халқимнинг юрагида яшайман деб ёзганида тўла ҳақли эди. 15. Дилинг оқ ниятинг холис раҳмдилсан қизим. *(Ш. Р.)*

**4-машқ.** Тушириб қолдирилган тиниш белгилари ва ҳарфларни ўз ўрнига қўйиб, шеърни кўчиринг.

## ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

Йўқ керакмас қ...йинг керакмас
Менга ором истаманг дўс...лар
Хилват соз де... қистаманг
дўс...лар
Қўйинг ...ундай ором керакмас
Нога...онда хаёлга ботсам
Ё у...ласам уйқ...тинг дарров

Номим тутиб сўз қотинг дарров
Бе...удага бир ёқ...а борсам
Қўлларимдан ушла... ўшал дам
К...рашларнинг са...ига қўшинг
Қ...р ярат денг ҳайқир денг
ж...ш денг
Шундай яшар одатда одам

*(А. Орипов.)*

# МУНДАРИЖА


Сўз боши . . . . . 3

## ФОНЕТИКА

Фонетика ҳақида умумий маълумот . 5
Нутқ товушлари классификацияси . 6
Бўғин . . . . . 14
Урғу . . . . . 14

### Графика ва орфография

Графика ҳақида умумий маълумот . 16
Орфография ҳақида умумий маълумот 17
Ҳарф ҳарфлар имлоси . . . . . 20
Ҳарим ҳарфлар имлоси . . . . . 26
Ўзбек кўчирилиши . . . . . 27
Бош ҳарфлар имлоси . . . . . 27

### Орфоэпия

Орфоэпия ҳақида умумий маълумот . 29
Унли товушлар орфоэпияси . . . . . 29
Ҳарим ундошлар орфоэпияси . . . . 31

## ЛЕКСИКОЛОГИЯ ВА ФРАЗЕОЛОГИЯ

Лексикология ҳақида умумий маълумот 33
Тушунча ва сўз . . . . . 33
Сўзнинг лексик ва грамматик маъно-
лари . . . . . 34
Лексик маъно турлари . . . . 36
Бир маъноли ва кўп маъноли
сўзлар . . . . . 37
Сўзларнинг стилистик бўёғи 38
Сўзларнинг стилистик бўёғи 38
Фразеология ҳақида умумий маълумот 40
Ибораларнинг турлари . . . . . 41
Омонимлар . . . . . 43
Синонимлар . . . . . 45
Антонимлар . . . . . 47
Ўзбек тили лексикасининг тарихий
қатламлари . . . . . 49
Ҳозирги ўзбек тилининг лексик сос-
тави . . . . . 50
Лексикография ҳақида умумий маълу-
мот . . . . . 53

## МОРФОЛОГИЯ

Морфология ҳақида умумий маълумот 57
Сўзнинг морфологик таркиби . . . . 57
Сўз ясалиши . . . . . 59
Сўз ясовчи туркумлари ҳақида умумий маъ-
лумот . . . . . 60

От
Отларнинг маъно жиҳатидан
турлари . . . . . 62
Отларда сон . . . . . 63
Отларда эгалик қўшимчалари
ва уларнинг имлоси . . . . . 64
Отларнинг келишиклар билан
турланиши ва уларнинг имлоси 66
Отларнинг ясалиши ва улар-
нинг имлоси . . . . . 73

Сифат
Сифат даражалари . . . . . 82
Ясама сифатлар ва уларнинг имлоси 83
Сифатларнинг ясалиши ва улар-
нинг имлоси . . . . . 85

Сон
Сонларнинг маъно жиҳатидан тур-
лари . . . . . 90
Сонларнинг тузилиш жиҳатидан
турлари ва уларнинг имлоси . 92

Олмош
Олмошларнинг турлари . . . . 96
Олмошларнинг ёзилиши . . . 100
Олмошларнинг тузилиш жиҳа-
тидан турлари . . . . . 101

Феъл
Ўтимли ва ўтимсиз феъллар . 103
Феъл нисбатлари . . . . . 104
Бўлишли ва бўлишсиз феъллар 106
Феълларнинг тусланиши . . . 107
Феъл замонлари . . . . . 109
Феълларнинг ясалиши ва улар-
нинг имлоси . . . . . 120
Равишдош . . . . . 123
Сифатдош . . . . . 125
Ҳаракат номи . . . . . 128

Равиш
Равишларда даража . . . . . 132
Равишларнинг ясалиши ва
уларнинг имлоси . . . . . 133
Кўмакчилар . . . . . 136
Боғловчилар . . . . . 138
Юкламалар . . . . . 142
Модал сўзлар . . . . . 142
Ундов . . . . . 144
Тақлидий сўзлар . . . . . 145

## СИНТАКСИС

Синтаксис ҳақида умумий маълумот . 148
Сўз бирикмаси . . . . . 148
Гап ҳақида умумий тушунча . . . . 154
Икки составли ва бир составли гаплар 155
Дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар . . . 156
Ундов гаплар . . . . . 159
Логик урғу . . . . . 161
Эга ва унинг ифодаланиши . . . . 162
Кесим ва унинг ифодаланиши . . . . 163
Эга ва кесим орасида тиренинг ишла-
тилиши . . . . . 167
Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари 168
Тўлдирувчи 169
Аниқловчи 172
Ҳол 176
Гап бўлаклари[illegible]тартиби . . . . 182
Гапнинг уюшиқ бўлаклари . . . . . 184
Гапнинг ажратилган иккинчи даража-
ли бўлаклари . . . . . 192
Ундалма . . . . . 196
Кириш сўз ва кириш бирикма . . . . 197
Бир составли гапнинг турлари . . . . 199
Тўлиқсиз гаплар . . . . . 205

### Қўшма гап

Қўшма гап ҳақида умумий тушунча . 209
Боғланган қўшма гап . . . . . 210
Эргашган қўшма гап . . . . . 215
Эргашган қўшма гап турлари . . . 216
Эга эргаш гапли қўшма гап . . . 216
Кесим эргаш гапли қўшма гап . . 217
Тўлдирувчи эргаш гапли қўш-
ма гап . . . . . 218
Аниқловчи эргаш гапли қўш-
ма гап . . . . . 219
Равиш эргаш гапли қўшма гап 219
Ўхшатиш эргаш гапли қўшма
гап . . . . . 220
Сабаб эргаш гапли қўшма гап 221
Мақсад эргаш гапли қўшма гап 222
Пайт эргаш гапли қўшма гап 224
Ўрин эргаш гапли қўшма гап 225
Шарт эргаш гапли қўшма гап 226
Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма
гап . . . . . 227
Натижа эргаш гапли қўшма
гап . . . . . 228
Боғловчисиз қўшма гаплар . . . 230
Мураккаб қўшма гаплар . . . . . 231
Бир неча эргаш гапли қўшма
гаплар . . . . . 232
Аралаш қўшма гаплар . . . . 234
Ўзга гап . . . . . 236
Кўчирма гапда тиниш белги-
ларининг қўлланилиши . . . . 238

### Пунктуация

Ўзбек пунктуациясининг асослари . . 241
Тиниш белгиларининг ишлатилиши . 242



Дилдора